


26.82 973
551
629

П. БАРАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

*Педагогика институтларининг география-биология
бўлими талабалари учун ўқув қўлланма*



Ушбу қўлланмада Ўзбекистоннинг табииати ва табиий бойликлари, фойдали қазилмалари, иқлими, сувлари, дарё-кўллари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, уларни асараш ва муҳофаза қилиш йуллари таҳлил этилади.

Шунингдек унда республиканинг табиий-географик районлаштирилиши ҳамда унинг баъзи бир назарий-услубий масалалари урганилган. Қўлланмада янги ўкув режаси ва дастури асос қилиб олинди.

Китоб олий ўкув юртлари талабалари ва география фани билан қизиқувчи ўқувчиларга мўлжалланган.

Паттоҳ Баратов

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

*Педагогика институтларининг география-биология
бўлими талабалари учун ўқув қўлланма*

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Муҳаррир Р. Мирхолиқов

Бадиий муҳаррир С. Гиленко

Техник муҳаррир Н. Винникова, Э. Вильданова

Мусаҳҳих Ш. Тўлаганов

ИБ 6334

Теришга берилди 05. 07. 93. Босишига руҳсат этилди 07. 02. 96. Формати 60×90^{1/16}. Тип. қорозӣ. Кегль 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 16,5+1,0 вкл. Шартли кр-отт. 17,69. Нашр л. 16,93+1,08 вкл. Тиражи 10000. Буюртма № 46.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 07-135-93.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижара китоб фабрикаси. Янгийўл, Самарқанд кӯчаси, 44. 1996.

Б 29

Баратов П.

Ўзбекистоннинг табиий географияси: Пед. институтларининг география-биология бўлими талабала-
~~и~~ри учун ўқув қўлл.— Т.: Ўқитувчи, 1996.—264 б.

ББК 26.82я73

Б 1805040100—98
353(04)—96 35—96

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996.

ISBN 5—645—02167—3.

МУАЛЛИФДАН

Ўзбекистон табиий географияси олий ўқув юртларида географик билимлар тизимининг энг муҳим ўқув фанларидан бири. Бу ўқув фани Ватанимиз — Ўзбекистон табиат унсурлари, уларнинг ҳолати, бир-бирига боғлиқлиги, табиий бойликлари, улардан омилкорлик билан фойдаланиб, муҳофаза остига олиш ҳақида билим бериш билан бирга республикамиз табиатидаги тафовутларни тушишиб олишга хизмат қиласди.

Ўқув қўлланма икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Ўзбекистон табиий шароитига умумий таъриф берилиб, ҳар бир табиат унсури алоҳида-алоҳида тавсифланади. Бунда ўша табиат унсурларининг ҳозирги аҳволи, уларнинг ҳолатига таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар, улардан келиб чиқаётган салбий оқибатларга тұхталиб ўтилади.

Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф берилаётганда ер усти тузилишининг хилма-хиллиги унинг геологик тузилиши ва ривожланиш тарихига, тектоникасига ҳамда табиатнинг бошқа унсурларига боғлиқлигига алоҳида аҳамият берилади. Бунда Ўзбекистон ҳудудининг рельефи узоқ давом этган мураккаб геологик ва тектоник жараёнлар оқибатида шаклланганлигига, рельефнинг асосий турларига, уларнинг генетик келиб чиқишига кўпроқ ўрин ажратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган қазилма бойликларининг жойлашиш қонуниятлари, уларнинг геологик тузилишига боғлиқлиги баён этилган.

Ўзбекистон рельефининг шаклланишида Ернинг ташқи динамик жараёнлари, жумладан иқлимий шароитлар ҳам иштирок этишлиги кўрсатиб (эол қум рельеф шаклларининг дунг-марза, бархан ёки ҳароратнинг исиб ва совиб кетишидан вужудга келган тоғларнинг жанубий, қурғоқчил қояли, қурумли ёнбағирлари) ўтилади.

Ўзбекистон иқлимига тавсиф берилганда энг аввало иқлим ҳосил қилувчи омилларга тұхталиб, сүнгра унинг унсурларининг (харорат, ёғин, намлик, шамол) ҳолати, ҳудудий жойлашиши, иқлим ресурслари рақамли курсаткичлар орқали баён этилади. Бунда нима сабабдан Ўзбекистон текислик қисмидаги ёзги ҳарорат юқори бўлиб, ёғин деярли ёғмаслиги, аксинча тоғларнинг гарбий ёнбағирлари бўйлаб юқорига кўтариленган сари унинг миқдорининг ошиш сабаблари кўрсатилган.

Ўзбекистон ички сувлари унинг иқлимий шароитлари билан

узвий алоқадорлиги қўлланмада баён этилиб, ички сувларнинг гидрологик хусусиятининг ўзига хослиги, унинг берк ҳавзага мансублиги, миқдори, ҳудудий жойлашиш қонуниятлари кўрсатиб утилади. Шунингдек, ички сувларга кирувчи дарёлар, кўллар, сув омборлари ва ер ости сувларига алоҳида тавсиф берилиб, уларни Ўзбекистон табиатининг бошқа унсурлари билан узвий алоқадорлиги иложи борича тушунтирилишга ҳаракат қилинди.

Қўлланмада инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида тупроқнинг эрозияга учраши, ифлосланиши, баъзи усимилик ва ҳайвон турларини ноёб турга айланиб қолишлиги, бинобарин, улардан оқилона фойдаланиб, муҳофаза остига олиш зарурлиги кўрсатилган.

Қўлланманинг умумий тавсифи охирида Ўзбекистон табиати ва табиий ресурсларининг ҳолати, уларга таъсир этувчи омиллар, улардан оқилона фойдаланиб, муҳофаза остига олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида, бу соҳада қўриқхона, халқ (миллий) боғи, буюртмаларининг аҳамияти кўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистон табиий ёдгорликлари ва уларнинг турлари, улар муҳофазага муҳтож эканликлари ҳақида фикр юритилади.

Ўқув қўлланманинг иккинчи булими Ўзбекистон ҳудудининг табиий-географик районлаштирилишига бағишиланади.

Қўлланмада ўрта умумтаълим мактаб дастурига яқинлаштириб талабалар учун муқобил бўлган районлаштириш тизими тавсия этилади.

Қўлланмани ёзишда янги ўқув режаси ва дастури асос қилиб олинди, Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларининг ҳозирги ҳолати, улардан омилкорлик билан фойдаланиб, муҳофаза остига олиш борасидаги ишларни ёритилганлиги ҳамда талабалар билимини текшириш мақсадида савол ва топшириқлар берилди. Булардан ташқари ушбу қўлланмада яна Ўзбекистон ҳудудини районлаштиришнинг янги тизими берилиб, Тошкент — Мирзачўл, Фарғона, Ўрта Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё округлари тоғолди-тоғ провинциясига киритилади. Шунингдек, округ ўз навбатида кичикроқ табиий-худудий комплекс ҳисобланган район ва ландшафтларга ажратилди.

Қўлланмада харитали маълумотлар кам берилди. Чунки муаллифлар атласларда учрайдиган баъзи хариталарни бермасликни маъқул кўрдилар. Шу туфайли янги харита ва чизмалар ёки кам тарқалган, баъзи чекка вилоят, туманларда топилиши қийин булган харита, чизма, жадвалларнингина бериш билан чекланилди.

Қўлланмадаги «Ўзбекистоннинг рельефи» ва «Геологик тузилиши» мавзулари профессор М. Маматқулов томонидан ёзилган.

Биринчи бўлим

ЎЗБЕҚИСТОННИНГ УМУМИЙ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

ГЕОГРАФИК УРНИ, ЧЕГАРАЛАРИ, МАЙДОНИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ўзбекистон Туркистоннинг марказий қисмида жойлашган. Унинг ҳудудининг асосий қисми Амударё билан Сирдарё орасида булиб, муътадил ва субтропик иқлим минтақаларида ўрнашган. Ўзбекистоннинг энг шимолий нуқтаси Устюрт платосининг шимоли-шарқида, Орол денизи қирғоғида булиб, $45^{\circ} 31'$ шимолий кенгликдадир. Энг жанубий нуқтаси эса Термиз шаҳри ёнида, Амударё қирғоғида булиб, $37^{\circ} 11'$ шимолий кенгликка тӯғри келади. Жумҳуриятимизнинг энг фарбий нуқтаси Устюрт платосида $56^{\circ} 00'$ шарқий узоқликда, энг шарқий нуқтаси эса Ўзбекистон билан Қирғизистон чегарасида, Ўзган шаҳри яқинида булиб, $37^{\circ} 10'$ шарқий узоқликдадир. Ўзбекистоннинг энг шимолий нуқтаси билан энг жанубий нуқталари орасидаги масофа 925 км, энг фарбий нуқтаси билан энг шарқий нуқталари орасидаги масофа эса 1400 км.

Ўзбекистон жануби-шарқда Тожикистон билан, шарқда Қирғизистон билан, шимол ва шимоли-фарбда Қозогистон билан, жануби-фарбда эса Туркманистон билан чегарадош. Жанубда Ўзбекистон торгина Сурхон-Шеробод водийсида Афғонистон билан чегарадошdir. Бу ерда Афғонистон билан Ўзбекистон чегараси Амударё орқали ўтади.

Ўзбекистон майдони 447,4 минг кв. км булиб Норвегия, Финляндия, Буюк Британия ва Италия каби давлатлар ҳудудидан катта. Ўзбекистон Бельгия, Голландия ва Дания каби давлатларнинг ер майдонларини қўшиб ҳисобласак ҳам улардан 4 марта каттадир. Жумҳуриятимиз ҳудуди Швейцария давлати ҳудудидан 10 марта зиёддир.

Ўзбекистон географик ўрнига кўра жуда қулай. Чунки унинг ҳудуди Туркистоннинг марказидаги табиий шароити қулай ва табиий бойликларга сероб бўлган ерларни ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг кўп қисмининг текислиқдан иборат бўлиши ҳамда серунум воҳаларнинг — Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Суҳондарё, Қўйи Амударёнинг мавжудлиги жумҳурият иқтисодиётининг ривожланишига қулай шароит яратиб берган.

Ўзбекистон Ўрта дениз атрофидаги мамлакатлар билан деярли бир географик кенгликда жойлашган. Ўрта дениз атрофидаги мамлакатлар субтропика кос ландшафт билан тавсифланади. Лекин Ўзбекистон илиқ океан ва денизлардан узоқда, материк ичкарисида жойлашганлиги туфайли табиий шароити жиҳатидан Ўрта дениз атрофидаги давлатлардан бутунлай фарқ қиласди. Чунки Ўзбекистон ҳудудининг шимолий қисми очиқ булиб, қишида

шимолдан ва шимоли-шарқдан эсувчи совуқ, қуруқ ҳаво оқими бемалол ички қисмларигача етиб қелади. Аксинча, жанубида баланд тоғларнинг мавжудлиги эса Ҳинд океанидан эсадиган нам ва илик ҳаво массаларини Узбекистон ҳудудига ўтишига тўсиқлик қиласди. Оқибат натижада Ўзбекистонда субтропика хос бўлмаган ландшафт вужудга келиб, ёз булутсиз, серофтоб бўлиб, жазирама иссиқ, қуруқ, қиши эса шу географик кенглиг учун анча совуқ бўлади. Бинобарин, Ўзбекистон субтропик иқлим минтақасида жойлашса-да, асосан чўлга хос бўлган ландшафт билан тавсифланади. Фақат атрофи тоғлар билан ўралган Сурхон-Шеробод водий-сидагина қуруқ субтропик ландшафт мавжуд, холос.

Ўзбекистон ҳудуди жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қараб чузилиб ўша томонга қараб пасайиб боради. Жумҳуриятимиз ер усти тузилиши жиҳатидан Тожикистон ва Қирғизистондан кескин фарқ қиласди. Ўзбекистон ҳудудининг кўп қисми (71%) дехқончилик учун қулай водийлар, текисликлар ва тоғ олди текисликларидан иборат. Текислик ерларнинг кўп бўлиши ва бу жойлардан Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчик, Қашқадарё ва бошқа дарёларнинг оқиб ўтиши, иқлимининг қулайлиги, суформа дехқончиликнинг ва айниқса, паҳтациликнинг жуда қадимдан ривожланишига имкон берган.

Археологларнинг маълумотига кура Ўзбекистон ҳудудида, хусусан Сурхондарё, Қуйи Амударё, Зарафшон, Фарғона ва Тошкент воҳаларида милоддан олдинги 3—2 минг йилликларда аҳоли суформа дехқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланган. Металл эритиб ҳар хил меҳнат ва ов қуроллари, ҳар хил буюмлар, хусусан зийнат буюмлари, ойна тайёрлаганлар, кулолчилик билан шуғулланганлар. Шунингдек, шойидан мато тўқиб ҳар хил кийимлар тикканлар. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида ўзбек ҳалқининг маданияти жуда қадимдан тараққий этганилигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви қулай бўлганилиги туфайли унинг ҳудудидан Шарқ билан Фарни боғловчи савдо йўли, хусусан машҳур «Ипак йўли» ўтган. Бу эса унинг иқтисодиётини, маданиятини янада ривожлантиришга сабабчи бўлган. Ўзбекистон ҳудудининг Туркистоннинг марказида жойлашганлиги ва асосан текисликлардан ташкил топғанилиги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун жуда қулай имкониятлар яратиб берган. Ўзбекистон ҳудуди орқали ҳамдўстлигимизнинг турли томонларига темир, автомобиль йўллари ўтиб, қўшни жумҳуриятлар билан иқтисодий алоқа қилиш шароити яратилган. Булар ўз навбатида Ўзбекистонни Туркистон ўлкасидағи жумҳуриятлар ичida иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланишига олиб келган.

Ўзбекистон табиий шароити хилма-хил бўлиб, ёзда ҳам қор ва муз билан қопланган, баландлиги 4688 м га етувчи Ҳазрати Сulton чўққиси билан бирга дengiz satxididan 12 m pastda turuvchi Mingбулоқ каби ботифи мавжуд. Жумҳуриятимизда ёзда ҳарорат офтобда 70—80° га етувчи, энг кам ёғин тушувчи (Оролбўйида йилига 70—80 mm) чўллар билан бир қаторда, сернам ва салқин (йилига 700—1000 mm) тоғлари, қишида ҳам январнинг ўртacha ҳа-

рорати 0° дан пастга тушмайдиган Сурхон-Шеробод каби қуруқ субтропикилар мавжуд.

Жумҳуриятимиз табиати шунчалик турли-туманки, унинг текислик қисмида бир неча юзлаб чақирим юрсангиз ҳам биронта дарёни учратмайсиз. Аксинча, тоғли қисмида эса ҳар қадамда ажойиб жилға ва сойларни, шаршаралар ҳосил қилиб оқувчи шұх дарёларни күрасиз.

— Узбекистон айниқса ер ости сувларига бой үлка ҳисбланиб, фойдаланиши мумкин бұлған миқдори секундига $906,9 \text{ м}^3$ ни ташкил этади. Бу ер ости сувининг күп қисми Ўзбекистоннинг текислик ва тоғолди қисмида жойлашган.

Ўзбекистон худудининг 71% ни ишғол қылған текислик қисмидә چұлға хос ландшафт шаклланған бұлиб, үсимлик ва ҳайвонот дүнөси шу шароитта мослашған бұлса, аксинча, тоғли қисмидә ландшафтларниң баландлық мінтақаланиши мавжуд. Булар үз навбатида Ўзбекистон табиатининг нақадар хилма-хил, ўта гүзәл ва бетакрор манзарага зәғә эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ер усти бойликларидан ташқари ер ости бойликлари билан ҳам машҳур. Унинг худудида олтин, мис, вольфрам, құрғошин, нефть, газ, күмир, дала шпати, алюминий хом ашеси, мармар, гранит, графит, ҳар хил тузлар ва бошқа жуда мұхим минерал-хом ашё бойликлари мавжуд.

Ўзбекистон ҳудудида 12 вилоят ва Қорақалпоғистон жумҳурияты жойлашған. Булар Тошкент вилояты (маркази Тошкент шаҳри), Самарқанд вилояты (маркази Самарқанд шаҳри), Навоий вилояты (маркази Навоий шаҳри), Андижон вилояты (маркази Андижон), Фарғона вилояты (маркази Фарғона), Наманган вилояты (маркази Наманган), Сирдарё вилояты (маркази Гулистан), Жizzах вилояты (маркази Жizzах), Бухоро вилояты (маркази Бухоро), Қашқадарё вилояты (маркази Қарши), Сурхондарё вилояты (маркази Термиз), Хоразм вилояты (маркази Урганч), Қорақалпоғистон жумҳурияты (майдони 165,6 минг km^2 , маркази Нукус).

Савол ва топшириқлар. 1. Осиё табиий харитасидан Ўзбекистон жумҳуриятининг географик үрнини аниқланып, унинг бошқа жумҳурияттар географик үрні билан таққослан, құлай ҳамда ноқулай томонларини гапириб беринг. 2. Езувсиз харитага Ўзбекистоннинг чекка нұқталарини тушириңг ҳамда географик координаталар ёрдамида унинг шимолдан жанубға, ғарbdan шарққа неча градус ва километр چүзилғанлыгини аниқланып. 3. Евросиёнинг рельефи, иқлими ва табиат зоналари хариталарини бир-бирига таққослан, Ўзбекистон табиатининг үзиге хос томонларини аниқланып.

ТАБИАТИ ВА ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИНИ ГЕОГРАФИК ҮРГАНИШ ТАРИХИ

Ўзбекистон Туркистаннинг марказий қисми бұлиб, бу ерда маданий ҳаёт жуда эрта бошланған. Шу туғайлы у ибтидоий одам яшаган манзилгоҳларга бой бұлған күхна мамлакатлардан бири-дир. Унинг гүзәл табиати, унумдор водий ва адирлари, ажойиб

манзарали тоғлари, қулай иқлими, ер-сув бойликлари жуда қадимдан маҳаллий ва хорижий кишиларни ўзига ром этган.

Археологик маълумотларга кура Ўзбекистон ҳудудида палеолит (милоддан аввалги 40000—12000 йилларгача), мезолит (милоддан аввалги 12000—5000 йиллар) ва неолит (милоддан олдинги 5000—3000 йиллар) даврларига оид қадими одамлар яшаган маконларнинг Сурхондарёда (Тешиктош), Фарғона водийсида (Исфайрамсой, Хўжабақирғонсой, Шўркўл), Зарафшон водийсида (Омонқўтон, Чўлпон ота), Чирчиқ—Оҳангарон водийсида (Хўжакент, Обираҳмат) ва Қуий Амударёда кўплаб учратиш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги 5000—3000 йилларда ёқ (неолит даврида) ибтидоий одамлар овчилик, чорвачилик ва ҳатто суформа дехқончилик билан ҳам шуғулланганлар, содда бўлса-да суфориш иншоотлари (тӯғон, ариқ, ҳовуз) қура бошлаганлар. Буларнинг ҳаммаси ўша даврда Ўзбекистон ҳудудида яшаган аждодларимиз атроф муҳит табиати ҳақида маълум даражада билимга эга бўлганлигидан далолат беради. Бинобарин, улар суфориш, суфориш иншоотларини қуриш учун энг аввало жойларнинг табиий шароитлари (рельефи, иқлими, ер-сув шароити) ҳақида маълум даражада билимга эга бўлганлар.

Ибтидоий жамиятда Ўзбекистон ҳудудида суформа дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши, меҳнат қуролларининг та-комиллашиб боришидан ташқари яна ҳар хил қурилишлар, зебзийнат учун тоф жинсларидан ҳам фойдалана бошлаганлар. Бу эса ибтидоий одамларнинг атроф муҳит табиий сирларини билиш доирасини янада кенгайишига, ҳатто тоф жинсларидан ўzlари учун зарур бўлган маъданларни (олтин, кумуш, қўроғонин, мис, қалай) ажратиб олиш имкониятига ҳам эга бўлганлар.

Ўзбекистон ҳудудида аниқ даврда кишилик жамиятининг ривожланиб бориши уз навбатида географик тасаввурларнинг та-комиллашишига сабаб бўлади. Бу даврга келиб жумҳуриятимиз ҳудудида давлат бирлашмалари — Сўғдиёна (Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида), Хоразм (Қуий Амударёда), Бақтрия (Сурхондарё ҳавzasида) вужудга келади. Натижада суфориш иншоотларини қуриш ишлари янада кенгаяди, қишлоқ ва шаҳарлар бунёд этилади, чорвачилик ва ҳунармандчилик тараққий этади, оқибатда инсоннинг табиатга таъсир доираси кенгайиб, яшаб турган жой табиат унсурлари (ер усти тузилиши, иқлими, сувлари, тупроқ-ўсимлиги) ҳақидаги географик билимлари янада та-комиллашиб боради. Буни ўша даврларда Ўзбекистон ҳудудида қурилган тӯғонлар, ариқлар, коризлар, ҳовузлар, қазиб олинган кон қолдиқлари, Афросиёб каби күҳна шаҳар харобалари тўла тасдиқлайди. Лекин милоддан олдинги асрларда Ўзбекистон ҳудуди табиати, ҳалқлари ва хўжалиги ҳақидаги географик маълумотлар деярли сақланмаган, улар чет эл босқинчилари (эронлар, юононлар) томонидан йўқ қилинган. Шу сабабли антик даврдаги Ўзбекистон ҳудуди табиати (тоғлари, водийлари, дарёлари ва бошқ.), аҳолиси ва хўжалиги ҳақидаги содда ва юзаки географик маълумотлар юонон олими Геродотнинг «Тарих» асарида учрайди.

Унда Мовароуннахр табиати, хусусан рельефи, дарё ва қўллари, аҳолиси ҳақида қисқа маълумотлар берилган.

Антик даврда Туркистон, жумладан Ўзбекистон географияси ҳақидаги нисбатан кенгроқ маълумотларни милоддан олдин яшаган юонон ва Рим олимлари Қвант Курций Руф, Ариян, Птолемейларнинг асарларида учратиш мумкин. Уларнинг асарларида Сүрдиёна давлатининг содда бўлса-да, орографик хариталари берилиб, унда Амударё — Окс, Сирдарё — Яксарт, Зарафшон — Политимет деб кўрсатилган. Ариян Зарафшон дарёси серсув бўлишига қарамай қўмлар орасига сингиб кетади, деб ёзган бўлса, Қвант Курций Руф эса Политимет — Зарафшон дарёси тоғли қисмидатор ва чуқур ўзандга оқишлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

Туркистон, жумладан Ўзбекистон ҳудудидаги чуллар, воҳалар, дарёлар ҳақидаги географик маълумотларни Страбон асарларида ҳам учратиш мумкин.

Антик даврда Туркистон ўлкаси ҳақидаги энг кўп географик маълумотлар Клавдий Птолемейнинг 8 жилдли «География» деб аталган асарида учрайди. Птолемей ўз асарида ва унга илова қилинган хариталарида Сирдарё, Амударё, Зарафшон каби дарёлар тилга олинниб, улар Қаспий денгизига қўйилади деб кўрсатилган. Харитада яна Сүрдиёна, Бақтрия давлатлари ва Туркистоннинг шарқида жойлашган тоғлар кўрсатилган.

Туркистон, жумладан Ўзбекистон табиий географик билимларининг такомиллаша боришида ўрта асрларда яшаган маҳаллий ва араб сайёҳ олимлари ишларининг ҳам аҳамияти катта.

Маълумки, V аср охири — VI аср бошларига келиб Хоразм ва Сүрдиёна ёзувлари, VI аср ўрталарида эса Урхун-Енисей ёзувлари тарқалади, бинобарин, ўша даврда саводли кишилар мавжуд бўлган ҳамда ўзлари яшаб турган ўлка табиати — текисликлари, воҳалари, яйловлари, тоғлари, дарё ва қўллари ҳақида билимларга эга бўлганлар. Лекин илк ўрта аср табиий географиясига оид билимлар сақланмаган. Бунга асосий сабаб араб қабилалари даврида уларнинг бир қисми йўқ қилинган бўлса, қолган бир қисмининг географик моҳияти ҳали деярли ўрганилмаганлигидир.

Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик билимларни ривожланиб боришида Ўрта асрда яшаган араб ва эрон сайёҳлари Ибн Хурдодбех, Ибн Рустад, Ал Масъудий, Истаҳрий, Ёқут, Ибн Батута қабилар ёзиб қолдирган маълумотлар ҳам диққатга сазовордир.

Араб сайёҳи ва географи Ибн Ҳурдодбех ўзининг «Масофалар ва мамлакатлар китоби» («Китоби ал масалик вал-момолик») асарида Туркистон табиати, хусусан замини ва ҳавоси, чўллари ва дарёлари (Чирчиқ, Амударё, Сирдарё), карvon йўллари ҳақида маълумотлар беради.

Қуйи Амударё воҳаси, унинг делтасидаги захкаш, ботқоқ жойлар, қўллар, Амударёнинг кўлга (Оролга) қўйилиши ва Оролнинг жанубий соҳиллари ва айниқса Устюрт чинклари ҳақидаги географик маълумотларни араб сайёҳи Ибн Рустаднинг географияга оид асарларида учратиш мумкин.

Ўзбекистон табиати, хусусан Амударё ва Хоразм воҳаси ҳақиқатаги ҳақиқатга яқин географик маълумотларни Абу Ҳасан Али Маъсъудий ёзиб қолдирган. У Амударё тоғлардан бошланиб, Термиз ёнidan ўтиб, гарбга қараб кўлга қўйилишини, бу кўлга яна бир катта дарё (Сирдарё) келиб қўшилишини, Хоразм воҳаси Амударёдан бир қанча каналлар орқали сув олишлигини ёзиб қолдирган.

Араб сайёҳи ва географи **Абу Исҳоқ Истахрий** «Иқлимлар китоби» («Китобул ақолим»)да Туркистон харитасини тузиб, унда ўлка географияси ҳақида умумий маълумотлар берилади, Амударё ва Сирдарё Орол кўлига қўйилишлигини кўрсатган.

Араб сайёҳи **Ёқут Ибн Абдулла** Туркистонга бир неча бор саёҳат қилиб, «Мамлакатларнинг алфавит рўйхати» («Муътумул булдон») номли географияга оид асарини яратди. Бу асарда Туркистоннинг табиати, аҳолиси, шаҳарлари, карвон йўллари ҳақида ба-тафсил маълумотлар беради.

Машҳур араб географи **Ибн Батута** Туркистонга қилган саёҳатида Устюрт, Хоразм, Қизилқум орқали Бухоро ва Самарқандга келади. У Устюрт, Кўйи Амударё, Зарафшон водийиси табиати, Урганч, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари, у ердаги тарихий обидалар ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган.

Туркистон, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидағи дастраслабки, илмий жиҳатдан мукаммал географик маълумотлар жаҳонга машҳур бўлган IX—XII асрларда яшаган туркистонлик қомисчи олимлар томонидан ёзиб қолдирилган. Улар 780 йил Хивада туғилиб, 850 йили Бағдодда вафот этган юртдошимиз **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний** (IX аср бошида туғилиб, 861 йили вафот этган), **Абу Абдулло Муҳаммад ибн ал Термизий** (861 йили вафот этган), **Абу Наср Форобий** (873 йили Туркистон шаҳри яқинидаги Фороб (Утро)да туғилиб, 950 йили Дамашқда вафот этган), **Абу Бакр Наршакий** (899—959 йиллар), **Абу Райхон Беруний** (973—1048 йиллар), **Абу Али ибн Сино** (980—1037 йиллар), **Маҳмуд Кошгари** (XI аср) ва бошқалардир.

Туркистонда география фанининг ривожланишида дунёга машҳур атоқли математик астроном ва географ **Муҳаммад ибн Хоразмийнинг** хизматлари буюкдир. Шу туфайли X. Ҳасанов IX—X асрларни қамраб олган ва Туркистон география фанининг туғилиш даврини «Муҳаммад Мусо Хоразмий — Балхий география мактаби» даври деб жуда тўғри атаган.

Мусо Хоразмий табиий фанларга оид жуда кўп асарлар яратган. Улар ичидаги энг муҳим географик ва картографик асари бу «Ернинг тасвири» («Сурат ал-арз») китобидир. Бу асар «Хоразмий географияси» номини олиб, унда Р. У. Раҳимбековнинг маълумотига кўра ер юзасидаги 537 та географик пункт, жумладан 200 дан ортиқ тоғларнинг тафсилоти, мамлакатлар, океанлар, денгизлар, дарёлар, кўллар ҳақида маълумотлар бўлиб, географик объектларнинг аниқ координаталари берилган. Мусо Хоразмий меридиан ёйининг бир градуси 111,8 км. га teng эканлигини (ҳақиқатда

111,0 км) ҳам исботлаб бердики, бу кейинги картографик ишлар учун (харита ва атласлар тузиш учун) асос бўлди.

Туркистон табиий географиясининг ривожига катта ҳисса қўшган фарғоналиқ буюк астроном, сайёҳ, географ Аҳмад Фарғонийидир. У кўп умрини Бағдоддаги «Донолар уйида» ўтказган ва ижод қўлган. Аҳмад Фарғонийнинг асарлари ичida географияга оид энг муҳим китоби «Астрономияга кириш» («Мадҳал ан-нужум») бўлиб, унда ер курасининг шарсизмонлиги далиллар билан исботланган. У астрономияга, геодезияга ва географияга оид улчов асбобларини яратиш билан ҳам шуғулланган. Аҳмад Фарғоний Р. У. Раҳимбековнинг маълумотига кўра дарё сувини ўлчайдиган асбоб («миқёси жадад») ни ихтиро қўлган. Ниҳоят, «Астрономияга кириш» нинг охирида Аҳмад Фарғоний Туркистон географиясига оид маълумотларни, яъни географик объектларнинг координаталарини жадвал тариқасида асари охирида берган.

Туркистон табиий географиясига оид назарий билимларнинг такомиллашишида юртдошимиз, «Шарқ Арастуси» деб ном олган қомусчи олим Абу Наср Форобийнинг хизмати ниҳоятда каттадир. У математик, астроном, буюк файласуф, мусиқашунос, табиб бўлиши билан бир қаторда географ сифатида ҳам жаҳонга машҳур алломадир.

Форобий табиий ва ижтимоий фанларга тегишли 160 дан ортиқ ишлар муаллифидир. Булар ичida «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» деган асари диққатга сазовордир. Р. У. Раҳимбековнинг маълумотига кўра «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарида Форобий табиат ҳақидаги фан бошқа барча таълимий фанлардан бой ва кўлами кенг деб уқтириб, моддий дунёнинг тўрт «илдизи»—олов, ҳаво, сув ва ер мавжудлиги ҳақида фикр юритган. Бу эса географик қобиқ унсурлари ҳисобланган атмосфера, тидросфера, литосферага анча мос келади.

Р. У. Раҳимбековнинг маълумотига кўра Форобий сайёҳ сифатида Туркистон ўлкасини кезиб чиқиб, улар ҳақида табиий географик маълумотлар берган.

Мовароуннаҳр табиати, хусусан, иқлими, сувлари, усимлик ва ҳайвонот олами ҳақида, шунингдек Бухоро тарихи ҳақида мукаммал маълумотлар ёзил қолдирган яна бир туркистонлик аллома Абу Бакр Наршахийдир. У ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Бухоро шаҳри топографияси, тарихи, аҳолиси ва хўжалиги, Амударё ва Зарафшон дарёлари ҳақида анча кенг ва ҳақиқатга жуда яқин маълумотлар беради. У Амударё Туркистондаги энг катта дарё бўлиб, ўта лойқалигини, Зарафшон (Ҳарамком), Байкенд (ҳозирги Яккатут темир йўл бекати яқинидаги кўхна шаҳар) гача оқиб сўнгра суви озайиб, тўқайзорлар орқали Қоракўлга бориб куйилишини, у кўлда балиқ ва қушлар кўплигини қайд қиласди.

Узбекистон ҳудудида табиий-географик тасаввурлар равнақида буюк қомусчи олим Абу Райҳон Берунийнинг хизматлари бениҳоя каттадир. У астрономия физика, математика, география, иқлим-шунослиқ, умумий геология, минерология, геодезия, картография, этнография, ботаника, тарих, адабиёт ва бошқа фанларнинг ри-

вожига катта ҳисса қушган ҳамда шу соҳаларга бағишлиланган 150 дан ортиқ асар ёзган алломадир. Булар ичидә бизгача етиб келгандарни «Хиндистон», «Геодезия», «Картография», «Минералогия», «Осари боқия», «Ат-Тафхим», «Сайдона», «Қонуни Масъудий» асарларидир.

Беруний «Ат-Тафхим» китобининг «Ер катталигини аниқлаш» бўлимида ва «Қонуни Масъудий» ҳамда «Хиндистон» китобларида Ер шакли ва ўлчами ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Беруний бир градус Ер меридиан ёйининг узунлигини 110, 275 км. га тенг эканлигини аниқлаган. Ҳозирги маълумотларга кура бир градус меридиан ёйининг узунлиги 110, 895 км., бинобарин Berunий йўл қўйган хатоси фақат 620 м. Шу йўл билан у Ер меридиан айланасининг узунлиги 40183 км. эканлигини (ҳозирги ҳисобда 40008,5 км.) исботлаб берди. Бу ҳол Ўрта аср астрономия фанининг мисли кўрилмаган буюк ютуғи эди.

Беруний дунёда биринчи бўлиб Қуёш Ер атрофида эмас, балки, аксинча Ер қуёш атрофида айланади деб Н. Коперникдан 550 йил олдин гелиоцентрик назарияга асос солиш билан бирга Ер ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа қараб айланшини ҳам исбот этган. Узининг «Картография» ва «Геодезия» асарларида жойининг географик координаталарини аниқлаш усулларини ёритиб, дунёдаги баъзи шаҳарларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг қуийдаги шаҳарлари координаталарини, яъни кенглиги ва узоқлигини тавсифлаган: Тошкент кенглиги $42^{\circ} 30'$, узоқлиги $89^{\circ} 10'$, Самарқанд кенглиги $40^{\circ} 0'$, узоқлиги $88^{\circ} 21'$. Ҳозирги маълумотларга кўра Тошкент $41^{\circ} 3'$ шимолий кенглик билан $69^{\circ} 00'$ шарқий узоқликда, Самарқанд $39^{\circ} 45'$ шимолий кенглик билан 67° шарқий узоқликда жойлашган.

Беруний «Сайдона» («Доривор ўсимликлар ҳақида китоб») асарида Ўзбекистон ҳудудида усуви чоривор ўсимликлар географиясига оид маълумотлар беради.

Берунийнинг табиий география соҳасидаги буюк кашфиётларидан яна бири дунёда биринчи бўлиб Мартин Бехаймдан 500 йил илгари — 995 или илмий глобус ясаганлигидир. Беруний глобусида меридиан ва параллеллар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида географик жойларнинг координаталарини аниқ топиш мумкин.

Беруний Туркистон табиий географияси, хусусан Қизилқум ва Қорақум табиати, геологик ўтмиши, дарёлар миграцияси (тентираб оқиши), айниқса Турон палеогеографияси ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган. У «Геодезия» асарида Оролнинг келиб чиқиши тарихи, Калиф Узбой Амударёнинг қадимий ўзани эканлиги ҳақида қимматли маълумотларни ёритган.

Р. У. Раҳимбековнинг (1982) ёзишича Берунийнинг Қорақум, Қизилқум палеогеографияси ва Амударёнинг ўтмиши ҳақида муроҷаатларидан қуийдаги муҳим холосалар келиб чиқади; Амударё водийси, Қизилқум ва Қорақум табиати ҳам геологик, ҳам тарихий ўтмишда доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлиб, сувлик билан қуруқлик алмашиниб турган; ушбу чўлларда учрайдиган денгиз ҳайвонларининг қолдиқлари қадимда сув остида.

бўлганлигини билдиради. Бу ўзгаришлар ернинг ички ва ташки кучлари таъсирида содир бўлиб, дарёларнинг тентираб оқишига сабаб бўлган; Қорақумнинг кўп қисми Амударёнинг қадимги ётқизиқларидан ташкил топган аллювиал текисликдир. Бу фикрлар Берунийнинг Туркистон табиий географияси ва динамик геологияси ҳақида жуда теран илмга эга эканлигидан далолат беради.

Туркистон географияси тараққиётида ўз даврининг улкан тиббиётчи олими Абу Али ибн Синонинг хизматлари катта. У табиатшунос олим сифатида ўз асарларида ўлканинг йирик рельеф шакллари ҳисобланган текислик, ботик ва тоғларнинг вужудга келишида ташки ва ички кучларнинг таъсири мавжудлиги ҳақида фикр юритади. Шунингдек, у минералларни тошлар, металлар, олтингугуртли ёнувчи жисмлар ва тузлар деб 4 гуруҳга ажратади.

Туркистон географияси ривожига ўз ҳиссасини қўшган машҳур олимлардан яна бири *Маҳмуд Кошварийдир*. У Туркистон ўлкасинадаги кўп йиллик саёҳати давомида тўплаган маълумотларига асосланиб «Девону луготит турк» асарини яратади. Р. У. Раҳимбековнинг маълумотига кўра «Девону луготит турк» асарининг географик аҳамияти шундан иборатки, унда биринчидан, дунё ҳаритасининг асл нусхаси берилган. Иккинчидан, Евросиё, Африкадаги кўплаб географик жой номлари берилган ва изоҳланган. Учинчидан, Туркистон ва унга туташ ҳудудларда яшовчи қабилалар географияси байён эттирилган. Тўртинчидан, географик атамалар тўпланиб, унга кенг изоҳ берилган. Қизири шундаки, Маҳмуд Кошварийнинг ҳаритасида Олой, Туркистон, Зарафшон, Фарғона, Чотқол тоғлари, Қорақум, Сурхон-Вахш водийлари ўз аксини топган.

Туркистонда географик билимларни тараққий этишида Темурийлар даври ҳам алоҳида ўрин тутади. Чунки Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда илм-фан равнақига алоҳида эътибор берилиб, астрономия, география, тарих, адабиёт каби фанлар соҳасида бир қатор олимлар ижод қиласидар. Шулардан бири географ олим Ҳофизи Абрудир. У Амир Темур, сунгра Шоҳруҳ ҳукмронлик даврида саройда котиблик хизматида бўлиб, Туркистон ўлкасининг кўп қисмини кезиб чиқиб, дунё ҳаритасини тузади.

Ҳофизи Абру тузган дунё ҳаритасида Мовароуннаҳр тасвири анча илмий-географик хусусиятга эга бўлиб, Р. У. Раҳимбековнинг ёзишича унда Туркистоннинг ўрни, чегаралари, ўзига хос картографик тур асосида берилган.

Ҳофизи Абру ўз асарларида Мовароуннаҳр шаҳарларининг тарихи, аҳолиси ва ўлка табиати — иқлими, сувлари, ўсимликлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Темурийлар даврида дунё географик илмини ривожлантиришда улкан ҳисса қўшган Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломалар яшади ва ижод қиласиди.

Афанасий Никитиндан 30 йил илгари Ҳиндистонга борган машҳур олим ва сайёҳ Абдураззоқ Самарқандий Туркистон, жумладан

Ўзбекистон табиатини, хусусан Қизилқум ва Зарафшон водийсинг табиий ҳодисалари, сувлари, ўсимлиги ва ҳайвонот олами ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Дунёга машҳур астроном, табиатшунос олим, маърифатпарвар шоҳ Мирзо Улугбек Ўзбекистон табиий географиясининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган. У Самарқанд шаҳрида «Фанлар Академияси» ташкил этиб, унга ўз даврининг машҳур олимларини йиғди. Улар орасида Қозизода Румий, Фиёсiddин Жамшид, Али Қушчи каби табииёт илмининг билимдонлари бор эди.

Мирзо Улугбек мадраса, расадхона қурдириш билан бирга, қатор асарлар ёзиб қолдирди, улар ичидагизгача этиб келгани «Тарихи арбаъ улус» ва «Зижи Кўрагоний» («Улугбек зижи», яъни астрономик жадвал) китобидир. «Зижи Кўрагоний» астрономияга бағишлиланган бўлса-да, унда қимматбаҳо географик маълумотлар мавжуд. Асарда жаҳондаги шаҳарларнинг, жумладан Туркистондаги бир қатор шаҳарларнинг координаталари берилган.

«Улугбек Академияси»да этишиб чиққан шогирдлари ичидаги энгистеъдодлиси Али Қушцидир. У ўз даврининг Птолемей ҳисобланиб, Улугбек ишини давом эттирган. Али Қушчи Улугбек ўлимидан сунг Эрон, Туркия каби юртларда астрономия, математика, географияга оид кузатишлар олиб борган. У Ер ёйининг 1° узунлигини аниқлаб, экватор узунилигини улчаган, Ернинг ҳаракати, Қуёш ва Ой тутилиши сабабларини илмий асосда исботлаб берган.

Туркистонда география фанининг ривожига жуда катта ҳисса қўшган, узбек география фанининг «отахони» ҳисобланган Темурйлар сулоласининг яна бир вакили Заҳириддин Мухаммад Бойбурдир.

Бобур тарихшунос, географ, этнограф, машҳур шоир, олим ва адолатли шоҳ бўлган. У ўзининг билган, кўрган, кузатган бой илмий далиллари асосида шоҳ географик асар ҳисобланган «Бобурнома»ни ёзиб қолдирди. Бобур Фарғона, Зарафшон водийларини, Тошкент воҳасини бир неча бор кезиб чиқди, Фарбий Тяншань, Туркистон, Зарафшон, Олой, Ҳисор тоғ тизимларида булиб, у ергаги водийлар, даралар, музликларни ўз кўзи билан курди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳаётини ўрганди. Бобур ҳаётида ўзи курган ва кечирган географик жойларни — чўл, водий, воҳа, дарё, сой, адир, тоғларни, у ерда ўсувлари ўсимлик, яшовчи ҳайвонларни «Бобурнома» асарида моҳирона бадиий равишда тасвирлаган.

Бобур ўз асарида Туркистон, жумладан Ўзбекистон рельефини, булиб турадиган зилзилаларини, иқлимини илмий равишда баён этиш билан бирга географияда таққослаш ўсулидан моҳирона фойдаланган. У бирор ҳудудга таъриф берадиганда географик изчилликка катта эътибор берган. Масалан, «Бобурнома»да Фарғона водийсининг тавсифида аввал унинг Туркистонда тутган ўрни, катталиги, рельефи, фойдали қазилмалари, иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъриф бериб, сунгра шаҳарлари, аҳоли яшайдиган жойлари, улар орасидаги масофа, хўжалиги, машҳур кишилари ҳақида маълумот беради.

«Бобурнома»да Туркистон иқлими ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёритилади. Асада Фаргона вилояти бешинчи иқлимда жойлашганлиги, Фаргона водийсига шамоллар ғарбдан келишлиги, ёғиннинг кам тушишлиги, атрофи тоғлар билан үралганлиги туфайли бу ерларга нам ҳаво массаларининг кириб келолмаслиги баён этилади.

Бобур географияда таққослаш услубига асос солғанлардан биридир. У «Бобурномада» Самарқанд ва Кобул табиатини, хусусан иқлимини бир-бирига таққослаган.

Бобур ўз даврининг қомусчи олими сифатида Туркистон тарихи, этнографияси соҳасида ҳам қизиқарли маълумотлар қолдиранглиги билан бирга тилшунос сифатида ҳам машҳурдир. Р. У. Раҳимбековнинг ёзишича, «Бобурнома» ўзбек географик терминологияси ва топонимикаси жиҳатидан катта илмий хазинадир. Бу жиҳатидан «Бобурнома»ни «Девону луготит турк» билангина таққослаш мумкин.

Урта аср ва Темурийлар сулоласи давридаги маҳаллий сайёҳ ва олимларнинг меросини ўрганиш, ўзлигимизни энди таний бошлаган бугунги кунларда Туркистон, хусусан Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларини ўрганишда уларнинг хизматлари ниҳоятда улкан эканлигини билишимизга имкон беради.

* * *

XVII асрдан бошлаб Туркистон ўлкаси билан руслар ҳам қизиқиб, унинг географиясини ўрганишга киришдилар. Уларнинг асл мақсади Туркистон табиатини ўрганиш ниқоби остида бу ҳудудда жойлашган Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигининг ҳарбий сирлари ва қудратини билиш, қандай бойликлари ҳамда арzon ҳом ашёлари мавжудлигини аниқлаш, оқибат натижада суқилиб кириб, босиб олиб мустамлакага айлантириш эди. Бу мақсадга эришиш учун 1715—1717 йилларда Бекович-Черкасский бошчилигига, асосан ҳарбийлардан иборат бўлган экспедиция Каспий денгизи, Амударёнинг Узбой ўзани, Устюрт орқали Хивага келади. Бу ҳарбий экспедицияни маҳаллий халқлардан Хўжа Нафас бошлаб келади. Экспедициянинг асл мақсади Хива хонлигининг ҳарбий қудратини билиш эди. Экспедиция иштирокчилари йўл-йўлакай Узбой ўзани, Устюрт, Қўйи Амударё табиатини ҳам ўрганадилар.

1721—1725 йиллари Флоро Беневени Россиянинг Бухоро ва Хивадаги элчиси сифатида хизмат қилиб, асосан Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг ҳарбий қудрати, сиёсий-ижтимоий аҳволи ҳақида маълумот тўплайди. Шунингдек, у Амударё қумликларидаги олтин ва бошқа бойликлар тўғрисида маълумотлар йиғади. Амударёнинг қадим Каспийга қўйилганлиги ҳақида ҳабар беради.

1740—1743 йиллари Д. Гладишев ва И. Муравинлар Хива хонлигининг аҳолиси, сиёсий аҳволи, савдо муносабатлари ҳақида маълумот тўплайди ҳамда Орол денгизининг қирғоқлари ва Сирдарёнинг қуёй қисми географик хусусиятларини ўрганади.

Бухоро амирлигига асир тушган рус айғоқчиси Филипп Ефремов 1774—1782 йиллари Қорақум, Қизилқум чүллари, Зарафшон ва Фарғона водийларида бўлади. Бу даврда маҳаллий халқлар тилини, урф-одатларини, ҳудуд табиатини, аҳоли тарихини чуқур ўрганади ва «9 йиллик саёҳат» («Девятилетнее странствование») асарида бу ҳақда тўлиқ маълумот беради.

1794 йили Т. С. Бурнашев бошчилигидаги экспедиция Қизилқум чўлини, Зарафшон водийсининг қуйи қисми табиатини ўрганади. Бухоро хонлигининг ҳарбий қудрати, этнографияси, иқтисодиёти ҳақида маълумотлар тўплайди.

1820—1821 йиллари Бухорога элчи бўлиб келган А. Негри бошчилигидаги экспедиция Қизилқум, Қуйи Зарафшон табиатини, ўсимлик ва ҳайвонларини, 1825—1826 йиллари ташкил этилган полковник Ф. Ф. Берг бошчилигидаги экспедиция Орол денгизи қирғоқларининг тузилишини, сув сатҳининг ҳолатини ўрганади. Шу билан бирга Хива хонлигининг ҳарбий қудрати ҳақида ҳам маълумотлар тўпланади.

Қизилқум ва Зарафшон водийсининг (Бухородан тоғли қисми-гача) табиий шароитини ўрганишда 1841—1842 йиллари Р. Ф. Бутенев бошчилигидаги Бухоро экспедициясининг хизмати катта. Бу экспедиция ўша ҳудудларнинг геологик тузилишини, ер усти тузилишини ўрганади, маҳаллий халқлар урф-одатлари ҳақида маълумотлар тўплайди. Шунингдек, экспедиция қатнашчилари Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, бойликлари ва ҳарбий сирлари билан ҳам қизиқади.

Орол денгизи чуқурлигини, қирғоқ тузилишини, оролларини ўрганишда 1849 йили А. И. Бутаков бошчилигидаги Орол экспедициясининг аҳамияти катта.

Россия давлати XIX асрнинг ярмига келганда бой хом ашё манбаларига эга бўлган Туркистон ўлкасини босиб олиш учун юриш бошлайди. Натижада шафқатсиз қирғинлар ҳисобига 1853 йили Қўқон хонлигига қарашли Оқмачитни (ҳозирги Қизил Ўрдани), 1864 йили Чимкентни ва ниҳоят 1865 йили 17 майда халқнинг қаттиқ қаршилигини ёвузларча бостириб Тошкентни қўлга киритади. Сунгра аста-секин Туркистон, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг бошқа қисмларини босиб олади.

Туркистон, жумладан Ўзбекистонни ўз қўлига киритган Россия ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини авжига чиқаради, маҳаллий халқларни шафқатсизларча эзади. Ўлкада мавжуд бўлган табиий бойликларни Россия босқинчи давлати манфаатига хизмат қилдириш мақсадида уларни излаб қидириб топиш учун қатор илмий экспедициялар ташкил этишга алоҳида эътибор беради. Шу мақсадда А. П. Федченко, А. Ф. Миддендорф, И. В. Мушкетов, В. А. Обручев, Л. С. Берг каби олимлар бошчилигига қатор экспедициялар ташкил этилади.

Қизилқум, Зарафшон ва Фарғона водийлари ва Олой тибзимининг табиий географиясини, хусусан геологик тузилиши, қазилма бойликлари, рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда

этнографиясини 1868—1871 йиллари А. П. Федченко бошчилигидаги экспедиция ўрганади.

1878 йили академик А. Ф. Миддендорф Туркистон генерал-губернатори, ашаддий қонхўр К. П. Кауфманнинг таклифига кўра Фаргона водийсининг табиити ва табиий бойликларини, хусусан ер-сув, иқлимий ресурсларини ўрганади, лёсс ҳақида илмий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар тўплайди.

Ўзбекистон ҳудуди геологик тузилиши ва қазилма бойликларини ўрганиш учун 1874 йили И. В. Мушкетов бошчилигидаги экспедиция ўюнтирилади. Экспедиция иштирокчилари Сирдарё ҳавзасини, Фарбий Тяншаннинг табиий шароитларини ўрганиб, у ердаги табиий бойликларни ҳисобга олади.

Академик В. А. Обручев 1886—1888 йиллари Зарафшон водийсининг қўйи қисми ва Қизилқумнинг табиий шароити ва бойликларини текширади, Амударёнинг қадимий ўзани Узбой ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Орол денгизининг гидрологияси, қирғоқ морфологияси, иқлими ва биологик бойликларини ўрганишда, сув сатҳининг асрлар давомида ўзгарганлигини аниқлашда 1902 йилги Л. С. Берг бошчилигидаги экспедициянинг хизмати каттадир. Экспедиция ишлари туфайли А. Гумбольдтнинг палеоген ва неогенда Орол Балхаш билан туташ бўлган деган тахмини нотўғрилиги исботланади, аксинча, Оролнинг Узбой орқали Каспий билан туташ бўлганлиги тасдиқланади.

Ўзбекистоннинг табиий шароити ва ресурсларини ўрганиш собиқ совет империяси даврида ҳам давом этди. Бу даврда ташкил этилган ҳар бир илмий сафар комплекс хусусиятга эга бўлиб, ўрганган ҳудуднинг табиий унсурларини ҳаммасини бир-бирига боялаган ҳолда ўрганади.

Ўзбекистоннинг геологик тузилиши, геоморфологияси ва қазилма бойликларни ўрганишда К. К. Марков, И. П. Герасимов, Ҳ. М. Абдуллаев, И. Ҳамробоев, О. Акрамхўжаев, Ф. О. Мавлонов, В. И. Попов, Ю. А. Скворцов, М. Маматқулов ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Ўзбекистон табиий географиясини яхлит ва унинг айрим қисмларини ўрганишда ҳамда табиий географик районлаштиришда Н. Л. Корженевский, Э. М. Мурзаев, В. М. Четиркин, Л. Н. Бабушкин, Н. А. Қогай, Н. Д. Долимов, М. Қориев, М. Умаров, С. Нишонов, Л. Алибеков, А. Абильқосимов, А. Рафиқов, П. Гуломов, Ш. Зокиров, Ю. Султонов каби олимларнинг қилган ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон иқлимини ўрганишда Л. Н. Бабушкин, В. А. Бугаев, В. А. Жоржио, Ф. А. Мўминов, дарё ва кўлларни ўрганишда эса В. Л. Шульц, О. П. Шеглова, Р. Алимов каби олимларнинг хизматлари катта.

Ўзбекистон ер ости сувлари, уларнинг хусусиятлари ва миқдорини ўрганиш иши билан Ф. О. Мавлонов, Н. А. Кенесарин, С. Ш. Мирзаев, Н. Ҳожибоев каби олимлар шуғулланганлар.

Р. И. Аболин, К. З. Зокиров, Т. З. Заҳидов, И. И. Гранитов,

Д. Н. Кашкаров, Е. Н. Каровин, А. И. Формозов, М. Орифхонова, С. Н. Рижов, А. З. Генусов, А. Расулов, Абдуллаевларнинг Узбекистоннинг тупроқ-усимлик қопламини, ҳайвонот оламини ҳар томонлама ўрганишларида хизматлари катта.

Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларини ўрганиш тарихи билан Ҳ. Ҳасанов, А. Азатъян, Р. Раҳимбеков, Р. Югай, З. Н. Дончова, И. Иноғомов каби мутахассислар шуғулланганлар.

Ўзбекистон мактаб ва олий ўқув юртларида география ўқитиши услубини такомиллаштиришда Ҳ. Ҳасанов, О. А. Мўминов, М. Набиҳонов Т. Абдуллаева, П. Мусаевларнинг хизматларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистонда хариташунослик фанининг равнақида Т. Қузибовев, Т. Мирзалиев, А. Асомов, Ш. Қорабоев ва бошқаларнинг хизматлари бор.

Савол ва топшириқлар. 1. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий одамлар яшаган маконларни, антик даврдаги сурориглантарни, барпо этилган күхна шаҳарларни аниқлаб, ёзувсиз ҳаритага тушириб билиб олинг. 2. Антик даврда Туркистон, жумладан Ўзбекистон географиясига оид маълумотлар тўплаган юнон ва Рим олимларининг ишлари ҳақида гапириб беринг. 3. Урта асрлардан яшаб Ўзбекистон географиясига оид билимларнинг такомиллашиб боришига ҳисса қўшган маҳаллий ва араб сайёҳ олимларнинг хизматлари нималардан иборат?. 4. Мусо Хоразмийнинг Туркистон, хусусан Ўзбекистон табиатини ўрганишидаги хизматлари ва ёзган асарлари ҳақида гапириб беринг. 5. Нима учун XI—XII аср географияси «Беруний даври географияси» деб аталади? 6. Темурйлар даврида Ўзбекистонда географик илмни ривожлантиришга ҳисса қўшган маҳаллий сайёҳ ва олимлар ҳақида гапириб беринг. 7. З. М. Бобурнинг географияга, хусусан Ўзбекистон географиясига қўшган ҳиссаси нималардан иборат? 8. Туркистон, хусусан Ўзбекистон географиясини ўрганишда рус сайёҳларининг асл мақсадлари нималардан иборат эди? 9. Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларини ўрганишни маҳаллий олимларнинг ишлари мисолида гапириб беринг.

ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистоннинг геологик тузилиши хилма-хил бўлиб, унинг ҳудуди асосан иккита катта тектоник структура, яъни Тяньшань эпигерцин ороген ва Турон эпигерцин плитаси қисмларидан иборат.

Тяньшань эпигерцин ороген Ўзбекистоннинг тоғли қисмини эгаллаган ва ҳар хил катта-кичиликлардаги тектоник структуралардан ташкил топган бўлиб, улардан энг катталари антиклинер бурмали структуралардир. Булардан асосийлари Чотқол, Қурама, Зарафшон ва бошқа структуралар ҳисобланади.

Турон эпигерцин плитаси республиканинг текислик қисмини эгаллаган бўлиб, у ҳам ҳар хил кичик тектоник структуралардан (кўтарилма ва чўқмалар) ташкил топган.

Ороген ва плитали структуралар герцин ва альп тоғ пайдо бўлиш даврларидаги ҳосил бўлган ва турли катта-кичиликлардаги ва йўналишдаги ер ёриқлари (разломлари) билан кесилган. Мазкур зриқлар орқали неогендан бошланиб, ҳозир ҳам давом этаётган янги тектоник ҳаракатлар таъсирида тектоник структуралар турли баландликларга кўтарилган, баъзилари чўккан, натижада биз ҳо-

зир күриб турган тоғ тизмалари ва улар орасида жойлашган тоғ оралиқ чукмалари пайдо бўлган.

Герцин тоғ пайдо бўлиш даврида тектоник ҳаракатлар билан бир қаторда вулкан жараёнлари ҳам содир бўлган. Вулканик, ер ёриқлари бўйлаб содир бўлган гидротермаль ва бошқа жараёнлар натижасида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган рудали, рангли, но-дир, қимматбаҳо фойдали қазилмалар ҳосил бўлган.

ТУРТЛАМЧИ ДАВРГАЧА БУЛГАН ГЕОЛОГИК ТАРИХГА ҚИСҚА ТАВСИФ

Ўзбекистон ҳудуди ўзининг геологик тараққиёти мобайнида жуда кўплаб муҳим палеотектоник ва палеогеографик жараёнларни ўтаган. Геосинклинал шароитда содир бўладиган жараёнлар бир неча марта тақорланган.

Кўп йиллик олиб борилган геологик текшириш ишлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудлар геологик тарихини юқори архей давридан бошлаб тиклаш мумкин. Бу даврда ҳудудда бир неча денгиз ҳавзалари мавжуд бўлиб, уларни ажратиб турган қуруқликларда терриген, вулканик ва карбонат тоғ жинслари тўпланган, бу тоғ жинслари архей даврининг охирлари ва протерозой даврининг бошланишида метаморфозлашган.

Протерозой даврининг охирида (рифей) Жанубий Тяншань тоғлари ўрнида чукиш жараёнлари натижасида денгиз пайдо бўлган. Бу даврда Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари нинг жанубида Қорақум-Тожикистон, шимолида эса Шимолий Қизилқум қуруқлиги жойлашган бўлган. Юқори рифейда Ўрта Тяншаннинг шимолида вулканлар отилган.

Протерозойнинг кембрийга ўтиш даврида (венд) Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари ўрнидаги денгиз тектоник ҳаракатлар натижасида чекиниб, унинг ўрнида тоғлар ҳосил бўлган, вендинг охирига келиб эса тектоник ҳаракатларнинг сўниши ва ёмирилиш жараёнларининг кучайиши оқибатида у ҳудуднинг ер юзаси текисланган.

Кембрийнинг бошланиш даврига келиб ҳудудни яна денгиз боса бошлайди ва ўрта ордовикда Ўзбекистон ҳудудининг шарқий ва жануби-шарқий қисмини денгизлар бутунлай эгаллади. Ордовикнинг охирларида тоғ пайдо бўлиш жараёнлари бошланади ва қўйи девонда ҳудуддан денгиз чекинади, фақат Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари ўрнида қисман сақланиб қолади. Бу ерда денгиз ўртасида фақат кичик оролларгина мавжуд бўлган. Бу даврда баъзи бир жойларда (Учқулоч, Қорамозор, Босбатов) вулканлар отилиб турган.

Ўрта девон ва қўйи триасда тектоник ҳаракатлар яна фаоллашади. Шимолда Қоратоғ, Чотқол ва Норин, жанубда Тяншань ва Кўкшағалтоғ эиплатформа геосинклиналлари, уларнинг орасида платформанинг нисбатан барқарор қисми Қурама-Фарғона ора-

лиқ массиви, Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмида Устюрт массиви ҳосил бўлган.

Девоннинг охирида (эйфель, живет асрларида) ҳамда юқори девоннинг фамен асирида Ўрта Осиёning катта қисмини денгизлар эгаллайди. Шу даврларда вақт-вақти билан кучли тектоник ҳаракатлар ва вулкан жараёнлари ҳам булиб турган. Вулканлар отилиши Жанубий Тяншань тоғларида тошкўмир даврининг қуи (намюр ёки серпухов асрларида) ва ўрта (башқирд асири) бўлимларида ҳам содир бўлган.

Ўзбекистон ва унга ёндош ҳудудларнинг тектоник кўринишининг шаклланишида тошкўмир даврининг москва асирида булиб ўтган тектоник ҳаракатлар айниқса катта роль ўйнаган.

Юқори карбоннинг охири ва пермъ даврларида ҳозирги Олой тизаси, Фарғона чўкмаси, Устюрт платоси ва Амударё ҳавзаси қуи қисмларини яна денгиз босган. Фақат Қоратоғ, Чотқол ва Жанубий Тяншанинг баъзи бир қисмларида тектоник ҳаракатлар содир булиб, Қоржантоғ ва Қурама тизма тоғлари жойлашган ҳудудларда вулканлар ҳам отилиб турган.

Пермнинг охирлари ва триаснинг бошланиш даврларида Устюрт, Жанубий Фарғона ҳудудларини денгиз босган, бошқа ҳудудларда эса қуруқликлар мавжуд булиб, улар асосан текисликлардан иборат бўлган. Триаснинг ўрталарида ҳудудда асосан текисликлар ҳукм сурган, баъзи бир жойларда супа тоғлар кўтарилиб турган.

Қуи ва ўрта юрада Ўзбекистон ҳудудида асосан қуруқлик шароити ҳукм сурган. Юқори юрага келиб жумҳуриятнинг анчагина қисмини (ғарбий, жанубий) Тетис океанинг шельф қисми эгаллаган.

Бўр даврининг бошланишида Ўрта Осиёning ғарбий қисмида қуруқликлар кўп булиб, айрим ерларда кўлсимон ҳавзалар бўлган. Ҳудуднинг бошқа қисми тектоник ҳаракатлар натижасида чўккан.

Палеоген даврига келиб кучсиз тектоник ҳаракатлар бошланган, бироқ Ўзбекистоннинг катта қисми денгиз остида бўлиб, чўкини тоғ жинслари ётқизилган.

Профессор Ю. А. Скворцовнинг (1949) кўрсатишича, палеогенда Ўзбекистоннинг тоғли ва текислик қисмлари денгиз остида бўлиб, фақат унинг тоғли қисмининг баъзи жойларида кичик-кичик оролларгина кутарилиб турган, бироқ бу оролларнинг жойлашган ўрни ва катта-кичикилиги ҳозирга қадар аниқланмаган.

Палеоген денгизи остида ҳосил бўлган тоғ жинсларидан (асосан оҳактошлар) топилган чифаноқлар Ўзбекистон ҳудудидаги палеоген денгизининг чуқурлиги 200 м. дан ошмаганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, палеоген денгизи остидан чиқсан вақтда Ўзбекистон ҳудуди деярли текисликтан иборат бўлган. Палеоген даврининг охирларида эса тектоник ҳаракатлар анча фаоллашган, натижада олигоценнинг охирларида денгиз бутунлай чекинган, Турон плитаси вужудга келган.

Неоген даврига келиб Ўзбекистоннинг тоғли қисмида янги тектоник ҳаракатлар фаоллашади. Бу тектоник ҳаракатлар диффе-

ренциал характерга эга бўлган, натижада тоғ тизмалари кутарилб, тоғ оралиқ ва тоғ олди ботиқлари чука бошлаган. Олиб борилган геологик ишлар натижасида Олой-Туркистон тизма тоғларида денгиз сатҳидан 4500 м баландликда олигоцен даврида (тажминан бундан 38 млн. йил аввал) денгизда яшаган экзогиро-ферганензис деб аталувчи чифаноқ топилган. Демак, ўша даврда бу чифаноқ денгиз сатҳидан 4000 м пастда ётган, Кейинги тектоник кутарилиш натижасида чифаноқ ётган чўкинди тоғ жинслари денгиз сатҳидан яна 4500 м. баландликка кутарилган. Шундай қилиб, Узбекистон ҳудудининг тоғли қисми олигоцен давридан то ҳозирги даврга қадар 8500 м. кутарилган.

Юқорида қайд қилганимиздек, Узбекистонниг тоғли қисмida тектоник ҳаракатлар турли характер ва кучга эга бўлган. Унинг бир қисми кутарилса, иккинчи бир қисми пасайган. Кутарилган қисмлар тоғ тизмаларига, пасайган қисми эса тоғ оралиқ ботиқларига түфри келади. Кутарилаётган қисмлардан оқар сув ва бошқа табиий жараёнлар иши таъсирида емирилган тоғ жинслари чўкаётган жойларга тўплана бошлаган. Бундай жараён неоген давридан бошланган. Тоғ оралиқ ботиқлардаги неоген даврида ётқизилган тоғ жинси қатламларининг таркиби шуни кўрсатадики, бу даврда тоғ тизмаларининг кутарилиши ва ботиқларнинг чўкиши анча заиф бўлган. Чунки ботиқларда ётқизилган қатламлар асосан гилли ва қумли тоғ жинсларида ташкил топган. Бу гилли ва қумли қатламларнинг устки қисми эса қалин қум аралаш шағал тошлардан ташкил топган. Бу ҳол ботиқлар үраб турган тоғ тизмаларининг кейинчалик кутарилиши кучайганлигидан далолат беради. Демак, неоген даврининг охирларидан бошлаб тектоник ҳаракатларнинг дифференциялашганлиги анча кучайган. Тоғ тизмаларининг кутарилиши ва тоғ оралиқ ботиқларининг чўкиши узоқ вақт давом этган, натижада тоғ оралиқ ботиқларида қалинлиги бир неча минг метр келадиган чўкинди тоғ жинс қатламлари тўпланган. Масалан, профессор Н. П. Васильковскийнинг ёзишича неоген даврида Чирчиқ ботигида тўпланган чўкинди тоғ жинсларининг қалинлиги 1500 м. дан зиёддир.

ТУРТЛАМЧИ ДАВР ГЕОЛОГИК ТАРИХИ

Туртламчи даврнинг бошларига келиб тектоник ҳаракатларнинг характери бирмунча ўзгарган. Агар неоген даврида тоғ тизмалари кутарилиб, улар оралиғидаги ботиқлар чўккан бўлса, бу даврдан бошлаб тоғ оралиқ ботиқлар ҳам кўтарила бошлаган. Бироқ, тоғ оралиқ ботиқларининг кутарилиши тоғ тизмаларига нисбатан кучсизроқ бўлган.

Юқорида тоғ оралиқ ботиқларида анча қалин неоген даври қатламларининг тўпланганлигини кўрсатиб ўтган эдик. Ҳозир ботиқлардаги қатламларни кузатсан, неоген даврида ётқизилган қатламларнинг дарёлар билан чуқур кесилганлигини, у қатламларда дарёлар бир қанча кенг террасалар ҳосил қилганлигини кузатамиз. Бундан ташқари, ботиқлар ҳозирги вақтда денгиз сатҳидан

анча баланд кутарилган ва оқар сувлар уларнинг тубини ювмоқда. Ботиқларда бир нечта террасаларнинг ҳосил булиши ва ҳозирги ювиш жараёнларининг давом этиши тоғ тизмалари билан бир қаторда, ботиқларнинг ҳам кутарилаётганилигидан далолат беради.

Тұртламчи давр мобайнида Үзбекистон ҳудудининг тоғли қисми доимо кутарилавермай, баъзан тинч туриш даврлари ҳам бұлған. Буни дарё водийларида ҳосил бұлған террасалар тасдиқлайди. Үзбекистоннинг тоғли қисмини, дарё водийларини, масалан, Чирчик дарёсинин гөздөсін күзатадиган бұлсак қүйидагиларни курсак булади. Мазкур дарёning үзанидан унинг ён бағри буйлаб кутарила бошласак, дарёning үзани ҳозирги вақтда неоген, мезозой ёки палеозой даврларида ётқизилған қатламлар устидан оқаётганилигин күзатамиз. Унинг биринчи террасасы ён бағри кесмасининг қуи қисми ҳам неоген ёки мезозой, палеозой даврларининг қатламларидан ташкил топған, юқори қисми эса қум аралаш шағал тошлар, уларнинг цементланиши натижасыда ҳосил бұлған конгломератлар ва соз тупроқлардан иборат. Чирчиқ дарёсинин деярли ҳамма террасалари шу тарзда тузилған. Демак, неоген, мезозой ва палеозой даврларининг қатламлари бу водийда күтарилиш юз берганлиги учун эрозия ёрдамида кесилған. Шундай экан, уларнинг устида тұпланған шағал тошлар, конгломератлар ва соз тупроқлар қандай тұпланған? Булар бу водий ҳудудида баъзи вақтларда тектоник күтарилишлар тұхтаб, тинч туриш даврлари билан алмашынылған.

Үзбекистон ҳудудининг тоғли қисмінде неча марта күтарилиш ва тинч туриш даврлари бұлғанлигини аниқлаш учун дарё водийларидаги террасалар сонини аниқлаш зарур. Олиб борилған геологик ва геоморфологик текшириш ишлари натижасыда Чирчиқ дарё водийсі ён бағирларыда 20 га яқин терраса ҳосил бұлғанлиги аниқланған. Демак, тұртламчи давр мобайнида Чирчиқ дарёси жойлашған ҳудудда 20 марта күтарилиш ва тинч туриш даврлари бўлиб ұтған. Шундай бўлишига қарамастан, бу ҳудудда тинч туриш даврига қараганда күтарилиш кучли бұлған ва у күп вақтни үз ичига олған. Чунки баъзи террасаларнинг дарё үзанидан баландлиги 800 м ва ҳатто 1000 м га етади. Бундай баландликлар у ҳудуднинг күтарилиши даврида келиб чиқкан. Террасаларнинг усткі қисмини ташкил қылған шағал тошлар ва соз тупроқларнинг қалинлиғи 300 м дан ошмайди.

Үзбекистон тоғли қисмининг ҳамма ҳудудларида тектоник күтарилиш ва тинч туриш жараёнлари бир вақтда содир бўлмаган. Шунинг учун тоғлардаги ҳамма дарё водийларидан террасаларнинг сони ва тузилиши турличадир.

Үзбекистоннинг тоғли қисмінде текшириш ишлари олиб борган геолог ва геоморфолог олимлар (Н. П. Васильковский, Ю. А. Скворцов, Ф. О. Мавлонов, М. М. Маматқұлов, Г. Ф. Тетюхин ва бошқалар) тұртламчи давр мобайнида бу ҳудудда тұрт марта кучли күтарилиш ва тинч туриш даврлари бұлғанлигини аниқлаганлар.

Биринчи давр тўртламчи даврнинг бошланиш қисмини уз ичига олади. Профессор Ю. А. Скворцов бунга нанай даври деб ном берган. Нанай даврининг бошланишида кучли тектоник кутарилишлар содир бўлган, бироқ тоғ тизмалари унчалик баланд бўлмаган. Бу даврнинг иккинчи ярмида эса тектоник кутарилишлар тўхтаган ва дарё узанларида анчагина қалин тоғ жинслари қатламлари тўпланган. Масалан, Писком дарёсининг водийсида тоғ жинслари қатламларининг қалиниги 300 м дан ошган. Нанай даври тоғ жинслари қатламлари Писком дарёсининг чап ён бағрида ҳозирги дарё ўзанидан 800 м баландликда яхши сақланиб қолган. Бундан ташқари, бу даврда тоғларнинг кутарилигиди ва иқлимининг ўзгарганилиги (намликтин ошиши) натижасида тоғларнинг энг баланд қисмларида музликлар ҳосил бўлиб, у ерларни муз қоплаган, фақат айrim жойлардагина музликлар ўртасидан чўққилар кутарилиб турган. Нанай даврининг иккинчи ярмида иқлимининг иссиқ томонга ўзгариши оқибатида музликлар эриган, музликларнинг эришидан ҳосил бўлган сув дарёларнинг ўрта ва қуий қисмларига юқорида курсатилган шафал тош ва соз тупроқ қатламларини олиб келиб ётқизган.

Нанай даврининг тугаши билан Ўзбекистоннинг тоғли қисмida яна кучли тектоник кутарилишлар бошланган. Геологлар бу даврга тошкент даври деб ном берганлар. Бу даврда кутарилиш ватинч туриш даврлари бир неча марта алмашиниб турган, натижада бир нечта, масалан, Чирчик дарёсининг водийсида бешта терраса ҳосил бўлган. Тоғ тизмаларининг энг баланд қисмларида юқорида курсатилган сабабларга кўра яна музликлар пайдо бўлиб, улар қолдирган излар (мореналар, трог шаклидаги водийлар, қадимги карлар) яхши сақланган.

Ўзбекистон тоғли қисмининг тўртламчи давр тараққиётидаги учинчи давр миражчўл даври деб аталиб, бунинг бошланиши билан кучли тектоник кутарилишлар бўлиб ўтган, тоғ тизмаларининг баланд жойларида эса музликлар вужудга келган. Бу даврда ҳам тектоник кутарилишлар тинч туриш даврлари билан алмашиниб турган, шунинг учун дарё ўзанидан анча баланд бир нечта террасалар ҳосил бўлган. Бу террасалар ҳам шафал, тош, конгломерат ва соз тупроқлардан тузилган.

Ниҳоят, Ўзбекистоннинг тоғли қисми тараққиётининг сунггиси сирдарё даври деб аталиб, бу давр ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу даврда ҳам бир неча марта тектоник кутарилишлар ва тинч туриш жараёнлари бўлиб ўтган ва натижада террасалар ҳосил бўлган, бироқ уларнинг ўзан сатҳидан баландлиги унчалик катта эмас. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг тоғли қисмининг деярли ҳамма жойларида кутарилиш жараёнлари содир бўлмоқда. Шунинг учун оқаётган дарёлар ўз ўзанларини шиддат билан ювмоқда.

Юқорида қайд қилинган тўрт давр мобайнида Ўзбекистоннинг тоғли қисмida тектоник кутарилишлар ва тинч туриш даврларида тоғ олди ҳудудларида деярли ҳамма вақт тинч туриш ёки чўкиш жараёнлари юз бериб турган. Шунинг учун тоғлардап дарёлар орқали олиб келиниб ётқизилган тоғ жинслари кўпинча террасалар шак-

лида эмас, балки уларнинг ёшлари қадимгиларининг устида тұпланган. Шунинг учун бу ерларда нанай даврининг ётқизиқлари ҳеч ерда ер устида кузатылмайды. Умуман, Ўзбекистоннинг тоғ олди қисміда тұртламчи давр ётқизиқларининг қалинлиги жуда каттады.

Ўзбекистоннинг тоғли қисми учун шу нарса характерлықи, бу ҳудудда тұртламчи даврда тоғ тизмалари тектоник ҳаракатлар таъсирида фақат юқорига күтарилемасдан, ён томон бүйлаб кенгаймоқда, бошқача қилиб айтганда уларнинг майдони ошиб бориб, паст тоғлар ҳосил бұла бошлаган. Бундай тоғлар ахоли үртасыда адирлар деб аталады (1-расм). Ўзбекистоннинг тоғли қисмидаги ҳамма тоғ тизмалари палеозой ва мезозой даврлари тоғ жинсларидан тузилған, адирлар эса асосан тұртламчи даврнинг бошланишларыда дарёлар олиб келиб ётқизған шағал тошлардан ва уларнинг цементланиши натижасыда ҳосил бұлған конгломератлардан тузилған, фақат уларнинг остида эса мезозой ва учламчи даврлар ётқизиқлари жойлашған. Демак, то тұртламчи даврга қадар адирлар жойлашған жойлар текисликтерден иборат бұлған ва дарё ётқизиқлари тұпланған. Тұртламчи даврнинг үрталаридан бошлаб ҳозир адирлар жойлашған ерлар тоғ пайдо бўлиш жараёнлари таъсирида аста-секин тоғ куринишини ола бошлаган. Шундай қилиб дарёлар остида ётған шағал тошлар бу тоғлар устига чиқиб қолған. Бу тоғларнинг күтарила бошлагани теологик маънода қисқа бұлғанлигидан улар унчалик баланд эмас. Уларнинг ўртача баландлиги 600—1200 м., Фарфона ботиининг шарқий қисміда эса 1500—1700 м. гача етади.

Ўзбекистоннинг текислик қисмининг геологик тараққиети тоғли қисмiga нисбатан бошқачароқдир. Бу ерда юқори палеозой даврида герцин тоғ пайдо бўлиш жараённан ҳосил бұлған тоғ тизмалари узоқ вақт нураш таъсирида емирилған. Кейин Ер тарихининг бўр ва палеоген даврларыда Ўзбекистоннинг бу қисми денгизлар остида қолған, улар эса каттагина қалинликка эга чўкинди тоғ жинсларини ётқизған. Ўзбекистоннинг бу қисмida ҳам тектоник ҳаракатлар бўлиб турған, бироқ тоғли қисмiga нисбатан жуда кучсиз бұлған, шу сабабли ётқизилған ҳамма чўкинди тоғ жинслар деярли горизонтал ҳолда ётибди. Бу эса бу ҳудудларнинг ер устининг тузилиши деярли текисликтерден иборат бўлишига олиб келған. Бу ердаги тоғ жинсларининг литологик таркиби ер усти тузилишида катта роль ўйнаган. Чунки қаттиқ палеозой тоғ жинслари кам нураган, мезозой ва кайназой даврида ётқизилған тоғ жинслари эса тез нураган. Шунинг учун мезозой ва кайназой даврларыда ётқизилған тоғ жинслари емирилиб кетиб, уларнинг орасида палеозой тоғ жинсларидан тузилған тоғ массивлари яхши сақланиб қолған. Бундан ташқари тоғ массивларининг ҳосил бўлишида тұртламчи даврда бўлиб утган палахсали тектоник күтарилишлар ҳам катта роль ўйнаган. Натижада унча баланд бўлмаган тоғ тизмалари (Букантоғ, Тамдитоғ, Қулжуқтоғ ва бошқалар) шаклланған.

Ўзбекистоннинг фарбий қисми ва унга ёндош ҳудудларда эпей-рөген ҳаракатлар таъсирида бир неча марта Каспий денгизи трансгрессияси рўй берган.

Ўзбекистоннинг текислик қисмининг геологик тарихида бу ҳудуддан оқиб ўтаётган дарёлар — Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқаларнинг тентираб оқиши муҳим воқеа бўлган. Амударё ва Сирдарёнинг тараққиёти Орол денгизи билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун бу дарёларнинг текисликлар бўйлаб тентиришини ёритишдан олдин Орол денгизи, унинг пайдо бўлиши ва тараққиёти билан қисқа танишиб ўтамиз.

Орол денгизининг пайдо бўлиши ва тараққиёт тарихи ҳақида турли фикрлар бор. Л. С. Берг, Д. А. Архангельский, Б. М. Георгиевскийлар Орол денгизи жойлашган районнинг тектоник ҳаракатлар таъсирида чўкиши натижасида кўл вужудга келган, дейишган бўлса, И. П. Герасимов, Ю. А. Скворцов ва бошқалар қачонлардир Фарбий Сибирь дарёлари, Чу ва бошқа дарёлар Орол денгизи томон оқсан ва уларнинг ўйиб ҳосил қилган водийсида Орол денгизи ҳосил бўлган деган фикрни айтишган.

Орол денгизи қачон пайдо бўлган деган масала ҳақида ҳам турли фикрлар бор. И. П. Герасимов ва К. К. Марков Орол денгизи тўртламчи даврнинг ўрталарида пайдо бўлган деган фикрни айтиган. А. С. Кесь эса Орол денгизи биз яшаб турган даврдан 100 минг йил олдин пайдо бўлган деган фикрни олға суради. П. И. Чалов, К. И. Меркулова ва Т. В. Тузовалар эса геологияда тоғ жинсларининг ўшини аниқлашда қўлланиладиган услугуб ва ишлатиладиган асбобларни қўллаб, Орол денгизи 150 ± 30 минг йил бурун пайдо бўлган деган холосага келиди.

Бу олимлар ўз фикрларини айтишганда, Орол денгизининг хозирги кўринишини кўзда тутганлар. Аслини олганда Орол денгизининг ўрнида тўртламчи даврга қадар ҳам катта сув ҳавзаси бўлган. Бу ҳавза жануби-тарбда Сариқамиш чуқурлигини ҳам ўзига қушшиб олиб, Каспий денгизи билан туташган бўлиши мумкин. Бироқ, А. С. Кеснинг фикрича, Орол денгизи ва Сариқамиш чуқурлигидаги сув ҳавзаси ҳеч қачон Каспий денгизи билан туташмаган. Умуман, бу масала тортишувларга сабаб бўлмоқда. А. С. Кеснинг ўзишича тўртламчи даврнинг бошлари ва ўрталарида Орол денгизининг жанубида Хоразмномли кўл бўлган. Орол ва Хоразм кўлларини Устюрт яssi тоғи билан Белтоғ ва Қушкантоғ баландлигини боғлаган кўтарилима ажратиб турган. Бироқ, сунгги йилларда олиб борилган илмий текшириш ишлари бу фикрни тасдиқламади. Геологларнинг аниқлашича, Устюрт яssi тоғи ва Белтоғ ҳамда Қушкантоғ баландликлари алоҳида тектоник структура бўлиб, у ерда уларни бир-бири билан боғловчи ҳеч қандай кўтарилима бўлмаган. Демак, Хоразм кўли ҳам бўлмаган, балки у жойдаги сув ҳавзаси ўша даврдаги Орол денгизининг бир қисми бўлган.

Орол денгизининг ўрнидаги сув ҳавзасига авваллари келиб қўшилган дарёлар ҳақида ҳам бир қанча фикрлар бор. Баъзи олимлар (И. П. Герасимов, Ю. А. Скворцовлар) бу ҳавзага унинг шимолидаги ҳозирги Фарбий Сибирь дарёлари қўйилган деган

фикрни тарғиб қилишади. Эҳтимол, неоген даврида Амударё, Сирдарё ва Зарафшон ҳам бу ҳавзага келиб қўйилган булиши мумкин. Тўртламчи даврнинг бошланиши билан Амударё суви унга етмасдан, фарб томон оқа бошлаган. Бунинг натижасида у ҳавзанинг майдони неоген давридагига нисбатан кичрая бошлаган. Орол денгизи ўрнидаги сув ҳавзасининг фақат майдони кичрайиб қолмай, шу билан бир вақтда унинг тубида, сувнинг кучли буғланиши натижасида, туз қатламлари пайдо бўла бошлаган. Ҳавза сувининг камайиб кетиши натижасида ҳозирги Орол денгизининг ўрнида вақт-вақтида бир-бири билан қўшилиб турувчи бир нечта кичик қўллар ҳосил бўлган.

Тўртламчи даврнинг охирларида Амударё ва Сирдарёning Орол денгизи томон бурилиши натижасида сув ҳавзасининг шароити ўзгарган. Майда-майдар кўллар бир-бири билан қўшилиб, Орол денгизи ўзининг ҳозирги қиёфасига кира бошлаган.

Энди Амударёning тентираш тарихи ҳақида тўхтаб утамиз. Олиб борилган текшириш ишлари шуни кўрсатдики, бу дарё Ер тарихининг неоген даврида Ўрта Осиё текислик қисмини қоплаб ётган палеоген денгизининг чекиниши ва у бошланадиган Помир тоғ системасининг тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилиши, иқлимининг ўзгариши билан тоғларда музликларнинг ҳосил булиши туфайли пайдо бўлган. Қорақум чўллари эса Амударёning тентираш майдонига айланган.

Неогеннинг охири ва тўртламчи даврнинг бошларида Амударё тоғлар орасидан чиққандан сўнг (Термиз шаҳридан фарроқда) ҳозирги ўзанидан шимоли-фарбидаги Копетдоғ тизма тоғларининг шимолий қисми бўйлаб оқиб, Қаспий денгизига қўйилган ва олиб келган лой аралаш қумларни ўз ўзанига ётқиза бошлаган. Бу даврларда Зарафшон, Қашқадарё ва Фузордарёлар Амударёning ирмоқлари бўлган ва унга келиб қўйилган.

Тўртламчи даврнинг ўрталарида Амударёning қадимги ўзанининг жанубида жойлашган ҳудудларнинг (Копетдоғ тоғлари) анча кўтарилиши натижасида дарёning ўзани бўйлаб анча қалинликда тоғ жинслари ётқизилган. Оқибатда Амударё ўз ўзанини анча шимол томонга ўзгаририб, Қорақум чўлларнинг марказий қисмидан оқиб ўта бошлаган. Қорақумнинг фарбий қисмидаги ўз ўйлини ўзгаририган ва бора-бора Катта ва Кичик Балхон тоғларининг орасидан оқиб ўтиб, Қаспий денгизига етиб келган.

Тўртламчи даврнинг охирларига келиб Копетдоғ тизма тоғларининг кучли кўтарилиши, дарё ўзанида қалин дарё қолдиқларининг тўпланиши Амударёning Қаспий денгизи томон оқишига тусқинлик қила бошлайди. Натижада Амударё ўз ўйлини қайта ўзгариради, яъни шимоли-фарб томонга бурилиб, неоген даврида ҳосил бўлган ўзан (эҳтимол Зарафшон дарёсининг ўзани) бўйлаб Орол денгизи томон оқа бошлайди ва ҳозирги Орол денгизининг жанубий қисмida тоғли районларда майда тоғ жинсларини олиб келиб, қадимги катта дельтасини ҳосил қила бошлайди.

Кейинроқ, Амударё Султон Вайс тоғининг жанубий қисмидан ўз ўзанини фарб томонга буриб, Сариқамиш чуқурлигига қўйила

бошланган. Бу чуқурлик тұлғандан сұнг, ундан тошиб чиқиб жаңуба жануби-ғарб томон оққан ва Каспий деңгизига бориб қуїилган. Сариқамиш ботифи ва Каспий деңгизи үртасидаги Үзбой ұзани ҳозирги кунда жуда яхши сақланган. Ұша даврда Үзбой орқали Амударә сувининг фақат бир қисмігина оққан, қолгани Сариқамиш чуқурлигіда буғланган. Ұша даврларда Сариқамишга қуїилган Амударә сувининг сатқи 58 метрга етгандан Үзбойга сув чиққан. Баъзи даврларда Сариқамишдаги сувнинг чуқурлиги 100 метрга ҳам етган.

Амударәнінг ҳозирғи ұзани билан Сариқамиш чуқурлигини бөгловчи қуруқ ұзанлар — Дарёлик ёки Құхнадарә ва Довдон деб аталади. Дарёликнинг узунлиги 250 км. У Тошқовузнинг жануби-шарқидан бошланади ва шимоли-ғарб томон құзилади. Құхна Урганчнинг яқинида ғарбға бурилиб, Сариқамишга қуїилади. Унинг тузилиши турличады. Ұзан бошланиш ва ўрта қисмларыда яхши сақланмаган, улар күп ерларда құмлар остида қолиб құмилиб кетган. Яхши сақланиб қолган қисмларыда ұзаннынг кенглиги 150—200 метрга етади. У айрим қисмларыда каньонлар ҳосил қиласы. А. С. Кеснинг ёзишича, унинг чуқурлиги 25—60 метрга етади. Довдон ұзанининг узунлиги 300 километрга яқын, унинг умумий тузилиши Дарёликка жуда яқын. Сариқамиш ботифига яқынлашған сари уларнинг қырғоқлари нишаблашиб боради.

Амударә олиб келған материалларнинг түпланиши натижасыда Дарёлик ва Довдон қуруқ ұзанлари атрофидаги ерлардан анча күтариленген ва дарё үз ұзанини үзгартыришга мажбур бўлган. Шу даврда Султон Вайс тоғининг ғарбий қисми пастроқ бўлганлиги сабабли, дарё у тоғининг шарқий томонидан тор ва узун йўл ҳосил қилиб оққан ва бир қанча тармоқларга бўлинib кетган. Амударәнінг бу ұзани Ақчадарә деб ном олган. Бу ұзан Амударәнінг ҳозирғи ұзанига ёндошган ҳолда жанубдан шимолга құзилади ва Тўрткўл шаҳридан бошланиб, Орол деңгизигача етади.

Ақчадарә ұзанининг узунлги 170 км. дан ошиқ. Кенглиги эса унинг жанубий қисміда бир километр, шимолий қисміда 20 километргача кенгаяди. Чуқурлиги 15—25 метр келади. Ұзаннынг шарқий ён бағри тик, ғарбий ён бағри анча ётиқроқ бўлиб, қум уюmlари билан қопланган. Үнг қырғофининг баъзи қисмларыда 3 терраса бор. Уларнинг баландлиги ұзан остидан: биринчи терраса 1,5—2 метр, иккинчи терраса 4 метр, учинчи терраса эса 5—6 метр кўтариленген. Террасаларнинг усти тақиrlар билан қопланган. Тақиrlар ұзанинни остида ҳам учратилади. Ұзанинг қуий қисмлари қум уюmlари остида ётибди. Ақчадарә Орол деңгизининг жанубий қисміда жойлашған Белтоғ баландлигининг жануби-ғарбий қисміда дельта ҳосил қилган, унинг кенглиги 25 километрга етади.

Сұнgra Амударә үз ұзанини үзгартыриб, Султон Вайс тоғининг ғарбий қисмидан шимол томонга оқа бошлаган. Амударә бу даврга келиб тўртламчи даврининг бошларыда шимол томонга оққан ва кейинчалик жанубға бурилиб кетган. Зарафшон дарёсининг қадимги қуруқ ұзанидан фойдаланған бўлиши мумкин. Бу даврга келиб, Амударә бир қанча тармоқларга бўлинмай, тикка Орол

денгизига унинг жанубий қисмидан қўйила бошлаган. Орол денгизи сувининг озайганлиги Амударёнинг у томонга бурилишига сабаб бўлган.

Кейинчалик Амударёнинг суви ғарб томонга бурилган ва Сариқамиш ботифи ҳамда Ўзбой орқали Қаспий денгизи томон оққан. Ўзбой ўзанидан неолит даврида сув оқиб турган, бронза даврида сув оқиши тўхтаган. Яна IV ва V асрларда Ўзбайдан ҳисқа вақтли сув оқиб турган. Ҳатто 1878, 1889, 1896 ва 1934 йилларда ҳам Амударё суви Кўҳнадарёга уриб кетиб, Сариқамиш ботифига етган. Бу даврда Амударёнинг суви Кўҳнадарё ва Ақчадарё орқали оқса ҳам Амударёнинг ҳозирги ўзанидан сув оқиши тўхтамаган ва сувининг бир қисми Орол денгизига қўйилиб турган.

Сирдарё ҳам Ер тарихининг неоген давридан бошлаб пайдо була бошлаган. Бироқ бу даврда у Фарғона водийсидан тугаган. Бу дарё Фарғона водийсидан неогеннинг охирлари ва тўртламчи даврнинг бошларида Мирзачўл томон оқиб чиққан ва у даврларда ҳозиргидек катта бўлмаган. Сирдарё Фарғона водийсидан чиқиши билан ҳозирги оқаётган ўзанидан эмас, балки Туркистон, Молғузор ва Нурота тизма тоғларининг шимоли-шарқий қисмидан оқиб ўтиб, Нурота тоғининг шимоли-ғарбий қисмига етга, шимоли-ғарб томон бурилган, сунгра Томди тоғларининг шимолий ён бағирларидан оқиб ўтиб, у тоғнинг ғарбида дарё ўз ўзанини жуда кенгайтирган ва каттагина дельта ҳосил қилган. Дарёнинг бир тармоғи эса Буқан тоғининг шарқий қисмидан оқиб ўтиб, Мингбулоқ чуқурлигига қўйилган. Сирдарёнинг бундай оқими тўртламчи даврнинг ўрталаригача давом этган.

Тўртламчи — тошкент даврининг ўрталарида эса Сирдарё Фарғона водийсидан Мирзачўл томон чиқиши билан Туркистон, Молғузор ва Нурота тоғларининг кутарилиши таъсирида ўз ўзанини бирмунча шимоли-шарқ томон ўзгартирган ва қадимги Чирчиқ дарёсининг ўзанидан фойдаланиб, Қозоғистон ҳудудида жойлашган Қоратоғнинг ғарбий этаклари бўйлаб оқа бошлаган ва у ерга қалин дарё қолдиқларини олиб келиб ётқиза бошлаган. Тўртламчи даврнинг бошларида Чирчиқ дарёси Марказий Мирзачўлгача оқиб келиб, кейин шимол томон бурилиб оқа бошлаган. У даврда, Келес, Арис дарёлари Чирчиқнинг ирмоқлари бўлган ва унга қўйилган.

Тўртламчи даврнинг ўрталарида Сирдарё бошланадиган тоғларда музликларнинг майдони жуда кенгаяди. Унинг тоғли районларида жойлашган тармоқ ва ирмоқларининг юқори қисми қалин музликлар билан қопланади. Музликларнинг узунлиги ҳозиргига караганда 3—4 марта ортади. Бу даврнинг охирларида у музликлар эриб, дарёнинг суви жуда кўпаяди. Чув дарёсининг бошланиш қисмларида ҳам бу ҳодиса кузатилади. Унинг сувининг ортиши натижасида у Қизил Ўрда районида Сирдарёга келиб қўйила бошлайди ва унинг ирмоғига айланади. Музликлар эриб бўлгач, Чув Сирдарё билан ўз алоқасини узади ва у Сирдарёнинг ҳозирги ўзанидан 300 километр узоқда ўз сувини йўқотади. Тўртламчи даврнинг ўрталарида Чув дарёсини қабул қилгандан сунг яна

шимол томон оқиб, ҳозирги Орол дөнгизининг ўрида жойлашган сув ҳавзасига келиб қўйилган.

Туртламчи — миরзачўл даврининг охирларида Сирдарёning тараққиёт тарихида катта ўзгариш юз берган. Бу даврда Зарафшон дарёсининг энг катта ирмоқларидан бири Санзор дарёси ўз йўналишини бутунлай ўзгартириб, Мирзачўл томон оқа бошлаган ва Сирдарё ҳавзасига қўшилган.

Туркистон, Молғузор ва Нурота тоғларининг қайта кўтарилиши натижасида Сирдарё Фарғона водийсидан чиққандан сўнг ўзининг ўнг қирғони ювиб, шимоли-шарқ томон силжий бошлади ҳамда Ангрен, Чирчиқ ва Арис дарёларини олиб келиб ётқизган чўкинди жинслари қатламини тик кеса бошлайди. Қоратовнинг ғарбида эса ўз ўзанини деярли ўзгартирмай Қизил Ўрда шахри жойлашган томон оқа бошлаган. Дарё Қизил Ўрда шахри яқинига етгандан сўнг яна ғарбга ва жануби-ғарбга бурилган. Буларнинг кўпчилиги (Жанадарё, Қувондарё) жуда узоқ масофага чўзилган ва улар Орол дөнгизининг қирғоқларигача кузатилади. Бу қуруқ ўзанларнинг баъзилари (Жанубий Жанадарё, Инкардарё ва бошқалар) Орол дөнгизига етмасдан қуммиклар орасида йўқ бўлиб кетади. Аслида улар ҳам ўз вақтида Орол дөнгизига қўйилган.

Сирдарё Қизил Ўрда шахрига етмасдан ғарбга бурилганда, аввал Сирдарёning ҳозирги ўзани яқинида катта ўзан ҳосил қилинган. У ҳозирги вақтда қуруқ Жанубий Жанадарё деб аталиб, ундан Инкардарё номли тармоқ ажralиб чиққан. Профессор В. М. Боровскийнинг ёзишича, Жанубий Жанадарёning бошланиш қисмида чуқурлиги 0,5—1,0 метр, кенглиги 5—20 метр. Кўп жойларда унинг ўзани иккига бўлинib кетиб яна қўшилади. Унинг ён бағирларида кенглиги 70 метр келадиган қайирлар яхши сақланган. Қизилқумнинг ичкари қисмига кирган сари унинг чуқурлиги 2,5 метргача етиб, кенглиги доимо ўзгариб боради.

Инкардарёning ҳозир сақланиб қолган ўзанининг узунлиги 138 километр бўлиб, икки қисмга бўлинади. Биринчи қисми унинг бошланишидан 71 километрга чўзилиб, чуқурлиги 0,7—1,0 метрлар ўртасида, кенглиги 20—30 метр, иккинчи қисмининг узунлиги 67 километр, бу қисмда унинг чуқурлиги 2 метрга етади, кенглиги эса 40 метрдан 200 метргача. Ўзанининг бу қисмидан ундан сув оққан вақтда ҳосил бўлган қайирма яхши сақланиб қолган, унинг кенглиги 250 метргача етади. Демак, ўша вақтларда ўзандан анча сув оқиб ўтган. Инқардарёning қуий оқимида унинг ўзани аста-секин йўқола боради. Сирдарё сувининг бу ўзан бўйлаб оқмай қолишига у ерга олиб келинган дарё жинсларининг тўпланиб қолиши сабаб бўлган.

Сирдарёning қуруқ ўзанлари ичидаги энг каттаси Жанадарёдир. Ўзанининг узунлиги 400 километр бўлиб, бошланиш қисмидаги Дарёлик деб аталаади. Жанадарёning умумий қўриниши бошланишидан то қуий оқимигача доимо ўзгариб боради. Айрим жойларда унинг ўзани иккига бўлинib кетади ва бир оз масофадан сўнг яна бирлашади. Бундан ташқари, у қуий оқимида бир қанча тармоқларга бўлинib кетади. Шулардан бири Дайрабой деб аталиб, Жанадарё-

дан шимоли-ғарб томон йұналған. Бу үзан яхши сақланмаган ва күп қисмларида құм үюмлари остида қолиб, құмиилб кетған. Дайрабойнинг үзәни Орол деңгизига етмасдан тугайды. Жанадарे үзанининг кенглиги, чуқурлиги бир хил эмас, унинг бошланиш қисмларида кенглиги 50 метр, чуқурлиги 2 метрдан ортиқроқ. Үрта оқимида үзан жуда кенгайиб кетиб, айрим жойларida 200—400 метрга етади. Қуий оқимида яна бир оз тораяди ва кенглиги 50 метрдан ошмайди.

Кейинроқ Сирдаре Қизил Үрда шаҳрининг жанубида шимоли-ғарбга қараб Қувондаре номи билан маълум бўлган үзан ҳосил қилган. Бу үзан то Орол деңгизигача чўзилған ва ҳозир ер устида яхши сақланиб қолган. Унинг умумий узунлиги 353 километр, Үзан бошланишидан 60 километр масофада Тамир-Бугут деб аталиб, унинг бошланиш қисмларида кенглиги 60—100 метр, чуқурлиги 9 метргача етади, кейинроқ унинг чуқурлиги 1—2 метр, кенглиги эса 30—70 метргача камаяди, баъзи жойларда эса кенглиги яна 120 метргача етади. Қувондарёning қуий оқимларида чуқурлиги ортиб, кенглиги камайиб боради.

Сирдарёning ҳозирги Орол деңгизига қўйилиш жойидан жануброқда Қизилқум бўйлаб тентираш даврининг энг охирида ҳосил қилган қуруқ үзани Эски Дарёликдир. Унинг узунлиги 130 километр, үртacha кенглиги 100—120 метр, чуқурлиги 1,5—2 метрлар ўртасида.

Сирдаре үз тараққиёти тарихининг факат охирида ҳозирги үзанидан оқа бошлайди ва мавжуд кўринишини олади. Бироқ, шундан кейинги даврларда ҳам Сирдарёning суви Жанадаре, Қувондаре ва бошқа үзанларидан вақт-вақтида оқиб турган. Б. А. Федоровичнинг ёзишича, Жанадарёдан сув оқиш тахминан бундан 180 йил бурун тұхтаган.

Зарафшон дарёси ҳам Ўрта Осиенинг бошқа дарёлари сингари неоген даврида пайдо була бошлаган ва тұртламчи даврга қадар Орол деңгизининг ўрнидаги сув ҳавзасига келиб қўйилған. Тұртламчи даврнинг бошларida дарё қуий оқимининг умумий йұналишини шимолдан жануб томон үзгартира бошлаган. Натижада, шимолда Султон Вайс, жанубда Зиёвиддин тоғларигача, шарқда Қулжук тоғи ва гарбда Қорақум чүллари орасида тентирағ юрган. Тұртламчи даврнинг ўрталарida Қашқадарёning юқори оқими Зарафшон дарёсининг тармоқларидан бири бўлган, Сангзор дарёси ҳам Зарафшонга келиб қўйилған. Бу даврга келиб, Зарафшон дарёси үзининг юқори оқимида Қашқадарёдан ажралған.

Зарафшон дарёсининг суви күп бўлган даврларда унинг қуий оқимида катта қалинликда дарё қолдиқлари тұпланған ва атрофдаги ерларга нисбатан бирмунча күтарилилған. Натижада оқиб келәётган сув үзига янги йўл ахтара бошлаган. Ұша даврда Зарафшон үзанининг қуий оқимининг шимолий қисми пастроқ ва қулай шароит бўлғанлиги учун Яккатут қишлоғининг қаршисидан Зарафшон суви шимоли-ғарб, маълум масофадан сўнг жануби-ғарб томон оқа бошлайди ва Амударёга етади. Зарафшоннинг бу қадимги үзани ер устида яхши сақланған ва Маҳандаре номини ол-

ган. Маҳандарё узининг урта оқимида иккига булинган. Булардан бири шимоли-ғарб томон чўзилиб, Маҳандарё номини сақлаб қолган, иккинчиси эса жануб томон чўзилган ва Гуджейли деб аталган. Бу ўзанларнинг тузилиши бир хил эмас. Уларнинг айрим қисмлари анча кенгаяди ва бундай жойларда кўллар ҳосил булган. Баъзи қисмлари эса қум уюмлари остида қолиб кўмилиб кетган. Уларнинг уртача чуқурлиги 1,5—2 метрдан ошмайди.

А. Р. Мұхаммаджоновнинг олиб борган археологик ишлари шуни күрсатадики, неолит даври мобайнида ҳам Маҳандарё ва Гуджейли ўзанларидан сув оқиб турган ҳамда Зарафшонни Амударё билан туташтирган. Неолит даврининг охирларида улардан сув оқиш тўхтаган.

ЗИЛЗИЛАЛАР

Ўзбекистон кучли зилзилалар бўлиб турадиган ҳудудлардан бири ҳисобланган Туркистон сейсмоактив минтақасида жойлашган. Бу ҳудудда янги тектоник ҳаракатлар фаол давом этаётганини натижасида кучли зилзилалар тез-тез бўлиб турари ва уларнинг кучи 8—10 баллга етади. Зилзилалар манбай (маркази) ер юзасидан 8—40 км чуқурлика жойлашган.

К. Абдуллабековнинг (1992) маълумотига кўра, қадимда Ўзбекистоннинг бир қанча шаҳарларида талафотли зилзилалар бўлиб ўтган: 838—839 йилларда Фарғонада, 942, 1818, 1882 йилларда Бухорода, 1208—1209 йилларда Урганчда, 1490 йилда Самарқандда, 1494 йилда Наманганда, 1797 йилда Ургутда ва бошқалар.

XVI асрда Заҳириддин Мұхаммад Бобур ҳам узининг «Бобурнома» китобида Фарғона, Андіжон, Тошкент ва Самарқанд каби катта шаҳарларда кучли зилзилалар бўлганлигини тасвирлайди.

Жуда даҳшатли зилзила (9—10 балл кучга эга) 1902 йилда Андіжонда бўлиб ўтган ва 50 минг аҳоли яшайдиган шаҳар йибутунлай вайрон бўлган, ҳатто темир йўл изларидағи паровоз ва вагонларни улоқтириб ташлаган, излар эса эгилиб-букилиб жойидан қўзғалиб кетган, 4652 киши ҳалок бўлган ва 7000 га яқин қорамол ўлган.

Ўзбекистон ҳудуди турли геологик даврларда ҳосил бўлган ва ҳозир ҳам ҳаракат қилаётган катта тектоник блоклар—шимолда Марказий Қозогистон қалқони ва Урал-Сибирь эпигерцин платформасининг Турун плитаси, шарқда қадимги кембрийгача ҳосил бўлган Тарим платформаси, жанубда эса қадимги Ҳиндистон платформаси оралиғида жойлашган. Шунинг учун республика ҳудудида қўшни мамлакатлар ҳудудида бўлаётган зилзилалар натижасида ҳосил бўлаётган сейсмик тўлқинлар доимо акс этиб туради. Масалан, Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа жойларда тез-тез бўлаётган зилзилаларнинг сейсмик тўлқинлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида сезилади ва республикамизда зилзилалар бўлиб туришига сабаб бўлади. Қўшни мамлакатлар ҳудудида бўлган зилзилаларнинг манбай қанча чуқур бўлса, улар Ўзбекистонда шунчалик кучли сезилади.

Кучли янги тектоник ҳаракатлар ва улар билан бевосита боғлиқ зилзилалар Тяньшан ороген обласида, яъни Ўзбекистоннинг тоғли қисмida бўлиб ўтмоқда. Олиб борилган текшириш ишлари ва кейинги йилларда бўлиб ўтган зилзилалар шуни кўрсатдики, бу ҳудудда асосан кучи 8 балли зилзилалар бўлиб туради (2-расм).

Тяньшан ороген обласи ва Турон плитасида бўлаётган ер пустининг ҳаракатлари бир-бири билан боғланганлиги сабабли ҳозирги вақтда зилзилалар миңтақаси Ўзбекистоннинг тоғ олди ва текислик қисмларини ҳам уз ичига олмоқда. Натижада кучли зилзилалар Тяньшан ороген обласи билан Турон плитаси орасидаги ҳудудларда ҳам бўлиб ўтмоқда, бу эса плитанинг сейсмик томондан фаоллашишига олиб келмоқда. Тяньшан ороген обласи билан Турон плитаси орасида жойлашган Тошкент шаҳрида 1966 йилнинг 26 апрелида, Назарбекда 1980 йилнинг 11 декабрида кучли зилзилалар бўлиб ўтди. Тошкентда бўлиб ўтган зилзиланинг манбаи шаҳар остида 8 км чуқурликда жойлашган булиб, кучи 8 баллга етган. Силкинишлар 26 апрелдан кейин ҳам тез-тез қайтарилиб турди ва 1966 йилнинг охирига келиб, силкинишлар сони 700 га етган. Бўлиб ўтган силкинишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрида 8 балли зилзилалар 100 йилда бир марта, 7 балли зилзилалар (3-расм) 25 йилда бир марта, 6 балли

Зилзилалар номи	Йиллар	Зилзилалар номи	Йиллар
1. Урганч	1240	13. Чотқол	1946
2. Ургут	1797	14. Санғзор	1957
3. Бухоро	1818	15. Бурчмулла	1959
4. Бухоро	1821	16. Қоштепа	1965
5. Ўш	1883	17. Тошкент	1966
6. Андижон	1902	18. Қизилқум	1968
7. Оим	1903	19. Газлиц	1976
8. Қаратоғ	1907	20. Боткент	1977
9. Наманғон	1927	21. Тобоқсои	1977
10. Томдибулак	1932	22. Ҳайдаркон	1977
11. Бойсун	1935	23. Назарбек	1980
12. Писком	1937		

2-расм. Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган баъзи кучли зилзилалар рўйхати.

зилзилалар эса ҳар 2 йилда бир марта қайтарилиб туар экан. Кучсиз зилзилалар эса деярли ҳар куни сейсмик асбоблар ёрдамида қайд этилади.


Кейинги йилларда сейсмолог, геолог ва геоморфологларнинг олиб борган текшириш ишларининг кўрсатишича, Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудларда кучли зилзилалар ер ёриқлари (разломлар) ва уларнинг бир-бири билан туташган жойларида бўлиб ўтган. Масалан, 1966 йилги Тошкент зилзиласи Қоржантоғ ва уни перпендикуляр кесиб ўтган ер ёригининг дарз кетган минтақаси бўйлаб, 1976 ва 1984 йиллардаги Газли зилзилалари Осиё чуқур ёриги билан Персид-Балхаш ер ёриги туташган минтақада, 1977 йилдаги Исфара-Боткент зилзиласи Жанубий Фарғона ва Қоратоғ-Помир ер ёриқлари кесишган минтақада содир бўлган.

В. И. Уломов (1982) Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудларда қўйидаги — Шарқий Фарғона, Талас-Фарғона, Жанубий Тяншанинг ғарбий ва шимолий қисми ва Марказий Қизилқум сейсмоген минтақаларни ажратган (3- расм).

Шарқий Фарғона минтақасида 8—9 балли зилзилалар бўлиб туради. Буларга 1902 йилнинг 16 декабрида бўлиб ўтган Андижон зилзиласини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Унинг силкиниш кучи 8—9 баллга етган.

Талас-Фарғона минтақаси Ўзбекистоннинг жануби-шарқий қисмida жойлашган бўлиб, жуда кучли зилзилалар бўлиб турадиган минтақа ҳисобланади. Мазкур минтақада 1946 йилнинг 3 нояброда 7—8 балли Чотқол зилзиласи бўлиб ўтган. Бу зилзиланинг маркази 250 км узоқда жойлашган бўлишига қарамасдан, Тошкент шаҳрида кучли сезилган.

Жанубий Тяншанинг ғарбий ва шимолий қисмидаги сейсмоген минтақада ҳам кучли зилзилалар бўлиб туради ва улар бу ҳудуддаги шарқдан ғарбга кесиб ўтувчи чуқур ер ёриги (разлом) би-



3-расм. Сейсмик зоналар (минтақалар) чегаралари (В. И. Уломов, 1982 й.)

лан боғлиқдир. Бу минтақада бўлиб ўтган кучли зилзилаларга 1907 йилнинг 21 октябрида бўлган Қоратоғ, 1977 йилнинг 31 январида бўлиб ўтган Исфара-Боткент ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Марказий Қизилқум сейсмоген минтақаси сейсмик жиҳатдан бирмунча тинчроқ деб ҳисобланар эди. Лекин бу минтақада ҳам охирги йилларда фалокатли зилзилалар бўлиб ўтмоқда. Булардан энг кучлилари 1976 йилнинг 8 апрели ва 17 майида, 1984 йилнинг 20 марта Газлига яқин ҳудудларда бўлиб ўтди. Бу зилзилаларнинг кучи 9—10 баллга етди.

Зилзилалар халқ ҳўжалигига катта зиён келтириши ва кишилар бошига талафотлар солишлигини ҳисобга олиб, охирги йилларда уларни башорат қилишга зўр эътибор берилмоқда. Ўзбекистоннинг сейсмоактив ҳудудда жойлашганлиги ва кучли зилзилалар бўлиб туриши инобатга олиниб, 1966 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошида маҳсус зилзилашунослик илмий-текшириш институти, кейинчалик (70- йилларда) республиканинг деярли ҳамма вилоятларида зилзилаларни башорат қилиш расадхоналари ташкил қилинди ва уларда комплекс ишлар бошлаб юборилди.

Ҳозирги вақтда зилзилалар бўладиган жой ва у жойда қандай куч билан зилзилалар бўлишлигини башорат қилиш ишлаб чиқилган. Бунинг учун маҳсус хариталар тузилган ва уларда янги олинган маълумотлар ҳисобга олиниб, доимо мукаммаллаштириб борилмоқда. Бундай хариталарнинг охиргиси 1975—1980 йилларда зилзилашунослик институтида тузилган. Кейинги йилларда бўлиб ўтган ўнга яқин зилзилалар бу харитада келтирилган башоратлар тўғри эканлигини кўрсатди. Лекин мазкур харитада зилзилалар ўртacha кучининг тарқалиши қайд этилган. Ҳар қайси кичик жойнинг сейсмик фаоллигини аниқлаш мақсадида ундај жойларда, масалан, шаҳарларда (Тошкент, Чирчик, Янгийўл, Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Зарафшон ва бошқалар), йирик ишоотлар (Чорвоқ, Тўполон, Ҳисарак ва бошқа сув омборлари, Қибрайдаги ядро физикаси институтининг реактори ва бошқалар) учун сейсмик микрорайонлаштириш хариталари ҳам тузилган. Бу хариталарда кичик жойларда зилзила кучи ўртачадан қанча баллга фарқ қилиниши кўрсатилган. Бу нарса жойларнинг геологик, тектоник тузилишига, у ердаги тоғ жинслирининг физик хоссалари ва таркибига, ер ости сувларининг ер сатҳидан қанчалик чуқурликда жойланишига ва бошқаларга боғлиқ.

Бироқ, зилзилаларни бўлиб ўтадиган вақти масаласи ҳозирча тулиқ ҳал қилинмаган. Бу борада зилзилашунос олимлар иш олиб боришимоқда. Умуман, зилзила бўладиган вақтни башорат қилиш З даврга бўлинади: узоқ муддатли (қайси йилларда), ўрта муддатли (йилнинг қайси ойида) ва қисқа муддатли (ойнинг қайси кунида). Ўрта муддатли башорат усули геология-минералогия фанлари доктори Ж. Х. Яқубов раҳбарлигига бир гуруҳ олимлар томонидан зилзилашунослик институтида ишлаб чиқилди. Булар ишлаб чиқсан усул ёрдамида 1978 йилдаги Янгийўл, 1980 йилдаги

Назарбек, 1983 йилдаги Чотқол, 1984 йилдаги Поп ва бошқа жойларда бўлиб ўтган зилзилалар башорат қилинди ва тасдиқланди.

Зилзилаларни қисқа муддатда башорат қилишда ҳам Ўзбекистон зилзилашунослари анча муваффақиятларга эришдилар. Бунинг учун ҳам бир қатор усуллар яратилган. Энг самарали усуллардан бири импульс электромагнит майдонининг ўзгаришлариdir. Маълум бўлишича, ер қимирлашдан бир неча кун олдин зилзила ўчидан импульс электромагнит тўлқинлари ажралиб чиқа бошлар экан. Бу усул ёрдамида Чорвоқ сув омбори атрофида ва Янгибозор расадхонасида 4—5 балли зилзила 1—2 кун олдин башорат қилинди. Бундан ташқари, зилзилашунослик институтида янги бир усул «магнит» усули ҳам яратилди. Бу усулнинг қулланиши ҳам 1968—90-йиллар давомида Ўзбекистонда ва унга туташган ерларда (Абайбозорда 1971 йил, Халқободда 1972 йил, Товоқсойда 1977 йил, Назарбекда 1980 йил, Чимёнда 1982 йил, Попда 1984 йил, Газлида 1984 йил ва бошқалар) зилзилалар бўлишилиги олдиндан аниқланди.

Зилзилаларнинг сейсмик даракчилари орасида энг қадимиёси ва кўп тарқалгани ер қимирлашларнинг даврий тақрорланишидир. Табиатда жуда кўп жараёнларнинг, шу жумладан зилзилаларнинг содир бўлиши даврийликка эгадир. Масалан, Фарғона водийсида К. Абдуллабековнинг (1992) маълумотига қараганда, кейинги 100—120 йил ичида бўлиб ўтган зилзилаларни олсак, уларда аниқ 20 йиллик давр борлиги аниқланди. Шу нарса маълум бўлдики, 20 йилнинг биринчи 10 йилида биронта ҳам кучли зилзила содир бўлмаган бўлса, барча кучли зилзилалар иккинчи 10 йилликда, яъни 1877—1887, 1897—1907, 1917—1927, 1937—1947, 1957—1967, 1977—1987 йилларда бўлиб ўтган.

Бўладиган зилзилаларнинг вақтини аниқлашда ер ости минерал сувларининг таркибини ўрганиш ижобий натижалар бермоқда. Маълумки, ер ости минерал сувлар таркибида турли микроэлементлар, тузлар ва газлар бўлади. Улар радон, гелий, аргон, кислород, водород, азот, олtingугурт, хлор ва бошқалар. Зилзилалардан олдин мазкур микроэлементларнинг деярли барчасида кескин ўзгаришлар кузатилади. Шуни ҳисобга олиб, зилзилалар башорат қилинади.

Булардан ташқари, Ўзбекистон ҳудудида келгусида содир бўлиши мумкин зилзилаларни башорат қилиш учун яна бошқа усуллар (ер ости сувларининг сатҳини, нефть ва газ конлари дебитининг, ернинг ҳозирги замон ҳаракатларининг ўзгаришлари, биологик ва метеорологик даракчилар ва бошқалар) қўлланилмоқда ёки уларни мукаммаллаштириш устида иш олиб борилмоқда.

Хозир зилзилашунослик институти ва Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ташкил қилинган расадхоналарда юқорида курсатилган усулларни қўллаб, комплекс ўлчаш ва текшириш ишлари олиб борилмоқда, натижада республика ва унга қўшни ҳудудларда бўлиб ўтган кўргина зилзилалар башорат қилинди. Бунга мисол қилиб 1976 йилнинг 27 майидаги Газли, 1978 йилнинг 1 ноябрьдаги Андижондан 130 км жанубда Олой, 1980 йилнинг 11 де-

кабридаги Назарбек, 1984 йилнинг 27 февралидаги Поп ва бошқа зилзилаларни кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб хозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида содир бўлаётган (кучи 7 баллдан юқори) зилзилаларнинг тахминан 70 фойзи анча аниқликда олдиндан айтиб берилмоқда.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР

Юқорида курдикки, Ўзбекистон ҳудуди турли геологик тузилишга ва тарихга эга. Шунинг учун бу ҳудуд турли фойдали қазилмаларга бойдир. Республика ҳудудида кўп йиллик геологик тадқиқотлар олиб борилиши натижасида турли қимматбаҳо қазилма бойликлари борлиги, уларнинг миқдорий жиҳати ва саноат аҳамиятига эга бўлган конлари аниқланди. Бу халқ ҳўжалигини муҳим тармоқларини, айниқса газ, олтин чиқариш, энергетика, кимё, рангли металлургия, руда бўлмаган ҳом ашёлар ва қурилиш материаллари саноатларини тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини берди. Ҳозирги даврга келиб аниқланган қазилма бойликлар манбалари ишлаб чиқариш корхоналарини узоқ муддат давомида олтин, мис, табиий газ, қўрошин, рух, кўмир ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлабгина қолмай, ҳаттоқи ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш имконини ҳам беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳудудида фойдали қазилмаларнинг бир қанча турлари борлиги аниқланди.

1. Ёқилғи-энергетика бойликлар. Бу фойдали қазилмалар гуруҳига нефть, газ ва кўмир киради.

Нефть ва газ конлари Фарғона ботиғидаги Шимолий Сўҳ, Жанубий Аламушик, Полвонтош, Чимён, Шурсу ва бошқа жойларда топилган. Булар юра, бўр, палеоген ва неоген даврларида ётқизилган чукинди тоғ жинслари қатламлари орасида жойлашган. Палеоген даври ётқизиқлари айниқса фойдали қазилмаларга бойдир.

Нефть Шеробод-Сурхондарё ботиғидаги палеоген оҳактошлари қатламларида Ховдог, Учқизил, Кўкайти ва бошқа жойларда олинмоқда.

Нефть ва газ конлари Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларидаги Одамтош, Гумбулоқ, Пачкамар, Қизилбайроқ, Оманота номли жойларда юқори юра даври карбонат тоғ жинслари антиклиналь бурмаларида ҳам очилган.

Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг текислик қисмida бир нечта нефть ва газ конлари (Муборак, Оқжар, Саритош, Жарқоқ, Қоравулбозор ва бошқалар) очилган бўлиб, улар юра ва бўр чўкинди тоғ жинслари билан боғлиқdir.

Газнинг жуда катта заҳираси Бухоро вилоятидаги Газлида 50-йилларда ёқ очилган эди. У жуда катта ҳажмда Россиянинг марказий шахарлари ва Ўролга қувурлар орқали олиб кетилгани натижасида ҳозир тугаб бормоқда.

Бундан ташқари, газ конлари Устюрт платосидаги Шоҳпахта,

Куаниш номли жойларда юра даври чүкинди тоғ жинслари қатламлари орасида очилган.

Ўзбекистон ҳудудида кўмирнинг тўртта кони (Оҳангарон, Шарғун, Бойсун, Куҳитанг) маълум. Булардан Оҳангарон қўнғир кўмир кони Топкент вилоятидаги Оҳангарон дарё водийсининг ўрта оқимида жойлашган бўлиб, очиқ усулда қазиб олинмоқда. Бу кўмир конининг заҳираси республикада топилган барча кўмир заҳирасининг 96,5 фоизини ташкил қиласди.

Ўзбекистондаги иккинчи кон Сурхондарё вилоятининг тоғли қисмидаги юқори сифатли Шарғун тошкўмир конидир. Кон денгиз сатҳидан 600—800 м баландликда юра даври ётқизиқлари орасида жойлашган. Кўмир қатламларининг ўртача қалинлиги 4,5 м, баъзиларининг қалинлиги эса 12 м га етади. Бу ҳудудда Бойсун ва Куҳитанг кўмир конлари ҳам очилган бўлиб, улар ҳам юра даври ётқизиқлари орасидадир.

Ўзбекистон кўмир конларининг умумий заҳираси 6 млрд. тоннадан зиёддир.

2. Рудали фойдали қазилмалардан Ўзбекистон ҳудудида қора металлар (темир, титан, марганец, хром), нодир металлар (вольфрам, молибден, қалай, висмут, симоб, суръма ва бошқалар) топилган.

Республика ҳудудида темир ва титаннинг бир нечта конлари очилган. Буларнинг ҳосил бўлиши ҳудуднинг геологик тараққиёти мобайнида содир бўлган вулканик жараёнлар, чўкинди тоғ жинсларининг ётқизилиши ҳамда гидротермаль жараёнлар билан боғлиқ. Вулканик жараёнлар билан боғлиқ темир рудаларидан бири Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган Тебинбулоқ, Ҳисор тизмаларидағи Қазғантөф, Ўзбекистоннинг шарқий қисмидаги жойлашган Сюренота, Шабрез, Мингбулоқ, Ихнач, Чимган ва бошқалардир. Чўкинди тоғ жинслари билан боғлиқ қора металлар Орололди, Қизилкум, Султон Вайс ва бошқа жойларда борлиги аниқланган.

Вулканик, чўкинди ва гидротермаль жараёнлар натижасида ҳосил бўлган марганец конлари Зарафшон, Зирабулоқ, Қоратепа ва бошқа тоғларда очилган. Бироқ, уларнинг аниқланган заҳиралари катта эмас. Вулканик жараёнлар билан боғлиқ хром конлари Тамдитоғ, Султон Вайс тизмаларида топилган.

Ўзбекистон ҳудудида рангли металлардан миснинг кўплаб конлари очилган. Конларнинг учтасидан (Қурама тоғларининг шимолий ёнбағирларида Қалмоққир, Саричекув, Даљне) маъдан қазиб олинмоқда. Бу конлардан қазиб олинган хом ашё ҳисобига Олмалиқ тоғ металлургия корхонаси ишлаб турибди. Конлардаги мис қуий палеозой даврига мансуб сланец, қуий девон даври эффузивлар, девон-тошкўмир давлари карбонат тоғ жинслари ҳамда уларни ўрта тошкўмир даврида ёриб чиқсан интрузив тоғ жинсларида жойлашган. Булардан ташқари, мис конлари Ўзбекистоннинг бошқа (Қизилкум, Жанубий Ўзбекистон) ҳудудларида ҳам борлиги аниқланган.

Қўроғшин ва рух Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида топилган. Бундай фойдали қазилмалар Жанубий Ўзбекистондаги Хан-

дизада маълум. Бундай фойдали қазилмаларга Чотқол-Қурама тоғлари анча бойдир. Бу ерларда Қўрошинкон, Мискон, Қошман-сой ва бошқа конлар очилган.

Қўрошин ва рух конлари Жиззах вилоятидаги Учқулочда, Тошкент вилоятидаги Конжайлау, Кулочалоқ ва бошқа жойларда ҳам очилган. Булардан энг аҳамиятлиси Учқулоч конидир.

Ўзбекистон худудида нодир металларнинг бир қанча конлари топилган. Жанубий Нурота тоғ тизмасидаги Лангар, Қўйтош, Зирабулоқ-Зиёвитдин тизмаларида Ингичка, Чақилқалон тизмасидаги Яхтон, Қамангорон, Қоратепа тизмасидаги Жом, Сариқўл, Сазаған ва бошқа жойларда вольфрам конлари топилган. Умуман Ўзбекистонда б 6 та катта вольфрам кони бор. 140 га яқин жойда эса озми-кўпми вольфрам борлиги аниқланган. Вольфрам конлари ичида Қўйтош ва Ингичка конларида кўп йиллардан бери бу маъдан қазиб олинмоқда.

Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида: Ҳисор тоғ тизмаларининг ғарбий қисмида (Обизаранг), Писком тоғларида (Ойгаинг), Қурама тоғларида (Шаугаз) ва бошқа жойларда молибден конлари очилган. Ҳозир молибден Олмалиқда бошқа маъданлар билан бирга кўп миқдорда қазиб олинмоқда. Чунки ҳозирча Ўзбекистонда соғ молибден кони топилган эмас.

Ўзбекистонда 100 дан зиёд қалай конлари борлиги аниқланган. Лекин буларнинг ҳаммаси кичик конлар бўлиб, улардан маъдан қазиб олинмайди. Қалай конлари борлиги Самарқанд вилоятининг Қарнаб чўли, Зирабулоқ-Зиёвитдин тоғларида, Тошкент вилоятининг Майдонтол, Қенгқўл, Саргардон, Оҳангарон платосида ва Жиззах вилоятининг Нурота тизмаларида аниқланган.

Висмут Писком тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисмида (Бурчмулла қишлоғи яқинида) Ўртасаройда қазиб олинмоқда. Бундан ташқари Қурама тизмасидаги Қизилгўтда, Чотқол тизмасида Тошкесгенда ва бошқа жойлarda висмут борлиги аниқланган. Улар купинча қўрошин-рух ва мис-молибден рудалари таркибида учрайди. Висмутнинг айрим ўчоқлари Нурота, Зирабулоқ-Зиёвитдин ва Ҳисор тизмаларида ҳам маълум.

Ўзбекистонда 50 дан зиёд симоб ва суръма конлари очилган. Бироқ, уларнинг заҳиралари кам бўлганлиги сабабли, қазиб олинмайди. Лекин республикада бир қанча симоб конлари очилиши мумкин бўлган ҳудудлар бор. Буларга Молғузор-Туркистон (Зомин руда минтақаси), Зирабулоқ-Зиёвитдин (Олтиновул руда минтақаси), Қизилқум (Қулжуқ-1, Қулжуқ-2 ва бошқа рудали минтақалар) ва бошқалар киради.

Ўзбекистон ҳудуди асл металларга бойдир. Катта заҳирага эга олтин конлари Қизилқум чулида (Мурунтоғ, Қокпатас ва бошқалар) очилган ва қазиб олинмоқда. Булардан ташқари Нурота, Чотқол, Қурама ва бошқа қатор жойларда келажакда очиладиган конлар ва руда қуринишлари аниқланган.

Ўзбекистон ҳудудида бир нечта кумуш конлари ҳам мавжуддир.

3. Қимёвий хом ашёлардан Ўзбекистон ҳудудида ош ва калий тузлари мавжуд. Булар дengiz ва қуруқлик шароитларида юқори юра, қуий бўр, неоген ва тўртламчи даврларда ҳосил бўлган. Юқори юра дengiz шароитида ҳосил бўлган ош ва калий тузлари республиканинг жануби-ғарбий қисмида айниқса кенг тарқалган. Бу ҳудудда Бойбичакон, Хўжаикон, Тюбегатанг, Оқбош, Лайлимкон ва бошқалар бор.

Ўзбекистон катта калий тузлари заҳирасига **ҳам** эгадир. Улар юра даврида ҳосил бўлган бўлиб, кўпинча ош тузлари билан бирга учрайди. Улар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида жойлашган Тюбегатанг, Оқтош, Одамтош, Оқмачит номли катта конлардир.

Ўзбекистонда ҳозирги саноат аҳамиятига эга бўлган катта фосфорит конлари аниқланмаган. Молғузор, Нурота тоғлари ва Сурхондарё ботифида уларнинг катта заҳирага эга конлари очилган.

Фарғона ботифи адир минтақасидаги бир нечта тектоник структураларда (Қизиларча, Андижон, Қуршоб ва бошқалар) бўр ва палеоген ётқизиқлари, Ҳисор тизмаси жануби-ғарбий тармоқларида палеоген ётқизиқларида ҳамда Устюрт платосидаги палеоген ва юра ётқизиқларида олтингугурт борлиги аниқланган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда олтингугурт газини тозаловчи Муборак заводи бу хом ашёни берувчи асосий манба ҳисобланади.

Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари, Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари ҳудудларида, Нурота тизма тоғларида флюорит конлари очилган.

Ўзбекистоннинг тоғли қисмидаги ёриқларда ва карст-форларида табобатда қадимдан фойдаланиб келинаётган мумиё топилган.

4. Алюминий хом ашёларига каолин, алунит ва боксит кабилар киради. Оҳангарон кўмир кони қазилиб олинаётган жойда каолиннинг катта заҳираси борлиги аниқланган.

Алунитнинг аниқланган конлари Қурама, Чотқол, Қаржантог тизмалари ёнбағирларида жойлашган.

Ўзбекистон ҳудудида саноат аҳамиятига эга бўлган юқори сифатли боксит конлари топилмаган. Нурота тоғлари, Қизилқум, Ҳисор тоғларида ўрта ва паст сифатли бир қанча кичик боксит конлари очилган.

Ўзбекистонда бентонитли гиллар топилган. Буларга Қашқадарё вилоятидаги Азкамар, Самарқанд вилоятидаги Каттақўрғон ва бошқалар киради. Улар бўр ва палеоген даврларида ҳосил бўлган.

5. Нометалл хом ашёлар ҳам Ўзбекистонда кўплаб топилган. Республикада 30 дан зиёд графит конлари мавжудdir. Унинг катта кони Қулжуқтоғ тизмасидаги Тошқазгандан очилган ва қазиб олинмоқда. Кондаги маъданнинг заҳираси 7 млн. тоннага яқин.

Султон Вайс тизмаси, Жанубий Фарғона ва Ҳисор тизмаларида асбест конлари топилган, лекин улардан хом ашё қазиб олинмайди.

Молғузор тизмасидаги Шарақсоида ва Қаржантог тизмасидаги Оқтошда корунд конлари очилган.

Құрама тизмасидаги Олмабулоқ, Қенқол, Ғава, Чаркасарда, Қотқол тизмасидаги Саргардонда, Марказий Қизилқұмдаги Оқтошда ва бошқа ерларда қимматбақо тошлардан топаз топилған. Үзбекистоннинг 30 га яқин жойларидә бирюза борлиги аниқланған. Булардан асосийлари Құрама тизмасидаги Үнгурликон, Шаугаз, Үргаз, Қалмоққыр, Ақтурпок, Қоратепа тизмасидаги Ибрөхимота, Самарқандиқ, Қизилқұмдаги Аяқоши, Ирлир, Оуминзатоғ, Мурунтоғ, Тошқазган, Айтим ва бошқалар. Аметист Писком дарёсининг юқори оқими Мискон, Майдонтол ва бошқа ҳудудларда топилған. Писком тизмасида (Шамтерек, Анаулған) тоғ биллури ҳам бор.

Зирабулоқ-Зиёвиддин тоғларидаги Ғунжак, Құхитанг тизмасидаги Ажинакамар ва бошқа ғорларда мармар ониксининг каттагина заҳираси борлиги аниқланған. Булардан ташқари, Үзбекистон ҳудудида яшма, нефрит, лазурит ва бошқа қимматбақо ва ярим қимматбақо тошлар борлиги аниқланған.

Ўзбекистонда кварц құмларининг катта заҳираси бор. Буларга Тошкент вилоятидаги Майский кони, Озадбоши кони, Қизилқұмдаги Жеруй кони, Кармана кони, ҳаммаси бўлиб 13 та кон бор. Улар эоцең даврида ҳосил бўлған.

6. Қурилиш материаллари. Ўзбекистон қурилиш материалларига (соз тупроқ, құм, шағал, оқактошлар, гипс, мармар ва бошқалар) жуда бойдир. Фишт ва бошқа қурилиш материаллари сифатида ва кулолчиликда ўзбек халқи қадим замонлардан фойдаланиб келаётган соз тупроқлар (лёсслар) республиканинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида кенг тарқалған. Улар асосан дарёлар ўрта оқимидағи террасаларда ва тоғ олди текисликларида йайниқса катта майдонларни эгаллаган. Дарё водийларидә құм ва шағаллар ҳам чегараланмаган заҳирада учратиласы. Құмлар асосан дарёларнинг қуий оқимида, шағаллар эса тоғ олди ва тоғли ҳудудларда тарқалған. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида оқактошларнинг күплаб заҳиралари мавжуд. Улар оҳак, цемент ва бошқа қурилиш материаллари сифатида кенг фойдаланилади. Ўзбекистонда гипснинг ҳам бир қанча конлари бор. Улардан энг йириги Жанубий Ўзбекистондаги Тюбетаң конидир.

Ўзбекистонда бир қанча мармар конлари очилған. Буларнинг энг асосийлари Навоий вилоятидаги Фозғон, Самарқанд вилоятидаги Омонқұтон. Тошкент вилоятидаги Арқутсой ва бошқалар. Бундан ташқари, бир қанча мармар конлари бор. Уларнинг күпчилиги юқори сифатли ва рангли мармарлар гүрухига киради. Шунинг учун улар Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз шаҳарларида барпо этилған тарихий ёдгорликларда асосий безак тоши сифатида ишлатилған. Фозғон мармари жаҳон күргазмаларида күп марта биринчи үринни эгаллаган. Ўзбекистонда қазиб олинаётган мармарлардан республикамиз шаҳарларидаги ҳашаматли биноларни, масалан, Навоий номли опера ва балет театри, Халқлар Дўстлиги номли санъат саройи, Тошкент метроси бекатларини ва турли ёдгорликларни безашда кенг фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудида манзарали қоплама тош-

ларнинг (гранит, гранодиорит, габро, туф, парфир ва бошқалар) катта заҳираси очилиб, улар ноёб иморатларни безашда кенг ишлатилмоқда.

7. Гидро-минерал бойликлар. Ўзбекистоннинг гидро-минерал бойликларига унинг ер ости сувлари киради. Республика ҳудудида тарқалган тоғ жинсларининг кўпчилигида сувли қатламлар мавжуд.

Ўзбекистон гидрогеологларининг кўп йиллик олиб борган текшириш ишлари натижасида республика ҳудудида 100 дан зиёд ер ости сув конлари борлиги аниқланган.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида тарқалган тоғ жинслари ичida ер ости сувларига энг бойи тўртламчи давр ётқизиқлари ҳисобланади. Республиkaning тоғли қисмида аниқланган чучук ер ости сув заҳирасининг учдан икки қисми тўртламчи давр ётқизиқларida ҳосил бўлган, учдан бир қисми эса текислик қисмiga тўғри келади. Текислик қисмидаги чучук ер ости сувларининг асосий қисми Амударё дельтасида жойлашган бўлиб, у Амударё ва катта каналлардан ер остига сизиб кирган сувлардир.

Ўзбекистоннинг тоғли қисмида кенг тарқалган палеозой даври оҳактошларида катта ҳажмда карст сувлари ҳосил бўлган. Бу сувларнинг маълум қисми дарё ва тоғ ёнбағирларида булоқлар сифатида ер юзасига чиқиб ётибди, улардан кўплаб кичик-кичик дарёлар бошланади, қишлоқлар аҳолиси сув билан таъминланади. Гидрогеолог ва карстшуносларнинг маълумотига қараганда, ҳозир 350 дан зиёд катта булоқлар сувидан аҳолини сув билан таъминлашда фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ҳудудида шундай булоқлар борки, уларнинг суви таркибида турли кимёвий моддалар бор, баъзиларида сувининг ҳарорати юқоридир. Буларга Сурхондарё вилоятидаги Хўжай Пок, Гарм, Оби-шифо ва бошқалар, Тошкент вилоятида Арашан булоқларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида тарқалган ер ости сувларидан ҳозир жуда кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирга қадар бу сувларнинг ҳосил булиши, заҳираси, таркиби ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиши мақсадида С. Ш. Мирзаевнинг маълумотига кўра, 25 мингдан зиёд пармалар (скважиналар) ковланган. Бир йилда уларнинг баъзилари орқали бир секундда 145 м³ дан ортиқ сув олиниб, фойдаланилади.

Булардан ташқари, Ўзбекистоннинг баъзи бир ҳудудларида минерал ва термал сувлар очилган. Булардан асосийлари Фарғона ботигидаги Чимён, Полвонтош, Хўжаобод, Шурсу, Шимолий Сўҳ, Андижон, Чорток, Жанубий Ўзбекистондаги Учқизил, Кўкайти, Хоудаг, Самарқанд вилоятидаги Нагорная, Бухоро вилоятидаги Махаса, Қоракўл ва бошқалар. Бу сувларнинг таркибида турли кимёвий моддалар мавжудлиги ва ҳарорати юқори бўлганлиги сабабли улар очилган жойларда қатор даволаниш масканлари барпо этилган ва турли дардларни даволашда фойдаланилмоқда.

Савол ва топшириқлар. 1. Ўзбекистон ҳудуди қандай катта геологик структураларда жойлашган? 2. Ўзбекистон ҳудудида түртламчи даврга қадар қандай муҳим геологик жараёнлар содир бўлган? 3. Ўзбекистоннинг тоғли қисмидаги түртламчи даврда тектоник ҳаракатлар қандай хусусиятга эга бўлган? Неча марта тектоник кўтарилишлар ва тинч турии даврлари бўлиб ўтган? Уларнинг номини айтинг. 4. Ўзбекистоннинг текислик қисми тоғли қисмидан геологик жиҳатдан қандай фарқ қиласди? 5. Орол денгизи ботигининг вужудга келиши ҳақидаги назарияларни гапириб беринг. 6. Амударё, Сирдарё ва бошқа дарёларнинг түртламчи давр мобайнида текислик бўйлаб тентираబ оқцанлигини гапириб беринг ва уларнинг йўналишини ёзувсиз харитага туширинг. 7. Ўзбекистонда кучли зилзилалар вужудга келиш сабабларини гапириб беринг. Ҳудудда қадимда ва яқин йилларда бўлиб ўтган зилзилаларни айтинг, уларни ёзувсиз харитага туширинг. 8. Ўзбекистон ҳудудида фойдали қазилмаларнинг қандай гуруҳлари мавжуд? Ҳудуддаги муҳим фойдали қазилмалар конларини топинг ва ёзувсиз харитага туширинг.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РЕЛЬЕФИ

Ўзбекистон ҳудуди ўзининг геологик тараққиёти мобайнида мурakkab жараёнларни бошидан кечирган. Шунинг учун унинг рельефи жуда хилма-хилдир.

Республиканинг шарқий ва жануби-шарқий қисмини Ўрта Осиёнинг энг баланд тоғлари Тяншань ва Помир-Олой тизмаларининг тармоқлари қоплаб олган. Бу тоғлар фарб ва шимоли-фарб томон пасайиб боради, шарқ ва жануби-шарқда эса уларнинг баландлиги денгиз сатҳидан 7495 м га етади.

Ўзбекистоннинг шимоли-фарбий қисми эса Турон текислигининг марказий қисми билан банд. Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳудуди ер усти тузилиши жиҳатидан иккита катта қисмга, яъни тоғли ва текисликларга бўлинади. Бу қисмлар ўз майдонларининг катта-кичиклиги билан бир-биридан кескин фарқ қиласди. Ўзбекистон ҳуддининг 70% га яқини текислик, қолган 30% қисмини эса тоғлар эгаллайди. Бу қисмларнинг чегаралари ниҳоятда эгри-буғри бўлиб, тоғларнинг баъзи бир тизмалари текислик қисмининг ичкарисига сурилиб кирган, айрим жойларда текислик ҳам тоғ тизмалари орасига қўлтиқ шаклида кириб қолган.

Ўзбекистоннинг тоғли қисми. Ўзбекистоннинг тоғ қисми асосан тоғ тизмалари ва тоғ оралиқ ботиқларидан иборатdir.

Тоғ тизмалари. Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмida Фарбий Тяншаннинг тоғ тизмалари жойлашган. Бу тоғ тизмалар бири иккинчисига ёндош ҳолда шимоли-шарқдан жануби-фарб томонга чузилиб кетган. Уларнинг ҳаммаси шимоли-шарқда **Талас Олатовига** бориб қадалади. Талас Олатови Фарбий Тяншаннинг баланд тоғларидан бири бўлиб, унинг энг баланд чуққиси денгиз сатҳидан 4488 м баландликка кўтарилган ва Манас номини олган. Бу тизма чуқур дарё водийлари ва тоғ оралиқ ботиқларини бир-биридан ажратиб туради.

Фарбий Тяншаннинг шимолий тизмаларидан бири **Үгом** тоғлари деб аталиб, бу тоғнинг жануби-шарқ ён бағирлари Ўзбекистон Республикасига қарайди. Үгом тоғининг денгиз сатҳидан уртacha баландлиги 3500 м, энг баланд чуққиси эса 4229 м га (Сайрам чуққиси) етади. Үгом тоғи жануби-фарб томонга аста-секин па-

сайб боради. Ўгом тоғининг жануби-ғарб қисмida Қоржонтоғ тизмаси жойлашган. Унинг ўртача баландлиги 2000 м, энг баланд чўққиси (Мингбулоқ) 2834 м га етади.

Ўгом тоғига ёндош ҳолда Писком тоф тизмаси чўзилган. Писком тизма тоғининг дengiz сатҳидан ўртача баландлиги 3000—3500 м, энг баланд чўққиси 4299 м га етади. Унинг баланд қисмida доимий қор ва музликлар тарқалган.

Ғарбий Тяншанинг энг узун ва баланд тоф тизмаларидан бири Чотқолдир. Чотқол тоф тизмасини Узбекистон ҳудудида Оҳангарон дарё водийси иккига бўлган. Буларнинг шимолийси Арашон (4-расм) ва Қизилнура, жанубийси эса Қурама тизма тоғлари деб аталади.

Арашон ва Қизилнура тоф тизмалари Оҳангарон ва Чотқол дарёларининг сув айирғичи ҳисобланади. Бу тизмаларнинг энг баланд чўққиси дengiz сатҳидан 3893 м га кўтариленган. Қизилнура тизмасининг шимолий қисмida Катта ва Кичик Чимён чўққилари жойлашган. Улар дengiz сатҳидан 3277 ва 2101 м баланддир.

Қурама тизма тоғининг ўртача баландлиги 2500 м бўлиб, айрим чўққилари 3769 м гача етади. Бу тизманинг жануби-ғарбида унча баланд бўлмаган Мўғултоғ жойлашган. Оҳангарон дарёсининг бошланиш қисмida Оҳангарон платоси жойлашган. Оҳангарон платосининг ўртача баландлиги дengiz сатҳидан 3000 м, айрим жойлари 3400 м га ҳам кўтариленган.

Узбекистон ҳудудида шарқдан ғарбга чўзилган Туркiston тизма тоғининг ғарбий тармоғи ва шимолий ён бағирларининг аксар қисми жойлашган. Бу тизманинг Узбекистон ҳудудидаги энг баланд чўққиси Шакартоғ бўлиб, унинг баландлиги 4033 м га етади (5-расм). Тизма ғарб томон пасая боради. Санѓзор дарёсининг бошланиш қисмida Туркiston тизмаси иккига бўлинган. Унинг жанубий қисми — Чумқорттоғ деб аталиб, шарқдан ғарб томонга қараб чўзилиб кетган ва баландлиги 3194 м га етади, шимолий қисми — Молғузор эса шимоли-ғарб томон чўзилган. Бу тизманинг сув айирғич қисми жуда қояли бўлиб, энг баланд жойи 2622 м. Молғузор тоғининг баландлиги шимоли-ғарб томон камайиб боради, тоғининг умумий кўриниши ҳам узгариб, қояли чўққилар ўрнини усти анча текис ва силлиқ бўлган баландликлар эгаллади.

Молғузор тизмасининг шимоли-ғарбий давоми — Нурота тоғини Санѓзор дарёсида ҳосил бўлган «Темурланг дарвозаси» ажратиб туради.

Нурота унча баланд бўлмаган иккита тизмадан иборат. Бунинг шимолийси Нурота тоф тизмаси деб аталиб, унинг баландлиги 2169 метргача кўтарилади («Хаёт чўққиси»).

Нурота тоғининг жанубий тизмаси бир нечта баландликлардан — Губдуントоғ, Қароқчигоғ, Оқтоғ ва Қоратоғлардан иборат. Буларнинг баландлиги 1150—2006 метр ўртасида бўлиб, шимолий Нурота тоғининг жанубий ён бағирларидан бошланадиган дарё водийлари уларни бир-биридан ажратиб туради.

Туркiston тизма тоғларининг жанубдаги Зарафшон тизма

Тизмалар: 1— Талас олатови, 2— Угом, 3— Коржонтөр, 4— Писком, 5— Арапшон, 6— Кизилнурга, 7— Қурама, 8— Мурултөр, 9— Молгузор, 10— Чумкортор, 11— Нурота, 12— Гобдунтор, 13— Корокчитор, 14— Оқтог, 15— Коратог, 16— Чакылқалон, 17— Коратела, 18— Зиёвиддин-Зирабулоқ, 19— Сумсар-Шертоғ, 20— Осмонтош, 21— Бешнов, 22— Эшак Майдон, 23— Хонтахта, 24— Бобо Сурхон, 25— Бойсунтог, 26— Құхитанг, 27— Боботог, 28— Кулжуктог, 29— Овминзатог, 30— Тамдитог, 31— Етимтог, 32— Букантог, 33— Султон Вайс, Кирлар: 34— Қопланқир, 35— Қорабовур, Ботқалар: I— Тошкент Мирзачүл, II— Фарона, III— Санззор-Нурота, IV— Зарафшон, V— Китоб-Шахрисағ, VI— Шеробод-Сурхондарё, VII— Оёқагитма, VIII— Мингбулоқ, XI— Қорахотин, X— Асакаовдон, XII— Борсакелмас, XIII— Сариқамиш.



4- расм. Ўзбекистоннинг орографик чизмаси.

тоғларининг ғарбий тармоқлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Булар **Чақилқалон** ва **Қоратепа** номлари билан маълум бўлиб, шарқдан ғарбга қараб чўзилган. Чақилқалон тоғининг энг баланд чўққиси 2388 метр.

Қоратепа тоғини Чакилқалон тоғидан Тахтақарача довони ажратиб туради. Довоннинг баландлиги 1679 м.

Тахтақарача довони ғарбида жойлашган Қоратепа тоғининг энг баланд чўққиси Камқутон бўлиб, баландлиги 2188 м.

Қоратепа тоғларидан шимоли-ғарбда Зарафшон тизма тоғларининг давоми бўлган Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғлари жойлашган. Бу тоғлар унча баланд эмас, яъни 1112 метрдан ошмайди.

Жанубий Ўзбекистонда **Ҳисор** тоғ тизмаларининг жануби-ғарбий қисми ва унинг бир қанча тармоқлари жойлашган. Ўзбекистон ҳудудига ўтиши билан тоғ ўз йўналишини жануби-ғарб томонга ўзгартиради ва бир нечта тоғ тизмаларига бўлинади.

Ҳисор тоғларида Ўзбекистоннинг энг баланд — «Ҳазрати Султон» номли чўққиси жойлашган, бунинг баландлиги денгиз сатҳидан 4688 м.

Ҳисор тоғи ҳар қайси тармоғининг ўз номи бор. Қашқадарёнинг бошланиш қисми **Сумсар** ва **Шертоғ** деб аталади. Уларнинг энг баланд чўққиси 2692 метр, ғарб томони эса пасайиб боради. Гаво номли довондан шимоли-ғарб томонга қараб Ҳисор тоғининг бир бўлаги ҳисобланган **Ҳазрати Султон** тоғи чўзилиб кетган, унинг баландлиги 4000 метрдан ошади.

Ҳисор тоғининг бир неча тармоқлари жануби-ғарб томонга қараб чўзилиб кетган. Буларнинг умумий кўриниши Ҳисор тоғига ўхшайди. Шу туфайли уларнинг энг ўйрикларинигина эслатиб ўтамиз. Булар: **Осмонтош** (энг баланд чўққиси 3953 м), **Бешнов** (3448 м), **Эшон майдон** (2919 м), **Хонтахта** (2936 м), **Бобо Бурхон** (2476 м), **Бойсунтоғ** (4424 м) ва бошқалар (б-расм).

Ҳисор тоғларининг энг жануби-ғарбий қисми **Қўҳитанг** тоғи деб аталиб, унинг баланд жойи 3137 метрга (**Майчали**) етади.

Шарқда Боботоғ тизмаси чўзилган бўлиб, унинг Заркаса номли чўққиси 2286 метрдир.

Тоғ оралиғ ботиқлар. Ўзбекистоннинг тоғли қисмидаги тоғ оралиғ ботиқлари алоҳида ўринин эгаллайди. Ботиқларнинг ҳосил бўлиши тоғ тизмаларининг кўтарилиши билан боғлиқдир. Тоғ тизмалари кўтарилган сари улар оралиғидаги ботиқлар чўка бошлаган, натижада тоғлардаги қадимги қаттиқ тоғ жинслари емирилиб, ботиқларда тўплана бошлаган. Бундан ташқари, кўпчилик ботиқларнинг атрофи ернинг турли ёриқлари билан кесилган бўлиб, улар орқали тоғ тизмалари тик кўтарилган, ботиқлар эса чўккан. Бунинг устига, ботиқларнинг ўзида ҳам ёш тоғлар пайдо бўлиб турган ва булар таъсирида кичик-кичик антиклиналлар ва синклиналлар вужудга келган. Натижада ботиқлар ичida унча баланд бўлмаган тепалик ва ботиқчалар пайдо бўлган.

Ҳамма тоғ оралиғ ботиқларининг ер усти деярли текис бўлиб, улар тоғ тизмаларига яқинлашган сари қиялашиб боради.

Ўзбекистон ҳудудида энг катта тоғ оралиғ ботиқларидан бири

Тошкент-Мирзачұлдир. У шимоли-шарқдан ва шарқдан Фарбий Тяньшань тоғлари, жанубдан ва жануби-ғарбдан Туркистан, Молғузор ва Нурота тоғлари билан үраб олинган, шимоли-ғарбда эса Кизилқұм чұли билан туташиб кетган.

Бу ботиқ марказий қисмининг ўртача баландлиги 250—300 метрга тенг.

Тошкент-Мирзачұл ботиғи икки қисмга — шимоли-шарқий ва жануби-ғарбий қисмга бўлинади. Шимоли-шарқий қисми Келес, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари олиб келиб ётқизган ҳар хил (шарғал, қум, соз тупроқ ва бошқалар) жинслардан тузилган бўлиб, унинг ер усти жануби-ғарбдан шимоли-шарқ томон кўтарилиб боради. Ботиқнинг бу қисмини асосан, Чирчиқ ва Оҳангарон номли иккинчи даражали синклиналь чўкмалар эгаллаб ётиди. Буларда Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари бир неча терраса ҳосил қилган. Буларнинг устида Ўзбекистон пойтахти Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари, бир қанча туман марказлари, қишлоқлар жойлашган.

Бу ботиқнинг жануби-ғарбий қисмининг устки томони текис булиб, Молғузор ва Туркистан тоғлари томон кўтарилиб боради. Сирдарё дарёсининг бу қисмida кенг қайир ва иккита терраса ҳосил қилган, дарёning учинчи террасаси эса Туркистан ва Молғузор тоғларидан келган қолдиқлар билан кўмилиб кетган ва Мирзачұлнинг асосий майдонини ташкил қилган. Туркистан ва Молғузор тоғларидан бошланаётган Сангзор, Зоминсув ва бошқа дарёлар унинг шимоли-ғарбий қисмida катта-катта конус ёйилмасини ҳосил қилган.

Тошкент-Мирзачұл ботиғининг шарқий қисмida **Фарғона** ботиғи (водийси) жойлашган. Бу ботиқ ғарбдан шарққа кенгайиб боради. Фарғона ботиғининг шимоли-ғарбидан ва шимолидан Қурама ва Чотқол тоғлари, шимоли-шарқдан ва шарқидан Фарғона тоғи, жанубдан Олой ва Туркистан тоғлари үраб олган, ғарб томондан эса жуда тор «Хўжанд дарвозаси» (8—10 км) орқали Тошкент-Мирзачұл ботиғига туташган. Шуни айтиб ўтиш зарурки, Фарғона ботиғи Ўзбекистондаги бошқа ботиқлардан ҳамма томондан тизма тоғлар билан үраб олинганлиги билан ажралиб туради. Бошқа ботиқларнинг деярли ҳаммаси бир томондан очиқ ва қўшни текисликлар билан қўшилиб кетган. Фарғона ботиғининг ҳамма томонлари баландлашиб боради. Унинг ғарбий қисми 330 м бўлса, шарқий қисми 1000 м ва ундан ҳам ошиб кетади.

Фарғона ботиғининг умумий тузилиши жуда ажойибdir. Уни ҳамма томондан баланд қорли ва музли тоғлар үраб олган. Фарғона ботиғининг марказий қисмiga яқинлашган сари унча баланд бўлмаган бир қанча тоғ тизмалари асосий тоғларга паралель ҳолда чўзилиб ётади. Бу тизмалар бир-биридан чиройли кўринишга эга бўлган тоғ оралиқ чўкмалари билан ажралиб туради. Уларнинг бир томонида баланд қорли тоғлар бўлса, иккинчи томонида қояли тоғлар тик кўтарилади. Фарғона ботиғини үраб олган ҳамма тоғларни дарёлар (Сўх, Шоҳимардон, Исфара, Исфайрамсой, Корадарё, Норин, Косонсой ва бошқалар) ўйиб кетган. Бу дарё-

ларнинг водийлари деярли ҳамма жойда дара ва каньон шаклига эга, улар фақат юқорида кўрсатилган кичик чўкмаларни кесиб ўтган жойларида гина кенгаяди ва кенг террасалар ҳосил қиласди.

Ҳалқа шаклидаги адирлар Фарғона ботифининг ҳамма томонидан ўраб олган.

Фарғона водийсини Ўрта Осиёning энг катта дарёларидан бирни Сирдарё кесиб ўтади. Сирдарё бу ерда жуда кенг террасалар ҳосил қиласди.

Фарғона ботифини ўраб олган тоғлардан катта-катта дарёлар бошланиб, Сирдарё томон оқади. Буларнинг кўпчилиги Сирдарёга етмасдан қуриб қолади ва тоғлардан чиққандан кейин катта конус ёйилмасини ҳосил қиласди.

Фарғона ботифининг марказий қисмидағи анчагина ерларни кум тепалари эгаллаб ётибди. Буларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда ўсимлик ва турли буталар билан қопланиб қолган. Қум тепаларининг баландлиги 5—15 метрдан ошмайди. Фарғонадаги энг катта қум массиви Қўқон ва Марғилон темир йўлининг шимолий қисми — Қорақалпоқ чўлларида.

Шимоли-шарқда Молғузор ва Нурота ҳамда жануби-фарбда Оқтоғ, Қоратоғ, Қорачатоғ, Губдунтоғ ва Чўмқортотоғлар орасида **Сангзор-Нурота** ботифи жойлашган, уни ўраб олган тоғларнинг ён бағирлари ботиқ устидан тик ва қоялар ҳосил қилиб кўтарилиган. Ботиқ жануби-шарқдан шимоли-фарб томон чўзилиб, унинг баландлиги шу томонга қараб 800 метрдан 500 метрга пасаяди, энг шимоли-фарбида эса унинг баландлиги янада камайиб, Қизилқум чўллари билан қўшилиб кетади.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ботиқларнинг ҳаммасини дарёлар кесиб ўтган. Бу соҳада Сангзор-Нурота ботифи уларнинг ҳаммасидан ажralиб туради, чунки уни ҳеч қандай дарё бошидан охиригача кесиб ўтмайди.Faқатгина унинг жануби-шарқий қисмида унча катта бўлмаган Сангзор дарёсининг юқори оқими жойлашган, бу дарё ҳам унинг ўрта қисмida шимол томон бурилиб кетади ва «Темурланг дарвозасини» ҳосил қиласди. Бу дарвоза Молғузор тоғидан Нурота тоғларини ажратиб туради. Ботиқни фақат Нурота тоғларидан бошланган кичик-кичик дарёларгина кўндаланг кесиб ўтади, бироқ уларда сув ҳамма вақт бўлиб турмайди. Унинг шимоли-фарбий қисмida эса оқар сув йўқ.

Сангзор-Нурота ботифининг жанубида Зарафшон ботифи жойлашган. Бу ботиқ шимолдан ва шимоли шарқдан Қоратоғ, Оқтоғ, Қорачатоғ ва Губдунтоғ, жанубдан ва жануби-фарбдан Зарафшон тизма тоғларининг тармоқлари — Чақилқалон ва Қоратепа ҳамда Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғлари билан ўраб олинган. Ботиқнинг ўрта қисмидан бошлаб охиригача Зарафшон дарёси кесиб ўтади. Бу дарё Самарқанд шаҳрининг яқинида иккига — Оқдарё ва Қорадарёга бўлинади, уларнинг оралиғида узунлиги 100 км ва кенглиги 15 км келадиган Миёнқол ороли жойлашган. Оқдарё билан Қорадарё Хатирчи тумани яқинида бирлашиб, яна Зарафшон номи билан фарб томонга қараб оқади. Бу дарё Бухоро шаҳридан фарб-

да катта дельта ҳосил қилиб, Амударёга етмасдан қумга сингиб кетади. Ботиқ шарқдан ғарб томонга чўзилиб кенгая боради.

Бунинг ўртача кенглиги 50—60 км, шарқий қисмида эса 10—15 км га тораяди, ғарбий қисмида, масалан, Каттақўрғон шаҳрида у 100 км га кенгаяди. Унинг баландлиги шарқий қисмдан (900 м) ғарбий қисм (300 м) га қараб камайиб боради.

Ботиқнинг ер усти тузилиши асосан текис бўлиб, Зарафшон дарёсининг террасаларидан иборатdir. Лекин текислик уни ўраб олган тоғлар томон ўзгариб, тоғлардан келиб ётқизилган ва кичик дарёлар олиб келган делювиаль ва пролювиаль ётқизиқлар ҳисобига нишаблашади.

Зарафшон ботиғи ўрта қисмининг умумий текислик қўрининшини Самарқанд шаҳрининг шимолида жойлашган ва якка ҳолда кўтарилиб турган Чўпонота тепалиги бузиб туради. Бу палеозой даврида ётқизилган жинслардан тузилган. Унинг жанубий ён бағри анча ётиқ, шимолий ён бағри эса Зарафшон дарёсининг ўзанидан бир неча метр кўтарилган.

Зарафшон тизма тоғларининг жанубида **Китоб-Шаҳрисабз** ботиғи жойлашган. Бу ботиқ шарқ ва жануби-шарқ томондан Ҳисор тоғлари билан ўралган, ғарб томондан эса бутунлай очиқ. Денгиз сатҳидан баландлиги жануби-ғарбдан (500 м) шимоли-шарққа (1000 м) қараб кўтарилиб боради. Ботиқ Қашқадарё ва унинг ирмоқлари оқизиб келган чукини жинслар билан тўлган ва улардан бир неча терраса ҳосил бўлган. Қарши шаҳрининг шарқ томонидаги террасалар, асосан, соз тупроқлар билан тузилган ва ҳар хил узунликдаги сойлар билан кесилган. Қарши шаҳрининг ғарб томони жуда текис бўлиб сойлар билан деярли кесилмаган.

Ўзбекистоннинг жанубий қисмида **Шеробод-Сурхондарё** ботиғи шимоли-шарқдан жануби-ғарб томон чўзилиб ётиди. У шимоли-ғарбдан ва шимолдан Ҳисор тоғи билан ва шарқдан эса унинг тармоқлари Боботоғ билан ўраб олинган. Унинг жанубий қисмидан Амударё оқиб ўтади. Бу ботиқнинг ўрта қисмидан Сурхондарё ва Шерободдарё кесиб ўтади. Ботиқнинг баландлиги жануби-ғарбда 300 метр, шимоли-шарқда эса 700 метрга кўтарилади. Сурхондарё бир нечта терраса, унинг ирмоқлари эса Сурхондарёга қўйилиш жойида конус ёйилмаларини ҳосил қилган. Булар ичida Шерободдарёнинг конус ёйилмаси ўзининг катталиги билан ажралиб туради. Ботиқнинг марказий қисми деярли текис, бу текислик атрофдаги тоғларга яқинлашган сари ўзгариб боради.

Ботиқнинг жануби-шарқий қисмини Каттақум қум массиви эгаллаб ётиди. Қумлар ботиқдаги неоген давридаги ётқизилган қумли жинсларнинг емирилишидан ва дарёлар олиб келган қум қолдиқларидан ҳосил бўлган. Бу ердаги қум тепалари ҳозирги вактда бута ва ўсимлик билан қопланиб қолган.

Ўзбекистоннинг текислик қисми Ўзбекистон худудининг катта қисми текисликлардан иборат. Унинг ер усти тузилиши, денгиз сатҳидан баландлиги ва айрим жойларининг келиб чиқиш тарихи

турличадир. Узбекистоннинг бу қисми текислик деб аталса ҳам, у ерда унча баланд бўлмаган тоғлар ҳам учрайди.

Узбекистоннинг текислик қисмидаги катта майдонни Қизилқум чўлининг маркази ва ғарби эгаллаб ётибди. Қизилқум Ўрта Осиёning катта чўлларидан бири ҳисобланиб, Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган.

Қизилқум чўли жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қараб чўзилиб кетган, бу ерларнинг баландлиги ҳам 300 метрдан 60 метргача пасаяди. Чўл ер устининг тузилиши жуда турли-туман. Унинг ер усти тузилишига чўл иқлими катта таъсир килган.

Қизилқумда йирик майдонларни қум массивлари эгаллаган. Катта-катта қум массивлари Қизилқумнинг шимоли-ғарбий қисмida жойлашган бўлиб улардан Бабақум, Тошқудуқ, Учқум, Сандиқлиқум энг катталаридир. Қум массивларида қумлардан ҳосил бўлган турли рельеф шакллар мавжуд. Буларнинг ичида энг кўп учрайдигани пуштасимон қум марзалари бўлиб, уларнинг баландлиги 4—15 метрга етади. Пуштасимон қум марзалари оралиғида пастқам жойлар бор. Улар кўпинча тақирлар билан банд (7-расм).

Бундан ташкири, Қизилқумда қумлардан ҳосил бўлган бошқа турли рельеф шакллари ҳам кенг тарқалган. Булар ичида энг характерлиси барханлардир. Барханлар Қизилқумнинг ғарбий қисми — Амударёning ўнг қирғофи бўйлаб кенг тарқалган. Бу ердаги барханларнинг баландлиги 10 метрдан ошмайди. Шу нарса характерлики, барханлар кўпинча аҳоли яшайдиган жойлар яқинида ва қудуқлар атрофида учрайди, чунки бу жойларда қум ҳаракатини тұхтатиб қоладиган ўсимликлар кўп усисиб, қўйлар ва бошқа ҳайвонлар түёғи остида доимо топталиб туради.

Қизилқумдаги барханлар кўпинча бир-бiri билан қўшилишиб, бархан занжирларини ҳосил қилган.

Қизилқум ҳудудининг анчагина қисмини қоплаб ётган унча баланд бўлмаган тоғлар қаттиқ палеозой тоғ жинсларидан ташкил топган. Шунинг учун бу ерда нураш жараёнлари кучли бўлишига қарамасдан, тоғлар сақланиб келмоқда. Бу тоғлар атрофлаги текисликлардан атиги бир неча 100 метр баланд. Шундай бўлса-да, у баланд қояли тоғларга ұшаб куринади.

Қизилқумнинг ғарбий қисмida эса бу тоғ кутарилмалари Амударёning ўнг қирғофида жойлашган **Султон Вайс** (**Увайс**) тоғидан бошланади. Бу тоғнинг баландлиги 485 метрdir. У ғарбдан шарққа қараб чўзилиб кетган, жанубий ёнбағри анча тик, шимолий ён бағри эса ётиқроқ. Тоғнинг ён бағирларини қуруқ сойлар кесиб ўтган. Султон Вайснинг шимолий ён бағри ва унга яқин ерларда майда тош, кум ва гилдан таркиб топган делювиаль ва проловиаиль ётқизиқлар кенг тарқалган, булар эса у жойларда нишабланган кенг текисликлар ҳосил қилган.

Қизилқумнинг марказий қисмидаги қолдиқ тоғлар: **Тамдитоғ** (922 м), **Қулжуқтоғ** (874 м), **Овминзатоғ** (639 м), **Аристонтоғ** (693 м), **Букантоғ** (764 м) ва бошқалар бир-бирларига яқин жойлашган.

Қизилқұмдаги ҳамма тоғларда ҳозирги вақтда кучли нураш жараёни мавжуд. Шунинг учун уларнинг атрофида нурашдан ҳосил бұлган материаллар түпланиб, тоғ ён бағрида қалин шлейф пайдо бұлган. Қизилқұмда тоғ тизмалари билан бир қаторда катта-кичиклиги ҳар хил, ҳамма томони берк ботиқлар ҳам учрайди. Буларнинг күпчилиги юқорида номлари аталаған тоғ тизмалариңнинг оралығыда жойлашған бўлиб, энг катталари — **Оёқоритма, Қорахотин, Мингбулоқ** ва бошқалардир (8-расм). Уларнинг умумий куриниши ҳар хил, баъзиларининг шакли айланма, айримлариники эса чўзиқ. Ботиқлар тубининг дengiz сатқидан баландлиги жуда оз, ҳатто, Мингбулоқ ботиги дengiz сатқидан 18 метр пастда жойлашған. Уларнинг атрофидаги текисликларнинг чукурлиги 100 метргача етади. Айрим ботиқларнинг майдони жуда катта, масалан, Букантогнинг жанубида жойлашған Мингбулоқ ботигининг узунлиги 40 км, кенглиги то 10—15 км. гача етади. Күпчилик ботиқларнинг майдони унча катта әмас. Ҳамма ботиқларнинг ости деярли текис, фақат айрим қисмлари түлқинлироқ чўзилған ва лагансимон пастликлар билан банд, уларни бир-бираидан усти ясси тепалар ажратиб туради. Бу пастликларнинг күпчилиги шўрхок ва тақирлар билан қопланған, баъзилари эса құмлар билан тұлған.

Ҳамма ботиқлар өн бағирларининг айрим қисмлари тик ва жар, сойлар билан кесилған. Мингбулоқ ботиги шимоли-шарқ тик өн бағрининг баландлиги 100 м, айрим қисмлари эса жуда ётиқ бўлиб, атрофдаги текислик билан билинар-билинмас туташиб кетади. Бу ботиқларнинг қандай ҳосил бұлғанлиги ҳозирга қадар тұлық ҳал қилинганича йўқ. Айрим олимларнинг фикрича, булар атрофида ёриқлар ҳосил бұлған. Бундай ёриқлар натижасида бу жойлар чўккан. Баъзи олимлар фикрича, у ерда әрувчи тоғ жинслари бўлған. Уларнинг эриши натижасида у жойлар чўккан ва ботиқ ҳосил бўлған, учинчи гуруҳ олимлар эса уларнинг ичидаги материалларни шамол олиб чиқиб кетгандыгидан ботиқлар ҳосил бўлған деган фикрни олға суришади. Қизилқұмдаги ботиқларнинг ҳосил бўлишида юқорида айтиб ўтилған геологик кучлардан фақат биттаси иштирок этган дейиш, албатта нотўғри. Чунки күпчилик ботиқларнинг ёқаларидан Ернинг ёриқлари ўтган бўлиб, ана шу ёриқлар ҳаракати туфайли у ернинг бир томони пасайған ва натижада ботиқлар вужудга келған. Бу ҳудудлардаги тоғ жинсларининг күпчилиги сувда әрувчан, улар эриғач, у жойлар чўккан ва нураш жараёнлари кучли бўлиб, у ердаги тоғ жинслари юмшоқлашған. Чуллардаги шамоллар уларни учирив олиб кетиб, бошқа ерларга ётқизған.

Кизилқұмда күпдан-күп узун-узун қадимги сувсиз дарё үзанлари учратилади. Булар күпинча ҳозирги дарёлар яқинида учрайди. Қадимги дарё үзанларининг ости ёиқ ва өн бағирлари ётиқдир. Қизилқұмнинг шимолий қисміда бир неча қадимги дарё үзанлари бор. Уларнинг энг каттаси **Жанадарё** бўлиб, унинг фақат куйи қисмигина Ўзбекистон ҳудудида. Жанадарё, тахминан Қизил Ъурда шаҳри яқинидан бошланиб, жануби-ғарб томон оқкан ва

унинг ўзани орқали Сирдарё сувлари қачонлардир Орол денгизига бориб қўйилган. Б. А. Федоровичнинг ёзишича, Жанадарёнинг суви тахминан бундан 180 йил олдин қуриган. Шунинг учун ҳам унинг ўзани бўйлаб қадимги шаҳар ва қўрғонларнинг вайронала-ри сақланиб қолган. Бундан ташқари, ўзан атрофида сугориш каналларининг излари мавжуд.

Султон Вайс тоғининг шарқий қисмидан Амударёнинг қадимги ўзани **Ақчадарё** чўзилиб ётибди. Ақчадарё Тўрткўл шаҳрининг жануброғидан бошланиб, шимолда Орол денгизининг жануби-шарқий қирғоғида, Белтоғнинг шарқий этагида тугайди. Ақчадарё у ерда кенглиги 25 км келадиган дельта ҳосил қилган. Бу нарса ўнуни кўрсатадики, Ақчадарёнинг суви Орол денгизининг жануби-шарқий қисмларигача бориб етган. Ақчадарё ўзанининг узунлиги 170 км. дан ортиқ. Кенглиги эса унинг жанубий қисмida бир км, шимолий қисмida 20 км. гача кенгаяди. Чуқурлиги 0,2—1,0 м. келади. Дарё ўзанининг шарқий ён бағри тик, фарбий ён бағри анча ётиқроқ ва қумлар билан қопланган. Ақчадарёнинг ўзанида тақирлар учрайди. Дарёнинг дельта қисмida қум уюмлари, узунлиги бир неча км келадиган дарё ўзанлари — Ақчадарёнинг ирмоқлари бўлган. Буларнинг кенглиги юз метрга, чуқурлиги 3—6 м, баъзи жойларда эса 10 метрга етади.

Қизилқумнинг жанубий қисмida ҳам бир неча қадимги дарё ўзанлари мавжуд. Булардан бири — **Дарёсой** бўлиб, унинг ўзани Қулжуқтоғнинг жанубий қисмida жойлашган ва шарқдан фарбга чўзилган, яъни Оёқофитма чуқурлигидан бошланиб, Женгелди ва Қалъаота пастлигига тугайди. Б. А. Федоровичнинг фикрича, Дарёсой Сирдарёнинг қадимги ўзани бўлган. Профессор Ю. А. Скворцовнинг айтишича, Дарёсой сунъий канал бўлган.

Зарафшон дарёси қуий оқимининг шимолий қисмida қадимги **Моҳандарё** ўзани жойлашган. Моҳандарё Зарафшон дарёсидан бошланиб, шимоли-фарб томон оққан.

Ўзбекистон текислик қисмининг жануби-шарқида кўп ерларни соz тупроқли сувсиз чўллар қоплаб олган. Буларнинг энг катталари Қашқадарё этагидаги Қарши чўли, Зарафшон водийсидаги Қарноб ва Малик чўллари, Қоратепа тоғининг фарбий қисмидаги Жом чўлидир. Бу чўллар деярли текис, фақат баъзи қисмларигина тўлқинсимондир. Уларнинг баландлиги денгиз сатҳидан шимоли-шарқда ўртacha 350 м, жануби-фарбда эса 170 м. Бу ерларда шўрҳоклар ва тақирлар кенг тарқалган. Чўлларнинг текислиги уларни ўзлаштиришда катта роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг шимоли-фарбий қисмida, Амударё этакларида Амударё дельтаси жойлашган. Бу жануби-шарқда Амударёнинг Туямўйин деган торайған жойидан бошланган бўлиб, то Орол денгизигача чўзилиб кетган ва Амударё олиб келган қалин чўкинди жинслар билан қопланган. Унинг баландлиги Туямўйинда 125 м, Орол денгизи яқинида эса 53 м. Амударёнинг дельтаси иккى қисмга бўлинади: унинг қадимги дельтаси Амударёнинг чап қирғоғига жойлашган. Бунинг устки қисми деярли текис бўлиб, ундан жануби-шарқдан шимоли-фарб томон қадимги дарё ўзанла-

ри чўзилиб кетган. Қадимги замонларда Амударё суви ўзанлар орқали Сариқамиш кўлига қўйилган. Бу дарё ўзанларининг шимолдагиси Дарёлик (Кунадарё), ўрта қисмидагиси Довдан, жанубидагиси Чирманёб ва Тонидарё деб аталади. Қадимги дарёларнинг бу ўзанлари Амударёдан деярли 200 км ғарбга қараб чўзилган ва улар ўзанларининг кўп қисми Туркманистон ҳудудида жойлашган. Бу қадимги дарё ўзанлари қинғир-қийшиқ шаклда бўлиб, унинг қирғоқларида қум барханлари ва қум тепалари, ўзанида эса шурхок, тақир ва майда шўр кўллар учрайди.

Амударёning иккинчи ҳозирги замон дельтаси Тахиатошдан бошланади. У Амударёning бир қанча сувли ва сувсиз тармоқлари билан кесилган бўлиб, атрофидаги текисликлардан бирмунча кўтарилиган. Унинг текис юзаси фақат ҳар жой-ҳар жойда кўтарилиб турган баландликлар ва учламчи даврларда ётқизилган тоғ жинсларидан тузиленган. Бу текисликларни Қўшхонатоғ, Бурлитоғ, Белтоғ, Жумуртоғ, Қизилжар ва бошига унча баланд бўлмаган баландликлар бузиб туради. Уларнинг баландлиги 200 метрдан ошмайди, ён бағирлари тик бўлгани учун атрофдан жуда тик кўтарилиб туради. Ҳозирги Амударё дельтасининг умумий майдони $19\,600 \text{ km}^2$, қадимги дельтаси билан бирга ҳисобланганда $44\,220 \text{ km}^2$ ни ташкил этади ва дунёдаги энг катта дельталардан бири хисобланади.

Ўзбекистоннинг энг шимоли-ғарбий қисмida **Устюрт** платоси жойлашган. Бу Қаспий ва Орол дengизларининг оралиғидаги жойларни қоплаб олган бўлиб, унинг ўртача баландлиги 200 метрдир. Устюртнинг фақат шарқий қисмигина Ўзбекистонга қарайди. Унинг юзаси Сармат дengизининг горизонтал ҳолда ётган ётқизиклари билан қопланган. Сармат дengизи қуригандан сунг, то ҳозирга қадар Устюрт платосида доимий дарёлар оқмаган ва унинг устки қисми нураш таъсирида кам ўзгарган. Устюртнинг шарқий ва жанубий қисмлари тикка кесиб тушган чинк — жарликлар билан ўраб олинган. Буларнинг баландлиги 180—200 м келади.

Устюрт жуда текис бўлса ҳам унда нисбатан унча баланд бўлмаган қирлар ва ботиқлар учрайди. Бу ботиқларнинг энг катталари Ҷавринқудуқ, Борсакелмас, Асакаовдон ва бошқалар. Буларнинг фақат баъзи қисмларигина Ўзбекистон ҳудудига киради. Ботиқларнинг катта-кичиклиги ҳар хил бўлиб, дengиз сатҳидан 27—28 метр баланд. Бу ботиқларнинг ости катта-катта шўрҳак ва қумлар билан банд. Уларнинг айрим жойларида қадимги қаттиқ тоғ жинсларининг қолдиқлари учрайди. Чуқурликлар ён бағирларининг кўп қисми жуда тик бўлиб, баландлиги 40—50 м дир. Уларнинг ётиқ жойлари ҳам бор.

Устюртда ботиқлар билан бир қаторда унча баланд бўлмаган қирлар ҳам учрайди. Булардан Ўзбекистон ҳудудига энг кўзга ташланадигани — Қорабовур бўлиб, у жануби-шарқдан шимоли-ғарб томон чўзилган. Унинг Ўзбекистон ҳудудидаги энг баланд нуқтаси 286 метр. Бунинг ён бағирлари анча тик ва қуруқ, унча чуқур бўлмаган сойлар билан парчаланган. Бундай қирлар, Қорабовурдан ташқари, Устюртнинг шарқий қисмida ҳам учраб

туради. Булардан бири Орол денгизи яқинидаги Октумсик бурни олдидаң үтади.

Савол ва топшириқлар. 1. Ўзбекистонда рельефнинг қандай турлари мавжуд? 2. Табий харитадан Ўзбекистонинг асосий тог тизмалари ва тоғ оралиғ чўқмаларини топиб, ёзувсиз харитага туширгинг, энг баланд нуқталарини билиб олинг. 3. Ўзбекистонда қандай чўллар мавжуд? Чўлларда қандай қум массивлари, паст тоғлар, ботиқлар, қадимги дарё ўзанлари, дельталар, платолар учрайди?

ИҚЛИМИ ВА ИҚЛИМ РЕСУРСЛАРИ

Ўзбекистон океан ва дengизлардан узоқда, Евросиё материгигининг ички қисмида жойлашганлиги туфайли континентал иқлимга эга бўлиб, осмони ниҳоятда очиқ, серофтоб, узоқ давом этадиган жазира маисиқ ва қуруқ ёз билан, шу географик кенглик учун бирмунча совук қиш билан тавсифланади. Ўзбекистонда иқлимининг барча унсурларининг йиллик ўзгариши орасида катта тафовутлар мавжуд бўлиб, улар энг аввало иқлим ҳосил қилувчи омилларнинг хусусиятларига боғлиқ.

Ўзбекистон иқлими унинг географик ўрни ва у билан боғлиқ ҳолда қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси, рельефи, ер юзасининг ҳолати, иқлимга кишилар хўжалик фаолиятининг (антропоген) таъсири натижасида ташкил топади (9- расм).

Ўзбекистон иқлимини ҳосил қилувчи омиллар ичida энг муҳимларидан бири — унинг географик ўрни ва у билан боғлиқ қуёш радиациясидир. Қуёш радиацияси барча табий жараёнларнинг энергетик негизи (базаси) ҳисобланади. Қуёш радиацияси эса ўз навбатида жойнинг географик кенглигига, ҳавонинг очиқлигига ва Қуёшнинг нур сочиб турадиган даврига узвий боғлиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон чўл зонасида, асосан субтропик кенгликларда, океанлардан ичкарида жойлашган. Бу эса унинг иқлимидаги баъзи хусусиятларни, чунончи, Қуёшни уфқдан баланд турниб узоқ вақт ёритиб ва иситиб туришини, кам булатли бўлишлигини шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон анча жанубий кенгликларда (таксинан $37^{\circ}11'$ ва $45^{\circ}36'$ шимолий кенгликларда) жойлашганлиги туфайли ёзда Қуёш нури анча тик тушиб (июнда шимолда $71-72^{\circ}$, жанубда 76° баландда туради) узоқ вақт нур сочиб туради. Қишида Ўзбекистон шимолида қуёш 21° , жанубида эса 29° бурчак ҳосил қилиб туради. Жумҳуриятимиз ҳудудининг шимолдан жанубга $8^{\circ}25'$ чўзилганлиги туфайли Қуёшнинг нур сочиб туриш даври ва у билан боғлиқ ҳолда ялпи қуёш радиациясининг миқдори ҳам ўзгарида. Шу сабабли Тошкентда Қуёш йилига ўрта ҳисобда 2889 соат нур сочиб турса, энг жанубда жойлашган Термизда бу кўрсаткич 3095 соатни ташкил этади. Ўзбекистонда йил бўйи, айниқса, ёзда ҳаво очиқ бўлиб, булатли кунлар жуда кам. Шу туфайли жумҳуриятимизда қишлоқ хўжалик экинларининг пишиб етишадиган даври ҳисобланган май—октябрь ойларида Тошкентда қуёш 1749 соат нур сочиб турса, Термизда 2012 соатга тенг. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Қоҳирада (таксинан 30° ш. к. жойлашган) 1613 соатни ташкил

этади (1- жадвалга қаранг.). Чунки Қоҳира Ўрта денгизга яқин бўлганлиги туфайли булатли кунлар Тошкент ва Термизга нисбатан кўп бўлади. Бинобарин, Узбекистон қўёшли ўлка деб бежиз айтилмаган. Узбекистонда ёзда (июнь—август ойларида) Қуёш нур сочиб турадиган даври нур сочиши мумкин бўлган даврниг 84—95% ни, қишида (декабрь—февраль) эса 40—50% ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг тоғли қисмида қўёшнинг нур сочиб турини даври текисликка нисбатан 600—700 соат кам бўлади: тоғларнинг 2000 м баландлик қисмида Қуёш йилига ўртача 2300—2500 соат нур сочиб туради. Бунинг асосий сабаби тоғ ёнбағри бўйлаб кутарилган сарі булатли кунларнинг ортиб бориши, тоғ ёнбағрининг қуёшга нисбатан ҳолати (экспозицияси) дир.

Ўзбекистонда қуёш уфқдан баланд бўлганлиги, булатсиз кунларнинг кўплиги (Тошкентда бир йилда 90 кун, Термизда эса 57 кун булатли бўлади) оқибатида қуёш узоқ вақт нур сочиб турганлиги туфайли унинг ҳудудига кўп ёруғлик энергияси (иссиқлик) тушади. Жумҳуриятимиз шимолий қисмида ҳар см² юзага йилига 136—140 килокалория иссиқлик, яъни радиация тушса, жанубий қисмига 160 килокалория иссиқлик тушади. Ялпи қуёш радиациясининг миқдори йил бўйи бир хил тақсимланмаган. Энг кўп қуёш радиацияси ёз ойларига (қиши ойларига нисбатан 5 марта кўп) тўғри келади. Ҳатто Узбекистоннинг жанубида июлда радиация баланси 20 ккал/см²га этади. Бунга сабаб ёзда қуёш уфқдан баландда туриб, узоқ вақт ёритиб, иситиб турishiadir. Аксинча, қишида қуёш нури ётиқ тушади, булатли кунлар кўп бўлганлигидан кам ёритади, қор қопламишининг мавжудлиги туфайли альбедо катта бўлади. Натижада қишида, хусусан январда ялпи радиация миқдори Узбекистоннинг марказий ва жанубий қисмида мусбат бўлиб, бир см² юзага 0,1—1,0 ккал.ни ташкил этади. Лекин жумҳуриятимизнинг энг шимоли-ғарбий қисмида (Устюртда) баъзи йилларда қишида радиация баланси манфий бўлиши мумкин.

Ўзбекистон иқлимининг вужудга келишида атмосфера циркуляциясининг (ҳаво массаларининг алмашиниб турishi) ҳам аҳамияти катта. Жумҳурият ҳудудига йил бўйи учта қўйидаги асосий ҳаво массалари таъсир этиб туради. Арктика, мўътадил (қутбий) ва тропик.

Ўзбекистон ҳудудида атмосфера циркуляциясининг ўзгариб туриш хусусиятлари ҳақида яхши тасаввурга эга бўлиш мақсадида йилнинг иссиқ (ёз) ва совуқ (қиши) фаслига бўлиб тавсиф берамиз.

Қишида Узбекистон ҳудуди кўпроқ арктика ва мўътадил (қутбий) ҳаво массалари таъсирида бўлиб, улар шимоли-ғарбдан, шимолдан ва шимоли-шарқдан кириб келади.


Маълумки, Туркистон, жумладан Ўзбекистон қишида Сибирь антициклонидан вужудга келган юқори босимли барометрик ўқдан жанубда жойлашган. Натижада ўша юқори босимли барометрик ўқдан, яъни шимоли-шарқдан Ўзбекистон ҳудудига ҳаво массаси кириб келади. Бу ҳаво массаси антициклон хусусиятга эга бўлган-

лиги туфайли Ўзбекистонга кириб келгач, ҳаво очиқ, лекин кечалари қуруқ совуқ, кундузи эса қуёш нури таъсирида бир оз исий бошлайди, ёғин деярли ёғмайди. Бундай об-ҳаво уч кунга, баъзан эса беш-етти кунгача давом этиши мумкин. Бундай об-ҳаво-қиши кунларининг 28% ни ташкил этади. Натижада Ўзбекистонга бошқа регионлардан келган унча кучли бўлмаган ҳаво массалари ҳам ўша Сибирь антициклонидан вужудга келган (мўътадил Сибирь-қутбий) ҳаво массаси таъсирида ўзининг хусусиятини ўзгартириб Турон (маҳаллий континентал) ҳаво массасини ҳосил қиласди.

Қишида Ўзбекистон ҳудудига баъзан илиқ тропик ҳаво массалари Эрон-Афғонистон томондан кириб келади. Натижада, Туркистоннинг жанубий қисмида мўътадил минтақа совуқ ҳавосини Эрон ва Афғонистондан кириб келган илиқ тропик ҳавосидан ажратиб турувчи қутб фронти вужудга келади. Фронт чизиги атрофидаги об-ҳаво беқарор бўлиб, циклонлар ҳаракати кучайиб, Каспий дengизининг жанубий ва Копетдоғ билан Парапамиз тоғларининг оралиғидаги Тажанг ва Мурғоб водийлари орқали Туркистонга кириб келади ҳамда шимоли-шарқ томонга қараб ҳаракат қиласди, оқибатда Қозогистон ҳудудида у кучизланниб қиласди.

Циклонлар ўзи билан иссиқ тропик ҳаво массасини олиб келганилиги туфайли улар қоплаб олган жойларда ҳаво илиб (ҳарорат $15-20^{\circ}$ гача кутарилади), булутлар кўпайиб, ёғинлар ёғади. Бундай об-ҳаво қиши кунларининг 25% ни ташкил қиласди (9^a расм).

Қишида циклонлар шарққа ва шимоли-шарққа қараб ҳаракат қиласди, натижада Ўзбекистонга шимоли-ғарбдан, шимолдан ва




9. расм. Иқлим ҳосил қилувчи омиллар.

ғарбдан мұътадил (қутбий), баъзан Арктика ҳаво массалари кириб келади. Мұътадил ва Арктика совуқ ҳаво массалари Россия текислигининг жануби-шарқий қисми орқали шимоли-ғарбий ва шимолий томондан Ўзбекистон ҳудудига эсади. Бу ҳаво массалари қиши кунларининг 24 % ни ташкил қиласы. Шимоли-ғарбий томондан бостириб кирадиган ҳаво массаси Ўзбекистон ҳудудини анча совитиб, кунлик ҳароратни —10—20° пасайтиради. Бунинг устига баъзан қишида Арктика совуқ ҳаво массаси ҳам бостириб кириб, туриб қолиши натижасида ҳарорат январь ойларида —35°гача пасайиши мүмкін. Бундай совуқлар 1930 йил декабрда, 1948 йил декабрь, 1949 йил январда, 1969 йили январь ойларида кузатилган. 1948/49 йили қишида содир бұлған ана шундай совуқ кунлар Ўзбекистоннинг жануби ва ҳатто Эронда содир бўлиб, жуда кўп мевали дарахтларни совуқ уриб, қуритиб юборган.


Юқорида қайд қилганимиздек, циклонларнинг шарққа қараб силижиши оқибатида Ўзбекистон ҳудудига ғарбдан мұътадил минтақанинг денгиз ҳаво массаси ҳам кириб келади. Бу ҳаво массаси Ўрта ва Қора деңгизлари орқали ўтганлиги туфайли нам бўлиб, ёмғир, баъзан эса қор ёғишига сабаб бўлади. Бундай об-ҳаво қиши кунларининг 11 % ни ташкил этади.

Ийлнинг иссиқ фаслида Ўзбекистонда ҳаво циркуляцияси қиши фаслидан кескин фарқланади. Чунки май ойидан бошлаб Турон текислиги ҳавоси тезда қизиб кетиши оқибатида паст босимли марказ — термик депрессияси вужудга келади. Натижада ҳаво ўта қизиб маҳаллий континентал Турон тропик ҳавоси шаклланади ва бу даврда Ўзбекистонда ҳарорат кўтарилиб Термизда 50°га етиши кузатилган. Бундай об-ҳаво (термик депрессияни кунлар) ёз даврининг 15 % ни ташкил қиласы.

Езда Турон текислигининг шимолида мұътадил (қутбий) фронт чизиги жойлашиб, бир тармоғи Қозогистонда, иккинчи тармоғи эса Қора деңгизнинг шимоли ва Волга дарёсининг Ўрта оқимида жойлашиб, ҳаво босими юқоридир. Натижада термик депрессия ўша юқори босимли ҳаво массасини худди сурғич (насос) каби тортиб олиши оқибатида шимолдан, шимоли-ғарбдан ва ғарбдан салқин ҳаво массаси Турон текислиги томон эсади. Маълумотларга қаранганды ёзда шимолий ва шимоли-ғарбий (ёз кунларининг 38 % ни ташкил этади) ҳамда ғарбий (ёз кунларининг 29 %) салқин ҳаво массалари Турон текислигига қишига нисбатан 1,5—2,0 марта кўп тақрорланади (10-расм). Аммо Турон текислиги қизиб кетганлиги туфайли унинг об-ҳавосини у қадар ўзгартира олмайди, фақат ҳароратини 3—10°га пасайтиради, бинобарин, ҳамон ҳаво очиқ, қуруқ, нисбий намлиқ кам бўлиб, конденсацияланиш жараёни қийинлашади. Шу туфайли Турон текислигига шимолий, шимоли-ғарбий ва ғарбий ҳаво массалари ёзда кўп эсса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Бу ҳаво массалари Ўзбекистон тоғларида (юқорига кўтарилиган сари ҳавонинг совиб бориши оқибатида) совиб, булутлар ҳосил қилиб, ёмғир, баъзан эса қор тариқасида ёғинларни вужудга келтиради.



9^а-расм. Қишида Ўзбекистон ҳудудига эсувчи ҳаво оқимлари.



10-расм. Ёзда Ўзбекистон ҳудудига эсувчи ҳаво оқимлари.

Ўзбекистон иқлимининг таркиб топишида унинг ер усти тузилиши—рельефи ҳам таъсир этади. Ўзбекистон ҳудудининг шарқи ва жануби тоғлар билан ўралган булиб, ғарби ва шимолий қисми очиқ. Шу сабабли унинг ҳудудига шимолдан, шимоли-ғарбдан ва ғарбдан эсувчи совуқ ҳаво массалари бемалол кириб келади. Аксинча, жумҳуриятимиз жанубий қисмida **Паропамиз** каби тоғларнинг мавжудлиги илиқ тропик ҳаво массаларининг кириб келиши-

га тўсиқ бўлади. Рельефнинг жумҳурият иқлимига таъсирини яна ёғинлар тақсимиотида ҳам билиш мумкин. Маълумки, нам олиб келувчи ғарбий, шимоли-ғарбий ҳаво массалари ёзда қишига нисбатан кўпроқ эсади, лекин унинг текислик қисми ёзда ниҳоятда қизиганлиги сабабли ёғин вужудга келмайди, аксинча тоғли қисмида эса ҳароратнинг пастлиги туфайли конденсацияланиш жараёни юз бериб, ёмғир ёки қор ёғиши мумкин. Бунинг устига бир хил баландликка эга бўлган тоғларнинг ғарбий, жануби-ғарбий ёнбағирларига ёғин кўп тушса, нам ҳаво массаларига тескари ёнбағирларига жуда кам ёғин тушади. Рельефнинг иқлимга қўрсатаётган таъсирини Сурхон-Шеробод водийси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу водий шарқдан, шимолдан ва ғарбдан тоғлар билан үраб олинганилиги туфайли совуқ ҳаво оқимини тусади, оқибатда қиши Ўзбекистоннинг бошқа қисмларига нисбатан илиқ бўлиб, январь ойининг ўртача ҳарорати Термизда $2,8^{\circ}$, Шеробода эса $3,6^{\circ}$. Рельеф фақат жумҳуриятимизда ҳарорат ва ёғинларнинг тақсимиотига эмас, балки шамоллар, айниқса маҳаллий шамоллар — фён, гармсел, Афғон шамоли, Бекобод шамолининг вужудга келишига ҳам ўз таъсирини қўрсатади.

Ўзбекистон иқлимига яна унинг ер усти ҳолати, яъни қор қоплами, тупроқлари, ўсимликлари ҳам таъсир этади. Чунки қор қопламиининг қуёш радиациясини қайтариш қобилияти (альбедо) жуда катта (қор юзасига тушган радиациянинг 80—90% қайтади) бўлади. Бу эса ер юзасидаги ҳавонинг анча совиб кетишига олиб келади. Натижада ҳаво қўшимча равишда совиб, қишининг қаттиқ келишига сабаб бўлади. Лекин Ўзбекистонда қор қоплами турғун бўлмасдан унинг шимолий қисмида 30 кун, жанубида эса 1—3 кунгина эримай туриши мумкин. Тоғли қисмида эса қор қоплами турғун бўлиб, энг баланд қисмларида эса ёзда ҳам сақланиб қолади. Бу ўз навбатида ҳавонинг салқин бўлишига қисман бўлса-да гаъсир қиласи.

Ўзбекистон текислик қисми кўпроқ қўмлар билан қопланган бўлиб, сур-қўнғир ва бўз тупроқ мавжуд, ўсимликлар сийрак ўсади. Бу эса қуёш радиациясининг кўп қисмини ютиб, оз қисмини қайтаради, бинобарин ҳавонинг исиб ҳароратнинг юқори бўлишига сабабчи бўлади.

Ўзбекистон иқлимининг ташкил топишига антропоген омил ҳам таъсир этмоқда. Чунки аҳолининг ўсиши ва урбанизацияси, шаҳар ва саноат корхоналари ҳамда автомобилларнинг кўпайиши, ҳар хил қурилишлар туфайли ҳавога чанг, заرارли газлар, қурум, тутун ва қаттиқ заррачалар чиқарилиши оқибатида ифлосланиб альбедога таъсир этмоқда, конденсациялашиш жараёнини тезлаштирмоқда. Натижада жумҳуриятимиз саноатлашган шаҳарлари устида туманли кунлар кўпайиб, ёғин миқдори ортмоқда: Самарқанд шаҳрида бир йилда 14 кун туман бўлиб, 328 мм ёғин тушса, унинг атрофидаги қишлоқларда 8 кун туман бўлиб 317 мм ёғин ёғади. Буни устига аҳолиси зич, саноатлашган шаҳарларда атрофига нисбатан ҳавоси ифлос ва йиллик ўртача ҳарорат $0,5$ — $1,5^{\circ}$

юқори бўлади. Ҳавонинг ифлосланиши туфайли Узбекистонда 28 шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойларда ҳар хил заарли аралашмалар санитар миқдордан анча юқори. Улар орасида Андижон, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Тошкент, Самарқанд каби шаҳарлар бор.

Узбекистонда ҳозир 40 минг км²дан ортиқ майдон сугорилиб воҳага айлантирилди. Натижада ўша жойларда микроқлим ўзгариб, атрофидаги сугорилмаган ерларга нисбатан ёзда ҳаво ҳарорати 1,5—3,5°C гача пасайиб, нисбий намлик 10—15% га ошиб, воҳа иқлими вужудга келди. Бундай жойларга Қарши ва Мирзачўл, Фарғона, Чирчиқ-Оҳангарон, Зарафшон, Сурхон-Шеробод ва Қуий Амударё воҳалари киради.

Орол денгизи суви сатҳининг пасайиши туфайли унинг атрофидаги ҳудудларда январнинг ўртacha ҳарорати пасайиб, июлники ортиб баҳорда совуқ тушиш вақти 12 кунга сурисса, аксинча кузги совуқ тушиш вақти 12 кун аввал бошланмоқда.

Ҳароратнинг тақсимланиши. Ҳароратнинг тақсимланиши Ўзбекистонда радиацияга, ҳавонинг горизонтал алмашинуви (адветик) ва Ер усти тузилиши каби омилларга боғлиқ. Маълумки, ёзги ҳароратнинг тақсимотида қуёшнинг аҳамияти катта бўлиб, ундан келаётган иссиқлик йилдан-йилга деярли ўзгармайди, бинобарин, ёзги ҳарорат жумҳуриятимизда турғун бўлиб, қишидагидек ўзгарувчан эмас. Шу сабабли Ўзбекистонда ёз ойларида (июль-август) ҳароратнинг фарқи 3° атрофида. Лекин қишида ҳарорат шимолдан совуқ ҳавонинг, жанубдан эса иссиқ тропик ҳавонинг бостириб киришига боғлиқлиги туфайли декабрь—февраль ойлари орасидағи фарқи 8°дан ошиши мумкин (2- жадвалга қаранг).

Ўзбекистон ҳудудида иссиқликнинг тақсимланиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун аввало йиллик ўртacha ҳароратнинг жойлашишини билиш зарур. Ўзбекистон текислик қисмida ўртacha йиллик ҳарорат шимоли-ғарбдан жануби-шарққа қараб кўтарилиб боради. Агар Қорақалпоғистонда йиллик ўртacha ҳарорат (Чурукда —8,6°, Нукусда —11,0°, Тўрткўлда —12,4°) 8,6—12,4° атрофида бўлса, Бухоро-Қоракўл воҳасида (Шоғирконда —14,2°, Қоракўлда —14,8°) 14,2—14,8°, жумҳуриятимизнинг Сурхондарё водийсида (Деновда —15,9°, Термизда —17,8°, Шеробода —18,0°) эса 15,9—18°ни ташкил этади. Демак, Ўзбекистонда энг салқин жой Устюрт платосида, энг иссиқ жой эса Сурхон-Шеробод воҳасида жойлашган. Бу ҳодиса жумҳуриятимизнинг тоғли қисмida бузилади. Чунки юқорига кутарилган сари ҳарорат пасайиб боради. Шу сабабли Оҳангарон платосининг 2300 м баланд қисмida ўртacha йиллик ҳарорат 4,0° бўлса, Туркистон тизасининг 3200 м баланд қисмida —0,1°, Фарбий Тяншань тоғларининг 3700 м баланд қисмida эса —6,5° дир.

Ўзбекистонда қиши об-ҳавоси ўзгарувчан бўлиб, энг совуқ ҳарорат январь ойида кузатилади. Январь ойининг ўртacha ҳарорати ҳам жумҳуриятимизнинг текислик қисмida шимоли-ғарбдан жанубга қараб ўзгариб, кўтарилиб боради: Чурукда —11,1°, Ну-

кусада —6,9°, Урганчда —5,1°, Шоғирконда —1,5°, Қоракўлда—0,4°, Қаршида —0,2° Шерободда —3,6°. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг текислик қисмида Сурхон-Шеробод водийси ҳамда Қашқадарё вилоятининг Китоб, Фузор каби жойларидан ташқари қолган қисмида, шунингдек тоғларида январнинг ўртача ҳарорати ноль даражадан пастдир.

Қишида баъзан Арктикан ва Сибирдан совуқ ҳаво оқимининг келиши оқибатида Ўзбекистон ҳудудида ҳарорат жуда ҳам пасайиб кетиб, энг паст даражага шимоли-шарқида (Чурукда —37°, Нукусда —32°, Томдида —31°)—29°—37°га тушиб кетади. Бу вақтда Ўзбекистоннинг энг илиқ ҳудуди ҳисобланган Сурхон-Шеробод водийсида ҳам энг паст даражага ҳарорат (Шерободда —20°, Термизда —21°, Деновда —23°, Қумқўрғонда —25°)—20—25° пасайиб кетиб, субтропик ўсимликларга зарар етказади.

Ўзбекистон ҳудудида айрим йиллари қиши илиқ келиб, ўсимликлар вегетация даврини тұхтатмайды. Бундай қиши «вегетациялы қиши» деб юритилади ва у күпроқ Ўзбекистоннинг жанубида (умумий қишининг 80—100% ташкил этади) кузатилади, аксинча шимолида эса «вегетациялы қиши» умумий қишининг 0—5% ини ташкил этади, холос.

Ўзбекистонда ёз очиқ, қуруқ, жазирама иссиқ бўлиб, маҳаллий тропик ҳаво массаси таъсирида бўлади. Бунинг устига қуёш нури тик тушиб, узоқ вақт ёритиб туради, натижада июль ойида ер юзаси жуда исиб кетиб, чўлларда қумлар 80°гача қизиши мумкин. Бу вақтда Ўзбекистон текислик ва тоғ олди ҳавоси исиб, июлнинг ўртача ҳарорати 27,3°—32° гача кўтарилади. Жумҳуриятимизда ёзда энг иссиқ жойлар Қизилқумнинг марказий қисмига (Томдида июлнинг ўртача ҳарорати 30°) ва Сурхон-Шеробод водийсига (Термизда —31,4, Шерободда —32,1°) тўғри келиб, июлнинг 30—32° изотермаси үтади. Жумҳуриятимизда ёзда нисбатан салқинроқ бўладиган ҳудуд Қўйи Амударё ва Устюрт платосида бўлиб, июлнинг ўртача ҳарорати (Чурукда —27,3°, Нукусда —27,1°, Урганчда —27,3°) 27,1—27,3° ни ташкил этади. Лекин тоғларга кўтарилиган сари ҳар 100 м.га 0,6° пасайиши туфайли июлнинг ўртача ҳарорати Оҳангарон платосининг 2300 м баланд қисмида 16,2, Туркистан тизмасининг 3200 м қисмида 10,3, Фарбий Тяншанинг 3700 м баландлигига 4,2° га тушиб қолади.

Баъзи йиллари ёзда ҳаво ниҳоятда исиб кетиб, Ўзбекистоннинг текислик қисмида энг юқори ҳарорат июль ойида унинг шимоли-фарбида (Чурукда +43°, Нукусда +44°) 43—44° га, марказий қисмида (Шоғиркон ва Қоракўлда 45°) 45° га, жануби-шарқида эса 48° га етади. Ўзбекистонда энг иссиқ жой Термизда кузатилиб, 1914 йили 21 июня ҳарорат 49,6° га етганлиги қайд қилинган.

Ҳавонинг намлиги ва булатлиги. Ўзбекистон ҳавосининг намлиги ва булатлиги энг аввало ҳаво массаларининг хусусияти ҳамда алмашиниб туришига, ҳавонинг ҳароратига, ер усти ҳолатига ва ёнин билан буғланишининг нисбатига боғлиқ. Ўзбекистон текислик

Қисмида ҳароратнинг, айниқса йилнинг иссиқ қисмида юқориилиги туфайли мумкин бўлган буғланиш ёғин миқдорига нисбатан 15—20 марта кўп. Жумҳуриятимизда мумкин булган буғланишнинг йиллик миқдори 900 мм (Орол атрофида)дан 2000—2500 мм (Қизилқум ва Термизда)гача етади ва ойлар бўйича бир хил тақсимланган эмас. Йиллик буғланишни 100% десак, ўшанинг 80—85 фоизи йилнинг иссиқ (май—октябрь) даврига тўғри келади. Ҳатто июль оидаги буғланиш миқдори январь оидагига нисбатан 8—10 марта кўп.

Кургоқчил бўлган Ўзбекистон текислик қисмида ҳаво намлиги муҳим иқлим унсурларидан бири ҳисобланади. Ҳавонинг намлиги, хусусан ҳаводаги сув миқдорини билдирувчи мутлақ намлик жумҳурият ҳудуди бўйича бир хил тақсимланган эмас. Мутлақ намлик миқдори ҳаво ҳароратига, ер юзаси ҳолатига боғлиқ ҳолда шимолдан жанубга қараб ўзгариб боради. Қишида, хусусан январда Ўзбекистон текислик қисмининг шимолида ўртacha 3—4 мб бўлса, жанубида 5—6 мб га етади. Лекин тоғли қисмида ҳароратнинг пастлиги туфайли мутлақ намлик миқдори 1—2 мб дан кам. Ёзда ўртacha мутлақ намлик миқдори қишига нисбатан кўп бўлиб, Орол денгизи бўйида, Қуйи Амударёда 19—25 мб га етса, Қизилқумда 9—10 мб ни ташкил этади. Демак, ёзда мутлақ намликнинг тақсимланиши ҳароратдан ташқари яна сугориладиган ерларга, сув ҳавзаларининг (дарё, канал, сув омбори, кўллар) мавжудлигига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон ҳудудида ҳавонинг нисбий намлиги йил бўйи ўзгариб, ёзда камайиб, қишида эса ҳароратнинг пастлиги, ёғингарчиликнинг ортиши туфайли кўпаяди. Жумҳуриятимизда қишида (январда) ҳавонинг нисбий намлиги текислик қисмида шимолдан жанубга қараб 70—80% атрофида ўзгарса, тоғларда баландлашган сари камайиб 55—59% ва ундан пастга тушиши мумкин, Тошкентда 79%, Термизда 79% ни ташкил этса, мутлақ баландлиги 1438 м бўлган Чимёнда 59% га, мутлақ баландлиги 1545 м. бўлган Шоҳимардонда 55% га тушиб қолади.

Ўзбекистонда ёзда (июлда) ҳароратнинг юқориилиги ва деярли ёғин тушинаслиги туфайли ҳавонинг ўртacha нисбий намлиги Қизилқумда, Қарши ва Шеробод чўлларида энг кам бўлиб, 30—35% ни ташкил этади. Қолган қисмларида эса ўртacha нисбий намлик 40—50% атрофида (Тошкентда —40%, Андижонда —46%, Чимёнда —48%) ўзгариб. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қурғоқчил кунлар (нисбий намлиги 30% кам бўлган кунлар «қурғоқчил кунлар» деб юритилади) миқдорини билиш амалий аҳамиятга эга. Бундай кунлар жумҳуриятимиз текислик қисмида 155—202 кун атрофида ўзгариади: Тўрткўлда —155 кун, Когонда —202 кун.

Ўзбекистон иқлимининг яна бир ўзига хос томони шундаки у океанлардан узоқда, Евросиё материги ичкарисида жойлашганлиги оқибатида булатли кунлари кам бўлиб, йилнинг кўп даврида ҳавонинг очиқ булишлигидир. Ўзбекистон ҳудудида очиқ кунлар кўп бўлиб, йиллига 143—168 кунни ташкил этади, аксинча булатли

кунлар эса 52—94 кун, холос: Мирзачўлда бир йилда 143 кун очиқ, 83 кун булатли, Самарқандда 155 кун очиқ, 77 кун булатли, Когонда 168 кун очиқ, 54 кун булатли бўлади. Жумҳуриятимизнинг ҳам текислик, ҳам тоғли қисмида энг кўп очиқ ва энг кам булатли кунлар август—сентябрь ойларига тўғри келади. Бу даврда текислик қисмида очиқ кунлар 19—27, булатли кунлар эса 0—4 кунни ташкил этади; тоғларда эса очиқ кунлар 12—15 кундир. Иил бўйи булатли кунларнинг энг кўпи январь—март ойларига тўғри келади. Бу даврда Узбекистон текислик қисмида 26—40 булатли кунлар бўлади: Хивада 26 кун, Когонда 29 кун, Фарғонада 39 кун, Китобда 40 кун булатли бўлади.

Ёғинлар ва қор қоплами. Ўзбекистонда ёруғлик ва иссиқлик етарли бўлса, аксинча, ёғин миқдори жуда кам ҳамда ҳудуд бўйича ниҳоятда нотекис тақсимланган. Бунга жумҳуриятимизнинг материк ички қисмида жойлашиб, океанлардан узоқлиги, ҳаво массаларининг хусусиятлари ва рельефи сабабчидир. Туркистон, жумладан Узбекистон қишида шимоли-шарқдан эсувчи қуруқ, соvuқ ҳаво массаси — Сибирь антициклони таъсирида бўлади. Ёзда эсадиган ғарбий, шимоли-ғарбий ҳаво массалари Турон текислигининг ниҳоятда қизиб, «термик депрессия» вужудга келганлигидан исиб, нисбий намлиги камайиб, конденсацияланиш жараёни қийинлашиб, ёғин бермайди. Натижада, Узбекистон текислиги қисмига, хусусан шимоли-ғарбига ёғин жуда кам тушади. Жумҳуриятимизда энг кам ёғин тушадиган жойлар Қўйи Амударё, Қизилкўмнинг ғарби ва Фарғона водийсининг ғарбий қисми ҳисобланиб, йилига ўртacha 80—100 мм ёғин тушади: Хивада — 79 мм, Нукусда — 82 мм, Қўқонда — 89 мм, Томдида — 108 мм. Узбекистоннинг қолган текислик қисмида эса йиллик ёғин миқдори 100—300 мм атрофида: Чурукда — 122 мм, Шоғирконда — 120 мм, Қоракўлда — 114 мм, Термизда — 133 мм, Навоийда — 177 мм, Қаршида — 225 мм, Каттақўронда — 252 мм (3- жадвалга қаранг).

Ўзбекистоннинг тоф олди ва тоғлари томон йиллик ёғин миқдори ортиб боради. Чунки юқорига кўтарилган сари ҳароратнинг пасайиши оқибатида конденсацияланиш жараёни содир бўлиб, ёғин вужудга келади. Бунинг устига ёғинларни асосан ғарбий ҳаво массалари олиб келганлиги туфайли жумҳурият тоғларининг ғарбий, жануби-ғарбий ёнбағирларига ёғин шимолий ва шарқий ёнбағирларига нисбатан кўп тушади.

Ўзбекистон тоф олди қисмларига йилига ўртacha 300—550 мм (Деновда — 360 мм, Қамашида — 327 мм, Самарқандда — 328 мм, Тошкентда — 359 мм, Жиззахда — 425 мм, Китобда — 545 мм) гача ёғин тушади. Жумҳуриятимизда энг кўп ёғин унинг тоғли қисмига, хусусан ғарбий Тяншань, Зарафшон ва Ҳисор тоғларининг ғарбий ва жануби-ғарбий ёнбағирларига тўғри келиб, ўртacha йиллик миқдори 550—900 мм, айрим жойларига эса 900 мм дан ҳам ортиқ ёғин тушади: Ҳазрати Баширда — 550 мм, Шарғунда — 625 мм, Чимёнда — 787 мм, Ҳумсонда — 879 мм, Омонқўтонда — 881 мм (3- жадвалга қаранг).

Ўзбекистон ҳудудида ёғиннинг нотекис тақсимланишидан ташқари у йил фаслларида ҳам бир хил тушмайди. Умумий ёғин миқдорининг 30—50% и баҳорга, 25—40% и қишга, 10—12% и кузга, 1—10% и ёзга тұғри келади. Құриниб турибдикі, жумхуриятимизда әнг күп ёғин миқдори баҳор ва қыш ойларига тұғри келади. Бунга асосий сабаб қишлоғ ва баҳорга Ўзбекистон ҳудудида соғық ҳаво массалари билан илиқ тропик ҳаво массаларини ажратиб турувчи үрта миңтақаға фронт зонаси вужудға келиб, циклонлар ҳаракати кучайып ёғин вужудға келади.

Ўзбекистон текислик қисмінде, хусусан Устюрт, Қўйи Амударё, Қизилқұм, Қўйи Зарабшон, Қарши ва Шеробод чүлларыда әнг күп ёғин баҳор фаслиға тұғри келиб, бу даврда умумий ёғин миқдорининг 35—50% и тушади: Устюртта 35% и, Қўйи Амударёда 42—45% и, Қизилқұмда 48%, Қўйи Зарабшонда 44—45% и, Қарши ва Шеробод чүлларыда эса ёғиннинг 44—45% и баҳорга тұғри келади.

Жумхуриятимиз тоғ олди ва тоғ миңтақасыда ҳам әнг күп ёғин баҳорға тұғри келиб, у йиллик ёғиннинг 41—49 фоизини ташкил этади. Тошкентда 41 фоизи, Қосонсойда 43 фоизи, Фаллаоролда 47 фоизи, Самарқандда 49 фоизи, Бойсунда 45 фоизи, Омонқұтонда 45 фоизи, Ҳазрати Баширда 45 фоизи, Шарғунда 46 фоизи баҳорға тұғри келади.

Жумхуриятимизда йил давомида әнг күп ёғин март ойига тұғри келади ва йиллик ёғин миқдорининг 14—24 фоизини ташкил этади. Андижонда 14%, Тошкентда 17%, Шофирконда 20%, Қаршида 21% Урганчда 24%, Омонқұтонда ва Китобда 20% ёғин март ойда ёради.

Ўзбекистонда әнг кам ёғин ёз ойларига тұғри келади. Бу фаслда Қўйи Амударё, Қизилқұм, Мирзачұл, Қарши ва Шеробод чүлларыда йиллик ёғиннинг 1—7% (Термиз ва Шерободда —1%, Қарши ва Қоракұлда —2%, Томдиде —3%, Фаллаоролда —4%, Урганчда 7%) тушади. Ёзда тоғ олди ва тоққа томон ҳароратнинг пасайиши оқибатида ёғин күпайып йиллик миқдорининг 13—26% (Чотқолда —13%, Қувада —14%) гача ёради. Ёзда әнг кам ёғин август ойига тұғри келиб, Сурхон-Шеробод воҳасыда, Қарши чүлида, Қўйи Зарабшонда ва Қизилқұмда умуман ёғингарчилик бўлмайди; Тошкент, Мирзачұл воҳасыда 1 мм, Қўйи Амударёда 1—3 мм, Фарғона водийсида 1—10 мм. ёғин ёради. Лекин ёз ойларыда Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида, чунончи Зарабшон, Фарғона, Чирчиқ водийларида, Нурота тоғларыда жала қуиши содир бўлиб туради. Тошкентда 50 мм, Бухорода 37 мм, Жиззахда 75 мм, Самарқандда 82 мм ёмғир ёққан кунлар қайд қилинган.

Ўзбекистонда қишлоғ фаслида ёғинларнинг күп қисми қаттиқ қорҳолида ёради. Қор жумхуриятимизнинг ҳамма қисміда ёғса-да, унинг текислик қисміда қор қоплами турғун бўлмасдан үртача 5—20 кун сақланади. Бундай жойлар қаторига Устюрт, Қўйи Амударё, Қизилқұм, Қўйи Зарабшон, Қарши ва Сурхон-Шеробод воҳаси киради. Қор Қоракұлда 50 кун, Шеробод ва Термизда 15 кун,

Тұртқұлда 17 кун, Қаршида 11 кун, Томдида 20 кун сақланиб туради. Текисликнинг бошқа қисмларида ва төр олди жойлариде эса қор үрта ҳисобда 20—45 кун (Ғузорда — 29 кун, Қаттақұрғонда — 21 кун, Мирзачұлда — 35 кун, Самарқанд ва Қитобда 39 кун, Тошкентде 43 кун) сақланиб туради. Жумхуриятимиз тоғлариде эса қор қоплами узоқ вақт (2—6 ойгача) әримай туради, әнд баланд қисмларида эса доимий қор қоплами мавжуд.

Ўзбекистон текислик қисмидә қор қоплами жуда юпқа бўлиб, 3—7 см, айрим ҳолларда эса 10—20 см га етади, төр олди минтақасида эса 20—30 см ни ташкил этади. Лекин тоғларда қор қоплами қалин бўлиб, 50—100 см атрофида, ҳатто Чотқол водийсинг айрим жойлариде 1—1,5 метрдан ошиши ҳам мумкин.

Ҳаво босими ва шамоллар. Ҳаво босими ва шамоллар Ўзбекистон ҳудудида унинг ер усти тузилишига, қуёшнинг иситишига боғлиқ ҳолда ҳудуд ва фасллар бўйича бир хил жойлашган эмас. Ҳавонинг ўртача йиллик босими жумхуриятимизда жануби-шарқдан шимолга ва шимоли-ғарбга қараб ўзгариб, ортиб боради. Ҳаво босими йил фасллари бўйича ўзгариб туради. Қишда Ўзбекистонда январда әнд паст босим Қизилқұмнинг жанубида, Қўйи Зарафшон ва Қарши чўлининг ғарбида кузатилиб, 1024 мб ни ташкил этади. Бу ердан шимолга, шимоли-ғарбга ва шарққа қараб ҳаво босими ортиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлариде, Қизилқұмнинг марказида 1026 мб.га, Қизилқұмнинг шимоли-ғарбида, Устюртда, Қўйи Амударёда, Мирзачұлда, Зарафшон ва Чирчиқ-Оҳангарон водийлариде 1027 мб.га етади. Январда Ўзбекистонда ҳавонинг әнд юқори босимли маркази Фарғона водийсинг шарқий қисмига тўғри келиб, 1029 мб.га етади. Бунга асосий сабаб водийнинг орографик тузилиши бўлиб, атрофини баланд тоғлар ўраб олган, фақат ғарбида торгина Хўжанд йўлагининг мавжудлигидир. Шу туфайли водий атрофидаги тоғлардан эсаётган совуқ ҳаво унда тўпланиб, босимнинг юқори бўлишига олиб келган.

Ўзбекистон ҳудудида ёзда июль ойида ҳаво босимининг ўзгариши унинг жануби-шарқидан шимоли-ғарбига қараб ўзгариб, ортиб боради. Агар Сурхон-Шеробод водийсида 1001 мб. бўлса, Қарши чўлида 1003 мб., Қўйи Зарафшон ва Фарғона водийсида 1004 мб., Қизилқұмнинг марказида 1006 мб., шимоли-ғарбида 1007 мб., Қўйи Амударё ва Устюртнинг шимолида эса 1008 мб.ни ташкил этади.

Ўзбекистонда шамоллар йўналиши ва хусусиятлари атмосфера циркуляцияси ва босимларнинг ўзгаришига, ҳароратга ҳамда жой орографик тузилишига узвий боғлиқдир. Ўзбекистонда йил бўйи шамоллар шимоли-ғарбий, шимолий ва шимоли-шарқий томондан эсиб туради. Лекин жумхуриятимизнинг шарқий қисмida жойлашган төр олди ва тоғларда рельефнинг таъсирида шамолларнинг йўналиши ўзгариб, кўпроқ төр, водий ва фён каби шамоллар эсади.

Ўзбекистонда қишида шамолларнинг йўналиши Сибирь антициклони ва Турон текислигининг жанубидаги циклонлар таъсирида бўлади. Шунинг учун жумхуриятимизнинг текислик қисмининг

шимолида күпроқ шимоли-шарқий томондан эсадиган шамоллар бўлса, жанубу томон уларнинг йўналиши ўзгариб, шимолий ва сўнгра жануби-шарқий томондан эса бошлайди.

Ёзда Турон термик депрессияси вужудга келиб, шимоли-ғарбдан, шимолдан ва шимоли-шарқдан совуқ ҳаво массасини «насос» каби тортиб олади. Шу сабабли ёзда Ўзбекистон текислик қисмига асосан йил бўйи эсадиган шамолнинг 36% и шимоли-шарқий, 15% и шимолий томонларга тўғри келса, Когонда 33% и шимоли-ғарбий, 32% и шимолий йўналишдаги шамоллар эсади. Ёзда ҳам Ўзбекистоннинг тоғ олди ва тоғли қисмларида рельефнинг таъсирида шамолларнинг йўналиши ўзгаради, күпроқ тоғ водий шамоллари эсади: Сурхон-Шеробод водийсида (Термизда) йил бўйи эсадиган шамолнинг 26% и жануби-ғарбий, 24% и ғарбий йўналишдаги шамоллар бўлса, Зарафшон водийсида (Самарқандда) 34% и жануби-шарқий, 19% и шарқий шамолларга тўғри келади.

Фарғона водийсининг атрофи баланд тоғлар билан ўралганилиги туфайли қишида унинг шарқида маҳаллий антициклон, ёзда аксинча водий марказий қисми қизиб кетиб, маҳаллий паст босимили маркази вужудга келади. Шу сабабли қишида шамоллар күпроқ шарқдан ғарбга, ёзда эса аксинча ғарбдан шарққа томон эсади: Фарғона водийсининг шарқий қисмida жойлашган Андижонда октябрдан июнгача шарқдан, шимоли-шарқдан ва жануби-шарқдан эсадиган шамоллар 43—45% ни ташкил этса, июндан октябргача күпроқ шамоллар ғарбий, жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбий томондан эсиб, 38—44% ни ташкил этади.

Чирчиқ-Оҳангарон водийси күпроқ тоғ-водий циркуляцияси таъсирида бўлиб, кечаси тоғлардан — шимоли-шарқдан, кундузи эса жануби-ғарбдан водий шамоли эсади. Шу сабабли Тошкентда йил бўйи эсадиган шамолларнинг 36% и шимоли-шарқдан ва шарқдан, 31% и эса жануби-ғарбдан ва ғарбдан эсадиган шамолларга тўғри келади.

Ўзбекистонда шамолнинг ўртacha йиллик эсиш тезлиги унча катта эмас. Унинг текислик қисмida тезлиги секундига 3—4,6 м атрофида (Когонда 2,8 м, Томдида 3,7 м, Урганчда 3,4 м, Чурукда 4,6 м) бўлса, тоғ олди қисмida эса секундига 1,5—3 м дан (Тошкентда — 1,4 м, Самарқандда — 1,4 м, Термизда — 2,6 м) ошмайди. Ўзбекистонда кучли шамоллар (тезлиги секундига 15 м.дан ортиқ) унинг текислик қисмida кам бўлиб, йилига 3—11 кунгача (Хива да — 3 кун, Бухоро ва Когонда — 5 кун, Томдида — 10 кун, Чимбайды — 3 кун) боради. Лекин Ўзбекистоннинг тоғ олди қисмida, водийларнинг торайган жойларида ва унга яқин ҳудудларда (Мирзачўл, Фарғона водийсининг «Хўжанд дарвозаси» атрофида, Санѓзор водийсининг Мирзачўлга чиқаверишида ва бошқа жойларда) кучли шамоллар содир бўлиб, тезлиги секундига 15 м.дан ошадиган кунлар йилига 15 дан 64 кунгача (Термизда — 15 кун, Жиззахда — 24 кун, Кўконда — 39 кун, Урсатьевскийда — 47 кун, Запорожескаяда — 64 кун) боради.

Ўзбекистонда, хусусан Фарғона водийсининг «Хўжанд дарвозаси» атрофида Мирзачўл томонга эсувчи шарқий, жануби-шарқий

шамоллар Бекобод (Ховос) шамоли деб аталиб, тезлиги қишида баъзан секундига 30—40 м.га етади. Бу шамол Фарғона водийсинг шарқида юқори босим, «Хўжанд дарвозаси»нинг гарбидаги эса циклонлар бўлганда кучайиб, тоғлардан водийга тушиб тўплланган совуқ ҳаво гарбга қараб ҳаракат қиласи ҳамда дарвозага келгач сиқилиб, тезлиги ошади. Аксинча, баҳор ва кузда гарбдан Фарғона водийси томон «Қўқон» шамоли эсиб, тезлиги секундига 15—25 м га етади. Қўқон шамолининг вужудга келиши гарбдан кириб келган совуқ фронтларга боғлиқ.

Ўзбекистонда Бекобод, Қўқон шамолларидан ташқари яна «аффон», фён, гармсел каби маҳаллий шамоллар ҳам бор. Аффон шамоли Сурхондарё водийси учун хосдир. Бу шамолнинг вужудга келиши шимолдан ва шимоли-гарбдан совуқ ҳавонинг кириб келиши билан боғлиқ. Ўша совуқ ҳаво Қопетдоғ ва Параполиз тоғларидан ошиб ўтолмай тўпланиб, босими паст, қизиган Сурхон-Вахш водийси томонга Афғонистон ҳудуди орқали айланиб ўтади. Аффон шамолининг тезлиги баъзан секундига 15—20 м. га етиб, чангтўзон аралаш Сурхондарё водийсига кириб келиб, 1—2 кун, айрим ҳолларда 3—4 кун сурункасига эсади. Натижада чангтўзонли обҳаво вужудга келиб, баъзан 100—200 м. наридаги нарсаларни кўриш қийинлашади. Аффон шамоли баҳорда эсанда чангтўzonлар ҳосил қилиб, қишлоқ ҳўжалик экинларини қовжиратиб, баргига чанг ўтириб қуритиб, катта зарап етказади.

Ўзбекистон тоф олди қисмларида, хусусан Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона каби водийларида қиш ва баҳорда фён шамоли тез-тез эсиб туради. Фёнлар қиш ва баҳорда жумҳуриятимиз текислик қисмига циклонлар (паст босимли) кириб келганларида тоғлардан совуқ ҳавонинг пастга қараб ҳаракат қилишига сабабчи бўлади. Тоф ёнбағри бўйлаб пастга тушаётган ҳаво зичлашиб, ҳар 100 м. га бир даража исийди, оқибатда жумҳуриятимиз тоф олди қисмига етиб келгунча ҳавонинг ҳарорати кўтарилиб 24° гача исиши мумкин. Фён шамоли иссиқ ва қуруқ бўлиб, баъзан секундига 5—10 м. тезлиқда эсади, натижада шамол етиб келган ҳудуднинг нисбий намлиги камаяди, ҳарорати кўтарилиб, қорларнинг эриши тезлашади.

Ўзбекистондаги яна бир маҳаллий шамол бу гармселдир. У иссиқ ва қуруқ шамол бўлиб, баҳор ва ёзда эсади. Гармсел эсанда ҳарорат кўтарилиб, 40° дан ошади, аксинча, нисбий намлик пасайиб, 5—10% га тушиб қолади. Баъзан гармсел эсанда тезлиги секундига 15—20 м. га етиб, ҳавога қуюқ тўзон кўтарилади, осмон хиралашиб, дим бўлиб, ҳарорат кўтарилиб кетади. Оқибатда қишлоқ ҳўжалик экинлари, ҳатто мевали дараҳтлар зарар кўради, уларнинг барглари сарғайиб, қуриб тўкилиб кетади.

Гармселлар Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятларида, Фарғона водийсида тез-тез эсиб туради. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда эса камроқ бўлади.

Гармселнинг ҳосил бўлиши ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Баъзилар Қизилқум ва Қорақумда қизиган ҳавонинг атрофга эси-

шидан вужудга келади, деса, бошқалар юқори босимли ҳаво мас-
сасининг чўл устидаги ҳаво орасига кириб, уни атрофга ҳайдаши-
дан ҳосил бўлади, дейди. Бошқаларнинг фикрича, гармсел Эрон
томондан Турон текислигига кириб келувчи ҳаво оқими Туркма-
нистон-Хурросон тоғларидан ошиб ўтишда сиқилиб исишидан ҳосил
бўлади. Яна бир гуруҳ олимлар фикрича тоғларга ғарбдан, шимо-
ли-ғарбдан совуқ оқим яқинлашганда оқим олдидан босим па-
саяди, натижада шарқдан ёки жануби-шарқдан шамоллар эсиши-
дан гармсел вужудга келади.

Йил фасллари. Турон текислигига, жумладан Ўзбекистонда
йил фасллари Евросиёнинг ўрта қисмидаги йил фаслларидан
фарқланади. Чунки Ўзбекистонда шимолдан жанубга борган сари
ҳарорат кўтарилиб, фаслларнинг бошланиши ва муддати ўзгариб
бориб, орадаги тафовут 20—25 кунгача етади. Шу сабабли маҳал-
лий иқлиминуслар Ўзбекистонни иқлимини икки—иссиқ ва совуқ
даврга бўлади. Ўртacha суткалик ҳарорати 5° дан ошган кунлар
иссиқ даврга, аксинча 5° дан пасайган кунлар совуқ даврга кири-
тилади.

Ўзбекистонда ўртacha суткалик ҳарорати 5° дан юқори бўлган
кунлар кўп бўлиб, Устюртда (Чурукда) 206 кун, Қизилқумнинг
жанубида (Қоракўлда) 272 кун, Сурхон-Шеробод водийсида (Ше-
рободда) 320 кун. Лекин жумҳуриятимиз тоғли қисмида ўртacha
суткали ҳарорати 5° дан юқори бўлган кунлар қисқариб, 3000 м.
баландликда 100—105 кунга тусиб қолади.

Ўзбекистонда иссиқ давр ўз навбатида уч фаслга — бошлан-
ғич — баҳор (март, апрель, май), ўрта — ёз (июнь, июль август)
ва охирги — куз (сентябрь, октябрь, ноябрь) фаслларига бўли-
нади. Совуқ давр эса қиши фаслига (декабрь, январь, февраль)
тўғри келади.

Қиши. Ўзбекистонда қиши шу географик кенгликда жойлашган
Ўрта дengиз атрофидаги ҳудудларга нисбатан совуқ бўлиб, об-
хаво тез-тез ўзгариб туради, Қишида очиқ, лекин совуқ кунлар
баъзан давомли илиқ булутли ва ёғинли кунлар билан алмashi-
ниб туради. Бунга қишида жумҳурият ҳудудига кириб келадиган
антициклон ва циклон ҳаво оқимлари сабабчидир. Агар Ўзбекис-
тон ҳудудига шимолдан ва шимоли-шарқдан совуқ ҳаво массаси
кириб келса, ҳаво очиқ бўлиб, ҳарорат пасайиб, баъзан ҳарорат—
37° гача (Устюртда) совуб изғиринли, қаҳратон кунлар бошланади.
Энг совуқ кунлар «қиши чилла»сида содир бўлиб, 25 декабрдан
5 февралгача давом этади. Ўзбекистонда қиши фаслида ғарбдан,
жануби-ғарбдан циклонлар кириб келганда хавода булутлар пай-
до бўлиб, ҳарорат кўтарилиб, илиб (айрим йиллари ҳарорат 10—
29° га кўтарилганлиги кузатилган) ёмғир ёғиб, сунгра у корга
айланади.

Ўзбекистонда қиши ойларида ёғин кўпроқ тушади. Агар текис-
лик қисмида йиллик ёғиннинг 20—40% қишига тўғри келса, тоғ ол-
ди қисмида унинг миқдори 30—37% га тўғри келади. Ёғиннинг
кўп қисми қор ҳолда тушса-да Ўзбекистоннинг текислик қисмида

у юпқа булиб, узоқ вақт сақланмайды: жумхурият текислик қисмининг шимолида қор қопламининг қалинлиги 10—15 см булиб, 28—30 кун эримай турса, жанубида 4—5 см булиб, 6—7 кун эримай туради. Лекин тоғ олди қисмида қор қопламининг қалинлиги 20—40 см булиб, 35—45 кун эримай туради. Тоғларнинг 1500—3000 м баланд қисмида қорнинг қалинлиги 70—90 см булиб, 45—65 кун, 3500—4000 м. дан юқорида эса 100 см. дан ошиб, йил бўйи эримайди. Иқлимшунос Е. Н. Балашеванинг маълумотига кўра Пском тоғининг айрим жойларида қорнинг қалинлиги 3—4 м га етади.

Ўзбекистонда баъзи йиллари қиши илиқ келиб қор кам ёради, ўсимликлар йил бўйи ўсиш даврини (вегетацияни даврини) давом эттиради. Бундай қишини Л. Н. Бабушкин «вегетацияни» қиши деб атайди. «Вегетацияни» қиши Ўзбекистоннинг ҳамма қисмида бир хил эмас. Унинг шимоли-ғарбида қиши кунларининг 0—5% «вегетацияни қиши»га тўғри келса, бу кўрсаткич жумхуриятимизнинг ўрта қисмларида 50—60% ни, энг жанубидаги Сурхон-Шеробод водийсида эса 80—100% ни ташкил қилиб, баъзи субтропик ўсимликлар ҳам ўсади.

Баҳор. Ўзбекистонда баҳор ўртача суткалик ҳарорат 5° дан ошгандан бошланиб, сернам фасл ҳисобланади. Шу сабабли баҳор жумхуриятимизнинг ҳамма қисмида бир даврда бошланмайди: Ўзбекистоннинг жанубий қисмида (Сурхон-Шеробод водийсида) февралнинг ўрталаридан, ўрта қисмида (Бухоро-Қорақум воҳасида) февралнинг охиридан, шимоли-ғарбий қисмида (Қуйи Амударё ва Устюртда) эса мартнинг иккинчи ярмидан бошланади. Бинобарин, Сурхон-Шеробод водийсида, баҳор Бухоро-Қорақўл воҳасидан 1,5—2,0 ҳафта, Қуйи Амударёдан эса 20—25 кун олдинроқ бошланади. Ўзбекистоннинг тоғ олди қисмида баҳор кечроқ, яъни апрелнинг бошларидан бошланса, тоғларида апрелнинг охириларидан бошланади.

Баҳор жумхуриятимизда сернам фасл ҳисобланиб, унинг текислик қисмида йиллик ёғиннинг 40—43%, тоғ олдида эса 40—50% уша фаслга тўғри келади.

Баҳорда жумхуриятимиз ҳудудида кунлар исиб, жанубий қисмида (Шеробод ва Термизда) март ойида ўртача ҳарорат $11,5^{\circ}$ га етади, шимолий қисми нисбатан салқин булиб, (Нукусда $-4,1^{\circ}$, Урганчда $-5,0^{\circ}$) $4—5^{\circ}$ ни ташкил этади. Баъзи кунлари март ойла-рида ҳам хаво исиб, энг юқори ҳарорат Шерободда 35° га, Нукусда 34° га кўтарилади. Қўриниб турибдики, Ўзбекистонда март оидан бошлаб ҳарорат кўтарилиб, тез-тез ёғингарчилик булиб, қорлар эриб, ўсимликларнинг ривожланиши тезлашади. Жумхурият жанубида мартнинг биринчи ўн кунлигидан, шимолида эса мартнинг охири апрелнинг бошларидан бодом, ўрик, шафтоли, гилос, олича қаби дарахтлар гуллайди. Апрелнинг охири, май оидан бошлаб ҳарорат янада кўтарилиб (апрелнинг ўртача ҳарорати Урганчда $-13,8^{\circ}$ Когонда $-16,2$, Шерободда $-18,2^{\circ}$, бўлса, майда Урганчда $-21,0^{\circ}$, Когонда $-23,2^{\circ}$, Шерободда $-24,5^{\circ}$ га етади)

Ҳаво очиқ булиб, ёғинлар аста-секин камайиб, май ойининг охирлариға бориб ҳақиқий ёз бошланади.

Ёз. Ўзбекистонда, айниңа унинг текислик ва тоғ олди қисмларида ёз ҳаво очиқ, жазирама иссиқ ва қурғоқчил бўлишилиги билан бошқа фасллардан ажралиб туради. Ёз Ўзбекистоннинг текислик қисмида ўртача суткалик ҳарорат 20° дан ошганда бошланиб, 20° дан пасайганда тугаса, тоғларида ўртача суткалик ҳарорат $10-15^{\circ}$ бўлганда бошланади.

Ёзда об-ҳаво жуда кам ўзгариб, ҳаво очиқ булиб, Ўзбекистон текислик қисмида июнь-август ойларида очиқ кунларнинг бўлиш эҳтимоли $80-95\%$ га етади. Июнь оидан жазирама иссиқ кунлар бошланиб, ўртача ойлик ҳарорат $24-29,5^{\circ}$ атрофида бўлади. Ёзниң энг иссиқ кунлари 25 июндан 5 августгача давом этадиган «ёз чилласи»нинг ўртасида, яъни июль ойида содир булиб, ўртача ҳарорати жумҳурият текислик қисмида $26-32^{\circ}$ атрофида, энг юқори даражадаги ҳарорати эса $41-48^{\circ}$ атрофида бўлади. Ута юқори даражадаги ҳарорат 1914 йили 21 июля Термизда кузатилиб, $49,6^{\circ}$ га етган.

Ёзда жумҳуриятимиз текислик қисмида ҳарорат жуда юқори булиб, ёғин жуда кам тушса, айрим йиллари бутунлай ёғмайди. Энг кам ёғин ёзда Ўзбекистон текислик ва тоғ олди қисмларида август ойига тўғри келиб, 0 мм. дан (Сурхондарё водийси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг текислик қисми, Қизилқум) 3 мм. гача (Чирчиқ-Оҳангарон водийси, Фарғона водийси, Устюрт, Қуйи Амударё) ёғин тушади, холос. Ёзда баъзан момақалдироқ булиб, ёғин жала тариқаси ёғиб, тезда ўтиб кетади.

Ўзбекистон текислик қисми ёзда жуда қизиб кетиб, ёғин ёғмаслиги туфайли қурғоқчилик бўлиб, ўсимликлар сарғайиб, қовжираб қуриб қолади. Оқибатда иссиқ шамол — гармселнинг эсиши туфайли чанг кўтарилиб, ҳаво хирадлашиб қолади. Бундай чанг-тўзонли кунлар Бухоро-Қоракўл воҳасида ва Чирчиқ-Оҳангарон водийсида 3—4 кун, Қуйи Амударё ва Устюртда 3—5 кун, Фарғона водийсида 6—7 кун содир бўлади.

Куз. Ўзбекистонда куз ўртача суткалик ҳарорат 20° дан пастга тушганда бошланиб, 5° дан пасайганда тамом бўлади. Бу жиҳатдан қараганда куз жумҳуриятимизнинг шимолий ва ўртача қисмларида (Устюрт, Қуйи Амударё, Қизилқум, Мирзачўл, Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона водийларида ва Зарафшон водийсининг ўрта қисмларида) сентябрь оидан, жанубида эса октябрь ойининг бошларидан бошланади.

Ўзбекистонда сентябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб об-ҳаво ўзгариб, ҳарорат аста-секин пасайиб, булутлар пайдо бўла бошлайди. Октябрь оидан бошлаб совуқ ҳаво оқимининг келиши натижасида ҳарорат пасайиб, баъзан кечалари 0° га тушиб қолиши ҳам мумкин. Совуқ тушиш октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига камдан-кам бўлса-да, лекин охирларида (Сурхондарё водийсидан истисно) тез-тез такрорланиб туради. Сурхондарё водийсида совуқ тушиш октябрь ойининг охирларидан бошланади. Кузда баъ-

зан булутлар пайдо бўлиб, совуқ тушиб, сунгра об-ҳаво яна исиб, булутлар тарқалиб, очиқ кунлар бошланади.

Кузда ёғингарчилик ёзга нисбатан кўп (йиллик ёғиннинг 15—25%) тушади. Ёғин жумҳуриятимизнинг тоғ олди қисмиде октябрь ойидан, текислик қисмиде эса ноябрь ойидан бошлаб тезлашади.

Ўзбекистонда кузнинг биринчи ярми энг яхши фасл ҳисобланади. Чунки бу даврда кунлар иссиқ ва қуруқ бўлиб, кечки экинлар ва мевалар айнан пишган, дараҳтларнинг барглари ҳали сарғаймаган булади.

Иқлим ресурслари. Иқлим ресурсларига иссиқлик ресурси, гелиоресурс, шамол энергияси ва даволанишдаги аҳамияти киради.

Ўзбекистон хўжалиги, хусусан қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган энг муҳим омиллардан бири бу иссиқлик ресурсидир. Чунки қишлоқ хўжалик экинларининг пишиб етилиши, меваларнинг ширин бўлиши учун маълум даражада иссиқлик талаб этилади. Бу жиҳатдан қараганда Ўзбекистон жуда қўлай иссиқлик ресурсига эга.

Ўзбекистонда баҳорда охирги совуқ тушиш муддати Устюртда 12—14 марта, Қўйи Амударёда марта ниңг охири ва апрелнинг бошларига тўғри келса, Сурхон-Шеробод водийсида 2—15 марта ларга тўғри келади. Кузда биринчи совуқ тушиши Устюртда 5—10 октября га, Қўйи Амударёда 20—25 октября га тўғри келса, Шерободда 24 ноября га тўғри келади. Бинобарин, жумҳуриятимизда совуқ бўлмайдиган кунлар кўп бўлиб, Устюрт, Қўйи Амударё ва Қизилқумнинг шимолий қисмida 153 кундан 210 кунгача бўлса, Қизилқумнинг жануби, Мирзачўл, Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона ва Зарафшон, Қашқадарё водийларида 210—230 кун, энг жанубидаги Сурхон-Шеробод водийсида эса 225—266 кунгача давом этади. Бунинг устига ўртacha суткалик ҳарорати $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган кунлардаги ҳароратнинг ѹзбекистоннинг шимоли-фарбида $4000—4500^{\circ}$, Бухоро — Қоракўл воҳасида $4500—5100^{\circ}$, энг жанубида $5100—5900^{\circ}$ (Шерободда 5900°) гача боради. Бундай иқлимий шароитда шоли, оддий ва ингичка толали пахта, шириншакар қовун-тарвуз, қанд моддасига бой бўлган ҳар хил мевалар, Сурхон-Шеробод водийсида эса субтропик ўсимликларни бемалол етишириш мумкин. Ўзбекистонда иссиқлик ресурси ерлардан бир йилда икки марта, Сурхон-Шеробод воҳасида эса уч марта гача ҳосил олиш имкониятини беради.

Ўзбекистон текислик қисмida йил бўйи, айниқса ёзда булутсиз бўлиб, қуёш узоқ вақт ёритиб, нур сочиб туради. Жумҳуриятимизнинг текислик ва тоғ олди қисмларида қуёш бир йилда 2500 соатдан (шимолида) 3000 соатгача (жанубида) нур сочиб туради. Бинобарин. Ўзбекистон гелиоресурсга анча бой улка ҳисобланиб, унинг ҳудудига йилига ўртacha тушаётган қуёш энергияси $4,86 \cdot 10^{14}$ киловатт-соатга тўғри келади, бу эса 30 млрд. т. кумир эквивалентига тенгdir.

Лекин ҳозирча жумҳуриятимизда уша гелиоресурслардан фойдаланиш даражаси анча паст. Ҳозирча гелиоресурслардан парник

ва иссиқхоналарни иситишда, қуёш энергияси асосида ишловчи маҳсус насослар ёрдамида ер ости сувларини тортиб олишда, маҳсус қурилма ёрдамида шўр сувларни чучуклаширишда, коммунал хўжаликда сувларни иситишда фойдаланилмоқда. Булардан ташқари, гелиоресурслардан маҳсус фотоэлементлар ёрдамида биноларни иситишда ва бошқа мақсадлар учун энергия олишда фойдаланиш мумкин. Бундай тажрибалар жумҳуриятимизда Жиззах вилояти Зомин туманида жойлашган «Оналар ва болалар» дам олиш уйи биносини иситишда қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Қуёш ишлаб чиқариш бирлашмаси»нинг Паркентдаги тажриба майдонида қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Маҳсус лабораторияларда қуёш энергиясини электр, механик энергияга айлантириб, жуда катта миқдордаги ҳароратни (4 млн. градус) вужудга келтирмоқда. Яқин келажакда олимларимиз гелиоресурслардан фойдаланишнинг илғор усусларини қидириб, излаб топадиларки, оқибат натижада қуёш энергиясини иссиқлик ва электр энергиясига айлантириб фойдаланишга кенг йўл очиб беради.

Ўзбекистондаги чўл яйловларини сув билан таъминлашда, кичик майдондаги экинларни суфоришда шамол энергияси асосида ишловчи насослар ёрдамида ер ости сувларидан фойдаланиш мумкин. Булардан ташқари, ферма ва чорвадорлар хонадонини, геологик-қидириув, илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи ходимларни электр энергияси билан таъминлашда, шўр сувларни чучуклаширишда шамол кучи билан ишловчи агрегатлардан фойдаланиш мумкин. Маълумки, шамолнинг ўртача йиллик тезлиги секундига 2,5—3,5 м. бўлганда 10—12 киловатт қувватга эга бўлган шамол электр агрегати бемалол ишлайди ва йилига 26—35 минг киловатт-соат энергия ишлаб беради. Бу жиҳатидан қараганда Ўзбекистон қулай имкониятга эга. Чунки унинг кўпчилик қисмида (Мирзачўлда, Далварзин чўлида, Устюрт ва Қўйи Амударёда, Қизилқумда) йиллик шамолнинг ўртача тезлиги секундига 2,5—4,6 м. га етади. Бундай тезликка эга бўлган шамол кучидан ВБ—3, ВМ—3 каби шамол агрегати ёрдамида соатига 4000—4300 литргача ер ости сувини тортиб олиш мумкин.

Ўзбекистоннинг иссиқ, қуруқ ва серқуёш иқлими кўп касалликларни, хусусан буйрак шамоллаш касаллигини даволашда аҳамиятли ҳисобланади. Чунки буйрак шамоллаш касали билан оғриган кишилар буйрагини жуда тинч сақлаши керак. Бунда тери буйрак вазифасини бажариши лозим. Тери бундай вазифани фақат иссиқ, қуруқ ва қуёшли иқлимий шароитдагина бажара олиши мумкин. Ваҳоланки, бундай иқлимий шароит Ўзбекистоннинг текислик қисмида мавжуд. Шу сабабли Бухорода буйрак касалини даволайлигандан санаторий жойлашган.

Ўзбекистоннинг тоғли қисмидаги ҳаво нисбатан ва ўртача қуруқ бўлиб, ўпка, юрак-қонтомир, астма, бронхит ва бошқа касалликларни даволашда муҳим аҳамиятга эга. Булардан ташқари, дам олиб, ҳордиқ чиқариш учун зарур бўлган санаторий, дам олиш


үйлари ҳам тоза ҳаволи тоғли жойларда, хусусан Фарбий Тяньшан, Ҳисор ва Фарғона водийсини үраб олган тоғларда жойлашган. Бунга Бўстонлиқ туманидаги Чимён, Оқтош, Фарғона водийсидаги Шоҳимардан каби шифобахш жойлар яққол мисолдир.

Савол ва топшириқлар. 1. Ўзбекистон иқлимини ҳосил қилувчи омиллар деғаида нималарни тушунасиз? 2. Маълумки, гарбий ҳаво оқими қишига нисбатан ёзда кўп эсади, лекин ёғин бермайди, сабабини тушунтириб беринг. 3. Турон термик депрессияси ва унинг вужудга келишини тушунтириб беринг. 4. Нима учун қишида шимоли-шарқий шамоллар эсгандা ҳаво очилиб, совуқли кунлар бошланади? 5. Нима учун қишида ҳаво баъзан очилиб, совуб кетади, сўнгра яна илиб, булутлар пайдо булиб ёғин ёғади? 6. Ўзбекистон атласидан фойдаланиб ёзувсиз ҳаритага ёғинларнинг тақсимланишини туширинг, сўнгра нима учун энг кам ёғин Қўйи Амударёда, энг кўп ёғин Фарбий Тяньшань тоғларига тушини тушунтириб беринг. 7. Ўзбекистон атласидан ёзда энг иссиқ, қишида энг совуқ буладиган жойларни топиб, сабабини тушунтириб беринг. 8. Иловадаги маълумотлардан фойдаланиб, Чуруқ, Тошкент, Когон, Китоб, Термизда ёғинларнинг тақсимланишини устуниди диаграммада чизиб, нима учун ойлар ва фасллар бўйича нотекис жойлашгандигини тушунтириб беринг?. 9. Ўзбекистон ҳудудига эсувчи шамолларнинг хусусияти ва эсиши нималарга боғлиқ ҳамда нима учун йил бўйи шимоли-гарбий шамоллар кўпроқ эсади? 10. «Фён», «афрон» шамоллари ҳақида нималарни биласиз ва улар қандай вужудга келади? 11. Нима учун ва қандай сабабларга кура Бекобод ва Қўйкон шамоллари вужудга келган? 12. Ийни фаслларга ажратишда қайси иқлимий кўрсаткич асос қилиб олинган? 13. Нима учун ёзда Ўзбекистон текислик қисмига ёғин деярли тушмайди, аксинча баҳорда кўп ёғади? 14. Иқлим ресурсларига нималар киради, улар ҳақида гапириб беринг.

ИЧКИ СУВЛАРИ

Ўзбекистон ички сувларига дарёлар, кўллар, ер ости сувлари, музликлардаги сувлар, сув омборлари, канал ва ариқлардаги сувлар киради. Ички сувлар фақат жумҳурят иқлим хусусиятларига эмас, балки унинг табиатининг бошқа унсурларига, хусусан рельефига ҳам боғлиқдир (11-расм). Рельеф ички сувларга, шу жумладан оқим ҳосил булиш жараёнига бевосита ҳамда табий-географик омиллар, айниқса иқлимий омиллар орқали бильвосита таъсир этади. Чунки тоғ ёнбағирларининг купинча тик бўлганлиги туфайли ёқсан ёмғир, эриган қор ва муз сувлари тезда пастга оқиб тушиб, сой ва дарёларни ҳосил қиласди. Бунинг устига тоғларда мутлақ баландликнинг ортиб бориши туфайли ёғин кўпроқ тушади, ҳароратнинг пастлиги оқибатида қалин қор қоплами ҳосил бўлади, музликларни тўйинтириб туради. Қор ва муз сувларининг эриши натижасида ер ости сувларининг ҳосил бўлишига, дарёларни тўйинтириб туришига қулавӣ шароит яратади.

Жумҳуриятимиз ер майдонининг 71% ни ишғол қилган текислик қисмida тоғларда вужудга келган сувлар буғланиш (экин далаларидан, суғориш шоҳобчаларидан, тупроқ юзасидан ва ўсимликлар орқали) ва шимилиш натижасида сарфланиб кетади. Чунки текислик қисмida ёғин жуда кам, аксинча булутсиз жазира-рама иссиқ кунларнинг узок давом этиши туфайли мумкин булган буғланишнинг кўплиги оқибатида дарёлар жуда кам, ер ости сувлари нисбатан чуқурда жойлашиб, шўртанг. Ана шу сабабларга



11-расм. Ўзбекистон ички сувлари, унинг табиат унсурларига ва инсон фаолиятига боғлиқлиги

кура жумҳуриятимиз текислик қисмида транзит дарёларни ҳисобта олмаганда доимий оқимга эга бўлган дарёлари йўқ ҳисоби.

Жумҳурият ички сувлари ландшафт унсури сифатида ўз навбатида табиатнинг бошқа унсурларига таъсир этади ва улар билан узвий алоқада ривожланади. Ички сувлар жумҳурият ер юзаси рельефини ўзгартиради, тупроқ ҳосил бўлишида, ўсимликларнинг ривожланишида иштирок этади. Ички сувлар жумҳурият халқ хўжалиги ва майший турмушкида муҳим аҳамиятга эга.

Жумҳурият ички сувлари, хусусан дарё оқимининг ўзгаришида кишиларнинг хўжалик фаолияти ҳам муҳим омиллардан бирига айланиб қолди. Чунки Ўзбекистоннинг текислик қисмида унумдор, лекин қургоқчил ерларнинг мавжудлиги уларни суғоришни тақозо этади. Бунинг учун эса дарёлардан кўплаб суғоришга сув олиниади, оқибатда уларнинг оқимига таъсир этиб, баъзилари маълум ҳавзага етиб бормасдан тоғдан текислика чиққач суви жуда камайиб, қурууб қолади. Шунингдек, кишилар ерларни суғориш учун сервисусли дарё ҳавзасидан каналлар қуриб камсусли дарё ҳавзасига унинг бир қисми сувини буриб юбориб, дарёларнинг сув оқимини қайта ўзгартиради. Бунга Зарафшон сувининг бир қисми Эски Туятортар канали орқали Сангзор дарёсига, Аму-Бухоро магистрал канали орқали Амударё сувининг бир қисмини Қуйи Зарафшонга буриб юборилганлиги яқол мисолдир.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг тоғли қисми билан текислик қисмининг

гидрологик хусусияти бир-бирига бутунлай қарама-қаршидир. Чунки унинг тоғли қисмида намлик түпланиб, унинг бир қисми буғланса, бир қисми оқар сувларни, яна бир қисми шимилиб, ер ости сувларини ҳосил қиласди, тоғларда уларнинг кўп қисми табиий дренажга эга бўлганлигидан дарё тармоқларига қайта келиб қўшилса, қолган қисми текисликдаги ер ости сувини тўйинтириб туради. Тоғдан бошланадиган дарёлар, текислик қисмига чиққач уларнинг суви куплаб буғланади, шимилади, сугоришга сарфланаб, кўлчилик дарёлар суви озайиб, маълум ҳавзага етмасдан чуллар ичидаги йўқ бўлиб кетади.

Сўнгги йилларда кишиларнинг хўжалик фаолияти жумҳуриятимиз дарё оқимига эмас, балки кўлларнинг жойлашишига, ер ости сув сатҳининг ўзгариб туришига ҳам таъсир этмоқда. Суғориладиган минақада ва унга яқин бўлган жойларда экин дала-ларини сугориш даврида ёки тупроқ шўрини ювиш вақтида ер ости сувининг табиий дренажи секин бўладиган жойларда унинг сатҳи кўтарилиб, тупроқнинг қайта шўрланишига олиб келмоқда. Бундай жойларга Қўйи Амударё, Қўйи Зарафшон, Мирзачўл, Қарши чўлинин мисол қилиб келтириш мумкин.

Уша ер ости сувининг табиий силжиши секин бўлган, қайта шўрлашган жойларда зовур-дренажлар қуриб, ер ости сувини сугориладиган минақадан ташқарига чиқариб ташлаш оқибатида эса бир қанча шўр кўллар вужудга келмоқда. Буларга жумҳуриятимиздаги Айдор, Тузкан, Арнасой, Судочье, Сариқамиш, Шўркўл, Сомонкўл, Улуғшўркўл, Оқкўл ва бошқалар яққол мисолдир.

Шундай қилиб, сўнгги йилларда жумҳуриятимиз ички сувларининг гидрологик хусусиятиларидаги ўзгаришлар кишиларнинг хўжалик фаолиятига ҳам сезиларли даражада таъсир этмоқдаки, уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Жумҳурият ички сувлари ичидаги тирик организм ва айниқса инсонларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолияти учун энг муҳими дарёлардир.

ДАРЁЛАР

Узбекистон Туркистоннинг марказида, материкининг ички қисмида жойлашганлиги туфайли унинг дарёлари океан ва денизларга қўйилмайди, бинобарин берк ҳавзага қарайди. Жумҳуриятимиз дарёлари ҳудуд бўйича нотекис жойлашган бўлиб, ўзига хос гидрологик хусусиятга эга.

Ўзбекистон ҳудудида дарё тармоқларининг зичлиги бир хил эмас. Жумҳурият ер майдонининг 71 фоизини ишғол қилган текислик қисмида дарё тармоқлари жуда сийрак жойлашиб, ҳар кв. км майдонга 2 м. узунликдаги дарё тўғри келади. Ваҳоланки, ҳамдўстлик ҳудуди бўйича дарё тармоқларининг ўртacha зичлиги ҳар кв. км майдонга 140 метрдир.

Жумҳуриятимиз ҳудудининг 17 фоизини ишғол қилган адирлар қисмида эса дарё тармоқлари нисбатан зичлашиб боради. Лекин бу ерлардан жуда кўп сугориш шохобчалари (ариқ, канал) бош-

ланиб, уларнинг сувини ҳар томонга тарқатиб, суфоришга сарфлаб юборади.

Ўзбекистон ер майдонининг 12 фоизини ишғол қилган тоғли қисмида ҳар кв. км. майдонга ўртача 140—150 м. узунилдаги дарё тармоқлари тўғри келади.

Жумҳуриятимиз ҳудудида дарё тармоқларининг зичлиги бир хил эмаслиги энг аввало унинг рельефига, иқлимий хусусиятларига боғлиқ. Шу сабабли рельефи баланд, сернам, ёғинга нисбатан (ҳароратнинг пастлиги туфайли) буғланиш кам бўлган (потенциал буғланиш) тоғли қисмида ёқсан ёғиннинг кўп қисми оқимга айланиб, сой ва дарёларни ҳосил қилади. Маълумотларга кўра жумҳурият тоғларининг ғарбий қисмида йилига 1000—1500 мм гача ёғин тушади. Бу эса тоғларнинг ғарбий ёнбағридан бошлинувчи Норин, Зарафшон, Чирчиқ, Қорадарё каби дарёларнинг серсув булишига сабабчи бўлган. Жумҳуриятимиз текислик қисмида эса, аксинча, ёз иссиқ, қуруқ, серофтоб булиб, йиллик ёғин миқдори 80—200 мм атрофида, лекин мумкин бўлган буғланиш эса 1500—2000 мм га етади. Бундай иқлимий шароитда оқимнинг вужудга келиши жуда қийин. Шу туфайли жумҳуриятимиз текислик қисмида дарё тармоқлари жуда сийрак.

Шундай қилиб, жумҳуриятимиз тоғли қисми бу қор-муз, ёмғир суви йиғиладиган, ер усти ва ер ости сувлари вужудга келадиган минтақа бўлса, аксинча, унинг текислик қисми эса ўша тоғлардан оқиб келаётган сувларни сарфлайдиган минтақадир.

Ўзбекистон дарёлари асосан унинг тоғли қисмидан ҳамда Кирғизистон ва Тожикистон ҳудудидаги тоғлардан сув олади. Агар Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида вужудга келадиган йиллик оқими ни 100% десак, шундан Амударёнинг 8%, Сирдарёning 10% оқими Узбекистон ҳудудида вужудга келади, холос. Шунингдек, Узбекистоннинг энг муҳим дарёлари ҳисобланган Норин, Қорадарё, Соҳ, Чирчиқ, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарёларнинг ҳам юқори оқимлари жумҳурият ҳудудидан ташқарида жойлашиб, ўша жойлардан сув тўплайди ва тўплаган сувини ўрта ва қўйи оқимида, яъни жумҳуриятимизда сарфлайди.

Жумҳуриятимиз сув тўплайдиган унинг тоғли қисмida оқимнинг вужудга келиши миқдори, режими ва тарқалиши ҳамма қисмида бир хил эмас. Бу энг аввало тоғларнинг орографик тузилишига, баландлигига, ёғинларнинг миқдорига боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам тоғ тизмаларининг нам ҳаво оқимига очиқ ва уларнинг йўналишига рўпара бўлган тоғларнинг жануби-ғарбий ва ғарбий ёғин кўпроқ тушадиган ёнбағирларида сув йигадиган майдонлари сувга энг сероб ҳисобланади. Шу сабабли Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий ёнбағридан, Ғарбий Тяншаннинг жануби-ғарбидан сув олувчи дарёлар (Пском, Уғом, Кўксув, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг айрим ирмоқлари)нинг оқим модули (сув йигилиш майдонларининг нисбий серсувлити) катта. Бу жойларда тоғларнинг 3000 м баландликларида бир кв. км майдондан секундига 30—50 литр оқим вужудга келади. Аксинча, жумҳуриятимиз тоғларининг шимо-

лий, шарқий ёнбағирларида, хусусан, Олой, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тоғларининг шимолий, шарқий ёнбағирларининг 3000 м. баланд қисмларида бир кв. км. майдонда секундига 7—12 литр оқим тұпланади.

Ўзбекистон тоғли қисміда оқим модули яна унинг мутлақ баландлығига ҳам боелиқ. Тоғларнинг қуий қисміда 1000—1500 м. баландликларыда оқим модулининг миқдори бир км² юзадан секундига 0,5—1,0 оқим вужудға келади, 1500—2000 м. баландликда 7—10 литр, 2000—2500 м баландликларда—10—17 литр, 2500—3500 м. баландликларда эса 20 литр дан ортиқ оқим вужудға келади. Фарбий Тяньшань ва Ҳисор тизмаларининг жануби-ғарбий ёнбағирларыда 2500—3500 м баландликларда бу күрсаткыч 30—50 литрга тұғри келади. Шу сабаблы жумхурият тоғларининг 3000 м баланддан бошланувчи дарёлари (Пском, Угом, Кўксув, Тұпалон, Танхоз, Сўх) серсув, аксинча, паст тоғлардан бошланувчи дарёлари (Оҳангарон, Сангзор, Заминсув, Шеробод, Ғузордарё, Тусун) нинг суви нисбатан кам бўлиб, айни ёзда озайиб қолади (4-жадвалга қаранг).

Дарёларнинг тўйиниши. Жумхурият дарёлари сувларини нимадан ва қандай манбалардан тұплашлығы (олишлиги) ни билиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Чунки дарёларнинг тўйиниши манбаси (нималардан сув олиши) унинг оқимини ҳосил бўлишига, бинобарин режимига таъсир кўрсатади. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, Ўзбекистон дарёлари ичидаги фақат битта манбадан сув оладиганлари йўқ. Улар турли манбалардан—қор ва музларнинг эришидан, ёмғир сувларидан ҳамда ер ости сувларидан тўйиниб туради.

Ўзбекистон ҳудудидан оқувчи дарёларнинг аксарияти Тожикистон ва Қыргизистон жумхуриятлари ҳудудида жойлашган тоғлардаги доимий қор ва музларнинг эришидан сув тўплайдилар. Жумхуриятимиз тоғлари у қадар баланд бўлмаганлиги туғайли дарёларни сув билан тўйинтириб туришда асосий манба қорлардир. В. Л. Шульцнинг маълумотига кўра Туркистон дарёларининг тўйинишида қорларга нисбатан музлик сувларнинг ҳиссаси анча кам. Унинг маълумотига кўра муз сувлари умумий оқимнинг 10—15% ини ташкил этади, холос. Ҳатто жумхуриятимизда сув йигадиган ҳавзасида музлар энг кўп бўлган Исфара, Сўх, Зарафшон каби дарёларда ҳам музнинг ҳиссаси йиллик оқимларнинг 25—30% ташкил этади. Аксинча Туркистон, жумладан жумхуриятимиз дарёларини сув билан тўйинтириб туришда қор ва ер ости сувларнинг ҳиссаси катта.

Ўзбекистон дарёларининг тўйинишида муз, қор сувларидан ташқари йилнинг иссиқ фаслида ёмғир сувларнинг ҳам ҳиссаси бор. Ёмғир сувларининг ҳиссаси жумхурият дарёларининг йиллик оқимининг тахминан 5—15% ни ташкил қиласи. Тоғларнинг баланд қисмидан бошланадиган Зарафшон, Сўх, Исфара каби дарёларнинг тўйинишида йиллик оқимнинг фақат 1—2% ни ёмғир сувлари ташкил этса, Сирдарё ҳавзасидаги дарёлар йиллик оқимининг 6%, Амударё ҳавзасидаги дарёлар йиллик оқимининг 3—

3,5% ини ташкил қиласи. Паст тоғлардан бошланувчи Оҳангарон, Фузор, Сангардак, Шеробод каби дарёларнинг тўйинишида ёмғир сувларининг ҳиссаси 10—15% га етади. Ҳатто Калас, Тусун дарёларининг йиллик оқимида ёмғир сувларининг ҳиссаси 30% ва ундан ҳам ошиши мумкин. Шундай қилиб, В. Л. Шульц ва Р. Машраповларнинг маълумотларига кўра Туркистон, жумладан Ўзбекистон тоғларидан текисликларга келадиган умумий оқимнинг 5 фоизигина ёмғир сувларидан ҳосил бўлади.

Ўзбекистон дарёларининг яна бир сув оладиган манбаи бу ер ости сувлари ҳисобланади. Бу манба дарёларни қиши фаслида тўйинтириб турувчи асосий манбадир. Тоғларда ва айниқса тоғ олди текисликларида ер ости сувларининг ҳиссаси анча катта бўлиб, ҳатто кичик-кичик сойларни сув билан тўйинтириб туради ва уларни халқимиз «Қорасув» деб атасади. Бундай сувлар Зарафшон водийсида мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳими Сиёб сойи (Улуғбек расадхонаси ёнида) дир.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинганлардан маълумки, Туркистон, жумладан Ўзбекистон тоғларида вужудга келадиган дарёларнинг йиллик сув оқимининг (В. Л. Шульц ва Р. Машрапов маълумотига кўра) 10% муз сувлари ҳиссасига, 5% ёмғир сувларига, 40% ер ости сувларига, 45% эса доимий ва мавсумий қорларнинг эришидан вужудга келган сувлар ҳисобига тўғри келади. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, жумҳуриятимиз дарёларининг ҳаммаси йиллик оқимида юқорида қайд қилинган манбалардан ҳосил бўлган сувлар ҳиссаси бир хил эмас. Дарёларнинг қаердан ва қандай баландликлардан бошланишига боғлиқ ҳолда уларнинг ҳиссаси ўзгариб туради. Шунинг учун В. Л. Шульц (ер ости сувлари билан тўйинадиган кичик дарёлардан мустасно) Туркистон дарёларини тўйиниши хусусиятларига кўра қўйидаги тўрт типга бўлади:

1. Музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
2. Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар;
3. Қор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
4. Қор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар.

Тоғларнинг энг баланд (4500 м. дан юқори) қисмидан бошланувчи дарёлар асосан музлик ва қорларнинг эришидан сув олади. Бундай дарёларга Амударё, Зарафшон, Исфайрамсой, Сўх, Исфара каби дарёлар киради. Бундай дарёларнинг тўйинишида музлик сувларнинг миқдори йиллик оқимнинг 25—30% ни ташкил этади. Дарёларнинг суби у йилдан бу йилга кам ўзгаради ва тўлин сув энг кеч, яъни июль—август ойларига тўғри келади ва йиллик оқимнинг 30—50% ни июль—сентябрь ойларида оқизади. Чунки бу даврда тоғларнинг баланд қисмидаги музлик ва қорлар ҳароратнинг кутарилиши билан куплаб эрийди, аксинча, бундай хилдаги дарё сувларининг энг озайган даври декабрь—март ойларига тўғри келади.

Иккинчи хилдаги дарёларга Ўзбекистон тоғларининг дengiz сатҳидан 3400—4500 м. баланд қисмларидан бошланадиган Сир-

дарё, Норин, Қорадарё, Чирчиқ, Сурхондарё, Танхоз каби дарёлар киради. Бу дарёларнинг суви май—июнь ойларида қорлар кўплаб эриганда жуда кўпайиб кетади ва йиллик оқимнинг 30—40% ни ташкил этади. Бундай дарёларда музлик сувларининг ҳиссаси анча кам бўлиб, йиллик оқимнинг 15 фоизига тўғри келади. Энг кам суви ёзниг охири ва қишига тўғри келади.

Учинчى хил дарёларга 3400 м. дан, яъни доимий қор чизигидан пастдан бошланувчи дарёлар киради. Буларга Қашқадарё, Гузордарё, Фавасой, Сангардак, Санзор каби дарёлар киради. Бундай хил тўйинишларга эга бўлган дарёларнинг суви мавсумий қорлар кўплаб эрий бошлаган март—май ойларида тўғри келади. Бу даврда йиллик сув оқимнинг 60 фоизи оқиб ўтади, энг кам суви август—сентябрь ойига тўғри келади.

Ниҳоят, тўртинчи хил дарёлар 2000 м. дан пастда жойлашган ерлардан бошланади. Улар асосан ёмғир сувларидан тўйинади. Шу сабабли бундай дарёларнинг суви эрта баҳорда, март—апрель ойларида қорларнинг эриши ва ёмғирларнинг кўп тушиши сабабли купаяди, йиллик оқимининг 80% и шу ойларда ўтади. Ёзниг иккинчи қисмида эса суви жуда озайиб, баъзи сойларнинг суви эса қуриб қолади. Бундай дарёларга Зоминсув, Шерободдарё, Тусундарё, Оҳангарон, Калас каби дарёлар ва жуда кўп сойлар киради. Бундай дарёларда оқим у йилдан бу йилга ва йил давомида энг кўп ўзгариб туради.

Сувнинг ҳарорати ва музлаш ҳодисаси. Жумҳурият дарё сувларининг ҳарорати ва музлаш ҳодисаси унинг органик дунёси ҳаёт이다 ҳамда ҳалқ ҳўжаликда муҳим аҳамиятга эга.

Дарёлар сувининг ҳарорати энг аввало сув массаси билан атмосфера ҳолатига, сунгра дарёга келиб қуйилаётган ер ости сувининг миқдори ва ҳароратига, дарёларни қандай манбалардан тўйинишларига ва бошқ. боғлиқ. Ўзбекистон дарёлари турли баландликлардан ва ҳар-хил манбалардан сув олишлиги туфайли иссиклик алмашиниш шароити ҳам турличадир. Шу сабабли жумҳуриятимиз дарёларининг ҳарорати ҳар жойда ҳар хил. Текисликка чиқиш жойида дарёларнинг ўртача кўп йиллик ҳарорати $10-12^{\circ}$, текислик қисмида эса атмосфера ҳавоси ҳароратининг юқорилиги ва дарёларнинг секин оқиши туфайли ўртача кўп йиллик ҳарорати $14-15^{\circ}$ кўтарилади.

Ўзбекистон дарёларининг суви июль—август ойларида энг иссиқ, аксинча, январь—февраль ойларида энг совуқ бўлади. Дарё сувлари тоғдан оқиши томонга қараб суви исиб боради: Чотқол дарёси сувининг ўртача кўп йиллик ҳарорати Терс ирмоғи кўшилиши ерида $4,1^{\circ}$, Найза ирмоғи қуйилаган жойида $6,1^{\circ}$ бўлса, Чорвоқ сув омбори яқинида $7,1^{\circ}$ ни ташкил қилади.

Жумҳурият дарё сувлари ҳароратининг йил давомиши ўзгариши уларнинг тўйиниш манбаларига, ҳаво ҳароратининг ўзгаришига ва дарёдан оқаётган сув миқдорига ҳам боғлиқ. Музлик-кор сувларидан тўйинадиган дарёнинг суви баҳорда ва ёзниг бошланишида илиқ бўлади. Аксинча, июль—август ойларида музлик ва

қорларнинг эриши тезлашиб, суви кескин кўпайган даврда кунлар исиб кетса-да дарёларнинг суви исиб улгурмай ҳарорати нисбатан паст бўлади. Фақат текисликка чиққач бироз исийди, холос.

Жумҳуриятни мавсумий қор ва ёмғир сувларидан тўйинадиган дарё сувлари эса ёзда иссиқ бўлади. Чунки бу даврда дарё сувлари камайиб, ҳаво ҳарорати кўтарилади, бинобарин сувнинг ҳарорати ҳам юқори бўлади, аксинча қишда совийди.

Қишида жумҳуриятимиз кўпроқ шимоли-шарқий совуқ ҳаво масаси таъсирида бўлганлиги сабабли ҳаво ҳарорати 0° дан пастга тушади. Натижада дарё сувлари совуб, ҳарорати 0° дан пастга тусиши оқибатида музлаш ҳодисаси содир бўлади. Жумҳурият дарёларининг музлаш ҳодисасини ўрганиш халқ хўжалиги учун муҳимдир. Чунки дарёларнинг музлаши ГЭСларнинг ишлашига халақит беради; музлар дарёларнинг тор ва бурилиш ерларida ёки ҳали музи эримаган қисмида тиқилиб қолиб, дарё сув сатҳини кўтариб юборади, оқибатда қирғонини сув босади.

Ўзбекистоннинг тоғли қисмида дарёлар катта қияликда, шаршаралар ҳосил қилиб, тез, шиддат билан оқади. Шу сабабли дарёларнинг тоғли қисмида музлаш ҳодисалари кам учрайди. Фақат шовушшуға (дарё ёппасига музламай сув ичида ҳосил бўлган муз парчалари сув бетига чиқиб сузиб юради) кўп тарқалган бўлади. Бундай ҳодиса дарёларнинг юқори оқимида икки-уч ой (октябрь ойидан бошланади) давом этади. Дарё сувларининг ёппасига музлаши фақат водийси кенгайган, саёз ва ёйилиб, секин оқадиган қисмидагина учрайди. Жумҳурият тоғларидаги дарёларнинг саёз қисмида сувдан чиқиб турган тошлар орасига шовушшуға тиқилиб қолади. Бу муз қалинлашиб, кенгайиб, бошқа тошлар атрофидаги музлар билан туташади, сўнгра аста-секин бир қирғоқдаги муз иккинчи қирғоқдаги муз билан туташиб, муз кўприкларини ҳосил қилади. Муз кўприклари сўнгра кенгайиб бир-бири билан туташиб муз тусиқларини ҳосил қилади. Тоғлардаги кўпчилик дарёларда ҳосил бўлган муз тусиқлари маҳаллий халқлар учун «кўприк» вазифасини утайди. Тоғ дарёлари бошланиш қисмида баъзи йиллари совуқ келишлиги, сувнинг озлиги ва саёзлиги, секин оқишлиги туфайли ёппасига музлаши мумкин.

Ўзбекистоннинг текислик қисмида қиши унча совуқ бўлмаганидан дарёларнинг муз билан қопланиши узоқча чўзилмайди. Лекин Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг қўйи оқими (Сирдарё икки-уч ой, Амударё бир-икки ой, Зарафшон бир-бир ярим ой) муз билан қопланади.

Ўзбекистон текислик қисмидаги дарёлари, хусусан Амударё ва Сирдарёнинг қўйи қисми музлаганилиги сабабли юқори қисмидан оқиб келадиган шовуш ва муз парчалари муз остига сув билан бирга оқиб кириб, дарёнинг саёз ва бурилиш жойларида тиқилиб қолади. Натижада дарё сув сатҳи кескин кўтарилиб атрофни сув босади. Бу ҳодиса айниқса қишининг иккинчи ярмида, музнинг эриши бошланган вақтда тез-тез содир бўлади.

Ўзбекистон дарёларининг муз билан қопланиш ҳодисаси баъзи сабабларга кўра ўзгариши мумкин. Баъзи дарё ўзанларига илиқ

ер ости сувларининг қўшилиши туфайли дарёлар музламайди. Бунга Қорадарё яққол мисол бўлади. У тоғдан Фарфона водийсига чиққач унга кўплаб ер ости сувлари қўшилади. Натижада дарёнинг қўйи оқимида сув илиқ бўлиб қишида ҳам унинг ҳарорати $+7,1^{\circ}$ га етади, оқибатда Қорадарё музламайди. Лекин унинг тоғли қисмидан оқиб келаётган, эриб улгурмаган муз парчаларини учратиш мумкин.

Дарёларнинг лойқа оқизиқлари. Сув билан оқиб, маълум жойларда чўкиб, ўзан ва қайирларидағи ётқизиқларни ҳосил қиласидаган майда ва қаттиқ жинсларга дарё оқизиқлари дейилади.

Дарё сувида оқиб келаётган оқизиқлар асосан қиялиги тик бўлган тоғдан шиддат билан катта тезлиқда оқиб тушадиган сувнинг тупроқ ва тоғ жинсларининг ювиллишидан ҳосил бўлади. В. Л. Шульцнинг маълумотига кўра, жумҳурият дарёларининг ҳар бир кубометр сувида 0,01 дан 2,1 кг. гача лойқа (Амударёда 3740 г/м³, Сирдарёда 2170 г/м³, Зарафшонда 1390 г/м³, Қашқадарёда 1970 г/м³, Шерободдарёда 3140 г/м³) учрайди.

Дарё сувларининг эрозияси (жинсларни ювив, нураб оқизиши) кучли бўлиши унинг ҳавзаси табиий шароитларига, яъни геологик тузилишига, серсувлитига, рельефига, ёғинлар миқдорига, ўсимликлар билан қанчалик қопланганлигига ва бошқ. боғлиқ. Шу сабабли сувда тез ювиладиган жинслар тарқалган, ёнбағри тик, ўсимлик сийрак қоплаган жойлардан бошланувчи жумҳурият дарёлари лойқа бўлиб, ҳавзасини тез ювади, аксинча қаттиқ жинслар тарқалган, ўсимликлар қалин бўлган жойлардан бошланувчи дарёлар кам ювади.

Жумҳуриятимиз тоғли қисми дарё сувлари таъсирида аста-секин ювилади (тоғ дарёларида одатда остки эрозияси, текислик дарёларининг ён эрозияси кучли бўлади), аксинча, текислик қисмига ўша жинслар олиб келиб ётқизилади.

В. Л. Шульц ва Р. Машраповнинг (1969) маълумотига кўра ҳар квадрат километр майдондан Ғузордарё 180 т., Чирчиқ дарёси 170 т., Зарафшон дарёси 889 т., Қорадарё 516 т., Сурхондарё — 350 т., Шерободдарё 240 т., Норин 309 т., Сўх — 664 т. ҳар хил жинсларни ювив, сувда оқизиб кетади.

Жумҳуриятимиз дарёлари лойқалигини ва ювив, оқизиб келтираётган жинслари миқдорини билиш амалий аҳамиятга эга. Дарё оқизиқлари ва унинг миқдорини билмасдан туриб ҳар хил сув ишоотларини (ГЭС, сув омбори, канал, тўғин) қуриш мақсадга мувофиқ эмас.

Дарё оқизиқлари, бир томондан, зарар бўлиб, сув омборлар, түғонлар, канал-ариқлар тагига чўкиб, саёзлаштириб, уларни тозалаш учун кўплаб маблағ талаб қиласа, иккинчи томондан, лойқалар сув билан экин далаларига келиб, чўкиб тупроқ ҳосилдорлигини ошириши мумкин.

Ўзбекистонда бир неча дарё ва сойлар мавжуд бўлиб уларнинг энг муҳимлари Амударё, Сирдарё, Норин, Қорадарё, Зарафшон, Чирчик, Сурхондарё, Қашқадарё, Оҳангарон, Исфайрамсой, Сўх

ва Исфарадир. Биз қуйида баъзи дарёлар ҳақида гидрологик маълумот берамиз. Қолганлари ҳақидаги маълумотлар табиий-географик районлар тавсифида кўрсатилади.

Амударё — Ўзбекистоннинг энг серсув ва сув йиғадиган майдони жиҳатидан энг катта дарёсидир. Дарёни қадимги юон ва римликлар Оқсу, араблар Жайхун, маҳаллий халқлар Омул деб атаганлар.

Амударё Ҳиндиқуш тоғларининг шимолий ёнбағрида 4950 м баландликда жойлашган Вревский музлигидан Ваҳжир номи билан бошланади. Сўнгра Ваҳандарё деб юритилади. Ваҳандарё Зўркўлдан келаётган Помир дарёси билан қўшилиб Панж номини олади. Панж дарёсига ўнгдан Фунт, Бартанг, Язбулом, Ванч, Қизилсув ирмоқлари келиб қўшилади. Ниҳоят Панж Вахш дарёси билан қўшилгач Амударё деб аталади. Ўнга ўнгдан Кофирниҳон, Сурхондарё, чапдан эса Қундуз ирмоқлари келиб қўшилади. Шерободдарё эса Амударёга баъзи йиллари қўйилади. Қўҳитангдарё эса умуман етиб келмайди. Амударё текисликка чиққач секин оқиб, Орол денгизигача унга бирор ҳам ирмоқ қўшилмайди.

Амударёнинг узунлиги 2540 км. Шундан 1500 км. текисликдаги қисми Ўзбекистон ҳудудидан оқиб ўтади. Амударёнинг сув йиғадиган майдони 465 минг km^2 бўлиб, шундан 227,3 минг km^2 тоғли қисмига тўғри келади. Амударё тоғли қисмida тор ўзанда шиддат билан оқиб, ўзани ўртacha ҳар бир км. га 4 м, айrim қисмida 10 м. пасайиб боради. Бундай жойларда дарё жуда тез оқиб, оқимнинг тезлиги секундига айrim қисмida 6 м. гача боради. Аксинча, текислик қисмida у нишаб ўзанда секин оқиб, ҳар бир км. га 0,2—0,3 м. пасаяди, оқимнинг ўртacha тезлиги секундига 1—3 м. га тушиб қолади. Натижада дарё қирғонини тез ювиб, ўзанини ўзгартиб туради. Бу ҳодисани маҳаллий халқ «дегиши» деб атайди: дарё қирғонини суткасига бир неча метргача ювади: 1898 йили Амударё Карки шаҳари ёнида 6 минут ичида 10 м қирғонини ўпириб ювиб кетганлиги маълум. 1932 йили июль ойида Амударё Тўрткўл шаҳри четидаги эни 500 м. қирғонини ювиб кетган. Натижада Қорақалпоғистон жумҳуриятининг пойтахти Нукусга кўчирилган.

Амударёнинг қуйи қисмida қадимги ва ҳозирги дельтаси мавжуд. Амударёнинг Питнакдан Нукусгача бўлган қуйи қисмини қадимги Кўҳнадарё (Дарёлик) дельтаси эгаллаб, унда Ўзбекистоннинг Хоразм ва Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятлари жойлашган. Нукус шаҳридан қуйида Амударёнинг ҳозирги дельтаси жойлашиб, уни Қорақалпоғистон эгаллайди.

Амударё 1961 йилгача Орол денгизига доимо қуйилиб турганда денгизга етмасдан тармоқланиб, умумий майдони 11 минг km^2 бўлган дельта ҳосил қилган эди. Лекин ҳозир Орол денгиз сув сатхининг 15,5 м. пасайиб кетиши муносабати билан бу дельта бутунлай қуриб қолди.

Амударё факат Ўзбекистоннинг эмас, балки бутун Туркистоннинг энг серсув дарёси бўлиб, Карки шаҳри ёнидаги сув сарфи секундига 2010 m^3 ни ташкил қиласиди. Бу Днепр сувидан 1,2 баробар кўп бўлиб, Нил дарёсининг сув миқдорига яқин. Амударёнинг

ўртача кўп йиллик сув сарфини 100% десак, шуни 82—83% Панж ва Вахшга, 11% Кофирниҳон ва Сурхондарёга, 4% Қундуз дарёсига тўғри келади.

Амударё суви одатда икки марта кўпаяди. Биринчи марта март—май ойларида баҳорги тўлин сув даври бошланади. Чунки бу даврда тоғларнинг қуий қисмидаги қорлар эрийди ва ёмғир кўп тушади. Иккинчи асосий тўлин сув даври эса ёз ойларида (июнь—август) тўғри келади. Бу вақтда ҳаво ҳароратининг кутарилиши туфайли тоғларнинг юқори қисмларида доимий қор ва музликлар тез эрийди.

Шундай қилиб, Амударё асосан музлик-қор ва қор-муз сувларидан тўйинади. Шу сабабли сув оқимининг энг кўп қисми июнь—август ойларида содир бўлиб, Карки ёнида июлда энг кўп сув сарфи секундига 9060 m^3 гача, энг кам оқими эса қишига туғри келиб, секундига 500 m^3 га тушиб қолади. Амударё 1961 йилгача Орол денгизига мунтазам қуишилб туар эди. 1961 йилдан бошлаб унинг сувини кўплаб сугоришга олиниши сабабли баъзи йиллари Оролга етиб ҳам бормаган. Агар 1961 йили Амударё Оролга $29,2 \text{ km}^3$ сув қуиған бўлса, 1971 йили $15,3 \text{ km}^3$, 1980 йили $8,3 \text{ km}^3$, 1986 йили $0,4 \text{ km}^3$ сув қуиған. 1987 йилдан бошлаб эса яна кўпроқ сув келтира бошлаб, шу йили Оролга $10,0 \text{ km}^3$, 1988 йили эса $16,0 \text{ km}^3$, 1991 йили $12,5 \text{ km}^3$ сув қуиған.

Амударё дунёдаги лойқа дарёлар қаторига кириб, Карки ёнида йилига ўртача 210 — 270 млн. тонна ҳар хил жинсларни оқизиб утади. Демак, унинг суви анча лойқа бўлиб, ўрта ҳисобда ҳар бир m^3 сувида 3740 граммгача лойқа мавжуд. Бу лойқаларнинг 76,5% тўлин сув даврида, май—август ойларида оқади. Қищда суви нисбатан тиниқ бўлиб, йиллик лойқа оқизиқларнинг 2—4 фоизини оқизади, холос. Амударё лойқалиги жиҳатидан Волга (бир m^3 сувида 120 г. лойқа бор), Нил (800 г), ва Ҳинд (2500) дарёларидан анча олдинда туради. Амударё оқизиқлари таркибida оҳак, калий, фосфор каби минерал моддалар мавжуд. Демак, Амударё суви билан сугориладиган ҳар бир гектар майдонга ўртача 1914 кг. яқин «ўғит» қолдирап экан. Лекин Амударё лойқалари сугориш шохобчалари остига чўкиб, уни саёзлаширади. Бу лойқаларни ҳар йили тозалаш учун маблағ ва ишчи кучи сарфланади.

Амударё юқорида қайд қилинганидек тоғли қисмida тез оққанлиги туфайли ёппасига музламайди. Лекин текисликка чиққач у секин оққанлиги сабабли Терmez ёнида 4 кун, Нукус ёнида 68 кун музлайди. Қиши совуқ келган йиллари Амударё Терmez яқинида 32 кун, Нукус ёнида 120 кун музлаши мумкин.

Зарафшон дарёси. Бу дарё Туркистон, Зарафшон ва Олой тоғлари туташган Кўксув (Мастҷоҳ) тоғ тугунидаги Зарафшон музлигидан $2772,5$ м. баландликдан Мастҷоҳ номи билан бошланади. Мастҷоҳ Айний қишлоғи ёнида Фандарё билан қўшилгач Зарафшон номини олади. Зарафшон қадим Амударёга 20 км етмасдан Сандикли қўмлигига шимилиб кетар эди. Зарафшон дарёсининг

узунлиги музлиқдан Сандиқли құмлигигача 751 км. эди. Дарёнинг сув йифадиган майдони 12374 км².

Зарафшон дарёси қуиң қисміда Қоракұлдаре номини олиб, Қоракұл шаҳри яқиннан иккі тармоқта бүлиніб, чапдагиси Тойқир, үнг томондагиси Сарбозор деб аталар эди. Зарафшон серсүв бұлған йилларда Тойқир Денгизкүлге, Сарбозор еса Чигаркүлга етиб борар эди. Эндилікда еса Зарафшоннинг суви күплаб суғорыша сарфланиши туфайли дарё у ерларга етиб бормайды.

Зарафшон дарёсінинг тоғли қисми Тоқиқистонга, Равотхұжа тұғонидан қуиң қисми Узбекистонга қарайди. Зарафшон тоғли қисміда тор ва чуқұр үзанда секундига 6 м тезликта шиддат билан оқади. Текисликка чиққаш уннан тезлиги секинлашиб секундига 2—3 м. га тушиб қолади. Зарафшон тоғли қисміда ұар бир км-масофада 6—6,5 м. пасайса, Панжакент шаҳридан үтгач 3 м дан кам пасаяди.

Зарафшон Равотхұжа тұғонидан қуиңда илон изи үзан ҳосил қилиб, секин оқади. Дарё үзаны ва қайирлари кенгаяди, баъзи жойларда тармоқланиб, оролчалар ҳосил қилиб оқади.

Зарафшон дарёсига үнг ва чап томондан 200 га яқын дарё ва сойлар келиб құшилади. Уларнинг энг мұхимлари чап ирмоқлари — Фандаре, Киштутдаре, Могиёндаре, Ургутсой; үнг ирмоқлари — Ром, Тусунсой ва Каттасойдир.

Зарафшон музлик-қорларнинг әришидан түйиниб, тұлин сув даври июль-августга, энг кам сув даври еса қишигі тұғри келади. Дарёда сув апрелнинг иккінчи ярмидан бошлаб тоғларнинг қуиң қисмидаги мавсумий қорларнинг әриши ҳисобига күпая бошлайды. Энг күп сув сарфи июль-август ойларыда тоғларнинг баланд қисмидаги муз ва доимий қорларнинг әриши ҳисобига содир бұлади.

Зарафшон дарёсінинг үртата күп йиллик сув сарфи Равотхұжа тұғонида секундига 165 м³. Бунинг 55,4% июль-сентябрь ойларига, 30,3% март-июнь ойларига, 14,1% октябрь-февраль ойларига тұғри келади. Зарафшон дарёсінинг энг катта максимал сув сарфи 1942 йили 7 июля кузатилиб, Дупулида секундига 930 м³ сув утказган. Энг кам сув сарфи еса 1928 йили 31 январга тұғри келиб, секундига 24,0 м³ сув оқызган, холос.

Зарафшон дарёси тоғли қисміда ҳавзасини тез ювади. Агар Зарафшон ҳавзаси бүйіча үртата ұар бир км² сув йифадиган майдондан 401 тонна оқизиқ ювса, бу күрсаткіч уннан юқори қисміда 943 тоннага етади. Зарафшон дарёсінинг үртата йиллик лойқа оқизиқтар миқдори Дупули ғында йилига 4310 минг тоннага тенг, сувнинг үртата лойқалиги еса ұар м³ да 0,88 кг.

Зарафшон дарёси лойқа оқизиқларнинг миқдори йил давоміда сув сарфига бөлілік ҳолда үзгариб туради. Шу сабабли оқизиқларнинг энг күп қисми тұлин сув даврига тұғри келади. Агар дарё оқизиқтар миқдорининг Дупули ғында 100% десак, шунинг 75% июль-август-сентябрь ойларига, 24,4% март-июнь ойларига, атити 0,6% дарё суви энг кам бұлған октябрь-февраль ойларига тұғри келади.

Зарафшон тоғли қисмida тез оққанлиги туфайли музламайди. Бу қисмida асосан шовуш оқиши кузатилади. Текислик қисмida қиши совуқ келганды 76 кун, илик келганды эса 2 кун музлаши мумкин.

Қашқадарё. Қашқадарё Ҳисор тизмасининг ғарбий қисмida жойлашган Тоғтош довони яқинида 3000 м. баландлықдан кичик сойча сифатида бошланади ва Муборакка 10 км. етмасдан қуриб қолади. Шу масофада дарёнинг узунлиги 332 км, сув йигадиган ҳавзасининг майдони 8750 км².

Қашқадарё бошланиш қисмидан Варганзи қишлоғигача «V» шаклидаги водий ҳосил қилиб, тор ўзанда тез оқади. Варганзи қишлоғидан ўтгач Қашқадарё водийси кенгаяди, оқими секинлашади ва Қарши чўлига кириб боради. Лекин Варганзи қишлоғидан Оқсув ирмогини қўшиб олгунга қадар Қашқадарё водийсининг кенглиги 150—300 м дан ошмайди. Оқсув ирмоғи қўшилгандан сўнг унинг водийси кенгайиб, 800—1500 м. га етади. Сўнгра Қашқадарё водийси муттасил кенгайиб бораверади, оқими эса жуда секинлашиб, илон изи бўлиб оқади. Қарши шаҳридан ўткач Қашқадарё водийси жуда ҳам кенгайиб кетиб, унинг чегарасини аниqlаш анча қийин.

Қашқадарё қайирлари Дуғоба қишлоғидан қуида кенгайиб, 300 м. гача етади. Қайирнинг баъзи ерлари ўтлоқлардан, баъзи жойлари эса шағаллардан иборат. Дарё серсув бўлган йиллари бу қайирларни сув босиб кетади.

Қашқадарёга бир неча ирмоқлари келиб қўшилади. Уларнинг энг муҳимлари (чап томондан) Жиннидарё, Оқсув, Танхоз, Яккабоғ, Фузор каби ирмоқларидир. Қашқадарёнинг ўнг ирмоқлари йўқ, лекин бир неча сой ва жилғалар келиб қўшилади.

Қашқадарё асосан қор сувларидан тўйинади. Шу сабабли энг кўп сув сарфи май ойига, энг кам сув сарфи эса январь-декабрь ойларига түғри келади. Қашқадарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи Варганзи қишлоғи ёнида секундига 5,46 м³ ни ташкил этади. Энг кам сув сарфи секундига 0,60 м³, энг кўп сув сарфи эса секундига 98,0 м³ ни ташкил қиласи.

Қашқадарё ҳавзасида (ҳамма ирмоқлари билан) йилига ўртacha секундига 51,5 м³ оқим вужудга келиб, унинг 58,3% и март-июнь ойларига түғри келади. Қашқадарё ҳавзасида вужудга келётган сувни 100% десак, шуни 75% Оқсув, Танхоз ва Яккабоғ дарёлари зиммасига түғри келса, 22% эса қолган ирмоқларига түғри келади.

Сурхондарё — Ҳисор тоғларининг ғарбий қисмининг жанубий ёнбағрида жойлашган доимий қор ва музликлардан бошланувчи Тўпалон ва Қоратоғ қўшилишидан вужудга келади. Сурхондарёнинг узунлиги 196 км. бўлиб, ўнг томонидан Сангардак, Хужайпок каби йирик ирмоқларини қўшиб олиб, Амударёга келиб қўйилади.

Сурхондарё Бойсун ва Бобатоғ оралиғида оқиб, кенглиги 30—35 км. келадиган водий ҳосил қиласи. Бу водийда дарёнинг 5 та қайири мавжуд бўлиб, шундан учтаси водийнинг ҳамма қисмida

яхши сақланган. Сурхондарё нисбатан кенг водийда илонизи ўзан ҳосил қилиб оқади ва қирғоқлари юмшоқ жинслардан ташкил топғанлиги туфайли тез ювилади.

Сурхондарё асосан қор ва музликларнинг эришидан тўйинади. Шу туфайли энг кўп сув оқими март-июнь ойларига тўғри келади. Бу даврда йиллик оқимнинг 65,2% ни ўтказади. Сувнинг энг кам бўладиган даври сентябрь-октябрь ойлари зиммасига тушади.

Сурхондарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи Қоровултепа қишлоғи ёнида секундига 70,2 м³ ни ташкил этади.

Сурхондарё Ўзбекистоннинг лойқа дарёларидан бири бўлиб, Маргузор қишлоғи ёнида ҳар кубометр сувида 9,90 кг лойқа мавжуд. Ёки бир йилда ўртача Маргузор ёнида 6050 минг тонна ҳархил оқизиқ оқизади.

Сирдарё. Сирдарё Туркистоннинг энг узун (2982 км) дарёси бўлиб, сувининг кўплиги жиҳатидан Амударёдан сўнг иккинчи ўринни эгаллади. Сирдарё Марказий Тяншанда жойлашган Оқшироқ тоғидаги Петров музлигидан бошланувчи Қорасой ҳамда Тарагай дарёларнинг қўшилишидан вужудга келган Норин билан Фарғона тизмасидан сув йиғувчи Қорадарёнинг Наманганд шаҳари яқинидаги Балиқчи қишлоғида бирлашишидан вужудга келади.

Сирдарёни қадим юнонлар Яхарте (Яксарт), араблар Сайхун деб атаганлар. Беруний асарларида Сирдарё Хасат шаклида тилга олинади. Сирдарё сўзи дастлаб Рим тарихчиси Плиний асарида «Силис» тарзида учрайди. «Силис» ёки «Сир» сўзи бу дарё қирғоқларida яшаган қабила номидан олинган бўлса керак деган тахминлар бор.

Сирдарё Фарғона водийсида секин оқса-да, лекин нисбатан чуқур ўзан ҳосил қилиб, қирғоқларини ювиб, тикка жарлар ҳосил қилган. Фарғона водийсидан чиқиб Чирчиқ ирмоғини қўшиб олгандан сўнг унинг ўзани кенгайиб, илонизи бўлиб, секин оқади, қирғоқлари эса пасаяди.

Сирдарёнинг Фарғона водийсида доимий ирмоғи йўқ. Лекин суғоришга сарфланиб, Сирдарёга етиб келмайдиган Чотқол ва Қурама тоғларидан бошланувчи Чортоқсой, Поччаота, Косонсой, Фовасой, Чатоқсой каби ўнг ирмоқлари; Олай ва Туркистон тоғларидан бошланувчи Оқбура, Аравансой, Исфайрамсой, Шоҳимардонсой, Сўх, Исфара, Хўжабақирган, Оқсув каби чап ирмоқлари мавжуд. Бу ирмоқлар тоғлардан бошланганлиги туфайли тор ўзанда шиддат билан оқувчи, узунлиги 80—160 км. етувчи дарёчалардир. Сирдарё Фарғона водийсидан оқиб чиққач, ўнг томондан унга Оҳангарон, Чирчиқ, Калас ва Арис каби ирмоқлари келиб қўйилади.

Сирдарё Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан вужудга келганлиги сабабли оқимининг хусусиятлари ўша икки дарёга ўхшаш. Лекин Сирдарё сувининг 78% Норин, 22% Қорадарё зиммасига тўғри келганлиги туфайли у кўпроқ Норин дарёси оқими хусусиятларига ўхшашdir. Сирдарё қор ва музлик сувидан тўйинади. Лекин унинг суви апрель ойидан бошлаб тоғларнинг қуий қисмидаги мавсумий қорларнинг эриш ва ёмғирларнинг кўп тушиши туфай-

ли күпая бошлайди ҳамда июнь ойигача давом этади. Июнь оидан бошлаб тоғлардаги қор ва музликнинг тез эриши ҳисобига Сирдарёning тұлин даври бошланади ва шу ойда йиллик оқимининг 17,5% ни үтказади. Июль оидан бошлаб Сирдарё суви камая бошлайди ва эңг кам суви январь-февраль ойларига түфри келади.

Сирдарёning үртата күп йиллик сув сарфи Бекобод яқинида секундига 568 м³, Чирчиқ дарёси құйилғандан сұнг (Күкбулоқда) секундига 724 м³, максимал сув сарфи июнь ойига түри келиб секундига 1262 м³, минимал сув сарфи эса 336 м³ га тең.

Сирдарё суви әкин далаларига күплаб олиниши натижасыда у Орол деңгизига баъзи йиллари жуда кам (1977 йили 0,4 км³) сув көлтириста, баъзи йиллари эса умуман етиб бормаган. Сирдарё 1980 йилдан 1988 йилгача Орол деңгизига етиб бормай унинг суви бутунлай суғоришга сарфланган. 1988 йилдан бошлаб Сирдарё яна Оролга құйила бошлади ва шу йили 7,0 км³ сув қуиди.

Сирдарё Амударёға нисбатан тиниқроқ бўлиб, ҳар м³ сувида үртата 2,17 кг лойқа мавжуд. Сирдарё оқизиқларининг күп қисми — 72,3% суви купайган март-июнь ойларига түри келса, қолган 20,3% июль-сентябрға, 7,4% октябрь-февраль ойларida оқади.

Сирдарё текисликда секин оқиши туфайли қишда музлайди. Норин билан Қорадарё құшилған ердан қуида (Қалқышлоқда) 10 кун шовуш ҳодисаси содир бўлади. Аксинча, Сирдарёning қуи қисмida (Фазали ёнида) үрта ҳисобда 110 кун музлайди. Баъзи йиллари совуқ келганда эса бу қисмida Сирдарё 140 кунгача, баъзан илиқ келган йиллари 80 кун музлайди.

Сирдарёда музлаш ҳодисасининг эң эрта бошланиши Фарона водийсидан чиққан ерида ноябринг үрталаридан бошланиб, эң кечи билан март ойининг үрталарida тамом бўлса, қуи қисмida ноябринг бошларидан бошланиб, апрелнинг үрталарida муздан холи бўлади.

Сирдарё ирмоқлари ичиди эң муҳимлари Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидир.

Чирчиқ дарёси Сирдарёning эң катта ва эң серсув ўнг ирмоғи ҳисобланиб, Фарбий Тяншань төр тизимларидаги доимий қор ва музликлардан Чотқол, Кўксув, Пском номи билан бошланади. Чорбог ботифида (Чорбог сув омбори ўрнида) Чотқол ва Пском құшилиб, Чирчиқ номини олади. Чорбог ботифидан чиққа Чирчиқ дарёсига ўнг томондан Угом, Қизилсув, Қорақия, Оқтош, чап томондан эса Оқсоқота, Паркентсой, Бошқизилсой ирмоқлари келиб құшилади. Сұнгра Сирдарёга бориб құшилғанча биронта ҳам ирмоқ келиб құшилмайди. Аксинча, суғориш шохобчалари (Захариқ, Шимолий Тошкент, Бўзсув, Тошканал ва бошқалар) орқали унинг суви суғоришга сарфланиб Сирдарёга жуда оз сув қуяди.

Чирчиқ дарёсининг узунлиги 174 км, сув йигадиган ҳавзасининг майдони 13240 км² ни ташкил этади. Чирчиқ дарёси Чимбойлик қишлоғигача тор үзанда тез оқади, сұнгра то Сирдарёгача кенг үзанда илон изи бўлиб оқади. Лекин ҳозир Ҳўжакент ва Фазалкент

сув омборлари қурилиши туфайли ўша чуқур ўзани сув билан тұлған.

Чирчиқ дарёси қор ва музларнинг эришидан түйинади. Шу сабабли унинг суви март-июнь ойларида күпаяди ва йиллик оқимнинг 53% ини ұтказади. Энг кам сув сарфи қышга — декабрь-февраль ойларига тұғыр келади. Чирчиқ дарёсининг ұртаса күп йиллик сув сарфи Чимбойлиқ қишлоғи ёнида секундига 220 кубометр, энг күп сув сарфи секундига 2160 кубометр (1959 жыл 8 апраңда) ни ташкил этади. Энг кам сув сарфи эса секундига 22 м³ (1956 жыл 23 февралда).

Чирчиқ дарёсининг ұртаса лойқалиги тоғли қисмидә ҳар бир кубометр сувіда 260 г бұлса, күйи қисмидә 520 г этади.

Чирчиқ дарёси (күйи қисмидан ташқары) ёппасига музламайды, лекин шовуш ҳодисаси содир бұлғын, 8 кундан 56 кунгача давом этиши мүмкін.

Оҳангарон — Сирдарёning Чирчиқ дарёсидан сұнг иккінчи иирик ўнг ирмоги бұлғын, унинг узунлиги Оқтошсойнинг бошланыш жойидан Сирдарёгача 236 км, сув йиғадиган ҳавзасининг катталиги 7710 кв. км.

Оҳангарон дарёси юқори қисмидә Қурама тизмасининг ёнбағридан оқиб тушувчи булоқ ва жилғаларнинг құшилишидан вұжудға келған Оқтошсой номи билан бошланади. Сұнгра Човлисой, Яккаарчасой, Ертошсой, Лукентсой, Корабовсой, Нишобсой каби ирмоқларини құшиб олади.

Оҳангарон дарёси Ангрен шаҳригача тор ўзанда тез оқади, сұнгра унинг ўзани кенгайиб, илон изи ўзан ҳосил қилиб оқади.

Оҳангарон дарёси қор ва ёмғир сувларидан түйинади. Шу сабабли унинг суви баҳорда, апрель-май ойида жуда күпайиб, июль-октябрь ойларида озайиб қолади. Дарёning ұртаса күп йиллик сув сарфи Турк қишлоғи ёнида секундига 22,8 кубометр, энг күп сув сарфи секундига 460 кубометр. Дарё тұлин сув даврида (апрель-майда) йиллик оқимнинг 51% ини оқизади.

Оҳангарон дарёсининг суви күплаб сугоришига сарфланиши туфайли ёзда Сирдарәгә етмасдан қуриб қолади. Оҳангарон дарёси унча лойқа әмас. Турк қишлоғи ёнида дарё сувининг ұртаса лойқалиги ҳар кубометрида 0,170 кг. га teng.

Ўзбекистон ҳудудида юқорида қайд қилинган дарёлардан ташқары яна жуда күп доимий ва вақтінча суви оқиб турувчи сойлар мавжуд. Сойлар тоғ ва тоғолди минтақасида жойлашиб, улар умумий ҳавзасининг майдони жумхурият ҳудудининг 21,3% ини ишғол қиласы. Сойлар айниқса Фарғона водийсисида (6500 га яқын), Зарафшон водийсисиң ұрта қисмидә (120 та) күп. Шунингдек, сойлар Қашқадарё, Сурхондарё ҳавзасида ҳам мавжуд. Сойлар ёмғирлардан ва баҳорғи әриган қор сувларидан түйиниб, сувлари апрель (йиллик оқимнинг 25,7% оқизади) ва май (32,4%) ойларидан күпайиб, ёзда суви жуда озайиб ёки қуриб қолади.

Сойларда сел ҳодисаси тез-тез содир бўлғын турат. Баҳорда жала ёққанды қорлар тез әриб, сой сувлари ҳаддан ташқары кү-

пайиб кетиб, сел вужудга келади ва жуда катта заарар келтиради. Бундай хавфли селлар айниңса Фарғона водийсида (2367 марта сел бўлганлиги қайд қилинган), Самарқанд вилоятида (1278), Тошкент вилоятида (240 марта) тез-тез бўлиб туради.

Сел кўпроқ ёғин жала тариқасида ёғадиган, усимлик қоплами кам, сувда тез ювиладиган жинслар мавжуд бўлган жойларда вужудга келиб, йўлида учраган ҳамма нарсаларни бузиб, ювиб, оқизиб кетиб, маълум жойга олиб бориб ётқизади.

1931 йили Фарғона водийсининг Катрон тоғидан бошланувчи Миндонсойда сел бўлиб, Холмкон, Араб, Миндон, Чимион, Хонгиз, Олтиариқ каби қишлоқларни бузиб, оқизиб кетган. 1969 йил март ойида Оқтоғ (Самарқанд вилояти) дан бошланувчи сойнинг тошиши туфайли сел вужудга келиб, хўжалик ерларига қалинлиги 1,5 м. келадиган лойқа олиб келиб ётқизган.

Селни олдини олиш учун сойлар ҳавзасига зинапоясимон қилиб дарахт экиш, водийсида ҳовузлар, кичик сув омборлари барпо этиш керак.

ДАРЁЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК АҲАМИЯТИНИ ВА СУВНИИ ТОЗА САҚЛАШ

Ўзбекистон дарёлари муҳим табиий бойлик сифатида унинг халқ хўжалик тараққиётida жуда муҳим аҳамият касб этади. Айниңса иқлими қуруқ, сугориб деҳқончиликка асосланган жумҳуриятимиз учун дарёларнинг сугоришдаги аҳамияти каттадир. Ҳозир ўзбекистонда 4,2 млн. гектар ерни суғориш ва шўрини ювиш учун дарёлардан йилига 53—55 км³ сув олинмоқда. Қишлоқ хўжалик учун олинаётган 53—55 км³ сувнинг 80% ерларни сугоришга сарфланса, қолган 20% тупроқ шўрини ювишга сарфланмоқда.

Жумҳуриятимизда сугоришга олинган сувнинг 25—30% зовурдренаж орқали, баъзи жойларда (Фарғона, Сурхондарё водийлирида, Самарқанд ботифида ва бошқалар) табиий ҳолда сизиб қайтарма сувлар сифатида заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар билан ифлосланиб табиий ҳавзаларга қўшилади ёки суғориладиган миintaқадан ташқарига чиқариб ташланади.

Жумҳурият дарё сувларидан оқилона фойдаланиш мақсадида 156 минг км узунликда канал қурилган бўлиб, унинг 22 минг км узунликдаги қисми хўжаликлараро, қолган 134 минг км узунликдаги қисми хўжаликлар ичидаги каналларга тўғри келади (12-расм). Ўзбекистондаги энг муҳим каналлар ҳақидаги маълумотлар иловадаги 5- жадвалда берилган.

Ўзбекистон дарёларининг яна саноат тармоқларини, майший-коммунал хўжаликни сув билан таъминлашдаги аҳамияти катта. Ҳозир жумҳурият саноат тармоқлари, майший-коммунал хўжалиги ва бошқа соҳаларни сувга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун дарёлардан йилига 7,5—8,0 км³ сув олмоқдалар. Ўша сувнинг 15% сарфланса, қолган 85% ифлосланган ёки қисман тозаланган ҳолда табиий ҳавзаларга қайтиб қўшилмоқда.

Ўзбекистон дарёларининг энергетик аҳамияти ҳам катта бўлиб, умумий потенциал гидроэнергоресурси 8,76 млн. кВт га тенг. Шунинг 0,6 млн. кВт қисми Сурхондарё, 1,8 млн. кВт қисми Чирчиқ (Чирчиқ дарёсининг умумий потенциал гидроэнергоресурси 2,30 млн. кВт бўлиб, қолган 0,50 млн. кВт Қирғизистон ҳудудидадир), 0,7 млн. кВт қисми Зарафшон (Зарафшоннинг қолган 2,0 млн. кВт Тожикистон ҳудудида) 0,4 млн. кВт қисми Сирдарё (қолган 4,5 млн кВт бошқа жумҳуриятлар ҳудудида), қолгани жумҳуриятимиз бошқа дарёлари зиммасига тұғри келади.

Ўзбекистон гидроэнергоресурсларидан бир қанча ГЭСлар қуриб фойдаланилмоқда. Буларнинг энг муҳимлари Чирчиқ дарёсида қурилган 19 ГЭС (энг каттаси Чорбоғ ГЭС), Сирдарёда Фарҳод ГЭС ва бошқалар. Ҳозирча Ўзбекистон дарёларида қурилган ГЭСлар ишлаб чиқараётган энергия жумҳурият дарёларининг умумий гидроэнергоресурсларининг фақат 3,2% ташкил этади, холос.

Ўзбекистон дарёларининг яна балиқ овлашда, рекрацион мақсадда, қисман бўлса-да кема қатновида ҳам аҳамияти бор.

Сўнгги вақтларда жумҳуриятимиздаги суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш туфайли зовур-дренаж сувлари миқдорини кўпайиши, завод-фабрикалардан, коммунал хўжаликдан, транспорт ва соғломлаштириш ташкилотларидан ва бошқа корхоналардан чиқаётган ифлос-оқова сув миқдорини ортиши, уларнинг дарёларга оқизилиши туфайли дарё сувининг табиий ҳолати бузилиб, ифлосланиб бормоқда (13-расм).

Дарё сувларининг ҳар хил химикатлар ва тузлар билан ифлосланишида зовур-дренаж сувларининг салмоғи катта. Ҳозир Ўзбекистонда зовур-дренажларнинг умумий узунлиги 60 минг км. бўлиб, улардан йилига 13—14 км³ ифлосланган қайтарма сув вужудга келмоқда. Уларнинг бир қисми суфориладиган ерлардан ташқаридаги табиий чуқурликларга чиқарип ташланса, қолган қисми сув ҳавзаларига қўшилиб уни ифлосламишади.

Ўзбекистон дарё сувларининг ифлосланишида завод-фабрика, коммунал хўжалик, транспорт ва соғломлаштириш ташкилотларидан чиқаётган 300—350 млн. куб. метр ифлос оқовалар ҳам сабабчидир. Ҳозирча жумҳурият ва вилоят ихтиёридаги 42 шаҳарнинг 29 тасидагина канализация ва тозалаш иншоотлари мавжуд. Қолган 13 шаҳардаги ишлатилган ифлос оқовалар тұғридан-тұғри сув ҳавзаларига ташланмоқда. Бунинг устига жумҳуриятимизнинг гўзал манзарали жойларида қурилган дам олиш уйлари, лагерлар ва бошқа корхоналардан чиқаётган ифлос сувлар марказлашган канализацияга уланмаганлиги, тозаловчи иншоотларнинг йўқлиги туфайли табиий ҳавзаларга қўшилиб кетмоқда.

Ўзбекистон дарё сувларининг ифлосланиши оқибатида, сувнинг табиий ҳолати бузилиб, яшил сув ўтларининг, балиқларнинг камайиб кетишига, суфориладиган ерлардаги экинларнинг ўсишига ва натижа оқибатда кишилар саломатлигига салбий таъсир этмоқда. Ҳатто саноатлашган жойлардан оқиб ўтадиган Чирчиқ,

Зарафшон каби дарё сувлари табиий ҳолда ичишга яроқсиз булиб қолди.

Ўзбекистон дарё сув бойликларини бундан буён тоза сақлаш учун экин далаларидан чиқаётган зовур-дренаж сувларини иложи борича табиий ҳавзаларга ташлашни ман этиш; зовур-дренаж сувларини йиғиб, Амударё ва Сирдарёга параллел магистрал зовур қазиб Оролга оқизишигэ эришиш; қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биологик услубда курашишни жорий этиш; завод-фабрика, майший-коммунал ва бошқа корхоналардан чиқаётган ифлос-оқова сувларни тозалаб, сўнгра сув ҳавзаларига ташлашга эришиш зарур.

Савол ва топшириклар. 1. Ўзбекистон ички сувлари ўз ичига қандай унсурларни олади ва уларнинг ўзиға хос хусусиятлари нималардан иборат? 2. Ўзбекистоннинг энг муҳим дарёларини ёзуисиз харитага тушенинг ҳамда нима сабабдан ва қандай табиий омиллар таъсирида ҳудуд бўйича нотекис тақсимланганлигини тушунтириб беринг. 3. Ўзбекистон дарёлари тўйиниши жиҳатидан қандай турларга бўлинади? Нима учун баланд тоғлардан бошланувчи дарёларнинг суви ёзда кўпайди? 4. Нима учун Амударё Сирдарё, Зарафшон дарёларига нисбатан лойиқа? 5. Маълумки, Ўзбекистон дарёлари тоғли қисмидаги музламайди, аксинча, текислик қисмидаги музлайди, сабабини тушунтириб беринг. 6. Дарёларнинг хўжалик аҳамиятини тушунтириб беринг. 7. Нима сабабдан дарё сувлари ифлосланмоқда ва уни тоза сақлаш мумкинми?

ҚУЛЛАРИ ВА СУВ ОМБОРЛАРИ

Ўзбекистон ҳудудида кўллар нисбатан кам булиб, улар нотекис жойлашган. Жумҳуриятимизда жойлашган кўлларнинг аксарияти кичик булиб, маҳаллий аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳудудидаги кўллар қозонининг (котловинасининг) пайдо бўлиши жиҳатидан бир хил эмас. Лекин уларнинг кўпчилиги текислик қисмидаги дарё водийларида жойлашган қайир кўлларидир. Аксинча, жумҳуриятимиз тоғли қисмидаги кўллар эса тўсиқ (тўфон), морена ва тектоник кўллардир.

Ўзбекистон ҳудудидаги кўллар сони (5360 та кўл) 100% десак, шунинг 56,5% унинг текислик қисмida, 43,5% эса тоғли қисмida жойлашган. Лекин сув юзаси майдонининг катталиги жиҳатидан текисликдаги кўллар олдинда булиб, 67% ни ташкил этади.

Ўзбекистон ҳудудининг текислик ва тоғли қисмida кўллар нотекис жойлашган. Жумҳуриятимиз тоғли қисмининг 1000—2000 м баландликларида (82 кўл мавжуд), камроқ, аксинча 2000—3000 м баландликларида (165 та кўл мавжуд) кўпроқ, 3000 м. дан баланд қисмida эса кўп (2083 та кўл) кўл жойлашган. Лекин бу кўллар майдони кичик булиб, уларнинг энг муҳимлари Исфайрам дарё ҳавзасидаги Яшинкўл, Чирчиқ дарёси ҳавзасидаги Шовуркўл, Нихнач, Караката, Чотқол-1, Чотқол-2 кўли, Шоҳимардон яқинидаги Куббонкўл, Оҳангарон ҳавзасидаги Арасан, Шеробод ҳавзасида Қанбешбулоқ кўли ва бошқалар.

Ўзбекистон ҳудудидаги кўлларнинг кўпчилиги унинг текислик қисмida, хусусан Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ каби дарё водийларида, асосан, уларнинг қуий қисмларида жойлашган.

Бу кўлларнинг кўпчилиги кичик, саёз ва шўр бўлиб, баҳорда ҳамда дарё суви кўпайган вақтда сувларга тўлиб, ёзниг охирларига бориб, суви жуда озайиб саёзлашиб, баъзилари қуриб, ботқоқлик шўрхокка айланиб қолади. Ўзбекистон текислик қисмидаги кўллар келиб чиқиши жиҳатидан турличадир. Баъзилари дарё водийларининг пастқам жойларида ҳосил бўлиб, ёмғир, қор, иригация шоҳбачаларининг ташлама сувлари ёки ер ости сувларидан, баъзан эса дарёлар тошганда сизиб борган сувидан тўйиниб туради. Бундай кўллар берк кўллар ҳисобланиб, суви шўр, баъзиларининг суви ёзда қуриб қолиб, тагида туз чуқиб қолади, баъзилари ботқоқли жойга айланади. Бу турдаги кўллар Сирдарё, Амударё ва Зарафшон дарёларининг водийлари бўйлаб жойлашган.

Текислика яна «эфемер» ёки даврий турли кўллар ҳам мавжуд. Бундай кўллар кичик, саёз бўлиб, ёмғир жала тариқасида ёққанда ёки баҳорги қорлар тез эриганда ҳосил бўлиб, сўнгра яна қуриб қолади, баъзан эса бир неча йиллар мобайнида сувга тўлмай қуриб ётади.

Ўзбекистоннинг текислик қисмida эски дарё ўзанларида кўллар ҳам важуд. Бундай кўллар Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё каби дарёларнинг қуий қисмидаги қадимий ўзанларida жойлашган. Бу турдаги кўлларнинг суви агар дарёдан тамомила, ажралмаган бўлса, чучук бўлади, агар дарёдан ажралиб қолса, шўр бўлади. Бундай турдаги кўлларнинг режими дарё режимига боғлиқdir.


Ўзбекистон ҳудудининг текислик қисмida сўнгги йилларда одамлар томонидан вужудга келтирилган кўллар сони ортиб бормоқда. Бу турдаги кўллар экин далаларидан оқиб чиқаётган зовур сувларини экин экиладиган майдондан ташқаридаги табиий чуқурликларга ташлаш оқибатида вужудга келмоқда.

Суфориладиган майдонлардан чиқариб ташланадиган зовур сувларининг тўпланишидан вужудга келган кўллар (Сариқамиш, Айдар, Арнасой, Денгизкўл, Қорақир ва бошқалар) эса ўта шўр бўлиб, таркибида ҳар хил кимёвий заҳарли моддалар учрайди (14-расм). Бу кўлларнинг сув сатҳи экин далаларини суфориш даврида кўтарилиб, қишида анча пасайиб қолади.

Ўзбекистон ҳудудидаги асосий кўллар Орол, Мирзачулдаги Арнасой, Айдар, Тузкон, Зарафшон дарёсининг қуий қисмидаги Денгизкўл, Сомонкул, Кунтакул, Шуркўл, Қорақир, Ҳожиобкул; Фаргона водийсидаги Ахсиенткўл, Дамкўл; Қуий Амударёдаги Сариқамиш, Карп, Зийкўл, Абилькўл, Оқкўл, Судочье, Бузатовкўл, Зокиркўл, Тубонкўл ва бошқалар. Бу кўллар кичик бўлиб, майдонининг катталиги бир неча юз гектардан $10,0 \text{ km}^2$ гача етади.

Ўзбекистон ҳудудидаги энг катта тектоник йўл билан вужудга келган кўл — Орол денгизидир.

Орол денгизи — Туркистондаги энг катта кўл бўлиб, сув сатҳи $53,4 \text{ m}$. бўлганда майдони $66,1 \text{ минг кв. км}$, ўртача чуқурлиги $16,1 \text{ m}$., энг чуқур ери $69,0 \text{ m}$, энг узун ери 492 km , энг кенг жойи 292 km , ўртача шўрлиги $10-11\%$, сув ҳажми 1062 km^3 эди.



Орол кўлиниң ҳамма қирғоқлари бир хил эмас. Унинг шимоли-шарқий, шарқий ва жанубий қирғоқлари текис ва паст. Аксинча, ғарбий қирғоғи баланд ва тик. Чунки Оролниң ғарбий қирғоғига Устюрт баландлигини шарқий жарлиги (чинклари) тик тушган. Баъзи ерларда Устюртниң чинклари Орол денгизидан 190—195 м. баландликда туради.


Орол денгизининг шимоли-шарқий, шарқий ва жанубий қирғоқлари паст, эгри-буғри бўлиб, қўлтиқлари, кичик ороллар жуда кўп. Оролда 313 дан ортиқ катта ва кичик ороллар мавжуд. Уларниң энг катталари — Кўкорол, Возрождение, Борсакелмас ороллари-дир.

Бу оролларниң майдони Орол сув сатҳининг пасайиши муносабати билан катталашиб бормоқда. 1961 йили Кўкоролниң майдони 273 км², Возрождение оролиники 216 км², Борсакелмас оролиники 135 км² эди.

1961 йилгача (сув сатҳи 53,4 м бўлганда) Орол денгизига Амударё — 38,6 км³ ва Сирдарё — 13,2 км³, бинобарин ҳар икки дарё биргаликда 51,8 км³ сув олиб келиб қуяр эди. Орол юзасига тушаётган ёғинлардан эса йилига 5,8 км³ сув вужудга келар эди. Шундай қилиб, Оролга йилига 57,8 км³ сув келиб, 58,6 км³ сув буғланар эди. Сўнгги йилларда Орол ҳавзасида суғориладиган ерлар майдонининг муттасил ортиб бориши, янги шаҳарлар, саноат обьектларининг вужудга келиши, аҳолининг усиши натижасида Амударё ва Сирдарё йил сайин Оролга кам сув қуя бошлади. Агар 1960 йили Амударё ва Сирдарё Оролга 58,3 км³ сув қўйган бўлса, 1975 йилга келиб 10,6 км³ (шуни 10 км³ Амударё зиммасига, 0,6 км³ Сирдарё зиммасига тўғри келган), 1985 йили 2,4 км³ (1980 йилдан 1988 йилгача Сирдарё умуман сув қўймаган), 1986 йили 0,4 км³ сув қўйилган. Оқибатда 1961 йилдан бошлаб Орол сув сатҳи йилига 40—70 см. атрофида пасая бошлади ва 1992 йилга келиб унинг сув юзаси 15,3 м. га пасайди, сув ҳажми қисқариб 302,0 км³ га тушиб, аксинча шўрлиги ортиб, 34—37% га кўтарилиди. Шундай қилиб, 1961 йилдан 1992 йилгача Орол денгизининг 759 км³ суви буғланиб кетди, натижада денгиз қирғоқлари баъзи қисмида 50—100 км гача чекиниб, сувдан бўшаган ерлар шўрхока айланиб қолди (15-расм).

Сўнгги йилларда Орол сув сатҳини маълум юзада сақлаб қолишига қаратилган чора-тадбирларниң кўрилиши туфайли Амударё ва Сирдарё яна Оролга кўпроқ сув қуя бошлади. 1988 йили Амударё билан Сирдарё Оролга 23,0 км³ (Амударё 16,0 км³, Сирдарё 7,0 км³) сув қўйди. Лекин Орол юзасидан эса ҳар йили (1991) 32—33 км³ атрофида сув буғланиб кетмоқда. Демак, Орол денгизи сув сатҳини ҳозирги юзада сақлаб туриш учун йилига 32—33 км³ атрофида сув қўйилиши керак. Аммо Амударё ва Сирдарё Оролга йилига кўп миқдорда сув қуяётгани йўқ. Бу эса Орол сув сатҳини ҳамон пасаяверишидан далолат беради. Чунки Оролда сувнинг киримига нисбатан сарфи ортиб кетмоқда.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида халқ хўжалигининг турли со-



16-расм. Орол дengизига сув кам келиши муносабати билан майдоннинг қисқарип, қирғоқ чизигининг ўзгариши: а—1960 йили сув сатҳи 53,0 м. бўлгандаги ҳолати; б—1974 йили сув сатҳи 51,0 м. бўлгандаги ҳолати; в—1985 йилдаги ҳолати; г—1989 йилдаги ҳолати; д—яқин келажакдаги ҳолати.

ҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида сувни тежаб, маълум қисмини зудлик билан Оролга оқизилмаса яқин келажакда (2000 йилга бориб) унинг сув сатҳи 20 м. га пасайиб, майдони 23,3 минг km^2 га тушиб, кўлда атиги 162· km^3 сув қолади. Шўрлиги эса 77% га кўтарилади. Натижада ҳозирги Орол ўринда саёз ва ўта шуркичик кўл вужудга келади (16-расм).

Орол сув сатҳининг пасайиши қўйидаги салбий оқибатларга олиб келди: бу ҳол тегара иқлимига салбий таъсир этмоқда. 1961 йил Муйноқда январнинг ўртача ҳарорати $-4,4^\circ$ эди, ҳозир эса $-8,3^\circ$. Натижада Орол бўйида баҳорги совуқ тушиш 10—12 кунга чузилиб, кузги совуқ тушиш 10—12 кун эрта бошланмоқда, ерости сув сатҳи пасайиб, шўрлиги ортиб, тўқайзорлар майдони қисқарип, кўллар қуриб, қайта чўллашиб жараёни тезлашмоқда. Орол атрофидаги сув тагидан чиқиб қолган ерлардаги тузлар кучиб уларни шамол 500 км га учирив кетмоқда. Натижада Кўйи Амударёнинг сугориладиган ерларининг ҳар гектарига 0,5—1,0 тоннагача чанг аралаш туз тушмоқда. Орол дengизи сув сатҳининг пасайиши сабабли у транспорт аҳамиятини деярли йўқотди. Орол

денгизидан йилига 500 минг ц гача балиқ овланар эди. Эндиликда балиқ деярли овланмайди, натижада, балиқ хўжалиги йилига 18,9 млн. сўм (1986 йилги маълумот) фойдадан маҳрум бўлди. Амударё ва Сирдарё дельтасидаги қамишзорлар ва тўқайларнинг қуриб қолиши сабабли мўйнали хайвон ондатра жуда камайиб кетди. Натижада йилига 4,7 млн. сўмлик даромад йўқотилмоқда.

Кўриниб турибдики, Орол сув сатҳининг пасайиши ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан жуда катта заардир. Демак, Орол денгизини сақлаб қолиш лозим. Оролни қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин? Бу саволга ҳозирча аниқ жавоб йўқ. Баъзилар Оролни қайта тиклаш ҳақида фикр юритса, баъзилар Оролнинг баҳридан ўтмоқчи буладилар, яна бир гуруҳ олимлар эса уни маълум бир ҳажмда сақлаб қолиш тарафдоридирлар.

Маълумки, Оролни асли ҳолига келтириш амри маҳол. Бунинг учун Оролга йилига қўшимча 90—100 км³ атрофида сув керак бўлади. Бу сувнинг ярми буғланиб кетса, ярми тўпланиб, тахминан 12—13 йилда Оролни қайта тиклаш мумкин. Лекин бунчалик кўп сувни топиш мумкин эмас. Баъзилар Оролга Қаспий денгизидан сув олиш керак дейдилар. Лекин Орол Қаспийдан 81 м. баландда жойлашганлигини ҳисобга олинса, бу лойиҳа ҳам аниқ эмаслиги маълум бўлади. Айрим олимлар Оролга Сибирь дарёлари сувини келтириш тарафдоридир. Бу лойиҳа амалга оширилса, биринчи босқичида Туркистонга 27 км³ сув келади. Бироқ унинг асосий қисми суфоришга сарфланади, бинобарин у Орол муаммосини ҳал қиласмайди.

Орол сув сатҳини маълум юзада сақлаб туришнинг ягона ўюли — бу унинг ҳавзасидаги маҳаллий сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишdir. Агар сув ресурсларидан тежаб фойдаланиса, бундан буён экин майдонлари кенгайтирилмаса, экинларнинг суфориш нормасига риоя қилинса, сувнинг (ариқлар тагини бетонлаб ёки полиэтиленли плёнкалар билан қоплаб) шимилиб кетиши камайтирилса, янги сув омборлари қуриш тартибга солинса, сувни кўплаб сарфловчи Қорақум, Қарши, Аму-Бухоро каби каналлар суви тежалса, зовур сувларининг бир қисми Орол томон буриб юборилса, йилига 30—35 км³ атрофида сувни тежаш мумкин. Бу эса Орол сув сатҳини 40,0 м. юзада сақлашга имкон беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда сунъий сув ҳавзалари — сув омборлар кўплаб қурилган. Бу сув омборлар асосан дарё сув режимини тартибга солиб, баҳорги, қишки, кузги сувларни тўплаб, ёзда экин далаларига бериш учун қурилган мавсумий бўлиб, асосан суфориши мақсади учун барпо этилган.

Ўзбекистон сув омборлари сатҳининг ўзгариши дарё режимига ва сув хўжалик талабига боғлиқ. Қишлоқ хўжалик экинлари учун сув керак бўлмаганда ва айниқса баҳорги дарёларнинг тўлин сув даврида омборларга сув тўпланиб унинг сатҳи кутарилса, аксинча, ёзда тўпланган сув суфоришга сарфланиб, сув сатҳи пасайиб қолади.

Ўзбекистонда сув омборлари кўп бўлиб, уларнинг энг муҳим-

лари Қайроқкум, Тумбайин, Чорбоғ, Андижон, Каттақўргон, Жанубий Сурхон, Чимқўргон, Қуйимозор, Пачкамар, Туябўғиз, (Тошкент), Каркидон, Учқизил ва бошқалар (6- жадвал).

Савол ва топшириклиар. 1. Умумий Ер билимидан олган маълумотлар асосида кўл тушунчасига таъриф беринг. 2. Ўзбекистон ҳудудидаги кўллар қандай йўллар билан пайдо бўлган? 3. Жумхурият рельеф, иқлим хариталарини бир-бираига таққослаб, нима учун ва қандай табиий омиллар таъсирида кўллар Ўзбекистон ҳудудида хотекис жойлашганини билib олинг. 4. Нима учун Ўзбекистон текислик қисмида тоғларига нисбатан кўллар кўп жойлашган? 5. Нима сабабдан Орол сув сатҳи йил сайин пасайиб кетмоқда? Унинг сув сатҳини маълум даражада сақлаш мумкини? 6. Орол сув сатҳи пасайишнинг қандай салбий оқибатларини биласиз? 7. Нима учун сув омборлари қурилади? Ёзувсиз харита-га Ўзбекистондаги энг муҳим сув омборларини тушириб, қисқача тавсиф беринг.

ЎЗБЕКИСТОН ЕР ОСТИ СУВЛАРИ

Ўзбекистон ер ости сувлари умумий сув ресурсининг бир қисми сифатида халқ ҳўжалик тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Бу сув ресурсларидан ота-боболаримиз жуда қадимдан (кориз, қудуқ ва булоқ сувларидан) фойдаланиб келганлар.

Ўзбекистон ҳудудидаги барча тоғ жинслари у ёки бу даражада уз таркибида сув сақлайди. Маълумотларга кўра Ўзбекистон ер ости сувларининг динамик заҳираси (миқдори) секундига 1038,1 м³ ни ташкил этади. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам сувнинг миқдори, сифати бир хил эмас. Бу эса энг аввало уша жойнинг комплекс табиий шароитига — геологик тузилишига, рельефига, иқлимига ва табиатнинг бошқа унсурлари хусусиятларига боғлиқдир.

Ўзбекистон ҳудудидаги ер ости сувларини жойлашиш шароитига қараб грунт суви, қатламлар орасидаги сув ва минерал иссиқ сувга бўлиш мумкин.

1. Грунт сувлари ер ости сувининг энг устки қатлами ҳисобланаб, ер бетига яқин жойлашган. У одатда сув ўтказмайдиган қатламнинг устида йифилади. Бу ерга сув ер юзидан — ёғинлардан, дарё, кўл, ариқ, сув омборларидан сизиб келади ва тўйинтириб туради. Чунки грунт сувининг устки қисмида сув ўтказмайдиган жинслар деярли йўқ. Грунт сувлари босим кучига эга эмас, улар фақат оғирлик кучи таъсирида сизиб юради.

Ўзбекистон ҳудудида грунт сувлари унинг табиий шароитига, хусусан литологик таркиби ва рельефига боғлиқ ҳолда қўйидаги учта минтақада (зонада) ҳосил бўлади: тоғ минтақаси; тоғ олди ва тоғ оралиқларидаги минтақа; чул (текислик) минтақа.

Тоғ минтақасидаги грунт сувлари қор, муз, ёмғир сувларининг шимилишидан вужудга келиб, асосан чучук, тоза бўлади. Шу сабабли грунт сувнинг түпланиш миқдори тоғларнинг ҳамма қисмida бир хил эмас. Энг кўп грунт сувининг түпланиши Ўзбекистон тоғларининг 1500 м. дан 3000—3500 м. баландликларига тўғри келади. Чунки бу баландликларга энг кўп ёғин тушади, натижада грунт сувининг энг кўп оқим модули шу минтақага тўғри келиб,

бир кв. км. майдондан секундига 3 литрдан 12 литргача етади. Аксинча, бу күрсаткыч 1500 м. баландликкача бұлган жойларда 0,10 дан 1—3 л (сек) km^2 ташкил қиласы.

Тоғ минтақасидаги گрунт сувлари табиий шароитта боғлиқ ҳолда бир қисми бұлак, сизот тариқасида ер юзасига чиқса, яна бир қисми ер остидан тоғ олди, тоғ оралиқ минтақасига (Фарғона, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва бош. водийлар-га) ҳатто улардан үтиб текислик-чүл минтақасига (Мирзачұл, Қарши чүли, Қизилқұм) қараб силжиб кетади.

Ўзбекистон тоғлы минтақасида گрунт сувининг миқдори анча катта. Агар Туркистан тоғларида унинг миқдори секундига 1250 m^3 (йилига $39,4 \text{ km}^3$) бұлса, шунинг секундига 105 m^3 Ўзбе-кистон тоғлари зиммасига тушади. Ўзбекистон тоғларидаги $105 \text{ m}^3/\text{сек}$. ер ости сув миқдорининг 80% булоқ тариқасида ёки дарё водийларига сизиб чиқади.

Ўзбекистоннинг тоғлы қисміда бир секундда вужудга келган 105 m^3 ер ости сувини 100% десак, үшани 31,4% Тошкент олди, 23,8% Сурхондарё, 13,5% Қашқадарё, 11,6% Зарафшон, 6,7% Ну-рота-Туркистан, 5,25% Мирзачұл, 5,9 Фарғона ва 2% га яқини Марказий Қизилқұм гидрогеологик минтақасига (районига) тұғри келади.

Тоғ олди ва тоғ оралиғидаги минтақадаги گрунт сувлари ҳам ёғынлардан, дарё, канал (ариқ), күл, сув омборлардан сизган сувлардан ҳамда тоғ минтақасидан оқиб (сизиб) келаётган сувлардан түйинади. Бу минтақадаги گрунт сувининг (табиий шароитта боғлиқ ҳолда) бир қисми чучук, бир қисми эса шұр. Рельефи нишаб گрунт сувининг силжиши нисбатан тез бұлган Фарғона, Чирчиқ-Оқангарон, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларидаги گрунт сувлари тоза ва чучук. Аксинча, рельефи текис گрунт сувининг силжиши суст, иқлими қуруқ, иссиқ бұлган Марказий Фарғона, Мирзачұл, Қарши чүли ва Қуйи Зарафшон каби жойлардаги گрунт суви шұрлашған. Чунки оқим суст бұлғач گрунт суви ер юзиға яқин жойлашади, ёғынгарчилик кам булиб, җароратнинг юқори-лиги туфайли буғланиш катта, оқибат натижада туз тұпланиб, тупроқни ҳам шұрлаштириб юборишига сабабчи бұлади. Бундай жойларда зовур қуриб گрунт сув сатхини пасайтириб, тупроқни шұрлашидан сақлаш керак.

Тоғ олди ва тоғ оралиғидаги минтақада گрунт сувининг миқдори анча катта. Faқат тоғ олди минтақасидаги ер ости сувининг динамик миқдори секундига 295 m^3 ни ташкил этади. Фарғона водийсінинг үзіде йиллик миқдори $3,0 \text{ km}^3$ булиб, шуни 60% га яқини Ўзбекистон худудың тұғри келади.

Текислик-чүл минтақасидаги گрунт сувлари асосан тоғ ва тоғ-олди минтақадан сизиб келаётган сувлардан, босым остида пастки қатламлардан сизиб чиқаётган ер ости сувларидан, қисман оқар сувлардан булаётган сизишидан ва ёғын сувларидан түйинади. Текислик-чүл минтақасида ёғын кам, буғланиш катта булғанлығи-

дан унинг миқдори грунт сувнинг тўйинишида катта салмоқقا эга эмас.

Текислик-чул минтақасида грунт сувнинг бир ердан иккинчи ерга силжиши жуда секин, йилига бир неча метрга боради, аксинча, буғланиш катта, бинобарин, унинг таркибида ҳар хил тузлар мавжуд бўлади. Бу минтақадаги грунт сувлари таркибида натрий хлорид тузи энг кўп учрайди, шунингдек, гидрокарбонатли ва сульфатли сувлар ҳам мавжуд. Шу сабабли текислик-чўл минтақадаги грунт сувлари ичишга ярамайди. Чунки унинг ҳар литрида 9-10 граммгача ҳар хил эриган тузлар бор. Бундай грунт сувлари Кизилқумда, Сандуқли қумлиги, Устюртда, Орол атрофида, Қўйи Амударёнинг суғориладиган ерлари атрофида кенг тарқалган. Маълумотларга қараганда Амударёнинг қўйи қисмидаги ва Орол атрофидаги бир литр грунт сувлари таркибида 100 граммгача, Кизилқумда 50 граммгача ҳар хил тузлар борлиги аниқланган.

2. Қатламлар орасидаги сувлар. Нисбатан чуқурда, сув ўтказмайдиган икки қатлам жинслар орасидаги бушликларда спизиб юрувчи сувга қатламлар орасидаги сувлар дейилади. Бундай сувли қатламлар икки-уч ва ҳатто ун-үн бешдан ортиқ қатламлардан иборат бўлиши мумкин. Ўша қатламлар орасидаги сувлар босим кучига эга бўлса, артезиан сувлари деб юритилади. Артезиан сувлари мавжуд бўлган тегаралар (жойлар) артезиан ҳавзаси деб юритилади. Артезиан ҳавзасида босими кучли бўлган ерларида қудук кавланса суви ўзи отилиб чиқади. Сув олиш учун кавланган бундай қудуқлар артезиан қудуқлари деб юритилади. Артезиан сувлари кўпинча тоза ва чучук бўлади. Ўзбекистон ҳудудида бир қанча артезиан ҳавзалари жойлашган. Уларнинг энг муҳимлари Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент олди, Мирзачўл, Қизилқум, Қарши ва бошқалар.

Артезиан сувлари анча чуқурдан, 100—400 м ва ундан ҳам чуқурдан чиққанлиги туфайли сувнинг сифати (чучук ва шўрлиги, совуқ ва иссиқлиги) ҳамма ерда бир хил эмас. Агар артезиан сувлари ер юзасига яқин қатламлар орасида жойлашса (сув қатламлардан ўтиб алманишиб турса), суви чучук ва совуқ бўлади. Аксинча, сувли қатлам нисбатан чуқурда жойлашса, сувнинг силжиши жуда секин бўлади, бинобарин, суви иссиқ, бироз минераллашган бўлади.

3. Минераллашган термал сувлар. Бундай ер ости сувининг тури анча чуқурда (1500—3500 м ва ундан ҳам чуқурда), асосан мезозой ва палеозой даври ётқизиқлари орасида жойлашган. Бундай сувларнинг тўйинишида ювилар сувлар муҳим аҳамияга эга. Шу сабабли уларнинг ҳарорати 40—70° га етиб, таркибида ҳар хил минераллар эриган ҳолда учрайди. Минерал сувлар таркибида карбонат кислотаси, водород сульфиди, йод, бром, бор, литий, барий, стронций, радиоактив моддалар ва бошқа тузлар эриган ҳолда мавжуд.

Ўзбекистон ҳудудида сўнгги йилларда 100 дан ортиқ шифобахш термал минерал сувлар аниқланди. Минерал сувларнинг баъзилари тектоник ёриқлар орқали ер бетига иссиқ булоқлар тариқасида

чиқса, күп ҳолларда қудуқлар орқали чиқарилади. Ўзбекистонда кавланган қудуқлар орқали бунёд этилган бир неча шифобахш минерал сувлар мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари водород сульфидли (сероводородли) шифобахш сувлар (Чимён, Полвонтош, Хонобод, Шўрсув, Шимолий Сўх, Андижон, Учқизил, Кўкайти, Лалмикор, Ҳаудоғ ва бошқ.), йодли сувлар (Чортой, Наманган), радонли (Арасон Булоқ, Жайронхона), кам минераллашган ишқорли (щелочник) термал сувлар (Тошкент, Ванновск-Қизилтепа ёки Фарғона), сульфат-хлор-натрийли сувлар (Моҳоса, Қоракўл, Газли ва бошқ.)

Юқорида қайд қилинган шифобахш минерал сувлардан турли касалликларга учраган беморларни даволашда, иштаҳа очишда, коммунал хўжаликда, рекреацион мақсадда ва бошқа соҳаларда фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ер ости сувларининг миқдори анча катта бўлиб, ишлатилиш миқдори секундига 906,9 м³ ни ташкил этади (7- жадвал).

Ўзбекистон ҳудудидаги ишлатилиш миқдори (секундига) 906,9 м³ ер ости сувининг 606,9 м³/сек. ни чучувқ, қолган 300 м³/сек. ни минераллашган сув ташкил этади. Ўша минераллашган ер ости сувининг ҳар литрида 2—3 дан 15 граммгача эриган ҳолда ҳар хил тузлар мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида ҳозир 30 мингга яқин қудуқлар (скважина) қазилган бўлиб, улардан секундига 150—160 м³ ер ости суви олинниб, хўжаликни турли соҳаларида фойдаланилмоқда. Ўша олинган ер ости сувини 100% десак, унинг 39,6% шаҳар ва қишлоқ аҳолисини хўжалик-ичимлик сув билан таъминлашга, 38,0% сугоришга, 19% техник мақсадларда, 2,4% яйловни сув билан таъминлашга сарфланмоқда.

Савол ва топшириқлар. 1. Илгари олган билимларингизга асосланиб ер ости суви нима ва у қандай вужудга келишилгини эсланг. 2. Ер ости сувлари жойлашиш шароитига қараб қандай турларга булинади? 3. Тор минтақасидаги грунт сувлари тўйиниши жиҳатидан тоголди ва тор оралиғидаги ҳамда текислик-чул минтақасидаги грунт сувларидан қандай фарқ қиласди? 4. Нима сабабдан ҳатламлар орасидаги ер ости сувини артезиан сув леб айтилади? Харитадан энг муҳим артезиан ҳавзаларини топиб, ёзувсиз харитага туширинг. 5. Нима учун минерал сувларни ҳарорати юқори бўлиб, шифобахш? 6. Ер ости сувларидан хўжаликда қандай фойдаланиллади? Сиз яшаб турган жойда ер ости сувининг қайси туридан фойдаланилмоқда? 7. 7- жадвал маълумотларидан фойдаланиб ер ости сувларининг гидрогеологик районлар бўйича тақсимланиш ҳиссасини фонз (%) ҳисобида айланма диаграммадан кўрсатинг.

ТУПРОҚЛАРИ

Ўзбекистон табият унсурлари хусусиятларининг унинг ҳамма қисмида бир хил бўлмаслиги — рельефнинг мураккаблиги, тоғ жинсларининг келиб чиқиши ва литологик тузилишининг ҳамда гидрологик шароитининг хилма-хиллиги, арид типли континентал иқлим ва ўсимликларининг мавжудлиги ҳар хил тупроқ турларининг вужудга келишига сабабчи бўлган.

Ўзбекистон текислик қисми билан тоғли қисми орасида ҳам табиий унсурларнинг фарқи жуда катта. Шу сабабли текислик қисмида тупроқнинг зоналлик хусусияти мавжуд бўлиб, чўлга

хос тупроқ турлари шаклланса, аксинча тоғли қисмидә баландлик миңтақаланиш вужудга келган.

Жумҳуриятимиз текислик қисмидә ҳам қолдиқ тоғлар, баландликлар, водийлар, ботиқлар мавжуд бўлиб, уларда тупроқ ҳосил бўлиш жараёни бир-биридан фарқ қиласди. Бунинг устига йилнинг кўп қисми иссиқ, қуруқ ва серофтоб бўлганлигидан тупроқ ҳосил бўлиш жараёни суст бўлади. Ёз қурғоқчил, ҳарорат юқори бўлганлигидан мумкин бўлган буғланиш ёғинга нисбатан 15—20 мартағача ортиқ бўлиб, тупроқ таркибида ҳар хил тузлар тупланиб, тупроқ кўп жойда шўрлашган.

Ўзбекистон ҳудудининг ер ости сувлари нисбатан чуқур жойлашган текисликларида сур-қўнғир, тоғ олди текисликлари ва адирларда бўз, тоғларида жигар ранг, қўнғир тоғ-ўрмон каби автоморф тупроқ турлари жойлашган. Аксинча, ер ости сувлари юза бўлган жойларда гидроморфли тупроқлар — ўтлоқ, ботқоқ, ботқоқ-ўтлоқ каби тупроқ турлари мавжуд. Гидроморфли тупроқ турлари яна жойнинг геоморфологик шароитига (дарёнинг қўйи қайирларида) боғлиқ ҳолда тоғ олди текисликларида ҳам учрайди.

Ўзбекистонда арид иқлим шароитида вужудга келган сур-қўнғир тусли, тақир, қумли каби тупроқларида чиринди миқдори ниҳоятда кам бўлиб, тупроқнинг усти қатламида 1,0% атрофида мавжуд. Бунга асосий сабаб иқлимий шароитларни (ёз иссиқ, қурғоқчил бўлиб, узоқ давом этишлиги) нокулайлиги туфайли ўсимликларнинг ниҳоятда сийрак ўсишидир.

Ўзбекистон ҳудудида яна суфориладиган жойларда маданий суфориладиган тупроқлари тури вужудга келган. Чунки кишилар минг йиллаб тупроқни суфориб, ҳар хил ўғитлар солиб, ишлов бериб табиий хусусиятларини ўзгартириб юборган. Бундай тупроқ турларига воҳа-утлоқ, воҳа-ботқоқ, воҳа-бўз каби тупроқлар киради.

Ўзбекистоннинг текислик-чўл қисмидаги тупроқларнинг ўзига хос томонлари шундаки, чиринди миқдори кам бўлишидан ташқари юқори карбонатли, шўрлашган ва баъзи ерларида шўрхоклар мавжуд. Жумҳурият чўл қисми тупроғининг 40% сур-қўнғир тусли тупроққа, 36% қумларга, 5,4% тақирли тупроққа, 3,18% қумли чўл тупроққа, 3,8% шўрхокка, 0,5% тақирларга тўғри келади.

Демак, Ўзбекистоннинг чўл қисмida энг кўп тарқалган тупроқ бу сур-қўнғир тупроқ туридир. Бу тупроқ тури жумҳурият ер фондининг 25—30% ни ишғол қилиб, асосан бўр, палеоген, неоген даврларининг қумтош, гил, мергель, оҳактош ва қадимий пролювиал, эллювиал ётқизиқларда ташкил топган. Сур-қўнғир тупроқлар Устюрт платоси, Қизилқумдаги қолдиқ тоғ этаклари ва баландликлари, Қарши, Малик чўлларидағи қолдиқ тоғ этакларида жойлашган.

Сур-қўнғир тупроқ таркибида чиринди миқдори кам бўлиб, устки қатламида гумуснинг миқдори 0,3—0,7% гача боради. Сур-қўнғир тупроқ шўртанг бўлиб, унинг таркибида кальций карбонат

кўл, лекин у чуқурлашган сари камайиб, аксинча, гипс миқдори ортиб боради. Сур-қунғир тупроқнинг 40—60 см чуқур қисмидан бошлаб бутун тупроқнинг 60%, баъзи жойларида эса 80% и гипсдан ташкил топади. Гипсли қатламнинг қалинлиги одатда 25—80 см. Устюрт платосида эса ҳатто 2,0 м. га етади.

Сур қунғир тупроқ тарқалган баъзи жойларда (Устюрт платосида, Қизилқумнинг қолдиқ тоғлари этаклари) тупроқ устида тез эрийдиган тузлар учрайди, бинобарин бундай шароитда сур-қунғир тупроқ шўрхок ва шўртоб тупроққа айланади.

Ўзбекистон ҳудудининг кўпгина қисмida қум ва қумли чул тупроқлари жойлашган. Бундай жойлар қаторига Қизилқум, Амударё, Қашқадарё ва Зарафшон дарёларининг қадимий дельталари, Сурхондарёнинг қуий қисми (Ховдоғ, Боботоғ этаклари), қисман Марказий Фаргона киради.

Жумҳуриятимизнинг чўл қисмидаги қадимги аллювиал текисликларида, Устюрт платосининг жанубий қисмida, Амударё ва Зарафшон дарёларининг қуий қисмидаги қадимий дельталарида, Қарши чўлининг жануби-ғарбий қисмларида тақиrlар ва тақиrlи тупроқлар учрайди. Тақиrl ва тақиrlи тупроқлар эгаллаган майдон жумҳурият ер фондининг 4,0% ни ишғол қиласди.

Тақиrl тупроқ турлари чўл зонасидаги қадимий қуруқ дельталарда, дарё қайирларида ва марза қумлар орасида, тоғ олди текисликларида учрайди. Тақиrl тупроқ тури таркибида чиринди кам (0,5—0,8%), чиринди сақловчи қатлам юпқа (10—12 см) ва карбонатлидир.

Тақиrlар асосан аллювиал ва пролювиал ётқизиқлардан ташкил топган, таркибида гилли жинслар кўп бўлган жойларда учрайди. Тақиrlар юзаси қаттиқ бўлиб, ёрилиб кетган. Чунки тақиrlар юзаси баҳорда ёғин сувлари билан тўлиб, ёзда улар буғланиб кетиб, қуриб қотиб, ёрилиб-ёрилиб кетади ва ҳатто устида от юрсада изи тушмайди, чиринди миқдори ніхоятда кам (0,4—1,0%).

Ўзбекистон ҳудудининг баъзи жойларида, хусусан Қуий Амударёнинг қайир-аллювиал ётқизиқлари устида ўтлоқ-тақиrl, тақиrl-ўтлоқ тупроқ тури учрайди. Бундай тупроқ тури жойлашган майдон жумҳурият ҳудудининг 1,02% ни ишғол қиласди. Ўтлоқ-тақиrl, тақиrl-ўтлоқ тупроқлар кўпроқ грунт суви ер бетига яқин (2—5 м бўлган жойларда учраб, у ёки бу даражада шўрлашган ва чиринди миқдори кам бўлиб, 0,7—0,9% ни ташкил этади.

Жумҳуриятимизнинг Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё каби дарёларининг қуий қайирларида ўтлоқ тупроқлар ҳам учраб таркибида чиринди миқдори 2% гача боради. Бу тупроқ майдони Ўзбекистон ер майдонининг 3,97% ишғол қиласди. Лекин бу тупроқ тури кўп жойларда суғориладиган ўтлоқ тупроққа айлантирилган.

Ўзбекистон ҳудудининг чўл қисмидаги ботиқларда, қадимий кўуллар ўрнида, ер ости суви юза (1 м.) бўлган жойларда эса ботиқ-ўтлоқ тупроқлар учрайди. Бу тури жумҳурият ер фондининг 0,15% ни ташкил қиласди.

Жұмхуриятимизнинг дарё водийларида, дельталарида, ки-
чик берк ботиқларда, тоғ олди қия текисликларда, қолдиқ пла-
толар ва тоғлар орасидаги ботиқларда, қисман эса бўз тупроқ
минтақасининг қуи қисмларида шўрхоклар учрайди. Шўрхок-
лар Узбекистон ер фондининг 2,83% ни ишғол қиласи. Шўрхок-
лар грунт сувлари ер юзасига яқин (0—3 м) ҳамда ёғинга нисба-
тан мумкин бўлган буғланиш бир неча ҳисса кўп жойларда ву-
жудга келади. Чунки грунт суви ер бетига яқин бўлган жойларда
буғланиш туфайли сув буғга айланиб кетиб, тузлар эса
тупроқ юзасида тўпланаверади, натижада шўрхоклар вужудга
келади. Шўрхок тупроқлар таркибида сувда тез эрийдиган хлор-
ли, сульфатли ва натрийли тузлар кўп бўлиб, унинг кимёвий ху-
сусиятини ёмонлаштиради.

Тупроқлар таркибида тузлар миқдори 3% дан ошса, шўрхок-
лар вужудга келади, оқибатда тупроқ юзаси оппоқ ва юпқа
туз қатлами билан қопланади. Шўрхокларда чиринди деяр-
ли бўлмайди, фақат ўтлоқ ва ботқоқ шўрхоклардагина гумусли
қатlam вужудга келиб, ажриқ ва қиёқ ўсади (гумус миқдори
1,0% дан кам), қолган шўрхокларда онда-сонда ҳолда шўралар
ўсиши мумкин. Шўрхоклар шунингдек воҳалар атрофида ҳам
учраб, илғор агротехник ва мелиоратив усусларни қўллаб дех-
қончиликда фойдаланса бўлади. Сунги йилларда Узбекистон-
нинг суфориладиган ерлари орасида ҳам агротехника қоидала-
рига риоя қилинmasлиги оқибатида тупроқ қайта шўрлашмоқда.

Утлоқ-воҳа (суфориладиган) тупроқлари асосан Амударё, За-
рафшон ва Қашқадарёларнинг қуи қисмларида, Қарши, Шеробод
чўлида учрайди. Тақир-утлоқ суфориладиган тупроқ тури Қуи
Амударё ва Қуи Зарафшонда, ўтлоқ-воҳа (суфориладиган) туп-
роқ тури эса Қашқадарёнинг қуи қисмида ва Шеробод чўли-
да учрайди. Бундай тупроқлар таркибида чиринди миқдори 1—
1,3% ни ташкил этади. Лекин ўтлоқ-воҳа тупроқлари минг йил-
лаб суфорилиб, ишлов берилиб, ҳар хил ўғитлар солиниши нати-
жасида ўзининг табиий ҳусусиятларини ўзгартириб, маданий во-
ҳа тупроғига айланган. Шу сабабли маданийлашган (агроқат-
лам) қатlam 2—3 метрга етади. Бу аграр қатlam орасида ҳар
хил сопол идишлар қолдиги, ғишт, кўмир, суяқ ва бошқа қол-
диқлар учрайди. Утлоқ-воҳа тупроғи баъзи жойларда нотўғри
агротехник усусларни қўлланиши туфайли шўрлашган, биноба-
рин, улардан юқори ҳосил олиш учун шўрини ювиб туриш ке-
рак.

Узбекистон тоғли қисмида рельефнинг баландлашуви туфайли
ҳаво ҳарорати пасая боради, аксинча, ёғин миқдори ортади, оқи-
батда, чўлга хос ўсимлик турлари ўзгариб, ўз ўрнини ҳар хил
утларга, бута ва ўрмонларга, тоғларнинг юқори қисмида эса ўт-
лоқларга бўшатиб беради. Бинобарин, ландшафтнинг баланд-
лик минтақаланиши вужудга келиб, унинг бир унсури ҳисоб-
ланган тупроқ турлари ҳам юқорига кутарилган сари ўзгариб,
учта минтақасини ҳосил қиласи: буз тупроқли адир минтақаси:

төр-жигар ранг ва құнғир төр-ұрмон миңтақаси ва оч тусли құнғир үтлоқ баланд төр (яйлов) миңтақаси.

Ўзбекистоннинг адир қисмида бұз тупроқ миңтақаси жойлашган. Бұз тупроқтың адир миңтақаси төр этаклари бүйлаб 1200—1400 м. баландлыкларгача күтарилади. Рельефнинг баландлашиши натижасыда ёғин миқдори ортади, ұсимликтер тури күпайиб, қалин ұсади. Булар үз навбатида тупроқ пайдо булиш жараёнига, бинобарин, тупроқдаги чиринді миқдорига таъсир этади.

Бұз тупроқ карбонатлы булиб, карбонат миқдори унинг қуий қисмиға қараб ортиб боради. Агар бұз тупроқнинг устки қисмидә карбонат миқдори 10—15% бўлса, қуий қисмидә (100—140 см чуқур қисмида) 25% га етади. Бұз тупроқ таркибида чиринді миқдори 1—2% дан 4—5% гача боради. Буз тупроқ тарқалган майдон жумхурият ер фондининг 26,51% ни ишғол қиласи.

Бұз тупроқ үзининг морфологик ва кимёвий таркибига кура пастдан юқорига қараб оч тусли, типик ва түк тусли бұз тупроқ турларига бўлинади. Жойнинг геоморфологик ва гидрогеологик хусусиятларига кўра буз тупроқ миңтақасыда яна яримгидроморфли үтлоқ-буз, бўз-утлоқ ва яна гидроморфли үтлоқ, ботқоқ-утлоқ, ботқоқ тупроқ турлари ҳам учрайди.

Оч тусли бұз тупроқ мутлоқ баландлиги 250—400 м. булган төр олди текисликларида, дарёларни баланд (эски) қайирларидан, паст төр этакларида (жумхурият жанубида) кенг тарқалган. Бу жойларда тупроқ ҳосил құлувчи жинс лёсс ва келтирма конусларнинг аллювиал-пролювиал ётқизиқлари ҳисобланади. Оч бұз тупроқ типик бұз тупроқдан чимли устки қатлами оч бұз туслилиги, чиринді миқдорининг камлиги, чиринді сақловчи қатламишининг юпқалиги, карбонатлы қатлам юзасига яқинлиги билан ажралиб туради.

Оч тусли бұз тупроқда чиринді миқдори устки қисмидә (13—15 см чуқурлікда) 1,5—1,7%, сұнгра чиринді миқдори камайиб 100 см. чуқурлікда 0,1—0,35% га тушиб қолади. Оч тусли бұз тупроқ орасыда турли миқдорда шурлашган тупроқтар ҳам учрайди. Оч бұз тупроқнинг күп қисми суфориладиган, оз қисми лалмикор ерларга тұғри келади. Оч тусли бұз тупроқ тарқалган майдон жумхурият ер фондининг 4,48 фойзини ишғол қиласи.

Типик бұз тупроқ жумхуриятимизнинг 300—400 м. дан 800 м. баландда бұлган төр олди текисликларида, қырлар ва паст төрларидан, дарёларнинг баланд қайирларидан кенг тарқалган. Бу тупроқ турини ҳосил құлувчи жинс асосан лёсс ва лёссымон ётқизиқлар ҳисобланади. Типик бұз тупроқ оч бұз тупроқдан таркибида чиринді миқдорининг күплигі, чиринді сақловчи қатлам қалинлиги ва бироз түк туслилиги билан ажралиб туради.

Типик бұз тупроқнинг устки қатламида чиринді миқдори 1,5 дан 2,5% гача, айрим (хар хил үтлар қалин ұсадиган) жойларда 2,88% гача етади. Бунинг устига гумус сақловчи қатлам қалин булиб, 60—70 см. гача, айрим ҳолларда 90—100 см. чуқур қисмидә ҳам учрайди.

Типик бўз тупроқ оч бўз тупроққа нисбатан карбонатли бўлиб, тузли ва гипсли қатлам анча чуқурда жойлашган. Типик бўз тупроқнинг кўп қисми сугорилиб дехқончилик қилинади, бир қисмидан эса лалмикор экинлар экиб фойдаланилади.

Типик бўз тупроқ тарқалган ҳудудларига кўра оч бўз тупроқ майдонидан каттароқ бўлиб, Ўзбекистон ер фондининг 6,77 фойзини ишғол қиласди. Тўқ тусли бўз тупроқ Ўзбекистон ҳудудининг 600—800 м. дан 1400—1600 м баландда жойлашган тоғ олди қияликларини, паст тоғларни ишғол қиласди. Тўқ тусли бўз тупроқ асосан лёссимон қумоқ ётқизиклар тарқалган жойларда вужудга келган бўлиб, типик бўз тупроқдан чириндисининг кўплиги, чиринди сақловчи қатламнинг қалинлиги, бинобарин, устки қисми тўқ туслалиги билан ажralиб туради.

Тўқ тусли бўз тупроқнинг устки қатламида чиринди миқдори 2,3—3% га, айрим жойларда эса ҳатто 4,5% гача боради. Чиринди сақловчи қатлам эса 120—130 см. чуқурликкача жойлашган. Бу тупроқ оч ва типик бўз тупроққа нисбатан ишқори яхши ювилган бўлиб, шўрланган тупроқ деярли учрамайди, гипсли қатлам эса анча чуқурда (2—2,5 м. да) жойлашган.

Тўқ тусли бўз тупроқ анча баландда жойлашганилиги туфайли ундан сугорища кам фойдаланилади, аксинча асосан баҳорикор экинлар экишда фойдаланилади.

Тўқ тусли бўз тупроқ Ўзбекистонда оч ва типик бўз тупроққа нисбатан камроқ майдонни ишғол қилиб, жумхурият ер фондининг 2,33% ни эгаллайди, холос.

Ўзбекистон ҳудудидаги Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Чирчиқ, Оҳангарон водийларида, Қарши ва Мирзачўл-Жиззах чўлларида сугориладиган бўз тупроқ кенг тарқалган. Бу тупроқ узоқ йиллардан бери сугорилиб, ишлов берилиб, ҳар хил ўғитлар солиниб унинг табиий ҳолатини, яъни физик ва қимёвий ҳолатини ўзgartириб юборилган, устки қисмida 1—1,5 м. қалинликда деярли бир хил маданий (агроирригация) қатлам вужудга келтирилган. Сугориладиган бўз тупроқда чиринди миқдори юқори қатламида 1—2% га етади.

Сугориладиган бўз тупроқ тарқалган минтақанинг қуйи қисмida грунт сувининг силжиши қийин бўлган жойларда агротехника қоидаларида тўла риоя қиласлик туфайли тупроқнинг қайта шўрлашиш жараёни мавжуд. Бундай жойларда тупроқ мелиорацияга муҳтождир. Сугориладиган бўз тупроқлар кўпроқ хлор-сульфат тузлари билан шўрлашган.

Бўз тупроқли адир минтақасида яна ўтлоқ-бўз, ботқоқ-утлоқ бўз, ботқоқ-бўз каби гидроморф тупроқ турлари ҳам учрайди. Бундай бўз тупроқ турлари Зарафшон, Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон, Сурхондарё, Қашқадарё каби дарёларнинг эски юкори қайирларида, дельталарида, тоғ этакларида текисликларнинг қуйи қисмларида жойлашган.

Ўтлоқ-бўз тупроқлари ер юзасига яқин (1—3 м) бўлган грунт сувлари билан намланиб, устки қисмida анча қалин ўтлоқ ўсимликлари ўсади. Бу эса ўз навбатида ўтлоқ-бўз тупроқлар тар-

кибида чиринди миқдорининг 2,5—3% гача, ҳатто ўтлоқ-тұқ бұз тупроқда эса 4,5—5% гача бұлишига сабабчи булған.

Ўтлоқ-бұз тупроқ тарқалған ва рельефи бир оз чуқур бұлған жойларда ботқоқ-ўтлоқ ва ботқоқ бұз тупроқ тури учрайди. Бундай жойларда گрунт суви ер бетига яқын (0—1,0 м) жойлашынлиги туфайли тупроқ ўта намлашған бұлади. Ўтлоқ-ботқоқ ва ботқоқ тупроқ таркибида органик моддалар күп тұпланып, торф ҳосил бұлишига сабабчи бұлади.

Ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ ва ботқоқ тупроқлар Ўзбекистон умумий майдонининг 3,36 фоизини ишғол қилиб, күп қисми сугориладын ерларга тұғыры келади. Лекин сугориладын ўтлоқ-ботқоқ ва ботқоқ тупроқлар тарқалған жойларда унинг шүріни қочириш учун ер ости сув сатқини пастга тушириш мақсадида зовур-дремажлар қуришни талаб қиласы.

Жигар ранг ва қорамтири-құнғир тоғ-ұрмөн тупроқ мінтақасы Ўзбекистон тоғларыда 1200—1600 м. дан 2800—3000 м. баландликтерде жойларда учрайди. Бу тупроқ мінтақасы тоғларнинг шимолий ғанағирларида 2500—2600 м. гача, жанубий ғанағирларида эса 2800—3000 м. баландликка күтарилади. Бундай баландліктерде ҳарорат ёзда чүл ва адирга нисбатан пастроқ, ёғын миқдори эса күп. Бундай иқлими шароитта үсімліктар зич ва қават бұлып үсады. Бириңчи қаватида ҳар хил ўтлар қалин бұлып үссә, иккінчи қаватида дұлана, наъматак, бодом, писта, олича, арча, ғанық, заранг каби бута ва дараҳтлар үсады. Бу мінтақада тупроқ ҳосил қылувчи жинслар құмоқлар, сарғыш-құнғир тусдагы гиллар ва шағаллар ҳисобланады.

Бу мінтақада тупроқлар табиий шароитта боғлиқ ҳолда тарқалған. Тоғларнинг нисбатан қурғоқчилроқ қисмларыда жигар ранг тупроқ тури, аксинча, намроқ ва баландроқ, кенг барғли ұрмөнлар сероб бұлған қисміде эса қорамтири-құнғир тоғ-ұрмөн тупроқ тури тарқалған.

Жигар ранг тупроқ тури гумус сақловчи қатламнинг қалинлигі (70—100 см), донадорлигі, гумус миқдорининг (юқори қатламида) күплигі (4—5% дан айрим ҳолларда — арқазор тағида 11% гача боради) туфайли рангини құнғир-жигарранг ва тұқ-құнғир тусдалиғы билан бұз тупроқдан ажралиб туради.

Жигар ранг тупроқ тури тарқалған мінтақаларда ёғын миқдорининг нисбатан күплигі (йилига 500—800 мм) туфайли тупроқнинг юқори қатламидағы сувда тез эрийдиган тузлар ювилиб пастки қисміга тушади, бинобарин, бу тупроқ түрінің юқори қатламида қарбонаттар жуда кам, аксинча, остки қатламида тұплапты, күпаяди. Бундай жараёнлар үз навбатида жигар ранг тупроқ турида шұрлашиш ҳодисасыга ийл құймайды.

Жигар ранг тупроқ баъзи ёнбағри тикроқ, юзаси нисбатан парчаланған, үртака баландлікка ега бўлған тоғларда кишиларнинг нотұғри хұжалик юритиши (ұрмөнларни нотұғри кесиши, бир ерда сурункасига мол боқиши, ерларни нотұғри ҳайдашы ва бошқ.) натижасыда эрозияға учраган.

Жигар ранг тупроқларни эрозиядан сақлаш учун зудлик билан қуидаги чораларни амалга ошириш керак: ёнбағри тик бұлған жойларни ҳайдаб әкін әкмаслик ёки күп үйлік ем-хашак әкиш; үрмөнзорлар ташкил этиш; мол боқишиңи тартибга солиш үзекісінде.

Ўзбекистон тоғларининг юқори қисміда, хусусан Фарбий Тяньшань тоғларининг сернам ҳамда ёнғоқзорлар ва буталари тағида қорамтири құнғир тоғ үрмөн тупроқ тури жойлашган. Бу тупроқ тури морфологик жиҳатидан жигар ранг тупроқ турига яқин. Лекин ундан таркибида чиринді миқдорининг күплигі, бинобарин, рангини қора-құнғир туслиги, донадорлығы, унумдорлығы билан ажралиб туради. Қорамтири-құнғир тоғ-үрмөн тупроғининг устки қатлами таркибида чиринді миқдори 14% га қадар бұлади. Қорамтири-құнғир тоғ-үрмөн тупроғидан агротехника қоидаларига риоя қилиб әкін әкілса яхши қосыл олиш мүмкін.

Ўзбекистонда жигар ранг ва қорамтири-құнғир тсғ-үрмөн тупроғи жумхурият умумий майдонининг 3,68% ни ишғол қиласылади.

Ўзбекистон тоғларининг энг баланд қисмларыда (3000—3300 мдан юқорида) оч тусли құнғир тупроқ минтақаси жойлашган. Оч тусли құнғир тупроқ тарқалған жойлар Ўзбекистон тоғларининг энг баланд қисмларыда жойлашғанлығы учун тупроқ унчалықтардың әмбеттесінде жиңіздіктерге үшінші орын берілді. Оның калин әмас, чунки скелеттің делювиал жиңіздіктерге үшінші орын берілді. Рельефи құлай, нам, үсимликлар қалин үсгандар. Тоғларнинг шимоли-ғарбий ёнбағирларыда бу тупроқ тури нисбатан кенг тарқалған бўлиб, таркибида гумус миқдори 5—7% гача, гумус сақловчи қатлам эса 30—60 см. етади. Аксинча, тоғларнинг құйғаша қараган жанубий ёнбағирларыда тупроқ яхши қорасынан көрсетілген күп жойларыда туб она-жиңіздіктерге үшінші орын берілді. Бундай жойлардагы мавжуд бўлған оч тусли құнғир тупроқлар қатлами юпқа, таркибида чиринді миқдори кам булиб, 2—3% ни ташкил этади.

Оч тусли құнғир тупроқ тарқалған минтақасында күп қисм тошлоқлардан, очилиб қолған туб жиңіздіктерден, қурумлардан, доимий қор ва музликлардан иборат.

Оч тусли құнғир тупроқли баланд тоғли минтақасында доимий қорларга яқин жойларыда, булоқ ва сизотлар атрофикация катта майдонға эга бўлмаган баланд тоғли утлоқ ва торфли-ботқоқ тупроқ тури жойлашган. Бу тупроқ турлари ичіда торфли-ботқоқ тупроғининг устки (0—10 см) қисми таркибида 18—20% гача чиринді (гумус) мавжуд. Лекин торфли-ботқоқ тупроқнинг 10 см. дан қуий қисміда гумус миқдори кескін ўзгариб, 1—3% га тушшиб қолади.

Оч тусли құнғир тупроқ тарқалған майдон унчалықтардың әмбеттесінде жиңіздіктерге үшінші орын берілді. Бундай жойлардагы мавжуд бўлған оч тусли құнғир тупроқ тарқалған майдонининг 1,19 фойзини ташкил этади, холос. (18- жадвалга қаранг.)

Ўзбекистон ҳудудининг тоғли қисмида сув эрозияси кучли бўлиб, у яйловлардан нотўғри фойдаланиш, тик ёнбағирларни нотўғри ҳайдаш, ўсимликларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш оқибатида содир бўлмоқда. Жумҳуриятимиз төр ва тоғолда қисмларида тупроқ майдонининг 15,44 % сув эрозиясига учраган. Тупроқ — инсоният ҳаёти учун жуда зарур бўлган ресурсдир. Чунки инсон ўзи учун зарур бўлган озуқа маҳсулотларини тупроқдан олади. Бу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон жуда қулай имкониятга эга. Чунки унинг ҳудудида 44,7 млн. га ер майдони бўлиб, мутахассисларнинг маълумотига кўра суформа дехқончилик учун ўзлаштириш мумкин бўлган ерлар 18 млн. гектарни ташкил этади. Ҳозирча умумий ер фондининг фақат 4,2 млн. гектаридангина суформа дехқончиликда фойдаланилмоқда, холос. Қолганлари яйловларга, ўрмонзорларга ва бошқаларга тўғри келади.

Дехқончиликда фойдаланилаётган ерларнинг 4,2 млн. гектари суфориладиган майдонга тўғри келади. Ўша суфориладиган майдоннинг 1,6 млн. гектари чўл зонасида, қолган 2,6 млн. гектари эса бўз тупроқ минтақаси зиммасига тушади. Демак, суфориладиган тупроқлар майдоннинг 62,0 % бўз тупроқлар минтақаси зиммасига тўғри келади. Ваҳоланки, Ўзбекистонда бўз тупроқ тарқалган майдон 8,0 млн. гектардан ортиқ бўлиб, ушани 6,5 млн. гектари оч, типик ва тўқ бўз тупроқларга, қолгани эса ўтлоқбўз, бўз-утлоқ ва ўтлоқ, ботқоқ-утлоқ тупроқлар зиммасига тушади.

Ўзбекистонда ҳозирча суфорилаётган умумий майдоннинг 60 % дан ортиги ўтлоқ воҳа (суфориладиган воҳа) тупроқларига тўғри келади. Бундай жойларга Қуйи Амударё, Қуйи Зарафшон, Марказий Фарғона, Қуйи Қашқадарё, Қуйи Сурхондарё каби воҳалар киради.

Ўзбекистонда суфориладиган тупроқнинг 50 фоизи (2,1 млн. га яқин) у ёки бу даражада шўрлашган.

Ўзбекистонда суфориладиган ерларнинг 2,1 млн. гектари хавфли даражада, шу жумладан 0,7 млн. гектари ўртача ва кучли даражада эрозияга учраган. Суфориладиган тупроқларнинг шўрлашишига ҳам табиий, ҳам антропоген омиллар сабабчидир. Баъзи жойларда грунт сувнинг силжиши қийин (Қарши ва Мирзачўл) бўлганилигидан тупроқ шўрлашса, баъзи ҳолларда илғор агротехника қоидаларига (суфориш қоидасига, миқдорига риоя қиласлик) амал қиласлик туфайли тупроқ қайта шўрлашади.

Ўзбекистон ҳудудида 6,6 млн. гектар тупроқ лалмикор зонада жойлашган. Булар асосан типик, тўқ бўз тупроқ ҳамда жигар ранг ва қўнғир ўрмон тупроқлар минтақасига тўғри келади. Лекин ҳозирча ўша 6,6 млн. гектардан фақат 1,1—1,3 млн. гектари ҳайдалиб дехқончилик қилинмоқда. Қолганлари эса яйлов, ўтлоқ сифатида фойдаланилмоқда. Ўзбекистондаги лалмикор ерлар асосан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё каби вилоятларда жойлашган.

Эрозияга учраган тупроқлар
(% ҳисобида)



17-расм. Эрозияга учраган тупроқлар (% ҳисобида)

Жумҳуриятимиздаги лалми ернинг 20 фоизи хавфли даражада эрозияга, хусусан сув эрозиясига дучор бўлган (17-расм). Бунга асосий сабаб ўтлоқ ва яйловлардан чорвачиликда нотўғри фойдаланиш, ерларни нотўғри ҳайдаш, ёнбағирлари қия бўлган жойларга бир йиллик экинлар экиш, ўрмонларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш кабилар сабабчидир.

Ўзбекистон ер фондининг энг кўп қисми (26,5—27,0 млн. гектари) яйловларга тўғри келади. Яйловларнинг 42,0% сур-қўнғир тупроқлар жойлашган ерларга, 50% қумли, қумоқ, ўтлоқ ва бўз тупроқларга, 8% эса бошқа тупроқларга тўғри келади. Лекин сўнгги йилларда яйловлардан нотўғри фойдаланиш (сурункасига бир жойда мол боқиш, тик ёнбағирларни нотўғри ҳайдаш, дараҳтларни бетартиб кесиш, геологик-қидирув ишлари, йўл куриш, газ ва бошқа қувурлар ётқизиш ва бошқ.) туфайли яйловлар сифати ёмонлашиб, қумлар кучиб, қайта чўллашмоқда, тупроқ эрозияга учрамоқда. Маълумотларга кўра жумҳурият яйловларининг 27 фоизининг сифати ўзгариб кетган.

Ўзбекистон сугориладиган ерларининг 722 минг гектари ирригацион (сугорилма) эрозияга учраган. Бундан ташқари 700 минг га лалмикор ерлар ҳам сув эрозиясига дучор бўлган.

Сугориш эрозияси асосан нишаб ерларни кўп сув оқизиб, қаровсиз қолдириш оқибатида вужудга келса, лалми ерлардаги эрозия тик ёнбағирларни нотўғри ҳайдаб, бир йиллик экин экиш туфайли вужудга келади.

Жумҳуриятимизда 0,6 млн. гектар майдон шамол эрозиясидан зарар кўрмоқда. Шамол эрозияси айниқса Фарғона, Зарафшон водийисида, Мирзачўлда, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кучли. Шамол эрозияси туфайли тупроқнинг энг устки ҳосилдор қатлами зарар кўради, яъни учирив кетади, оқибатда тупроқ ҳосилдорлиги кескин камаяди.

Ўзбекистон тупроқларини муҳофаза қилиш ўз ичига уни ифлосланишдан сақлаш каби масалани ҳам олади. Чунки эрозия туфайли тупроқ таркиби бузилиб, унумдорлиги кескин камайиб кетса, ифлосланиш туфайли тупроқнинг кимёвий ва биологик хусусияти ўзгариши, бинобарин, модда алмашинувида бузилиш юз беради, заҳарланади, унда ҳар хил касаллик тарқатувчи микролар кўпайиб кетади.

Ўзбекистон тупроқ қатламини минерал ва заҳарли кимёвий моддалар, саноат ва шаҳар чиринди ахлатлари, коммуникация (газ, нефть, сув, иссиқлик қувурлари) қувурлари ифлослайди (18-расм).


Ўзбекистон қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш ва зааркундаларга қарши курашиш мақсадида йилига катта миқдорда минерал ўғит ва ҳар хил заҳарли кимёвий моддалар ишлатилмоқда. Бу ўғит ва заҳарли кимёвий моддаларнинг бир қисми тупроқда тўпланиб, уни ифлосламоқда.

Тупроқни саноат ва шаҳар чиқиндилари билан ифлосланишдан сақлаш учун уларни қайта ишлаб, зарур моддаларни ажратиб олиб, заарсизлантириб чиқаришга эришиш керак.

Ўзбекистон тупроқ қопламини коммуникация қувурлари таъсирида заарланишидан сақлаш учун коммуникация қувурлари ва кабелларини ётқизиш қойдаларига ва айниқса экологик зонани кенглигига тўла риоя қилиш; қувурлар ва кабелларни маҳсус туннель қазиб, ўша туннель орқали ўтказишга эришиш зарур.

Ўзбекистон тупроқ қоплами шамол, сув, кимёвий эрозияга учраб, заҳарли моддалар билан ифлосланишдан ташқари яна тоғ-кон саноати таъсирида ҳам зарап курмоқда. Маълумотларга қараганда тоғ-кон саноати ишлари билан бузилган ерлар ҳозир 1500 гектарни ташкил этади. Бунинг устига ҳар йили 40 млн. тонна ҳажмида тоғ жинслари, шлаклар, куллар, нокерак моддалар атрофга чиқариб ташланмоқда. Натижада тупроқ майдони қисқариб, ифлосланмоқда. Шу сабабли бундан бўён ўша тоғ-кон саноат чиқиндиларидан қайта фойдаланиб, улардан фойдали маъданларни ажратиб олишга эришиш; тоғ-кон саноати бузтан ерларни, кераксиз чиқариб ташланган жинслар қоплаган жойларни зудлик билан рекультивациялаш зарур.

Савол ва топшириқлар. 1. Ўзбекистон рељеф, иқлим, тупроқ ва усимлиқ хариталарини бир-бирига таққослаб, нима учун унинг ҳудудида тупроқ турлари билан ҳам эмаслигини тушунтириб беринг. 2. Нима сабабдан Ўзбекистон текислик-чул қисмидаги тупроқлар таркибida ҳар хил тузлар мавжуд бўлиб, шўрлашганд? 3. Қандай табиий шароитда гидроморфли тупроқ турлари вужудга келади? 4. Нима сабабдан сур-қунгир тусли тупроқларда чиринди кам? 5. Ўзбекистон тупроқ харитасидан тақирил тупроқ, тақир ва шўрхок тупроқлар тарқалган ерларини топиб, қандай шароитда тақир ва шўрхоклар вужудга келишигини тушунтириб беринг. 6. Нима сабабдан типик ва тўқ буз тупроқларда гумус миқдори нисбатан күп ва чиринди сақловчи қоплам қалин? 7. Жигар ранг тупроқ билан қорамтири қунгир тог-ўрмоқ тупроқлар билан хил баландлик мина таҳаддузлашса-да уларнинг тафовутлари бор, сабабини тушунтириб беринг. 8. Нима сабабдан тоғларда у ёки бу тупроқ тури ёппасига туташиб жойлаш-



тан эмас? 9. Воҳа тупроғи деб қандай тупроққа айтилади? 10. 8-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган энг муҳим тупроқ турларини майдонини акс эттирувчи диаграмма тузинг 11. Ўзбекистон ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишида қайси тупроқ тури кўп майдонни өгаллади? 12. Ўзбекистонда тупроқ эрозиясини қайси тури устунлик қиласди? Сабабини тушунириб беринг. 13. Қандай жойларда тупроқ шурлашади ва унга қарши қандай чоралар курилади? 14. Нима учун ва қандай омиллар таъсирида тупроқ ифлосланади? 15. Тупроқни муҳофаза қилиш деганда нималарни тушучасиз?

ЎСИМЛИКЛАРИ

Ўзбекистон ҳудудининг катталиги, табиий шароитининг ҳамма қисмида бир хил эмаслиги, унинг ўсимлик қопламига ҳам таъсир этган. Табиий-географик шароитга боғлиқ ҳолда ўсимлик турлари жумҳурият текислик-чўл қисмидан унинг тоғ қисми томон ўзгариб боради.

Ўзбекистон ҳудудининг кўпчилик қисмидаги табиий шароитнинг ўсимликлар ўсиши учун ноқулай бўлишига қарамай (ёзи юссиқ, қуруқ, серофтоб, қиши нисбатан совуқ) ўсимликларнинг 120 оиласга мансуб бўлган 3700 тури мавжуд. Ваҳоланки, Қrim ярим оролида 2000, Ўзоқ Шарқда 1966, Олтойда эса 1787 ўсимлик тури бор.

Ўзбекистон ҳудудида ўсимликлар унинг геоморфологик тузилишига боғлиқ ҳолда қўйидан юқорига кўтарилиган сари ўзгариб боради.

Биз жумҳурият ўсимликларнинг баландлик минтақа бўйича ўзгаришини К. З. Зокиров тақдим этган қўйидаги минтақаланиш бўйича берамиз: чўл, адир, тоғ ва яйлов.

Ҳар бир баландлик минтақа ўсимлиги уша ҳудуд геоморфологик тузилишига, иқлимий хусусиятларига, тупроқ қопламига боғлиқ ҳолда шароитга мослашгандир. Агар жумҳурият тоғли қисмida ўсимлик қоплами рельефга (тоғ ёнбағрининг қиялигига, қуёшга нисбатан ҳолатига, тоғ жинсига ва бошқалар) боғлиқ ҳолда жойлашса, текислик қисмida энг аввало тупроқнинг меҳаник таркибига, қай даражада шўрлашганлигига, ер ости сувига, иқлимига боғлиқ ҳолда жойлашади.

Чўл минтақаси. Бу минтақа Ўзбекистоннинг текислигининг 400—500 м. баландликкача бўлган қисмини ўз ичига олади ва жумҳурият ер майдонининг 70% ни ишғол қиласди. Чўл минтақасига Ўзбекистоннинг Қизилқум, Қарши, Мирзачўл каби чўллари, Марказий Фарғона, Устюрт, Қуий Амударё, Қуий Зарафшон ва Қуий Сурхондарё каби регионлари киради.

Чўл минтақасининг ёзи қуруқ, жазирама, серофтоб, ёғинга нисбатан мумкин бўлган буғланиш кўп, қиши эса шу географик кенгликда жойлашган Ўрта денгиз атрофидаги мамлакатларга нисбатан совуқ. Бу минтақада ёғин миқдори кам бўлиб, унинг фарбий қисмida 80—100 мм, шарқида 250—300 мм, тоғ олди қисмларида эса 300—350 мм. га етади. Аксинча, мумкин бўлган буғланиш фарбида 1000—2000 мм, қолган қисмларида 1000 мм атрофифа.

Бунинг устига асосий ёғин баҳор, қишига түғри келиб, жазира маёзда деярли ёғин тушмайди. Шу сабабли чўл минтақасидаги ўсимликлар узоқ давом этган қуруқ ва жазира маёзга мослашган бўлиб, танаси гўштли, барги сертуқ, илдизи узун.

Чўл минтақасида намгарчилик етарли бўлган баҳор фаслида эфемер (бир йиллик ўтлар) ва эфемериidlар (куп йиллик ўтлар) ўсади. Бу даврда чўл яшил ранг тусини олади. Бу ўсимлик турларининг илдизлари қисқа (5—20 см. чуқурликкача боради) бўлганлиги туфайли ер ости сувларидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Шу сабабли улар баҳорда сернам бўлган даврда барқ уриб ўсиб, ёзги жазира маисиқ ва қуруқ кунлар бошланиши билан қуриб қолади. Бундай ўсимлик турларига арпоғон, лолақизғалдоқ, тароқбош, қўшоёқ, қорамошоқ, исфарак, читир каби эфемерлар, коврак, илоқ каби эфемериidlар киради.

Эфемер ва эфемериidlар март, апрель ойларида ўсиб, гуллайди, май ойининг ўрталаридан бошлаб гулларини, сўнгра уруғларини тўкиб, қуриб қолади. Натижада чўл сарғиши тусга кириб, сўнгра ксерофит ўсимликлар ўз вегетация даврини давом эттираверади.

Чўл минтақасининг асосий қисмини қумли, тошлоқ чўллар, қисман эса шўрхок, тақир ва тўқайлар ташкил этади. Буларнинг табиий шароити бир-биридан фарқ қилганлиги туфайли уларда ҳар хил ўсимликлар формациялари ўсади.

Қумли чўллар Кизилқумнинг кўп қисмини, Қашқадарёning қуруқ дельтасини (Сондуқли қумлигини), Сурхондарёning қуйи қисмидаги Каттакумни, Хоразм воҳаси атрофларини, қисман эса Марказий Фарғонани ўз ичига олади. Қумли чўлларнинг кўп қисми мустаҳкамланган. Кўчиб юрувчи қум-барҳанлар асосан Қизилқумда учраб, ҳудудининг фақат 2 фоизини эгаллади.

Қумли чўлларда жузғун ёки қандим, қуёнсуяқ, терескан, қизилча, астрагал, илоқ (қум қиёғи), селин, черказ, саксовул каби ўсимлик турлари ўсади (19- расм).

Жузғун (қандим) бута ўсимлиги бўлиб, кўчиб юрувчи қумликларда, кичик марзасимон қумликларда ўсади. Жузғуннинг 50 га яқин тури мавжуд бўлиб, бўйи 2 метрга етиб, думалоқ бўлиб ўсади. Унинг илдизи, ҳар томонга горизонтал ҳолда тарқалиб, узунлиги 20м. га етади ва қумни мустаҳкамлайди.

Кўчиб юрувчи қумларни мустаҳкамлашда эндемик ўсимлик ҳисобланган селиннинг аҳамияти катта. У кўп йиллик ўт бўлиб, дастлаб барҳан қумларида вужудга келади. Селиннинг бўйи 1 метрга етиб, ён илдизлари узун бўлиб, 10 метрдан ошади. Илдиз попук бўлиб, ҳар томонга ёйилади ва ундан янги селин танаси пайдо бўлади. Селин қумда ўсиб уни бироз мустаҳкамлагандан сўнг жузғун, бўйи 3 метрга етувчи черказ, бўйи 1,5—2,5 метрга етувчи қуёнсуяқ каби ўсимликлар ўса бошлайди.

Ўзбекистон қумли чўлларидаги яна бир эндемик ўсимлик бу

қуёнсуякдир. Унинг илдизлари попукли бўлиб, қумни мустаҳкамлашга мослашган. Қуёнсуяк ораларида қумни узун илдизлари билан мустаҳкамлайдиган қум қиёғи ёки илоқ үсади. Дўнг қумлар мавжуд бўлган ерларда бўйи 4—5 метрга етувчи оқ саксовул, оқ саксовул үсадиган дўнг қумликлари орасидаги ботиқларда қора саксовул үсади. Оқ саксовул үсган ерларда яна дарахтсизон черказ, чоғон, астрагал кабилар, ўтлардан эса қиёқ, оқ шувоқ, қора моҳ кабилар ҳам учрайди.

Ўзбекистоннинг тошлоқ чўллари Устюрт платосида ва Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар атрофида жойлашган. Тошлоқ чўлларда үсимликлар сийрак үсиб, турлари ҳам кам. Асосий үсимликлари бурган, қора боялич, шувоқ, партак, сингрен, саған, кейревуқ, сета, исириқ кабилардир. Баҳорда эса эфемерлар қоплаб олади. Устюрт платосида юқорида қайд қилинган үсимликлардан ташқари саксовул ва татар роввочи ҳам учрайди.

Чўл минтақасида яна шўрхок ва тақир ерлар учрайди. Шўрхоклар одатда грунт суви ер бетига яқин бўлган ботиқларда, эски дарё қайирларида, дўнг қумлар орасидаги чуқур жойларда вужудга келиб, үсимликлар жуда кам үсади. Шўрхокларда үсадиган үсимликлар формациясини галофитлар дейилиб, улар гўштдор, танасида оппоқ тузи бўлган үсимликлардир. Бундай үсимликлар туркумига боялич, терескан, кейревуқ, бурган, сарисазан, қорашура, балиқкуз, шўр ажриқ, қора саксовул, юлғун, итсийгак кабилар киради. Бу үсимликлар ичидаги қора саксовул узоқ йил (50 йилгача) яшайди ва бўйи 12 метргача етади. Қора саксовул 25 йил үсиб, ривожланиб бориб, сўнгра у аста-секин курий бошлайди. Қора саксовулнинг танаси оғир бўлиб, сувда чўқади. Ундан ёқилғи сифатида фойдаланилади.

Тақирлар тарқалган ерларда үсимлик деярли үсмайди. Факат тақир ёриқларида ва атрофида сийрак ҳолда шўра үсимликлари учрайди.

Ўзбекистон чўл минтақасидаги дарё водийларида тўқай үсимликлари ҳам мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари қизилмия (солодко), чучукмия, ажриқ, янтоқ, қамиш, савағич, құға, кендир, туронғил, тол, жийда, юлғин, жингил, дараҳт ва буталарга чирмашиб үсувчи илонпечак, қўйпечаклардир. Тўқайларда яна чакандага (облепиха) ҳам учраши мумкин.

Чўл минтақасининг лёссли жинслар тарқалган қисмида ва тоғ олди текисликларида эфемер, эфемероид ва бошқа ўт үсимликлари ҳамда чала бутасизон шувоқ кабилар үсади. Бу жойларда серёмғир баҳор фаслида аввал эфемерлар ва эфемероидлар зич үсиб, чўлга чиройли манзара беради. Бу фаслда қорабош (ранг), қўнғирбош, бойчечак, бинафша, лолақизғалдоқ, чучомма кабилар барқ уриб үсиб, чўл яшил-қизғиши тусга киради. Булардан ташқари яна сассиқ-қуврай, лола, гулсапсар, пиёз илдизлилар, айиқтовон, мингбоши, чалов, шувоқ, астрагал, дармана, баъзан исириқ, (гармала) кабилар ҳам учрайди.

Адир баландлик минтақаси ўз ичига абсолют баландлиги 400—500 метрдан 1200 метргача, айрим жойларда эса 1500—1600

метргача бұлган ерларни олади. Рельефнинг баландлашуви туфайли ёғин миқдори ортади, ёзги ҳарорат эса чүлга нисбатан пастроқ бұлиб, типик ва түк бұз тупроқ кенг тарқалған. Булар үз навбатида адирда ҳар хил үтларни зич ва баланд бұлиб үсішига сабабчи бұлган. Лекин үр-қирдан иборат бұлган адирнинг қуи қисми дарё, сой ва вақтли сувлар билан парчалаб юборылған бұлса, юқори қисмидә эса баъзи тоғ ёнбағирлари нисбатан тик булиб, она жинслар очилиб қолған. Бинобарин, адирда үсимликлар қоплами ёппасига туташ бұлмай, она жинслар очилиб қолған тик ёнбағирларда, оқар ва вақтли сувлар ювіб кетған жойларда узилиб қолған.

Умуман олганда адир мінтақасида чүлга нисбатан үсимлик турлари күп булиб, қалин үсади. 1 км² майдонда 15—20 турға мансуб бұлган 30 минг индивид учрайди. Адир үсимликтарини асосини әфемер ва эфемероидлар, күп үйлік ҳар хил үтлар, буталар ташкил этади. Адирда әфемер ва эфемероид үсимликтаридан ранг, құнғирбош, ялтирбош, нұхатак, чучмома, лола, оқ-құврай, гулхайри, сасир, ~~жасмин~~ кабилар қалин үсиб, июль ойигача вегетациясини давом эттиради. Булардан ташқари яна шувоқ, ёввойи бүгдей (қасмалоқ), тактак (ёввойи арпа), жасмин, чүл ялпиз, ферул, өчел, мингбош, аччиқмия, отқулоқ, эрмон, зұтурум (барғизуб), қозықулоқ, каррак, қылтиқ, ерсовун, (етмак), ширач каби үсимликтар ҳам үсади. Адирнинг юқори қисмидә тошлоқлы ерларда астрагал, акантолимон, чия, сойларда зирк, құшяпроқ, нағыматак каби буталар; дұлана, бодомча, писта каби дараҳтлар, ариқ бүйларда ялпиз, қирқбұғым ҳам учрайди. Дарё водийларда эса тол, терак мавжуд.

Ўзбекистоннинг чүл ва адир мінтақаларидаги воҳаларида қай-роғоч, сада (садақайрағоч), мажнунтол, тол, терак, чинор каби манзаралы дараҳтлар үсади.

Тоғ баландлык мінтақаси. Ўзбекистон ҳудудида 1200 м дан (айрим жойларда 1500—1600 м дан) 2700—3000 м гача бұлган ерларни үз ичига олади. Бу баландликтерде рельеф мұраккаб булиб, тоғ тизмалари орасида водийлар мавжуд. Тоғларнинг шимолий ёнбағри билан қүёшға қараган жанубий ёнбағри орасида тафовутлар катта. Жанубий ёнбағрида нураш туфайли вужудга келған шағал ва қурумлар күп. Иқлимий хусусияттар ҳам рельефга боғлиқ ҳолда үзгәради: ёғин миқдори ортади, ёзда ҳарорат пасаяди, ёғинлар күпроқ тоғларнинг ғарбий, шимоли-ғарбий ёнбағирларига тушади. Булар үз навбатида тупроқ қопламига таъсир этади. Тоғларнинг қурғоқчыл қисмидә жигарранг, аксина нам қисмидә эса құнғир тоғ үрмөн тупроқлари учрайди. Тоғ мінтақасида табиий шароиттинг ҳамма қисмидә бир хил бұлмаслиги унинг үсимлик қопламининг жойлашишига ҳам таъсир этган. Тоғ баландлык мінтақасида жойнинг комплекс табиий шароитига боғлиқ ҳолда үсимликтарнинг бир неча турлари мавжуд. Тоғларнинг нам шимолий ва шимоли-ғарбий ёнбағирларыда мезофит, аксина жанубий, нисбатан қуруқ ёнбағирларда ксерофит үсимликтар учраса, захкаш ботиқларда, ёғин

күпроқ тушадиган тоғ ёнбағирларида баргли ўрмонлар ва ҳар хил буталар ўсади.

Тоғ баландлик минтақасининг қуи қисмида күпроқ утлоқ усимликлар, хусусан, буғдойиқ, коврак, ширач-эрэмурас, оқсұхта, күкчүп (исфарак), гулхайри, лолалар, анжабир, арслонқуйруқ, ерчой, бинафша, тактак (тоғ арпа), тариқбош (чүчқа ёли), қилиқ, қасмалдақ, тулкиқуйруқ, чайир, ялпиз, шувоқ, чалов кабилалар ўсади.

Тоғ минтақасининг нисбатан қурғоқчил қисмида тоғсағиз, қизил тиканак (акантолимон), астрагал, тоғ ялпиз, бетага, чалов, шувоқ каби ўтлар учрайди.

Тоғ баландлик минтақасида дараҳтлардан арчазорлар кенг майдонни эгаллади. Арчазорлар асосан 3000 м баландликкача бұлган жойларда күпроқ учрайди. Маълумотларга кура жумхуриятимизда арчазорларнинг майдони 500 минг гектардир. Ўзбекистон тоғ минтақасида, айниқса унинг Олой-Туркистон ва Зарафшон-Ҳисор тизмаларида арчанинг қуидаги уч тури — Зарафшон (Үрикарча) арчаси, яримшарсимон (сауарарча) ва Туркистон (қораарча) арчаси ўсади. Зарафшон арчаси күпроқ 1200—2200 метр баландликларда, яримшарсимон арчаси 1800—2700 метр баландликларда, Туркистон арчаси эса 2600—3000 метр баландликларда ўсади. Арчазорлар күпроқ нисбатан қурғоқчил ва тошлоқ ерларда учрайди ва аста-секин ўсиб, бўйи 20 метргача етиб, минг йилдан ортиқ яшайди. Арчазорлар тагида эса ҳар хил ўтлар ва буталар учрайди.

Ўзбекистон тоғларининг намгарчилик күпроқ бўладиган тоғларида, хусусан Фарбий Тяньшань тоғ тизимиға киравчи тоғларда, Фарғона тизмасида баргли ўрмонлар кенг тарқалган. Баргли ўрмонлар ичиде энг күп тарқалган палеогон-неоген давридан қолган релект үсимликлар-ёнгоқзорлардир. Ёнгоқзорлар билан бирга заранг, ёввойи олма, бодом, ўрик, тоғолча, дўлана, терак, Туркистон қайнини кабилар, тошлоқ ерларда темир дараҳт ҳам ўсади.

Тоғ баландлик минтақасида буталардан учқат, наъматак, ирғай, зирк, маймунжон, ёввойи узум, қатранғи кабилар мавжуд. Тоғларида (айниқса, Боботоғ, Бойсун тоғида) пистазорлар, Ҳисор тоғларида эса ёввойи анор ва анжир каби қуруқ субтропик үсимликлар ўсади.

Тоғ баландлик минтақасида яна тоғ пиёзи, анзур пиёз, зира, ровоч, таран, туяяпроқ, тоғ жамбули, кийик ўти, тоғсағиз (таркибида каучук моддаси бор) каби фойдали ва доривор үсимликлар ҳам учрайди.

Яйлов баландлик минтақасида субальп ва альп ўтлоқлари мавжуд. Минтақанинг қуи тоғ минтақасига туташган қисмида пакана арчалар ва субальп ўтлоқлари учрайди. Субальп ўтлоқлари тоғ минтақаси ўтлоқларидан бўйи бирмунча пастлиги билан фарқланади. Субальп ўтлоқлари нисбатан тупроқ яхши ривожланган, намгарчилик жойларда вужудга келиб, қўнғирбаш, мушуккуйруқ, ёввойи арпа, ёввойи сули, қўзиқулоқ, оқ момиқ, таран,

сассиқкуврай, пушти, құқонгүл, бир оз құрғоқчил жойларда чайир, шувоқ, бетага, тиконли астрагал бутаси үсади.

Яйлов баландлик мінтақасининг юқори қисміда (3500 м. дан юқорида) алып үтлоқлари учрайди. Алғы үтлоқлари субальп үтлоқларидан паст булиб, ер бағирлаб үсишлиги билан фарқланади. Намгарчилик бұлған ерларда тұнғизисирт (көбрезия) үтінінг бир неча турлары, гунафша, қоқыт, юлдузт, сарық айқтоворон, ёввойи күкнори кабилар үсади. Қурғоқчил, тошлоқ ерларда қызилтикон, тошёрап, астрагал каби үсимликлар учрайди.

Яйлов баландлик мінтақасининг әңг баланд қисміда доимий қор ва музликлар ҳамда қоялар мавжуд бұлған қисміни эса нивал мінтақача ишғол қилиб, үсимлик деярли учрамайди. Фақат қоялар орасидаги пастқам жойларда астрагал, тошёрап каби үсимликлар үсади, холос.

ҮСИМЛИК РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Ўзбекистон үсимлик ресурсларининг ажамияти жуда каттадыр. Әңг аввало үсимликлар нам сақловчи, дарә сувини бир меъерда сақлаб турувчи, тупроқ әрозияси олдини олувчи, құмларни мустақамлювчи ҳамда ҳавони тоза сақлаб турувчи мұхим омил булиш билан бирга кишиларга дам олиб, ҳордиқ чиқариб, эстетик завқ ҳам беради.

Ўзбекистон үсимликлари чорвачиликни ривожлантирувчи яйлов ва ем-хашак манбай. Жұмхурият үсимликларининг 90% га яқини ем-хашак учун яроқли. Ҳатто чүл мінтақасидаги яйловларнинг ҳосилдорлиги гектарига 3—5 центнерни (хашак ҳисобида) ташкил этади. Тошлоқлы чүлларда ва Үстюртдаги яйловларнинг ҳосилдорлиги гектарига 2—4 ц. бұлса, шұрхоклы чүлларда эса 2—3 центнерни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг адир баландлик мінтақасида үсимликлар қалып үсиб, ҳосилдорлиги гектарига 8—10 ц. гача боради. Бу мінтақа чорвачилик учун йил бүйін яйлов ҳисобланади. Айниқса әфемер, әфемероид, әфемероид-шувоқ, бұғдойиқ, тактак (ёввойи арпа), chalov каби баланд бүйілі үтлардан йил бүйін чорва моллари учун яйлов сифатида фойдаланылған ташқары пичан ҳам (гектаридан 4—6 центнергача) тайёрлаш мүмкін.

Тоғ баландлик мінтақасидан ёзғи ва күзги яйлов сифатида ҳамда пичан таёрлашда фойдаланылади. Чунки бу мінтақада бүйін 90—100 см гача бұлған ҳар хил үтлар қалып үсиб, ҳосилдорлиги гектаридан 15—20 ц. гача бориши мүмкін. Айниқса бұғдойиқ, жавдар, тактак (ёввойи арпа), тариқбош, chalov каби үсимликлар әңг мұхим яйлов ва ем-хашак манбайдыр. Лекин тоғ мінтақасида рельефининг нокулайлигі туфайли үша пичанзорларни механизм ёрдамида үриб олишини анча қийинлаштырады.

Яйлов баландлик мінтақаси яхши ёзғи яйлов ҳисобланади. Чунки рельефи баланд бұлғанлигидан ёзғи ҳароратнинг пастлигига, намгарчиликни етарли булиши туфайли үсимликлар ёзда ҳам

қуриб, сарғайиб қолмай, күм-күк барра ҳолда сақланиб туради. Лекин яйлов миңтақасида ўсимликларни тоғ миңтақасига нисбатан паст ва сийрак бўлганлигидан ҳосилдорлиги гектарига 10—12 ц. дан ошмайди.

Ўзбекистон ёввойи ўсимликлари яна озиқ-овқат манбаи, дори-дармон тайёрлашда, ҳар хил бўёқлар олишда ҳам жуда катта ахамиятга эга.

Ўзбекистон ҳудудида таркибида ҳар хил дармондориларга эга бўлган мевали (ёнгоқ, писта, бодом, олма, дўлана каби) дарахтлар, анзур пиёз, зира, ровоч каби ўсимликлари мавжуд. Бу ўсимликларнинг меваси жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда муҳим ресурс ҳисобланади.

Ўзбекистон тоғларида, айниқса Фарбий Тяншань тоғларида ёнгоқзорлар майдони анча катта бўлиб, иилига кўплаб унинг меваси йиғиб олинади. Ёнгоқ меваси киши организми учун зарур бўлган дармондориларга ва мойга бойдир. Узбекистонда меваси «хандон писта» номи билан аталувчи пистазорлар жумҳуриятимиз тоғларида, айниқса Боботоғ ва Бойсун тоғларида кўп ўсади.

Ўзбекистон тоғларида ёввойи ҳолда ўсуви олма, олича, бодом каби дарахтлардан ҳар йили кўплаб мевалар йиғиб олинади.

Ўзбекистон ўсимликларининг кўпчилиги шифобаҳаш хусусиятга эга бўлиб, ҳар хил касалликларни даволашда қадимдан отабоболаримиз фойдаланиб келганлар. Биз айрим шифобаҳаш ўсимликларга қисқача тавсиф бериш билан чекланамиз:

Анжабор—ер ости қисмидан тайёрланган қайнатмадан меъда-ичак касалликларини, ич кетганда, қон тұхтатувчи дори сифатида фойдаланиш мумкин.

Арслонқурық—ер усти қисмидан тайёрланган дамлама юрак, меъда, асаб касалликларини даволашда фойдаланилади.

Аччиқмия иштаха очишида, тери касалликларини даволашда, туғруқни тезлаштирувчи восита сифатида ишлатилиади.

Бангидевона баргидан кўз касаллигини, йўтални, асаб касалликларини, ревматизм, нафас қисиш, кўкрак ва бел оғриғини қолдирувчи дори сифатида фойдаланиш мумкин.

Бодомнинг меваси озиқ-овқат сифатида ишлатилишидан ташқари унинг мойидан (аччиқ бодом) астма, йўтал, буйрак, кўкрак оғриғи, қулок, қорин, ўпка, қон тупуриш, қовуқ касалликларини даволашда, қовуқдан тош туширишда ишлатилиади.

Бурган қайнатмасидан юқумли ичак касалликларини, баргшираси ва қуритиб янчилган баргларидан қўтирни, теридаги йиринг яраларни ва бошқа тери касалликларини даволашда ишлатилиади.

Гулхайри илдизидан, баргидан ва уруғидан тайёрланган дамлама йўтал, қон тупуриш, зотилжам, буйрак, ўпка, нафас қисиш, ичбуруғи, ўн икки бармоқ ичак яраси касалликларини даволашда ишлатилиади.

Ерчойнинг илдизи ва илдизпоясидан тайёрланган дамлама ич кетишни тухтатишда, оғиз, томоқ оғригини даволашда ишлатилади.

Зубтурум (баргизуб) дан ҳар хил дармондорилар олишдан ташқари, унинг баргидан тайёрланган дамлама нафас йўлларини, тери, томоқ, қўз, сўзак, безгак, бавосил касаллигини, ичакнинг юқумли касалликларини, қон аралаш ич кетишини, жигар, буйрак, нафас йўли касалликларини даволашда қўл келади.

Исириқнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма бод, безгак, тутқаноқ, уйқусизлик, шамоллаш, қўтири каби касалликларни даволашда ишлатилади. Исириқ тутуни билан грипп касаллигини даволаб, хонани дезинфекция қилишда ҳам ишлатилади.

Коврак ўсимлигининг елим-смоласидан, жигар, талоқ, үпка сили, кўкйутал, ўлат, тиш оғриғи, асаб касалликларини даволашда, гижжа ҳайдашда (туширишда), сийдик ҳайдашда фойдаланилади.

Маймунжон — иштаҳа очувчи, ҳароратни туширувчи, чанқов босувчи каби хусусиятларга эга. Унинг илдизидан тайёрланган қайнатма сийдик ҳайдашда, барг дамламасидан шамоллашда, томоқ ва оғиз оғригини даволашда ишлатилади.

Наъматак меваси қайнатмасида ёки дамламасидан бачандан қон кетишни тұхтатишда, иситмани туширишда, меъда-ичак касалини даволашда ишлатилади.

Отқулоқ илдизидан, баргидан ва мевасидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама ич кетиши, ичак яралари каби касалларни даволашда ишлатилади. Қуритилмаган баргидан олинган шира билан қўтири, темиратки даволанади.

Писта баргидан тайёрланган қайнатма ич кетишни ва қон оқишини тұхтатишда, уруғи дамламаси беморни озиб, қувватсизланишида ёрдам беради, үпка силини даволашда ишлатилади.

Ровоч — қон босимини туширишда, илдизи ва мевасидан тайёрланган қайнатма иситмани туширишда, меъда-ичак касалликларини ҳамда қон кетишни тұхтатишда фойда беради. Абу Али ибн Сино ровоч ўсимлиги билан ичак, вабо, қизамиқ касалликларини даволаган.

Чучукмия илдизидан тайёрланган қайнатма томоқ қуриш, нафас қисиши, кўкйутал, кўкрак оғриғи, меъда-ичак касалликларини даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи ва енгил сурги сифатида ишлатилиши мумкин.

Шувоқнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама үпка сили, менингит, тутқаноқ, асаб касалликларини даволашда, туғиши жараёнини тезлаштиришда, оғриқ қолдирувчи дори сифатида ишлатилади.

Эрмоннинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси ёрдамида жигар, ўт пуфаги, ичак яраси, безгак, бавосил, овқат, ҳазмининг бузилиши, ич кетиш каби касалликларни даволаш, ухлатувчи, гижжа ва ел ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида фойдаланиш мумкин.

Янтоқ илдизидан тайёрланган қайнатма бавосил касаллигини, яраларни даволашда, ичдан қон оқиши тұхтатиша, ер устки қисмидан тайёрланган дамлама эса сийдик ҳайдовчи, терлатувчи, ич юмшатувчи дори сифатида ишлатилади.

Қирқбұғим дамламаси ёрдамида қон кетиши тұхтатиша, үпка сили, буйрак, юрак касалларини даволаш ҳамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланиш мумкін.


Қоқи илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама буйрак касалини даволашда, қонни тозаловчи сурғи дори сифатида ишлатилади, қуритилмаган барг шираси ёрдамида камқонликни, қувватсизликни, күкрап оғриғини даволашда фойдаланилади.

Ўзбекистонда ҳар хил бүеклар, эфир мойлари ва техникада ишлатиладиган моддалар олинадиган күргина үсимлик турлары ҳам бор. Уларнинг энг муҳимлари тараң (тери ошлашда ишлатиладиган танид мөддаси бор), анжабар (таркибида ошловчи мөддә бор), арча (ёш новдасидан эфир мойи олинади), тоғсаз (ковчук мөддаси бор), ерсовун (купиртирадиган мөддә — сопанин олинади), чүл ялпизи (эфир мөддаси бор), етмак (унинг илдизидан күпирүвчи сопанин мөддаси олинади ва ширапазлика (кондитер) ишлатилади, писта (баргидан ва баргидаги нұхатчаларидан бүек олинади), арслонқұйруқ (ожловчи мөддә ва эфир мойи олинади) ва бошқалар.

Ўзбекистонда кишиларга эстетик завқ беріб, ҳордиқ чиқаралған чиройли гулли үсимліклар лолалар (қызил, сарық, оқ), чучомалар, эремурус, бойғалча, лолақизғалдоқ, бойчечак мавжуд.

Кишилар үзларининг хұжалик фаолиятида табиатдан күп вә бетартиб фойдаланиши таъсирида унинг табиий ҳолатида сезиларли даражада үзгаришлар юз беріб, асрлар давомида шаклланган биогеоценозларга салбый таъсир күрсатмоқда. Айниқса, қишлоқ хұжалигіда янги-янги ерларни бетартиб үзлаштирилиши, саноат обьектлари ва ҳар хил қурилишларнинг режасиз жойлаштирилиши, тоғ-кон саноатининг таъсири, яйловлардан нотұғри фойдаланиш, мевали, доривор, фойдали үсимліклардан нотұғри фойдаланиш кабилар таъсирида экологик мувозанатда үзгариш юз беріб, баъзи үсимліклар тури камайиб бормоқда (20-расм). Натижада ҳозир Ўзбекистон ҳудудида үсадиган үсимлікларнинг 10—12% ёки 400 тури муҳофазага муҳтож ноёб турға айланиб қолди. Баъзи үсимлік турлари эса, хусусан лола, саллагуллар, етмак, бозулбанг, анзур пиёз, зира, гули салим, ковул, сүмбул, Коровин ширачи, Туркестон ёввойи ноки каби үсимлікларнинг миқдори кескин камайиб, йүқолиб кетиш хавфи остида турибди.

Жумхуриятимизда айрим шахслар (браконьерлар) үсимлікларни, айниқса доривор ва озиқ-овқат үсимлікларининг пиёзларини, уруғини мевасини, баргини, илдизини, туганакларини рухсатсиз, үзбошимчалик билан қоида-қонунга хилоф равища йиғиб, териб, қазиб олишлари туфайли уларнинг тури камайиб кетмоқда. Шу сабабли жумхуриятимиз наботат генофондини табиий ҳолиша сақлаб қолиши, үсимліклар дунёсига нисбатан шафқат-



20-расм, Үсімліктарға тәъсір этүвчи омиллар.

сизларча муносабатда бўлишга чек қўйиш бугунги куннинг энг муҳим масаласидир.

Ўзбекистонда ноёб, эндемик, реликт ўсимлик турларини сақлаб қолиб, ҳимоя остига олиш учун 1978 йили Ўзбекистон «Қизил китоби» таъсис этилди. Бу Ўзбекистон «Қизил китоби»га жумҳуриятимиизда муҳофаза остига олиш зарур бўлган 272 ўсимлик киритилиб, улар ҳақида мукаммал маълумотлар (қисқача тавсифи, тарқалиши, миқдори, камайиб кетиш сабаби, муҳофаза қилишга қаратилган чоралар) берилган.

Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ўсимлик турлари 4 та тоифага (табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси ишлаб чиққан классификацияга кўра) ажратилган.

1. Йўқолган ёки йўқолиш арафасидаги (Копеечник Омонқутон, Коровин ширачи, Туркистон ёввойи ноки) турлари. Бундай ўсимлик турлари айрим йифиб олиш қийин бўлган жойларда ёки маданий шароитда сақланиб қолган.

2. Йўқолиб бораётган турлар (анор, Зарафшон, регели, Ошанин пиёзи, тоғпиёз, дилбанд, Ўзбекистон лоласи, сариқ ширач, ёввойи анжир). Бундай ўсимлик турлари йўқолиб кетиш хавфи булиб, сақлаб қолиш учун муҳофаза чораларини талаб этади.

3. Ноёб турлар (Оманқора, Аболин ва Бухоро астрагали, ёввойи узум, чиннигул, мингдевона, сумбул, ковул, чилонжийда, лолалар, Чимён лоласи, Бойсун широчи, суғур ўти, гули салим ва бошқалар). Бундай ўсимлик турлари маълум кичик майдонларда сақланиб қолган, бинобарин, тезда назорат остига олинмаса йўқолиб кетиши мумкин.

4. Камайиб бораётган турлар — нормушк, етмак (беҳ), анзур пиёз, парпи, оқ парпи, фуфанак, бурмақора ва бошқалар. Бундай ўсимлик турлари баъзи табиий сабаблар ва инсоннинг таъсири остида майдони ҳамда миқдори камайиб кетиши мумкин, бинобарин вақти-вақти билан назорат қилиб туришни талаб этади.

Савол ва топшириқлар. 1. Нима учун Ўзбекистон ҳудудида ўсимликлар иотекис тақсимланган? 2. Чўл ўсимлик минтақасига кирадиган ҳудудларни жумҳурият табиий ҳаритасидан топиб, ўсимликлар табиий шароитга қандай мослашганинг тушунтириб беринг. 3. Кўчиб юрувчи қумларда ўсадиган ўсимликлар қандай хусусиятлари билан тошлок чўлларда ўсадиган ўсимлик турларидан фарқланади? 4. Шурхок ва тақир ўсимликлари бир-биридан қандай фарқланади ва нима учун тақир ерларда ўсимлик жуда сийрах ўсади? 5. Тўқай ўсимликларига нималар киради ва уларнинг ўзига хос томонларини гапириб беринг. 6. Адир минтақасида ўсимлик қоплами нима сабабларга кўра зич ўсиб, турлари кўп? 7. Қандай сабаблар туфайли тоғ баландлик минтақасида урмонлар яхлит туташ лента ҳосил қилмай ўсади? 8. Нима учун тоғларнинг баъзи ёнбағирларида баргли, баъзи ёнбағирларида иғнабаргли дарахтлар ўсади? 9. Мъалумки, ялов минтақасида асосан ўтлоқ ўсимликлар ўсиб, дарахтлар деярли йўқ, сабабини тушунтириб беринг. 10. «Ўсимлик ресурслари» деганда нималарни тушунасиз? Жумҳуриятимиизда учрайдиган энг муҳим доривор ва фойдали ўсимликлар рўйхатини тушиб чиқинг. 11. Нима учун ва қандай сабабларга кўра баъзи ўсимлик турлари камайиб кетмоқда? 12. Ўсимликларни муҳофаза қилишда, Ўзбекистон «Қизил китоби»нинг аҳамиятини гапириб беринг.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

Ўзбекистон ҳайвонлари табиатнинг ҳаракатчан унсурини ҳисобланиб, географик муҳитнинг ажралмас бир қисми сифатида жумҳуриятимиз ландшафти таркибига киради.

Ўзбекистон ҳудудининг катталиги, табиати ҳамда ривожланиши тарихи унинг ҳамма қисмидаги бир хил эмаслиги, шунингдек, кишиларнинг хўжалик фаолияти ҳайвонларнинг таркиби ва географик тарқалишига таъсири этган. Бунинг устига Ўзбекистон ҳудудининг 71% ни ташкил этган чўлли қисмидаги ҳайвонлар ёзнинг жазирама, давомли қуруқ кунларига, сувсизликка, кўчиб юрувчи қумларга мослашган.

Ўзбекистон фаунасининг ўзида хос томони шундайки, унинг турлари кўп бўлиб, сутэмизувчиларнинг 97 тури, судралиб юрувчиларнинг 57 тури, қушларнинг 410 тури мавжуд (21-расм).

Ўзбекистон ҳайвонлари палеоартика зоогеографик областнинг Марказий Осиё кичик обlastига киради. Жумҳурият ҳайвонот дунёси жуда қадимийлиги билан ажралиб турди. Баъзи ҳайвон турлари жумҳурият ҳудудининг ўзида пайдо бўлса, баъзи турлари Туркистоннинг бошқа жойларидан ўтган. Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган ҳайвон турларига ингичка бармоқли юмонқозиқ, кук суғур, Бобринский қўшоёғи, хўжасавдогар, қум бўғма илони, Туркистон геккони, Туркистон агамаси, катта куракбурун балиқлар, Орол шипи ва бошқалар кириб, улар бошқа жойларда деярли учраймайди.

Ўзбекистондаги баъзи ҳайвон турлари, чунончи катта қумсичқон, тамарис қумсичқони, кичик қўшёқ, қўнғир юмонқозиқ, антилопа, сайғоқ, корсак, қора сассиққўзан, олакузан, ёввойи мушук манул (дала мушуги) каби ҳайвонлар Қозогистон текисликларидан кириб келган. Жайрон, бархон мушуги, каракал Олд Осиё ва Шимолий Африка чўлларидаги ҳайвонларга алоқаси бор. Бурама шоҳли эчки, қундуз, афғон дала сичқони, майна каби ҳайвонлар эса Афғонистон фаунасига хосдир. Ўзбекистон тоғларида яшовчи Ҳимолий улари, Тибет қузғуни, Сибирь эчкиси, илвирс Марказий Осиёдан кириб келган.

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи сиртлон, чиябўри, кобра (кузойнак илон) каби ҳайвон турлари Ҳиндистондан кириб келса, оқ сичқон ва қўнғир айиқ Европанинг шимоли учун хосдир.

Ўзбекистон табиати хилма-хил бўлиб, унинг чўл қисмидаги бир хил табиий муҳит мавжуд бўлса, тўқайларда иккинчи хил, адир ва тоғларда яна бошқача муҳит вужудга келган. Бинобарин, ўша табиий шароитга боғлиқ ҳолда чўлга, тўқайга, воҳага, адирга, тоқقا, яйловга мослашган ҳайвонлар яшайди.

Чўл ҳайвонлари. Чўл ҳайвонлари узоқ давом этган қуруқ, жазирама ёзга, қумли, шўрҳоқ, гилли, тошлоқ шароитга мослашган. Шу сабабли баъзи ҳайвонлар узоқ давом этган курғоқчил, ниҳоятда иссиққа, ёзга чидамли бўлиб, умрида сув истеъмол қўлмай ўсимликлар таркибидаги намлик билан чекланса, (юмонқозиқлар, қўшоёқлар, кўрсичқон) баъзилар, чунончи оқ-

куйруқ, жайрон чопқир (соатига 50—60 км. тезликда чопади) булиб, узоқдаги сувлоқдан фойдаланади.

Чүл ҳайвонларининг аксарияти шароитга шунчалик мослашиб кетганки, уларнинг ранги қум тусига (құңғир, малла, сарғыш рангга) үхшаб кетган. Чүлда ёз фаслида кундузи тупроқ 70—80° гача қызып кетганлиги сабабли күпчилик ҳашарот, калтакесак, илон, айрим сутәмизувчи ва құш турлари кундузи соясалқын жойларда ёки инларида жон сақлаб, кең кириши билан фаол ҳаёт фаолиятини бошлайды. Бундай ҳайвон турларига чирилдоқ калтакесак, қум бұғма илони, қүшшөқлар, узунқулоқ кирипи, корсак, чүл мушуклари ва бошқалар киради.

Чүл ҳайвонларининг баъзилари геккон калтакесаклар, сцинк геккони (калтакесак), ингичка бармоқли қум юмронқозиги қумга, айниқса күчиб юрувчи құмларда яшашга мослашган. Чунки уларнинг бармоқлари тармоқсимон булиб, қум устида тез ҳараткат қиласидилар.

Ўзбекистон чүлларида сутәмизувчилардан чүл мушуги, жайрон, оққуйруқ, қорақуйруқ, олақұzon, қорақулоқ, қоплон (гепард), Туркистан бұғуси — хонгул, тулки, бұри; кемирудилардан ингичка оёқли юмронқозик, құмсичқон, шалпангқулоқ, типратикан, қүшшөқлар, күрсичқон; судралиб юрувчилардан эчкемар, қум бұғма илони, капча илон (Туркистан кобраси), чипор илон, холдор чипор илон, үқилон, чархилон, калтакесаклар, чүл тошбақа; құшлардан хұжасавдогар, түрғай, тентакқуш, корабовур, йүрға дувалоқ, бойұғли, чүл мойқути, қум чумчуғи, чүл қарғаси, сүфитүргай кабилар яшайды.


Чүлда ҳашаротлардан қорақурт, чаён, фаланга, тарантул



21-расм. Ўзбекистон фаунасининг баъзи турлари:

а — Сутәмизувчилар; 1. Кумқубин, 2—Узунқулоқ күршапалаги, 3—Жайра, 4—Бұрсуқ, 5—Чия бури; б — Судралиб юрувчилар. 1. Күл бақаси, 2. Чүл тошбақаси. 3—қум күрбақабош калтакесаги. 4—Сарик илон. 5. Гюрза; в — Күшлар. 1. Тентак құш, 2. Хұжа савдогар. 3. Сүфитүргай. 4. Каклик. 5. Миқкини. г — Ҳашаротлар. 1. Осиё чигирткаси. 2—Бий. 3. Одий қорақурт. 4—Чаён. 5—Фаланг. д — Балиқлар: 1—Сазан (зогора балиқ). 2—Шука. 3. Ләққа, 4. Баҳри балиқ, 5—Мүйлов балиқ (ёки сүрғен).


216, b-pacm.



Г



Д



21 г, д-расм.

(бий), чигиртка кабилар мавжуд. Булар ичиди қорақурт, чаён, фаланга, бий заҳарли ўргимчаклар турига киради.

Чўп ҳайвонларидан эчкемар, жайрон, қум чархилони, Туркистон кобраси (капча илон), қорақурт кабилар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Эчкемарлар оиласи ичиди чўлда яшовчи энг катта тури— бўз эчкемар ҳисобланади. Унинг узунилиги 1,5 м га етади. У қумли чўлларда яшайди, кундузи фаол ҳаракат қиласди. Бўз эчкемар учун асосан чуқур ёриқлар, кемирувчиларнинг ини бошпана ҳисобланади, қисман эса ўзи ҳам ин қазииди. У хавфсиз, фойдали ҳайвон булиб, ҳашаротлар, кемирувчилар, калтакесак, чаён, қорақурт, қушлар тухуми, ҳатто илонлар билан овқатланади. Унинг урғочиси 10—12 та тухум қўйиб, тупроққа кўмиб қўяди.

Эчкемар душмандан сақланиш учун қўрқитиш ҳолатига кирганда, кучли шишади, уни икки айри тилини айлантириб, қаттиқ вишиллайди, узун думларини ерга қаттиқ уради, эркаклари эса бошини кўкартириб кўтариб туради. Бу ҳайвон «Қизил китоб»га кирган.

Жайрон — кичик, лекин чиройли ҳайвон булиб чүлларда жайди. Унинг танаси хушбичим, оёклари ингичка ва узун, қумкул рангида. Жайроннинг урғочилари шохсиз, эркаклари шохли бўлиб, шохининг узунлиги 27—41 сантиметрга етади. Баҳорда жайронлар биттадан бола туғади ва дастлаб боласини ўт-буталар орасида беркитиб олиб юради, сўнгра онаси кетидан эргашиб юраверади. Илгари жайронлар пода-пода бўлиб яшар эди, сўнгги йилларда уларни бетартиб ов қилиш туфайли улар сони жуда кам қолди. Жайрон ҳозир «Қизил китоб»га киритилган.

Қум чархилони — ўртача катталикдаги илон булиб, узунлиги 45 см. дан ошмайди. Танаси қум-кул рангида, икки ёнида тўлқинсимон оқ йўл ўтган, улар орқа томонида кўндаланг жойлашган оқ доғлари билан туташган, бошида эса аниқ бутасимон нақши бор.

Қум чархилонни қумларда, эски харобаларда, лёссли текисликларда, бурган чакалакзорларда яшаб, ёриқларга, кемирувчилар инига кириб ҳам олади. У тирик туғади, кемирувчилар, калтакесаклар ва майда илонлар билан озиқланади. Хавф пайдо бўлганда у чамбараксимон уралиб олиб, танасидаги тангачаларини ишқаланишидан чарх овозига ўхшаш овоз чиқаради, бу хусусият бошқа биронта илонда учрамайди. Қум чархилони заҳарли булиб, чақса анча хавф вужудга келади, баъзан улимга олиб келади. Ҳозир унинг заҳаридан илон чақишига қарши зардоб (сиворотка) олинмоқда.

Туркистон кобраси (капча илон) — Туркистоннинг энг йирик заҳарли илони булиб, узунлиги 2 м. га етади. У Узбекистоннинг Қизилқум ва Қарши чўлларида, Сурхондарё вилоятида, тоғ этакларида, тоғ ёнбағирларида бутазорларда яшайди. Баъзан эса хароба ўйларга, ташландиқ молхоналарга кириб олади. Унинг урғочиси 10—12 та тухум қўяди.

Капча илон душманини курса қочишига ҳаракат қиласи, лекин яширинишга улгурмаса, танасини олдинги қисмини юқорига кўтариб, бўйини шишириб, кенгайтиради ҳамда тебраниб туради. У ута заҳарли илон булиб, чақса одам улиши мумкин. Ҳозир унинг заҳаридан қимматбаҳо дорилар тайёрланмоқда. Капча илон ҳозир жуда кам қолганлиги туфайли «Қизил китоб»га киритилган.

Қорақұрт — заҳарли ўргимчаклар оиласига кириб, чўлларда яшайди. Урғочисининг узунлиги 2 см. гача етиб, қора рангда, ҳар икки томонида тўрттадан саккизта оёқчалари бор.

Эркак қорақұртни узунлиги 5 мм булиб, оёқлари ингичка ва узун, ранги ҳар хил, устки қисмида оқ доғлари бор. Қорақұрт 5 донагача ранги олтинсимон — оқ тухум (иилла) қўяди. Қорақұрт кичик ҳашаротлар билан озиқланади, ўта заҳарли булиб (айниқса урғочиси) тую, от каби катта ҳайвонларни, ҳатто одамни чақса улимга олиб келади. Унинг заҳари айниқса ёзда (июнь-август) кучли булади. Лекин қорақұрт қўйлардан, уларни ҳидидан қўрқади. Чунки қўйлар ўтлар билан бирга қорақұртни ҳам истеъмол қиласи. Шу сабабли чўлда қорақұртдан сақланиш учун

құй думбаси билан мойланған ва құй ҳиди келиб туралған арқындан айлана ясаб, ичида бемалол дам олиш мүмкін. Ҳозир қорақұрт зақаридан ҳар хил дорилар ва унинг чаққаның қарши зардоб (сиворотка) ишланмоқда.

Қорақұрттардың табиий душманларидан бири арилар ҳисоблады. Арилар қорақұрттарни үлдириб ёки уларнинг тухумларини йүқ қилиб, табиий күпайышыга халақит беради.

Қорақұрттарнинг бир неча турлари бор. Жумхуриятимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Жиззах вилоятларыда оқ қорақұрт (урғочисининг узунлиги 10—12 мм, әркагининг узунлиги 5 мм бұлады, зақары үткір), Қарши чұлида даға қорақұрти (урғочисининг узунлиги 12—15 мм, әркагининг узунлиги 3—4 мм булып, у кам үрганилган), чұлларда эса нисбатан катта бұлған қора паук (Эрезус Нигер) қорақұрти (урғочисининг узунлиги 3 см. гача боради) учрайди. Лекин қора паукнинг биологиясы яхши үрганилмаганлығы туфайли унинг чақишига қарши зардоб йүқ.

Тарантул — зақарлы үргимчаклар оиласына киради. Унинг күрениши фалангга үхшаш булып, узунлиғи 30—40 мм, фалангдан фарқы у зақарлы ҳашарот. Тарантул ариқлар ёқасыда, пахта ва бошқа әқинлар ичида яшаб, кундузи пассив, кечаси фаол ҳаёт кечиради. У баъзан пойабзал ичиға ёки инсон кийимига кириб олиб, чақади. Тарантул чаққан жои шишиб. қаттиқ оғриқ беради, ҳарорат күтарилади, томир уриши тезлашиб, одам 2—3 кун оғир ахволга тушади, сұнгра тузыла бошлайди.

Чаён — эң қадимий ҳашарот ҳисобланиб, узунлиғи 3—8 см. га етади. У күпроқ захкаш ерларда, эски девор ва ўйларда яшаб, кечаси фаол ҳаёт кечиради. Ёзниң иссиқ кечаларыда ўрин, пойабзал, кийимлар ичиға кириб бекинади. Ша вақтда одамни чақади, натижада чаққан жои бироз шишиб, оғрийди, ҳарорат күтарилади, лекин 1—2 кундан сұнг оғриқ босилиб, одам соғайиб кетади.

Фаланг — оч-сариқ рангли булып, узунлиғи 10—70 мм, кичик ҳашаротлар билан овқатланиб, ташқы күрениши тарантулга үхшайди. Шу сабабли күп кишилар фалангны зақарлы тарантул билан адаштиради. Фаланг зақарсиз булып, безараар ҳашарот. У кечаси фаол ҳаёт кечиради. Фаланг тишиласа (чақса) баъзан ҳар хил касаллик тарқатиши мүмкін. Чунки у майды ҳашаротлар билан овқатланғанлығы туфайли юқори жағида шағаротларни қолдиги қолиб, инсонга ўтиб, баъзи касаллікларга сабаб булиши мүмкін.

Адир баландлик миңтақаси ҳайвонлари чүл ҳайвонларидан фарқланади. Чунки ҳудуднинг баландлашиши туфайли табиат унсурларининг хусусиятлари ўзгаради: ёзги ҳарорат пасаяди, аксинча, ёғин миқдори ортади, оқибат натижада ўсимликлар зич үсіб, буйі баланд бұлади. Бинобарин, ҳайвонлар учун озуқа миқдори ортиб боради. Лекин ҳайвонлар табиатнинг ҳаракатчан унсури бұлғанлығы туфайли чүлга хос бўлған баъзи турлар (чүл тошбақаси, думалоқбош калтакесак, сариқ илон,

малла юмронқозиқ, эчкемар ва бошқалар) адирнинг қуи қисмида ҳам яшайди.

Адир баландлик миңтақасида сутэмизувчилардан тулки, бурсық, қүён, сариқ сассиққұзан, Туркистан каламushi кабилар яшайди. Туркистан агамаси, ток илон, сариқ илон, чипор илон, күлвор илон (гюргаза), Туркистан кобраси ва бошқалар учрайди.

Адир баландлик миңтақасида қушлар күп булиб, уларнинг әнг мұхимлари бургут, чил, каклик, миққий, бедана, күк қарға, соч, укки, дала чумчуғи, тувалоқ, қырғий, бургут, қиронқора, болтаютар, илонбургут, итолға, сұфитұрғай, боййұғли (бойқүш) кабилар ҳисобланади.

Сұнгы йилларда ватани Шимолий Америка ҳисобланган ҳамда сифатли мүйна берувчи норка иқлимлаштирилиши натижасида адир ва тоғ баландлик миңтақаларida яшамоқда.

Адир миңтақаси ҳайвонларидан Туркистан тошбақаси, гюргаза (күлвор илон), дашт қора илони, сариқ илон, чипор илон, бургут кабиларга қисқача таъриф берамиз.

Туркистан тошбақаси Ўзбекистоннинг чүл ва адир қисмида яшаб, март ойидан июнгача актив ҳаёт кечиради. Езги иссиқ бошланиши билан ерни ковлаб, тупроққа күмилиб, уйқуга кетади. Тошбақа душмандан сақланиш учун боши ва оёкларини косаси ичига тортиб олади. Тошбақа узоқ яшаб, одатта 10 йилда вояга етиб, сұнгра урчый бошлайди. Баҳорда урғочи тошбақа қазиб құйған чуқурчасига ҳар гал 3—5 донадан 2—3 марта тухум құяди. Оқ, қаттиқ пүстли тухумдан 70—80 кун деңгандың тошбақачалар ёриб чиқади ва ер юзасига келгуси йили (бир йилдан сұнг) баҳорда чиқади. Тошбақаны гүшти ва тухумини истеъмол қилиш мүмкін. Лекин ҳозир асосан унинг гүштидан ҳайвонотчилик фермаларida, ҳайвонот боғларida озуқа сифатида фойдаланылмоқда.

Гюргаза (күлвор илон)— адирларда ва тоғ ёнбағирларининг қуи қисмида күпроқ үт-буталар, тош уюмлари орасида учрайди. Гавдаси қупол булишига қарамай, баъзан овқат ахтариб дараҳтларга ҳам чиқади. У ұта заҳарли илон булиб, узунлиги 1,3 метрғача етади. Думи калта ва танаси йүғон, боши учбұрчак шаклда, ингичка бүйни билан танасидан ажралиб туради. Үнинг ранги ҳар хил булиб, күпроқ ё құнғир, ё түк сариқ рангда учрайди. Құлвор илоннинг орқасидаги танғачаларida бўртиб чиққан узун йўли бор. Орқасида ноаниқ шаклдаги құнғир ёки жигарранг доғлари бўлади. Қишида 20—30 таси йиғилиб карахт булади, март ойларida карахтлик тарқалади. Июлда 8—43 тагача тухум құяди ва 45 кун үтгач бола очади ва 3 ёшда вояга етади. У тунда фаол ҳаёт кечиради. У жуда заҳарли булиб, чақса улимга олиб келиши мүмкін. Құлвор илон одамни кўрса жимгина кулча булиб олади, агар унга яқин бориб, босиб олсангиз у чакишга ҳаракат қиласи. Сұнгы пайтларда құлвор илонни кишилар бетартиб тутиши оқибатида миқдори озайиб кетмоқда. Ҳозир унинг заҳаридан тиббиётда қимматли дори-дармонлар тайёрланади. Халқ табибчилигига құлвор илон баъзи касаллик-

ларни (бавосил, без, ошқозон яраси ва бошқалар) даволашда дори сифатида ишлатилади.

Дашт қора илони — кичик булиб, узунлиги 60 см. га етади. У чұлларда, адиrlарда, утли тоғ ёнбағрларида яшайды. Үнинг думи калта, учки қисми ингичка, орқасида қорамтири катак-катак нақши бор. Қора илоннинг бошқа илонлардан фарқи шундаки, урғочиси тухумини бутун ривожланиши давомида тухум йұлида сақлады. Еш илончалар август ойида пайдо булиб, тез ривожланади, пүст ташлайды, октябрь ойидан инига кириб қишлоғады. У зақарли бұлса-да, чақса үлимга олиб бормайди. Үнинг зақаридан тибиетта дори-дармоп тайёрланади.

Сариқ илон — оёқсиз ва узунлиги 1 м. га етүвчи калтасекаск булиб, жумхуриятимизнинг текислик қисмиде, айниңса адиrlарда күп учрайди, у үт қалин үсган жойларда яшайды, ранги сариқ, баъзан сариқ-яшил тусда бұлади. Сариқ илоннинг урғочиси июнь-июль ойида 8—10 та тухум қўяди. У ҳашаротлар, айниңса қишлоқ ҳужалик заараркунандалари билан озиқланиб, фойда келтиради. Сариқ илон одамга зарар етказмайди, бинобарин, уни муҳофаза қилиш керак.

Чипор илоннинг бир неча тури (нақшдор чипор илон, ранг-баранг чипор илон, холдор чипор илон, қизил йұли чипор илон) булиб, узунлиги 1—1,8 м. гача бұлади. Улар безараар жони-вор булиб, чұлларда, воҳаларда, адиrlарда, тоғ этакларida яшайды.

Бургут — йирик ва энг кучли йиртқич қушлардан ҳисобланади. У адиr ва тоғларга хос құш ҳисобланиб, қанотини ёйганда 2 метрга етади. Оёқлари панжаларигача патли булиши билан бошқа қушлардан фарқланади. Танаси бир хил жигар ранг-қўнғир тусда. У анча йирик үлжани — қуён, тулки, жайрон, қўй, эчки, ва ҳатто буриларни ҳам ов қилиш кобилиятига эга. Бургут ҳозир Ўзбекистонда кам қолганлиги туфайли «Қизил китоб» га кирган.

Тоғ баландлик минтақаси. Бу баландлик минтақада ёз салқин, намроқ, қиши совуқ, үсимликлар, айниңса дарахтлар күп үсиб, ўрмонларни ҳосил қиласы. Ўрмонлар тагида эса ҳар хил үтлар қалин үсиб, серҳосил, бинобарин, ҳайвонлар учун озуқа моддалар сероб. Лекин тоғ минтақасининг рельефи нокулайлиги ва ҳароратнинг пастлити туфайли баъзи ҳайвон турлари, чунончи судралыб юрувчилар кам. Онда-сонда — Олой тоғ илони, Ҳимолай ва Туркистон агамаси учрайди. Тоғ минтақасида ўрмон сичқони, Туркистон каламуши, оқ сичқон, оқ сувсар, тоғ сувсари, қундуз, ўрмон олмахони, күршапалак, ўрмон соняси; йирик сут-эмизувчилардан қўнғир айик, чипор сиртлон, силовсин, монул қоплон, ёввойи қўй-алқор, бурмали тоғ эчкиси, тұнғиз, бўри, тулки, бўрсиқ, қуён кабилар учрайди. Қушлардан бургут, япалоққуш, тасқара, итолға, қумри, каклик, зарғалдоқ, болтатумшуқ, булбул, тоғ чумчуғи кабилар яшайди.

Яйлов баландлик минтақаси 2800—3000 м. дан баландда булган тоғларни ўз ичига олади. Бу баландликлар ре-

льефи жуда ҳам мураккаб бўлиб, доимий қор билан қопланган тоғ чўққилари, тик тоғ ёнбағирлари, чуқур зовлар, қоялар мавжуд. Бунинг устига ёз қисқа ва салқин, қиши давомли, совуқ, ўсимлик қоплами сийрак ва дарахтсиз, субальп ва альп ўтлоқлари яхлит туташ эмас. Булар ўз навбатида ҳайвонот оламига ҳам таъсир этиб, уларнинг тури ва миқдори тоғ баландлик минтақасига нисбатан кам. Яйлов минтақасида айниқса судралиб юрувчи ҳайвонлар онда-сонда учрайди. Уларнинг энг муҳимлари Олой тоғ илони, чинқироқ илон, Ҳимолай агамаси ҳисобланади. Бу минтақада кам бўлса-да, кўк қурбақа кемирувчилардан қизил, кўк ва Мензбир суғури ва оқ сувсар яшайди.

Яйлов минтақасида йирик сутэмизувчилардан қўнғир айиқ, илвирс, тоғ такаси, архар, муфлан, қоплон, бўри; қушлардан улар, қумай, болтаютар, тоғ зағчаси кабилар яшайди.

Ўзбекистон дарё водийлари ва воҳаларида табиий шароит инсоннинг таъсири натижасида анча ўзгарган, бинобарин, ҳайвонот оламида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берган. Ерларни қишлоқ хўжалигида ўзлаштирилиши, табиий ўсимликларни йўқ қилиниши туфайли ҳайвонларнинг яшаш шароити ёмонлашиб, уларнинг тури ва миқдори йил сайин камайиб бормоқда. Водийларга хос ҳайвон турлари асосан кам ўзлаштирилган тўқайларда сақлашиб қолган.

Тўқайзорларда кўпроқ кўк қурбақа, ер қаламуши, кичик калтакесаклар, сув илон, қора илон; қушлардан балиқчи қушлар, қўтсан, бирқозонлар-пеликан, қоравой, кўк, оқ ва малла қўтсанлар, қорабузов-баклан, ғозлар, ўрдаклар, чурраклар, қирғовул, каккулар, зағизғон, қирғий, қора қарға кабилар яшайди. Тўқайда яна чиябури, тулки, бўрсиқ, тўқай мушуги, қуён кабилар ҳам учрайди.


Сўнгги йилларда Ўзбекистон сув ва тўқайзорларида мўйна берувчи ондатра, нутрия каби ҳайвонлар ҳам урчтилмоқда.

Ўзбекистон воҳаларида қушлардан мусича, зағча, қарқиноқ, булбул, бедана, чумчук, боййғли, лайлак; судралиб юрувчилардан сариқ илон, чипор илон, бўзранг калтакесак; сутэмизувчилардан бўри, тулки, қуён, кўршапалак, типритикан кабилар яшайди. Булардан ташқари воҳаларда яна сичқонлар, қаламушлар, чигиртка ва бошқа ҳашаротлар учрайди.

Ўзбекистон сув ҳавзаларида балиқларнинг 70 га яқин тури мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари Амударё ва Сирдарёда учрайдиганлари илон балиқ, зоғора балиқ, шип, сазан (зогора балиқ), лаққа балиқ, оддий чўртан, қора балиқ (маринка), илонбош кабилар.

Сирдарё ва Амударё ҳавзасида, Каттақурғон, Қўйимозор ва Толимаржон сув омборларида, Аму-Бухоро, Қарши магистрал каналларида мўйлов балиқ (сүғён); Сирдарё, Чирчиқ дарёларида ва Катта Фарғона, Жанубий Мирзачўл каналларида Сирдарё куракбурун (филбурун) балиғи учрайди.

Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Шеробод каби дарёлар-



22-расм. Хайвонларға таъсир этүбчи омиллар.

да, айниңса секин оқадиган қисмидә храмулық, Амударёда эса катта куракбурун балиғи, Амударё фарели (гулмойи) яшайды.

Ўзбекистондаги барча дарёларнинг тоғли қисмидә эса маринка балиғи учрайди.

Жумҳуриятимиз сув ҳавзаларидаги — кўлларида оддий оққайроқ, кумуш ранг товоңбалиқ, сазан, оддий лаққа, оддий судак каби балиқлар яшайды. Сўнгги йилларда Ўзбекистон сувларидаги иқлимлаштирилган илонбуш, оддий дунгпешона, оқ Амур балиқлари ҳам урчитилмоқда.

Ўзбекистонда яна мўйна ва гўшт берувчи, лекин «Қизил китоб»га киритилган айқ, қоплон, илвирс, тоғ такаси, архар, жайрон, Бухоро буғуси кабилар ҳам бор.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик заараркунандаларига қарши фойдаланиш мумкин бўлган фойдали ҳашаротлар ҳам мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари хонқизи, турли яйдоқчилар, олтинкуз, трихограмма, айрим туткич қўнғизлар, қандалалар, бешиктерватарлар.

Ўзбекистон ҳайвонлар ичидаги илмий-тадқиқот ва медицина ташкилотларидаги ҳар хил тажрибалар ўтказиш учун минглаб кўл бақалари, каламушлар, сичқонлар, қуёнлардан фойдаланилади.

Ўзбекистон ёввойи фаунасидан фойдаланиш билан бир вақтни ўзида ёввойи ҳайвонларни ўйламай нетмай, қоида-қонунларга риоя қилмай ов қилиниши туфайли бир қатор ҳайвон турлари камайиб кетмоқда. Бунинг устига табиий ландшафтларни тезкорлик билан ўзлаштирилиши, яъни ҳайдаш; овчиларнинг кўпайиши; янги-янги шаҳарлар, қишлоқлар, завод-фабрикаларнинг вужудга келиши, тоғ-кон саноатининг кўпайиши хўжаликни кимёлаштириш, табиатдан рекреацион мақсадларда фойдаланиш оқибатида ҳайвонлар яшаш жойларидан маҳрум бўлмоқдалар (22-расм). Булар ўз навбатида жуда күп ҳайвонлар турининг ва сонининг кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

Табиатга, айниңса ёввойи ҳайвонларга иотўғри муносабатда бўлиш оқибатида баъзи ҳайвон турлари ноёб турга айланаб бора, (хонгул буғуси, жайрон ва бошқ.) Туркистон йўлбарси бутунлай йўқ қилинган.

Ўзбекистонда тури камайиб кетаётган ҳайвонларни муҳофаза остига олиш мақсадида «Қизил китоб» ташкил этилди. Ўзбекистон «Қизил китоби»га жумҳуриятимизда, яшайдиган сутэмизувчиларнинг 22 тури, қушларнинг 31 тури, судралиб юрувчиларнинг 5 тури, балиқларнинг 5 тури киритилган (23-расм).

«Ўзбекистон Қизил китоби»га кирган ҳайвонлар: сутэмизувчилардан катта шомшапалак, шалпангўлоқ кўршапалак, кўк суғур, катта қўшоёқ, қўнғир айқ, олакўзан, ҳинд асалхўри, Туркистон қундузи, сиртлон, силовсин, қорақулоқ, малин, қоплон, ирбис, гепард, хонгул, жайрон, марҳур, Ўстюрт қўйи (аркал), Қизилқум ёввойи қўйи, Бухоро қўйи, архар; қушлардан баъзилари — бирқозон, оқ ва қора лайлак, қизил ғоз, оқбош ва мармар ўрдак, узун ва оқ думли бургут, қирғий бургут, чўл бургу-




23-расм. Узбекистон «Қизил китоби»га кирган баъзи ҳайвонлар ва қушлар:

1—Бухоро төр қоysi, 2—Ирбис, 3—Кўк суyур, 4—Жайрон, 5—Қўнғир айиқ, 6—Чўл бургути, 7—Қора лайлак, 8—Бирқозон ёки Жингилдар, 9—Тувалоқ, 10—Қизил роз.

ти, бургут, болтаютар, қумай, лочин, итолғи, оқ турна, туvalоқ, қум чумчуги ва бошқи; судралиб юрувчилардан — хентог қурбақабоши, Штраух қурбақабоши, эчкемар, чипор калтакесақ, капча илон (Туркистон кобраси); балиқлардан — баҳри балиқ (бакра), қилқуйрур (катта куракбурун балиқ), кичик куракбурун, Сирдарё куракбурун балиғи, мўйлов балиқ (сўғён).

Савол ва топшириқлар. 1. Узбекистон ҳайвонлари қайси зоогеографик областчага киради ва унинг ўзига хос томонлари жиҳатидан бошқа областчалардан қандай фарқ қиласди? 2. Узбекистон ҳудудида таркиб топган ва бошқа ўлкалардан кириб келган энг муҳим ҳайвон турлари ҳақида галириб беринг. 3. Узбекистоннинг чўл минтақаси ҳайвонлари шароитга қандай мослашган? 4. Чулга хос сутэмизувчилар, судралиб юрувчилар ва ҳашаротнинг энг муҳим турлари ҳақида қисқача маълумот беринг. 5. Узбекистон табиий харитасидан адир, төр ва яйлов минтақаларига қаерлар киришилгини аниqlанг ва ҳар бир минтақага хос бўлган ҳайвонлар рўйхатини тузинг. 6. Нима сабабдан Узбекис-

24- рәсем. Табиий ресурслар ва уларшын түрләри.



тон водий ва воҳаларидаги ҳайвонлар чўл ҳайвонларидан фарқланади? 7. Ўзбекистон ҳайвонларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти нималардан иборат? 8. Нима учун ва қандай сабабларга кўра Ўзбекистонда яшовчи баъзи ҳайвон турлари камайиб, ноёб турга, баъзилари эса бутунлай йўқ қилинган? 9. Нима учун Ўзбекистон «Қизил китоби» ташкил этилди? «Қизил китоб»га кирган энг муҳим ҳайвон турларини тузиб чиқинг.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА КИЛИШ

Табиат ва инсон орасидаги муносабатлар азалдан ҳаммани қизиқтириб келаётган энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, саноат ва транспортнинг тез ўсиши, аҳолининг кўпайиши ва урбанизацияси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни кимёлаштириш, ерларни бетартиб, режасиз узлаштириш, сув бойликларидан хўжасизларча фойдаланиш бир томондан жумҳурият бойликларидан кўпроқ фойдаланишга имконият берса, иккинчи томондан атроф-муҳитга салбий таъсир этиб, унинг дастлабки табиий мувозанатини бузилишига олиб келмоқда. Натижада жумҳурият ҳаво ва суви ифлосланмоқда, тупроқ эрозияси тезлашмоқда, ўсимлик ва ҳайвонларининг баъзи турлари камайиб ёки йўқолиб кетмоқда, табиий ёдгорликлар шикастланмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон табиатини қўриқлаш масаласи жумҳурият учун зарур бўлган табиий бойликларни — тупроқни эрозиядан сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, сув ва ҳавони тоза сақлаш, хушманзара жойларни ва табиатнинг ажойиб ёдгорликларини ўз ҳолича сақлаш кабиларни ўз ичига олади.

Агар атмосфера ва сув бойликлари покиза сақланмаса, тупроқнинг эрозияга учраши ва ифлосланишига чек қўйилмаса, ўсимлик ва ҳайвон турларини камайиб кетишининг олди олинмаса халқ хўжалиги жуда катта зарар кўради, аҳоли саломатлигига салбий таъсир этиб, наслимиз бузилади, оқибат натижада ўлкамизни келажак авлодга «қашшоқлашган» ҳолда мерос қилиб қолдramidiz.

Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга. Чунки жумҳурият аҳолисининг 90% атрофидағиси воҳаларда жойлашган. Бунинг устига Ўзбекистоннинг асосий шаҳарлари, қишлоқлари, завод-фабрикалари, сурхонладиган ерлари, пахта далалари ҳам воҳаларда жойлашган. Натижада воҳалар (Тошкент-Мирзачўл, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Қўйи Амударё воҳалари) саноат, маишӣ-коммунал чиқиндилари ва қишлоқ хўжаликда ишлатилган кимёвий моддалар билан ифлосланган.

Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмини ишғол қилган чўл ва тоғлари ҳозир тезкорлик билан ўзлаштирилмоқда. Шу туфайли уша жойларда табиатни муҳофазасига алоҳида эътибор бермасак табиат мувозанати бузилиб, табиий бойликларнинг ҳолати ёмонлашиб, баъзи табиат унсурлари камёб бўлиб қолади. Бунга илгари Ўзбекистон чўлларида кўп яшайдиган хонгул, тоғларида гала-гала яшайдиган какликлар, қир ва тоғларда ўсуви лолаларни ноёб дурга айланиб қолганлиги яққол мисолдир.

Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларига инсоннинг таъсири хилма-хил. Уларнинг энг муҳимлари қуидагилар: дәҳқончилик орқали; яйловларда мол боқиши орқали; саноат ишлаб чиқариш орқали; янги кимёвий моддалар яратиш орқали; урбанизация орқали; ҳар хил қурилишлар орқали; табиий ресурслардан фойдаланиш орқали ва табиатдан рекрацион фойдаланиш орқали. Бу таъсирлар оқибатида жумҳурият табиати ифлосланиб, табиий ресурсларнинг ҳолати ёмонлашиб бормоқда.

Ўзбекистон бой табиий ресурсларга — ҳар хил қазилма бойликларга, қулай иқлимиш шароитга, унумдор тупроққа, хилманиш үсимлик ва ҳайвон турларига эга.

Ўзбекистон табиий ресурслари энг аввало тугайдиган ва тугамайдиган деб икки катта гурухга булинади.

Тугайдиган табиий ресурслар ўз навбатида яна қайта тикланмайдиган (қазилма бойликлар, дарё энергияси) ва тикланадиган (тупроқ, үсимлик, ҳайвонлар ва баъзи минерал хом ашёлар) ресурсларга булинади (24-расм).

Ўзбекистон қазилма бойликлари — олтин, мис, вольфрам, нефть, газ, кўмир ва бошқалар қайта тиклаш мумкин бўлмайдиган табиий ресурслар. Шунинг учун қазилма бойликлардан оқилона фойдаланишга (қазиб чиқариш, ташиш, тушириш ва ишлатишда тежаб-тергаб, истрофарчиликка йўл қўймасдан улар билан аралаш бўлган барча фойдали моддаларни тўла ажратиб олишига) эришиш зарур.

Ўзбекистон тупроқ ресурслари ҳолати ёмонлашса, үсимлик ва ҳайвонларнинг баъзи турлари камайиб кетса уларни қайта тиклаш мумкин. Тугамайдиган табиий ресурсларга иқлим, сув ва космик ресурслар киради, улардан қанча фойдаланса-да миқдори тугамайди, лекин сифатига таъсир этади. Масалан, қўёшдан келаётган иссиқлик ва ёруғлик қанча фойдаланса-да тугамайди. Лекин атмосферанинг ифлосланиши туфайли ҳаво таркиби ўзгариб, ҳар хил заарли чанглар ва карбонат ангидриднинг миқдори кўпаяди ҳамда радиация балансига таъсир этади, оқибат натижада табиатни бошқа унсурларига, киши саломатлигига салбий таъсир этади. Бунда асосий вазифа атмосферанинг ифлосланишига йўл қўймасликдир.

Табиатни ифлословчи манбалар. Ўзбекистон табиати ва табиий ресурсларини ифлослантирувчи асосий манбалар — саноат, боғ-кон саноати, коммунал-маиший хўжалик, транспорт восита-лари, қишлоқ хўжалиги, соғломлаштириш ташкилотлари ва шов-кин сурондир.

1. Ўзбекистонда 1000 дан ортиқ атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноат тармоқлари мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммасида тозаловчи иншоотларнинг йўқлиги, мавжудларини яхши ишламаслиги оқибатида атроф-муҳитга йилига 4,5 млн. тонна атрофида зарарли ва заҳарли моддалар чиқарилиб, ифлослантирилмоқда. Чунки ўша саноат корхоналари чанг ва газни ушлаб қолувчи ва бошқа зарарли моддаларни тозаловчи қурилмалар билан фагат 50 фоизгина таъминлангандир. Бунинг оқибатида корхона-

лардан чиқаётган азот оксидининг фақат 4%, углеводороднинг 17%, углерод оксидининг 29%, олтингугуртнинг 33% игина ушлаб қолинмоқда. Натижада жумҳуриятимизнинг баъзи шаҳар ва аҳоли пунктидаги ҳавонинг ифлосланиши даражаси санитария миқдоридан ортиқ. Айниқса, кимё саноати мавжуд бўлган шаҳарлар ҳавоси (Чирчиқ, Фарғона, Қўқон, Самарқанд, Навоий, Тошкент, Андижон, Бекобод, Олмалиқ) ифлослангандир. Ўзбекистон саноат корхоналаридан яна йилига 300 млн. м³ ифлос, ишлатилган оқовалар чиқариб, табиий сув манбаларини ҳам ҳар хил зарарли моддалар билан ифлосламоқда.

2. Ўзбекистон табиатининг бузилиши ва ифлосланишида тоғкон саноати ҳам иштирок этади. Маълумки, ер ости бойликларни қидириб топиш, ишга тушириш, қазиб олиш, ташиш жараёнида кўплаб ерлар қазилади, йўллар, уй-жой қурилади, нокерак тоғ жинси ағдармалари вужудга келади. Ҳозир жумҳурият бўйича тоғ ишлари билан бузилган ерлар майдони 1500 гектарни ташкил этади. Бунинг устига ҳар йили 40 миллион тонна ҳажмада тоғ жисмлари, чиқиндилар, шлаклар ва бошқалар тупланиб қолмоқда. Лекин ҳозирча ўшаларнинг фақат 0,5 млн. тоннасидан ёки 1,2% дан фойдаланилмоқда, холос. Қолган қисми ҳамон қишлоқ ҳўжалик учун керакли ерларда тупланиб, атроф-муҳитни чанг-тузон билан ифлосламоқда.

3. Ўзбекистон табиатини ифлословчи яна бир манба — бу маший-коммунал ҳўжалик чиқинди — сувлари ва ахлатларидир. Маълумотларга қараганда жумҳурият бўйича маший-коммунал ҳўжалик эҳтиёжи учун йилига олинаётган сувнинг 50% тозаланмасдан, ярим тозаланган ҳолда табиий ҳавзаларга чиқариб ташланмоқда. Натижада сув ҳавзалари ҳар хил зарарли моддалар билан ифлосланмоқда.

4. Ўзбекистон табиатини, айниқса, шаҳарлар ҳавосининг ифлосланишида транспортнинг ҳам салмоғи катта. Ҳозирча Ўзбекистонда транспортнинг купчилик тури (трамвай, троллейбус ва метродан ташқари) асосан нефть маҳсулотлари билан ишлайди. Натижада жумҳурият автомобилларидан атроф-муҳитга йилига 2,8 млн. тонна ҳар хил заҳарли газлар, тутун, қурум, резина заррачалари чиқиб, уни ифлослайди. Бу соҳада автомобилларни ҳиссаси катта. Чунки битта автомобиль глушчателидан 200 та заҳарли моддалар (углерод оксиди, мишъяқ, фтор, олтингугурт гази, углеводород бирикмалари) чиқади. Булардан ташқари автокорхоналардан, машиналарга техник ёрдам курсатиш нуқталаридан, автомобилларни ювишдан нефть маҳсулотлари билан ифлосланган оқовалар тоналанмасдан тўғридан-тўғри табиий ҳавзаларга тушиб, сувларга қўшилиб кетмоқда. Бундай аҳвол айниқса йирик шаҳарларда, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Чирчиқ, Олмалиқ, Қўқон каби шаҳарларда тез-тез рўй бериб туради.

6. Экинларга хусусан, пахтага ҳар хил минерал ўғитларни меъёридан ортиқча, бетартиб солишини, қишлоқ ҳўжалик зарар-кунандаларига қарши заҳарли дориларни ишлатилиши, фақат

тупроқни эмас, балки сувни, ҳавони ҳам ифлосламоқда. Чунки үша солинган ўғит ва сепилгандар заҳарли моддаларнинг 15—25 фоизигина ўсимликлар ўзлаштиради, қолган 75—85 фоизи тупроқда, сувда ва ҳавода тўпланиб, уларни ифлослайверади.

Ўзбекистон табиатининг ифлосланишида чорвачилик фермалари ва комплексларининг ҳам таъсири бор. Чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари атроф-муҳитни қўланса ҳид билан ифлослашдан ташқари, улардан чиқсан оқовалар билан сув ҳавзалари ифлосланмоқда. Үша фермалардаги гунг ёғин сувлари туфайли эриб, улар оқиб дарё, сой, жилға сувларига қўшилади. Баъзи ерларда чорва молларни ювинтирилган ифлос сувлари ҳам сой, ариқ сувларига қўшилади. Натижада табиий сув ҳавзалари нажас билан бирга молларда ва паррандаларда мавжуд касалликлар бактерияси билан ҳам ифлосланади.

7. Жумҳурият табиатини ифлосланишида дам олиш корхоналари, курорт-соғломлаштириш ташкилотлари ҳам иштирок этади. Дам олиш уйлари ва курортлар асосан тор ва тор олди минтақаларида жойлашиб, улардан чиқаётган оқова ифлос сувлар марказлашган канализация қувурларига уламаган. Бинобарин, үша ифлос оқова сувлар табиий сув ҳавзаларига қўшилиб, уларни ҳамон булғаб келмоқда. Буни устига үша ифлос оқова сувлар таркибида (соғломлаштириш корхоналари чиқараётган) ҳар хил касаллик тарқатувчи бактериялар бўлиши табиий. Дам олиш ва соғломлаштириш корхоналари тўла газлаштирилмаганлиги сабабли иситкич қозонлар, ошхоналар, кўмир ёки мазут билан ишлаганлиги туфайли атмосферага ҳар хил зарарли газлар, қурум, кул ва тутун чиқариб ҳавони ифлосламоқда.

8. Ўзбекистон географик муҳити табиий ҳолатининг ўзгаришида, кишилар саломатлигини ёмонлашишида шовқин-суроннинг ортиб бориши ҳам салбий таъсир этмоқда. Шу сабабли шовқин-суронга қарши курашиш бу табиатни муҳофаза қилишининг ажралмас бир қисмидир.

Шовқин-сурон — мусиқавий хусусиятга эга бўлмаган ёқимсиз ва хавфли овоздир. Шу туфайли у кишиларнинг ишилашига, дам олишига халақит беради, асабига таъсир қиласи, бош оғриғига, ўйқусизликка дучор қиласи, юрак уришини тезлаштиради.

Шовқин-сурон транспорт, айниқса, аэропорт ва саноат корхоналаридан, қурилиш техникалари, майший хизмат корхоналаридан чиқсан шовқинлардан ҳамда радио, телевизор овоздарини баланд қилиб қўйишдан вужудга келади. Агар шовқин-сурон кучи 60—90 дБ дан ошса ёқимсиз овоз, 130—200 дБ дан ошганда эса хавфли овоз хисобланади. Ўзбекистондаги Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Андижон каби шаҳарлардаги баъзи кўчаларда, хусусан, Тошкентдаги Навоий, Усмон Ноисир, Беруний, Ўзбекистон каби кўчаларда шовқин-сурон кучи 80—90 дБ га етмоқда.

Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилишининг чора-тадбирла-

ри ва асосий йұналишлари. Ұзбекистон табиатини мұхофаза қи-
лиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун:

— Ұзбекистон ҳудудида атроф-мұхит ифлосланишининг ол-
дини олиш, экологик вазият әнг ёмон мінтақа ва шағарларда
мұхит қолатини тубдан яхшилашга әришиш, ақоли саломатли-
ги учун ұта хавфли моддалар миқдорини йүл құйиладиган дара-
жага туширишни таъминлаш;

— табиий ресурсларнинг истеъмолини барча буғинларida,
әхтиёт қилиб, тежаб, саноатнинг кам чиқиндили технологиясини
жорий этиб, чиқиндисиз комплекс ишлаб чиқаришга үтиш;

— корхоналарда хом ашёни тежаб, улардан комплекс фойда-
ланиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини қайта иш-
лаш мақсадида эски дастгоҳларни янги замонавий дастгоҳлар
билан алмаштиришга әришиш;

— ишлаб чиқариш кучларининг табиатни мұхофаза қилиш
қоидаларига асосланыб жойлаштириш;

— табиий мұхитнинг қолати ва ифлосланишини экологик на-
зорат остига олиб, кузатишининг ягона автоматлашган тартиби-
ни яратиши;

— табиат үнсурлари барча турларининг табиий хусусиятлари
ва ранг-баранглигини үз холица сақлашга әришиш;

— табиий ёдгорликларни ҳисобға олиш ва уларнинг үз хо-
лица сақлашга әришиш;

— ақоли орасида, айниқса, боғчаларда, үрта ва олий үқув
юртларida табиатни мұхофаза қилишга қаратылған таълим ва
тарбияни күчайтириш;

— табиатни ифлосланишидан келиб чиқаётған салбий оқи-
батларни, айниқса, кишиларнинг саломатлығига таъсирини чу-
қур үрганиб, унинг олдини олиш чораларини зудлик билан иш-
лаб чиқиши;

— халқ хұжалиғи раҳбарлари ва мутахассисларига табиат-
ни мұхофаза қилиш таълимими беришга алоқида әътиборни кү-
чайтириш мақсадида соңа малакасини ошириш институтларida
«табиатдан оқилона фойдаланиш ва мұхофаза қилиш» мавзуси
бүйіча курслар ташкил қилиши;

— ифлослантирувчи моддаларни табиатта чиқаришга йүл құ-
йилған даражадан оширилғанлиги ҳамда табиий бойликлардан
самаrasиз фойдаланғанлиги учун корхоналар, ташкилотлар, бир-
лашмалар, хұжаликлар ва бөшқа ташкилотлардан жарима олиш.
Аксинча, табиатни мұхофаза қилиш қонуларига риоя қилған
корхона ва ташкилотларни рағбатлантириш тартибини амалға
oshiриш.

— кенг халқ оммасини табиатни мұхофаза қилиш ишидан ха-
бардор этиш ва үнга жалб этиш мақсадида радио, ойнаижақон,
рұзнома ва ойномаларда мунтазам тарғибот ишларини күчайти-
риш.

Ұзбекистон атмосферасини тоза сақлаш учун қуйидаги чо-
ра-тадбирларни күриш ва амалға ошириш керак:

Яқин йилларда Тошкент, Чирчиқ, Навоий, Фарғона, Ангрен,

Олмалиқ. Андижон, Қўқон, Наманган, Бекобод каби шаҳарларда ва бошқа ҳудудларда ноқулай вазиятни юзага келтираётган корхоналардан ҳавога чиқаётган заарли чиқиндилар ҳажмини камайтириб, белгиланган миқдор даражасига тушириш, бунинг учун — саноат корхоналари, коммунал хўжаликларда кўмир, қорамой ёқиши үрнига электр энергиясидан ва газдан фойдаланишга ўтиш зарур. Бунда атмосферага чанг, қурум, тутун ва заҳарли газлар кам чиқарилади: маълумотларга кўра кўмир билан ишловчи бир корхона газга ўтказилса, ҳавога чиқаётган олтингугурт гази миқдори 10 000 марта, углерод оксид миқдори 2000 марта, азот оксидлари миқдори 5 марта камаяди;

— корхоналардан атмосферага чиқиб, уни ифлословчи зарарли моддаларни тозаловчи иншоотлар қуриш, уларни яхши ишлашини таъминлаш, янги замонавий технология билан ишловчи иншоотлар барпо этиш. Ҳозирги жумҳуриятда ҳавони ифлословчи йирик ва ўрта корхоналарнинг фақат 50 фоизида зарарли моддаларни ушлаб қолувчи иншоотлар бор, холос. Натижада ўша корхоналардан йилига атроф-муҳитга чиқаётган 4,5 млн т қаттиқ ва газсимон моддаларнинг 2,4 млн тоннаси тозаланмасдан ҳавога қўшилиб кетмоқда;

— жумҳурият ҳавосини тоза сақлаш учун корхоналарда ишлаб чиқариш технологиясини ўзgartиши, эскирган технологик ускуналарни янги чиқиндисиз ишлайдиган технологик ускуналар билан алмаштириш лозим. Тошкент кабель заводи кабелни синтетик қоплама билан ўрайдиган янги технологияга ўтиш орқали заарли бўлган қўрошинни ҳавога чиқишига чек қўйди;

— ҳавони ифлословчи автотранспортдан чиқадиган заарли моддалар миқдорини икки ҳисса камайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун этил бензинидан фойдаланишни тұхтатиш, двигателларини тұғри ишлашини таъминлаш, автомобилларни чорраҳаларда тўпланиб қолишига чек қўйиш зарур.

— ҳавони тоза сақлаш мақсадида саноат обьектларини географик шароитга қараб жойлаштиришга эришиш. Бунда саноат корхоналари алоҳида уй-жойлар минтақасидан ташқарида жойлашиши керак;

— ниҳоят атмосферани тоза сақлашнинг таянчли йўли бу яшил ўсимликлар майдонини кенгайтиришdir.

Ўзбекистон учун энг муҳим регионал муаммо бу сув ресурсларини муҳофаза қилишdir.

Бундан бўён Ўзбекистон сув бойликларини муҳофаза қилиб, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш учун қўйидаги чоратадбирларни амалга ошириш зарур.

1. Жумҳуриятимиздаги барча саноат корхоналарида илфор технологик жараёнларни қўллаб, ифлос оқова сувлар миқдорини камайтиришга эришиш керак. Бунинг учун саноат корхоналарида тоза сувдан фойдаланишнинг берк (айланма) сув таъминотига ўтиш зарур. Лекин ҳозирча Ўзбекистон саноат корхоналарида сувдан берк усулда фойдаланиш даражаси 45—50% дан ошмайди. Яқин келажакда эса саноатда сувдан берк усул-

да фойдаланишни 85—88% га, иссиқлик энергетикасида эса 64% гача күтариш күзде тутилади.

2. Бир-бирига яқин корхоналар сувдан кооперативлашган ҳолда фойдаланишга ўтиш. Бунда бир корхона ишлатган сувни, тозалаб, совитиб, қувурлар орқали иккинчиси, сұнгра учинчи-сига ўтказиш мүмкін.

3. Ҳар бир корхона қошида ифлос сувларни тозаловчи замонавий иншоотлар қуриб, ундаги баъзи фойдали моддаларни ушлаб қолиб, қайта фойдаланишга эришиш.

4. Саноат корхоналарида совитиш ишларини сув ёрдамида әмас, балки ҳаво ёрдамида амалга ошириш керак.

5. Маълум корхона, эҳтиёжи учун олинаётган чучук тоза сув учун әмас, балки чиқариб ташлаётган ифлос оқова сувнинг миқдорига қараб ҳақ тұлашни жорий этиш. Бунда корхона чиқа-раёттан оқова сувнинг ифлослик даражасига қараб, ўта ифлос сув учун күпроқ, кам ифлос сув учун озроқ ҳақ тұлашни құллаш керак. Натижада корхона кам тоза сув олиб, ифлос сув чиқариши иложи борича қысқартыради, оқибатда маблағ иқтисод қилинади, табиий сув ҳавзалари покиза сақланади.

6. Саноат ва майший-коммунал оқова сувларидан техник ва әм-хашак әқинларини сүфорища ишлатиши ўтиш керак.

7. Катта шаҳарларда иккита сувқұвур тармоғига ўтиш мақсадға мувофиқ. Бунда биринчи қувурдан тоза ичимлик сув, иккинчисидан эса саноат, майший-коммунал хұжалик учун ишлатиладиган сув келади.

8. Қишлоқ хұжалигига сувнинг исроф бўлишига чек қўйиш учун сүфориш тармоқларини қайта қуриб (каналларни бетонлаш ёки канал тубига полиэтилен плёнкалар ётқизиш) сувнинг шимилиб кетишини камайтириб, фойдали иш коэффициентини күта-риш сүфоришнинг янги усуулларини құллаш орқали гектарига сарфланаётган сувнинг 15—20 фойзини камайтиришга эришиш (25-расм).

9. Жумҳурият бўйича зовур-дренаж сувларини тұплашни тартибга солиб, Амударё ва Сирдарёнинг ўңг ва сұл сохииллари бўйлаб зовур қазиб сувни Орол деңгизига оқизишишга эришиш.

10. Чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фермаларида чиқаётган ифлос сувларни ва гүнгларни табиий сув ҳавзалирига қўшилишига мутлақо чек қўйишга эришиш.

11. Ўзбекистон сув ҳавзаларида унинг ифлосланиш даражасини мунтазам кузатиб борувчи гидромет хизматини ташкил этиш.

12. Бундан кейин дарё үзанларидан қум, шағал ва бошка қурилиш материаллари олишни тартибга солиш, дарё қайирларida «дала ҳовли» учун ер ажратишни табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари розилиги билан амалга ошириш.

13. Нихоят, сувни иқтисод қилиб, тоза сақлаш учун шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойлардаги сув қувур мурғайларининг носозлиги ёки очилиб қолишлиги туфайли тоза сувни бекорга оқизишишга чек қўйишга тұла эришиш: фақат Тошкентда сув қувур-

лари мурғайларнинг носозлиги ёки очиқ қолиши туфайли йилига 11—12 минг м³ ичимлик сув бекорга сарфланмоқда.

Ўзбекистон халқ хўжалигида тупроқ бойликлари ва уни муҳофаза қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон тупроқ бойликларини муҳофаза қилишда эрозияга қарши курашиш, қайта шурлашишни олдини олиш ва тупроқни ифлосланишдан сақлаш муҳимдир. Бунинг учун келажакда жумҳуриятимизда қуидаги чора-тадбир ишларини амалга ошириш керак:

1. Илмий асосланган алмашлаб экишни тұла жорий этиш, пахтацилик комплексини 50—53% га тушириш ва гектар бошига 50—60 тоннадан табиий үғит (гүнг) солиб гумуснинг тупроқдаги миқдорини етарли булишини таъминлаш.

2. Жумҳуриятда суғориладиган майдоннинг 40—50 фоизи у ёки бу даражада шурлашган ва қайта шурлашган. Бунинг олдини олиш учун ерларни суғоришнинг илғор (тарнов ве найчалар ёрдамида, ёмғирлатиб, томчилар, тупроқ остидан суғориш), илмий асосланган усулларини жорий этиш; шур ювишни пухта үтказиш, зовур дренажларни яхши ишлашини таъминлаш зарур. (26-расм).

3. Сув эрозиясининг олдини олиш учун келажакда суғориш технологиясига риоя қилиш, суғориш тармоқларини буткул қайта қуриш, ташкилий хўжалик, ўрмон мелиоратив ва гидротехник тадбирларни амалга ошириш; эрозия хавфи бўлган барча қия ерларда кўп ийллик экин экиш, катта қияликка эга бўлган ён бағирларда боғдорчилик ва узумчилик зинапояларга айлантиришни амалга ошириш зарур.

Маълумки, Ўзбекистонда эрозияга учраган ерларнинг 48—49 фоизи шамол эрозиясига тұғри келади. Шамол эрозиясини олдини олиш учун ихотазорлар барпо этиш, экинзорлар орасида баланд бўйли экинлар экиб тусиқлар (кулислар) ҳосил қилиш; алмашлаб экишга риоя қилиш, ерни чуқур ҳайдаш, алмашлаб экишни жорий этиш; тупроқни органик үғитлаб унинг таркибини яхшилаш; яловлардан тұғри фойдаланиш; геологик-қидирув, йўл қуриш ва ҳар хил қувурлар етқизишда табиат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш; кўчма қўмларни мустаҳкамлаш учун механик тусиқлар ташкил этиш; ҳар хил усимлик уруғларини сепиб, уни чиқишини таъминлаш, жуда муҳим аҳамиятга эга.

4. Тупроқни минерал үғитлар ва заҳарли моддалар билан ифлосланишдан сақлаш учун заҳарли дорилардан фойдаланишни қисқартиш, пестицидлардан миқдорига, вақтига, сақлаш қоидасига риоя қилиб фойдаланиш, ишлатишда йўл-йўриғига амал қилиш керак.

5. Ўзбекистон тоғ-кон саноати билан боғлиқ бўлган ҳолда бузилган ва нокерак жинслар билан қоплаб олинган ерларни рекультивация қилиш зарур. Келажакда жумҳуриятимиз бўйича 2—16 минг гектар ерни рекультивация қилинади.

Ўзбекистон ер ости бойликлари халқ хўжалик тараққиёті учун жуда муҳим бўлган ресурслар. Ер ости бойликлари халқ хўжалик учун энергия ва ёқилғи маңбай, саноати учун хом ашё, қурилиш материаллари, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини тоза ер

ости сув билан таъминловчи манбаидир. Лекин уларни қазиб олишда, ташища, қайта ишлашда истрофгарчиликка йўл қўйилмоқда, конларда рудага бой бўлган асосий «қаймоги» олиниб таркибида фойдали рудаси кам бўлган қатламлар, йўлдош минераллар, кераксиз жинс сифатида атрофга чиқариб ташланмоқда.

Ўзбекистон ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш учун: фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб мавжуд фойдали қазилмалардан самарали ва ҳар томонлама (комплекс) фойдаланиш ҳисобига янги конлар очиб, тоғ жинсларини қазиб олиш миқдорини камайтириш; қазилма бойликлардан оқилона фойдаланишга эришиш мақсадида минераллардан «қаймогини» ажратиб олувчи заводлар эмас, балки улардан комплекс фойдаланиб, йўлдош элементларини ҳам ажратиб олувчи корхоналар барпо этиш; қазилма бойликларни қазиб олиш ва ташишдаги истрофгарчиликка чек қўйиш; «кераксиз» жинс сифатида чиқариб ташланган ҳамда ишлаб чиқариш чиқинциларидан фойдаланиш миқдорини яқин йилларда 29—30 млн. кубометрга етказиш; ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлашнинг барча босқичларида минерал ва хом ашё манбаларидан тула ва комплекс фойдаланишга эришган корхоналарни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш.

Ўзбекистон табиатининг соғлиги ва хушманзаралиги энг аввало ўсимлик дунёсига боғлиқ.

Сўнгги йилларда жумҳуриятимизда ўсимликларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш туфайли табиий ҳолати ўзгариб, баъзи турлари камайиб кетмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиб, ундан оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш керак:

— набобат оламининг ирсий фонди ҳамда барча турлари ранг-бараглигини табиий ҳолича сақлашнинг усулларини, шунингдек биоманбаларнинг муҳим турларидан самарали фойдаланиш, тиклаш, ва муҳофаза қилиш тартибларини асослаш усулларини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилиш;

— тоғ ён бағирларида, дарё бўйларида ва тўқайзорларда дараҳатларни кесиб юборишга чек қўйиш;

— тупроқ эрозияси содир бўладиган жойлардаги ва кўчма қўмлар атрофидаги ўрмонлардан фойдаланишни, уларда мол бокишини тақиқлаш;

— кўп йиллик, хушманзара, ноёб ва қимматли ўсимликлар биоценозини қўриқхона ва буюртмаларга айлантириш; Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ўсимликларни авайлаб сақлаб, кўпайтириб, браконьерлардан сақлаш чораларини куриш;

— ноёб ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган ўсимликларни қаттиқ назорат остига олиб, уларнинг меваларини, уруғларини, илтилизларини, баргларини белгиланган қонун асосида йиғишга эришиш;

— ўрмон ресурсларини ёғиндан саклаб ҳар хил зарарку-

нандалар ва касалликлардан биологик усулда ҳимоя қилишни 84—85 % га етказиш;

— ниҳоят үтлоқ ва яйловлардан самарали фойдаланиб, муҳофаза қилиш учун бир жойда узоқ вақт кўп молларни боқмаслик; ён бағри тик бўлган жойларда иложи борича йирик туёқли молларни кам боқиш; ўсимлиги ўта сийрак жойларда ва қум тез кўчувчи ерларда мол боқишни тартибга солиш зарур.

Ўзбекистон биологик ресурсларининг яна бир қисми ҳайвонлари ҳисобланади. Улар табиатда модда ва энергия алмашинишида иштирок этишдан ташқари касбкорлик аҳамияти ҳам бор. Шунингдек, ҳайвонлар ўсимликларни чанглатишда, уруг ва мева-ларини бошқа жойларга олиб бориб тарқатишда, тупроқ таркибини яхшилашда ҳам иштирок этади.

Лекин жумҳуриятимизда антропоген омиллар таъсирида ҳайвонот дунёсида ҳам салбий ўзгаришлар юз бериб, бальзи ҳайвон турлари камайиб, бальзилари эса йўқ булиш арафасида турибди. Агар зудлик билан Ўзбекистон ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш чоралари кўрилмаса, уларнинг яшashi учун барқарор шароитлар яратилмаса жуда кўп ҳайвон турлари йўқ булиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳайвонот оламининг муҳофазасига қаратилган қўйидаги вазифаларни амалга ошириш керак;

— овчилик ва балиқ овлашни тартибга солиб, қонун асосида, рухсат берилган ҳайвон турларини, қачон ва қанча овлаш, қандай йўл билан овлаш тартибига тўла риоя қилиш, ов қилишга рухсат этилмаган, тури ва сони камайиб бораётган ҳайвонларни овлашни тақиқлаш;

Ўзбекистон «Қизил китоби»га тушган ҳайвон турларини овлаган ёки уларга шикаст етказган шахсларга нисбатан маъмур ий чора кўриш;

— ҳайвонлар яшайдиган жойларнинг экобологик шароитини яхшилаш учун биотехник тадбирларни амалга ошириш. Бунинг учун маълум ҳудуд ўзлаштирилаётганда ҳайвонлар учун озуқа ва муҳофаза бўладиган жойлар қолдириш; табиий озуқалар кам бўлган жойларда қишида, баҳорда вертолёт ёрдамида озуқа ташлаш; урчиши ва уруг қўйиши учун сунъий мосламалар ташкил этиш; ҳайвон ва қушларни ҳар хил касалликлардан сақлаш, йиртқич қушлар ва ҳайвонларни ҳаддан ташқари кўпайиб кетишини назорат қилиб туриш; махсус жойлар ташкил этиб, ҳайвонлар учун керак бўлган сув, туз сақлаш ишларини амалга ошириш зарур;

— ҳайвонларни фойдали ва заарли турларга ажратиш чегарасини тартибга солиш, уларни табиий оғатлардан сақлаш чораларини кўриш ҳамда пестицидлар билан заҳарланишдан сақлаш;

— ҳайвонларни муҳитга мослаштириш ва қайта мослаштириш;

— ҳайвонот оламини қайта тиклаб, муҳофаза остига олиш учун мавжуд қўриқхона ва буюртмалар ишини яхшилаш ҳамда

келажакда яна бир неча қўриқхона, халқ борги, парваришхона ташкил этиш.

УЗБЕКИСТОН ЛАНДШАФТЛАРИ ВА ТАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ. ҚУРИҚХОНАЛАР

Ландшафт компонентлари инсон яшайдиган аниқ (конкрет) муҳит ҳисобланиб, уни ҳар қандай кўнгилсиз ва нооқилона узгаришлар ҳамда ифлосланишлардан муҳофаза қилиш зарур. Ландшафтларни муҳофаза қилиш деганда, биз унинг унсурларини иложи борича тоза сақлаш, ундаги мувозанатнинг бузилишига йўл қўймаслик, табиатнинг ажойиб жойларини табий ҳолича сақлаб қолиш кабиларни тушунамиз.

Ландшафт ва унинг унсурларини турли шаклларда муҳофаза қилиш мумкин: ландшафтнинг бутун унсурларини тўла-тўқис муҳофаза қилиш; ландшафтнинг айрим ва ажойиб, диққатга савовор жойларини муҳофаза қилиш.

Ландшафтнинг бутун унсурларини муҳофаза қилишда қўриқхоналарнинг аҳамияти катта.

Қўриқхоналар бу табиат эталони бўлиб, жумҳурият табиатини муҳофаза қилишида қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Жумҳуриятимизнинг маълум бир қисми ёки географик зона табиатининг барча унсурлари намунаси табий ҳолича келажак авлод учун сақлаб қолинади.

2. Қўриқхона — табиати яхши сақланган жой ҳисобланиб, унда табий-ҳудудий комплексларнинг ривожланиш қонуниятини, ўзаро алоқасини, организм билан муҳит ўртасидаги муносабатлар илмий жиҳатдан ўрганиладиган табий лабораториядир.

3. Сони ва тури камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиб, кўпайтириб, муҳофазаси билан шуғулланади.

4. Қўриқхоналар орқали табиатнинг ажойиб жойлари кенгомма орасида намоён этилади ва табиатни муҳофаза қилиш зарурлиги тарғибот қолинади.

Ўзбекистон ҳудудида тўқай, чўл ва тоғ ландшафт унсурларини муҳофаза қилиш ва у ердаги табиат унсурларини, хусусан ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаётини чуқур ўрганиш, кўпайтириш мақсадида 10 та қўриқхона ташкил этилган. Бу қўриқхоналар ҳақидаги маълумотлар иловадаги 9- жадвалда берилган.

Жумҳурият ландшафтларини муҳофаза қилишда яна халқ борлари, буюртмалар ва парваришхоналарнинг ҳам аҳамияти каттадир. Ўзбекистонда ҳозирча Зомин ва Угом-Чотқол халқ борги мавжуд. Жумҳурият буюртмалари, халқ парки ва парваришхоналар ҳақидаги маълумотлар ҳам иловадаги жадвалда берилган.

Ўзбекистондаги буюртмаларнинг асосий вазифаси ноёб ўсимлик, ҳайвон турларини ёки ажойиб табиатли жойларни йўқ бўлиб кетишидан асрайди, ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўпайиши учун шароит яратади. Буюртмалар ўзининг хусусиятига кўра вақтинча ва доимий бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ландшафтининг ажойиб, диққатга сазовор жойларини сақлаб қолишида табиат ёдгорликларини муҳофаза остига олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки илмий, маданий, тарихий ва эстетик жиҳатидан қимматлиқ, ажойиб, ноёб табиатли жойларни муҳофаза қилиб, сақлаб қолиш учун катта майдонни әгалловчи қўриқхона ва буюртмалар барпо этиш шарт эмас. Уларни майдони жуда кичик бўлган «табиат ёдгорликлари» сифатида сақлаб қолиб, муҳофаза қилиш мумкин.

Табиат ёдгорликлари деганда биз ғорларни, карстларни, шаршара ва шовваларни, ажойиб булоқ, жилга ва сойларни, дараларни, қояли рельеф шаклларини, очилиб қолган ётқизиқларни, тошқотган ҳайвонларни ва табиатнинг бошқа ажойиб жойларини тушунамиз.

Ўзбекистон ҳудудида 1000 га яқин табиат ёдгорликлари мавжуд. Лекин уларнинг кўпчилиги ҳисобга олинмаганлиги оқибатида ҳолати ёмонлашиб бормоқда. Шу сабабли зудлик билан ҳар бир қишлоқ, туман, вилоят ҳудудида мавжуд бўлган табиат ёдгорликларини назорат остига олиш зарур.

Табиат ёдгорликлари хусусиятларига қараб геологик, палеонтологик, географик, археологик ва биологик турларга бўлинади.

Геологик ёдгорликларга табиатда очилиб қолган тоғ жинслари, карстлар, ғорлар, иссиқ сувли минерал булоқлар кабилар киради. Ўзбекистондаги Қилси (Қирктоғда), Қорлуғ (Қўҳитанг тоғида), Ҳазратидовут (Зирабулоқ тоғида), Амир Темир ғорлари, Заرافшон тизмасидаги карстлар яққол мисолдир.

Палеонтологик ёдгорликларга тошга айланган, лекин излари яхши сақланган ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари учрайдиган жойлар киради.

Географик ёдгорликлари жуда күп булиб, унга ажойиб қоялар, шаршара ва шоввалар, даралар, танглар, ажойиб булоқлар, хушманзара жойлар киради. Бунга Илонутди (Темурланг) дараси, Қўксув дарёсидаги шаршара, Нурота ва Ургутдаги булоқлар, Сурхондарёдаги Келиф-Шеробод марзаси, Катта ва Қичик Чимён сойлиги, Оқтош сойлиги ва бошқалар киради.

Биологик ёдгорликларга ноёб, тури йўқолиб бораётган ўсимликлар, узоқ йил ўсаётган дарахтлар, тик ён бағирларда ва қўмлар орасида сақланиб қолган ўсимликлар ва бошқалар киради. Биологик ёдгорликларга Сурхондарё вилоятига қарашли Сайроб қишлоғидаги ёши 960 йиллик чинор, Бойсундаги Чорчинор, Ургут қишлоғидаги ёки 1014 йиллик Хўжа Чор Чинор, Хўжакентдаги булоқ ёнидаги чинор, Шофрикон атрофидаги саксувулзорлар мисол бўлади.

Археологик ёдгорликларга қадимги манзилгоҳ жойлар, қадимий шаҳар қолдиқлари, суғориш иншоотлари, қудуқлар, сардобалар, коризлар, бандлар киради. Бунга қадимий Варданзи, Варахша (Бухоро вилоятларида), Афросиёб харобаси, Қўҳна Урганчдаги минора, Сурхондарё вилоятида сақланган қадимий ёзув ва расмлари билан дунёга машҳур бўлган Зарауткамир ёдгорлиги, Нурота яқинида сақланган коризлар, чўллардаги

сардобалар, Оқчоп сойлигидаги Абдуллабандим (сув омбори) қолдиқлари яққол мисолдир.

Лекин Ўзбекистон табииёт ёдгорликларини ҳисобга олиш борасидаги ишлар энди бошланди, бинобарин, бундан бүён жамоатчилик кучи билан табиат ёдгорликларини ҳисобга олиб, уни тарқалиш харитасини тузиб, ҳимоя остига олиш керак. Шунингдек, ажайиб табиат ёдгорликларини ҳисобга олувчи Ўзбекистон «Кўк китоб»ини тузиш вақти келди.

Савол ва топшириқлар 1. Нима сабабдан Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш муаммоси юзага келди? 2. Ўзбекистон табиий ресурсларига нималар киради ва улар қандай гуруҳларга бўлинади? 3. Ўзбекистон табиатини ифлословчи асосий манбаларни гапириб беринг. 4. Жумҳурият табиатини муҳофаза кишининг асосий йўналиши ва кўриладиган чора-тадбирлар ҳақида нималарни биласиз? 5. Ҳаво ва сувни тоза сақлаб муҳофаза қилиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак? 6. Нима учун ва қандай сабабларга кўра тупроқ эрозияга ураган ҳамда ифлосланган, уни олдини олиш учун қандай вазифаларни амалга ошириш керак? 7. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиб, қайта тиклаб, муҳофаза остига олиш соҳасидаги чора-тадбирларни гапириб беринг. 8. Нима учун ландшафтларни муҳофаза остига олинади? 9. Ландшафтларни ва ноёб, тури озайиб кетаётган биологик ресурсларни муҳофаза қилишда қўриқхоналарнинг аҳамиятини гапириб беринг. 10. Ёзувсиз харитангиза Ўзбекистондаги қўриқхоналар, буюртмалар, халқ борги, парварищхоналарни тушириб, улар ҳақида гапириб беринг. 11. Табииёт ёдгорликлари деганда нималарни тушунасиз? Ўзбекистондаги табиат ёдгорликлари хусусиятларига кўра қандай турларга бўлинади? 12. Сиз яшаб турган ҳудудда қандай қўриқхона, буюртма ёки табиат ёдгорликлари бор?

Иккинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИЛИШИ

ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ БИР УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Комплекс табиий-географик районлаштириш— табиий географиянинг энг муҳим биринчи даражали муаммоларидан бири ҳисобланади. Табиий-географик районлаштиришнинг илмий жиҳатдан пухта асосланган принципи, услуби ва таксономик бирлиги (схемаси) фақат илмий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари халқ ҳўжалигининг турли соҳалари учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Чунки табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиб, ўзгarterиши, халқ ҳўжалигини интенсив ривожлантириш, халқ ҳўжалик тармоқларини ихтисослаштириш энг аввало ҳудуд табиати ичидаги тафовутларни ҳар томонлама ва илмий жиҳатдан пухта билишни тақозо этади. Табиий-географик районлаштириш бу ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган ва табиатда объектив мавжуд бўлган, бир-биридан табиий хусусиятлари жиҳатидан фарқланадиган ҳар хил табиий-ҳудудий комплексларни аниқлашдир.

Табиий-географик районлаштиришнинг принципи бу табиий географик бўлинишнинг объектив ҳолда мавжудлигига қатъий риоя қилишдир. Табиий-географик районлаштиришнинг ҳудудий

бирлик принципи, комплекслик принципи, объективлик принципи, нисбий бир хиллик принципи, генетик принципи ва бошқа принциплари мавжуд.

Маълум ҳудудни табиий-географик жиҳатдан районлаштиришда тадқиқотчилар ҳар хил услублардан фойдаланишлари мумкин. Уларнинг энг муҳимлари: турли хил хариталарни бир-бигрига таққослаш услуби; ландшафт ва типологик комплекслар хариталаридан регионал бирликларни аниқлаш услуби; характерли ландшафт комплексларининг устунлик услуби; картографик услуб; табиий географик бирликларни бевосита далада (жойда) аниқлаш услуби¹.

Табиий-географик районлаштиришнинг яна бир муҳим томони бу районлаштиришнинг таксономик бирликлари (чизмаси) дир. Шу вақтгача Ўзбекистон ҳудудини районлаштиришнинг ҳамма қабул қиласан ягона таксономик бирлити йўқ.

Ваҳоланки Туркистон, жумладан Ўзбекистон ҳудудини табиий-географик районлаштириш билан Л. С. Берг (1913), С. И. Аболан (1929), В. М. Четиркин (1944); Э. М. Мурзаев (1953, 1958), П. С. Макеев (1956), Л. Н. Бабушкин, Н. А. Қогай (1964) шуғулланганлар ва ўз таксономик бирликларини тавсия этганлар. Булар ичida Л. Н. Бабушкин, Н. А. Қогайларнинг районлаштириш тизими диққатга сазовордир. Чунки уларнинг табиий-географик районлаштириш тизими Ўзбекистон ҳудудини ҳамма қисмини тўлиғича қамраб олган.


Л. Н. Бабушкин, Н. А. Қогай Туркистоннинг бир қисми ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудини табиий-географик районлаштиришда қуйидаги таксономик бирликлар тизимини қўллайди: мамлакат (ўлка) — провинция — провинцияча — округ — район — ландшафт.

Л. Н. Бабушкин, Н. А. Қогай районлаштириш тизимига кура Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми Турон провинциясига киради. Л. Н. Бабушкин, Н. А. Қогай Турон провинциясини текислик ва тоғолди — тоғлик деб икки провинциячага ажратади. Текислик провинциячасига Устюрт, Қуйи Амударё, Қизилкум ва Қуйи Зарафшон округларини; тоғолди — тоғлик провинциячасига эса Ўрта Сирдарё, Фарғона, Ўрта Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё округларини киритади. Ҳар бир округ ўз навбатида районларга, районлар эса ландшафтларга бўлинади.

Биз Ўзбекистон ҳудудини табиий-географик районлаштиришда уни ўрта умумтаълим мактаблар дастурига яқинлаштириш ва талабаларга қулайлик туғдириш мақсадида қуйидаги районлаштириш тизимини қўлладик: Провинция — провинцияча — округ — район — ландшафт (27- расм).

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми Турон табиий географик провинцияси, фақат Устюрт платоси эса Мар-

¹ Районлаштиришнинг принципи ва услублари ҳақида тўлароқ маълумот Ю. Султоновнинг «Ландшафтлар жўғрофияси» (Тошкент, 1974)да берилган. 344- бет.



27-расм. Ўзбекистон ҳудудини табиий-географик районлаштиришнинг чизмаси.

казий Қозоғистон провинциясига киради. Демак, Ўзбекистон ҳудуди Турон провинциясининг бир қисми ҳисобланиб, табиий комплекслари унсурларининг фарқи унинг текислик қисми билан тоғ олди ва тоғларида яққол кўзга ташланади. Бинобарин, Ўзбекистон ҳудудини текислик ва тоғ олди-тоғ деб иккита провинциячага ажратиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистоннинг текислик ва тоғ олди-тоғлик қисмлари ландшафтнинг ривожланиши ва вужудга келиши жиҳатидан ҳам, ҳозирги табиий географик хусусиятлари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Тоғларда денудация ва эрозия жараёни кучли ва улар тоғ олдига келиб тўпланади. Текислик қисми эса узоқ вақт денгиз тагида қолиб, қалин мезокайназой чўкинди жинслари билан қопланган. Тоғли қисми эса асосан палеозой жинсларидан таркиб топган булиб, герцин ва сунгги тектоник жараёнлар натижасида кутарилиб қолган. Ўзбекистон текислик қисмининг иқлими қурғоқчил булиб, ёзи жуда исиб кетса, тоғ олди ва тоғларда ҳарорат нисбатан бир оз салқин бўлиб, ёғин ортиб, юқорига кўтарилиган сари ҳарорат пасаяди. Ана шулар таъсирида тупроқ ва ўсимлик қопламида ҳам текислик билан тоғ олди ва тоғларда фарқ мавжуд. Биз Ўзбекистон ҳуду-

дининг текислик қисми билан тоғ олди-тоғ қисми орасидаги юқорида қайд қылган тафовутларни ҳисобга олиб уни қуйидаги иккита провинциячага — текислик провинциясига ва тоғ олди-тоғ провинциясига буламиз. Улар орасидаги чегарани тоғ олди аллювиаль текисликларнинг қуий қисми ёки оч бўз тупроқнинг қуий чегараси орқали ўтказиш маъқул.

Ҳар бир провинцияча уз навбатида бир-бирдан геологик, геоморфологик хусусиятлари, орографик ва гипсометрик шароитлари ва бошқа табиий унсурлари жиҳатидан фарқланувчи йирик табиий худудий комплексларга — округларга бўлинади.

Узбекистон текислик провинциячаси Устюрт, Қуий Амударё, Қизилқум ва Қуий Зарафшон каби округларига; тоғ олди-тоғ провинциячаси эса Тошкент-Мирзачўл, Фаргона, Урта Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарбий Тяншань, Туркистон-Нурота, Ҳисор-Зарафшон ва Боботоғ каби округларга бўлинади.

Округ уз навбатида геоморфологик ва иқлимий хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласидан, ўзига хос тупроқ ва ўсимлик турларига эга бўлган кичик табиий-худудий комплексларга, районларга бўлинади. Районлар эса уз навбатида яна да кичик табиий-худудий комплекслар — ландшафтларга ажralади. Ландшафтларни ажратишда биз асосан рельефнинг генетик хусусиятларига ва тупроқ-ўсимлик турларига эътибор бердик.

Ушбу кўлланмада асосий эътиборни округ, қисман эса районларга қаратиб, уларга комплекс табиий-географик тавсиф бериб, ландшафт турларини санаб ўтиш билан чекландик.

УЗБЕКИСТОННИНГ ТЕКИСЛИК ПРОВИНЦИЯЧАСИ УСТЮРТ ОКРУГИ

Устюрт округи Узбекистоннинг энг шимоли-фарбий қисмида жойлашиб, шимолда ва фарбда Қозогистон билан, жанубда Туркманистон билан, шарқда эса Қуий Амударё округи ва Орол денгизи билан чегараланади.

Устюрт арид-денудацион плато ҳисобланиб, мутлоқ баландлиги 100—200 м атрофида бўлиб, атрофи чинклар билан ўралган. Чинклар атрофга кўплаб жарликлар билан парчаланган. Шарқий чинклари Орол денгизи қирғокларидан 190 м баланд.

Устюрт платоси геологик тузилиши жиҳатидан эпипалеозой плитасининг бир қисми ҳисобланиб, негизи палеозой ётқизиқларидан иборат бўлиб, устини қалин 3—4,5 км мезозой ва кайнозой даврининг чўкинди жинслари қоплаб олган. Бу жинслар асосан сармат ва неогон оҳактошлари, мергеллари, гилларидан иборат бўлиб, ораларида туз қатламлари ҳам учрайди. Плато мезозой эрасида содир бўлган киммерий бурмаланишида вужудга келган деб фараз қилинади. Атрофидаги чинклар эса тектоник жараёнлар (узулмалар), Оролнинг абразион фаолияти ва қадимий дарё эрозияси натижасида ҳосил бўлган.

Устюрт округида кенглик бўйича йуналган бир неча структуралар мавжуд. Платонинг шимолий қисмида Шимолий Уст-

юрт букилмаси, унинг жанубида Кассарма кутарилмаси, ундан жануброқда Борсакелмас ботифи (бу ерда негизнинг устини 3—4,5 км қалинликда мезо-кайнозой жинслари қоплаб олган) жойлашган. Борсакелмас ботифининг жанубида Марказий Устюрт (Қорабаур) кутарилмаси, унинг жанубида эса Асакаовдан ботифи жойлашган.

Устюрт рельефи унинг тектоник хусусиятларига тұғридан-тұғри боғлиқ булиб, баландликлар антиклиналь бурмали минтақаларга, ботиқлар эса букилган чүкмаларга тұғри келади. Шу сабабли рельефи жиҳатидан деярли кенглик бүйича жойлашган бешта мінтақага — учта ботиққа ва иккита баландликка булинади. Округнинг шимолида маркази шұрхоклардан иборат кичик ботиқлар жойлашган булиб, мұтлоқ баландликлари 100 м атрофіда. Бу кичик ботиқлар жанубға қараб аста-секин кутарылған Кассарма баландлигига айланади. Бу ерларда кичик кенглик бүйлаб чүзилған пасайған жойлар булиб, улар карст — суффозион یўл билан вужудға келган.

Кассарма баландлигининг жанубида эса Борсакелмас ботифи жойлашиб, туғи шұрхокликдан иборат. Бу ботикнинг туғи нинг мұтлоқ баландлиги 65 м булиб, атрофига баландлашиб 130 м га етадиган ясси текисликка айланади. Бу ясси текислика шұр ерлар ва карст воронкалари жойлашган.

Борсакелмас ботифи жанубға қараб баландлашиб бориб, Қорабаур баландлигига туташиб кетади. Қорабаур баландлигини усти ясси булиб, әнд юқори жойи 286 м га етади. Қорабаур баландлигининг жанубида эса дengiz сатқыдан — 27 м пастда тұрувчи Асакаовдан ботифи жойлашган. Бу ботиқ шарққа қараб давом этиб, сұнgra Сариқамиш ботифига туташиб кетади.

Устюрт округи кескін континентал иқлим хусусиятига эга булиб, қиши қуруқ, соvuқ, қор қоплами юпқа, ёзи эса иссиқ, қуруқ булиб, узоқ давом этади. Қиша Устюрт округи Қуйи Амударे сингари шимоли-шарқий шамоллар таъсирида булиб, ҳарорат пасайған кетади. Май ойидан бошлаб шимоли-шарқий шамоллар күчсизләніб, шимолдан ва шимоли-ғарбдан шамол эса бошлайды ҳамда нам олиб келади. Сентябрь ойидан бошлаб яна шимоли-шарқий шамоллар эса бошлайды ва ҳароратни астасекин пасайшиға сабабчи бұлади.

Устюрт округида январнинг ўртача ҳарорати — 11—12°, июл-ники эса 27—28° атрофіда ўзгаради. Қиша баъзан ҳарорат пасайған, әнд паст ҳарорат — 37° га, әнд юқори ҳарорат +44° га этади.

Устюрт округи анча шимолда жойлашғанлиги туфайли баҳорғи охирғи соvuқ тушишнинг ўртача муддати май ойининг ўрталарига (14/V), кузги биринчи соvuқ тушишининг ўртача муддати эса октябрнинг бошларига (5/X) тұғри келади. Бинобарин, соvuқ бұлмайдыған кунлар жумхурият бүйича, әнд қисқа булиб, 153 кунни ташкил этади. Округда, шунингдек, кузги биринчи соvuқ тушишдан олдинги эффектив ҳарораттарнинг йиғиндиси ҳам әнд кам булиб, 1895° га этади, холос.

Устюрт округида йиллик ёғин миқдори 100—122 м бўлиб, фасллар бўйича қуидагича тақсимланган: қишида 17%, баҳорда 34%, ёзда 23%, кузда 26%. Кўриниб турибдики, энг кўп ёғин баҳорга тўғри келади. Лекин бу округда ёғинлар бошқа округларга нисбатан ёзда ҳам (23%) кўпроқ тушади. Бунга асосий сабаб, округнинг нисбатан шимолда жойлашиб, гарбдан ва шимоли-гарбдан эсаётган ҳаво массаларининг таъсири кўплигиdir.

Устюрт округида оқар сув йўқ. Лекин баҳорги намгарчилик вақтида берк ботиқлар, пастқамликлар сув билан тўлиб, ёзда улар буғланиб кетади. Лекин округда ер ости сувлари мавжуд бўлиб, улар қум ва Сармат ҳамда палеоген ётқизиқлари орасида жойлашган. Уларнинг чуқурлиги 20—50 м атрофида бўлиб, аксарияти шур. Сўнгги даврларда олиб борилган гидрогеологик тадқиқотлардан маълум бўлишича округ ҳудудида бўр давр ётқизиқлари орасида оз миқдорда минераллашган сувлар мавжудлиги аниқланди. Округ ҳудудида ер ости сувларининг динамика миқдори секундига 1,2 кубометри ташкил этади.

Устюрт округи рельефининг кўп қисми текис бўлганлигидан умумий майдонининг 90 фоизи сур-қўнғир тупроқлидир. Бу тупроқ юпқа бўлиб (50—70 см гача) ундаги чиринди миқдори жуда кам (0,5—0,8%). Лекин тупроқда гипс миқдори кўп бўлиб, шўрлашган (тузлар миқдори 1,5%). Округдаги ботиқларда, хусусан Борсакелмас ботифида шўрхоклар, шўрхок-ботқоқлар мавжуд, Асакаовдан ботифида эса тақирили тупроқ, тақири-шўрхок тупроқлар учрайди. Борсакелмас ботифининг шимолий қисмларида эса қум ва қумли тупроқлар мавжуд.

Устюрт округида ўсимликлар сийрак ўсиб, асосан шувоқ ва шуралардан иборат. Устюрт гилли ва гилли-шағалли чўл ландшафтидан иборат бўлиб, улар орасида шўрхоклар (ботиқларда) ва қумлар (шимолида) ҳам мавжуд. Округда шувоқлардан ташқари қирқбўғин, коврак, қора саксовул, бурган, тетир, сарисазон, илоқ кабилар ҳам ўсади. Ботиқларда асосан бўйи 3—4 метрга етувчи қора саксовул, коврак, серсазан ўсади. Округнинг колган қисмларида баҳорда эфемер ва эфемероид ўсимликлари ўсиб, кун исиши билан улар қуриб қолади, сўнгра шувоқ, бурган, тетир (ертезак), шўра кабилар ўз вегетациясини давом эттиради. Қумли ерларда саксовуллар, улар орасида эса илоқ ўсади.

Устюрт округининг ҳайвонлари чўлга хос бўлиб жайрон, сайфоқ, бўри, тулки, юмронқозиқ, қўшоёқ, қумсичқон яшайди. Округда қушлардан турғай, қора қарға, хўжасавдогар, қузғун, сувли ерларда ўрдак, қирғовул кабилар учрайди.

Устюрт округида Ўзбекистон «Қизил китоби»га кирган ва йўқолиш арафасида турган ҳайвонлардан катта шомшапалак, қоплон (гепард), Устюрт қўйи, ноёб турлардан олакўзан, ҳинд асалхўри, қорақулоқ, жайрон кабилар мавжуд. Устюртда йўқолиш арафасида турган Устюрт қоплонини ва Устюрт қўйини муҳофаза остига олиш мақсадида қўриқхона ташкил этиш зарур. Сайфоқ кенг тарқалган.

Устюрт округида табиий бойликлардан нефть ва газ конлари топилди. Булардан ташқари ер ости сувлари, чорва моллар учун өм-хашак үсимликлари (тетир, бургун бутаси, шувоқ, саксовул ва бошқалар) ҳам мавжуд.

Л. Н. Бабушкин, Н. А. Қогай Устюрт округининг иқлими ва тупроқ, үсимлик шароитига қараб Шимолий Устюрт, Ўрта Устюрт, Жанубий Устюрт деб учта табиий-географик районга булади.

I. Шимолий Устюрт табиий-географик райони округнинг энг шимолий, мутлоқ баландлиги 150 м бўлган қисмларини ўз ичиға олади.

Район давомли совуқ (январнинг ўртача ҳарорати—9—11°) қиши, иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати 26—27°) ёз билан тавсифланади. Бу районда вегетацияли қиши кузатилмайди. +10° дан юқори бўлган даврдаги ҳароратнинг йиғинидиси 3660°. Оҳактош ва гипс жинслари негизида вужудга келган қумоқ-қумли сур қунғир тупроқларда бурган, баялич, шувоқ каби үсимликлар усади.

Шимолий Устюрт райони қуйидаги ландшафтларга бўлинади:

1. Район ҳудудининг 90 фойзини эгаллаган, унинг шимолий қисмida жойлашган бурган-баялич формацияси мавжуд бўлган қумоқ ва қумли сур-қунғир тупроқли неоген платолар ландшафти.

2. Бурган ўсуви шўрхок, сур-қунғир тупроқли неоген платолар ландшафти.

3. Сарисазан ўсуви шўрхокли мезокайназой негизли берк (Жаринқудуқ ботифи) ботиқ ландшафти.

4. Бурган билан қопланган сур-қунғир тупроқли (Устюртнинг шарқий чинклари) чинк ландшафти.

II. Марказий Устюрт табиий-географик райони — округнинг марказий қисмидаги паст мутлоқ баландлиги 71 м (асосан Борсакелмас ботифини) ва ундан баланд (150 м гача) бўлган жойларни ўз ичиға олади.

Район иқлими хусусиятига қўра Шимолий Устюртдан кам фарқ қиласи.

Асосий тупроғи сур-қунғир тупроқ бўлиб, ботиқларида эса шўрхоклар кенг тарқалган, бинобарин, асосий үсимлиги шўралар ва бургандир.

Район қуйидаги ландшафтларга бўлинади:

1. Районинг энг ғарбий қисмida жойлашган бурган ўсуви қумоқ, сур-қунғир тупроқли неоген платолар ландшафти.

2. Районнинг жанубий қисмida ўрнашган бурган билан банд бўлган шўрлашган сур-қунғир тупроқли неоген платолар ландшафти.

3. Борсакелмас ботифининг шимоли-ғарбига ва ғарбига жойлашган бурган ўсуви шўрлашган сур-қунғир тупроқли неоген платолар ландшафти.

4. Борсакелмас ботифининг шимолий қисмидаги зол қумликлардан иборат бўлиб, оқ саксовул ўсуви неоген платолар ландшафти.

5. Борсакелмас ботифининг марказий қисмидаги шўрхок ва боткоқлар ландшафти.

III. Жанубий Устюрт табиий-географик райони округнинг жанубий қисмида жойлашган. Қорабаур платосини, Асакаовдан ботифини ва унинг жанубидаги Қоплонқир платосининг бир қисмини ҳамда Сариқамиш ботифининг шимоли-ғарбий қисмини ўз ичига олади.

Район иқлимий шароитига кўра биринчи ва иккинчи районга нисбатан юмшоқроқ қиши (январнинг ўртача ҳарорати $-6,0^{\circ}$), иссиқ (июлнинг ўртача ҳарорати $28,5^{\circ}$) ва қуруқ ёз билан тавсифланади. $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган кунлардаги ҳароратнинг йиғиндиси 4600° , ваҳоланки, бу кўрсаткич биринчи районда 3660° , иккинчи районда 3700° ни ташкил этади.

Районда қўйидаги ландшафт турлари мавжуд:

1. Районнинг шимолидаги бурган ўсуви шўрлашган сурқўнғир тупроқли баландлик (Қорабаур баландлиги) ландшафти.

2. Шўрлашган тақир тупроқли қора саксовул ўсуви ботик (Асакаовдан ботифи) ландшафти.

3. Асакаовдан ботифининг жанубидаги Қоплонқир платосининг бурган ўсуви шўртанг сурқўнғир тупроқли неоген платолар ландшафти.

4. Асакаовдан ботифи билан Сариқамиш ботифи орасида жойлашган оқ саксовул ўсуви зол қумликлар ландшафти.

5. Сариқамиш ботифида жойлашган сарисазан ўсуви шўрхокли берк ботик ландшафти.

Савол ва топшириқлар. 1. Ўзбекистон табиий ҳаритаси ёрдамида округ географик ўрнини аниқлаб, уни Қизилқум ва Қўйи Амударё географик ўрнидан фарқици ажратинг. 2. Округ геологик тузилишини ўзига хос томонлари нималардан иборат ва у рельфига қандай таъсир этган? 3. Нима сабабдан округ Ўзбекистон текислик қисми округлари ичидаги қишида энг совуқ, ёзда эса нисбатан салқин эканлиги сабабини тушунтириб беринг. 4. Ўзбекистон атласидан (бираинчи жилди) фойдаланиб округда қандай тупроқ ва ўсимлик турлари мавжудлигини ҳамда нима учун ўсимликлар сийрак, тупроқлари шўрлашганлигини тушунитириб беринг. 5. Округда ноёб турга айланган қандай ҳайвонларни биласиз? 6. Округ қандай табиий-географик район ва ландшафтларга бўлинади?

ҚЎЙИ АМУДАРЁ ОКРУГИ

Қўйи Амударё табиий-географик округи Қорақум чўли билан Орол дengизи орасида жойлашиб ўз ичига Амударёнинг қадимиий ва ҳозирги замон дельтасини олади. Округни ғарбдан Устюрт, жанубдан Үнгизорти Қорақум, шарқдан Қизилқум ва Султонвайс тоғлари, шимолдан эса Орол дengизи ўраб туради. Қўйи Амударёнинг ушбу чегара орасидаги майдони 46 минг км ни ташкил этади.

Қўйи Амударё округи жануби-шарқдан шимоли-ғарб томонга чўзилган бўлиб, шу томонга кенгайиб, пасайиб боради. Округ жанубда Туямуйин танглигидан бошланиб, Орол дengизига ча давом этади. Шу масофада унинг узунлиги 400 км бўлиб, кенглиги бир хил эмас. Энг жанубий қисмида Туямуйин тангли-

года округнинг кенглиги таҳминан 10—12 км булиб, шу ердан Амударёнинг қадимий дельтаси бошланади ва шимоли-ғарбга қараб кенгайиб, Хоразм-Тошқовуз текислигини ҳосил қиласди ҳамда кенглиги 75—80 км га етади. Амударёнинг қадимий дельтаси Тахтатош танглигигача давом этади ва тораяди, сунгра шимолга томон яна кенгайиб қадимий дельта тугаб, Амударёнинг ҳозирги замон дельтаси бошланади ҳамда Орол денгизигача давом этади. Шу йўналиш бўйича дельта пасаяди ва кенгайиб, баъзи ерларда 140—150 км га етади.

Қуий Амударё округи антропоген даврнинг аллювиал-дельта ётқизиқларининг аста-секин түпланиши ва унинг дельтасининг Орол денгизи томонга ўсиши туфайли вужудга келган. Бинобарин, Қуий Амударёда қуруқликнинг вужудга келиш жараёни жануби-шарқдан, яъни Туямўйин танглигидан шимоли-ғарб, шимол томонга қараб давом этган. Амударёнинг ҳозирги замон дельтасини Орол денгизига туташган минтақасида «энг ёш» дельта булиб, унинг майдони Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши ҳисобига муттасил кенгайиб бормоқда. Сунгги 35 йил ичida Орол денгизи сув сатҳининг 15,5 метр пасайиши туфайли унинг суви баъзи жойларида 100 км гача чекиниб, қуруқликка айланаб қолди.

Қуий Амударё ётқизиқлари ёши ва литологик тузилиши жиҳатидан бир хил эмас. Округдаги энг қадимий жинслар унинг негизини ташкил этувчи бўр давр ётқизиқлари булиб, устини палеоген, неоген ва антропоген жинслари қоплаб олган.

Қуий Амударёнинг қадимий дельтаси антропоген аллювиал ётқизиқларидан (гил, гилли қум, қумоқ, қумлоқ ва бош.) иборат булиб, уларнинг қалинлиги (бур, даврнинг туб жинслари устидан) 20 м, баъзи жойларда 100 м. га етади. Шунингдек, қадимий дельта четларида, баъзи кичик ботикларда кўл ётқизиқлари ҳам учрайди.

Қуий Амударёнинг ҳозирги замон дельтаси эса, асосан, антропоген давр аллювиал, эол ётқизиқларидан — қумоқ, қумли, гилли қум, гил каби жинслардан ташкил топиб, қалинлиги 80—140 м га етади.

Орол денгизининг қуруқликка айланган қисмida эса ҳозирги замон ётқизиқлари (қумоқ, қумлоқ, гил) булиб, улар таркибida ҳар хил тузлар мавжуд, баъзи жойлари эса боткоқлашган.

Қуий Амударё округининг қадимдан суғориб дехончилик қилинадиган ерлари (Хоразм) да қалинлиги 2—3 м га етувчи агроирригация қатлами вужудга келган.

Қуий Амударё округи ер усти тузилиши жиҳатидан ясси текислик булиб, шимолга ва шимоли-ғарбга қараб бир оз нишабдир. Лекин қиялиги жуда сезиларсиз (қиялиги 0,0017) лиги туфайли Амударё тармоқланиб, илон изи булиб, секин оқади. Шунинг учун Амударёнинг қадимий ўзанлари вужудга келиб унинг рельефини анча мураккаблаштирган. Ўша қадимий ўзанлар орасида нисбий баландликлари 60—80 м га етувчи бир неча тепалик-

дар, марзалар ва қолдиқ тоғлар мавжуд. Шулар жумласига Құянчик, Қоратов, Құмбелтов, Жұмиртов, Борлитов, Кускантов, Қошқантов, Белтов, Манқир, Тузқир, Таримқия, Зангібобо ва бошқалар киради. Бу тепаликларнинг батьилари қадим яхлит бўлиб, дарёнинг «тентираб» оқиши туфайли, улар бўлакларга бўлинниб кетган. Дарёнинг үша қадимий ўзанлари ўрнида эса кичик кўллар вужудга келган.

Қуйи Амударё округи ҳудудидаги энг муҳим қадимий ўзанлари унинг үнг қирғондагилари — Орол томон йўналган Шортонбай, Крейт-Узак, Иткра-Узак, Қора-Узак, Қиндиксай, Қорақўлсай ва бошқалардир. Чап қирғоқдан бошланувчи ва Сариқамиш ботиги томон йўналган энг қадимий ўзани Қўҳнадарё, Даరёлиқ ва Даудан ҳисобланади. Маълумотларга қараганда XVI аср гача Амударё сувининг бир қисми вақт-вақти билан (суви кўп бўлганда) Қўҳнадарё орқали Сариқамиш кўлига қўйилиб турган. В. В. Цинзерлингнинг маълумотига кўра 1878 йили Амударё суви тошганда Қўҳнадарё ўзанидан секундига 60 кубометр сув уч ой Сариқамиш ботигига оқиб турган.

Қуйи Амударё рельефининг табиий ҳолатини ўзгартишда инсоннинг хўжалик фаолияти ҳам муҳим рельеф ҳосил қилувчи омилга айланган. Чунки инсон ўзининг кўп асрлик хўжалик фаолиятида Қуйи Амударё ерларини текислаган, жарларни тўлдирган, ариқ ва зовурлар қурган, оқибатда округ ер усти табиий ҳолатини ўзгартган.

Қуйи Амударё округи Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбидаги жойлашганлиги сабабли қиши нисбатан совуқ, ёзи эса иссиқ, қуруқ ва серқуёш. Қишида округ шимоли-шарқий томонидан эсувчи ҳаво массаси таъсирида бўлиб, ҳаракат анча пасайиб кетади. Бу йўналишдаги ҳаво массаси кўпроқ октябрь ойидан май ойигача давом этади. Май ойидан бошлаб шимоли-шарқий томондан етиб келувчи ҳаво массаси кучсизланиб, сўнгра шимолдан ва шимоли-ғарбдан эсувчи ҳаво массаси устунлик қиласи ҳамда сентябрь ойигача давом этади. Сентябрь ойидан бошлаб яна шимоли-шарқий йўналишга эга бўлган шамоллар устунлик қилиб, ҳарорат кечалари пасайиб, совуқлар бўлиши мумкин.

Қуйи Амударё юқорида қайд қилганимиздек, Ўзбекистоннинг энг совуқ ҳудудидан бири ҳисобланиб, ўртача йиллик ҳарорат $10-12^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади.

Қуйи Амударё округида қиши совуқ бўлиб, январнинг ўртача ҳарорати $-4,5^{\circ}-7,6^{\circ}\text{C}$ атрофида (Хивада $-4,5^{\circ}$, Чимбойда $-7,6^{\circ}$) ўзгаради. Баъзан шимолдан ва шимоли-шарқдан совуқ ҳаво массаси кириб келиб, туриб қолиб, энг паст ҳароратни -33° (Тахиатошда) га пасайтириб юборади.

Қуйи Амударё округи Ўзбекистоннинг энг қурғоқчил ҳудуди ҳисобланиб, йилига 79–108 мм ёғин тушади. Ёғин миқдори округнинг жанубидан шимолига томон ортиб боради. Агар Хивада йиллик ёғин миқдори 79 мм бўлса, Қўнғиротда 108 мм га етади. Сўнгги йилларда Орол сув сатҳини пасайиши туфайли унинг атрофида ёзги ҳарорат ортиб, қиши совуқлашиб бормоқда. Округ-

да ёғин йил бүйін бир хил тушмайды. Энг күп ёғин қишиң ва баҳор фаслиға, энг кам ёғин ёзға тұғри келади. Агар йиллик ёғин миқдорини 100% десак, унинг 35—40% қишиң, 44—45% баҳорға, 7—17% ёзға, 10—15% кузга тұғри келади. Баҳорда баъзан ёғин жала тарзидә ёғиб, қишлоқ хұжалик әкинларига, хусусан, ғұзаниң ёш ниҳолларига зарар келтиради.

Қуий Амударёда шамолнинг кучи ва йуналиши ҳамма қисмидә бир хил эмас. Орол денгизи яқинида шамолнинг үртата тезлиги секундига 4—5 м, округнинг жанубида (Хивада) 3 м атрофида. Шамоллар купинча шимолий ва шимоли-шарқий томондан эсади. Шимоли-шарқий шамоллар күпроқ йилнинг совуқ фаслида эсса, шимолий ва шимоли-ғарбий шамоллар йилнинг иссиқ фаслида эсади.

Қуий Амударёда кишиң ноябрнинг биринчи ярмидан бошланиб, март ойигача давом этади. Биринчи совуқ тушадиган кунлар октябрь ойининг иккінчи ярмидан бошланса, охири совуқтың кунлар апрелнинг биринчи ярмигача давом этади. Шундай қишиб, совуқсиз кунлар үртата 193 кундан 208 кунгача (Чимбайды 193 кун, Хива 208 кун) давом этади. Қуий Амударё округида кузда биринчи совуқ тушишидан олдинги эффектив ҳарораттар йиғиндиси 1902° дан (Құнғиротда) 2385° гача (Тұртқұлда) этади.

Қуий Амударё округида Амударёнинг эски ва янги дельтаси жойлашған. Амударё үзани бу қисмда гоҳ торайиб, гоҳ кенгайиб тармоқтарға бүлиніб өқади. Амударё округ ҳудудида Питнак яқинида торайиб, Тұымыйин танглиги ҳосил қилади, водийсининг кенглигі 450—480 м га тушиб қолади, сұнгра яна кенгайиб 10 км га етади. Лекин Султонвайс, Құянчиқ, Коратов, Жумуртов каби паст қолдиқ тоғлар орасида Амударё водийси торайиб, тангликлар ҳосил қилади.

Амударё Нұкус шаҳаридан құйида тармоқтарға ажralади. Уларнинг энг муҳимлари Қипчоқдарё, Оқдарё Эркиндарё, Күхнадарё, Қортабойузоқ, Толдиқдарё, Қозоқдарёдір. Бу тармоқтарнинг күпчилігі ҳозир Амударёнинг суви юқори қисмидә суғорышта сарфланиши туфайли қуруқ үзанга айланиб, уларға фақат ёзда вакт-вақти билан сув юборилади.

Амударё суви суғорышта сарфланиши туфайли округда йил сайин унинг миқдори камайиб, тармоқтарда кескин үзгариштар юз бера бошлади. Фақат Қуий Амударё округидагина ерларни суғориш учун йилига дарёдан 24 m^3 сув олинмоқда. Натижада Амударё Орол денгизиге йил сайин кам сув құймоқда.

Амударё 1960 йили Оролға $37,8 \text{ km}^3$ сув құйған бұлса, бу миқдор 1965 йилға келиб $25,2 \text{ km}^3$ га, 1975 йили $10,0 \text{ km}^3$ га, 1980 йили $8,3 \text{ km}^3$ га, 1985 йили $2,4 \text{ km}^3$ га тушиб қолди. Сұнгги йилларда Амударё сувидан халқ хұжаликда тежаб фойдаланиш ҳисобига 1987 йилдан бошлаб Оролға яна күпроқ сув қуя бошлади ва 1988 йили $16,0 \text{ km}^3$ сув өқизди. Натижада Амударё дельтасида кескин үзгариш юз беріб, күп тармоқлари қуриб, сув фақат Оқдарё-Ордобайұзак үзани орқалигина Оролға қўйилмоқда.

Ваҳоланки, 1960 йили Амударё суви Инженерузак, Ордобайузак, Ўнг ва Чап Аққай тармоқлари орқали Оролга қўйилар эди.

Округ ҳудудида Амударёнинг оқими унинг умумий оқим тартибига (режимига) ўхшаб, энг кўп сув сарфи Нукус ёнида июль-август ойларига (йиллик оқимининг 35,0%), энг кам сув сарфи эса январь-февраль (йиллик оқимининг 6,9%) ойларига тўғри келади.

Амударё суви зовур, оқова ва бошқа тоифадаги сувларнинг ташланиши туфайли минераллашиш даражаси ортиб, ҳар хил кимёвий моддалар билан ифлосланиб бориши оқибатида (қишида суви камайганда шурлик ҳар литрда 2,5—3,0 граммгача етади) ундан ичимлик сифатида фойдаланиш давлат стандартига тўғри келмай қолди.

Қўйи Амударё округида 100 дан ортиқ кўллар бўлиб, уларнинг умумий майдони 285 км². Лекин улар округ ҳудуди бўйича нотекис жойлашган. Энг кўп кўллар Хоразм — Сариқамиш дельтасида жойлашиб, (60 дан ортиқ) умумий майдони 127,74 км² га teng. Кўлларнинг қолган қисми Амударёнинг ҳозирги замон дельтасида жойлашган.

Амударёнинг қадимий дельтасидаги энг катта кўллар қаторига Тўнғизқўл, Шўркўл, Улуғ-Шўркўл, Зийкўл, Оқкўл, Абилькўл кабилар киради.

Амударёнинг ҳозирги замон дельтасидаги энг муҳим кўллари — Судочье, Қоратерен, Хўжа кўл, Мошанкўл, Шечекуллари дир.

Қўйи Амударё округида грунт сувининг хусусияти литологик тузилиши ва рельефига боғлиқ ҳолда бир хил эмас. Амударёнинг қадимий дельтаси ҳисобланган Хоразм-Сариқамиш рельефи текис бўлса-да, жануби-ғарбга, яъни Сариқамиш ботиғи томонга бир оз нишаб. Шу туфайли грунт сувлари уша томонга қараб силжийди. Лекин Амударёнинг ҳозирги замон дельтасининг рельефи текис бўлганилиги учун грунт сувининг силжиши жуда суст. Чунки унинг атрофини нисбатан баланд бўлган ерлар ўраб олган. Сўнгги йилларда Орол суви сатҳининг пасайиши туфайли грунт сувнинг шу томонга силжиши учун шароит вужудга келди.

Қўйи Амударё округида грунт суви асосан Амударё ва ирригация шохобчаларидан шимилган сув ҳисобига, қисман ёғинлардан туйиниб туради.

Округда грунт суви ер бетига анча яқин бўлиб, унинг уртacha յиллик чуқурлиги суғориладиган зонада 0,83—2,69 м. Шурювиш ва вегетация даврида грунт сув сатҳи кутарилиб, чуқурлиги 0,4—0,6 м ташкил этади. Қишида грунт сувининг сатҳи жуда пасайиб 2,2—3,6 м га тушади. Грунт сув сатҳи суғориладиган зонадан ташқарида чуқурлашиб боради. Суғориладиган зона четларида чуқурлиги 10—15 м бўлса, округнинг чўллар билан тутишган қисмида 20—30 м га етади.

Грунт сувининг минераллашиши даражаси округ ҳудудида бир хил эмас. Дарё ва суғориш шохобчалари атрофидаги грунт су-

вининг бир литрида 2—5 гр ҳар хил тузлар бўлса, дарё ва суғориш шохобчаларидан узоқда бўлган қисмида 5—10 гр, суғориладиган миңтақадан ташқарида ерларда эса 10—50 гр туз мавжуд.

Қуйи Амударё округида тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг (она жинси, рельефи, иқлими, ер ости сувлари, ўсимлик қоплами) хусусиятлари турлича бўлганлиги туфайли унинг тупроқ қоплами ҳам бир хил эмас. Округнинг кўп қисмини ўтлоқ-қайир аллювиал, суғориладиган ўтлоқ (ўтлоқ-воҳа) тупроқлари ташғол қиласди. Ўтлоқ-қайир аллювиал ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқ турлари асосан Амударёнинг ҳозирги замон дельтасининг қуий қисмининг марказида жойлашиб, устки қисмида чиринди миқдори 2—3% га етади. Бу тупроқ тури ҳамма қисмида шўрлашган эмас, фақат пастқам, грунт суви ер юзасига яқин бўлган жойларда шўрлашган. Бундай жойларда яна ботқоқ-шўрхок тупроқлар ҳам учрайди.

Суғориладиган ўтлоқ (ўтлоқ-воҳа) тупроғи эса асосан Амударёнинг қадимий дельтасида ва ҳозирги замон дельтасининг юқори қисмидаги ўтлоқ-қайир аллювиал ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқлар тарқалган миңтақанинг ўнг ва чап томонларида жойлашган. Бу тупроқ тури инсониятнинг бир неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган хўжалик фаолияти таъсирида ўзининг табиий ҳолати ўзгариб, маданий воҳа тупроғига айланган.

Қуйи Амударё округининг кўллари атрофида, Орол денгизи соҳилларида, қадимий дарё ўзанларида ботқоқ, ўтлоқ-ботқоқ, шўрхок, ботқоқ-шўрхок тупроқлар учрайди.

Орол денгизи соҳилларининг шарқий қисмида Оққала бурнидан Қазоҳдарёнинг қуий қисмигача бўлган ҳудудларда денгиз бўйи шўрхоклари жойлашган.

Қуйи Амударё округида шўрхоклар яхлит лента ҳосил қилмасдан суғориладиган ерлар орасида ҳам «орол» ҳолда учрайди. Шўрхокли тақир тупроқ турлари асосан Амударёнинг ҳозирги замон дельтасида гил ётқизиқлари мавжуд бўлган жойларда, хусусан, унинг Устюрт платосига туташ қисмида ҳамда Амударёнинг ўнг соҳилларида жойлашган.

Қуйи Амударё округида чўл қумлоқ тупроқлари Мўйноқ ярим оролида, округнинг Қизилқумга туташган шарқий қисмида ва Амударёнинг қадимий дельтасини Қорақумга яқин қисмларида учрайди.

Қуйи Амударё округидаги қолдиқ қирлар ҳисобланган Қумбелтау, Барлитов, Қашқантов, Белтов, Манқир, Тузқир каби паст тоғларда сур-қўнғир тупроқ тури мавжуд.

Қуйи Амударё ўсимлик қоплами унинг рельефи, иқлими, ер ости сувлари, тупроғи ва бошқа табиий омилларга боғлиқ ҳолда жойлашган. Шу сабабли геоботаник нуқтаи назаридан округ ўсимликлари қуийдаги турларга бўлинади; тўқай, галофит ва пасмомифит.

Тўқай ўсимликлар Амударёнинг ҳозирги замон дельтасидаги ўтлоқ-аллювиал, ўтлоқ-ботқоқ, ботқоқ ва ўтлоқ-тақир тупроқлар

тарқалған қайирларида катта майдонни үз ичига олиб, қамишзорлар билан қопланған. Шунингдек, бу ерларда құға, туранды, ёввойи жийда, тол, юлғун каби үсімліклар ҳам үсади. Тұқай үсімліклари яна Амударёнің үзанында яқин ҳар иккала соҳилларида, сув билан тұладыған үзанларда, құллар атрофика ҳам учрайди. Тұқайзорлар икки қаватдан (ярусадан) иборат бўлиб, юқориси тол, жийда, туранды әки құғалардан, пасти эса юлғун, рувак, қамиш кабилардан иборат.

Амударё дельтасининг ўтлоқ-тақири, тақири тупроқларда ва шұрхокларда жингил формацияси кенг майдонни ишғол қиласади. Лекин шұрхокларда ва шұрлашган ерларда тамарис жингил формациясини сиқиб чиқармоқда.

Қуйи Амударё округининг ўтлоқ тупроқлар тарқалған қисмларда рувак, бүгдойиқ ва ажриқ каби үсімліклар үсади. Шунингдек, Амударё дельтасининг қуруқ ерларда янтоқ ва ажриқ күп.

Қуйи Амударё округининг баъзи жойларда шұрхоклар ҳам учрайди. Улар асосан Орол дегизининг қуриб қолған шарқий қисміда, Судочье құлининг жанубида жойлашиб, галофит үсімліклар үсади. Уларнинг энг муҳимлари сарисазан, қорабарак, тамарис, поташ, итсегак ва бир йиллик шұра үсімлікларидир.

Қуйи Амударёдаги сур-құнғир тупроқлар тарқалған паст тоғларда эса бурган, шувоқ кабилар учрайди.

Қуйи Амударёнің Кизилқұм ва Қорақұмга туташған қисміда, құм ва құмли тупроқлар тарқалған жойларда чүлга хос псаммофит үсімліклар — селин, жузғун, оқ саксовул, қуёнсуяқ, қизилча, шұра мавжуд.

Қуйи Амударё округининг ўзига хос табиий шароити унинг ҳайванот оламиға ҳам таъсир этган. Бу округда сут әмизувчилар, құшлар, балиқлар бошқа округларға нисбатан күпроқ тарқалған, Құшларнинг 222 тури, сут әмизувчиларнинг 31 тури (acosan кеми्रувчилар), балиқларнинг эса 30 тури мавжуд.

Қуйи Амударёнің антропоген ландшафти (сугорилиб үзлаштирилған ҳудудларда) мавжуд бўлған катта қисміда уй сичқони, күрсичқон, пластиксім ондаған тишли каламуш, типратикан ва ҳар хил құшлар (чумчуқ, майна, зарғолдоқ, бедана) яшайди.

Дарё қайирларида, құлларда құшлардан — қирғовул, ғоз, ўрдак, оққұш, қутон, биржозон (соқоқұш), чайка, қорабузов, читтак, баклан, пеликан, лайлак, чумчуқлар; сут әмизувчилардан ондатра, тулки, чиябўри, тұқай мушуги, бўрсиқ.

Қуйи Амударё дельтасининг Кизилқұм ва Қорақұмга туташған қисмларда ва дельта ичидаги үзлаширилмаган құмли чүлларда тошбақа, юмронқозықлар, кул ранг ва тароқ бармоқли геккон, құм сичқони, юмалоқ бошли калтакесак, чүл мушуги, тулки, үқилюн, эфа учрайди.

Қуйи Амударё округида балиқлар күп бўлиб, улар дарёда ва унинг тармоқларида, құлларда, ирригация шохобчаларида яшайди. Энг күп тарқалған лаққа балиқлар, чұртан балиқлари, осётрлар, лососсимон балиқлар ва бошқа балиқлардир.

Құйи Амударә округида түқай ландшафти ва у ердаги қушлар ва бошқа ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун Бадайтүқай қуриқхонаси ҳамда Құйи Амударә (дельта ландшафти ва у ердаги қүш, балиқларни асрайди), Нурунгек (түқай ландшафти ва чүчқа, чиябүри, қирғовул), Хоразм (күл ландшафти ва у ердаги сув қушлағы) каби буюртмалар мавжуд.

Құйи Амударә округининг табиий бойликлари хилма-хил булиб, энг муҳимлари ер-сув ресурсидир. Бу округ ҳудудида 2,4 млн гектарга яқин суғоришга яроқли ерлар мавжуд. Лекин ҳозир 0,6 млн гектар майдондаги ерлар суғорилади, холос.

Иккинчи муҳим ресурсы қамишзорлари ва үтлоқларидир. Округ ҳудудига 0,5 млн га атрофида қамишзорлар мавжуд әди, лекин ҳозир Амударә дельтасига сув кам етиб бораётганлиги учун унинг майдони йил сайин камаймоқда. Қамишзорлар сифатли ем-харакат, силос хом ашёсидир. Маълумотларга кўра 10 т қамишдан 8 т силос олиш мумкин.

Учинчى муҳим ресурсы сифатли мўйна берувчи ондатра ҳисобланади. Лекин сўнгги йилларда Амударә дельтасидаги ўзанлар ва кўлларда сув қуриб қолганлиги туфайли ондатра терисини тайёрлаш ҳам, балиқ овлаш ҳам камайиб кетмоқда.

Құйи Амударә округи табиий шароитига, айниқса, тупроқ-ўсимлик қопламининг хусусиятига кўра Чимбой-Қўнғирот, Белтов ва Хоразм каби табиий-географик районларга булинади.

І. Л. Н. Бабушкин, Н. А. Когай (1964) маълумотига кўра Чимбой-Қўнғирот табиий-географик райони Амударёнинг ҳозирги замон дельтаси ва унга ҳар иккى томондан ёндошган ҳудудларни ўз ичига олади. Район шимолда Орол денгизи билан, гарбда Устюрт округи билан, шарқда Белтов райони билан, жанубда Хоразм райони билан чегараланади.

Районнинг қиши совуқ (январнинг ўртача ҳарорати —7,5°) ва давомлиги (3,5 ой), вегетацияли қиши кузатилмайди, ёз иссиқ (июннинг ҳарорати 26°). +10° дан юқори бўлган кунлардаги ҳароратнинг йиғиндиси 3800° дан ошмаслиги билан округдаги бошқа районлардан фарқ қиласи.

Район құйидаги табиий-географик ландшафттарга бўлинади:

1. Орол сув сатқининг пасайиши туфайли қуруқликка айланган, ғрунт суви юза ва ўта шўр, ўсимлик деярли ўсмайдиган ёки сийрак ҳолда галофит тур ўсимликлар ўсуви ботқоқ-шурхок ва үтлоқ-шурхок жойлардан иборат бўлган ландшафт.

2. Бир йиллик шўралар ўсуви шурхокли дельта текисликлар ландшафти. Бу тур ландшафт биринчи ландшафтнинг жанубида, Оролнинг қадимий қирғоқларида ҳамда маданий ландшафтлар орасида учрайди.

3. Негизи мезокайназой ётқизиқларидан иборат бўлган, шувоқ ўсуви сур-қунғир тупроқли паст қолдиқ тоғлар (Қашқантов — мутлоқ баландлиги 123 м, Қизиллар мутлоқ баландлиги 117 м) ландшафти.

4. Амударё дельтасининг утлоқ, ботқоқ ва қайир аллювиал тупроқлари тарқалган түқай ўсимликлари ўсуви янги қайир ва қайирлар ландшафти.

5. Амударёнинг чап соҳилидаги қора саксовул ўсуви тақиршўрхок тупроқли дельта текисликлар ландшафти.

6. Амударёнинг аллювиал дельта текисликларида ва қайирларида жойлашган утлоқ-аллювиал ва тақир тупроқли маданий ландшафтлар.

II. Белтов табиий-географик райони Чимбой-Қўнғирот районининг шарқида жойлашиб, жанубда Қизилқум округи билан шимол, шимоли-ғарбда Орол денизи, шимоли-шарқда Қозогистон билан чегараланади.

Район кенглик бўйлаб чўзилган Белтовни, Орол бўйини, Белтовнинг жануби, жануби-шарқида жойлашган Оқдарё, Жанадарёларнинг дельта текисликларини ўз ичига олади. Район округидаги энг совуқ қиши (январнинг ўртача ҳарорати $-9,2^{\circ}$), ёзи эса энг иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати $+29^{\circ}$) ҳудуд хисобланади. Районда вегетацияли қиши кузатилмайди. Ҳарорати $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган даврдаги ҳароратнинг йиғиндиши катта бўлиб, 4180 даражага етади.

Район ҳудудида қуйидаги ландшафт турлари учрайди:

1. Денгиз чекиниши туфайли қуруқликка айланган, галофит тур ўсимликлар сийрак ўсуви шўрхок, ўтлоқ-шўрхок, ботқоқ-шўрхоклардан иборат бўлган Орол дениз қиртоқ бўйи текисликлар ландшафти.

2. Белтовнинг шимолидаги оқ саксовул ўсуви марзасимон рельефга эга бўлган эол қумли текисликлар ландшафти.

3. Негизи мезокайназой жинсли, шувоқ ўсуви сур-қўнғир тупроқли паст қолдиқ тоғ (Белтов) ландшафти.

4. Оқчадарё ва Жанадарё аллювиал-дельтасидаги қора саксовул ўсуви тақир тупроқли, шур ҳамда шурхокли дельта текисликлар ландшафти.

III. Хоразм табиий-географик райони округнинг жанубий, асосан, сугориб маданий ландшафтга айлантирилган Амударёнинг қадимий дельтасини ўз ичига олади. Район ҳудудида Амударёнинг қадимий ўзанлари — Дарёлиқ (Қўнадарё), Довдан, Чармоняб, Танидарё аллювиал текисликлари жойлашган.

Районда қиши нисбатан совуқ бўлмайди (январнинг ўртача ҳарорати -5°), вегетацияли қиши 10%ни ташкил этувчи, ёзи иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати $27,5^{\circ}$) ва қуруқ ҳудуддир. Район термик ресурслари жиҳатидан округда олдинги ўринда бўлиб, $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган даврдаги ҳароратнинг йиғиндиши 4250 даражага етади. Лекин йиллик ёғин миқдори энг кам бўлиб, 80 мм ни ташкил этади, ваҳоланки, бу кўрсаткич Чимбой-Қўнғирот районида 90—110 мм дир.

Хоразм табиий-географик районида қуйидаги ландшафт турлари мавжуд.

1. Табиий-географик районнинг жануби-шарқий қисмida жойлашган, эфемер ўсимликлари билан банд бўлган, сур-қўнғир тупроқли қадимий (плиоцен — эски тўртламчи давр) платолар ландшафти.

2. Амударёning аллювиал-дельта текислигидаги қора саксовул ўсуви тақир-шўрхок ва шўрхокли дельта-текисликлар ландшафти.

3. Амударёning қадимий ўзанлари атрофида ва районнинг жануби Унгизорти Қорақумига туташган жойлардаги янтоқ ўсуви дельта текислигининг эол қумли ландшафти.

4. Амударёning янги қайирларида жойлашган тўқай ўсимликлари билан қопланган ўтлоқ ва ботқоқ аллювиал тупроқли қайирлар ландшафти.

5. Кўллар атрофида ва кичик шўрхокли ботиқларда жойлашган бир йиллик шўралар (соянка) ўсуви дельта-текисликларидаги шўрхоклар ландшафти.

6. Хоразм воҳасининг дельта-текисликлигидаги ўтлоқ тупроқли маданий ландшафт.

Савол ва тоншириқлар 1. Қуйи Амударё Қизилқум округи билан бир географик кенгликда жойлашса-да, ландшафти жиҳатидан тубдан фарқ қиласди, сабабини тушунтириб беринг. 2. Ўзбекистон Атласидан (биринчи қисми) фойдаланиб округда қайси давр ётқизиклари кенг тарқалганлигини аниклаб, сабабини тушунтириб беринг. 3. Округ рељефини узгартишида қандай омиллар муҳим вазифани ўйнаган? 4. Нима учун округда ёғин жумҳурият бўйича энг кам тушади, аксинча, мумкин бўлган буғланиш ёғинга нисбатан 20 марта ортиқ? 5. Тупроқ ўсимлик турлари рўйхатини тузиб чиқинг. 6. Орол денгиз сув сатҳининг пасайишими округ табиагига кўрсатаётган салбий таъсирини тушунтириб беринг. 7. Округда қандай қўриқхона ва буюртмалар бор ҳамда улар қандай мақсадда барпо этилган? 8. Нима учун округ ва ландшафтларга ажратилиди?

ҚИЗИЛҚУМ ОКРУГИ

Турон текислигидаги энг катта чўллардан бири бўлган Қизилқум асосан Амударё билан Сирдарё орасида жойлашган. Лекин Қизилқум округига Қизилқум чўлининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган қисми киради.

Қизилқум округи шимоли-ғарбда Қуйи Амударё округи билан, жануби-шарқда Қуйи Зарафшон округи билан, шарқда эса Тошкент-Мирзачўл округи билан чегараланади. Округнинг жануби-ғарби Туркманистон, шимоли-шарқи Қозогистон билан бўлган давлат чегарасига тўғри келади.

Қизилқум жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қараб пасайиб боради. Унинг ўртача мутлоқ баландлиги 200—300 м бўлса, жануби-шарқда 350—400 м, шимоли-ғарбда эса 90—100 м га тушшиб қолади.

Қизилқум округи ер усти тузилиши жиҳатидан бир хил әмас. Бу ерда ботиқлар, текисликлар, яssi платолар ва қолдиқ тоғлар мавжуд. Лекин унинг кўпчилик қисмини мутлоқ баландлиги 200 м

гача бўлган қумли текисликлар ишғол қилади. Текисликларнинг кўпчилик қисмини аллювиал сочилма қумлар ишғол қилиб, асосан, эол рельеф шакллари — қум марзалари, дўнг қумлар, камроқ эса барханлар мавжуд. Қум марзалари кўпроқ меридианал йўналишга эга бўлиб, ўсимликлар билан мустаҳкамланган. Уларнинг нисбий баландликлари 15—20 м, баъзан эса максимал баландликлари 60—70 м гача етади. Қизилқумнинг марказий қисмларида эса дўнг қумлари мавжуд бўлиб, улар ҳам мустаҳкамланган. Қизилқум округида барханлар нисбатан кам бўлиб, улар аҳоли яшайдиган жойларда, қудуқлар атрофида, Амударё соҳиларида кўпроқ жойлашиб, уларнинг ҳаракатга келиши инсонлар, нинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ($28^{a, b}$ -расмлар).

Қизилқум округида тақирлар кам бўлиб, улар марта қумлар орасидаги паст жойларда учрайди. Тақирлар баҳорда сув билан қопланиб, ёзга бориб сув буғланиб кетиб, қуриб, усти қотиб ёрилиб кетади.

Қизилқум округининг марказий қисмида бир неча берк ботиқлар жойлашган. Ботиқларнинг таги қумдан иборат бўлиб, устки қисми тақир ёки шўрхоклардан иборат. Ботиқлар Қизилқумнинг марказий қисмидаги қолдиқ тоғлар орасида тектоник ботиқлар мавжуд. Бу ботиқларнинг энг катталари Букантогнинг жанубида денгиз сатҳидан 12 м пастда жойлашган Мингбулоқ, Жетимтоғнинг жануби-шарқида жойлашган Муллали, Овминзатоғ билан Қазахтоғ орасида жойлашган Қорахотин, Кулжатоғнинг жануби-шарқида жойлашган Оёқофитма ботиқларидир. Бу ботиқларнинг ҳар бирининг бўйи 40—50 км га етади.

Қизилқум округидаги энг қадими қуруқликка айланган қисми бу унинг марказий қисмидаги платолардан кўтарилиб турган палеозой қолдиқ тоғларидир. Бу тоғлар жуда ҳам емирилиб кетган бўлиб, мутлоқ баландликлари 922 м дан ошмайди. Бу тоғларнинг энг муҳимлари Қулжуқтоғ (Ирлир чўққиси 764 м), Етимтоғ (568 м), Томдитоғ (Отоғ чўққиси 922 м), Овминзатоғ (635 м), Қулжуқтоғ (785 м), Қозахтоғ (394 м), Султон Увайс тоғи (Ашитоғ чўққиси 473 м). Шу сабабли бу қолдиқ тоғлар деярли кенглилк бўйлаб йўналиб палеозой эрасининг кристалли сланецлари, кварцли сланецлари ва оҳактошларидан ташкил топган. Улар орасида эса гранит, диорит, гранодиорит ва бошқа отқинди жинслар ҳам учрайди.

Палеозой қолдиқ тоғлари кейинчалик аста-секин емирилади, емирилган (нураган) жинслар унинг қуи қисмига тушиб тупланади, оқибатда тоғлар пасаяди. Натижада денгиз суви ўша емирилиб, пасайиб қолган палеозой тоғларини ҳам босиб олади. Бу жараён неоген давригача давом этади, сунгра Тетис денгизи чекиниб Қизилқум қуруқликка айланади. Палеозой қолдиқ тоғлари этакларида бўр ва палеоген давр платолари жойлашиб, асосан, қумтош, конгламерат, мергель, гил, қум каби жинслардан ташкил топган.

Қизилқум округининг қолган текислик қисми неоген ва антропоген даврнинг аллювиал текисликларидан, асосан, денгиз ва

Амударё ҳамда Сирдарёning ётқизиқларидан иборат, устини эса қалинлиги 10—12 м келадиган құмлар қоплаб олган.

Қизилқұм округида, айниңса, палеозой қолдиқ тоғларыда олтин, слюда, феруза, асбест, боксит, симоб, графит, вольфрам, тальк, гранат, яшма, исланд шпати каби қазилма бойликлар, текислик қисмидә эса газ, нефть, уран, олtingугурт конлари мавжуд.

Қизилқұм округида фойдалы қазилмалар қазиб олинаётган ва қазишига тавсия қилинган конларни үзлаштириш асосида олтин, уран, қурилиш хомашёлари, кейинчалик мис, боксит, стронций конларини үзлаштириш асосида Зарафшон, Учқудук, Томдидулоқ, Құқпатос ишлаб чиқариш тармоқлари, гранит, олтин, бүйірбоб минераллар, қурилиш хомашёларини үзлаштириш негизида Тасқазғон ишлаб чиқариш шохобчаси, табий газларни үзлаштириш негизида эса Газли ишлаб чиқариш тармоғи вужудға келген.

Қизилқұм округи катта ҳудудни әгаллагани учун унинг иқлими хусусиятлари шимолдан жанубға қараб үзгариб боради. Қизилқұмнинг шимолий қисми иқлими асосан Марказий Осиё антициклони ва ғарбдан келадиган циклонлар таъсирида вужудға келса, жанубий қисми иқлимининг шаклланишида тропик ҳаво массаларининг таъсири анча каттадир. Шунинг учун Қизилқұм округининг қиши совуқ, давомли бұлғып, январнинг үртата ҳарорати шимолида -4 — 10° бұлса, жанубида -1 — 2° бұлади. Қизилқұм округининг иқлими хусусияти жиҳатидан ғарқланувчи шимолий қисми билан жанубий қисми орасидаги чегара тахминан 41° шимолий кенглигінде -3° январь изотермаси орқали үтади.

Қизилқұмнинг шимолий қисми иқлимининг қишида шаклланишида Сибирь антициклонидан вужудға келген ҳаво массаси мұхим омил ҳисобланади. Бу ҳаво массаси шимоли-шарқдан эсіб ҳудуд ҳароратини пастга тушириб, қуруқ, лекин очиқ, совуқ об-ҳавони вужудға келтиради. Шунингдек, қишида бу жойларға шимоли-ғарбдан ва ғарбдан келадиган циклон турлы ҳаво массаси ҳам таъсир этиб, шимоли-шарқдан эсувчи ҳаво массаси билан түқнашади. Натижада қиши об-ҳавосининг тез-тез үзгариб очиқ аёзли об-ҳаво нам, нисбатан илиқ об-ҳаво билан алмашып туради. Баъзи кунлари Сибирь антициклони билан бирга Қизилқұм округининг шимолига Россия текислигининг жануби-шарқидан совуқ ҳаво массаси ҳам етиб келгач, ҳарорат пасайиб, -35° гача тушади.

Қизилқұм округида ёз унинг ҳамма қисмida деярли бир хил бўлиб, қуруқ, очиқ, иссиқ. Айниңса, унинг марказий қисми ёзда қизиб кетиб, июлнинг үртата ҳарорати 28° — 30° га етади. Нисбатан пастроқ, июлнинг 26° ли изотермаси округнинг шимоли-ғарбиға түғри келади. Қолган қисмларида эса июлнинг үртата ҳарорати 26 — 28° атрофида үзгаради. Энг иссиқ 46° га етади.

Қизилқұм округи Ўзбекистоннинг қурғоқчил қисмларидан бири бўлиб, унинг шимоли-ғарбида, Қуйи Амударё округига туташ қисмларида йиллик ёғин миқдори 75—100 мм атрофида үзгаради.

Ёғин миқдори округнинг жануби-шарқий қисмига борган сари ортиб, 100—150 мм га, қолдиқ тоғлар ва Нурота тоғларига яқин қисмларида эса 200 мм га етади.

Қизилқум округида ёғин йил фасллари бўйича ҳам нотекис тақсимланган. Ииллик ёғинни 100% десак, унинг 48% баҳорга 30% қишига, 19% кузга, фақат 3% ёзга тўғри келади.

Қизилқумда ёғиннинг бир қисми қор ҳолида ёғса-да, у қалин бўлмасдан (қалинлиги 20 см га етади) узоқ вақт сақланмайди (йилига ўртача 20 кун қор қоплами бўлади). Округ ҳудудининг шимолий қисмидан қор октябрдан апрель ойининг охиригача, жанубида эса ноябрнинг бошларидан март ойининг охиригача бўлиши кутилади. Қор қоплами юпқа бўлиб, узоқ вақт сақланмаганини туфайли молларни қишида ҳам яйловда боқилади. Лекин баъзан қишида ҳароратнинг тез-тез пасайиб кетиши чорвачиликка анча салбий таъсир этади.

Қизилқум округида йил бўйи шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий шамоллар эсиб, тезлиги ўртача секундига 3—4 м атрофида. Лекин қишида ва баҳорнинг бошларидан шимоли-шарқдан нисбатан кучли шамоллар эсиб туради.

Қизилқум округи иқлимининг қуруқлиги (ёғиннинг камлиги, ёзги ҳароратнинг юқорилиги туфайли мумкин бўлган буғланишнинг кўплиги) туфайли доимий оқувчи маҳаллий сувлари йўқ. Унинг жануби-ғарбий қисмидан эса транзит Амударё оқиб ўтади, холос. Лекин баҳорда қорлар эриганда, ёмғир кўпроқ ёққанда Қизилқумнинг марказий қисмидаги паст тоғларда вужудга келадиган вақтли сойлардан сув оқиб, сўнгра уларнинг суви қуриб қолади. Аксинча, Қизилқумда ер ости сувлари анча кўп. Округда грунт сувлари ҳамма қисмida турон свитаси қумликларида учрайди. Бу тур ер ости суви, асосан, ёғинлардан тўйинади; лекин буғланиш катта, бинобарин, шўр (минераллашиш даражаси юқори) бўлиб, тўғридан-тўғри ичиш учун сифатсиз. Рельефи паст ерларда бу тур ер ости сувларидан яйловларни сув билан таъминлашда фойдаланилади. Қалин бархан қўмлари остида тахминан 100 м чуқурликларда чучук грунт суви мавжуд бўлиб, минераллашиш даражаси 0,3 дан 1,02 г/л га етади. Марказий Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар этакларидаги проллювиал ётқизиқлар орасида чучук грунт сувларининг катта миқдори мавжуд.

Мезозой давр ётқизиқлари ва палеоген давр жинслари орасида босимли артезиан ер ости сувининг катта заҳираси мавжуд. Бу тур сувлар нисбатан чучук бўлиб, баъзи жойларда қовланганда ўзи отилиб чиқиши мумкин. Мингбулоқ, Қораҳотин, Оёқғонитма каби ботиқларда бурғилаш пайтида ўша артезиан сувлари ўзи отилиб чиқкан. Ҳар литр сувида минераллашиш даражаси 1,0 граммдан, 3,0 граммгача бориши мумкин.

Қизилқум округида ер ости сувининг динамик миқдори секундига $58-60 \text{ м}^3$ ни ташкил қилиб, гидрогеологик районлар бўйича қўйидаги тақсимланган: Марказий Қизилқумда $11,0 \text{ м}^3/\text{сек}$, Қизилқумнинг шимоли-шарқи ва шимолида $4,0 \text{ м}^3/\text{сек}$, Қизилқумнинг шимоли-ғарбида (Орол бўйида) $43,6 \text{ м}^3/\text{сек}$.

Қизилқұм округининг шимоли-ғарбіда сур-құнғир тупроқ тарқалған. Нисбатан рельефи пастроқ булған ерларда эса тақыр ва тақырлы тупроқтар учрайди. Бундай тур тупроқларда чиринді кам булиб, гумус миқдори 0,4—0,5% гача боради.

Қизилқұм округи ҳудудининг 3—5 фоиз майдонини үсимлик деярли үсмайдыган құмлар әгаллаган. Қолған 95—97 фоиз майдониду ёки бу даражада үсимликлар билан қопланған.

Қизилқұм округи флораси чүлга хос хусусиятларга эга булиб, узоқ давом этган жазирама қуруқ ёз шароитига мослашған ксерофит, псаммофит ва әфемер турлидір. Округ бақорда күк тусга кириб, әфемер ва әфемероид үсимликлари — ранг, құнғирбош, ялтиробош, лолақизғалдоқ, лола, бойғалча, чучмома, коврак кабилар билан қопланади. Лекин ёзниң башланиши билан әфемер ва әфемероид үсимликлари сарғайып қуриб қолади, сұнгра үз вегетациясини псаммофит, ксерофит тур үсимликлари давом эттиради.

Округнинг мустақамлашған құмликларида жузғун, оқ саксовул, қүёнсүяқ, құм акацияси, қондим, урғочи (майда) селин каби үсимликлар үсади. Қизилқұмнинг марказий қисмидаги сур құнғир тупроқтар тарқалған қолдиқ тоғларда ва тоғ этакларida шувоқ, бурган, терескин, тошбурган, саксовул үсади.

Округнинг шүрхок, шүртоб ва шүрхок-ботқоқ тупроқлар тарқалған ботиқларida қора саксовул, юлғун, балиқкүз, сарисазан, қорабароқ, поташ ва бошқа бир йиллик шүралар учрайди. Тақыр ва тақырлы тупроқлар мавжуд булған ерларда донашур, бир йиллик шүралар үсади.

Округ зоогеографик хусусияти жиҳатидан Турон провинциясинаң Қизилқұм зоогеографик районига мансубдір. Округ ҳайвонот олами Туркистан чүлларига хос булған вакиллар билан тавсифланади. Лекин округда тароқ бармоқли құшоёқ, хұжасавдогар каби эндемик вакиллар мавжуд.

Қизилқұм округининг күп қисмини құмли-чүллар ташкил этиб, унда кеми्रувчилардан ингичка оёқли юмронқозық, құм сичқони, шалпанғұлоқ, құшоёқлар, тошбақа, типратикан кабилар яшайди. Судрагиб юрұвчилардан думалоқ бошли калтакесақ, агама, әчке-мар, сцинк геккони, үқилон, құм бүғма илони, эфа илони (чарх илон) яшайди.

Құмли чүлларда сут әмизувчилардан чүл мушуги, жайрон, хонгул, сайғоқ (оқ қүйрүқ), бўри, тулки, қүён учрайди. Ҳашаротлардан эса чиён, қорақүрт, тарантул, фаланг, чигиртка бор.

Қизилқұм округининг Амударё соҳиларida түқайзорлар ҳам мавжуд булиб, унда ғоз, ўрдак, қирғовул, тұнғиз каби ҳайвонлар бор.

Қизилқұм округида құшлардан хұжасавдогар, йилқичи, тентакқуш, сұфитұргай, йұрға тувалоқ, құм чумчуғи кабилар учрайди.

Қизилқұм округидаги Амударё соҳилларида жойлашған түқайландшафти ва у ердаги үсимлик ҳамда ҳайвонларни (хонгул, жай-

рон, түнгиз, қирғовул, ўрдак, ғоз ва бош.) муҳофаза қилиш учун Қызылқұм құриқхонаси ташкил этилған.

Қызылқұм округи табиий бойликларга сероб ҳудуд ҳисобланади. Эң мұхым бойлиги минерал ресурслари (олтин, уран, газ, фосфорит, корунд, графит) дир. Бундан ташқары округда иқлим, ресурслари, яйлов-ұтлоқлари, ер ости сувлари, мүйна берувчи ҳайвонлари ҳам мавжуд булып, улар юрт бойлигидир.

Қызылқұм округи үз навбатида Л. Н. Бабушкин, Н. А. Когай (1964) нинг районлаштириш тизими бүйіча Султонвайс, Шимолий Қызылқұм, Бұқан-Етимтоғ, Жандубай Қызылқұм, Томди — Қулжиқтоғ каби табиий-географик районларга бүлинади.

I. Султонвайс табиий-географик райони шу ном билан аталувчи қолдик тоғнинг ва унинг атрофидаги ҳудудларни үз ичига олади. Султонвайс тоғи емирилған ва ассимметрик тузилган бұлып, жанубий ён бағрига нисбатан тик. Тоғ Амударёning үнг қирғоғида жойлашиб, кенглиқ бүйлаб 40—45 км га چүзилған, үртаса кенглиғи 10—15 км, эң баланд Ашитоғ чүққиси 475 м га етади. Султонвайс тоғи ғарбға қараб пасайиб бир-биридан ажралған Шайх, Жейли, Қуянчик, Зангобобо, Жумуртоғ каби баландлықларни ҳосил қиласы. Иқлими құлға хос хусусиятлар билан тавсифланып, скелетли сур-құнғир тупроқ тарқалған бұлып, асосан шувоқ үсади.

II. Шимолий Қызылқұм табиий-географик райони. Бу район Қызылқұмнинг 42° шимолий кенгликтан шимолда бұлған ерларини, яъни Бұқантөф ва Етимтоғларнинг шимолий қисмидаги ҳудудларни үз ичига олип, асосан, құм массивларидан иборат. Район ҳудудининг күп қисмини плиоцен — эски түртламчы давр платоларининг емирилишидан (нурасыдан) вужудға келған әол құмлуклари, хусусан, құмларнинг ари уясисимон марза, әол рельеф шакллари әгаллайды. Район Қызылқұм округининг эң совуқ (январнинг үртаса ҳарорати $-7,8^{\circ}$), вегетациялы қыш 0 га тенг бұлған райони ҳисобланади. Ізи эса округдаги эң паст ҳароратта әга бұлып, июлнинг үртаса ҳарорати $+29^{\circ}$ дир. Асосий тупроғи құмли тупроқ бұлып, унда оқ саксовул ва бошқа үсимликлар үсіб қызылқұм тур әол құмли ландшафт билан тавсифланади. Шунингдек, баъзи сур-құнғир тупроқлар тарқалған ерларда эфемер үсимликлар үсади. Районнинг ғарбий қисміда Оқчадарёning қадимий дельта текислиklари мавжуд бұлып, у меридиан бүйлаб 75—80 км га چүзилип, кенглиғи 6—7 км га етади. Бу ерлар аллювиал әтқизиқлар билан қопланып, тақирлар, шұрхоклар мавжуд бұлып, қора саксовул ва бошқа үсимликлар үсади.

III. Бұқан-Етимтоғ табиий-географик райони. Район үз ичига Бұқантөф, Етимтоғ, Олтинге тағларини ҳамда тоғ олди пролювиал текислиklарини олади. Районнинг шарқдан ғарбға узунлиғи 230—340 км. Районнинг асосий қисмини Бұқантөф әгаллаб бир қанча (Тубаберган, Бұздантөф) тағлардан иборат бұлып, эң баланд Ирлір чүққиси 764 м га етади. Бұқантөғнинг жанубида эса Олтинге (эң баланд ери 522 м) жойлашиб у шарқда Кокпатастас баландлығига туташиб кетади. Районнинг шарқыда Етимтоғ

жойлашиб, у Етимтоғ 1 ва 2, Қийктоғ ва Токтитоғ каби паст тоғлардан иборат булиб, энг баланд ери 565 м га етади. Бу тоғлар палеозой эрасининг ҳар хил чүкинди ва отқинди жинсларидан иборат булиб, яланг ҳамда сойлар билан кесилган. Тоғларнинг этагида шағал ва гипсдан ташкил топган пролювиал текисликлар жойлашган.

Тоғларнинг жанубий тоғ олди минтақасида эса тоғ олди текисликлари, қум массивлари, берк туви шурхоклардан иборат ботиқлар жойлашган. Уларнинг энг муҳими Ўзбекистоннинг энг паст — (12 м) ери бўлган Мингбулоқ ботифидир.

Район иқлими хусусиятлари жиҳатидан Шимолий Қизилқум билан Жанубий Қизилқум орасидаги ўткинчи минтақа ҳисобланиб, қиши тоғларда мұтадил хусусиятга эга бўлса, ботиқларда совуқ, ёз эса қуруқ ва иссиқ. Иқлимнинг бундай хусусиятлари район тупроқ ва ўсимлик қоплами хусусиятларига таъсир этган. Бинобарин, район қўйидаги ландшафтларга бўлинади.

1. Бўкантоғ, Олтинтоғ, Етимтоғ, Қийктоғ ва Токтитоғларни ўз ичига олган палеозой негизли, шувоқ ўсуви сур-қўнғир тупроқли паст тоғлар ландшафти.

2. Сур-қўнғир тупроқли шувоқ формацияси мавжуд бўлган тоғ олди пролювиал текисликлар ландшафти.

3. Оқ саксовуллар ўсуви паст тоғлардаги эол қум ландшафти.

4. Мезокайназой негизидан иборат бўлган сарисазанли шурхоклардан ташкил топган берк ботиқлар ландшафти. Бу тур ландшафт Мингбулоқ ботифини ўз ичига олади.

IV. Жанубий Қизилқум табиий-географик райони.

Қизилқумнинг 42° шм кенглигидан жанубда жойлашган иккита қум массиви — Бузгаубой ва Ёмонқумни ўз ичига олади. Ёмонқум Етимтоғ билан Томдитоғ орасида жойлашган. Ёмонқумнинг жануби ва жануби-ғарбида эса Бузгаубой қум массиви ўрнашган. Бу икки қумликда ҳам ари уясимимон, маркза қум рельеф шакллари кенг тарқалган. Лекин Амударё соҳилларига яқинлашгач бархан қумликлари ҳам учрайди.

Район Қизилқум округининг қиши нисбатан илик (январнинг ўртача ҳарорати -4 — $4,8^{\circ}$), ёзи эса иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати $+31^{\circ}$) ва қуруқ бўлган қисми ҳисобланиб, ҳарорати $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган даврдаги ҳарорат йиғиндиси 4850° етади.

Район ўз иавбатида қўйидаги ландшафтларга бўлинади.

1. Район ҳудудининг энг кўп қисмини ишғол қилган оқ саксовул ўсуви қизилқум турли эол қум ландшафти. Бу ландшафт Ёмонқум ва Бузгаубой қумликларини ўз ичига олади.

2. Эфемер ўсимликлари тарқалган сур-қўнғир тупроқли плиоцен — эски тўртламчи давр платолар ландшафти.

3. Амударё қайирлари ва қирғоқларидаги ўтлоқ-ботқоқ қайир аллювиал тупроқларда ўсуви тўқай ва қамишзорлар билан қопланган дельта ҳамда ундаги қайирлар ландшафти.

4. Амударёнинг сугориладиган ўтлоқ тупроқли дельта ва ундағи қайирлар маданий ландшафти.

V. Томди-Кулжиқтоғ табиий-географик райони.

Үз ичига Томдитоғ, Амунзатоғ, Кулжиқтоғ, Белтогларни ва улар орасидаги пролювиал текисликларни ҳамда ботиқларни олади.

Район иқлим курсаткичлари жиҳатидан Жанубий Қизилқумга яқин. Лекин ундан қишининг нисбатан бир оз илиқлиги (январнинг уртача ҳарорати — 4,1°) ва вегетацияли қишининг баъзан содир (16% дан ошмайди) бўлиб туришлиги, ёғиннинг нисбатан (йиллик миқдори 208 мм) кўплиги жиҳатидан фарқланади.

Район ҳудуди қуийидаги ландшафтларга булиниади.

1. Томдитоғ, Амунзатоғ, Кулжатоғ ва Белтогда жойлашган шувоқ ўсувчи сур-қўнғир тупроқли паст тоғлар ландшафти.

2. Шувоқ қоплаган сур-қўнғир тупроқли тоғ олди пролювиал текисликлар ландшафти.

3. Мезокайназой негизли сарсазан ўсувчи шурхоклардан иборат бўлган берк ботиқлар ландшафти. Бунга Қорахотин ва Оёқофитма ботиқлари киради.

Савол ва топшириқлар 1. Узбекистон табиий харитасидан округ географик ўринини аниқлаб, уни қушни Қуий Амударё округи билан таққосланг. 2. Округ қайси геологик давр ётқизиқларидан ташкил топган ва қачон қуруқлика айланган? 3. Узбекистон атласидан (биринчи қисми) фойдаланиб, округ рельефига тавсиф беринг. 4. Нима учун ва қандай омиллар таъсирида округ ҳудудининг шимолий қисми билан жанубий қисми иқлим жиҳатидан фарқ қиласи? 5. Узбекистон тупроқ харитасидан фойдаланиб округда учровчи тупроқ турларини аниқлант. 6. Нима сабабдан округда кўпроқ ксерофит ва паммофит ўсимлик турлари кенг тарқалган? 7. Харитадан округдаги табиий-географик районларни аниқлаб, улар бир-биридан қандай табиий хусусиятлари жиҳатидан фарқланнишини тушунтириб беринг.

ҚУИЙ ЗАРАФШОН ОКРУГИ

Бу округ Зарафшон дарёсининг қуий қисмидаги Бухоро ва Қоракўл дельталарини үз ичига олиб, шарқда Ўрта Зарафшон округидан кенглиги 2—4 км келадиган Хазар йўлаги орқали ажралиб туради.

Қуий Зарафшон округини шимолдан ва фарбдан Қизилқум, округи, жанубий-фарбдан Сандуқли қумлиги, жанубдан Эшакчи қумлиги, шарқдан Қизилтепа, Азкамар, Қуйимозор, Қайноғоч, Қуштепа ва Қумсултон баландликлари ўраб туради.

Қуий Зарафшон палеозой бурмали негизининг букилган қисмida жойлашиб, унинг устини мезозой ва кайнозой чўкинди жинслар филофи қоплаб олган. Бинобарин, округда энг қадимий жинс бу палеозой ётқизиқлари бўлиб, улар 1200—1300 м чуқурликда жойлашиб, устини сўнгги давр жинслари қоплаб олган. Палеозой ётқизиқлари оҳактошлардан, сланецлардан иборат бўлиб, унинг устини юра, бўр даврининг мергеллари, гиллари ва қумтошлари

қоплаган. Юра ва бур давр жинсларининг қалинлиги 500—1000 метрга етиб, устини палеоген ва неоген давр жинслари қоплаган. Юра ва бур даври жинслари фақат округнинг шарқидаги баландликларнинг баъзи жойларида очилиб қолган, холос.

Қуий Зарафшонда энг кўп тарқалган ётқизиқ бу кайназой даврининг жинсларидир. Лекин палеоген ётқизиқлари округда неогенга нисбатан кам бўлиб, асосан, Газли атрофида, Жарқоқ, Саритош ва Қизилтепа баландликларида очилиб қолган бўлиб, оҳактош, доломит, қумтош ва гиллардан иборат. Неоген давр жинслари сарғиш, сур, жигар ранг қумлардан, қумтошлардан, гиллардан иборат бўлиб, Бухоро воҳасининг жанубий қисмида, Денгизкўл атрофида ва Қоракўл воҳасида учрайди.

Қуий Зарафшон округида энг кўп тарқалган ётқизиқлар тўртламчи даврга хос бўлиб, улар генетик жиҳатидан аллювиал, пролювиал, дельта-пролювиал, аллювиал-пролювиал, кўл ётқизифи, эол ва маданий-ирригация ётқизиқларидир.

Округ атрофидаги баландликларда ва Бухоро-Қоракўл дельтасининг четларида эллювиал ва пролювиал йўл билан вужудга келган шағал, қум, қумоқ жинслар мавжуд. Дельта-пролювиал ётқизиқлар эса Қўкча ва Азкамар баландликлари атрофида учраб, қумоқ, шағал ва лёссимон жинслардан ташкил топган.

Қуий Зарафшон округида энг кўп тарқалган жинслар аллювиал-дельта ётқизиқлари ҳисобланиб, Зарафшон дарёси олиб келган шағал, қум, қумоқ кабилардан иборат.

Округдаги Денгизкўл ва бошқа кичик кўллар атрофида кўл ётқизиқлари — тўқ сур рангли гил ва қумоқ жинслар учрайди. Бухоро ва Қоракўл атрофида эол йўл билан вужудга келган қумликлар жойлашган.

Қуий Зарафшон округининг қадимдан суғорилиб, дехқончилик қилиб келинаётган қисмида маданий қатлам вужудга келган.

Қуий Зарафшон округининг рельефи бир хил эмас. У Хазар йўллагида торайиб, сўнг Абумуслим тепалигида Зарафшон водийси кенгайиб, Шоптоли қишлоғида жануби-ғарбга қараб кенгайиб Бухоро дельтасини ҳосил қиласи. Бухоро дельтасининг шимолдан ва ғарбдан Қизилкум, ўраб олса, шарқида Қизилтепа (362 м), Азкамар (372 м), Қуйимозор (216 м), Қайнағоч (322 м) баландликлари, Қуштепа ва Қумсултон тепаликлари, жануби-шарқдан эса Қоракўл баландлиги ураб туради.

Бухоро дельтасининг узунлиги 102 км, уртacha кенглиги 50—55 км, энг кенг ери 70 км га боради. Бу қисмда Зарафшон водийсининг баландлиги ғарбида 200 м, шарқида эса 250 м атрофида ўзгаради. Бухоро дельтаси жануби-ғарбга бир оз нишаб бўлган текислик ҳисобланиб, суғориш шохобчалари орқали бир қанча қисмларга бўлинган. Суғориш шохобчалари ёнида эса нисбий баландликлари 2—8 м га етувчи марзалар вужудга келган.

Бухоро дельтасида Зарафшон дарёсининг тўртта қайири жойлашган. Биринчи қайири дарёning ҳар икки қисмида жойлашиб, нисбий баландлиги 1—1,5 м, кенглиги эса 1,5—2 км. Иккинчи қа-

йирнинг нисбий баландлиги (дарё узанидан) 2—5 м булиб, кенглиги 6 км дан баъзи жойларда (Бухоро шаҳри меридианида) 50 км га етади. Учинчи қайири эса унча кенг бўлмасдан билингас иккинчи қайирдан кутарилиб турувчи аллювиал текисликлардан иборат. Ниҳоят тўртинчи энг эски қайири Бухоро дельсини ураб олган Автобач, Қизилтепа, Қўйимозор платоларида жойлашган.

Бухоро дельтаси жануби-ғарбга қараб яна пасайиб, торайиб боради ва Чандир қишлоғи яқинида водий торайиб, ҳар икки томонида Қоракўл платоси яқинлашади. Бу қисмда Қоракўл платосининг нисбий баландликлари 15 м га етади. Лекин Зарафшон дарёси бу платони кесиб, тор (кенглиги 0,5—1,0 км) Қоракўл йўлагини ҳосил қиласди. Қоракўл йўлаги ўз навбатида Бухоро дельтасини Қоракўл дельтасидан ажратиб туради.

Бухоро дельтасининг жануби-ғарбида Оғор қишлоғи ёнида Зарафшон дарёсининг қадимий қуруқ ўзани Махандарё ажралиб чиқиб Лукли кўлигача тахминан 80 км га чўзилган. Махандарё ўзанидан бир қанча ботиқлар жойлашиб, улар зовур сувлари билан тулиб, Чуқуркўл, Маханкўл, Ўртакўл ва Чандиркўл ҳосил бўлган. Махандарё ўзанидан Маханкўл ёнида Гужайли ўзани ажралиб чиқиб, ғарбга қараб давом этади ва Қоракўл платосини кесиб ўтиб, Замонбобо кўлигача давом этади. Ҳозир бу эски ўзанлар зовур вазифасини ҳам ўтайди. Махандарё ва Гужайли ўзанлари атрофларида кичик қумликлар ва нисбий баландликлари 7—15 м га етувчи қирлар жойлашган.

Бухоро дельтасининг шарқида ҳам бир неча ботиқлар жойлашиб, улар ҳозир сув билан тўлиб, Тўдакўл ва Қўйимозор сув омборига айланган.

Зарафшон водийси Қоракўл йўлагидан ўтгач жануби-ғарбга қараб яна кенгаяди ва Қоракўл дельтасини ҳосил қиласди. Қоракўл дельтаси ғарбдан Кимирик қумлиги, жануби-ғарбдан Сандуқли қумлиги, жанубдан Эшакчи қумлиги, шимоли-шарқдан эса Қоракўл платоси билан ўралган. Қоракўл дельтасининг узунлиги 48—50 км, ўртacha кенглиги эса 26—27 км, баъзи жойларда 35—36 км га етади. Ер усти нисбатан текис бўлиб, бир оз жануби-ғарбга, Амударё водийси томон нишаб бўлиб, мутлоқ баландлиги шимоли-шарқида 200 м, жануби-ғарбида, Чигакўл ёнида 185 м, Амударё водийсига туташган жойда 178 м га тушиб қолади.

Қоракўл дельтаси рельефи жиҳатидан Бухоро дельтасидан унча катта бўлмаган, ҳозир шўрхокларга айланган ботиқларнинг ва кичик шўр кўлларнинг кўплиги билан фарқланади. Шунингдек, дельтани эол жараёни натижасида вужудга келган қумликлар ҳар томондан ўраб олган. Бу қумликлар ҳаракатдаги, нисбий баландликлари 5 м га етувчи барханлардан ҳамда мустаҳкам марза қумлардан ташкил топган (29-расм). Бу қумликлар ичida Зарафшоннинг қадимий ўзанлари ҳам сақланган бўлиб, улар ичida энг муҳими Тойқир ўзанидир.

Қоракўл дельтасида Зарафшон дарёсининг иккита қадимий

қайири жойлашган. Биринчи қайири унча кенг (200 м) эмас, нисбий баландлиги 0,5—1,0 м. Иккинчи қайирининг кенглиги 2—3 км га етиб, нисбий баландлиги 2—3 м. Бу қайирларниң күп қисми қишлоқ хўжалик ишларида текисланиб юборилганлиги учун, чегараларини аниқлаш анча қиин.

Қуйи Зарафшон округи ўта арид иқлимий шароитга эга бўлиб, жуда қисқа ва бекарор қиши билан, қуруқ, серофтоб, жазирама ёз билан тавсифланади. Округ анча жанубда жойлашганлиги туфайли қуёшдан кўп иссиқ олиб, ҳар кв см юзага йилига 140—150 килокалория иссиқлик тушади. Лекин округ шимолдан тоғлар билан тўсилмаганлиги учун қишида шимолдан эсувчи совуқ, қуруқ ҳаво массалари таъсирида бўлганлиги туфайли январнинг ҳарорати ҳамма қисмидаги 0° дан паст. Қишида, шунингдек, округ ҳудудига шимоли-ғарбдан ва ғарбдан циклонларнинг кириб келиши туфайли ҳарорат бир оз илиб, ёғин ёғади. Йилнинг совуқ фаслида Қуйи Зарафшонга жануби-ғарбдан тропик ҳаво массалари эсиб, ҳароратни илитиб туради.

Қуйи Зарафшон округига ёзда, асосан, шимолдан ва шимоли-ғарбдан нисбатан салқин, нам ҳаво массалари эсиб турса-да, лекин ҳудуд ҳароратининг юқорилиги туфайли уларнинг конденциялашиш жараёни юз бермайди, оқибатда ёғин ажратмайди.

Қуйи Зарафшон округи Узбекистон ҳудудининг энг иссиқ қисмларидан бири ҳисобланиб, ўртacha йиллик ҳарорати $14,2 - 15^{\circ}$ атрофида ўзгаради. Июль ойининг (энг иссиқ) ўртacha ҳарорати $28 - 29,6^{\circ}$, январнинг (энг совуқ) ўртacha ҳарорати эса $-0,4$ (Қорақўл), $-1,5^{\circ}$ (Шофрикон) атрофида ўзгаради.

Қуйи Зарафшон округида баъзан кучли арктика ҳаво массаларининг кириб келиши ва Сибирь антициклонидан эсаётган шимоли-шарқий ҳаво массасининг туриб қолиши оқибатида ҳарорат соғиб кетиб, Когонда -25° га, Шофриконда эса -20° га тушади. Аксинча, ёзда қуёш нурининг тик тушиши оқибатида ҳаво қизиб, ҳарорат $+45^{\circ}$ га кўтарилади, бинобарин, мутлоқ йиллик ҳарорат амплитудаси 74° га боради.

Қуйи Зарафшон округида баҳорги охирги совуқ тушишининг ўртacha муддати $24 - 30$ марта, кузги биринчи совуқ тушишининг ўртacha муддати эса $22 - 25$ октябрь кунларига тўғри келади. Совуқ бўлмайдиган давр $204 - 214$ кун давом этади. Кузда биринчи совуқ тушишидан олдинги эффектив ҳароратнинг йиғиндиши $2640 - 2668^{\circ}$ га, вегетация давридаги ҳароратнинг йиғиндиши эса 5000° га этади.

Қуйи Зарафшон округида ёғинлар ҳудуд ва фасллар бўйича бир хил тақсимланган эмас. Бухоро ва Қорақўл дельтасига бир йилда $114 - 125$ мм ёғин тушса, атрофини ўраб олган қумли чўлларда $90 - 100$ мм ни ташкил қиласи. Энг кўп ёғин (йиллик ёғиннинг 90%) декабрь-май ойларига, энг кам ёғин (деярли ёғин) июль-сентябрь ойларига тўғри келади. Энг кўп ёғин март-апрель ойларида содир бўлади.

Ёғиннинг кўп қисми ёмғир тариқасида тушади. Бир йилда 30

кун ёмғир ёғса, қор баъзи йиллари деярли ёғмайди, баъзи йиллари 10 кун ёғади. Баъзан баҳорда ёмғир жала тариқасида тушиб, қишлоқ хўжалик экинларига заар келтиради, йўл, кўприк, суғориш шохобчаларини бузиб юборади.

Округ ҳудудида қор ҳар йили ёғса-да, узоқ турмай эриб кетади. Қор декабрь-февраль ойларида ёғиб, ўртача 3—5 кун, баъзан эса 10—13 кун эримай туради. Қор қоплами юпқа бўлиб, энг совуқ январь ойидагина қалинлиги 5 см га етади.

Қуйи Зарафшон округи ҳудудига ёзда шимоли-ғарбдан Қизилқум томондан қуруқ қизиган шамоллар эсиб, қумларни учирив, экинларга катта зарар келтиради. Бу шамол айниқса, Вобкент, Фиждувон, Бухоро каби туманларга катта таъсир этади. Шу сабабли бу ҳудудлардаги воҳани қум босишидан сақлаш ва ўша иссиқ ва қуруқ шамолларнинг йўлини тусиш учун ўрмон-иҳота минтақаси барпро этилган.

Қуйи Зарафшон округининг асосий сув манбаи Зарафшон ва Амударё ҳисобланади. Округ ҳудудига Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуий оқими қарайди. Бу қисмда Зарафшон дарёсининг суви 54 га яқин магистрал ариқлар (энг муҳимлари Конимех, Шофрикон, Вобкентдарё, Ромитон, Шахуд) орқали сугоришга сарфланаб, табиий ўзанидан фақат сизот сувлари оқади, холос.

Қадим Зарафшон дарёси Амударёга 20 км етмасдан Эшакчи ва Сандуқли қумликларида шимилиб кетар эди.

Зарафшон дарёси Бухоро дельтасида Вобкентдарё ва Қоракўл дарё деб номланиб икки тармоқга бўлинади. Вобкентдарё ғарбга қараб давом этиб, суви бутунлай сугоришга сарфланади. Қоракўлдарё Қоракўл шаҳари яқинида яна икки тармоқга ажралиб, чандагиси Тойқир, ўнгдагиси эса Сарибозор деб аталади. Тойқир ўзани Денгизқўлгача, Сарибозор ўзани эса Чигар кўлгача давом этади. Лекин ҳозир Зарафшон суви куплаб сугоришга сарфланishi туфайли Тойқир ва Сарибозор қуруқ ўзанларга айланиб қолган. Фақат баъзан Зарафшон дарёси серсув бўлган йиллардаги на улардан сув оқиши мумкин. Зарафшон дарёси муз-қорларнинг эришидан тўйинади.

Ҳазар йўлагидаги сув ўлчагич бекати маълумотига кура Зарафшон дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи секундига 116.1 m^3 ни, Қоракўлда 14.3 m^3 ни, тоғли қисмида (Дупули кўпригида) 155 m^3 ни ташкил этади. Куриниб турибдики, Қуйи Зарафшон округи ҳудудига келгунча Зарафшон дарёсининг сувини бир қисми Эски Тутяортар ариғи орқали Санзар ҳавzasигача, Эскианхор ариғи орқали Қашқадарё ҳавzasига оқизилса, бир қисми Самарқанд ботифида жойлашган экин далаларини сугоришга сарфланади.

Ҳазар сув ўлчагич бекати маълумотларига кура Зарафшон энг кўп сувини (йиллик оқимнинг 60% атрофидагисини) май-сен-тябрь ойларида, энг камини (15,4%) қишида оқизади.

Қуйи Зарафшон округидаги ерларни сугориш ишларини яхшилаш мақсадида Аму-Бухоро ариғи (узунлиги 268 км, йиллик сув сарфи секундига 235 m^3) орқали Амударё суви келтирилган.

Ариқ Амударә сувини Олат, Қоракүл ва Ҳамза насос станциялари ёрдамида 66 м.га күтариб беради. Аму-Бухоро ариғидан яна (узунлиги 40 км, сув сарфи секундига 42 м³) Аму-Қоракүл ариғи ажралиб, сунгра Қоракүлдарёга бориб туташади. Аму-Бухоро ариғи эса Шоҳруд ариғига ва Қўйимозор сув омборига туташиб кетади. Аму-Бухоро ариғи орқали Амударё суви Тўдакўлга ҳам етиб, уни сув билан таъминлаб туради.

Кўйи Зарабшон округидаги суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 60 дан ортиқ (энг муҳимлари Денгизкўл, Шўрариқ, Ёмонжар, Шимолий Бухоро, Махан каби зовурлар) зовурлар қазилган.

Кўйи Зарабшон округидаги ерларни суғориш учун йилига Зарабшон ва Амударёдан 4,3—4,5 км³ атрофида сув олинади. Ўша олинган 4,3—4,5 км³ сувнинг 0,86 км³ ёки 20—21% юқорида қайд қилинган зовурлар орқали суғориладиган миңтақадан ташқаридаги табиий чуқурликларга чиқариб ташланиши туфайли бир неча кўллар вужудга келган.

Кўйи Зарабшон округида эски ўзонларда вужудга келган Денгизкўл, Хожиакоб, Чуқуркўл, Сомонкўлдан ташқари зовур сувларини ташлаш туфайли Тўдакўл, Шўркўл, Каттакўл, Маханкўл, Қорақиркўл, Парсанкўл, Замонбобо каби кўллар ҳам вужудга келган. Бу кўлларда йилига 0,8—1,0 км³ зовур-дренаж шўр сувлари тўпланади. Бу зовур сувларининг бир қисми ҳозир Маханкўл зовури орқали Амударёга бориб қўйилмоқда. Юқорида қайд қилинган кўлларнинг энг каттаси Тўдакўл ҳисобланиб, у ҳозир сув омбори сифатида фойдаланилмоқда. Чунки унга Аму-Бухоро ариғи орқали Амударё суви келиб тўпланмоқда. Тўдакўл сув билан тўлса 1,0 км³ ни ташкил қиласди.

Кўйи Зарабшон округидаги кўллардан йилига 510 млн. м³ зовур сувлари буғланиб кетиб, кўлларда ҳар хил тузлар миқдори йил сайин ортиб бормоқда.

Кўйи Зарабшон округида Қўйимозор сув омбори жойлашган. Бу сув омбор Қўйимозор ботиғида бунёд этилиб, асосан Зарабшондан ҳамда Аму-Бухоро ариғи орқали Амударёдан сув олади. Сув омборининг майдони 6 км², энг чуқур ери 22,8 м, ўртача чуқурлиги 16,8 м, сув сифими 350 млн. м³.

Кўйи Зарабшон округида ер ости сувлари, хусусан грунт сувлари 1—60 м чуқурликларда жойлашган. Бу энг аввало округ рельефига, неоген ва тўртламчи давр ётқизиқларининг қалинлигига боғлиқ. Округнинг шарқий қисмida грунт сувлари 10 м чуқурликда жойлашиб, силжиши яхши, бинобарин, нисбатан чучук бўлиб, тупроқ ҳам шўрлашган эмас. Лекин жануби-ғарбга қатраб—Бухоро ва Қоракўл дельтаси томон грунт сувлари ер бетига яқин (2—3 м чуқурда) лашиб, шўрлиги ортиб, бир литр сувида 10 граммгача ҳар хил тузлар учрайди. Энг шўр грунт сувлари Бухоро-Қоракўл дельтасининг ички қисмидаги ботиқларда учраб, минераллашиш даражаси ҳар литр сувида 15 граммгача етади.

Қүйи Зарафшон округининг атрофини ўраб олган Саритош, Тошқудук, Денгизкўл, Қоракўл ва Газли платоларида грунт суви энг шур булиб, 60 м чуқурликда жойлашган. Бу ерларда грунт сувининг шур булиш сабаби таркибида туса сақловчи неоген ётқизикларининг мавжудлигидир.

Қүйи Зарафшон округига нисбатан чучук грунт сувлари Махандарё ва Гурдуш каби қуруқ үзанларда жойлашиб, чуқурлиги 3—10 м, шурлиги эса ҳар литрида 1—4 граммни ташкил этади.

Округда жойлашган грунт (сизот) сувлари асосан сугориладиган миңтақадан, ариқлардан, Зарафшон дарёсидан шимилиш ҳисобига ҳамда ёғинлардан тўйиниб туради. Маълумотларга кўра Бухоро-Қоракўл дельтасида ҳар йили 1 км³ грунт суви вужудга келиб, шунинг 77 фоизи буғланишга сарфланади. 9% зовурлар орқали сугориладиган миңтақадан чиқариб ташланади, 1% Зарафшон үзанига силжийди, қолган 13% эса дельта ва атрофидаги платолар томон тарқалиб кетади. Кўриниб турибдики, грунт сувининг асосий қисми буғланишга сарфланиб, ундан ҳар хил тузлар тупроқ таркибида тўпланиб, унинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштирмақда, бинобарин, Бухоро-Қоракўл дельтасида тупроқ шўрини қочириш учун қўшимча зовур-дренажлар қуришни, тупроқни ювиб туришини тақозо этади.

Қўйи Зарафшон округига яна юра, бур ва палеоген давр ётқизиклари орасида, босимли, минерал ер ости сувлари жойлашиб, Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасига киради. Округда қатламлар орасида босимли сувлар 1000—1500 м. чуқурликларда, асосан юра даври оҳактош ва қумтошлари орасида жойлашган булиб, минераллашган. Бундай ер ости сувлари Газли, Жарқоқ, Тошқудук каби жойларда бурғалаганда ўзи отилиб чиқиб, сарфи баъзи жойларда (Жарқоқ ва Газлида) секундига 20 литргача, минераллашиш даражаси 1—10 граммгача боради. Босимли минераллашган ер ости сувлари аксариятининг минераллашиш даражаси 2 г/л. га бориб, ундан шаҳар ва қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашда фойдаланилса бўлади.

Қўйи Зарафшон округига ер усти тузилиши, ётқизиклари, ер ости сувининг хусусиятлари каби табиий унсурлар таъсирида турли хил тупроқ турлари жойлашган. Округда энг кўп тарқалган тупроқ турлари сур-қўнғир, қумлоқ, тақир, шўрхок, ўтлоқ-тақир, сугориладиган ўтлоқ, сугориладиган ўтлоқ-аллювиал, ўтлоқ ва боткоқ тупроқлариридир.

Сур-қўнғир тупроқ турлари Бухоро-Қоракўл дельтасининг баъзи жойларида, дельтани ўраб олган Қизилтепа, Денгизкўл, Азкамар, Тошқудук, Қорақир, Қоракўл каби плато ва баландликларда жойлашиб, чиринди миқдори кам (0,5—0,7%), чиринди сақловчи қатлам юпқа (20—70 см), таркибида гипс, ҳар хил тузлар мавжуд.

Қўйи Зарафшон округининг четки қисмларида яъни Қизилқўм, Кимишк, Сандуқли, Эшакчи қумликларига туташган жойларида, дельтанинг ички қисмларидаги баъзи кичик ҳудудларда гил қум-

лоқ ва қумли тупроқлари кенг тарқалган. Бу тупроқ турларида чиринди жуда кам бўлиб, 0,3—0,4% ни ташкил этади.

Бухоро-Қоракўл дельтасининг четларида тақир тупроқлари учрайди. Шунингдек, тақир тупроқлар қадимий Дарясой ўзанида ҳам мавжуд бўлиб, таркибида гипснинг миқдори 7—9% га, гумус миқдори эса жуда кам бўлиб, 0,5% гача боради. Тақир тупроқлари шунингдек, қадимий сугорилган жойларда, хусусан Варахша харобасида ҳам учрайди.

Қуйи Зарафшон округининг деярли ҳамма қисмида шўрхоклар учрайди. Шўрхоклар айниқса Бухоро-Қоракўл дельтасининг пастқам, грунт (сизот) суви юза бўлган жойларида хусусан Шўркўл, Денгизкўл, Хожакоб, Тўдакўл ботиқларида, Гурдуш, Маханкўл, Тайқир қуруқ ўзанларида кенг тарқалган. Шўрхок тупроқлар шунингдек, сугориладиган минтақа ичидаги грунт суви юза, лекин зовур-дренажлар яхши ишламайдиган жойларда ҳам учрайди.

Қуйи Амударё округининг воҳа қисмида асосан сугориладиган ўтлоқ (ўтлоқ-воҳа), сугориладиган ўтлоқ-аллювиал тупроқлар жойлашган. Бу тупроқ турлари ишлов берилиши туфайли табиий хусусиятларини ўзгартириб, ўтлоқ воҳа тупроғига айланган. Бундай тупроқ турлари таркибида чиринди миқдори 1,5 дан 4—6% гача боради. Айниқса, сугориладиган ўтлоқ-соз тупроқ турнида гумус кўп бўлиб, 6% га етади.

Бухоро-Қоракўл дельтасида ўтлоқ ва ботқоқ тупроқ турлари грунт суви ер бетига яқин (0,5—1,0 м чуқурда) бўлган Зарафшон дарёси қайрида тор лента ҳосил қилиб жойлашган.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилингандардан маълумки, Қуйи Зарафшон округидаги сугориладиган тупроқлар ер ости сувларининг юзалиги, буғланишнинг катталиги туфайли у ёки бу дарожада шўрлашган бўлиб, ўз навбатида уларнинг мелиоратив ҳолатини доимо яхшилаб туришни талаб этади.

Қуйи Зарафшон округининг ўсимлиги ҳам табиат унсурларига (рельефи, иқлими, ер ости сувлари ва тупроқ қатлами хусусиятларига) боғлиқ ҳолда бир хил тарқалган эмас. Академик К. З. Закиров Зарафшон водийсининг бу қисми ўсимлик қопламини қўйидаги жамоаларга ажратган: қумли, гипсли, шўрхок ва тўқай.

Қумли чўллар воҳанинг атрофида жойлашиб, псаммофит ўсимлик турлари учрайди.

Оқ саксовул Қоракўл дельтасининг ғарбига, Сандуқли қумлигидаги мустаҳкамлашган марза ва дўнг қумликларда ўсади. Бундан ташқари бу ерларда жузғун, қуёнсуяқ, черказ, илоқ каби ўсимликлар ҳам учрайди.

Оқ ва қора саксовул Бухоро дельтасининг ғарбий қисмида учраб, оқ саксовул қумли ерларда, қора саксовул эса ботиқлардаги шўрхок тупроқли ерларда ўсади. Шунингдек, бу жойларда шувоқ, шуралар ҳам учрайди.

Жузғун жамоаси Бухоро воҳасининг ғарбий ва шарқий қисмидаги, Қоракўл воҳасининг жануби-шарқий қисмидаги кичик марза қумликларда жойлашган. Жузғун билан бирга яна қуёнсуяқ, селен, оқ шувоқ, илоқ каби ўсимликлар ҳам ўсади.

Черкез жамоаси Қоракұл дельтасининг жануби-шарқидаги Махандарә қуруқ үзанидаги кичик құм дүңгларида учраб, яна жузғун, қуёнсуяқ, әрқак селен: Махандарә үзанида эса жингил, бир ийллик шұралар үсади.

Қуёнсуяқ жамоаси Қоракұл воҳасининг жанубидаги ҳаракатдаги құмликларда учрайди. Бундан ташқари оқ саксовул, черкез, жузғун, әрқак селен, илоқ: кичик дүңг құмларда эса сингрен, партек үсади.

Округнинг гипсли чұларыда сингрен, партек, шувоқ, боялиш, кейреук, титр (ер тезак) каби үсимликлар формацияси учрайди.

Сингрен жамоаси Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий ҳамда жануби-ғарбий қисміда, Қоракұл воҳасининг шимоли-ғарбий қисмидаги сур-құнғир тупроқ турлари жойлашган ерларыда учрайди. Бу қисмда сингрендан ташқари яна шувоқ, партек, янтоқ үсади.

Партек жамоаси унча баланд бұлмаган тепаликларда тошлоқ-ли сур-құнғир тупроқлар тарқалған жойларда үсади.

Шувоқ жамоаси округда әнг күп тарқалған үсимлик тури булиб, асосан Бухоро-Қоракұл дельтасининг сур-құнғир тупроқ тарқалған қисміда учрайди. Шунингдек яна жузғун, партек, сингрен, оқ саксовул ҳам үсади.

Бухоро воҳасининг ғарбий қисміда боялиш жамоаси тарқалған. Бу қисмда боялишдан ташқари яна жузғун, партек, илоқ ҳам учрайди.

Бухоро воҳасининг қадимий аллюидал текислик қисміда, қадимий сугорилған тақирил тупроқлар тарқалған қисміда кейрек жамоаси тарқалиб, яна шувоқ, ертезак (титр), боялиш каби үсимликлар ҳам үсади.

Бухоро дельтасининг шұрлашган сур-құнғир тупроқлар тарқалған қисміда титр (ер тезак) тарқалған. Шунингдек, яна карабарак, бир ийллик шұралар, янтоқ, қора саксовул үсади.

Құйимозор сув омборининг шимоли-шарқий қисміда ва округнинг шұрхок жойларыда шұрхок чұлга мослашған үсимликлар — сарсазан, жингил, ермак кабилар үсади. Үтлоқ-шұрхок тупроқлар тарқалған жойларда ажриқ кенг тарқалған.

Зарафшон дарёсининг янги қайирида ва қуий қайирида, Махандарә, Тойқир, Сарибозор каби эски үзанларыда, құллар атрофларыда тұқай үсимликлар тури мавжуд. Тұқайларда турандыл, жијда, тол, лох, қамиш, чингил, янтоқ, юлғун каби үсимликлар үсади.

Қуий Зарафшон округининг воҳа қисміда сугорилиб, дәхқончилик қилинадиган катта қисміда табиий үсимликлар йүқ қилиниб, әкин далаларига айлантирилған.

Қуий Зарафшон ҳайвонлари чұлга хос бұлған вакиллар билан тавсифланиб, узоқ давом этган жазирама, қуруқ, серофтоб Ѽзға мослашған. Округда каламушлар, сичқонлар, құшоёқлар, илонлар, калтакесаклар, әчкемарлар ҳар қадамда учрайди. Шунингдек, тулки, бүри, бүрсик, жайрон, жайра, типратикон; тұқайларда чиябүри, тұнғиз, тұқай мушуги, қирғовул кабилар яшайды. Тұда-

күл, Құйимозор сув ҳавзаларида ва күлларда эса балиқлар, құшлар (ұрдак, ғоз) яшайды. Округнинг үзлаштирилмаган қисмидә ҳашаротлардан қорақүрт, фаланг кабилар ҳам учрайди.

Қүйи Зарафшон округи табиий ресурсларга бой ҳудуд ҳисобланиб газ, туз, ҳар хил қурилиш хом ашёлари конлари мавжуд. Айниңса, округ қулай иқлимий ресурсларга эга булиб, вегетация давридаги ҳарорати $+10^{\circ}$ дан юқори булган кунларидаги ҳароратнинг йиғиндиси 4600—5150 $^{\circ}$ га, совуқсиз кунлар уртача 212—214 кунга етади. Бундай иқлимий шароитда оддий, ҳатто ингичка толали пахта, ширин-шакар мевалар етказиш мүмкін.

Қүйи Зарафшон округида үтлоқ-воҳа тупроғининг мавжудлиги ундан дәхқончиликда кенг миқёсда фойдаланишга имкон беради.

Қүйи Зарафшон округи үз навбатида Бухоро-Қоракүл, Газли, Сандуқли табиий-географик районларига бўлинади.

I. Бухоро-Қоракүл табиий-географик райони Зарафшоннинг Бухоро-Қоракүл дельтасини ва унинг биринчи ҳамда иккинчи қайирларини үз ичига олади. Бу район ҳудуднинг кўп қисми сугорилиб, воҳага айлантирилганлиги туфайли округдаги ёзи энг салқин (июлнинг уртача ҳарорати $19,5^{\circ}$), қиши эса нисбатан илиқ (январнинг уртача ҳарорати $-0,5^{\circ}$) ҳудуди ҳисобланади. Вегетацияли қиши 50% га яқин, $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган даврдаги ҳароратнинг йиғиндиси 5150 $^{\circ}$ га етади.

Район таркибида қуйидаги ландшафтлар мавжуд.

1. Сугориладиган үтлоқ-аллювиал тупроқлар тарқалган ландшафт. Бу ландшафт Бухоро ва Қоракүл дельтасидаги сугориладиган ерларни үз ичига олади.

2. Тўқай ўсимликлари үсадиган үтлоқ-тақир тупроқли дельтатекисликли ландшафт. Бу ландшафт үз ичига Махандарё, Гуджайли үзанларини ва Қоракүл дельтасининг атрофидаги берк ботиқларини олади.

3. Чўл қум тупроқли жузғун ўсувчи эол жараёнларида үзгартирилган ландшафт. Бу ландшафт Бухоро-Қоракүл воҳаси орасидаги ва четларидаги қумликларни үз ичига олади.

4. Бухоро-Қоракүл дельтасининг кичик берк ботиқларини үз ичига оловучи бир йиллик шўралар ўсувчи шўрхок-ботқоқлик дельтатекисликлар ландшафти.

II. Газли табиий-географик райони округнинг жануби-ғарбий қисмидаги Зарафшоннинг қадимий аллювиал-аккумулятив текисликларини үз ичига олади. Район нисбатан совуқ қиши (январнинг уртача ҳарорати $-1,5^{\circ}$), лекин қуруқ, иссиқ (июлнинг уртача ҳарорати $+31^{\circ}$), ёз билан тавсифланади. Вегетацияли қиши эса 41% га боради. Ҳарорати $+10^{\circ}$ бўладиган даврдаги ҳароратнинг йиғиндиси 5130 $^{\circ}$ етади.

Районда қуйидаги ландшафт турлари мавжуд.

1. Шувоқ ўсувчи сур-қўнғир тупроқли, мезокайназой негизли

баландликлар ландшафти. Бу Газли кўтарили масини ўз ичига олади.

2. Шувоқ тарқалган, сур-қўнғир тупроқли, негизи плиоцен — эски тўртламчи давр жинсларидан иборат бўлган платоли ландшафт. Бу ландшафт асосан Қорақўл платосини ўз ичига олади.

3. Сингрен ўсувчи, чўл қумоқ тупроғи тарқалган дельта текисликлар ландшафти. Бу ландшафт асосан Қимирек қумлигини ўз ичига олади.

4. Жузғун ва оқ саксовул ўсувчи, чўл қумли тупроғи тарқалган, эол жараённида ўзгартирилган дельта текисликлар ландшафти.

5. Қўл атрофларида ва кичик ботиқлардаги шўрхокларда ўсувчи бир йиллик шўралар тарқалган дельта текислик шўрхоклар ландшафти.

III. Сандуқли табиий-географик райони.

Район округнинг жануби-шарқий ва шарқий қисми ва у ердаги Сеталитепа, Жарқоқ, Қоровулбозор, Денгизкўл каби платоларидни ҳамда Сандуқли қумлигининг бир қисмини олади.

Район Кўйи Зарафшон округидаги қиши илиқ (январнинг ўртача ҳарорати 0° дан юқори) бўлиб, вегетацияли қиш 70% га етади. Ёзи эса иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати $+30^{\circ}$) бўлиб, $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган даврдаги ҳароратнинг йифиндиси 5200° .

Район таркибида қуйидаги ландшафт турлари учрайди.

1. Сарисазанли шурхоклардан иборат, негизи мезокайназой жинслардан ташкил топган берк ботиқлар ландшафти. Бу ландшафт Денгизкўл ботифини, Қорақўл шаҳри шарқидаги ботиқни ўз ичига олади.

2. Оқ саксовул тарқалган эол қумли ландшафти.

Бу ландшафт дўнг ва бархан қумли жойларни (хусусан Сандуқли қумлигини) ўз ичига олади.

3. Сингрен ўсувчи, сур-қўнғир тупроқли, эол жараёнлар туфайли қайта ўзгарган плиоцен — эски тўртламчи давр платолар ландшафти. Бу ландшафтга Денгизкўл платоси ва унинг жанубидаги қумли ерлар киради.

4. Шувоқ тарқалган, сур-қўнғир тупроқли плиоцен — эски тўртламчи давр платолар ландшафти. Бу ландшафтга Қўйимозор ва Тудакўл шурхогининг шарқидаги платолар киради.

5. Шувоқ ўсувчи, сур-қўнғир тупроқли, негизи мезокайназой жинсларидан ташкил топган баландликлар ландшафти. Бу ландшафтга Когон кўтарили маси, Жарқоқ (узунлиги 12 км, кенглиги 3—4 км), Қоровулбозор (узунлиги 11 км, кенглиги 10 км), Саритош (узунлиги 11—12 км, кенглиги 6—7 км) платолари киради.

6. Суфориладиган тақир тупроқли дельта текислик маданий ландшафти.

Савол ва топшириқлар 1. «Узбекистон атласи» (1-жилди)дан фойдаланиб, Кўйи Зарафшон округи геологик тузилиши ва рельефи жиҳатидан Қизилқўм округидан фарқланишини тушунтириб беринг. 2. Нима сабабдан Кўйи Зарафшон

округида январнинг ўртача ҳарорати Самарқанд ботигига нисбатан пастроқ, ёзи эса иссиқ, ёни миқдори кам? 3. Нима сабабдан Зарафшон дарё сувлари ҳозир Қоракўл воҳасига деярли етиб бормаяпти? 4. Узбекистон атласидан фойдаланиб, Қуий Зарафшон округида кенг тарқалган тупроқ ва ўсимлик турларини аниқлаб, нима сабабдан тупроқ шўрлашганинги, ўсимликларнинг аксарияти галофитлар турига мансублигини тушунтириб беринг. 5. Округ ҳудудида қандай қуриқхоналар, буюртмалар ва парваришхона борлигини аниқлаб, ёзувсиз ҳаритага тушириб, уларнинг барпо этилиш сабабини гапириб беринг. 6. Бухоро-Қоракўл райони қандай табиий хусусиятлари жиҳатидан Сандукли районидан фарқ қиласи?

УЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒОЛДИ ВА ТОҒ ПРОВИНЦИЯЧАСИ

ТОШКЕНТ-МИРЗАЧУЛ ОҚРУГИ

Бу округ Сирдарё водийсининг ўрта қисми, Чирчиқ ҳамда Оҳангарон водийларининг қуий қисмидаги жойлашган бўлиб, Тошкент-Мирзачўл ботигини ўз ичига олади. Округ жануб томондан Нурота, Молгузар ва Туркистон тизмалари билан, шарқдан Мұғултоғ, Қурама тоғлари билан, шимоли-шарқдан Чотқол, Қоржантоғ тизмаларининг тоғ этаклари билан ўралган. Шимол ва ғарб томондан округнинг чегараси шартли равишда Узбекистоннинг Қозоғистон билан бўлган давлат чегараси орқали ўтади. Жануби-шарқда эса 8 км кенгликдаги Хўжанд дарвозаси орқали Фарғона водийсидан ажralиб туради.

Тошкент-Мирзачўл округи Сирдарёнинг ўрта қисмидаги қайирик ва кўхна қайирларни, Чирчиқ-Оҳангарон водийсининг қуий қисмларини ўз ичига олади. Қўшни Қизилқум округидан вужудга келиш тарихи, ер юзасининг тузилиши, иқлими, серсувлigi, унумдор аллювиал ва бўз тупроқларнинг мавжудлиги билан фарқ қиласи. Маъмурий жиҳатдан округ ҳудудида Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари жойлашган.

Тошкент-Мирзачўл округи геологик жиҳатдан Ғарбий Тяншань ва Туркистон мегоантиклинали орасидаги синклиналда жойлашиб, сўнгра Сирдарё ва унинг доимий ҳамда вақтли ирмоқлари келтирган жинслар билан тўлдирилган. Округ алъи тектоник жараёни таъсирида Ғарбий Тяншань тоғ тизимининг қайта кўтарилиши туфайли неогеннинг юқори (плиоценда) қисмida қуруқликка айланган. Фақат ҳозирги Мирзачўлнинг пастак ерларида саёз кўллар қолган, холос. Шу сабабли Мирзачўлнинг баъзи ерларида кўл ётқизиқлари ҳам учрайди.

Тошкент-Мирзачўл округи асосан аллювиал жинслардан ташкил топган, чунки Сирдарё Фарғона водийсидан чиқиб, тармоқларга бўлиниб, Мирзачўлда бир неча жойлардан оқкан. Шунинг учун ҳам Мирзачўлни Сирдарёнинг кўхна қайирида жойлашган деса ҳам бўлади. Бу ердаги Шўрӯзак, Сардоба, Қораўй, Ёғочота ва бошқа ботиқлар Сирдарёнинг ўша қадимий узанларидир.

Тошкент-Мирзачўл округи рельеф хусусиятларига кўра анча мураккаб бўлиб, Сирдарё водийсига томон пасая боради: Мирзачўл жанубий қисми (Ховос — Жиззах темир йўл яқинида) денгиз

сатхидан 373—385 м баланд бұлса, Гулистан шаҳри 276 м, Сирдарә шаҳри 240 м. баландлықтадыр. Шарқ ва шимоли-шарққа томон округнинг ер юзаси баландлаша боради: Чиноз 278 м, Янгийүл шаҳри 338 м, Бўзсууда Чирчиқ водийсининг мутлоқ баландлиги 473 м. Тошкент-Мирзачул округининг ҳозирги рельефини вужудга келишида дарёларнинг иши жуда катта: дарёлар 3 дан б тагача (Сирдарә Мирзачулда 3 та қайир, Чирчиқ дарёси Тошкент яқинида 5 та) қайирлар ҳосил қилиб, рельефини мураккабластириб юборган.

Округ, Далварзин чулининг рельефи асосан Сирдарёнинг ҳамда тоғлардан оқиб келадиган кичик дарёларнинг, сойларнинг ва вақтли сувларнинг иши туфайли вужудга келган булиб шағал, қум, гиллардан тузилган. Туркистан, Нурота, Мұғултоғ ва Қурама тоғларининг қуи қисмiga яқинлашган сари ёйилма конуслардан иборат бұлган рельеф шакллари тез-тез учрайди.

Тошкент-Мирзачул округининг рельефидаги яна бир үзига хос хусусият Сирдарә соҳилларида дарёга параллел ҳолда йұналған бүйлама берк ботиқларнинг булишидир. Бу ботиқлар Сирдарёнинг қадимги үзанлари булиб, ҳозир құруқ водийларга ёки шұрхок, ё ботқоқ ерларга айланған.

Тошкент-Мирзачул округида энг паст ерлар Сирдарә қайирларига тұғри келади (240—250 м).

Округнинг жуда катта қисмини Сирдарёнинг чап соҳилида, күхна қайрларда жойлашган Мирзачул текислиги әгаллайды. У ер юзаси тузилишига күра шимол, шимоли-тарбға нишаб булиб бир неча қолдиқ үзанлар (Ёғочота, Еттисой, Сардоба, Шұрұзак, Қорайв ва баш.) бор, улар орасида эса күтарилған ерлар мавжуд. Бу баланд ерларни Боевут, Мирзаобод, Мирзачул, Ерижар масивлари деб юритилади. Боевут массиви Сирдарә билан Еттисой ботиғи орасида, Мирзаобод Ёғочота билан Сардоба ботиғи орасида, Ерижар эса Шұрұзак ботиғи билан Сирдарә орасида жойлашган. Бу массивлар нисбатан баланд бұлганидан ер ости сувлари чуқурда, тупроғи яхши, Мирзачулда үзлаштирилған ва үзлаштираётган ерлар асосан ұша массивларга тұғри келади.

Еттисой-Ёғочота қадимий үзани жануби-шарқда Ховос районидан бошланиб, шимоли-тарбға томон давом этади ва Арнасой ботиғига туташади. Арнасой шимолга Сирдарёгача боради ва Мирзачулни Қизилқұмдан ажратиб туради. Мирзачулнинг жанубий қисми эса Туркистан-Нурота тоғлари томон баландлашиб, тоғ олди текислигига айланади.

Округнинг иқлими континентал, қиши совук, ёз иссиқ ва құруқ бұлади. Округнинг шимоли-тарбий қисми очиқ бұлганидан Арктика ҳаво массаси бемалол кириб келади ва натижада қиши ойларида ҳарорат пасайиб кетади. Округда январь ойининг ўртаса ҳарорати $-1 -3^{\circ}\text{C}$ бұлади. Округнинг жанубий қисми қуёшдан күп роқ иссиқлик ва ёруғлик олади, ҳар бир сантиметр ерга қуёшдан 135 катта калория иссиқлик тушади. Шунинг учун ёз ойлари жуда исиб кетади. Вегетация даврида ҳароратларнинг ыйғиндиси

4300—5000°C га етиб, пахта каби иссиқсевар ўсимликларнинг ўсиши учун имкон туғилади. Июль ойининг ўртача ҳарорати 27—29°C, ҳароратларнинг йиллик ўртача амплитудаси 30°C га етади.

Округда қиши фаслида баъзан ҳарорат пасайиб, энг паст дараҷа —28°—35°C га тушади, ёзда эса энг юқори дараҷа 41—47°C га етади. Округда 38—55 кун давомида ҳарорат 0°дан паст булади, 261—272 кун давомида ҳарорат 5° дан юқори бўлади.

Тошкент-Мирзачўл округида баҳорги охирги совуқ тушишининг ўртача муддати март ойининг охирларигача (21—30 марта-ларгача), кузги биринчи совуқ тушишининг ўртача муддати эса октябрнинг охирларига (20—29 октябрларга) тұғри келади. Бино-барин, совуқ бўлмайдиган даврнинг ўртача муддати 203—230 кунни ташкил этиб, ўша вақтдаги эффектив ҳароратнинг йифиндиси 2200—2700°C га етади. Ёғинлар округ ҳудуди бўйича нотекис тақсимланган. Энг кам ёғин округнинг жануби-ғарбий қисмига тұғри келиб, йиллик миқдори 250—300 мм ни ташкил этади. Ёғин миқдори округнинг шимоли-шарқий томонига ортиб бориб, 300—400 мм га етади. Бунга асосий сабаб ўша йўналиш бўйича рельефнинг баландлашиши натижасида ҳароратнинг пасайишидир. Ёғинлар йил фасллари бўйича ҳам бир хил тақсимланган эмас. Агар йиллик ёғин миқдорини 100% десак, ўшанинг 41—42% баҳорга, 21—35% қишига, 18—28% кузга, 6—12% ёзга тұғри келади. Ойлар ичидаги энг күп ёғин март-апрель ойларига тұғри келиб 81—130 мм ни ташкил қиласи. Ёғиннинг бир қисми қаттиқ ҳолда ёғиб, қор 26 кундан 41 кунгача туриши мумкин.

Тошкент-Мирзачўл округида йил бўйи асосан шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий томондан шамол эсиб туради. Шамолнинг ўртача тезлиги округ бўйича секундига 1,5—4,2 м га етади. Округнинг жануби-шарқида (Ховос яқинида) баҳор ва қиши фаслларида Фарғона водийси томонидан анча кучли шамол эсади. Баъзан бу шамолнинг тезлиги секундига 40 м га етади.

Округ ҳудудидан Сирдарёнинг ўрта оқими, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг қуий қисмлари оқиб ўтади. Бу қисмда Сирдарё секин оқиб баъзи ерларда қирғоқлари тик бўлиб, 15, 16 метрли жарликлар ҳосил қиласи, анча серсув бўлади (Бекобод яқинида), ўртача йиллик сув сарфи секундига 568 м³ ни, Чирчиқ дарёсининг қуяр ерида (Кўкбулоқ ёнида) 724 м³ ни ташкил этади. Сирдарёнинг суви апрель-июнь ойларида купайиб, максимал сув сарфи Бекобод ёнида секундига 2500 м³ га етади.

Сирдарёнинг ўртача лойқалиги ҳар кубометрда 2,17 кг бўлиб, лойқалиги сув кўпайган даврда (апрель-июнда) ортади ва йиллик оқизиқларнинг 72,3 фоизини оқизади, аксинча суви қишида тиник бўлади.

Сирдарё округ ҳудудида ноябрнинг ўрталаридан музлаб, март ойининг ўрталарида муздан ҳоли бўлади.

Тошкент-Мирзачўл округидаги Сирдарёнинг энг катта ирмоғи Чирчиқ дарёсидир. У қор-музларнинг эришидан тўйиниб, ўртача йиллик сув сарфи секундига 224 м³. Тўлин сув даври март-июнь

ойларига тұғри келиб йиллик оқимининг 52,4 фоизини оқизади. Чунки бу даврда қорлар ва умумий майдони 173 км² булган 222 та кичик музликлар эрийди. Аксинча, әнг кам суви декабрь ойынша тұғри келади.

Чирчиқ дарёсінің түйинтириб туришда Чотқол ва Писком ирмоқтарининг салмоғи каттадыр. Чунки Чирчиқ дарёсі йиллик оқимининг 55% Чотқол ирмоғи ҳиссасига, 36% Писком ҳиссасига ва 9% Угом дарёсі зиммасига тұғри келади.

Оҳангарон дарёсі мавсумий қорларнинг эриши ва ёмғир сувларидан түйинади. Шу туфайли йиллик оқимининг 75—80% март-май ойларига тұғри келади. Оҳангарон дарёсидаги тошқын сувларни тұплаб қолиш учун унинг қуи қисміда сув сиғими 250 млн. м³ келадиган Тошкент сув омбори қурилған.

Округнинг жанубий қисмидаги Туркистан-Нурота тоғларининг шимолий ёнбағридан бир неча сойлар бошланади. Лекин бу сой сувларининг күп қисми баҳорда оқиб, ёзда қуриб қолиши ёки суғоришига сарфланиши туфайли Мирзачұлга етиб келмайды. Фақат Зоминсув ва Санғзор дарёларигина округ ҳудудига етиб келади. Лекин бу дарёлар суви баҳорда ва ёз бошланиши билан күпайиб, ёзниң иссиқ даврида камайиб қолади. Шу сабабли баҳорги тошқын сувларни тұплаб қолиш мақсадида Санғзор водийсіда сув сиғими 90 млн. м³ бўлган Жиззах сув омбори қурилған.

Тошкент-Мирзачұл округида күллар күп әмас, фақат округнинг ғарбий қисмидаги шүрхок, ботқоқлашган ботиқлар үрнида зовур (дренаж)лар ҳамда ташландық сувларнинг тұпланишидан вужудта келган Айдар-Тузкон-Арнасой күллар тизими вужудда келган. Уларнинг умумий майдони 1678 км² бўлиб, 11,8 км³ сув тұпланды. Күлларга ҳар йили зовурлар орқали Мирзачұлнинг сугориладиган ерларидан 1,0—1,1 км³, ёғинлардан 0,3—0,4 км³ сув келади, буғланишга эса, аксинча 2,5—2,9 км³ сув сарфланади. Бунинг нағтиласида күлларнинг кирими харажатига нисбатан кам бўлиб майдони қисқармоқда.

Күллар суви шұр, вегетация даврида ҳар бир литр сувда 1,5—5 г, кузда эса 11—16 г гача туз бўлади. Күлларни балиқчиликдаги аҳамияти катта.

Тошкент-Мирзачұл округи грунт сувларга бой. Лекин уларнинг чуқурлиги ҳамма ерда бир хил әмас: Мирзачұлда грунт суви ер бетига яқин бўлиб, 2—10 м дан, шимоли-шарқда анча чуқурдан — 30—40 м дан ва ҳатто 200—300 м дан чиқади. Ер бетига яқин бўлган грунт сувлари шұр бўлиб, ичишга ярамайды. Олимларнинг фикрига қараганда, Мирзачұлда 200—300 м чуқурликда чучук сувли қатлам жойлашган бўлиб, Чирчиқ-Оҳангарон районидаги аллювиал-шағал жинслари орасида учрайдиган грунт сувининг давомидир. Кейинги пайтларда Тошкент-Мирзачұл ботифида палеозой ётқизиклари орасида 1500—3000 м чуқурликда жуда катта минерал термик сув қавати борлиги аниқланды. Бу термик сув майдони 2000—95000 км² бўлиб, унинг чегараси таҳминан округ чегарасига тұғри келади. Ҳозир бу минерал сувдан бир қанча ер-

ларда (Тошкент шаҳрида, Каласда ва бошқа жойларда) фойдаланилмоқда ва у «Тошкент минерал суви» номи билан машҳурдир.

Тошкент-Мирзачұл округи чүл зонасида жойлашғанлигидан тупроғи бұз тупроқдир. Лекин گрунт суви яқын бұлган Сирдарә, Чирчиқ, Оҳангарон дарёларининг қуи қайирларида чириндиси кам аллювиал ұтлоқ-тупроқ тарқалған. Тошкент-Мирзачұл-Оҳангарон воҳаларида эса таркибиде 1—2% чириндиси бор маданий бұз тупроқ учрайди. Ләсс жинслар тарқалған (300—500 м гача бұлған) ерларда оч бұз тупроқ ҳосил бұлған. Оч бұз тупроқ таркибиде чиринди кам (1—1,5%). Мирзачұлда оч бұз тупроқлар орасида گрунт суви ер бетига яқын ва рельефи үнча қия бұлмаган қисмларида шуртоб, шурхок тупроқлар ҳам тез-тез учраб туради.

Тошкент-Мирзачұл округининг ўсимлик қоплами жойнинг рельефи, иқлими, گрунт сувининг хусусияти ва тупроқ таркибига қараб турли жойда турличадир. Рельефи паст, گрунт суви сероб бұлған ерларда — Сирдарә ва унинг Чирчиқ, Оҳангарон ирмоқларининг қайирларида ҳамда эски биринчи қайирларда тұқайлар күп учрайди. Бундай ерларда турғанғил, терак, жийда, тол, юлғун, қамыш, янтоқ ва бошқа ўсимликлар үсади.

Округнинг суғориб деңқончилик қиладиган воҳаларида табиий ўсимликлар кишиларнинг хұжалик фаолияти натижасида анча сийраклашиб қолған. Шундай бұлса-да, ҳайдалмай қолған ерларда табиий ўсимликларни учратиш мүмкін. Баҳорда бу районлар күмкүк ұтлар билан қолланади: күпроқ ранг (қорабош), шайтонковуш, лола, лолақизғалдоқ ўсіб, ёзда қуриб қолади. Сүнгра янтоқ, шувоқ; буталардан жийда, дараҳтлардан оқ акация, чинор, сада ва бошқа ўсимликлар ҳам учрайди. Округнинг Мирзачұл қисмидаги шурхок ерларда ўсимликлардан кейровук, татир, терескан, бурған, шұражриқ, сарсазон, шохилак, юлғун ва бошқалар үсади.

Тошкент-Мирзачұл округида табиий шароитнинг үзгаришига қараб турли жойда турлича ҳайвонлар: тұқайзорларда (Сирдарә, Чирчиқ ва Оҳангарон қайирларида) тұқай мушуги, ёввойи чүчқа, чиябұри, ўрдак, ғоз, қирғовул, қуён, сув каламуши, сичқон, лойхұрак, бақа, сувилонлар яшайди. Округнинг қолған ерлариде эса тулки, бури, бұрсық, күрсичқон, калтакесак, илон, сұфитүрғай, тувалоқ, чумчук, Мирзачұлда қүшөдек, юмронқозық, құмсичқон, жайрон, тошбақа, чаен, фаланг ва бошқа ҳайвонлар бор.

Кейинги йилларда Чирчиқ дарёсининг қуи қисмida (Чиноз яқинида) ондатра ҳам урчитилмоқда. Қимматбаҳо мүйнали бу ҳайвон жуда тез күпаяди.

Тошкент-Мирзачұл округи табиий ресурсларидан энг муҳимлари — кенг майдонни әгаллаган бұз тупроқли унумдор ерлари: пахтачилик учун зарур бұлған иссиқ — қуёшли ва қуруқ давомли ёзи; ичиш ва суғорищ учун яроқли ер ости ҳамда даволаниш учун зарур бұлған минерал-термик сувлари; туз олиш ва даволаниш учун муҳим аҳамияттаға эга бұлған шүр күллардир.

Тошкент-Мирзачұл округи ўз навбатида Фориш-Жиззах, Мирзачұл, Чирчиқ-Оҳангарон табиий-географик районларига бўлиниди.

I Фориш-Жиззах табиий-географик райони ўз ичига Фориш-Жиззах чүлларини ва тоғ олд пролювиал текисликларини олиб, жанубда Нурота-Қўйтош тизмаларининг тоғ олди текисликлари (Туркистан-Нурота округи) билан, шарқда Қизилқум округи билан, шимолда ва шарқда Мирзачўл райони билан чегараланади.

Район рельефга кура паст-баландликлардан иборат бўлган аллювиал-пролювиал текислик ҳисобланиб, жанубдан шимолга қараб пасайиб боради. Уни Нурота-Қўйтош тоғларидан бошланувчи Темирбулоқ, Каттаич, Соп, Сентоб, Мажрум, Ухум, Ҳаёт, Фориш, Янгиқишлоқ каби сойларнинг келтирма-ёйилмалари қоплаб олиб, рельефни анча мураккаблаштирган.

Иқлими хусусиятларига кура қиши унча совуқ (январнинг ўртacha ҳарорати -1° атрофида) бўлмасдан вегетацияли қиши 45% атрофида, ёз эса иссиқ (июлнинг ўртacha ҳарорат $+27,8^{\circ}$ $+28,5^{\circ}$) ва қуруқ, $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган кунлардаги ҳароратнинг йигиндиси 4700° атрофида.

Районда асосан бўз тупроқ тарқалган, қисман эса мустаҳкамланган ва ярим мустаҳкамланган қумликлардан иборат, бинобарин уларда асосан эфемер, шувоқ, қисман эса жузғун, саксовул каби ўсимликлар ўсади.

Район қуийдаги ландшафтларга бўлиниади.

1. Айдар ва Тузкон кўллари жанубида жойлашган асосан саксовул ва жузғун ўсувчи, мустаҳкамланган ва чала (ярим) мустаҳкамланган қумликлар ландшафти.

2. Шувоқ, қорабош ва қўнғирбоз ўсимликлари ўсувчи, шағалқум негизига эга бўлган, оч бўз тупроқли тоғ олди пролювиал текисликлари ландшафти.

3. Эфемер ўсимликлари ва шувоқ ўсувчи, чақиртошли оч бўз тупроқ тарқалган тоғ олди текисликлар ландшафти.

4. Молгузор тоғининг шимолида жойлашган эфемер ўсимликлари ўсувчи оч бўз тупроқ тарқалган лёссли тоғ олди текисликлар ландшафти.

5. Районнинг ўзлаштирилган қисмларини ўз ичига оловчи мадданий ландшафт.

II. Мирзачўл табиий-географик райони ўз ичига шу ном билан аталувчи ҳудудларни олиб, шарқда Сирдарё билан, жануби-шарқдан Туркистан-Нурота округи билан, жануби-ғарбда Фориш-Жиззах райони билан, ғарбда Қизилқум округи билан, шимолда эса Қозогистон билан чегараланади.

Район асосан Сирдарё қайирларида жойлашиб, уни Туркистан тоғларидан бошланувчи сойларнинг келтирма-ёйилмалари қоплаб олган. Шунингдек, районда шўрхок, кўл ботиқлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳимлари Шўрӯзак, Етисой, Сордoba ва бошқалар.

Район қуидаги ландшафттарга булинади.

1. Тузкон ва Арнасой күлларининг шарқий қисмida жойлашган қамишзорлардан иборат бўлган ўтлоқ-ботқоқ ва боқтоқ-шўрхок тупроқлар тарқалган пролювиал-аллювиал текисликлар ландшафти.

2. Мирзачўлнинг ўзлаштирилган маданий ландшафтининг ғарбида ва шимоли-ғарбида жойлашган ялтирибаш, қўнғирбаш ва боялич ўсувчи кам шўрланган оч бўз тупроқли, пролювиал-аллювиал текисликлар ландшафти.

3. Шўрӯзак, Еттисой ва Сардоба каби ботиқларида жойлашган, бир йиллик шўралар ўсувчи, шўрхокли дельта текисликлари ландшафти.

4. Мирзачўлнинг жануби-шарқий қисмida жойлашган ялтирибаш, қўнғирбаш ва шувоқ ўсувчи, бўз тупроқли пролювиал-аллювиал текисликлар ландшафти.

5. Районнинг ўзлаштирилган қисмидаги маданий ландшафт.

III. Чирчиқ-Оҳангарон табиий-географик райони Чирчиқ водийсини Фазалкент шаҳридан қуий қисмини, Оҳангарон водийсини эса Оҳангарон шаҳридан қуий қисмини ўз ичига олади.

Район шимоли-шарқдан, шарқдан Ғарбий Тяншань округи билан, жануб ва жануби-ғарбдан Мирзачўл райони билан, шимоли-ғарбда Қозогистон билан чегараланади.

Район Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг янги ва эски эрозион-аккумулятив қайирларини ўз ичига олиб, уни жуда кўп сойлар ва вақтли сувлар кесиб, рельефини анча мураккаблаштириб юборган. Шунингдек, районга Ғарбий Тяншань тизимиға кирувчи тоғларнинг тоғ олди аллювиал-пролювиал текисликлари ҳам киради.

Район иқлимий хусусиятлари жиҳатидан Мирзачўл районига нисбатан иликроқ қиши (январнинг ўртacha ҳарорати $-0,9 -1,5^{\circ}$ атрофида) ва салқинроқ ёз (июлнинг ўртacha ҳарорати $26,7 - 27,8^{\circ}$ атрофида) билан тавсифланиб, ёғин миқдори кўпроқ (йиллик ёғин миқдори 360—400 мм атрофида).

Район бўз тупроқли минтақада жойлашиб, асосан эфемер, эфемероид ва бошоқли ўсимликлар ўсади.

Чирчиқ-Оҳангарон табиий-географик райони қуидаги ландшафтларга булинади.

1. Сирдарёнинг ўнг қирғонидаги қайирларида жойлашган, қуриган кўллар ботиги ҳисобланган шўрхоклардан иборат булиб, бир йиллик шўралар ўсувчи дельта текисликлар ландшафти.

2. Қўнғирбаш ва қорашиб ўсувчи, шағалли оч бўз тупроқли, парчаланган тоғ олди текисликлар ландшафти. Бу ландшафт Қурама ва Мұғултоғларнинг ғарбий ёнбағрининг қуий қисмидаги текисликларни ўз ичига олади.

3. Чирчиқ водийсининг ўнг томонидан жойлашган эфемер ва буғдайиқ ўсувчи, бўз тупроқли лёссли тоғ олди текисликлар ландшафти.

4. Эфемер ва буғдайиқ ўсувчи, бўз тупроқли лёсс кенг тарқал-

ган ўр-қирдан иборат бўлган тоғ олди текисликлар ландшафти. Бу ландшафт ўз ичига Оҳангарон-Чирчиқ водийларининг қўйи қисмидаги тоғ олди текисликлари, хусусан Тошкент-Олмалиқ автомобиль йўлининг атрофидаги ўзлаштирилмаган ҳудудларни олади.

5. Чирчиқ ва Оҳангарон дарё водийларида жойлашган қамиш ва тўқай ўсимликлар ўсувчи ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқли янги қайирлар ландшафти.

6. Районнинг асосий қисмини ишғол қилган, хўжаликда ўзлаштирилган маданий ландшафт.

Савол ва топшириқлар 1. Ўзбекистон атласидан фойдаланиб округ географик ўрнини билib олинг, чегараларини аниқланг. 2. Округт геологик тузилиши жиҳатидан Фарғона округидан қандай фарқ қиласди? 3. Округ ер усти тузилишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? 4. Қандай омиллар таъсирида округда қиши нисбатан совуқ, ёз иссиқ ва қуруқ булади? 5. Нима учун округда энг кўп ёғин баҳор фаслига туғри келиб, ёзда деярли ёғмайди? 6. Чирчиқ дарё сувининг лойқалити апрель-июнь ойлари ортиб, қишида тиниқ булади, сабабини тушунтириб беринг. 7. Харитадан округдаги энг катта кулларни топиб, улар қандай йўуллар билан вужудга келганлигини, нима учун суви шур эканлигини тушунтириб беринг. 8. Нима учун округ ҳудудидаги Мирзачўл ва Жиззах чўл қисмida тупроқлар нисбатан шурлашган, ўсимликлар сийрак ўсиб, кўпроқ галофитлар турига мансуб?

ФАРГОНА ОҚРУГИ

Фарғона табиий географик округи Ўзбекистоннинг энг шарқида, Тяншань ва Олой тоғ тизимлари орасидаги Фарғона водийсида жойлашган. Бу округнинг атрофи тоғлар билан ўралган.

Фарғона округини жанубдан Туркистон ва Олой, шарқдан Фарғона ва Отуйноқ, шимолдан Чотқол, шимоли-ғарбдан эса Қурама ва Қорамозор тоғ тизмалари, ғарбдан Муғултоғ ўраб туради.Faқат ғарб томондан округ торгина (8—9 км) «Фарғона» ёки «Хўжанд» дарвозаси орқали Далварзин ва Мирзачўл текисликлари билан туташиб кетади.

Фарғона водийсининг узунлиги ғарбдан шарққа 370 км, ўртача кенглиги 80—100 км, энг кенг жойи эса шарқий қисмida бўлиб, 150 км га етади. Фарғона водийси бодом шаклига ўхшайди.

Маъмурий жиҳатдан Фарғона водийсида Ўзбекистоннинг Андижон, Наманганд, Фарғона вилоятлари, Қирғизистоннинг Уш вилоятининг бир қисми ва Тожикистоннинг Хўжанд вилоятининг бир қисми жойлашган.

Фарғона водийсининг текислик қисми Фарғона ботифи дейилади, унинг атрофини геологик хусусиятлари ва рельефи жиҳатидан бир-биридан фарқланадиган адир ва тоғлар ўраб туради. Биз Фарғона округи деганда водийнинг Ўзбекистонга қарайдиган қисмими тушунамиз ва чегарани шартли равишда республиканинг давлат чегараси орқали ўтказамиш.

Фарғона округи тектоник ботиқдан иборат бўлиб, асосан про-лювиал-аллювиал жинслар билан тўлгандир. Округнинг атрофини

эса ёш (антропоген), бурмалардан иборат минтақа ураб олган. Бу ёш структураны «адир» ёки «адир оурмаси» деб юритадилар (30°°-расмлар). Фарғона ботифи эса ёш чүкінди жинслардан иборат булиб, неоген даврининг охири ва қуи антропоген даврида денгиздан бушаган. Лекин водийда қуруқлик ҳамма ерда бир вақтда пайдо бўлмаган. Фарғона округини ўраб турган тоғларда куруқликнинг пайдо булиш жараёни палеозой эрасидан бошланса, адирлар қисмида мезозой эрасидан бошланган. Антропоген даврда эса водийнинг текислик қисми қуруқликка айланган. Шу сабабли адирлар заминида бур давр жинслари учраса, водийнинг марказий қисмида ёки Фарғона округида асосан аллювиал-пролювиал, кўлботқоқлик ётқизиқлари — қум, гил, қумоқ ва қум тошлар асосий уринни эгаллади.

Фарғона округи қуруқликка айлангач, атрофидаги тоғлардан бошланадиган дарёлар текисликка оқиб чиқиб, узи билан олиб келган жинсларни ётқизиб, тош-шағаллардан ташкил топган бир қанча ёйилма конуслар ҳосил қилинган. Бунга Исфара, Сўх, Искайрамсой, Оқбура, Шоҳимардон каби дарё ва сойларнинг қуяр жойларидаги ёйилма конуслар яққол мисол бўлади. Округнинг чекка қисмларидағи дарёлар келтирган шағал-тошлардан ташкил топган ётқизиқлари вақт ўтиши билан конгломератларни ҳосил қилган. Сўнгра унинг устини лёсс жинслари қоплаб олган. Бу юмшоқ лёссимон жинслар оқар ва вақтли сувлар таъсирида ювилган, водий атрофидаги баландликларни бўлакларга булиб юборган.

Фарғона округида денгиз суви чекингандан сўнг унинг марказий қисмларида бир неча саёз кўллар ва ботқоқликлар қолган. Сўнгра улар заминида оз миқдорда бўлса-да, кўл ва ботқоқ ётқизиқлари вужудга келган.

Фарғона округининг атрофида тўпланган ер ости суви рельефнинг нишаб томонига, яъни Фарғона водийсининг марказий қисмига тухтовсиз ҳаракат қила бошлаган. Натижада Марказий Фарғона тўпланган ер ости сувлари секин-аста юзага сизиб чиқа бошлаган ва шурхок, ботқоқ ерларни ҳосил қилган.

Қуруқ иссиқ иқлим шароитида буғланиш кўп булиб, сув таркибидаги тузлар юзада чўкиб қолган ва катта майдондаги ерлар шўрланган.

Фарғона водийси қуруқликка айлангач, шағал, қум, лой ва лёссимон жинслардан иборат бўлган пролювиал-аллювиал ётқизиқлар шамол таъсирида тўзиб, кўчма қумлар ҳосил бўлган.

Фарғона округида мезозой эрасида саёз денгиз суви ва ботқоқликлар мавжуд булиб, атрофида қалин ўрмонлар усган. Сўнгра бу ўсимликлар қолдиқлари асосида кумир қатламлари вужудга келган, палеоген давридаги сув ҳавзаларида яшаган ҳайвон организмларининг қолдиқлари асосида нефть, газ вужудга келган. Шунингдек, чўкінди жинслар билан боғлиқ ҳолда бу округда олтингугурт, тоғ муми ҳам пайдо бўлган.

Фарғона округи марказий қисмига томон пасая боради, округни ўраб олган адирларнинг баландлиги 600—1200 м бўлса, Исфа-

ра дарёсининг ёйилма конуси 540 м, Андижон шаҳри 496 м ва Наманган шаҳри 449 метрdir. Водий шарқдан ғарбга томон нишабdir: шарқда, Учқурғон қишлоғи яқинидаги 500 м бўлса, Балиқчи қишлоғи (Норин билан Қорадарё қўшилган ер)да 393 м., Хўжандда (округдан ташқарида) бор-йўғи 320 м.

Округнинг марказий пасттекислик қисмida чул ландшафти ҳукмрон, баъзан қум массивлари ва барханлар ҳам учрайди. Энг катта қум массивлари Қўқон-Марғилон темир йўлиниң шимолий қисмida, Қорақалпоқ, Ёзёвон чўллари номи билан машҳурdir. Бу ерларда кўчма қумлар ҳам бор. Бундай қумликлар Сирдарёнинг чап томонида Қўқон-Наманган темир йўлиниң ғарбида ҳам учрайди. Қумли ерлар Сирдарёнинг ўнг томонида кам бўлиб, фаяқат Қайроққумда учрайди. Бу қумликлар шимолда Оқбел ва Оқча тоғлари билан жанубда Сирдарё орасида жойлашгандir.

Округда типик барханлар жуда кам. Ўсимликлар билан мустаҳкамланган дўнг қумлар асосий ўрин тутади. Дўнг қумлар Қорақалпоқ чўлида айниқса кўп. Бу ерда қум дўнгликларининг баландликлари 5—8 м, баъзан 15 м га етади. Дўнглар орасида эса шўрҳоклар, ботқоқли ерлар учрайди. Марказий Фарғонада ғарбдан эсувчи кучли шамоллар таъсирида тўзиб юрадиган қумлар ҳам учраб туради.

Сўнгги йилларда Марказий Фарғонанинг тезкорлик билан ўзлаштирилиши натижасида қумли ерлар майдони қисқариб бормоқда. Бу ердаги гил тупроқли ерлар ўзлаштирилмоқда. Тўзима қумлар мустаҳкамланиб, қумларнинг кўчиши тўхтатилади. Мавжуд кўчма қумлар усти юлғун, черказ, саксовул ўсимликлари билан мустаҳкамланган.

Марказий Фарғонанинг табиий ландшафти одамларнинг хўжалик фаолияти туфайли бугунги кунда бутунлай ўзгартирилди. Рельеф паст-баланд бўлган ерлар текисланди, канал ва ариқлар қазилиб, сув келтирилди. Натижада илгариги қумли чўллар ўрнида ҳозир пахта далалари, боғлар, полизлар барпо этилди.

Фарғона округининг иқлими қуруқ, давомли, ёзи иссиқ, қиши мўътадил, шу кенгликда жойлашган қўшни Тошкент-Мирзачул округидан бироз фарқ қиласи: округнинг атрофини ўраб олган тоғлардан эсадиган совуқ ҳаво қишида Фарғона ботифининг марказий қисмida тўпланиб қолади, натижада январнинг ўртача ҳарорати -3°C бўлади.

Баъзи йиллари шимол ва шимоли-шарқдан совуқ ҳаво массаси эсиб, тоғлардан ошиб ўтади ва округ ҳароратини жуда пасайтириб юборади. Ана шундай пайтларда энг паст ҳарорат -30 , -31°C га тушади. Аммо қиши фаслида совуқлар билан бирга, баъзан $+15^{\circ}\text{C}$ иссиқ кунлар ҳам бўлиб туради.

Фарғона округида баҳор қисқа бўлиб, об-ҳаво тез-тез ўзгариб, тоғ иссиқ, тоғ совиб кетади. Ҳарорат баъзан апрель ойларида $+27$, $+36^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилса, баъзан -3 , -5°C гача пасайиб кетиши мумкин. Баҳорда об-ҳавонинг бундай тез-тез ўзгариб туриши эрта гуллайдиган ўсимликларга салбий таъсир этади. Баҳорда охир-

ги совуқ тушадиган кунлар 1 апрелгача (Қувада) давом этади. Округда баҳорнинг охирларида кучли шамоллар эсиб, жала тарзиди ёмғирлар ва ҳатто, дўл ҳам ёғиб, экинларга ва меваларга зарар етказади. Тоғ ва адирларга ёқсан жалалар туфайли селлар ҳам вужудга келиб, халқ хўжалигига зарар келтиради. Шу сабабли ҳозир селга қарши курашиш учун вужудга келиши мумкин бўлган сойлар тўсилиб, кичик сув омборлари ва ҳовузлар қурилмоқда, тоғ ёнбағирларида зинапоясимон иҳота ўрмонзорлари ташкил этилмоқда.

Май ойининг иккинчи ярмидан бошлаб ҳаво исиб кетади, ёғин миқдори кескин камаяди, ҳақиқий иссиқ, қуруқ ёз фасли бошланади. Фарғона округида ёз иссиқ (июннинг уртacha ҳарорати 26—27°C, максимум ҳарорат 40—42°C бўлиб, узоқ давом этади, вегетация даври 235—240 кун, ижобий ҳароратларнинг йиғиндиси 4000—4800°. Бу эса округда пахта каби техника экинларининг, анор, анжир каби субтропик ўсимликларнинг ўсиши учун қулай имконият беради. Бир йилда фақат 50—62 кун давомида ҳарорат 0 дан паст бўлади.

Фарғона округида куз фасли уртacha ҳароратнинг сезиларли (октябрда уртacha ҳарорат 12—13°C атрофида) пасайиши, булутли кунларнинг тез-тез такрорланиб, ёғинларнинг бўлиб туриши билан тавсифланади. Кузнинг иккинчи ярмидан ҳарорат кескин пасаяди ва биринчи кузги совуқ тушиши (уртacha) 15—17 октябрлардан бошланади.

Округда ёғин миқдори 98—226 мм. Лекин ёғин миқдори ҳудуднинг ҳамма ерида бир хил эмас. Агар округнинг ғарбий қисмида (Қўқон) 98 мм ёғин тушса, шарқий қисмида (Андижон) 226 мм ёғин ёғади. Бунинг асосий сабаби шуки, округ рельефи ғарбдан шарққа баландлашиб боради.

Фарғона округининг Тошкент-Мирзачўл округидан яна бир фарқи шундаки, у ерда нисбий намлиқ кўп (август ойида соат 13 да 32—39 фоиз) ва йиллик ёғин миқдорининг 10—16 фоизи ёзда ёғади. Ваҳоланки, Тошкент-Мирзачўл округида ёзда йиллик ёғин миқдорининг фақат 6—12% тушади.

Йиллик ёғин миқдорининг 35% декабрь-февраль ойларига, қолган қисми эса баҳор ва куз ойларига тўғри келади. Қиши ойларида баъзан қор ёғса-да, лекин у жуда юпқа бўлиб, узоқ сақланиб турмайди. Округда бир йилда 30—48 кун қор эримай туриши мумкин.

Округда кучли шамоллар тез-тез такрорланиб туради. Айниқса баҳорда эсган кучли шамоллар тупроқ қатламишининг устки қисмини учирив, чанг-тўзон вужудга келтиради. Бу кучли шамоллар ичиди «Қўқон» ва «Бекобод» деб аталадиган шамоллар характерлайдир. Бу шамоллар округда октябрь ойидан март ойигача ҳукмронлик қиласди. Шамол айниқса қишида водийнинг совиб кетиши натижасида, унинг шарқида антициклон, ғарбда — Мирзачўлда циклон турганда кучаяди. У Фарғона округидан Мирзачўл томонта (Бекобод) қараб секундига 15—40 м тезликда эсади.

Баҳор ва куз ойларида эса Мирзачұл томондан Фарғона округига томон өсгән (Құқон) шамолининг тезлиги секундига 25 м га етади. Фарғона округида тоғ-водий ҳамда фён каби шамоллар ҳам мавжуд. Қиши баҳор фаслида фён тоғлардан пастга қараб өсади. Тоғлардан пастга өсаётган ҳаво зичлашиб, исиди, натижада ҳавонинг ҳарорати 20—24°C гача күтарилиб, қорлар тез өрій бошлайды.

Фарғона округида ёз ойлари өсгән шамоллар баъзан гармсел характерига эга бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтиради. Шу сабабли округда шамолларнинг кучини ва заарини камайтириш мақсадида катта майдонларда ихота дарахтзорлари барпо этилган. Фарғона округидаги дарё ва сойларнинг барчаси атрофини үраб олган тоғ тизмаларидан бошланади. Бу дарёларнинг кўпчилиги Фарғона водийсида бутунлай сугоришга сарф бўлиб, Сирдарёга етиб кела олмайди. Округдаги энг катта ва серсув дарёлар Норин, Қорадарё ва Сирдарёдир.

Норин дарёси Марказий Тяньшанъ тоғларидан бошланувчи Кичик ва Катта Нориннинг қўшилишидан вужудга келади. Норин қор ва музларнинг эришидан тўйинади. Шу сабабли Учқўрғон шаҳри ёнида бир йилда ўртacha секундига 427 м^3 сув оқса, шунинг 44,9% март-июн ойларига тўғри келади. Йиллик оқимнинг 35,9% июль-сентябрга, 19,2% октябрь-февраль ойларига тўғри келади. Норин дарёси Наманган вилоятининг Балиқчи қишлоғида Қорадарё билан қўшилиб, Сирдарё иомини олади.

Қорадарё Фарғона ва Олой тоғларидан бошланувчи Тор ва Қорағулжа дарёларининг қўшилишидан вужудга келади. Қорадарё қор ва музларни эришидан тўйинади. Унинг йиллик ўртacha сув сарфи Балиқчи қишлоғи ёнида секундига 123 м^3 бўлиб, шунинг 46,4 фоизи март-июн ойларига, 14,4 фоизи июль-сентябрь ойларига ва 39,2 фоизи октябрь-февраль ойларига тўғри келади.

Сирдарё Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан вужудга келиб, уни 300 км қисми Фарғона округи ҳудудидан оқиб ўтади. Унинг йиллик ўртacha оқими Калқишлоқ ёнида секундига 503 м^3 бўлса, Кизилқишлоқда (округнинг энг фарбий қисмida) секундига 570 м^3 . Йиллик оқимни 100 фоиз десак, шундан (Калқишлоқ ёнида) 45,3 фоизи март-июн, 27,4 фоизи июль-сентябрь, 27,3, фоизи октябрь-февраль ойларига тўғри келади.

Фарғона округини үраб олган тоғлардан жуда кўп сой ва дарёлар оқиб, сугоришга сарфланиши туфайли Сирдарёга етиб келмайди. Бу дарёлар сув режимига кўра З туркумга бўлинади:

а) Фарғона тизмасининг фарбий ёнбағридан бошланиб, вақтиқча қорлардан тўйинадиган дарёлар (Ясси, Құгарт, Қораўнгур, Мойлисув дарёлари). Бу турли дарёларнинг суви май ойида кўпаяди, июль-сентябрь ойларида эса суви камайиб қолади, йиллик сув миқдорининг 19—21 фоизи ана шу ойларга тўғри келади.

б) Қурама ва Чотқол тоғларидан бошланадиган дарёлар. Бу ердан 30 га яқин дарё ва сойлар бошланади, улардан энг муҳимлари — Фовасой, Косонсой, Поччаота, Сумсарсой, Қорасув, Чодоқ-



1- расм. Жанубий Фарғонадаги адиrlар.



5- расм. Писком тизмаси сув айиргич қисмининг умумий кўриниши.



6- расм. Бойсунтоғ тизмаси.



7- расм. Қизилкүм чүлида тарқалған рельеф шакллари.



8- расм. Мингбулоқ ботигининг ости.



12- расм. Аму-Бухоро канали.



14- расм. Айдар-Арнасой күллари.



14^а- расм. Сариқамиш ва Судовъе күллари.



15- расм. Орол денгизи.



19- расм. Кумли чүлларда үсүвчи үсимликлар.



25- расм. Канал тубига полиэтиленли плёнка ёткизиш.



20. рисм. Мұстақам — мұтебі Қарыншылдың күмінде ғысқан ғемалының күп.



30⁵ - расм. Фарғона адиrlари.



30⁶ - расм. Жанубий Фарғона адиrlари.



39- расм. Шеробод ботиги.

сой (31- расм). Бу дарёлар тоғларнинг баланд қисмларидан бошланганлигидан сувлари май-июнь ойида күпаяди.

в) Туркистан ва Олой тоғларидан бошланадиган дарёлар. Булардан энг катталари — Хўжабақирғон, Исфара, Сұх, Шоҳимардонсой, Исфайрамсой, Аравонсой, Оқбура, Қуршоб (32- расм). Бу дарёларнинг кўпчилиги Олой тизмасининг доимий қор, музликларидан тўйинганлигидан суви июль-август ойларида тўлиб оқади, март-апрелда эса саёз бўлиб қолади. Июль-сентябрь ойларида йиллик сув миқдорининг 40 фоизи, баъзи дарёларда Сұх, Исфара сувнинг ҳатто 60 фоизи оқади.

Текширишлар шуни курсатадики, округда жуда катта ер ости сув ҳавзаси бўлиб, бу сув турли хил жинслар (айниқса антропоген даврнинг қум, шағал, конгломератлари) орасида қатлам-қатлам бўлиб жойлашган. Бу сув қатламлари округнинг рельефига, сув сақловчи жинсларнинг қалин-юпқалигига қараб бир неча метрдан 100—150 м гача, баъзан 300—350 м гача ва ҳатто 450—500 м гача чуқурликда жойлашган. 500—600 м чуқурликлардан ҳам ҳозир яхши сифатли сув чиқарилмоқда.

Айниқса Марказий Фарғона ер ости сувига жуда бой бўлиб, кучли босимга эга. Шу сабабли, у пармаланса ер бетига ўзи отилиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ерда 400 дан ортиқ артезиан қудуқлари қазилган.

Гидрогеологларнинг маълумотига кўра, Фарғона округида ер ости сувларининг динамик запаси катта бўлиб, секундига 257 м³ ни ташкил этади. Лекин ҳозиргача шундан фақат секундига 13,0 м³ миқдордагиси фойдаланилмоқда.

Фарғона округининг 1500—3000 м чуқурликларидан иссиқ минерал сувлар: Чорток, Чуст, Гўртепа, Қизилтепа каби жойларидан чиқади. Бу ердаги термал ер ости сувларининг ҳарорати 40—75°C га етади. Минераллар миқдори жуда кўп (хилма-хилдир). Таркибида йод, бром, сульфид, радон ва бошقا моддалар бор. Бу эса округ ер ости сувларидан фақат сугоришда, шаҳар ва ишчи посёлкаларни, қишлоқларни, коммунал хўжаликни сув билан таъминлашдагина эмас, балки даволанишда ҳам фойдаланиш учун имкон беради (Чорток курорти). Округ Узбекистондаги энг муҳим обикор дехқончилик райони бўлиб, тупроқ қадим замонлардан бери ишлаб келинганидан маданий воҳа тупроғига айланган. Шу сабабли, тупроқлар табиий ҳолда кўпроқ округнинг чекка қисмидаги ўзлаштирилмаган ерларда ва айниқса Марказий Фарғонадаги Қорақалпоқ чўлида қисман сақланиб қолган. Қорақалпоқ чўлида кўчиб юрувчи қумлар ва соз (гилли), шўрҳок тупроқлар ҳамда тақирлар учрайди.

Округнинг Сирдарё водийсида эса шуртоб, аллювиал-ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар ҳам мавжуд. Округнинг адир билан туташган қисмларида оч ёки типик бўз тупроқ бўлиб, воҳани ҳалқа каби ўраб олган. Округнинг ўсимлик қоплами ҳам табиий ҳолатини жуда кам сақлаб қолган. Сугорилиб дехқончилик килинадиган жуда катта ҳудудларда табиий ўсимлик жуда кам бўлиб, фақат округ

нинг марказий қисмида ва адирларга яқин районларда озми-кўпми учрайди.

Фарғона округининг адирларга туташган ерларида ранг, қўн-ғирбос, шайтонковуш каби ўсимликлар ўсади. Кўп йиллик ўсимликлардан оқ куврак, оқ шувоқ, мингбош, баъзан қизил бурган кабилар ҳам мавжуд.

Округнинг марказий қисмидаги шўрхок ерларда пашмак, ба-лиқкўз, сета, шўра кўп бўлади. Булардан ташқари, бу қисмда юлғун ва айрим эфемерлар ҳам ўсади. Қатор-қатор қум тепалари бўлган ерларда эса жузғун, қуёңсуюк, қизилча, тариқбош, қизилчўп, урғочи селин ўсади. Сирдарё қайирларида янтоқ, юлғун, грунт суви ер бетига яқин бўлган жойларда ҳамда ариқ бўйларида қамишзорлар кўп. Деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда янтоқ, эшакшўра, какра каби ўсимликлар ўсади.

Округда энг кўп учрайдиган ҳайвон турларидан каламуш, қўшоёқ, кўрсичқон, бўрсиқ, бўри, тулки, жайра, илон, калтакесаклар, қушлардан эса чумчук, чуғурчук, сўфитўргай; тўқай ҳайвонларидан чиябўри, ғоз, лойхўрак, ўрдак, қирғовулларни айтиб ўтиш мумкин.

Фарғона округининг табиати гузал, шифобахш ва табиий ресурслари хилма-хил бўлганлигидан уни Туркистоннинг «дурдонаси» деб айтишади. Фарғона округининг муҳим табиий ресурсларидан бири, унинг қазилма бойликлариdir. Бу ерда қазилма бойликлар кўп бўлиб, энг муҳимлари нефть, табиий газ, олтингугурт, тоғ муми, вольфрам, молибден, рух, марганец, дала шпати, ўтга чидамли гил, ҳар хил қурилиш материаллари, калий тузи ва шифобахши ер ости сувларидир.

Округнинг иккинчи муҳим табиий ресурслари унинг иқлими ва ҳосилдор ерларидир.

Округдаги дарё ва сойлар ҳам унинг муҳим табиий ресурсларидир. Бу табиий ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида округда Шимолий Фарғона (узунлиги 133 км, суғориладиган майдони 70 минг га), Жанубий Фарғона (узунлиги 93 км, суғорадиган майдони 71 минг га), Катта Фарғона (узунлиги 249 км, суғорадиган майдони 270 минг га), Катта Андижон (узунлиги 109 км, суғорадиган майдони 141 минг га) каби магистрал каналлар ҳамда Фарғона (Қувасойда, сув сифими 216,5 млн. м³), Косонсой (Косонсойда, сув сифими 160 млн. м³) сув омборлари қурилган.

Сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида Қорадарёнинг Қампирровот дарасида Андижон сув омбори, Поччаота сойида Заркат сув омбори қурилган. Водийда Чўртоқ, Чимён, Жанубий Оламушук, Полвонтош, Ширмонбулоқ, Қўтирбулоқ каби шифобахш ва маъданли сувлар бўлиб, ундан фойдаланиш учун санаторий ва даволаниш муассасалари қурилган.

Фарғона округи ўз навбатида Марказий Фарғона ва Адирлар деб иккита табиий-географик районга булинади.

I. Марказий Фарғона табиий-географик райони ўз ичига во-дийнинг аккумулятив текислик қисмини олиб, атрофини адирлар ўраб олган.

Район ер усти тузилиши жиҳатидан текислик бўлиб, унда Сирдарёning янги ва учта эски қайирлари жойлашган ҳамда аллювиал ётқизиқлардан (шағал, қум, лёссимон, қумоқ) ташкил топган. Текисликнинг марказий қисмида эол қумликлар, тақирлар ва шўрхоклар учрайди.

Районда жойлашган Сирдарёning учинчи эски қайри эса тоғлардан бошланувчи дарё ва сойлар келтирган ёйилмали пролювиал текисликларга тувашиб кетади.

Иқлимий шароити жиҳатидан атрофини ўраб олган адир табиий-географик районидан кам фарқ қилиб, киши унча совуқ (январнинг ўртача ҳарорати — 2°) эмас, лекин ёзи иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати 26—26,8°) ва қуруқ бўлиб, округдаги энг кам ёғин тушадиган (йиллик ёғин миқдори 100—150 мм) ҳудуд ҳисобланади.

Район ҳудудида фақат Сирдарёning янги қайри ва марказий қисмидаги кичик қумликлар ҳамда шўрхок жойларгина ўзлаштирилмаган, холос.

Марказий Фарғона табиий-географик райони қуйидаги ландшафтларга бўлинади.

1. Районнинг марказий қисмида жойлашган оқ саксовул ва бошқа қумда ўсадиган псаммофит ўсимликлар мавжуд бўлган дельта текисликларда жойлашган эол қумлик ландшафти.

2. Районнинг марказий қисмидаги бир йиллик шўра ўсуви пастқам жойлардан иборат бўлган шўрхокли дельта текисликлар ландшафти.

3. Сирдарёning қайирларида жойлашган, қамиш ва тўқай ўсимликлари ўсуви ўтлоқ-аллювиал, ўтлоқ-ботқоқ тупроқли текисликлар ландшафти.

4. Районнинг асосий қисмини ташкил этган маданий ландшафт.

II. Адирлар табиий-географик райони ўз ичига Марказий Фарғона табиий-географик районининг атрофини ўраб олган адирларни олади.

Адирлар палеоген-неоген ва антропоген даврларининг тоғ жинсларидан ташкил топган бўлиб, мутлоқ баландликлари 400—500 м дан 1000—1200 м гача боради. Адирлар асосан конгломерат ва чақир жойлардан иборат бўлиб, баъзи жойлари лёсс билан қопланган. Адирлар паст-баланд бўлиб, кўп жойларини сой ҳамда жарлар кесиб ўтиб, алоҳида-алоҳида қисмларга бўлиниб кетган. Адирлар кургоқчил хусусиятига эга бўлиб, кўп жойлари шағал ва чақир тошли, ўсимликлар жуда сийрак ўсадиган бэдленд жойларни эслатади.

Водийнинг жанубий қисмидаги адирларни (Сўх дарёсидан ғарбда бўлганини) Қоратоғ, Ғузан, Бурганий (Сўх дарёсидан шарқдагисини) Чимён, Қопчиғай, Наймон, Полвонтош, Жанубий Оламушук каби номлар билан танишади.

Марказий Фарғона табиий-географик районининг шимолий қисмидаги адирлар Дигмай, Исписор, Супатоғ, Оқбел, Оқчоп, Чуст, Поп, Наманган, Майлисой каби номлар билан аталади.

Иқлимий хусусиятларига кўра водийнинг шимолий ва жанубий кисмидаги адирлар бир-бираидан фарқ қиласди. Жанубдаги адирларда ёзги ҳарорат шимолдаги (Қуёшга қараган адирларга нисбатан) адирлардан бир оз паст, ёғин камроқ.

Адирлар табиий-географик районида қуйидағи ландшафт турлари учрайди.

1. Фарғона водийсининг шимоли ва жанубида жойлашган, асосан шувоқ ўсуви, кўп қисмлари шағалдан иборат бўлган чақир тошли ва скелетли типик буз тупроқлар тарқалган адирлар ландшафти.

2. Фарғона водийсининг шимоли, шимоли-шарқида жойлашган эфемер ва эфемероид ўсимликлари ўсуви, енгил механик таркибга эга бўлган оч бўз тупроқли адирлар ландшафти.

3. Фарғона водийсининг шимоли-шарбида жойлашган, сийрак ҳолда шувоқ ўсуви, чақир тошли типик буз тупроқ тарқалган адирлар ландшафти.

4. Адирлар орасида жойлашган ва хўжаликда ўзлаштирилган маданий ландшафт.

Савол ва топшириқлар 1. Фарғона округи географик ўрнига кўра Тошкент-Мирзачўл округидан қандай фарқ қиласди? 2. Округдаги Фарғона ботиги билан адирлар орасида геологик тузилиши жиҳатидан қандай фарқ бор? 3. Ўзбекистон табиий ҳаритаси ёрдамида округ ер усти тузилиши ҳақида маълумотлар тўплаб, Марказий Фарғонадаги чўллар рельефи қандай ўзgartирилганлигини тушунтириб беринг. 4. Нима сабабдан округ ҳудуди қишида Тошкент-Мирзачўл округига нисбатан совуқроқ бўлиб, ёғин миқдори кам тушади? 5. «Бекобод», «Қўқон» шамоллари ҳақида нималарни биласиз? Уларни вужудга келиш сабабларини тушунтириб беринг. 6. Округ атрофидаги тоғлардан кўплаб дарёлар бошланади, лекин улар Сирдарёга келиб қўшилмайди. Бунинг сабабини тушунтириб беринг. 7. Қандай сабабларга кўра округда ер ости сувларининг миқдори катта? 8. Ўзбекистон атласидаги тупроқ ва ўсимлик ҳариталаридан фойдаланиб, округда қандай тупроқ-ўсимлик турлари борлигини аниқлаб, нима учун Марказий Фарғонада тупроқ шўрланганлигини тушунтириб беринг. 9. Фарғона округидаги табиий-географик районлар ва ландшафтлар ҳақида гапириб беринг.

УРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ

Бу округ Туркистоннинг марказий ер пустининг тектоник жараёнлар натижасида чўккан қисмида жойлашган Зарафшон водийсининг урта қисмини ўз ичига олади.

Зарафшон водийси деярли кенглик бўйича шарқдан ғарбга 766 км чўзилган бўлиб, ғарб томони очиқ ва нишабдир. Лекин, биз Урта Зарафшон округи деганда фақат Ўзбекистон ҳудудидаги Самарқанд ботиги деб аталувчи қисминигина тушунамиз. Бу қисмда округ аниқ табиий чегаралар билан ўралган бўлиб, ғарбда Қуёш Зарафшон округидан Ҳазар йўлаги орқали ажralиб туради. Урта Зарафшон округи шимол томондан Чумқартоғ, Ғўбдинтоғ, Қароқчитоғ, Оқтоғ ва Қоратоғ, жанубдан Қоратепа, Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғлари билан ўралган, шарқий чегараси эса шартли равиша Тожикистон билан бўлган чегара орқали ўтади.

Округнинг ер юзаси асосан палеоген, неоген ва антропоген давр чўкинди жинсларидан таркиб топган. Бу жинсларнинг устки қисмини эса Зарафшон дарёси ва унинг ирмоқлари олиб келган ал-

лювиал ётқизиқлар қоплаб олган. Бу ер неоген давригача денгиз бұлған. Неоген давридаги альп орогенетик жараён таъсирида водий қуруқликка айланған, Зарафшон дарёси үз үзинини чуқурлаштириб, қатор қайирлар ҳосил қылған. Округнинг шарқий қисмida б ә та қайри бор. Бу қайирлар тұртламчи даврнинг аллювиал, пролювиал, әол жараёнлари туфайли вужудга келған шағал, конгломерат, құмоқ, құм, гил ва лёссе каби жинслардан ташкил топған.

Округнинг эң баланд тоғ олди қисмларида ва Зарафшон дарёсиңинг 5—6 қайирларида күпроқ қуий тұртламчи даврнинг шағал, конгломерат каби жинслари учраса, 3—4 қайирларида үрта ва юқори тұртламчи даврнинг құмоқ, құмли ва лёссимон ётқизиқлары жойлашған. Зарафшоннинг 1—2 қайирларида ва эң янги қайирларида ҳозирги замон юмшоқ жинслари кең тарқалған.

Округнинг марказий қисмидан оқиб ұтувчи Зарафшон дарёси неоген даврида шаклланған бұлғын, узоқ геологик тарихга әга. У вужудға келгандан сұнг антропоген даврига қадар Туон текислигининг үрта қисмидан оққан. Антропоген даврининг бошларыда, Зарафшон дарёси ҳозирги Қызылқұмнинг жанубий қисмини кесиб үтиб, жануби-ғарбға қараб анча масофада оқиб, Қорақұмнинг маркази орқали уннинг жанубий қисмидан ұтувчи Құхна Амударәгә қүйилған. Чунки бу даврларда Зарафшон дарёсига Қашқадарә, Санғзор дарёлари ҳам ирмоқ сифатида құшилғанлығы сабабли у жуда серсүв бұлған. Антропоген даврининг үрталарыда Амударә үз йұналишини шимоли-ғарбға қараб үзгартыриб, ҳозирги Орол денгизи үрнидаги чуқурликка сувини қоя бошлаган, Зарафшон дарёси эса үша даврда ҳам Амударәға үз сувини қойған. Лекин Зарафшон дарёсининг суви илгаригига нисбатан анча камайған әди. Сабаб, бу даврга келиб Зарафшон дарёсининг эң катта үнг ирмоғи ҳисобланған Санғзор дарёси үз йұлини шимолға буриб, ҳозирги Мирзачұл орқали Сирдарә ҳавзасига құшилған. Зарафшон дарёси неолит даврининг охирларында ҳозирғи Махондарә ва Хұжайли үзанлари орқали Амударәгә құшилиб турған. Сұнгра Зарафшон водийсіда суформа деңқончилікнинг ривожланиши туфайли сув камайиб (милоддан аввалғы I минг یиллікнинг бошларыда Махондарә, Хұжайли, Тойқир каби тармоқларыда сув жуда кам бұлғын, Амударәға етмай), құмлар орасыда қуриб қолған.

Ҳозир Зарафшон суви Самарқанд воҳасида, шунингдек Тұятортар ариғи орқали Санғзор водийсіда, Эски Аңхор ариғи орқали Қарши чүлида суғорышға сарфланиши туфайли Бухоро воҳасида тугаб қолмоқда.

Үрта Зарафшон округининг рельефи асосан ясси текислик бұлғын, шарқдан ғарбға томон нишабдир: Самарқанд шаҳри яқиннан мұтлоқ баландлық 727 м, Каттақұрғонда 450 м, Навойда 347 м. Иккінчи томондан, округ марказий қисмидан шимолға ва жанубға — водийни үраб турған тоғларға томон баландлаша боради. Бу қисм рельефи үнқир-чүнқир ерлардан иборат тоғ олди текисликларидадир. Зарафшон водийсі рельефининг үзига хос хусусиятлари шундаки, у соң кенгаяди, соң тораяди.

Зарафшон водийсинг ана шундай кенгайган жойида Самарқанд ботиғи жойлашган. Самарқанд ботиғи анча кенг, рельефи га үр-қир қирлардан иборат бўлиб, фарбда то Хазар йўлагигача 220 км га чўзилади. Унинг кенглиги 50—60 км га етади. Ботиқнинг жанубида унча баланд бўлмаган Қоратела, Зиёвуддин, Зирабулоқ тоғлари, шимолда эса Қароқчите, Оқтоғ ва Қоратоғлар жойлашган. Бу тоғларнинг Зарафшон округига қараган ёнбагирлари сойлар ва вақтли сувлар таъсирида емирилган. Округнинг бу қисмида Зарафшон дарёсининг учта кўхна қайирлари бўлиб, улар лёссимон юмшоқ жинслардан тузилган. Шу сабабли оқар сувлар натижасида улар ювилиб, жуда кўп жарлар ҳосил қилган. Бундай жарлар, айниқса Самарқанд шаҳрининг жанубишиарқида ва жануби-фарбида кўп. Ҳатто Самарқанд ботифининг шимолий қисмидаги Оқтепа ва Андан сойлари орасидаги 220 квадрат километр ҳудудда 100 дан ортиқ жарлар вужудга келган. Демак, Самарқанд ботифида рельефнинг характерли хусусиятларидан бири — бу сув эрозиясидир. Ҳозирда жарларни вужудга келишига чек қўйиш, борларини кенгайтирмаслик учун бундай ерларга кўп йиллик экинлар (жар чеккаларига) дарахтлар ўтказилмоқда.

Самарқанд ботиғи фарбга томон торайиб боради. Натижада Зиёвуддин ва Қоратоғнинг фарбий давоми бўлган Абтобач, Азкалор, Хазар платолари бир-бирига жуда яқинлашади ва Хазар йўлагини ҳосил қилади. Бу ерда Зарафшон водийси торайиб, унинг кенглиги 8—10 км бўлиб қолади. Хазар қишлоғидан фарбга ўтгач, Зарафшон водийси яна кенгаяди ва пасаяди ҳамда Бухоро воҳасини ҳосил қилади.

Урта Зарафшон округининг ҳозирги рельефини вужудга келишида Зарафшон дарёси ва унинг шимолий ҳамда жанубий қисмидаги тоғлардан бошланадиган сойлар катта роль ўйнаган. Зарафшон дарёси округнинг ўрта қисмida қатор қайирлар ҳосил қилган. Тоғлардан бошланадиган вақтли дарёчалар ва сойлар Зарафшон қайирини перпендикуляр кесиб, жуда кўп жарликлар ҳосил қилган ҳамда парчалаб юборган.

Округнинг иқлими Туркистоннинг текислик қисмидагига ўхшаши ёз жазирама иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ, ёғин кам бўлади.

Лекин округ жанубий кенгликларда бўлганлигидан ва қисман бўлса-да, шимол, шимоли-шарқ ва шарқ томондан тоғлар билан уралганлигидан қишида ҳаво ҳаддан ташқари совиб кетмайди. Январь ойининг ўртача ҳарорати -0° — $1,3^{\circ}$ бўлади. Баъзан Арктика ҳаво массаси кириб келганда энг паст ҳарорат -24° — 35°C гача пасаяди. Ёзда эса, аксинча, ҳаво очиқ бўлиб, жуда исиб кетади. Натижада июлнинг ўртача ҳарорати 26° — 28°C атрофида бўлиб, энг юқори ҳарорат эса 40° — 44°C га етади.

Округга баҳор ва кузда баъзан Арктика ҳаво массалари бостириб келиб, ҳавони совитиб юборади. Баҳорда бўладиган охирги совуқлар таҳминан март ойининг учинчи ўн кунлигига, кузги биринчи совуқлар эса октябрь ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келади. Округда бир йилда 213—215 кун совуқ бўлмайди. Ҳаро-

рат $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бұлған кунлар сони 212—215, вегетация давридаги ижобий ҳароратларнинг йиғиндиси эса 4300° — 5050° ни ташкил этади.

Үрта Зарафшон округида ёғин кам — ғарбдан шарққа томон ортиб боради: Навоийда (мутлоқ баландлиги 347 м) йиллик ёғин миқдори 177 мм, Қаттақұрғонда (мутлоқ баландлик 465 м) 282 мм, Самарқандда (мутлоқ баландлиги 695 м) 328 мм. Йиллик ёғиннинг күп қисми (44—49%) баҳор ва қишига туғри келади, ёзда бор-йүғи 2,0—4,0 фойз ёғин ёғади.

Ёғиннинг бир қисми қор тарзіда тушади, лекин ҳароратнинг юқори булиши туғайли қор қоплами узоқ турмайды, тез әриб кетади. Қишида қор қоплами үртача 7—15 см қалинликда бұлиб, 15—20 кун әримай туради.

Қүйіл Зарафшон округида йил бүйі шимолдан, шимоли-ғарбдан ва шимоли-шарқдан шамоллар әсіб туради. Шамолнинг үртача тезлигі секундига 2,0—2,2 м га тенг. Шамолнинг тезлигі округнинг ғарбий қисміда баҳор ва ёз ойларида ортса, кузда сұстлашади, шарқий қисміда эса баҳорда шамолнинг тезлигі ортиб, қишида секинлашади. Бунга асосий сабаб Үрта Зарафшон округнинг шарқий қисмини шимолдан нисбатан баланд тоғлар билан үралғанлиғи туғайли шимолий ва шимоли-шарқий шамолларнинг йүлүни қишида түсіб қолишилигидir.

Округнинг асосий дарёси Зарафшондир. У Туркистаннинг катта сув arterияларидан бири бұлиб, Құксув тоғ тугунида жойлашған Зарафшон мұзлигидан бошланыб, Амударёға 20 км етмасдан Сандықли ва Эшакчи құмлари орасыга сингиб кетади. Шу масофа да унинг узунлиғи 781 км, ҳавзасининг кattaлиғи 43 минг кв/км дир. Лекин шундан фақат 12,3 минг кв/км бұлған тоғли қисмидагина сув үйилади, холос.

Зарафшон дарёси үзиннинг юқори қисміда Зарафшон мұзлигидан Маңтоқ номи билан бошланади. У Айний қишлоғи ёнида чап ирмоғи Фандарё билан құшилға, Зарафшон номини олади. Зарафшон дарёси тоғли қисміда күпіриб, тошларга урилиб, секундига 15—17 м тезликда оқади. Бу қисміда Зарафшон 200 га яқин ирмоқтарни құшиб олади. Бу ирмоқлар ичіда энг муҳимлари чапдан құшилувчи Фандарё, Киштутдарё ва Магиёндарёдір. Қолған ирмоқлари кичик. Зарафшон дарёсіни Панжакент шаҳридан үтгандан кейин, округ ҳудудида биронта ҳам доимий оқадиган ирмоғи йүк. Лекин суғориши натижасыда суви камайиб, Зарафшон дарёсига құйылмайдын 120 та сой бор. Шу сойларнинг 50 таси Нурота-Оқтоғдан, қолғани Қоратепа, Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларидан бошланади. Бу сойларнинг энг муҳимлари Зарафшон тизмасидан бошланувчи Ургутсой, Омонқұтонсой, Камангарансой, Оғалисой, Сазангансой, Оқсой ва Нурота-Оқтоғдан бошланувчи Тусунсой, Оқтепасой, Тасмағисой, Лангарсой, Құкарасой ва бошқалар.

Зарафшон дарёси округ ҳудудида секин оқиб, кенглиги 3—4 км келадиган қайирлар ҳосил қылған. У Самарқанд шаҳридан 8 км ўтгач, Оқдарё (узунлиғи 130 км) ва Қорадарё (узунлиғи 127

км) номи билан икки тармоққа бўлинади. Хатирчи қишлоғида эса бу икки тармоқ яна бирлашиб, орасида ҳосилдор Миёнкол оролини ҳосил қиласди. Оролнинг узунлиги 100 км, кенглиги 15 км, майдони эса 1200 кв. км дир.

Зарафшон дарёси Хатирчи қишлоғидан ўтгач ғарбда Хазар йўлагидан оқади. Бу қисмда унинг ўзани яна тораяди, оқими эса бир оз тезлашади. Хазар йўлагидан ўтгач Зарафшон дарёси Бухоро воҳасида секин, илонизи шаклида оқиб, кенгайиб, бир неча тармоқларга ажралади ва Бухоро дельтасини ҳосил қиласди.

Зарафшон дарёси серсув бўлиб, Зарафшон, Туркистон ва Ҳисор тоғларида жойлашган умумий майдони 556,7 кв км бўлган 424 га яқин музликлардан ва доимий қорлардан сув олади. Зарафшон дарёсининг йиллик оқимини 100 фоиз десак, шунинг 65 фоизи муз ва қорларнинг эришидан, 34 фоизи қор сувларидан ва атиги 1 фоизи ёмғир сувларидан иборат. Демак, Зарафшон дарёсининг суви айни кун исиган ёз фаслида (июнь-сентябрь ойлари), қишлоқ хўжалик экинлари учун сув керак бўлган даврда кўпаяди. Бу ойларда Зарафшон дарёси йиллик оқимининг 61,1 фоизини ўтказади. Энг кам сув сарфи ($30-35 \text{ м}^3/\text{сек}$) эса қиши фаслига тўғри келади. Аксинча, суви энг кўпайган давр ёзга тўғри келиб, июлда баъзан секундига 930 м^3 гача сув оқизади. Зарафшон дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи секундига 165 куб метрни ташкил этади. Зарафшон дарёси ёзда лойқаланиб оққанлиги сабабли округнинг суфориладиган ҳар гектар ерига $10-20$ тоннагача лойқа келтирилади. Келтирилган лойқа таркибида фосфор ва калий Амударё ва Сирдарёга нисбатан $1,5-2$ марта кўп бўлади.

Зарафшон дарёсининг суви декабрь ойининг охирларидан февраль ойининг ўрталаригача музлаши мумкин.

Үрта Зарафшон округидаги сойлар паст тоғлардан бошланиб, эрта баҳорда эриган қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ёзда эса уларнинг суви жуда камайиб, баъзилари қуриб ҳам қолади. Сойларда кўпинча йиллик оқимнинг қарийб 50 фоизидан ортиғи баҳорга тўғри келади. Натижада ҳалқ хўжалигига зиён етказувчи селларни ҳам вужудга келтиради. Маълумотларга кўра, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида сўнгги юз йил ичидага 500 га яқин сел бўлган. Сел бўлганда сойларнинг суви (баҳорда) бир неча марта бўлайиб кетиб, сой тўлиб оқади. Агар Тусунойнинг йиллик ўртача сув сарфи секундига $1,5 \text{ м}^3$ бўлса, Каттасойники секундига $0,268 \text{ м}^3$ ни ташкил этади. Лекин сел бўлганда Тусун дарёси секундига 200 м^3 гача, Каттасой эса ҳатто секундига 609 м^3 гача сув оқизади. Бундай катта оқим ўз ўлида учраган қишлоқларни, экин далаларини, кўприк ва йулларни бузиб, вайрон қилиб, тупроқни ювиб, жарларни вужудга келтиради. Шунинг учун асосий вазифа ўша сой сувларидан оқилона фойдаланиш мақсадида баҳорги ортиқча сувларни ҳовуз, кичик сув омборлари қуриб, ушлаб қолиб, ёзда экин далаларига оқизишидир. Ҳовузларда эса паррандачилик, балиқчиликни ривожлантириш мумкин. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда округдаги ўша 120 сойнинг 50 фоизигагина ўртача 25 млн. м^3 сув сифадиган ҳовузлар қурил-

са, 1 млрд. 600 млн. м³ сел сувларини тұплаб қолиши имконияти туғилади.

Округда сувлардан оқилюна фойдаланиш мақсадида Каттақүрғон сув омбори қурилган.

Каттақүрғон сув омбори Каттақүрғон шаҳри яқинидаги текtonик ботиқда барпо этилган. У Зарафшон водийсінинг тармоғи Оқдарёдан 28,2 км узунликдаги канал орқали сув олади. Бу каналдан секундига 100 м³ сув оқиши мүмкін. Сув омборининг сув сифими 1 млрд. м³ ни ташкил этади. Вегетация даврида әкин далаларини суғориш учун каналдан секундига 140 м³ сув чиқади. Натижада 65 минг гектар янги ерни суғориб, 384 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланды. Шунингдек, сув омборидан йилига 240—250 центнергача балиқ овланмоқда.

Үрта Зарафшон округида ер ости сувлари бүр, палеоген, неоген ва антропоген даврларининг гил, қум, шағал, құмтош ва конгломерат каби жинслари орасида учрайди.

Бүр давр ётқизиқлари орасида учрайдиган сувлар 400—500 м гача бүлган чуқурликларда жойлашган бўлиб, қазилганда ўзи отилиб чиқади. Сувининг таркибида кўпроқ сульфат-натрий бор.

Округдаги ер ости сувларининг бир қисми палеоген ва неоген давр ётқизиқлари орасида 90—100 м гача бүлган чуқурликларда учрайди. Сувининг таркибида сульфат-натрий ёки гидрокарбонат кўпdir.

Антропоген жинслари орасида учрайдиган ер ости сувлари 1—20 м чуқурликларда учраб, минераллашиш характеристига кўра гидрокарбонатлиdir.

Палеоген, неоген ва антропоген ётқизиқлари орасида учрайдиган ер ости сувлари Зарафшон дарёсидан, суғориш шохобчалиридан, зовурлардан ва әкин далаларидаги шимилган сувлардан ҳамда атмосфера ёғинларидан тұйинади. Шу сабабли ер ости сувининг сатҳи май-август ойларида кўтарилиб, октябрь-апрель ойларида пасаяди. Чунки май-август ойларида әкин далалари суғорилади.

Маълумотларга кўра округ ҳудудида ҳар йили 914 млн. м³ ер ости суви тұпланды. Унинг асосий қисми (52%) суғориш шохобчалиридан, әкин далаларидан бўладиган шимилиш ҳисобига, 26% Зарафшон водийсінинг юқори қисмидан сизиб келиш ҳисобига, 10% округнинг ўзіда дарёдан шимилиш ҳисобига, 3% атмосфера ёғинларидан, 3% атрофни үраб олган тоғлардан ва 6% Каттақүрғон сув омборидан сизиб келган сувлар ҳисобига тұғри келади.

Үрта Зарафшон округида тұпланған ер ости сувининг 50% булланишга, 30% атрофидаги сувсиз қия жойларга силжийди, 10% Зарафшон ўзанига силжиса, қолган 10% Бухоро воҳаси томон ҳаракат қиласы.

Үрта Зарафшон округидаги үша ер ости сувлари нисбатан чуҷук бўлиб, уларни кучли сурғичлар (насослар) ёрдамида тортиб олиб, сугорышда ва майший-коммунал хўжаликда фойдаланса бўлади.

Үрта Зарафшон округининг суғориладиган қисмиде чириндиси

1—2% бўлган маданий ўтлоқ-воҳа тупроғи тарқалган. Зарафшон дарёсининг юқори қайирларида эса қадимдан суғориладиган бўз тупроқ тараққий этган. Дарёning қуи қайирларида грунт суви ер бетига яқин бўлганидан ботқоқ-утлоқ тупроқлар ривожланган. Баъзи ерларда бу тупроқлар шўрланган.

Урта Зарафшон округининг тоғ олди текисликларида асосан оч бўз тупроқ тарқалган, баъзи ерларда эса оддий бўз тупроқлар учрайди. Округнинг тоғларга туташган қисмларида эса оч бўз тупроқлар тўқ бўз тупроқлар билан алмашинади. Оч бўз тупроқ таркибида бор-йўғи 0,5—1,5% чиринди бўлади.

Урта Зарафшон округининг табиий ўсимликлари кишиларниң ҳўжалик фаолияти туфайли анча ўзгартирилган. Шу сабабли маданий воҳа тупроғи тарқалган обикор ерларда асосан маданий ўсимликлар ўстирилади.

Зарафшон дарёсининг қуи қайирларида ва эски қайирларида ҳамда қадими ўзанларида қамиш, рӯвак, жинғил, тол, ёввойи жийда, янтоқ, шўражриқ, кампирсоч, итгунафша, сувранг, юлғун ўсади.

Зарафшон округининг бўз тупроқли лалмикор районларида қозиқулоқ, шувоқ, буғдоийқ, оқ қуврак, кампирчопон ўсади. Шунингдек, бу жойларда баҳорда эфемер ва эфемероид ўсимликлар, айниқса ранг, қўнғирбош, лолақизғалдоқ, чучмома кабилар кенг тарқалган.

Округ Туркистондаги аҳоли зич яшайдиган районлардан бири бўлганлиги сабабли, унинг табиий фаунасига катта таъсир кўрсатилган. Бу ерларда Туркистонга хос ҳайвонларниң баъзи турлари учрайди: бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайрон ва жайра, тўқайзорларда эса қирғовул, лойхўрак, урдак яшайди. Бу ерда қуашлардан яна сўфитўргай, чумчуқ, зарғалдоқ, судрагиб юрувчилардан геккон, калтакесак, тошбақа, сариқ илон, эчкемар; кемиувчилярдан кўрсичқон, кичик қўшоёқ, қумсичқон, тирратикан, каламуш ва бошқалар учрайди.

Урта Зарафшон округидаги тўқай ландшафтини ва у ердаги ўсимликларни, хусусан жирғаноқни ҳамда ҳайвонларини табиий ҳолица сақлаб қолиш мақсадида 1975 йили Булунғир ва Жомбой туманлари худудида майдони 2,5 минг гектар келадиган Зарафшон қўриқхонаси ташкил этилди. Бу қўриқхонада муҳофаза остига олинган жирғаноқ (чаканда) ўсимлигининг майдони қисқарип кетган эди. Бу ўсимликнинг майдони меваасидан тиббиётда ишлатиладиган облепиха мойи олинади.

Урта Зарафшон округида табиий ресурслар хилма-хил бўлиб, уларнинг энг муҳимлари иқлим ресурслари, ер-сув ресурслари ва ҳоказолардир.

Урта Зарафшон округининг муҳим ресурси иқлимиdir. Бу ерда иссиқ севувчи ўсимликлар, хусусан пахта, узум ва бошқа мевалярниң пишиб етишиши учун зарур бўлган термик ресурслар етарлидир.

Чунки ҳарорати $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган кунлардаги ҳарорат-

нинг йиғиндиси 4500° дан ортиқ: ҳарорати 0°C дан паст бўлган кунлар бир йилда 40—50 кун атрофида.

Ўрта Зарафшон округининг яна бир ресурси бу ер-сув бойликлариридир. Округ ҳудудида сугоришга яроқли ўтлоқ, ўтлоқ-аллювиал, бўз каби тупроқлар мавжуд бўлиб, уларни сув билан таъминловчи Зарафшон дарёси ва атрофидаги тоғлардан бошланувчи сойлар мавжуд. Бунинг устига округнинг неоген ва антропоген давр ётқизиқлари орасида умумий миқдори $1,0 \text{ км}^3$ га яқин ер ости сувлари мавжуд. Қелажакда кучли сўрғичлар (насослар) ёрдамида ўша нисбатан чучук ер ости сувларини тортиб олиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш мумкин.

Ўрта Зарафшон округи ўз навбатида Каттақўрғон ва Самарқанд табиий-географик районига бўлинади.

I. Каттақўрғон табиий-географик райони округнинг марказий ва ғарбий қисмини ишғол қиласи. Район жанубда Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғларининг қуи этаклари билан, ғарбда Бухоро-Қоракўл райони билан, шимолда Оқтоғ ва Қоратоғларнинг қуи қисми билан, шарқда эса Самарқанд табиий-географик райони билан чегараланади.

Район ўз ичига Зарафшон дарёсининг янги ва эски қайирларини ва юқорида қайд қилган тизмаларнинг тоғ олди текисликларини олади.

Район округдаги қиши энг совуқ (январнинг ўртача ҳарорати $-0,5 - 2^{\circ}$), ёзи эса иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати $27 - 28^{\circ}$), ёғин энг кам (йилига 180—280 мм) тушадиган қисми. Лекин $+10^{\circ}$ даражадан юқори бўлган даврдаги ҳароратнинг йиғиндиси энг катта бўлиб, $4500 - 4600^{\circ}$ етади, вегетацияли қиши эса 40—50% ни ташкил этади.

Районда қуийдаги ландшафт турлари учраяди.

1. Зарафшон қайирларида жойлашган оч бўз, ўтлоқ ва ботқоқ-утлоқ тупроқли маданий ландшафт.

2. Қамиш ва түқай ўсимликлари ўсуви, ўтлоқ-ботқоқ тупроқли қайирлар ландшафти.

3. Эфемер ва шувоқ-эфемер, ўсуви бўз тупроқли тоғ олди лёссли текисликлар ландшафти. Бу ландшафт Зирабулоқ-Зиёвуддин ҳамда Оқ-Қоратоғларнинг тоғ олди лёссли текисликларини ўз ичига олади.

II. Самарқанд табиий-географик райони округнинг шарқий қисмида жойлашиб, шимолда Ғубдинтоғ, Қароқчитоғ ва Оқтоғларнинг жанубий ёнбағрини қуи қисми билан, шарқда Тожикистон давлат чегараси билан, жанубда Чақилкалон ва Қоратепа тоғларининг этаклари билан, ғарбда эса Каттақўрғон райони билан чегараланади.

Район ўз ичига Зарафшон дарёсининг янги ва эски қайирларини, тоғ олди лёссли текисликларини олиб, қишининг нисбатан илиқлиги (январнинг ўртача ҳарорати $-0,2 - 0,5^{\circ}$), ёзининг эса нисбатан салқинлиги (июннинг ўртача ҳарорати $+24,5 + 25,9^{\circ}$),

ёғинларнинг кўплиги (йиллик ёғин миқдори 450—500 мм) билан Каттақўргон районидан фарқ қиласди.

Район ўз навбатида қўйидаги ландшафтларга бўлинади.

1. Чақилкалон, Қоратепа тоғларининг пролювиал текисликларида жойлашган эфемер ўсимликлари ўсувчи, типик бўз тупроқли текисликлар ландшафти.

2. Фубдинтоғ, Қароқчитоғ ва Оқтоғларнинг эфемер ўсимликлари ўсувчи, бўз тупроқли тоғ олди лёссли текисликлар ландшафти.

3. Тўқай ўсимликлари мавжуд бўлган, ўтлоқ, ботқоқ-ўтлоқ тупроқли қайирлар ландшафти.

4. Суғориладиган ўтлоқ-аллювиал, ўтлоқ-ботқоқ тупроқли янги қайирлардаги маданий ландшафт.

5. Суғориладиган бўз тупроқлар тарқалган текисликлардаги ва Зарафшоннинг кўҳна қайирларида маданий ландшафт.

Савол ва топшириқлар 1. Урта Зарафшон округи географик ўринининг ўзига хос ҳусусиятлари нималардан иборат, уни Фарғона округи билан таққослаб, ўхашашлик томонлари ва тафовутларини гапириб беринг. 2. Нима сабабдан округ ҳудуди асосан палеоген, неоген ва антропоген давр чўкинди жинсларидан ташкил топган? 3. Қандай омиллар таъсирида Урта Зарафшон округида қиши Қуий Зарафшон округига нисбатан илиқ, ёз салқин, йиллик ёғин миқдори кўпроқ? 4. Урта Зарафшон округи атрофидаги тоғлардан бошлинувчи сойларда баҳорда суви кўпайиб, сел ҳодисаси содир бўлиб туради, сабабини тушунтириб беринг. 5. Нима учун округ ҳудудида Қуий Зарафшон округига нисбатан ер ости сувлари нисбатан чукурда жойлашган ва чучук? 6. Қандай сабабларга кўра округ тупроқлари Қуий Зарафшон округи тупроқларига нисбатан шўглашган эмас, ўсимлик турлари кўп ва зич ўсади? 7. Округда қайси қўриқхона жойлашган ва нима мақсадда ташкил этилган? 8. Округда қандай табиий географик районлар ва ландшафтлар мавжуд?

ҚАШҚАДАРЕ ОКРУГИ

Округ Ўзбекистон ҳудудининг жанубий қисмидаги Қарши ботифини ўз ичига олади. У шимолда Қоратепа, Зирабулоқ, Зиёвуддин тоғлари билан, шарқда Ҳисор тизмасининг жануби-гарбий қисмининг қуий этаклари билан ўралган. Қашқадарё округининг жанубидан Ўзбекистоннинг Туркменистон билан бўлган давлат чегараси ўтади. Фарбда эса округ Қуий Зарафшон округи билан чегарадош. Ҳарқоқ ва Денгизкўл платолари бу иккала округни бир-биридан ажратиб туради.

Округ ўзининг вужудга келиши ва ер юзасининг тузилиши жиҳатидан шимоли-шарқдаги Ҳисор-Зарафшон округидан фарқ қиласди. Чунки Ҳисор-Зарафшон округи палеозой ва мезозой чўкинди ва отқинди ётқизиқлари билан қонланган, герцин ва альп орогенетик жараёни таъсирида бурмаланган. Қашқадарё округи эса қалин аллювиал, пролювиал ва эол-аккумулятив жинсларидан иборат бўлиб, уларнинг тагида туб жинслар ётади. Аллювиал-пролювиал жинслар комплекси ўзларининг ўшига кўра ўрта ва юқори антропоген даврига хосдир. Округнинг ўрта қисмидаги қирлар

ва қолдиқ тоғлар эса бүр, палеоген ва неоген давр жинсларидан ташкил топган.

Қашқадарё округининг ер юзаси ўр-қир текисликдан иборат бўлиб, шимолдан, шарқдан ва жануби-шарқдан ғарбга томон чўзилгандир, жануби-ғарбга томон эса пасайиб боради. Бироқ бу округ ҳудудида онда-сонда (пастроқ) қолдиқ тоғлар ва платолар ҳам учраб туради. Қарши шаҳрининг шимолида Қўнғиртоғ (517 м), Косон шаҳрининг жанубида Косонтоғ, Маймоқтоғ (500 м), Сандиқли қумлигининг шарқида Оловуддинтоғ (485 м), округнинг ғарбида Жарқоқ платоси (397 м) ва Денгизкўл (380 м) платоси, Қарши, Нишон, Қарноб, Малик чўллари ва Сандиқли қум чўли каби қатор чўллар бор.

Округнинг марказий қисмida аллювиал жинслар билан қопланган Қарши воҳаси жойлашгац.

Қарши воҳасининг ғарби Сандиқли қумлиги билан туташиб кетади. Сандиқли қум чўлининг юзаси қатор-қатор қум тепалари ва марзалардан иборат. Бундан ташқари, бу ерда кўчма қумлар ва тақирлар ҳам учрайди.

Округнинг ғарбида жуда катта Қарши чўли бор; унинг ер юзаси Қарши воҳасига нисбатан паст (300—250 м) бўлса-да, лекин унда ўнқир-чўнқир ерлар кўп. Паст ерларда Дўлатлишўр, Шўрсой, Оқжайронсой, Сўхташўр, Чорбойшўр, Ёмбошишўр ва бошқа шўрхоклар, тақирлар ҳосил бўлган.

Қарши чўли шимол ва шимоли-ғарбга давом этиб, Қарноб ва Малик чўлларига қўшилади.

Қарноб чўлининг мутлоқ баландлиги 250—300 м бўлиб, шимолда Зиёвуддин тоғига туташиди, ғарб томонга пасайиб, Тошлоққум ҳамда Учкум қумликларига айланади. Қарноб чўли тошлоқ, тақир ва шўрхок ерлардан иборатdir. Унинг жануби Малик чўлига туташиб кетади. Малик чўли ғарбдан шарқقا 65 км чўзилган.

Қарши чўлининг жанубида Нишон чўли жойлашиб, ер усти тузилиши жиҳатидан текисликдан ва улар орасида платосимон баландликлардан иборат. Ўша баландликларнинг энг муҳимлари Қорақир (мутлоқ баландлиги 500 м), Дўлтлалитоғ (514 м), Оловуддинтоғ (485 м) ва бошқалар. Булар ичиди Қорақир сув эрозияси натижасида жуда ҳам парчаланиб, жарликлар вужудга келган. Шу сабабли ерли халқ Қорақирнинг ўша жарлар жуда кўп бўлган шарқий қисмини «Саксон дара» деб аташади.

Қашқадарё округининг иқлими континентал иқлим бўлиб, ёзи иссиқ, қуруқ ва узоқ давом этади, қиши эса унча совук эмас. Okругнинг қиши илиқ (январнинг ўртача ҳарорати $0^{\circ} + 2^{\circ}\text{C}$) бўлиб, ўсимликлар деярли йил бўйи ўса беради. Лекин баъзан Арктика ҳаво массаси кучайиб кетганда тоғлардан ошиб ўтиб, округ ҳароратини пасайтириб юборади. Натижада айрим вақтларда энг паст ҳарорат $-22^{\circ} - 29^{\circ}\text{C}$ га тушиб кетади. Ёз эса иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати $+28^{\circ} + 29^{\circ}\text{C}$) ва узоқ бўлиб, энг юқори ҳарорат $43^{\circ} - 47^{\circ}\text{C}$ га чиқади. Okругда 0—24 кун давомида ҳарорат 0°C дан паст бўлиб, 284—298 кун давомида ҳарорат $+5$ дан юқори бўлади. Қашқадарё округида баҳорги охирги

совуқ тушишнинг ўртача муддати 16—25 марта, кузги биринчи совуқ тушишнинг ўртача муддати эса 21 октябрь—14 ноябрлар орасига тўғри келади, бинобарин, совуқсиз кунларнинг ўртача муддати 209—242 кун атрофида бўлиб, ўша даврдаги фойдали ҳароратнинг йифиндиси 2564° — 2864°C га, вегетация давридаги ҳароратнинг йифиндиси эса 4900° — 5300°C га етади.

Бундай иқлим шароити ингичка толали пахта ва бошқа иссиқ-севар ўсимликларни етиштиришга тўла имкон беради. Лекин ёзда округ ҳудудига гармсел эсиб, қишлоқ ҳўжалик экинларига катта зарар етказади. Сўнгги йилларда Қарши чўлининг ўзлаштирилиши туфайли, иҳота дараҳтзорларини кўпайиши сабабли гармсел кучи заифлашмоқда.

Округда ёғин миқдори унинг рельефига кўра ғарбдан шарққа томон ўзгаради. Энг кам ёғин — 180 мм, унинг ғарбий, текислик қисмига тўғри келади ва шарқда, тог олди қия текисликларида 550 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг асосий қисми куз-қиш-баҳор фаслларида ёғади. Йиллик ёғин миқдорининг 45—50 фоизи баҳорга, 37—40 фоизи қишга, 10—15 фоизи кузга тўғри келади. Ёз округда қурғоқчил бўлиб, йиллик ёғин миқдорининг фақат 0—3% и тушиди. Ёғиннинг бир қисми қаттиқ ҳолда тушиб, бир йилда ўртacha 2 кундан 17 кунгача қор әrimай туради ва қорнинг қалинлиги январь-февраль ойларида ўртacha 5—7 см га етиши мумкин.

Қашқадарё округида қишида энг кўп шамол шарқий томондан, ёзда эса шимоли-ғарбий, ғарбий томондан эсади. Шамолнинг йиллик ўртача тезлиги секундига 1,9—3,0 м атрофида бўлади. Лекин ёзда шимоли-ғарбдан ва ғарбдан қуруқ шамоллар эсганда тезлиги ўртача секундига 3,7 дан 4,2 м га етади.

Округда иқлим қуруқ ва ер юзаси текис бўлиб, оқар сувлар кам. Қашқадарёдан ташқари доимий оқувчи дарё йўқ. Округнинг шимолий қисмидаги тоғлардан бошланадиган сойлар эса Қашқадарёга етмасдан йўл-йўлакай бутунлай суфоришга сарф бўлиб кетади ёки ёзда бутунлай қуриб қолади.

Қашқадарё (322 км) Ҳисор тизмасининг Тоғтош довони яқинидан, 3000 м баландликдан бошланиб, Муборак шаҳридан 10 км шимоли-шарқда қўмлар орасида ғойиб бўлиб кетади.

Қашқадарёning ўзига хос хусусияти шундаки, у тоғлардан сув йиғиб, округга келганда бутунлай суфоришга сарф бўлади. Қашқадарё текисликка чиққач, Жиндарё, Оқсув, Танхоз, Яккабоғдарё, Фузордарё каби ирмоқларни қўшиб олади. У тоғли қисмida тор водийда тез оқса, текислик қисмida эса дарё водийси кенгайиб, секин оқади ва қуий қисмida бир неча тармоқларга бўлинади. Буларнинг энг муҳимлари Маймандарё, Қамашидарёдир.

Қашқадарё текисликка чиққач секундига 50 m^3 ёки йилига 1575 млн. m^3 миқдорда оқим ҳосил қиласди. Лекин бу сув округ ҳудудида суфоришга бутунлай сарфланади.

Қашқадарё округининг шимолий қисмida жойлашган Коратепадан 20 га яқин сойлар бошланади. Баҳорда бу сойларда сув кўпайиб тошади. Ёзда бу сой сувлари камаяди ҳамда суфоришга

сарфланади. Бу сойларнинг энг муҳимлари Шўрабсой, Макрид-сой, Оёқчисой, Қалқамасой ва бошқалар.

Қашқадарё тоғлардаги қорлардан ва кичик-кичик музликлардан, баҳорги ёғинлардан тўйинади, шу сабабли унинг суви баҳорда кўпайиб, ёзда ва қишида камайиб қолади. Йиллик сув миқдорининг 64,0 фоизи март-июнь ойларига, 11,7 фоизи июль-сентябрь ойларига тўғри келади. Шу сабабли, ҳавзадаги баҳорги тошқин сувларни тўплаб, сўнгра ёзда экин далаларига оқизиш мақсадида Қашқадарёда сув сиғими 500 млн. м³ бўлган Чимқўргон, сув сиғими 18 млн. м³ бўлган Қамаши (Лўқликул), Гузордарёда сиғими 283 млн. м³ бўлган Пачкамар сув омборлари қурилган. Шунингдек, округ ҳудудида Амударёдан сув олувчи Шўрсой ва Толимаржон сув омборлари ҳам бор. Қарши чўли яна Эски Анҳор канали орқали Зарафшон дарёсидан ҳам сув олади. Бу ишлар Қарши чўлида асрлар оша қақраб ётган қўриқ ерларни ўзлаштиришга имкон беради.

Қашқадарё округининг ер юзасида сув кам бўлса-да, лекин ер ости сувининг катта заҳираси бор. Бу ерда тўртламчи давр ётқизиқлари орасидан чиқувчи сувлар ҳозирги пайтда чорвачиликни сув билан таъминлашда катта роль ўйнамоқда. Шунингдек, бўр, палеоген, неоген давр ётқизиқлари орасидан шифобахш иссиқ маъданли сувлар топилган.

Округдаги жуда кўп қишлоқ, ишчи посёлкалари ва шаҳарларининг сув қувурлари ўша ер ости суви ҳисобига ишлайди.

Қашқадарё гидрогеологик районида ер ости сувининг ишлатилиш миқдори секундига 9,8 кубометрни ташкил этади.

Қашқадарё округи тупроқ қоплами унинг она жинсига, рельефига, ер ости сувларининг хусусиятига ва иқлимига боғлиқ ҳолда ҳудуд бўйича бир хил тарқалган эмас. Қашқадарё қайирларида аллювиал-утлок, қисман ботқоқ-утлок тупроқлар мавжуд бўлса, суғориладиган ерларда утлок-воҳа, бўз-воҳа тупроқлари тарқалган. Округнинг ғарбида шўрлашган сур-қўнғир, қум ва қумли тақир, тақир шўрхок тупроқлар жойлашган. Қарши чўлида оч бўз тупроқлар, чўлнинг шарқий баландроқ қисмида эса типик ва тўқ бўз тупроқлар тарқалган. Қарши чўлидаги Дўлталишур, Шўрсой, Сухташур каби ботиқларда шўрхок тупроқлар учрайди.

Округда асосан ксерофит ўсимликлар ўсади. Округнинг жануби-ғарбида, яъни Когон-Қарши темир йўлининг жанубидаги мустаҳкамланган, қумли ерларда шувоқ, илоқ, қора саксовул, қуёнсуяқ, қизил қандим, эфемерлардан сариқбош, ёлиқора; бир йиллик ўсимликлардан қирққиз, қумтариқ; кўп йиллик ўсимликлардан эса чайир, урғочи селин, туюпайпоқ ўсади. Округнинг шимолишиндиқлардан темир жусан, шувоқ, оқ қуврак; шурхок ўсимликлардан пашмак, шўра, Қарши воҳасининг атрофидаги тақирли ерларда бузоқбош, ҳар хил шўралар ўсади. Округнинг шарқий тоғ олди қисмида эса буғдойиқ, каврак, қарғаоёқ, Қашқадарё қайирларида қамиш, юлғун, янтоқ учрайди.

Округнинг жануби-ғарбидаги қумли чўлларда (Сандиқли қум-

лигидагы) Қизилқумга хос ҳайвонлардан геккон ва думалоқбош калтакесаклар, құм бұғма илони, әчкемарлар, гилли чүлда эса қаспий геккони, кемирудилардан құшоёқ, юрронқозиқлар учрайди. Ахён-аҳёнда жайрон, жайра ва бошқа ҳайвонлар учраб қолади.

Қашқадарे округининг табиий ресурслари хилма-хилдир. Бу ерда табиий газ, нефть, мармар ва бошқа қазилмаларнинг муҳим конлари бор.

Қашқадаре округида пахтачилик ва бошқа қишлоқ хұжалик әкинларининг үсиси ҳамда чорвачиликни ривожланиши учун қулагай иқлим ва ер ресурслари мавжуд. Бу ерда сугоришга яроқли 1,5 млн. гектар құриқ ер бор бўлиб, шундан Қарши магистрал каналининг ишга туширилиши муносабати билан 200 минг гектари үзлаштирилиб, сугорилмоқда. Округдаги құриқ ерларни үзлаштириш учун ҳозир Қарши магистрал канали орқали Амударёдан сув оладиган Толимаржон (сув сифими 1033 млн. м³ сув тўпланди) ва Шўрсой сув омборлари (сув сифими 2,5 млрд. м³ га мўлжалланган) қурилган.

Қашқадаре округи ўз навбатида Қуий Қашқадаре ва Қарши каби табиий-географик районга бўлинади.

I. Қуий Қашқадаре райони округнинг жануби-ғарбини ва Сандиқли қумлигининг шарқий қисмини ўз ичига олиб, қумли ҳамда тўртламчи давр аллювиал текисликларидан, туби шўрхок ёки тақирлардан ташкил топган берк ботиқлардан иборат.

Район округдаги қиши энг совуқ (январнинг ўртача ҳарорати 0° атрофида), ёзи иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати +30°) ва қуруқ (йиллик ёғин миқдори 200 мм) ҳудуд ҳисобланади. Бундай иқлимиш шароитда сур-қўнғир, қумли чўл ва ўтлоқ, шўрхок тупроқлар вужудга келиб, шувоқ-шўра, эфемер-шўра, янтоқ ва тўқай ўсимликлар ўсади.

Район қуийдаги ландшафтларга бўлинади.

1. Сур-қўнғир тупроқларда жузғун, бурган ва оқ саксовул каби ўсимликлар ўсувчи дўнг, марза ва бархан қумликлардан иборат бўлган аллювиал текисликлар ландшафти. Бу ландшафт Сандуқли қумлигини ўз ичига олади.

2. Ўлғун ўсадиган тақир ва шўрхок тупроқли аллювиал текисликлар ландшафти.

3. Бир йиллик шўралар ўсувчи, шўрхокли дельта текисликлар ландшафти. Бу ландшафт берк Шўрсой ботифини эгаллади.

4. Қашқадарёнинг қуий қисмидаги сугориладиган тақир тупроқли аллювиал текисликлар ландшафти.

II. Қарши табиий-географик райони гарбда Қуий Зарафшон округи, жануби-ғарбда Қуий Қашқадаре табиий-географик райони билан, шарқда эса Ҳисор-Зарафшон округи билан чегараланади. Район ўз ичига Қарши, Қарноб ва Нишон чўлларини олади. Рельефи жиҳатидан текис бўлса-да, уни Қашқадаре ва унинг ирмоқлари ва вақтли сойлар кесиб, нураган. Текисликларда қадимий қолдиқ тоғлар — Майманоқтоғ, Косонтоғ, Қўнғиртоғ ва бошқа баландликлар жойлашган.

Район Қашқадаре округидаги қиши нисбатан илиқ (январнинг

ўртача ҳарорати 0° атрофида), ёзи эса иссиқ (июннинг ўртача ҳарорати 28—29°), ёғин миқдори нисбатан кўпроқ (200—400 мм) ҳудуд ҳисобланади. Булар ўз навбатида районда оч бўз тупроқтарқалиб, ҳар хил ўтлар, хусусан эфемер ва эфемероид ўсимликларнинг усишига имкон берган.

Район ҳудудида қуйидаги ландшафт турлари мавжуд.

1. Пролювиал-аллювиал йўл билан вужудга келган ҳамда қўнғирбош ва ранг-қорабош ўсувчи оч бўз тупроқли тоғ олди текисликлар ландшафти.

2. Қўнғирбош ва ранг-қорабош ўсувчи оч бўз тупроқли пролювиал текисликлар ландшафти. Бу ландшафт асосан ўз ичига Қарноб чўлини олади.

3. Қўнғирбош ва қорабош ўсувчи оч бўз тупроқ тарқалган ва емирилган (нураган) паст тоғлар ландшафти. Бу ўз ичига Маймактоғ, Косонтоғ, Қўнғиртоғ ва бошқа қолдиқ тоғларни олади.

4. Суфориладиган оч бўз тупроқли пролювиал-аллювиал текисликларнинг маданий ландшафти.

Савол ва топшириқлар 1. Қашқадарё округи географик ўрнининг ўзига хос томонлари нималардан иборат ва Қўйи Зарабашон округидан қандай фарқ қиласди? 2. Ўзбекистон табиий ҳаритаси асосида округ ер усти тузилишини гапириб беринг ва у ерда учровчи қолдиқ тоғлар, баландликлар, чўллар ва шўрхокли ботиқларни билиб олинг. 3. Округ иқлимини ўзига хос томонлари нималардан иборат ва нима учун қишик ҳарорати Қўйи Зарабашон округига нисбатан илироқ? 4. Нима учун Қашқадарё округи Қўйи Зарабашон округи билан деярли бир хил кенглигда жойлашса-да, йиллик ёғин миқдори кўпроқ? 5. Нима учун округда ер усти суви кам, аксинча ер ости суви кўп? Ҳаритадан энг муҳим сув омборларни, катта ариқларни топиб, қурилиш сабабини тушунтириб беринг. 6. Ўзбекистон тупроқ ва ўсимлик ҳаритасидан фойдаланиб, округда қандай тупроқ-ўсимлик турлари борлигини билиб олинг. 7. Ўзбекистон табиий ҳаритасидан округдаги табиий географик районларни топиб, улар ҳақда гапириб беринг.

СУРХОНДАРЕ ОКРУГИ

Округ Ўзбекистоннинг энг жанубий қисмидаги Шеробод-Сурхон водийсининг текислик қисмларини эгаллади. Сурхондарё округи фарбда Келиф-Шеробод-Сариқамиш паст тоғлари ва Сурхон тоғлари, шимоли-шарқида Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағри, шарқда эса Боботогнинг фарбий ёнбағирларининг қуий қисми билан ўралган. Унинг жанубий чегараси эса Амударё орқали ўтади (33- расм).

Округ геологик тузилиши жиҳатидан Ҳисор-Зарабашон округидан фарқ қиласди, у синклинал ботиқда жойлашган ҳамда неоген ва антропоген даврнинг қалин аллювиал ва пролювиал ётқизиқлари билан тўлган. Бу ботиқда ҳозир ҳам неотектоник жараёнлар давом этмоқда, округ атрофидаги тоғлар кўтарилиб, ботиқ чўкиб бормоқда.

Округнинг фарбий қисмida жойлашган, Амударёдан Шеробод шаҳригача чўзилган Келиф-Шеробод ва Шеробод водийсидан шимоли-шарққа чўзилган Шеробод-Сариқамиш паст тоғлари жуда

Ҳам емирилган булиб, бўр даврининг гиллари, палеогеннинг оҳактошлари ва доломитларидан тузилган.

Амударё, Сурхондарё ва Шеробод дарёсининг қайир ва кўҳна қайирлари антропоген даврининг қум ва шағалларидан ташкил топган булиб, уларнинг устини анча қалин қумоқ, лёссимон жинслар қоплаб олган.

Сурхондарё округи шимоли-шарқдан жануби-ғарбга таҳминан 170 км чўзилган. Округнинг шакли учбурчакка ўхшайди, жануби-ғарбий қисмида эса кенгаяди ва 110—115 км га етади, шимоли-шарқий қисмида эса кенглиги атиги 15—20 км дир.

Округда баландлиги 270—550 м келадиган қия текисликлар кўп. Лекин тоғлардан оқиб тушадиган кўпдан-кўп дарёлар, сойлар текисликни парчалаб, ўнқир-чўнқир жарлар ҳосил қилган. Сурхондарёнинг ўнг қирғофида Эски Термиз, Учқизил (414 м), Занг, Ховдоф (557 м), Оққурғон ва чап қирғофида Жайронхона, Кўкайди, Лалмикор (500 м), Оқтоғ (750 м) каби марзалар бор.

Ховдоф марзаси шимолга қараб давом этади ва Қизириқдара чўлига тулашиб кетади. Бу чўл лёссли жинслардан иборат булиб, мутлоқ баландлиги 400—500 м га етади. Қизириқдара чўли ва Ховдоф марзаси Сурхондарё воҳасини Шеробод воҳасидан ажратиб туради. Шеробод воҳаси Шеробод дарёсининг жуда катта ёйилма конусида жойлашган булиб, марказий қисмида боткоқ босган пастроқ ерлар ҳам бор. Бу ёйилма конуслар қум ва шағаллардан ташкил топган. Округнинг энг паст ерлари Амударё қайирларида жойлашгандир. Бу қайир ва кўҳна қайирлар устини қумоқ, қумлар ва шағаллардан иборат бўлган аллювиал ётқизиқлар қоплаган.

Округнинг жанубий қисмида қумликлар бор. Булардан энг муҳими Ховдоф ва Учқизил марзаларининг шарқидаги Каттақумдир. Округда тақир, шўрҳоклар, Амударё соҳилларида эса боткоқ босган ерлар учрайди. Округнинг ўрта қисмидан Сурхондарё оқиб ўтиб, бир неча қайир ва кўҳна қайирларни ҳосил қилган. Бу кўҳна қайирларнинг нисбий баландликлари 3—12 м га етади ва баъзи ерлarda тикка кўтарилиб кетади. Улар устини эса қалин (30—90 м) қумоқ ва лёссимон жинслар қоплаб олган. Бу юмшоқ жинслар оқар ва вақтли сувларнинг иши туфайли ювилиб, жарлар ҳосил қилган.

Сурхондарё округини ғарбдан, шимолдан ва шарқдан ўраб турган тоғлар ёзда ҳам, қишида ҳам ҳаво массаларининг округга ўтишига анча тўсқинлик қиласи. Шунинг учун ҳам округ бутун республикамиздаги энг иссиқ ўлқадир (йиллик ўртача ҳарорати $+17^{\circ}\text{C}$). Ёз қуруқ ва жазира маисиқ, қиш юмшоқ ва илик келади; шунинг учун ҳам субтропик ўсимликлар ўса олади. Январнинг ўртача ҳарорати $+1^{\circ}$, $+4^{\circ}\text{C}$ бўлади. Лекин баъзан қиш ойлари анча совиб кетиб, энг паст ҳарорат -20° , -27°C га тушади. Июннинг ўртача ҳарорати $+28^{\circ}$, $+32^{\circ}\text{C}$, энг юқори ҳарорат эса $+42$, $+48$ даражада бўлади. Термиз шаҳрида ёз кунларида ҳарорат ҳатто $+50^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади.

Ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ дан юқори булган кунларнинг сони бир йилда 290—320 га етади. Вегетация даврида ҳароратлар йигиндиси 5500° — 5960° бўлади.

Сурхондарё округида баҳорда охирги совуқ тушишнинг ўртача муддати 2—15 мартларга, кузги биринчи совуқ тушишнинг ўртача муддати эса 20—25 октябрларга тўғри келиб, совуқ бўлмайдиган кунлар миқдори 227—266 га тенг.

Округда ҳарорати 0°C дан пастга тушмайдиган давр нолга тенг, бинобарин вегетацияли қиши 94 — 100% ни ташкил этади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Қашқадарё округида 51 — 66% , Қўйи Зарафшон округида 41 — 55% , Тошкент-Мирзачўл округида 33 — 46% , Қўйи Амударё округида 0 — 4% .

Сурхондарё округидаги бундай қулай иқлимий шароит субтропик ўсимликларни ўстириш, ингичка толали пахта, шакарқамиши каби иссиқсевар ўсимликлар экишга имкон беради.

Округ тоғлар орасидаги берк ботиқда жойлашганлигидан ёғин кам (133 — 360 мм). Ёғин миқдори ҳудуд рельефининг тузилишига боғлиқ бўлиб, жануби-ғарбдан шимоли-шарққа томон кўпайиб боради: округнинг жануби-ғарбий текислик қисмида (Термизда) бир йилда 133 мм ёғин тушса, шимоли-шарқий қисмида (Денов районида) 360 мм га етади. Ёғиннинг асосий қисми баҳор ва қишида (88% и) ёғади, ёзда эса ёғин жуда кам (2%) тушади. Ёғиннинг бир қисми қор ҳолида ҳам тушади, лекин у узоқ сақланмайди. Қор округда баъзи йиллари умуман ёғмайди, баъзи йиллари эса 15 кундан 23 кунгacha қор ёғиб, қалинлиги 1 — 2 см га етиб, 5 — 7 кун эримай туриши мумкин. Бундай қишлоар камдан-кам бўлиши мумкин. Округда ғарбий, жануби-ғарбий ва шимоли-шарқий шамоллар энг кўп эсади. Шамолларнинг тезлиги бир хил эмас, ўртача тезлиги секундига $2,6$ м. Аммо баъзан тезлиги секундига 15 м дан ошадиган кучли шамоллар ҳам бўлиб туради. Округ жануби-шарқий қисмининг иқлимига жануби-ғарбдан эсувчи қуруқ, чанг-тўзонли «аффон» шамоли салбий таъсир кўрсатади. Баъзан бу шамол соатлаб, ҳатто суткалаб эсиб, қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар етказади.

Сурхондарё округининг ер усти сув ресурслари унча кўп эмас.

Округнинг асосий дарёси Сурхондарё бўлиб, Тўполондарё ва Қоратоғдарёларнинг қўшилишидан вужудга келади. Ўша икки дарёнинг қўшилган еридан Амударёгача Сурхондарёнинг узунлиги 169 км бўлиб, секундига ўртача 120 m^3 ёки йилига $3,78$ млрд. m^3 сув оқизади.

Тўполондарё Қоратоғдарёга нисбатан серсув. Унинг ўртача йиллик сув сарфи секундига 52 m^3 бўлса, Қоратоғдарёничи 23 m^3 дир.

Сурхондарё Тўполондарё ва Қоратоғдарёнинг қўшилган еридан Амударёгача бўлган қисмида 60 га яқин сойларга қушилади. Бу сойларнинг энг муҳимлари: Тошкўприксой, Оққопсой, Шўрчисой, Қуруқсой, Лалмикорсой ва Ловловсойлардир. Бундан ташқари, уни Сангардоқ ва Хўжаипок каби катта ирмоқлари бор.

Округнинг иккинчи муҳим дарёси Шерободдарёдир. У Амударёнинг ўнг охирги ирмоғи ҳисобланиб, Иргали ва Қизилсой дарё-

ларининг құшилишидан ҳосил бұлади. Дарёning умумий узунлиғи 186 км, ұртаса күп йиллик сув сарфи тоғдан оқиб чиққаң, $7,5 \text{ м}^3/\text{сек}$ га тенг.

Округ дарёлари асосан округ атрофини үраб турған тоғлардагы қорларнинг эришидан ва ёмғир сувларидан түйинади. Шу сабабли дарёларнинг суви баҳорда күпайыб, йиллик оқимнинг 58—68% ини үтказади. Езда дарёларнинг суви камайыб қолади ва йиллик оқимнинг фақат 11—15 фоизи оқади, холос.

Округ дарёларининг баҳорғи тошқын сувларини тұплаб қолиши мақсадида Сурхондарёда Жанубий Сурхон (сув сиғими 800 млн. m^3), Учқизил (сув сиғими 165 млн. m^3) сув омборлари қурилған. Округдаги сув таңқислигига барҳам бериш мақсадида Аму-Занг машина канали ҳам қурилған.

Гидрологик жиҳатдан округ Шеробод-Сурхондарё артезиан ҳавзасыга кириб, ер ости сувларига жуда бой. Ер ости сувларининг ишлатилиш миқдори секундига $33,9 \text{ m}^3$ ни ташкил этади. Ер ости сувлари бүр, палеоген, неоген ва антропоген давр ётқизиқлары орасыда учрайди.

1000—2000 м чуқурлікдаги ер ости сувлари бүр даври ётқизиқлары орасыда учраб, минераллашған, термик сувлардир. Уларнинг ҳарораты 60° — 70°C гача бұлып, қазилғанда үзи отилиб чиқади.

Палеоген ван неоген ётқизиқлары орасыдан сув 140—150 м чуқурлікдан чиқып, минераллашған ва иссиқ. Антропоген давр ётқизиқлары орасыдаги сувлар кам минераллашған бұлып, чучук ва ҳарорати ҳам пастдир.

Округнинг текисликлар кисмida оч бұз тупроқ бұлып, таркибидә 1—1,5% чиринді бор. 500 м дан баланд жойларда оддий бұз тупроқ учрайди. Оддий бұз тупроқ оч бұз тупроққа нисбатан чириндига бой (1,5—2%). Округнинг گрунт суви ер бетига яқын бұлған жануби-ғарбий районларда шүрланған тупроқ, гил (соз) жинслардан иборат бұлған ерларда эса тақыр бұз тупроқ учрайди. Округнинг жанубий қисмидаги құм массивларыда құмли чүл тупроқлар күпчиликни ташкил этади. Баъзи ерларда күчіб юрувчи кичик-кичик құмликлар ҳам учрайди. Сурхондарё, Амударёning қуи қайирларыда эса аллювиал үтлоқ, үтлоқ-ботқоқ тупроқлар ҳам мавжуд.

Округнинг Сурхондарё, Шеробод воҳаларидаги бұз тупроқлар табии хусусиятларини йүқотиб, сугориладиган маданий воҳа тупроқларига айланған. Шу сабабли табии үсимликлар ҳам жуда кам. Табии үсимликлар күпроқ ҳайдаб экин экилмайдиган жойларда учрайди, Округда құнғирбөш — ранг үсимлик жамоаси күп тарқалған; лолақизғалдок, нұхатак каби бир йиллик әфемерлар ҳам үсади: күп йиллик үсимликлардан келинсупурғи, оқ құврақ ва бошқалар, шүрхок ерларда эса сета ва саған кабилар учрайди.

Округнинг құмликларыда (Каттақұм) үсимликлардан қандым, оқ саксовул, черказ, тароқбош, ялтирибош үсади, дарё водийларининг қуи қайирларыда ва айниқса Амударёning үнг қирғоқларыда

юлғун, жийда, турғанғил, терак, қамиш, савағиң үсадыған тұқайлар бор.

Округда бүри, тулки, жайрон, каламуш, құшоёқ, юмронқозық, күрсичқон каби ҳайвонлар билан бирга Ҳиндистон майнаси, қалдирғоч, күршапалак каби субтропик зонага хос бұлған вакиллар ҳам бор.

Тұқайзорларда буғу, тұқай мушуги, қирғовул, бухоро буғуси (хонгүл), ёвойи чүчқа, чиябүри, тулки, ғоз, үрдак учрайди.

Округда үқилен, геккон калтакесаги, туркистон кобраси (күзойнакли илон), жайра, тасқара, сұфитұрғай, чил, каклик ҳам бор.

Сурхондарә округи табиатнинг ажойиб қисмини, хусусан Амударә тұқайзорларини ва Құхитанғ төг ландшафтининг ва у ердаги үсимлик ва ҳайвонларнинг баъзи турларини ҳимоя қилиш мақсадида Сурхондарә құриқхонаси ташкил этилган. Құриқхона майдони 28014 гектар бўлиб, иккى қисмдан иборат. Биринчи қисми 1960 йили ташкил этилган собиқ Пайғамбаророл құриқхонасини ўз ичига олади. Бу қисм Термиз шаҳридан 20 км масофада, Амударә уртасидаги, эни 5 км, бўйи 15 км, майдони 4 км² бўлған оролда жойлашиб, унда тұқай ландшафти ва у ердаги үсимликлар (баланд бўйли қамишзорлар, илонпечак, ёвойи жийда, тол, тераклар) ҳамда ҳайвонлар (хонгүл, тұнғиз, тулки, тұқай мушуги, чиябүри, қуён, тождор туствовуқ, илонлар) ҳимоя қилинади.

Сурхондарә құриқхонасининг иккинчи қисми собық Құхитанғ буюртмасини ўз ичига олиб, төг ландшафти ҳамда морхұр, Бухоро төг қўйи, бургут ҳимоя остига олинади. Шунингдек, бу құриқхона ҳудудида Зароудкамар археологик ёдгорлиги ҳам жойлашган.

Сурхондарә округининг энг муҳим табиий ресурслари унинг қазилма бойликлари, сувлари, иссиқ иқлими ва унумдор тупроқларидир.

Округдаги энг муҳим қазилма бойликлар нефть ва табиий газдир.

Округдаги иккинчи муҳим табиий ресурс бу ер ости сувларидир. Гидрогеологларнинг маълумотига кўра Сурхондарә ва Шеробод артезиан ҳавзасидан фақат неоген ётқизиқлари орасидагина катта сув заҳиралари бор. Округдаги фақат антропоген жинслари орасидаги сувлардан фойдаланилса, құшимча яна 30 минг гектар ерни суориш мумкин. Лекин бу ер ости сувларидан ҳозирча кам фойдаланилмоқда. Фақат Жайронхона, Кўкайди, Лалмикор каби жойларда қазилған минерал-термик сувлардан даволашда фойдаланилмоқда.

Округ Ўзбекистондаги ягона қуруқ субтропик иқлимли райондир. Бу ерда ингичка толали пахта учун иссиқ етарли бўлған давр 240—250 кун. вегетация давридаги ижобий ҳароратлар йиғиндиши 5960° га етади, қишлоқ илиқ (январнинг ўртача ҳарорати +1°, +4°C). Шу сабабли, округнинг Денов районидаги қуруқ субтропик илмий-текшириш институтининг Жанубий Ўзбекистон зонал тажриба станцияси жойлашган бўлиб, у ерда шакарқамиш, цитрус үсим-

ликлари, хурмо, чой, анор, анжир, пекан ёнғоғи каби ўсимликлар ўстирилмоқда.

Сурхондарё округи ўз навбатида Термиз-Денов, Шеробод табиий-географик районларига бўлинади.

I. Термиз-Денов табиий-географик райони ўз ичига Сурхондарё водийсини, хусусан унинг ҳозирги замон ва кўхна қайирларини олади. У шарқдан ва жануби-шарқдан Боботоғ этаклари билан, шимолдан Мачитли тоғи билан, шимоли-ғарбдан Сурхонтоғ билан, ғарбдан Хоудоғ-Учқизил марзалари билан, жанубдан эса Амударё билан чегараланади.

Район атрофи тоғлар билан ўралиб, қуруқ субтропик иқлим билан тавсифланади. Унинг қиши илиқ (январнинг ўртача ҳарорати $2, 8^{\circ}$), ёзи эса қуруқ ва иссиқ (июлнинг ўртача ҳарорати $+29 +31^{\circ}$), $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган кунлардаги ҳароратнинг йиғиндиси $5100 - 5700^{\circ}$ га етади, ўсимликлар йил бўйи вегетацияси ни давом эттиради.

Районда қуийидаги ландшафтлар учрайди.

1. Қамиш ва тўқай ўсимликлари ўсуви, ўтлоқ-ботқоқ, аллювиал тупроқли қайирлар ландшафти.

2. Сугориладиган бўз, аллювиал ўтлоқ ва тақир тупроқлари тарқалган маданий ландшафт.

3. Эфемер ўсимликлари билан қопланган, оч бўз тупроқли, лёссли сертепа текисликлар ландшафти. Бу ландшафт Лалмикор ва Оққопчиғай даштини ўзлаштирилмаган ерларини ўз ичига олади.

4. Илоқ-бутасимон псаммофит тур ўсимликлар ўсуви аллювиал текисликларнинг эол қум ландшафти. Бунга дунг ва марзасимон қумлардан ташкил топган Сурхондарёнинг ўнг қирғоғидаги Каттақум ва чап қирғоғидаги Улоққирилди қумлари киради.

5. Мезокайназой негизига эга бўлган, шувоқ ўсуви сур-қўнғир тупроқли паст тоғлар ва баландликлар ландшафти. Бунга Сурхондарёни нуий қисмининг ўнг соҳилида жойлашган Ховтоғ, Учқизил баландликлари ва чап соҳилида жойлашган Жайронхона ва Оқтоғ киради.

II. Шеробод табиий-географик райони асосан Шеробод чўлини ўз ичига олиб, шарқдан Ховтоғ ва Учқизил баландликлари орқали Термиз-Денов районидан ажраб турса, жанубда Амударё билан, шимоли-ғарбда Келиф-Шеробод марзаси билан, шимолида эса Шеробод-Сариқамиш марзаси билан чегараланади.

Район Шеробод дарёсининг ёйилма конусини ва дельтасини хамда Амударёнинг янги ва иккита эски кайирини ўз ичига олиб, Ўзбекистондаги энг илиқ қиш (январнинг ўртача ҳарорати $+4,0^{\circ}$) ва энг иссиқ (июлнинг ўртача ҳарорати $+32,1^{\circ}$) ёз бўладиган ҳудуди. Районда ёғин кам (йиллик ёғин миқдори 150—160 мм) тушиб, вегетацияли қиши 100% га етади. $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган кунларидаги ҳароратнинг йиғиндиси энг кўп бўлиб, $5700 - 5960^{\circ}$ ни ташкил этади.

Район үз навбатида қуийдаги ландшафтта бұлынади.

1. Қамиш ҳамда туқайзорлардан иборат, утлоқ ва ботқоқ қайыр аллювиал тупроқлари тарқалған ҳозирғи замон дельта ландшафти. Бу ландшафт Амударёning янги ва иккита эски қайирини үз ичига олади.

2. Шувоқ үсувчи, сур-құнғир тупроқли тоғ олди пролювиал текисликлар ландшафти. Бу ландшафт Келиф-Шеробод марзасининг тоғ олди текисликларини үз ичига олади.

3. Тақир ва утлоқ тупроқли аллювиал текисликлар маданий ландшафти.

4. Шеробод чулининг асосий қисмини әгаллаган маданий ландшафт.

Сабол ва топширикілар 1. Сурхондарё округи географик үрнининг үзінгі хостомонлар нималардан иборат ҳамда қандай сабабларга кура қуруқ субтропик ландшафт вужудға келген? 2. Ўзбекистон табиий ҳаритаси ёрдамида округ ерести тузилишини гапириб беринг. 3. Німа учун ва қандай сабабларга кура округда қишлоқтың булиб, вегетациялы қишлоқ 94—100% ни ташкил этади? 4. Мәйлумкі округда ер ости сувлари күп булиб, ишлатилиши миқдори секундига 33,9 м³ ни ташкил этади, сабабини тушунтириб беринг. 5. Округда қандай құрықхона жойлашған ва у қандай мақсад учун ташкил этилған? 6. Табиий шароитлари жиҳатидан Термиз-Денов райони билан Шеробод районининг үшаш томонлари ва тафовутлари нималардан иборат?

ФАРБИЙ ТЯНШАНЬ ОКРУГИ

Бу округта Фарбий Тяншань тоғ тизмасининг Ўзбекистон ҳудудидаги қисми киради.

Округ мустақил табиий-географик үлка сифатида ғарбда Тошкент-Мирзачұл округи билан үралған, шимолда, шарқда ва жаңубда унинг чегараси шартли равишда Ўзбекистоннинг Қозогистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон билан бұлған давлат чегарасынан тұрғы келади. Бу чегара шимоли-ғарбда Қоржантө, шимолда Талас Олатоғи, шарқда Писком тоғларининг үңқ қисмлари, жаңубда эса Қурама, Мұғул тоғларининг сувайирғич қисмлари орқали үтади.

Фарбий Тяншань округи үзининг геологик ривожланиш тарихи, ер юзасининг тузилиши ва географик мұхиттіннің бошқа хусусиятлари жиҳатидан Тяншань тоғ тизимининг қолған қисмларидан фарқ қиласы.

Округ республикамизда биринчи пайдо бұлған қуруқлик булып, палеозой оқактошлари, құмтошлари ва сланецларидан иборат. Улар орасида эса гранит, гранидиорит ва порфир каби отқынди жинслар ҳам учрайди. Тоғларнинг ёнбағырларыда ва қуийи этакларыда ҳамда дарё водийларыда ғаш мезо-кайнозой ётқизиқлари, айникса палеоген ва неоген давр шағал ва гил қатламлари ҳам бор. Округдаги тоғларнинг вужудға келишида аввало каледон, сұнгра эса герцин орогенетик жараёнларининг ролі жуда катта бұлған ва бу тектоник жараёнлар таъсирида деңгиз сувлари че-

киниб, күп ерлар қуруқликка айланган. Бироқ Чирчиқ-Оҳангарон водийлари ўринида эса неоген давригача денгиз суви турган ва қўлтиқ бўлган.

Пенепленлашган ерлар алъи тектоникаси таъсирида қайта кўтарилган ва рельефи ҳозирги қиёфага келган.


Фарбий Тяншань округининг ҳозирги замон рельеф шаклларининг вужудга келишида антропоген давр музланиш ва неотекtonик жараёнларнинг ҳамда дарёларнинг ишлари катта роль ўйнаган. Округда неотекtonик жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Зилзилалар ва дарё қайирларининг ўзгариб туриши бунинг ёрқин далилидир.

Фарбий Тяншань округи рельеф хусусиятлари жиҳатидан Тяншанинг бошқа қисмларидан фарқ қиласи, Чунки, округда тоғлар панжасимон, шимоли-шарқдан жануби-фарбга қараб параллел ҳолда йўналган бўлиб, бир-биридан чуқур ва тор дарё водийлари орқали ажralиб туради ва шимоли-шарқда кенглик бўйлаб ҷузилган Талас Олатогига бориб туташади.

Талас Олатоги Фарбий Тяншань тоғ тизимининг асосий тизмаси бўлиб, уни Қирғизистон Олатогидан Туюшув (3856 м) довони яқинида Талас дарёсининг юқори оқими ажратиб туради. Талас Олатоги Ўтмак (3330 м) довонигача жануби-фарбга сўнгра эса фарбга йўналгандир. Тоғ анча баланд бўлиб, бир қанча чўққилари доимий қор чегарасидан баландда туради. Лекин округга Талас Олатогининг ҳаммаси эмас, балки фақат Майдонтол довони билан Сандалаш дарёсининг юқори оқими орасидаги энг баланд қисмигина киради. Бу қисмда тизманинг ўртacha баландлиги 3000—3500 м. Энг баланд чўққиси — Манас 4488 м га етади ва бутун Талас Олатогининг энг баланд нуқтаси ҳисобланади. Тизманинг иккичи баланд чўққиси Майдонтол 3521 м га етади. Талас Олатоги асимметрик тузилган бўлиб, шимол томондаги тармоқлари уқадар катта эмас. Аксинча, жанубга қараб эса Қоржантог, Угом, Писком ва Кўксув каби тизмалари ажralиб чиқсан (34- расм).

Қоржантог тизмаси округнинг энг фарбий қисмидаги чегара бўлиб, жануби-шарққа йўналган ва Угом дарё водийси орқали шарқдаги Угом тизмасидан ажralиб туради. Қоржантог асимметрик тузилган бўлиб, шимоли-фарбий ёнбағри ётиқ ва кенг, жануби-шарқий ёнбағри эса қисқа ва тикдир. Тизма умуман анча емирилган ва ҳамон текисланиб бормоқда. Шу сабабли, бу ерда қояли, киррали баланд чўққилар жуда кам, ўртacha баландлиги 2000 м, айрим чўққилари эса 2500—2800 м га етади. Энг баланди Мингбулоқ (2834 м) чўққисидир. Қоржантог жануби-фарбий томонга аста-секин пасая бориб, қатор-қатор қирларга айланиб кетади. Бу қирлар орасида баландлиги 1768 м бўлган Қозиқурт тоғи бўлиб, бу тоғ шимоли-шарққа томон баландлашиб боради ва Қоржантогга туташиб кетади. Қоржантог эса Угом дарёсининг юқори оқими яқинида Угом тизмаси билан бирлашиб кетади.

Угом тизмаси Писком ва Угом дарёлари орасида бўлиб, 115 км га ҷузилган. Бу тизма Манас тоғ узели яқинида Талас Олатоги билан туташади. Угом тизмаси Қоржантокча нисбатан анча ба-



2

34- расм. Фарбий Тяньшань округининг орографик чизмаси:

1. Сайрам чўқиси — 4238 м. 2. Майдантол тоги. 3. Кичик Чимён тоги. 4. Катта Чимён тоги. 5. Оқсоқота платоси. 6. Оҳангарон платоси. 7. Кизилнурга тоги. 8. Писком дарёси. 9. Қайроқкум сув омбори. 10. Чордара сув омбори. 11. Чорвоқ сув омбори. 12. Қоржонтор тизасми. 13. Бештор чўқиси — 4299. 14. Хўжакент сув омбори. 15 — Қоржонтоғниң Мингбулоқ чўқиси — 2834 м. 16. Газалкент сув омбори. 17. Туябўғиз (Тошкент) сув омбори. 18. Арасон тонгниң Оқторг чўқиси — 4045 м.

ланд ва қояли, ёнбағирлари тик, чуқур сойлари кўп. Угом тизмасининг ўртача баландлиги 3000 м бўлиб, айрим чўққилари 3500—4000 м га етади. Энг баланд жойи Сайрам чўққисидир (4238). Угом тизмаси шимоли-шарққа борган сари баландлашади ва қояли, қиррали кўпгина чўққиларни ҳосил қиласди. Чўққилар орасидаги водийларда эса қор уюmlари ва кичик-кичик музликлар ҳам учрайди. Сайрам чўққисидан шимоли-шарққа борган сари тизма бир қанча тармоқларга ажралади. Бу тармоқлардан энг муҳимлари Тупроқбел ва Майдонтолдир. Тупроқбел тоғи Онаўлган ва Ойғайн дарёлари орасидадир. Бу тоғлар анча баланд бўлиб, баъзи чўққилари 4300 м га етади (Тупроқбел чўққиси 4234 м.) Шу сабабли бу ерда қор уюmlари ва музликлар кўп. Дарёлари эса шўх бўлиб, тор жойларда остона ва шаршаралар ҳосил қилиб оқади.

Писком дарёсининг юқори оқимида Талас Олатоғи Угом тизмасига параллел йўналган ва Писком-Қўксув дарёларининг сув айиргичи бўлган Писком тизмасини ажратиб туради. Писком тизмаси округнинг шимоли-шарқий чегараси ҳисобланади. Бу тизма палеозой оҳактошлари ҳамда гранит, сиенит жинсларидан таркиб топганлигидан жуда ҳам қояли, қиррали, ёнбағирлари тик, чўққилари эса анча баланд ва ўткирдир. Тизманинг ўртача баландлиги 3200 м. Аммо айрим чўққилари 4300 м га ҳам етади. Писком тизмасидаги асосий чўққилар: Пиёзак—3718 м, Оқтуяўлган 4224 м, Опалитов —4216 м, Бештор —4299 м.

Писком тизмасида кичик-кичик музликлар бор. Умуман тизмада 47 та музлик бўлиб, энг катталарининг узунлиги 4—5 км келади.

Писком тизмаси жануби-ғарбга бир оз пасая боради ва Чотқол водийсига етмасдан Қўксув дарёсининг юқори оқими орқали жануби-ғарбга Қўксув тизмаси ажралиб чиқади. Қўксув тизмасининг узунлиги 80 км бўлиб, Писком тизмасига нисбатан паст бўлса-да, оҳактошлардан тузилганлиги сабабли жуда қояли, чиқиш қийин-дир.

Қўксув тизмаси жануби-ғарбга пасайиб, Алом довони (2700 м) яқинида Мингтўким тоғини ажратиб чиқаради.

Қўксув тизмаси шарқдаги Чандалаш тизмасидан шу ном билан аталувчи дарё водийси орқали ажралади. Чандалаш тизмаси шимоли-шарқдан жануби-ғарбга 50—60 км чўзилган бўлиб, энг баланд жойлари 3500—4000 м га етади. У Чотқол тизмасидан шу номли дарё водийси орқали ажралади.

Чандалаш тизмаси жануби-шарқда Чотқол тизмасидан Чотқол дарё водийси орқали ажралиб туради. Лекин Чотқол тизмасининг фақат Чапчама довонидан жануби-ғарбдаги қисмигина Фарбий Тяншань округига қарайди. Шу сабабли биз асосан шу округга кирадиган қисминигина кўриб ўтамиз. Умуман Чотқол тизмаси жануби-ғарбга қараб 250 км га чўзилган. У Чапчама довонигача анча баланд (4000 м) бўлиб, яхлит тизма ҳисобланади. Довондан жануби-ғарбдаги қисми (Ўзбекистондаги қисми) анча кенгаяди ва Оҳангарон, Косонсой, Фовасой, Чимён дарёларининг юқори

оқимлари ва бошқа сойлар орқали бўлиниб-бўлиниб кетади. Булар ичида энг муҳимлари Қумбел, Саргардон, Қизилнур, Арашон ва бошқа тоғлардир. Бу тоғлар Оҳангарон платосини шимолдан ўраб туради. Булар ичида энг баланди ва ўр-қирли Қизилнурга тоғи бўлиб, унинг Қирчанди чўққисининг баландлиги 4045 м га етади. Бу ерда мореналар, трогсимон водийлар тез-тез учраб туради. Қизилнурга тоғи жануби-ғарбга, яъни Тошкент олди текислигига (айниқса, Заркент-Сўқоқ атрофларига) қараб аста-секин пасайиб тушади. Қизилнурга тоғи шимолга қараб давом этади ва унча катта бўлмаган платога¹ тикка тушади. Бу платони Оқсоқота ва Оқбулоқ (Жанубий Майдонтол) дарёлари бир қанча қисмларга бўлиб юборган. Оқсоқота платосининг шимоли-шарқида оҳактошлардан иборат Катта Чимён (3266 м) тоғи жойлашган. Бу тоғнинг шарқида ботиқсимон Чимён водийси бўлиб, унда машхур Чимён курорти жойлашган. Чимён водийсининг шарқида эса Кичик Чимён тоғи (2100 м) бор. Чимён тоғлари жануби-шарқида ясси чўққилардан иборат бўлган Пўлатхон тоғлигига айланади, жануби-ғарбга қараб ёнбагирлари ётиқ арчазор ва мевали дараҳтлар билан қопланган Майқашқа ва Суранота тоғларига туташиб кетади.

Оҳангарон платосининг шарқида кристалл жинслардан тузилган Кўкали тоғи жойлашган. Бу массивда эни 0,5 км, бўйи 1,5 км бўлган Кўкали кўли бор.

Оҳангарон платоси палеозой жинсларидан иборат бўлиб, баландлиги 1000—2000 м. Лекин атрофини ўраб турган тоғларга туташиб ерларида баландлик 3400 м га етади. Платони Оҳангарон дарёси жуда ҳам парчалаб, чуқур водийлар ҳосил қилган. Оҳангарон платоси жануби-ғарбга томон баландлашиб боради ва Қурама тизмасига туташиб кетади.

Қурама тизмаси жануби-ғарбга йўналган бўлиб, анча емирилган ва уни Оҳангарон дарёсининг чап ирмоқлари (Арашонсой, Тошсой, Қамчисой ва бошқалар) ўйиб-ўйиб юборган. Тизманинг ўртача баландлиги 1800—2000 м, энг баланд қисми Оҳангарон шаҳри кенглигидаги Бобоиёб чўққисидир (3769 м.) Қурама тизмасининг жануби-ғарбга давом этган қисми Қорамозор тоғи деб атлади. Бу тог Даљварзин чўлига яқинлашгач, жуда пасайиб 600—500 м га тушиб қолади.

Қорамозор тизмасининг жануби-шарқида паст, жуда емирилган ва қуруқ сойлар ўйиб юборган Мўғултоғ жойлашган. Мўғултоғнинг узунлиги 35 км бўлиб, Қорамозор тизмасидан Мирзара-ботиғи орқали ажralиб туради, унинг ўртача баландлиги 1000—1200 м, энг баланд жойи 1628 м га етади. Мўғултоғ Сирдарё водийси томонга давом этади ва Фарҳод-Ширин қирларини ҳосил қиласиди. Ана шу ерда Сирдарё остоналар ҳосил қилган. Бу остоналар Фарҳод ГЭС қурилиши натижасида сув остида қолган.

¹ Биз бу платони Оқсоқота дарё номи билан атаб, Оқсоқота платоси де-йишни маъқул топдик.

Фарбий Тяньшань округидаги антиклинал тоғлар орасида қатор ботиқлар ҳам жойлашган. Булар ичиде энг муҳимлари Чирчиқ, Оҳангарон, Чотқол ботиқлари булиб, улар асосан ёш чўкинди жинслар билан тўлгандир. Дарёлар уларни кесиб ўтиб, бир қанча қайирлар ҳосил қилган.

Чирчиқ водийсининг атрофлари тоғлар билан үралган булиб, фақат жануби-фарб томони очиқдир. Водий Бўзсув яқинида кенгаяди ва Тошкент-Мирзачўл округи билан туташиб кетади. Аксинча, юқори қисмида Писком, Кўксув, Чотқол ва Уғом водийларига бўлинисб, жуда тораяди ва дарёлар анча чуқур зовлар ҳосил қилиб оқади. Чорвоқ ботифида Писком, Чотқол ва Кўксув водийлари туташиб, анча кенг, қозонсимон водий ҳосил қилади. Бу ботиқ палеоген, неоген ва антропоген ётқизиқлари билан тўлгандир. Хўжакент яқинида Чирчиқ водийси жуда тораяди ва ҳар иккала томондан тоғлар бир-бирига яқинлашади, худди ўша ерда Чорвоқ ГЭСи ва сув омбори (тўғони) қурилган. Хўжакентдан ўтгач, водий аста-секин кенгаяди бошлайди. Фазалкент яқинида Чирчиқ водийси кенгаяди ва бу ерда дарё қайирлари ҳам бор.

Оҳангарон водийси ҳам фақат жануби-фарбга очиқ булиб, юқори қисми тор ва чуқурдир. Дарё тез оқиб, остоналар ҳосил қилган. Водий Ангрен шаҳри яқинида кенгаяди. Облиқ қишлоғи ёнидан бошлаб дарё текисликдан оқиб, кенг қайирлар ва эски қайирлар ҳосил қилади.

Фарбий Тяньшань округининг иқлим хусусиятлари тахминан шу кенгликда жойлашган Тошкент-Мирзачўл округининг иқлимидан кескин фарқ қилади: қиши совук, ёз эса салқин ва сернам булади. Январнинг ўртача ҳарорати -3° , -14°C (Чорвоқда -2° , 7° , Чимёнда $-4,7^{\circ}$, Чотқолда $14,2^{\circ}$). Қиши ойларида шимолий ва шимоли-шарқий ҳаво массалари таъсирида энг паст ҳарорат -32°C дан пастга тушиши мумкин. Округда ёз ойларининг ҳарорати Тошкент-Мирзачўл округига нисбатан бир оз паст — июль ойининг ўртача ҳарорати 20° — 26°C (Ангренда $+26,4^{\circ}$ Чимёнда $+20^{\circ}\text{C}$). Энг юқори ҳарорати эса айрим жойларда 30° — 40°C га етади. Округда совуқсиз кунларнинг сони бир йилда 200 га боради.

Округ ер юзасининг тузилиши ёғин тақсимотига ҳам таъсир кўрсатади. Тоғларнинг ғарбий ҳаво массаларига очиқ бўлган ёнбағирларида йилига 1000 мм гача ёғин тушади. Аксинча, берк водийларда ва тоғларнинг шарқий ёнбағирларида эса йилига 200 мм гача ёғин ёғади. Ёғиннинг асосий қисми баҳор ва қишида ёғади, ёз ойларида эса ёғин кам ёғади. Округда кўпинча қор ёғади.

Фарбий Тяньшань округининг асосий дарёси — Чирчиқ ва Оҳангарондир. Чирчиқ дарёси Чотқол, Писком дарёларининг қўшилишидан вужудга келади. Сўнгра ўнг томондан Уғом, Қизилсув, Қорақия, Оқтош, Шўралисой, чап томонидан Қорамқулсой, Фалавасой, Оқсоқотасой, Паркентсой, Бошиқизилсой каби ирмоқларни қўшиб олади.

Чирчиқ дарёси қор-музларнинг эришидан туйинади. Дарё суви

март-июль ойларида кўпаяди. Энг кўп сув июнь ойида сарф бўлади, қишида эса суви жуда камаяди.

Чирчиқ дарёсининг ўртача сув сарфи (Хўжакентда) $224 \text{ м}^3/\text{сек.}$

Баъзан баҳорда жала бўлиб сел келганда (1959 йил 9 апрелда) секундига $2160 \text{ м}^3/\text{сек.}$ сув оқса, қишида (1956 йил 23 февралда) $22 \text{ м}^3/\text{сек.}$ сув ўтказади, холос.

Чирчиқ дарё ҳавзасида умумий майдони 173 км^2 бўлган 222 та кичик музликлар мавжуд бўлиб, улар асосан Чотқол ва Писком дарё ҳавзаларида жойлашган. Ўша музликларнинг энг каттаси (Писком ҳавзасида) Аютур-З музлиги бўлиб, майдони $5,6 \text{ км}^2$ га тенг.

Чирчиқ дарёсининг (Хўжакент ёнида) 55% суви Чотқол, 36% суви Писком, 9% суви Угом дарёларининг зиммасига тўғри келади.

Чотқол дарёси Қорағулжа билан Қорақасмоқ дарёларининг қўшилишидан вужудга келиб, узунлиги 223 км, сув йигадиган ҳавзасининг майдони 6870 км^2 . Дарё тор ўзанда шиддат билан оқиб, баъзи водийси кенгайган қисмида қайирлар ҳосил бўлади.

Чотқол дарёси ўнг ва чапдан бир неча ирмоқлар қўшиб олади, уларнинг энг муҳимлари (ўнг томондан) Чандалаш, Кўксув, (чап томондан) Терс ва Оқбулоқдир.

Чотқол дарёси қор-музларнинг эришидан тўйинади, шу сабабли йиллик оқимнинг (ўртача кўп йиллик сув сарфи қути қисмида секундига 124 м^3) 55% март-июнь ойларида оқизади.

Писком дарёси Майдонтол билан Оғайнин дарёларининг қўшилишидан вужудга келиб, узунлиги 70 км, сув йигадиган майдони 2840 км^2 . Писком дарёсига 40 дан ортиқ ирмоқлар келиб қуйилади. Дарё қор-муз сувларидан тўйиниб, ўртача йиллик сув сарфи қути қисмида секундига $82,2 \text{ м}^3$. Ушани 47% март-июнь ойларида, 38% июль-сентябрда, қолган 15% октябрь-февралга тўғри келади.

Чирчиқ дарёсининг энг йирик ирмоғи Угом дарёсидир. У Талас Олатогининг жанубий ёнбағридан Оқбурхон номи билан бошланади ва Хўжакент ёнида Чирчиққа қуйилади. Угом дарёсининг узунлиги 70 км, ҳавзасининг майдони 889 км^2 . Угом дарёсининг кўп йиллик сув сарфи секундига $23,9 \text{ м}^3$ бўлиб, ушани 63% март-июнда, 22% июль-сентябрда, 15% октябрь-февралда оқизади.

Чирчиқ дарёси оқимини тартибга солиш учун сув сифими 2 млрд. м^3 бўлган Чорвоқ ҳамда Хўжакент ва Фазалкент сув омборлари қурилган.

Округнинг иккинчи муҳим дарёси Оҳангарондир. У тоғли қисмида тор водийда оқади. Ангрен шаҳридан ўтгач, унинг водийси кенгаяди, кенг қайирлар вужудга келади.

Оҳангарон дарёсини Яккаарчасой, Ертошсой, Серкақирилдисой, Дукент, Қарабов, Ниёзбош каби ирмоқлари бор. Дарё қор-ёмғир сувлари билан тўйинади. Шу сабабли унинг суви апрель-май ойларида кўпаяди ва йиллик оқимнинг 51% ини, май ойида эса йиллик оқимнинг 32% ини ўтказади. Қишида дарё суви жуда ҳам камаяди.

Оҳангарон дарёсининг кўп йиллик ўртacha сув сарфи (Турк қишлоғи ёнида) $22,8 \text{ м}^3/\text{сек}$, барча ирмоқлари билан эса $43 \text{ м}^3/\text{сек}$. ни ташкил этади.

Оҳангарон дарёсининг тошқин сувларини тўплаш мақсадида сув сифими 80 млн. м^3 бўлган Турк (Оҳангарон) сув омбори қурилган.

Фарбий Тяншань округида кўллар кўп, лекин кичик бўлиб, маҳаллий аҳамиятга эга. Уларнинг энг муҳимлари Писком дарё ҳавзасидаги Шовўлкул (майдони $0,40 \text{ км}^2$, сув ҳажми $3,89 \text{ млн. м}^3$, ўртacha чуқурлиги 9,7 м), Катта Ихнач (майдони $0,330 \text{ км}^2$, сув ҳажми $4,800 \text{ млн. м}^3$, ўртacha чуқурлиги 14,5 м), Юқори Урунгач (майдони $0,120 \text{ км}^2$, сув ҳажми $1,500 \text{ млн. м}^3$, ўртacha чуқурлиги 12,6 м), Бодакўл (майдони $0,310 \text{ км}^2$, сув ҳажми $4,200 \text{ млн. м}^3$, ўртacha чуқурлиги 13,5 м); Чотқол дарё ҳавзасидаги Қоратака кўли (майдони $1,070 \text{ км}^2$, сув ҳажми $48,8 \text{ млн. м}^3$, ўртacha чуқурлиги 45,6 м); Оҳангарон дарё ҳавзасидаги Катта Арашон кўли (майдони $0,12 \text{ км}^2$, сув ҳажми $0,56 \text{ млн. м}^3$, ўртacha чуқурлиги 4,7 м), Арашондумалоқ (майдони $0,18 \text{ км}^2$, сув ҳажми $1,43 \text{ млн. м}^3$, ўртacha чуқурлиги 9,7 м) ва бошқалар.

Фарбий Тяншань округининг тупроқ-үсимлик қоплами баландлик минтақалари бўйича: чўл минтақасидан бошлаб доимий қор ва музликлар билан қопланган нивал минтақасигача учрайди.

Округнинг 450—500 м баландликда бўлган ва лёссимон қумоқ жинслардан тузилган ерларида асосан оч ва типик бўз (чириндиси 1—2% бўлган) тупроқлар тарқалган. Бундай жойларда кўпроқ эфемер ва эфемероидлардан лола, лолақизғалдоқ, ранг ва қўнғирбошлар ўсади. Бу минтақанинг юқори қисмларида оқ қуврак, буғдоийқ, тактак каби ўсимликлар тез-тез учрайди.

450 (500)—1200 м баландликлардаги адирларда типик ва тўқ бўз тупроқлар (чириндига анча бой —4—6% бўлган) тарқалган. Бундай ерларда қўнғирбош, ранг, буғдоийқ, какра, бутакӯз, мармарак, сариқчой ўсади. Эрта баҳорда эса бойчечак, қоқи, лола, лолақизғалдоқ барқ уриб ётади. Буталардан эса дўлана, тоғолча, аччиқбодом учрайди.

Округнинг 1200—2500 (3000) м баландликдаги қисмларида иқлим нам, у ерларда баланд бўйли ўтлар, буталар ва кенг баргли дараҳтлар ўсади. Булар тагида эса қўнғир тоғ-ўрмон тупроғи пайдо бўлган. Бу тупроқ чириндига бой (10%). Лекин шу баландликдаги баъзи қурғоқчил районларда чунончи, Оҳангарон платосида жигар ранг тоғ-ўрмон тупроғи учрайди.

Ўсимликлар қават-қават бўлиб ўсади. Энг пастки қаватда ўтлар — буғдоийқ, чалов, бетага, чайир, ширач, гулҳайри ва бошқалар ўсади; иккинчи қаватида тиканли бодом, дўлана, зирк каби буталар ва ўтлар баланд бўлиб ўсиб ётади. Ниҳоят, учинчи қават мевали ва мевасиз дараҳтлардан иборат бўлиб, арча, ёнғоқ, заранг, Тяншань ели, қайнин, қайрағоч, тол, терак, олма, нок, олча ва бошқалар ўсади.

3000—4000 м баландликда иқлим анча совуқ. Бу ерларда бар-ра ўтлардан иборат субальп, алъп ўтлоқлари ҳукмронлик қиласади.

Бу жойларда тоғ-ұтлоқ, тошлоқ-шағал тупроқлар, торфли тоғ-ұтлоқ тупроқлар, Оҳангарон платосида эса жигарранг тупроқ кенг тарқалған. Үсімліктерден құнғирбөш, мушук құйруқ, герань, тараң, қизилтика, каврак, Алъп лоласы, ёввойи пиәз ва бошқалар әнг күп үсади.

Округнинг 3500 (4000) м дан юқори қисми яланғ қоялардан, тош ва шағаллардан ёки доимий қор ва музліклардан иборат нивал мінтақадир.

Фарбий Тяньшаннинг ҳайвонот дунёси турли-тумандир. Ұрманларда чүчқа, бұрсық, олмахон, каламуш, юмронқозық, сичқон ва илонлар, тоғларнинг баланд қысларида эса кийик, қор қоплони, силовсин, бури, айнқ, тулки; құшлардан каклик, каптарлар, бойқүш, бұлбұл, чұмчук, қирғий, лочин, калхат, сұфитүргай кабилар күп.

Фарбий Тяньшань округининг қызықарлы ландшафти, нодир үсімлік ва ҳайвонларини муҳофаза қилиш учун Чотқол давлат тоғурмон қуриқхонаси ва Оқча буюртмаси ташкил этилган.

Чотқол давлат тоғ-үрмөн қуриқхонасида тоғ-үрмөн ландшафти ва у ерда яшовчи ҳайвонлар муҳофаза қилинади. Қуриқхонанинг асосий қисми Тошкентдан 70 км шарқдаги Қизилнұра тоғида жойлашған. Бу ерда ЮНЕСКО нинг «Қизил китоб»ига кирған қор барси, Мензір суғури ва каклик ҳам қуриқланади.

Оқча буюртмаси эса Оҳангарон дарёсінинг тұқайларida ташкил этилған бұлиб, у ерда тұқай ландшафти ва қирғовул сақлады.

Фарбий Тяньшань округида табиий ресурслар хилма-хил бұлиб, әнг муҳимлари қазилма бойлілары, сув-энергия ресурслари, шифобаҳш иқлимли курортлари, мевали ва доривор үсімлікларидір.

Тошкент вилоятіндегі ерларни сугоришида, саноат ва ақолини сув билан таъминлашда Чирчиқ, Оҳангарон дарёларининг ахамияти жуда каттадир. Чирчиқ дарёсі муҳим гидроэнергия манбаға зәга. Чирчиқ дарёсінің потенциал энергия ресурси 2,3 млрд. кВт бұлиб, ҳозыр шунинг фақат 31% фойдаланылмоқда. Бу дарё водийсіда 17 та ГЭС қурилған, әнг каттаси Чорвоқ ГЭСдір. Уннинг қуввати 660 минг кВт. Қелажакда Юқори Чотқол (қуввати 340 минг кВт), Үрта Чотқол (500 минг кВт), Кичик Баркраун (250 минг кВт) ва Писком ГЭС лари ва сув омборлари қурилади.

Фарбий Тяньшань округида минерал бойлілардан мис (Қолмақар ва Саричеқув), қалай (Саргардон-Чирчиқ водийсіда, Оҳангарон платосида) құрғошин (Құрама тоғида), күмир, коалин (Оҳангарон күмир ҳавзасида), алунит (Құрама, Чотқол ва Қаржантоғда), симоб (Оқчада), флюорит (Чотқол, Құрама тоғида), кварц құмлары (Майск ва Озодбошда), мармар (Чотқол тоғида) ва бошқалар мавжуд.

Округнинг яна бир муҳим бойлиги Чирчиқ ва Оҳангарон дарё сувлари, гүзәл манзарали, соф иқлимли шифобаҳш жойлари (Чимейі, Оқтош, Бурчмулла, Хұмсон каби ерларидаги дам олиш масканлары). Булардан ташқары округ ҳудудида күплаб мевали ва

доривор ўсимликлар мавжуд булиб, кўплаб ёнфоқ, олича, бодом, зирк мевалари йигиб олинади.

Чирчиқ водийсининг тоғли қисмидаги ажойиб табиат манзараларини ўз ҳолича сақлаб қолиб, у ердаги ўсимлик, ва ҳайвонларни ҳамда табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиб, қайта бойитиб бориш мақсадида Чотқол-Угом халқ бοғи ташкил этилди.

Фарбий Тяньшань округи ўз навбатида Тоғли Чирчиқ ва Юқори Оҳангарон табиий-географик районларга бўлинади.

I. Тоғли Чирчиқ табиий-географик райони Чирчиқ дарё ҳавзасининг Фазалкент шаҳридан юқорида жойлашган Ўзбекистон ҳудудидаги қисмини ўз ичига олади.

Район Тяньшань тоғ тизимининг фарбий давоми бўлган Талас Олотоғи, Чотқол, Угом, Писком, Қаржантоғ каби тоғлардан ва улар орасидаги Чотқол, Кўксув, Писком, Угом каби водийлардан иборат бўлиб, ўртacha баландликлари 2500 м, энг баланд ерлари 4000 м. га етади.

Иқлимий хусусиялари жиҳатидан район нисбатан совуқ қиши (январнинг ўртacha ҳарорати —2—9° атрофида) билан тавсифланади.

Районда ҳудуднинг баландлашуви туфайли ҳарорат пасайиб, ёғин миқдори ортиб, тоғларнинг жануби-фарбий ёнбағирларида ҳатто 1000 мм. гача ёғин тушади, бинобарин қорнинг қалинлиги 1,0 м. дан ошади.

Район қуийдаги ландшафтларга бўлинади.

1. Мевали дарахтлар, хусусан олма, ёнфоқ, дўлана, олча үсадиган, жигарранг тупроқли, ўртacha баландликка эга бўлган тоғ ёнбағирлар ландшафти. Бу ландшафт Писком, Угом, Қаржантоғларнинг ёнбағирларини ўз ичига олади.

2. Буғдойиқ ўсуви, тўқ бўз ва жигарранг тупроқ тарқалган, парчаланган ўртacha баландликдаги тоғ ландшафти. Бу ландшафт Қизилнурга тоғининг шимоли-фарбий ёнбағрини эгаллайди.

3. Қавил-тинчоқ ва арчалар ўсуви, жигарранг баъзан эса қўнғир тоғ-ўрмон тупроқли ўртacha баландликдаги тоғларнинг ёнбағирлар ландшафти. Бу ландшафт Чотқол, Кўксув, Писком ва Угом тоғларининг 1200—1400 м. дан 2000—2500 м. гача бўлган баландликларини ўз ичига олади.

4. Кўксув, Писком ва Угом тизмаларининг тоғ-ўтлоқ, торфли тоғ-ўтлоқ тупроқли баланд тоғли ландшафти. Бу ландшафт тоғларини 3000—3500 м. баландликкача бўлган қисмини ўз ичига олади.

5. Районнинг энг баланд (3000—3500 м. дан баланд бўлган) қисмларидағи криофит ўтлоқлар ва бошқа ўсимликлар ўсуви, баланд тоғли-утлоқ, торфли ботқоқ-утлоқ тупроқлар тарқалган, баъзи жойлари қоялардан доимий қор ва музликлардан иборат баланд тоғли ўтлоқ ҳамда гляциал-нивал ландшафти.

6. Чирчиқ ва унинг ирмоқлари — Угом, Писком, Чотқол каби дарё водийларида, сойларда жойлашган, хўжаликда ўзлаштирилган маданий ландшафт.

II. Юқори Оҳангарон табиий-географик райони асосан шу ном

билан аталувчи водийнинг юқори қисмини ва уни үраб олган тоғларни олиб, шимол ва шимоли-ғарбдан Тоғли Чирчиқ райони билан, шарқдан Фарғона округи билан, жануби-шарқдан Тожикистон билан, ғарбдан эса Чирчиқ-Оҳангарон райони билан чегараланди.

Район худудида Чотқол, Қизилнурга, Қурама тизмалари, Оҳангарон платоси ва водийси жойлашган. Қўриниб турибдики, район рельефи жиҳатидан бир хил бўлмасдан, баландлиги 3000—4000 м.га етувчи тоғ тизмалари билан бирга улар орасида Оҳангарон каби платолар ва водийлар жойлашган.

Иклимий хусусияти жиҳатидан Тоғли Чирчиқ районига яқин бўлса-да, ундан қишининг бир оз илиқлиги (январнинг ўртача ҳарорати $-2,5 - 4,5^{\circ}$ атрофида), ёзнинг иссиқлиги (июннинг ўртача ҳарорати $+19,5 + 24,5^{\circ}$ атрофида), ёғиннинг нисбатан камлиги (йиллик ўртача ёғин миқдори 300—500 мм атрофида) билан фарқ қиласди. Район иқлимининг нисбатан қуруқлиги унинг ўсимлик қопламига ҳам таъсир этиб, буғдойиқ ўсимлиги тоғ ёнбағирлаб анча баландга кўтарилиб, кенг баргли дараҳт турлари деярли учрамайди. Аксинча, жигарранг, тупроқ турлари тарқалиб, арчалар мавжуд. Арчазорлардан сўнг ялов минтақаси бошланиб, унда асосан тоғ ксерофат тур ўсимликлар ўсади.

Район қуидаги ландшафтлардан ташкил топган.

1. Қизилнурга ва Қурама тоғлари ёнбағирларининг энг паст қисмларидаги буғдойиқ ўсуви, тўқ бўз тупроқ тарқалган лёссли тоғ олди ландшафти.

2. Қурама ва Қизилнурга тизмалари ёнбағирларидаги жигарранг тупроқли, буғдойиқ ўсуви кучли парчаланган тоғлар ландшафти.

3. Чотқол, Қурама ва Қизилнурга тизмаларининг тоғ минтақасидаги (1400—2200 м.дан 2500 м.гача) арчазорлар мавжуд бўлган жигарранг тупроқли анча парчаланган ўртача баландликлардаги тоғлар ландшафти.

4. Қурама тоғларининг энг баланд қисмидаги типчоқ ва ксерофит тур (кўпроқ тиканли ўсимликлар) ўсимликлар ўсуви, жигар ранг ва оч-қўнғир тупроқли баланд тоғли ландшафт.

5. Оҳангарон платосида жойлашган, ҳар хил бошоқли ўтлар ўсуви, жигар ранг тупроқ тарқалган плато ландшафти.

6. Криофит ўтлоқлар тарқалган ўтлоқ, ўтлоқ-боткоқ тупроқли баланд тоғ ландшафти. Бу ландшафт Чотқол тоғининг энг баланд (ялов минтақасини) қисмини ўз ичига олиб, баъзи ерларида қоялар, қор-музликлар билан банд бўлган гляциал-нивал ландшафти ҳам мавжуд.

Савол ва топшириқлар 1. Ушбу ўкув қўлланмасидаги округнинг орографик ҳаритасидан фойдаланиб, қандай тоғлар, чўққилар, платолар борлигини билиб олиб, ёзувсиз ҳаритага туширинг. 2. Округлаги тоғлар қайси тектоник босқичда бурмаланган ва қайси давр ётқизиқлари кўпроқ тарқалган? 3. Нима сабабдан округ Тошкент-Мирзачўл округи билан деярли бир кенгликда жойлашса-да, қиши нисбатан совуқ, ёзи салқин, ёғин миқдори кўп? 4. Нима учун тоғларнинг жа-

нуби-гарбий ёнбағрига ёғин күп тушади-ю, шарқий ёнбағрига кам тушади? 5. Нима сабабдан Чирчиқ дарёсининг Чотқол ва Писком ирмоқлари серсув? 6. Округда ландашатнинг қандай баландлик миңтақаланиши мавжуд ва уларнинг бир-бирларидан ажралиб турадиган тафовутлари нималардан иборат? 7. Округдаги энг муҳим табиий бойликларга нималар киради ва нима учун ҳалқ боғи ташкил этилди? 8. Юқори Чирчиқ табиий-географик районининг Юқори Оҳангарон районидан фарқ қилувчи табиий шароитларини гапириб беринг.

ТУРКИСТОН-НУРОТА ОКРУГИ

Округ Туркистон тизмасининг ғарбий қисмини ва Нурота тизмасини ўз ичига олиб, жанубда Ўрта Зарабшон, ғарбда Қизилқум, шимолда Тошкент-Мирзачўл округлари билан чегарадош. Округнинг фақат жануби-шарқий қисмида чегара шартли разишда Ўзбекистоннинг Тожикистон билан бўлган давлат чегараси орқали ўтади.

Округ ҳудуди республикадаги қадимий қуруқликлардан бири бўлиб, асосан палеозой даврининг гилли сланецлари, қум ва оҳактошларидан таркиб топган. Бу ётқизиқлар герцин орогенетик жараёнлари таъсирида бурмаланган ва метаморфикашиб, мармар ва кристалл сланецларга айланган. Шунингдек, округда мезозой ва кайназой даврларининг кварцлари, қумтошлари, мергеллари ва гиллари ҳам учрайди. Дарё водийларида ва ботиқларida эса антропоген конгломератлари, шағаллари, қум, қумлоқ ва лёссимон жинслари учрайди. Герцин тоғ бурмаланиш даврида округда кучли вулкан жараёнлари рўй берган. Шу сабабли чўкинди ётқизиқлар орасида отқинди (диорит, гранит) ва эффузив жинслар учрайди, округнинг ҳозирги рельефини вужудга келишида алъятектоникаси айниқса катта роль ўйнаган. Тоғлар бу даврда қайтадан кўтарилиган (4000 метрга етган).

Туркистон тизмаси Маастчоҳ тоғ тугуни яқинида Олой тизмасидан ажралиб чиқади ва қенглик бўйлаб 350 км га чўзилади. Унинг эни ўрта хисобда 60 км, баландлиги эса 3600—4000 м. Баъзи ерларда унинг баландлиги 5580 метрга етади (Пирамида чўққиси).

Туркистон тизмасининг Маастчоҳ тоғ тугунидан Шаҳристон доғонигача бўлган қисмининг рельеф шакллари алъятурнида бўлиб, чўққилари қояли, қиррали, баландлиги эса 5000 метрдан ҳам ортиқ. Лекин тизманинг Шаҳристон (3351 м) довонидан ғарбда бўлган қисми анча паст, алъятурни рельеф шакллари жуда кам учрайди.

Туркистон тизмасини Шаҳристон довонидан ғарбда Сангзор дарёси водийсининг юқори оқими иккига ажратиб туради. Сангзор водийсининг жанубий қисмидаги тизма Чумқортог деб, шимолдагиси Молгузар тоғи деб юритилади. Молгузар тоғи Темурланг дарвозаси ёки Илонутди дараси орқали Нурота тизмасидан ажралиб туради.

Туркистон тизмасининг округ ҳудудидаги ғарбий қисми анча паст бўлганлигидан бу ерда музликлар йўқ. Лекин тоғлар орасидаги чуқурликларда қор ўюмлари ёзгача эримай туради.

Туркистон тизмасининг Шаҳристон довонидан Гуралаш (2710 м) довонигача бўлган қисми паст бўлса-да, бироқ баъзи нуқталари 4000 метрдан ҳам ортиқ (Шовқартоғ 4033 м). Бу қисмда Туркистон тизмасидан шимолга қараб қатор-қатор тоғ тизмалари ажralиб чиқади. Улардан энг муҳими Ўратепа тоғи, у Зоминсув сойи орқали Молгузар тоғидан ажralиб туради.

Чумқортоғ Туркистон тизмасининг бевосита ғарбий давоми бўлиб, узунлиги 70 км, баъзи чўққилари 3000 м дан баланд (Бозорхоним 3405 м). Чумқортоғ Кўштепа довони яқинида жануби-ғарбга бурилиб пасайиб қолади ва Латтабанд (2035 м) довонига етгач, икки қисмга ажralади: жанубий қисм Қизилқанор тоғи деб аталиб (ўртача баландлиги 1000 м), бутунлай Тоҷикистон ҳудудида жойлашган; шимолий қисм эса Латтабанд тоғи дейилади. У Қизилқанор тоғидан баланд (2200 м). Ана шу Латтабанд тоғининг сувайирғич қисмидан округнинг чегараси ўтади.


Чумқортоғ ғарбда Мӯғул қишлоғи яқинида тугаб, сунгра тепаликларга айланиб кетади. Бу тепаликларнинг баландлиги 700—800 м булиб, бир-бирларидан сойлар орқали ажralиб туради. Чумқортоғ шимоли-ғарбга давом этиб, унча баланд бўлмаган Fўбдунтоққа туташиб кетади. Бу тоғнинг ўртача баландлиги 800—900 м (энг баланд ери эса 1666 м), Fўбдунтоғ билан Чумқортоғ орасида эса лёссли қумли жинслардан тузилган баланд (750—800 м) текислик жойлашган. Зарафшон дарёсини Санѓзор дарёси билан бирлаштирган Туятортар канали шу текисликдан ўтади. Fўбдунтоғ шимоли-ғарбга қараб аста-секин пасайиб, Маржонбулоқ баландлигига айланиб, энг баланд ери 948 метрга етади. Бу баландликдан олтин кони топилган. Маржонбулоқ баландлиги ғарбда Оқтепа дарё водийси орқали Қароқчигоғдан ажralиб туради.

Молгузар тоғи Шовқартоғ чўққисидан то Темурланг дарвозасигача 75 км га чўзилган. Бу тоғнинг шимолий ёнбағри аста-секин пасайиб, Тошкент-Мирзачўл округига туташиб кетади. Молгузар тоғининг ўртача баландлиги 1500 м булиб, марказий қисми 2622 м га етади. Ана шу баландликнинг ўрта қисмидан Молгузар тоғи ғарбга ҳам, шарққа ҳам пасаяди.

Молгузар тоғи Илонўтди (Темурланг) дарвозасида Санѓзор дарёсига кояли, яланғоч тик ёнбағирлар ҳосил қилиб тушади. Бу ёрда водийнинг кенглиги 120—130 м чамасидадир.

Нурота тизмаси Туркистон тизмасининг шимоли-ғарбга чузилган давомидир. Тизманинг узунлиги Темурланг дарвозасидан Нурота қишлоғигача 200 км, энг кенг ери марказий қисмida (75 км) булиб, ундан ғарбга ва шарққа борган сари тораяди. Ўртача баландлиги 1500 м, энг баланд ери — марказий қисмидаги Ҳаётбоши ёки Заргар чўққиси 2165 метрга етади. Нурота тизмасининг шарқий қисми Қўйтош тоғи деб аталади.

Нурота тизмаси асимметрик тузилган, жанубий ёнбағри узун, кенг, Нурота чўқмасига аста-секин пасайиб тушади, шимолий ёнбағри эса қисқа, Мирзачўлга тикка тушади ҳамда параллел йўналган паст тоғларни ҳосил қиласиди. Буларнинг катталари Пистали ва Балиқчи тоғидир (35- расм).



36-расм. Туркистон-Нурота округининг орографик чизмаси:

1. Қарақчитоғ.
2. Фўбунтоғ.
3. Латтабанд тоги.
4. Қызилқанор тоги.
5. Чумқартоғ.
6. Зомнитоғ.
7. Жиззах сув омбори.
8. Сангзор дарёси.
9. Хаётбоши чүккиси —2165 м.
10. Оқтогнинг Тахну чүккиси —2003 м.
11. Туркистон тизмасининг Шовроқтоғ чүккиси —4033 м.
12. Туркистон тизмаси.
13. Чумқортогнинг Бозархоним чүккиси — 3405 м.

Нурота тизмаси жанубдаги Нурота-Қўйтош ботифи орқали Бахилтог, Оқтог, Қароқчитоғ ва Фўбунтоғлардан ажралиб туради (36-расм).

Чумқортогнинг ғарбий давоми бўлган Фўбунтоғ ғарбда Оқтепа дарё водийси орқали Қароқчитоғдан ажралиб туради. Бу тизманинг энг баланд жойи марказий қисмида бўлиб (1200 м), тे-варак-атрофга секин-аста пасая боради ҳамда ғарбдаги Тусун дарё водийси орқали Оқтогдан ажралиб туради. Оқтог бир неча кичик тогларнинг йигинидан иборат бўлиб, уларни энг муҳимлари Оқтош, Киззўрган, Жўлташ ва Бахил тоглардир.

Оқтог ўзининг катталиги жиҳатидан Нурота тизмасидан кичикроқ бўлиб, ғарбга қараб давом этади ва Нурота қишлоғи яқинида пасайиб (600 м), сўнгра текисликка айланиб кетади. Бу тогнинг ўртача баландлиги 1000—1200 м, энг баланд ери — Тахну чўккиси 2003 м. Бу тог оқ мармардан тузилганлиги учун шундай ном олган.

Оқтог жануби-ғарбга қараб пасаяди ва ундан Қоратоғ ажралиб чиқади. Бу тог жуда ясси бўлиб, атрофга аста-секин пасайиб тушади. Унинг баландлиги 1000—1200 м.

Туркистон-Нурота округидаги бундай антиклинал тоғлар орасида синклинал ботиқлар ҳам бор. Булардан энг катталари Сангзор, Қўйтош, Нурота ботиқлариридир.

Сангзор водийси Чумқортог билан Молгузар тоғлари орасида бўлиб, юқори қисми тордир. У Балх қишлоғи яқинида анча кенгайиб, текислик характеристига эга бўлади, сўнгра шимолга қараб бурилиб тораяди ва Темурланг дарвозасини ҳосил қиласади. Водий

Темурланг дарвозасидан ўтгач аста-секин кенгаяди ва Жиззах вожасига құшилиб кетади. Сангзор водийси Фаллаорол қишлоғи яқинда анча кенгаяди ва ғарбға томон баландлаша бориб Құйтош текислигига туташиб кетади. Құйтош текислиги эса Ғұбдуңтоғ, Қароқчытоғ ва Құйтош орасидаги ботиқда жойлашган, баландлиги 600 м. Бу текислик ғарбға томон қараб давом этади ва Құшработ қишлоғи яқинда Нурота ботиғи билан туташади. Нурота ботиғи Нурота антиклиналлари орасидаги синклиналда жойлашиб, үрта қисмінде баландлиги 520 м га боради. Лекин у ғарбға томон пасая боради ва шу йұналишда кенгайиб, сұнгра Қызылқұмга туташиб кетади.

Округнинг пастроқ жойларидан ёз құруқ ва иссиқ, қишиң эса у қадар совуқ бұлмайды. Баландроқ жойларидан ёз салқин, қисқа, қишиң эса совуқ бұлиб, узоқ давом этади. Шу сабабли январнинг ўртacha ҳарорати округнинг текислик қисмларидан $0,2^{\circ}\text{C}$ бұлса, тоғ тепаларидан — Шаҳристон довонида $-11,4^{\circ}\text{C}$, әндеги паст ҳарорат эса $-25^{\circ}-34^{\circ}\text{C}$ гача этади. Туркистан — Нурота округи баланд бұлғанидан ёз ойлары атрофға нисбатан салқин бұлади. Шунинг учун июль ойининг ўртacha ҳарорати текислик жойларда $26^{\circ}, 25^{\circ}\text{C}$ бұлса, баландроқ жойларда $25^{\circ}-15^{\circ}\text{C}$ бұлади. Эндеги юқори ҳарорат $23^{\circ}-45^{\circ}\text{C}$ орасида үзгәради.

Туркистан-Нурота округида совуқсиз күнлар Тошкент-Мирзачұл округига нисбатан камроқ. Чunksи тоғли үлка бұлғанлигидан баҳорда охирги совуқ тушишининг ўртacha муддати апрелнинг биринчи ярмуга, күзги биринчи совуқ тушишининг ўртacha муддати октябрнинг иккінчи ярмуга тұғри келади, бинобарин совуқ бұлмайдиган давр 100—200 күн атрофида бұлади. Округда күзги биринчи совуқ тушишигача фойдалы (эффектив) ҳароратнинг ыйғындысы $1500-2300^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қиласы, ваҳоланки бундай давр Тошкент-Мирзачұл округида 230 күнгача бұлади.

Округда ўртacha ыйлilik ёғин миқдори $250-450$ мм, тоғларнинг ғарбий ҳаво массасига қараган ёнбағырларидан $600-700$ мм, тескари қисмларидан ва берк ботиқларда $250-350$ мм. Ёғиннинг күп қисмі баҳорда ($41-48\%$) ва қышда ($34-43\%$), кам қисмі ёзда ($2-5\%$) ёради. Лекин тоғ ёнбағри бүйлаб юқорига күтариленген сары ёзғи ёғин миқдори ортиб боради. Округ тоғли үлка бұлғанлигидан ёғындарнинг бир қисми қор ва дүл шаклида ёради. Шу сабабли қор қопламининг қалинлиғи $15-30$ см, айрим жойларда 1 м бұлиб, март ойигача ва баландроқ жойларда май ойигача эрімай туради.

Округда шамолнинг ўртacha тезлиги секундига $2,0-3,2$ м ни гашкил этади. Іил бүйін шамол күпроқ шимолдан, шимоли-шарқдан ва шимоли-ғарбдан эсади. Округнинг жануби-шарқий қисмінде (Ғұбдуңтоғ ва Қароқчытоғлар атрофыда) шимоли-шарқдан ва шарқдан, яғни Сангзор водийси томонидан «Илон ўтди» номи билан аталувчи шамол эсіб, тезлиги баъзан секундиги 28 метрга этади. Бу шамол ёзда ва кузда чанг-тұзон аралаш эсіб, қишлоқ хұжалигига зарар етказади.

Округ дарёлари тоғ дарёлари бұлиб, эрозия жараённи кучли.

Улар тез оқиб ўз йўлида остоналар ҳосил қиласди. Лекин дарёлар кичик бўлганидан, сувлари маълум ҳавзага қўйилмасдан текисликка чиққач, бутунлай суғоришга сарфланиб кетади.

Округдаги Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағридан бир қанча сойлар бошланади. Уларнинг энг муҳимлари Босмандисой (узунлиги 46 км, ўртacha кўп йиллик сув сарфи секундига $2,13 \text{ м}^3$), Каттасой (уртacha кўп йиллик сув сарфи секундига $1,15 \text{ м}^3$), Шаҳристонсой (узунлиги 34 км, ўртacha кўп йиллик сув сарфи $1,27 \text{ м}^3$). Бу сойлар суви йил бўйи кам ўзгаради. Чунки улар асосан ер ости сувларидан (булоқлардан) тўйинади. Маълумотларга қараганда Босмандисой ҳавзасида 130 та, Каттасой ҳавзасида 170 та, Шаҳристонсой ҳавзасида 220 та булоқ мавжуд. Лекин бу сойларда баъзан баҳорги жалалар туфайли сел вужудга келиб туради. Шу сабабли Каттасойда (округдан ташқарида) сел сувини тўплаб қолиш мақсадида Каттасой сув омбори қурилган.

Туркистон тоғидан яна Санѓзор ва Зоминсув ҳам бошланади. Санѓзор округнинг энг катта дарёси ҳисобланиб, Катта Қорақишлоқ сойи билан Гуралаш сойнинг қўшилишидан вужудга келади. Унинг кўп йиллик ўртacha сув сарфи Қорақишлоқ ёнида секундига $2,0 \text{ м}^3$ ни, Эски Туятортар ариғи билан қўшилгач Жиззах воҳасига чиқаверишда секундига $4,0 \text{ м}^3$ сув ўтказади. Санѓзор қорларнинг эришидан ва ёмғир сувларидан тўйиниб, тўлин сув даври март-июнь ойларига тўғри келади. Санѓзор дарёсининг баҳорги тошқин сувларини тўплаб қолиш мақсадида Жиззах сув омбори (майдони $12,7 \text{ км}^2$, чуқурлиги 26 м, сув ҳажми 87,5 млн. м^3) қурилган.

Зоминсув Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағридан бошланувчи Ўриклисой билан Еттикечув сойларнинг қўшилишидан вужудга келиб, узунлиги 42 км. Зоминсув қорларнинг эришидан, ёмғир сувларидан тўйиниб, ўртacha кўп йиллик сув сарфи секундига $2,6 \text{ м}^3$. Унинг тўлин сув даври май-июнь ойларига тўғри келади. Зоминсув ҳавзасидаги тошқин сувларини тўплаб қолиш мақсадида Зоминсув омбори барпо этилган.

Округнинг Нурота тоғининг шимолий ёнбағридан 45 та сой бошланиб, уларнинг энг муҳимлари Осмонсой (узунлиги 13 км, ўртacha йиллик сув сарфи секундига $0,200 \text{ м}^3$) Қўлбасой (узунлиги 10 км, ўртacha кўп йиллик сув сарфи секундига $0,140 \text{ м}^3$), Учмасой (узунлиги 10 км, ўртacha сув сарфи секундига $0,200 \text{ м}^3$), Мажрумсой (узунлиги 15 км, ўртacha сув сарфи секундига $0,140 \text{ м}^3$), Ухумсой (узунлиги 40 км, сув сарфи секундига $0,430 \text{ м}^3$), Сентабсой (узунлиги 16 км, ўртacha йиллик сув сарфи секундига $0,170 \text{ м}^3$). Бу сойлар асосан ер ости сувларидан тўйинганлиги сабабли сув миқдори йил давомида кам ўзгаради. Лекин жала ёққанда ва қор тез эриганда сел вужудга келиши мумкин.

Нурота тизмасининг жанубий ёнбағри ва Оқтоғдан бир неча сойлар бошланади. Уларнинг энг муҳимлари Тусунсой, Оқтепасой, Қўксаройсой, Оқчопсой, Қорасув ва бошқалар. Сойлар асосан баҳорги эриган қор ва змғир сувларидан тўйиниб, баҳорда суви жуда ҳам тошиб кетади, баъзан эса сел ҳодисаси ҳам содир бўлади-

Езда сойларнинг суви жуда камайиб, баъзилари қуриб қолади. Масалан, Тусунсоййининг ўртача йиллик оқими секундига $1,5 \text{ м}^3$ бўлса, баъзан баҳорда суви тошиб, секундига 200 м^3 сув оқизади. Кўксаройсоййининг ўртача кўп йиллик сув сарфи секундига $1,1 \text{ м}^3$ бўлса, баъзан баҳорда сел келиб, секундига $77,5 \text{ м}^3$ сув оқизади. Шу сабабли ўша сойларнинг баҳорги тошқин сувини ушлаб қолиш учун унинг водийсида кичик сув омборлари қуриш яхши натижа беради.

Тоғ ёнбағирларида олдин оч тусли бўз тупроқ, сўнгра оддий бўз тупроқ, ундан ҳам юқорида тўқ бўз тупроқ учрайди. Оч тусли ва оддий бўз тупроқли ерларда ранг, ялтиробош, чалов, буғдоиқ, каррак, оққуврак гулҳайри, бетага, баҳорда эфемерлар ўсади. Буталардан дўлана, писта учрайди.

Денгиз сатҳидан 1800 (2000)–3000 м баланд ерларда (айниқса Туркистон тизмасида) арчазорлар кўп, арчазорлар тагида эса тоғ-ўрмон жигарранг тупроғи тарқалган. Арчалардан ташқари яна писта, иргай, зирк, қурғоқчили ерларда эса (Нурота-Оқтоғда) қоратикан, чия, бадамча учрайди. Шунингдек, бу қисмда баланд бўйли дашт ўтлари ҳам ўсади.

Ниҳоят, округнинг 3000 м дан юқорида бўлган қисмларида субальп ўтлоқлари (қўнғирбош, ранг, тараң, анжабар, тактак) бошланади, бу ерларда тоғ-ўтлоқ-дашт тупроғи ҳукмронлик қилаади. Бироқ баъзи тоғларнинг энг юқори қисмларидағи намгарчилик кўпроқ бўлган ерларда тоғ-ўтлоқ тупроғини ҳам учратиш мумкин.

Округда нураш жараёни кучли бўлганлиги сабабли ёнбағирларининг кўп ерларида тупроқ ювилиб, она тоғ жинси очилиб қолган. Бундай жойларда ўсимлик сийрак бўлади.

Округнинг ҳайвонлари турли-тумандир. Тоғларнинг юқори қисмларида кийик, арҳар, қоплон, бўри, силовсин, айик, тулки, дарё водийларида ва арчазорларда чўчқа, бўрсиқ, учрайди. Булардан ташқари округда каламуш, ўрмон сичқони, юмронқозик ва илонлар; қушлардан эса каклик, булдуруқ, чумчук, қирғий, лочин, бургут, калхат кўп.

Туркистон-Нурота округидаги арчазорлар ва у ердаги ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида Зомин давлат тоғ-ўрмон қўриқхонаси ташкил этилган. Қўриқхона Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида жойлашган, майдони 20,5 минг кв. км. Қўриқхонада тоғ ландшафти, хусусан арчазорлар ва у ерда яшовчи каклик, алқор, тўнғиз, савсар, жайра кабилар муҳофаза қилинади. Округда яна Нурота тоғ-ўрмон қўриқхонаси мавжуд бўлиб, тоғ ландшафти ва у ерда ўсувлари ёнғоқзорлар, олма, олча ҳамда ҳайвонлардан муфлон, тўнғиз, жайра, каклик, бургут муҳофаза қилинади. Булардан ташқари Ўзбекистонда биринчи Зомин халқ боғи ҳам ташкил этилган.

Туркистон-Нурота округи табиий бойликларга сероб бўлиб, Нурота тоғидан қурғошин ва рух, вольфрам ва молибден, қалай, боксит, флюорит, дала шпати; Молгузар тоғидан симоб, Оқтоғдан мармар, Маржонбулоқдан олтин конлари топилган. Булардан таш-

қары округда шифобаҳаш иқлим бойликлари, сув, мевали ва дөривор үсимликлар мавжуд. Туркистон — Нурота округи Туркистон ва Нурота каби табиий-географик районларга бўлинади.

I. Туркистон табиий-географик райони ўз ичига Туркистон, Молгузар тизмаларини ва Сангзор водийсини олиб, шимолда Тошкент-Мирзачўл округи билан, шарқда ва жанубда Тожикистон билан, гарбда эса Сангзор водийси орқали Нурота райони билан чегараланади.

Рельефи бир хил эмас. Унинг жанубида мутлақ баландлиги 3400 м. га етувчи Туркистон тоғи ва унинг гарбий давоми хисобланган Чумқортог ва Қизилқанар тоғлари жойлашган, районнинг шимолида эса Молгузар тоғлари жойлашиб, шимолга ётиқ, жанубга — Сангзор водийсига тик ёнбағир ҳосил қиласди. Туркистон тоғи билан Молгузар тоғи орасида Сангзор водийси жойлашиб, унинг юқори қисмида баландлиги 3000 м га етади.

Туркистон райони Нурота районидан округнинг энг баланд қисмларини эгаллаганлиги, қишининг нисбатан совуқлиги (январнинг ўртача ҳарорати -3 — 4° атрофида), ёзниг салқинлиги (июннинг ўртача ҳарорати 22 — 23° атрофида), ёғиннинг кўплиги (уртача йиллик ёғин миқдори 420 — 450 мм), қурғоқчиликни кузатилмаслиги билан фарқ қиласди. Шунингдек, Туркистон районида ўрмонлар, хусусан арчазорлар катта майдонни ишғол қиласди.

Район қуйидаги ландшафтларга бўлинади.

1. Сангзор водийсининг ўрта қисмини ўз ичига олувчи қўнғирбош ва қорабош үсуви тирик (асосий) бўз тупроқли лёссли ўрқирдан иборат бўлган текисликлар ландшафти.

2. Бодомча ва буғдоиқ үсуви тўқ бўз ва жигарранг тупроқли Туркистон ва Молгузар тоғларининг қуи ёнбағир ландшафти.

3. Туркистон ва Молгузар тоғларининг 1400 — 2800 м (тоғ минтақаси) баландликларини ўз ичига олган, арчазорлар мавжуд бўлган қорамтири тоғ ўрмон ва жигарранг тупроқли тоғлар ландшафти.

4. Туркистон тизмасининг энг баланд (яйлов минтақаси) қисмларида жойлашган альп ўтлоқлардан иборат бўлган тоғли ландшафт. Бу ландшафт ҳудудида қояли, муз-қорлар қоплаган жойлар ҳам учрайди.

5. Районнинг халқ ҳўжалигига ўзлаштирилган қисмларидаги маданий ландшафт.

II. Нурота табиий-географик райони ўз ичига Қўйтош-Нурота, Ғубдунтоғ, Қароқчитоғ, Оқтоғ ва Қоратоғларни ҳамда улар орасидаги Нурота, Қўшрабод-Қўйтош, Фаллаорол ботиқларини олади. Район шарқдан Туркистон райони билан, шимолдан Тошкент-Мирзачўл округи билан, жанубдан Ўрта Зарафшон округи билан, гарбдан эса Қизилқум округи билан чегараланади.

Район рельефи жиҳатидан бир хил эмас. Унинг шимолидан баландлиги 2165 м. га етувчи Нурота тизмаси, жанубида эса баландлиги 2000 м. га етувчи Оқтоғ ва Қоратоғлар жойлашган. Бу тоғлар орасида юмшоқ лёссимон ва лёсс ётқизикларидан иборат бўлган сержар ботиқлар ва баланд текисликлар мавжуд.

Иқлимий хусусиятлари жиҳатидан Нурота райони округидаги қиши нисбатан илиқроқ (январнинг ўртача ҳарорати -2 — 3° атрофида), ёзи иссиқ (июлнинг ўртача ҳарорати 27 — 28° атрофида) ва қуруқ (ўртача йиллик ёғин миқдори 200 — 400 мм) ҳудуд ҳисобланади. Бу ўз навбатида район тупроқ-ўсимлик қопламининг хусусиятига таъсир этиб, асосан буғдойиқ, типчоқ, ковул каби ўсимликлар ўсиб, типик (асосий) түқ ва жигарранг тупроқ турлари вужудга келган.

Район таркибида қўйидаги ландшафтлар мавжуд.

1. Парчаланган, марзасимон тепаликлар мавжуд бўлган, қузиқулоқ ўсувчи асосий (типик) ва түқ бўз тупроқли тоғлар орасидаги ботиқлар ландшафти. Бунга Қўшработ — Кўйтош ботифи киради.

2. Қўнғирбош ва қорабош ўсувчи чақир тошли бўз тупроқ тарқалган ботиқлар ландшафти. Бунга Нурота ҳамда Қоратоғ билан Бахилтоғ орасида жойлашган Орасой ботифи киради.

3. Қўнғирбош ва қорабош ўсувчи түқ бўз тупроқли, лёссли тўлқинсимон текисликлар ландшафти. Бунга Фаллаорол ботифи киради.

4. Қозиқулоқ, оққуврак ва шувоқ ўсувчи типик ва түқ бўз тупроқли паст тоғлар ландшафти. Бунга Ғубдунтоғ, Қароқчитоғ, Қоратоғлар киради.

5. Буғдойиқ ва типчоқ ўсувчи типик буз ва жигарранг тупроқли ўртача баландликдаги тоғлар ландшафти. Бунга Нурота, Кўйтош тоғлари киради.

6. Шувоқ ва ксерофит буталар ўсувчи жигарранг тупроқли тоғлар ландшафти. Бунга Нурота ва Оқтоғнинг энг баланд қисмлари киради.

7. Узлаштирилган ҳудудлардаги маданий ландшафт.

Савол ва топшириқлар 1. Ўзбекистон табиий ҳаритасидан Туркистон-Нурота округининг географик ўрнини аниқлаб, ушбу қўлланмадаги округ орографик ҳаритасидан фойдаланиб, унга қайси тизмалар, тоғлар, чўққилар, баландликлар ва ботиқлар киришлигини билиб олиб, ёзувсиз ҳаритангизга туширинг. 2. Округ ҳудудида нима учун оҳактош ва сланецлар кўп тарқаган ва улар қайси орогенетик жараён таъсирида бурмаланган ҳамда ўз хусусиятларини қандай узгартирган? 3. Нима сабабдан округ Қизилқум округи билан бир хил географик кенгликлар жойлашса-да, ёзи нисбатан салқин, ёғин миқдори кўп? 4. Ўзбекистон атласидан фойдаланиб, ёзувсиз ҳаритангизга округдаги дарё ва сойларни туширинг ҳамда улар қандай манбалардан тўйинишини билиб, йил давомида сувининг узгариб туриш сабабини тушунтириб беринг. 5. Округдаги баландлик минтақаланиши билиб олиб, ҳар бир минтақа учун хос бўлган тупроқ ўсимлик турларини рўйхатини тузиб чиқинг. 6. Округда қандай қуриқхоналар ва халқ бори мавжуд ва улар қандай мақсадлар учун барпо этилган? 7. Округда табиий бойликларни қандай турлари мавжуд? 8. Округдаги Туркистон табиий-географик райони қандай табиий хусусиятлари жиҳатидан Нурота районидан фарқланади?

ҲИСОР-ЗАРАФШОН ОКРУГИ

Округ республикамизнинг жанубий қисмидаги Ҳисор ва Зарафшон тизмаларининг ғарбий ва жануби-ғарбий қисмини ўз ичи-

га олиб, шимолда Зарафшон, шарқда Сурхондарё, жанубда Амударё ва ғарбда Қашқадарё ботиқлари билан үралган.

Ҳисор-Зарафшон округи Помир ва Тяньшань тоғ тизмалари орасидаги оралиқ ландшафт зонасида жойлашган, геологик тузилиши жиҳатидан ҳам Туркистоннинг шимолий ва жанубий тоғ ёйлари ўртасидаги контакт региондир. Шу сабабли округда Туркистоннинг шимолий ёйида жойлашган Тяньшань тоғларидағига нисбатан палеозой жинслари кам бўлиб, кўпроқ мезозой ва кайназор ётқизиқлари учрайди; палеозой (силур, девон, карбон) оҳактошлари, сланец ва қумтошлари жуда кам бўлиб, фақат округнинг шимоли-шарқий ва марказий қисмидаги антиклинал тоғларининг заминини ишғол қиласи. Лекин бу жинслар герцин бурмаланиш таъсирида мармарсимон оҳактошларга ва метаморфикалашган сланецларга айланаб кетган. Округдаги асосий ётқизиқлар эса мезозой қумтошларидан, гилли сланецларидан, оҳактошларидан, қизил гил ва мергелларидан иборат бўлиб, сўнгги тектоник жараёнлар таъсирида структуралари ўзгарган.

Округдаги Ҳисор, Чақилкалон ва Қоратепа тоғларида чўкинди жинслар орасида интрузив ётқизиқлар ҳам учрайди. Булар гранит, диорит, порфирлардан иборат бўлиб, герцин орогенетик жараёни билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган.

Герцин орогенетик жараёнида вужудга келган тоғлар кейинчалик текисланган ва анча пасайиб, типик тоғлик хусусиятларини йўқотган. Бироқ пасайиб, текисланиб қолган тоғлар альп тектоник жараёнининг бу районга кучли таъсир этиши туфайли (чунки округ Помир тоғларига яқин жойлашган) яна қайта кўтарилган. Лекин кейинчалик турли кучлар таъсирида тоғлар емирилиб, ҳозирги ҳолатига келиб қолган.

Округ орографиясининг ўзига хос хусусияти шундаки, бутун тоғлар Ҳисор ва Зарафшон тизимларига киради ва ғарбга ҳамда жануби-ғарбга томон пасая бориб, қатор тоғларга айланаб кетади. Бу тоғ даҳалари бир-бирларидан чуқур дарё водийлари орқали ажralиб туради. Округнинг мутлоқ баландлиги 500—4500 м, айрим чўқилари эса 4600 м га етади. Бу эса округнинг альп туридаги баланд тоғли ўлка эканлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, округнинг ер юзаси жуда паст-баланд бўлиб, тоғларнинг ўқ қисми дарё водийларидан 1500—3000 м тик кўтарилиб туради ва чўқилари қояли, қирралидир.

Ҳисор-Зарафшон округи рельефининг бунчалик мураккаб булишига унинг геологик тузилиши ҳам жуда катта таъсир кўрсатган: ҳудудда сланец ва оҳактошли жинсларнинг кўп булиши тоғ ёнбағирларининг қояли, дарё водийларининг эса тор, чуқур ва тик бўлишига олиб келган. Аксинча, округнинг ғовак, бўш чўкинди жинслардан иборат бўлган адир қисмининг рельефи унча мураккаб эмас. Бу қисмida дарёлар денудация жараёнида ўзан тагини эмас, балки ён томонини ҳам ювиб, чуқур бўлмаган кенг водийлар ҳосил қилган.

Зарафшон тизмаси округнинг шимолида бўлиб, унинг Эгрибуғри довонидан ғарбда бўлган қисми шу округга қарайди. Зараф-

шон тизмасининг бу қисми анча паст бўлиб, энг баланд ерлари 2500 м га етади.

Зарафшон тизмаси шарқдан ғарбга қараб бир неча булакларга бўлиниб, Чақилкалон, Қоратепа, Зирабулоқ, Зиёвуддин тоғлари номи билан аталади.

Зарафшон тизмасининг Магиёндарё водийсидан ғарбдаги қисми Чақилкалон тоғи деб аталади, у деярли кенглик бўйлаб чўзилган. Бу тоғнинг шарқий қисми баланд (Зебон чўққиси 2336 м). Чақилкалон тоғи асимметрик тузилган, шимолий ёнбағри қисқа ва тикдир. Бу ерда тоғ Зарафшон водийсидан бирданига кутарилиб кетади, жанубда эса аксинча, Фароб-Магиён ва Қашқадарё водийларига қия бўлиб, аста-секин пасайиб боради. Бу тоғ девон оҳактошларидан тузилганлиги сабабли воронкасимон, коностимон — карст шакллари кўп, бальзи карст конусларининг диаметри 80 м, чуқурлиги эса 35—40 м келади.

Чақилкалон тоғининг ғарбий қисмидаги Қоратепада бир неча форлар мавжуд. Сўнгги пайтда Чақилкалон тоғининг ғарбидаги Қирқтоғ платосида Туркистандаги энг чуқур Кили гори (чуқурлиги 1082 м) топилди.

Чақилкалон тоғи Тахтақорача (1630 м) довонида тугайди, шу ердан ғарбга қараб Қоратепа тоғи давом этади. Бу тоғ интрузив жинслардан тузилган бўлиб, энг баланд жойи Қамқутон чўққиси бўлиб, 2195 м. га етади. Бу тоғ шимолга қараб аста-секин пасая боради ва баланд текисликларга айланади. Лекин тоғнинг жануб томони тикдир. Қоратепа тоғи ғарбга қараб давом этади ва Каттақўрғон шаҳри жанубида яна баландлашиб, Зирабулоқ тоғини ҳосил қиласи. Зирабулоқ тоғи ғарбга қараб тахминан 100 км чўзилган (нисбий баландлиги 500—600 м). Энг баланд жойи шарқий қисмидаги Зиндонтог чўққисидир (1116 м). Зирабулоқ тоғи ғарбда Қарноб йўлаги орқали Зиёвуддин тоғидан ажralиб туради. Бу тоғ Зарафшон тизимининг энг ғарбий қисми бўлиб, нисбий баландлиги 300 м, мутлақ баландлиги эса 900 м. га етади. Зиёвуддин тоғининг энг баланд ери Навоий шаҳридан шарқдаги Дартқўл чўққисидир (914 м).

Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғлари денудация жараёнида пасайиб, яссоланиб қолган, уларда қуруқ сойлар кўп. Ҳар ишқала тоғ ҳам аста-секин шимолда ўрта Зарафшон ва жанубда Қашқадарё округларига туташиб кетади.

Чақилкалон тоғининг жанубида Қашқадарё, Жиннидарё ва Оқсув дарёларини бир-биридан ажратиб турадиган қатор тоғлар бор, улар Зарафшон тизмасини Ҳисор тизмаси билан қўшиб туради. Бу тоғлар ичida Жиннидарё билан Оқсув дарёси орасидаги Сумсар ва Шертоғ тоғлари анча баланд бўлиб, 2500 м дан ортиқдир. Ҳисор округидаги асосий тизма ҳисобланади. Лекин унинг фақат Мура (3799 м) довонидан ғарбда бўлган қисмигина Ўзбекистон худудидадир. Ҳисор тизмаси тахминан 68° шарқий узунликда Киштут дарёсининг (Тўполон дарёсининг ирмоғи) юқори оқими орқали 2 қисмга ажралади;

1) жануби-ғарбга қараб йўналган ва Кыштут ҳамда Қоратоғ

дарёлари орасида сувайиргич ҳисобланадиган Мачитли тоғи. Бу тоғнинг фақат ғарбий қисмигина шу округ доирасидадир (энг баланд ери 3476 м);

2) шимоли-ғарбга томон чегара бўйлаб йўналган қисми — Ҳазрати Султон тоғи Ҳисор тизмасининг бевосита давомидир. Ҳазрати Султон тоғи Оқсув дарё водийсининг юқори оқимигача давом этиб, сўнгра Сумсар ва Шертоғ тоғлари орқали Зарафшон тизмаси билан туташади ҳамда бу ерда ундан жануби-ғарбга қараб қатор тармоқлар ажralиб чиқади.

Ҳазрати Султон тоғи анча баланд бўлиб, 4000 м дан ортиқ, қояли, қиррали, музликлар ва доимий қорликлар билан уралган чўққилари бор. Ҳазрати Султон тоғининг марказий қисми (Тўполон дарёсининг юқори оқими билан Мура довонининг орасидаги қисми) жуда баланд; бу ерда Харбитоғ — 4395 м, Ҳазархон — 4496 м, Ҳожипирях — 4424 м, Ҳожи Қаршавар — 4304 м, Заррак — 4299 м, Фова — 4145 м ва бошқа чўққилар бор. Бутун округнинг ҳамда Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси Ҳазрати Султон номли чўққидир (4643 м), у Ҳисор тизмасининг ўша Ҳазрати Султон тоғидан бошланадиган Диохондарё (Тўполон дарёсининг чап ирмоғи) билан Бодомистон (Қоратоғ дарёсининг ўнг ирмоғи) дарёларининг юқори оқимидадир.

Умуман, Ҳисор тизмасининг Ҳазрати Султон тоғи алъи турли рельеф шакллари билан округнинг бошқа қисмларидан фарқ қиласи, бу ерда бир неча кичик-кичик музликлар бор.


Ҳисор тизмасидан (Ҳазрати Султон тоғида) Оқсув дарё водийсининг юқори оқимида жануби-ғарбга қараб бир-бирига параллел қатор тармоқлар ажralиб чиқади. Бу тармоқлар Қашқадарё билан Сурхондарё орасида сувайиргич ҳисобланади, улардан энг муҳимлари Чақчар, Бойсун, Осмонтарош, Бешнов тоғларидир. Булар ичида энг каттаси Чақчар тизмасидир (Хурросон чўққиси — 3744 м).

Чақчар тоғи жанубга давом этиб, ундан жануби-ғарбга Осмонтарош (3700 м) тоғи ажralиб чиқади. Бу тоғ Оқсув ва Танхоз дарёлари орасидадир. Осмонтарош билан Чақчар туташган ерда (Фова довони атрофида) қатор музликлар бор. Булар ичида энг катталари Северцев ва Ботирбой музликларидир. Северцев музлигининг бўйи 2,3 км, энг 550 м, майдони 1,38 км², Ботирбой музлигининг бўйи эса 2,2 км, майдони 1,3 км².

Осмонтарош тоғининг жанубида Бешнов тоғи бўлиб, уларни Танхоз дарёси ажратиб туради. Бешнов шимоли-шарққа давом этади ва Чақчар тоғига бориб туташади.

Чақчар тоғидан жануби-ғарбда Эшакмайдон, Тойдала, Хонтахта, Майданон каби тармоқлар ажralиб чиқади. Бу тоғлар бир-биридан Қизилдара, Гулдара (Қашқадарёнинг чап ирмоғи) дарёлари орқали ажralиб туради (37-расм).

Чақчар тоғининг шарқида унга параллел ҳолда йўналган Бойсун тоғи жойлашган. Бу тизма Ҳисор тоғ тизимининг энг узун тармоғи бўлиб, у шимоли-шарқда Қўштанг (3273 м), ўрта қисмida Кетмончопти (3168 м) ва жанубида эса Сувсизтоғ тоғлари деб



37- ғасм. Ҳисор-Зарафшон округининг орографик чизмаси:

1. Тахтақорачи довони. 2. Ҳазрати Султон чўққиси — 4648 м. 3. Чакилкалон тогининг Зебон чўққиси — 2336 м. 4. Қоратати тогининг Камкутон чўққиси — 2395 м. 5. Зиёвуддин тогининг Дардкўл чўққиси — 914 м. 6. Хурсон чўққиси — 3744 м. 7. Чакчар тизмаси. 8. Кўштанг тоги. 9. Заркоса чўққиси 2230 м.

аталади (38-расм). Бойсун тогининг жанубида Кўҳитанг тоги бор. Бу тизма жануби-ғарбга 50 км чўзилган ва баландлиги 3137 м га етади, бу ерда карст жараёни ривожланган. Кўҳитанг тогида узунлиги 4 км га етадиган ғорлар бор.

Бойсун тогининг шарқида унга параллел ҳолда Сурхонтоғ жойлашган, у кичкина, лекин анча баланд (3722 м) тизмадир. Бу тогининг жанубида шимоли-шарқдан жануби-ғарбга йўналган Клиф-Шеробод паст тоғлари ўрнашган. Клиф-Шеробод паст тоғларининг ўртача баландлиги 900—1000 м, энг баланд ери эса 1126 м. Бу тоғлар Шеробод дарё водийсида тугаб, сўнгра шимоли-шарққа қараб Шеробод-Сариқамиш паст тоғлари бошланиб кетади. Бу паст тоғларнинг энг баланд ери 1216 м га етади ва жануби-ғарб-

дан шимоли-шарққа қараб Газлафон, Бешқиз, Қорабунадир, Тасасакради, Етимкалас тоғлари деб аталади (39-расм).

Ҳисор-Зарафшон округининг иқлими ўзига хос бўлиб, ҳам пастдан юқорига, ҳам шимолдан жанубга ўзгариб боради. Шу сабабли округ шимолининг қуий қисмида ўртача йиллик ҳарорат 12° — 13°C бўлса, жанубининг қуий қисмида 14° — 15°C . Лекин тоғларнинг энг баланд қисмларида ўртача йиллик ҳарорат паст бўлиб, 0° — 6°C атрофида бўлади.

Эз округнинг қуий қисмида иссиқ ва қуруқ бўлиб, июлнинг ўртача ҳарорати 24° — 28°C , тоғларнинг баланд қисмида эса 12° — 17°C га тушиб қолади. Энг юқори ҳарорат қуий қисмида 40° — 45°C , баланд қисмида 25° — 30°C атрофида бўлади. Округда қиши унинг қуий қисмида нисбатан илиқ бўлса, юқори қисмида совуқ ва давомли бўлиб, январнинг ўртача ҳарорати пастки қисмида $0,5^{\circ}$ — 2° , юқори қисмида эса -6° — 10°C . Энг паст ҳарорат округнинг пастки қисмида -25° — -26°C , юқори қисмида -30° — 35°C . Округда совуқсиз давр унинг қуий қисмида 200—220 кун бўлса, юқори қисмида 100—110 кунга тушиб қолади.

Ҳисор-Зарафшон округида ёғин рельефнинг таъсирида ҳудуд бўйича бир хил тақсимланган эмас.

Тоғларнинг қуий қисмларида, берк водийларда йиллик ёғин миқдори кам (200—400 мм) бўлса, баландроқ қисмларида ва айниқса ғарбий ҳаво оқимларига қараган ёнбағирларда ёғин кўп (400—1000 мм) бўлади.

Йиллик ёғиннинг анча қисми (45—50%) баҳорда, (34—40%) қишида, оз қисми (8—10%) кузда ва (2—3%) ёзда ёғади. Қор қопламишининг қалинлиги 80—90 см га етади.

Тоғ этакларида ва водийларда қор қоплами юпқа, узоқ турмайди, тоғ тепаларида эса қалин, баланд қисмларида баъзан ёзгача эримай ётади.

Ҳисор-Зарафшон округида ёғин кўпроқ ёққанлигидан Туркистон-Нурота округига нисбатан дарёлари кўп ва нисбатан серсувдир. Округдаги дарёлар асосан Қашқадарё, Сурхондарё ва Шеродбод ҳавзаларига киради. Округдан бошланувчи Жиннидарё, Оқсув, Танхоз, Яккабоғ ва Ғузордарёлар Қашқадарё ҳавзасига киради.

Жиннида ёғин Қашқадарёнинг биринчи анча серсув ирмоғи ҳисобланиб, Ҳисор тизмасининг Оқота ва Шердоғ чўққилари орасидаги булоқ ва жилғалардан бошланиб, узулилиги 57 км, сув йиғадиган ҳавзаси 367 км². Бу дарё қор ва муз эришидан тўйиниб, унинг суви март-июнь ойларида кўпаяди. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи Паландар қишлоғи ёнида секундига 1,50 м³. Ушани 68,3% март-июнь ойларига, 11,4% июль-сентябрга, 20,3% эса октябрь-февраль ойларига тўғри келади.

Оқсув дарёсининг узулилиги 115 км, сув йиғадиган ҳавзасининг майдони 1050 км² бўлиб, Ҳисор тизмасидаги Ботирбой ва Северцев музликларидан бошланувчи Ботирбой ва Хонакасув ирмоқларининг қўшилишидан вужудга келади. Ҳисорак қишлоғигача тор ўзанда тез оқади, сўнгра водийси кенгайиб, қайирлар ҳосил

қилади. Оқсувга чап томондан Гиляндарё, Қизилямчак, Томшуш, Сүтшар; үнг томондан Қорасув каби ирмоқларни құшиб олади. Оқсув қор-музларни эришидан түйинади. Унинг ўртача йиллик сув сарфи Ҳазаринов ёнида секундига $12,3 \text{ м}^3$ бўлиб, үшани 48,3% март-июнда, 36,1% ни июль-сентябрда, 15,6 ни эса октябрь-февралда оқизади.

Танхоздарё — узунлиги 104 км, сув йигадиган майдони 459 км^2 . Дарё Ҳисор тоғидаги Фозиқулдан бошланиб, Сартуғай ирмоғигача бўлган юқори оқими Қаранкул номи билан юритилади. Танхоздарё юқори қисмида тор узанда шиддат билан оқади. Унинг энг муҳим ирмоқлари Саритүқай, Шурсой, Қизилсув ҳисобланади. Танхоздарё ҳам қорларнинг эришидан ва ер ости сувларидан түйиниб, ўртача сув сарфи секундига $4,23 \text{ м}^3$ ни ташкил этиб, үшани 63,6% март-июн ойларида, 25,4% июль-сентябрда, 11% эса октябрь-февралда оқизади.

Яккабоғдарё. Узунлиги 108 км, ҳавzasининг майдони 1060 км^2 . Дарё Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларидан бошланиб. Танхоз дарёсига келиб қўшилади. Унинг асосий чап ирмоқлари Шилхазор, Катта Хурсон, Калон, Турнабулоқ ҳисобланади. Яккабоғдарё қорларнинг эришидан түйиниб, ўртача йиллик сув сарфи секундига $6,73 \text{ м}^3$, үшани 61,6% март-июнда, 27,8% июль-сентябрда, 10,6% октябрь-февралда оқизади.

Фузордарё. Узунлиги 86 км, ҳавzasининг майдони 3220 км^2 . Фузордарё Чақчар тоғидан бошланувчи Каттауру ва Қичикуру, Ўлмас тоғидан бошланувчи ирмоқларни қўшилишидан вужудга келади. Дарё қорларнинг эришидан ва ер ости сувларидан түйиниб, йиллик сув сарфи секундига $5,90 \text{ м}^3$, үшани 63,9% март-июнда, 14,7% июль-сентябрда, 21,4% октябрь-февралда оқади.

Сурхондарё ҳавzasига кирадиган асосий дарёлар Тўполон, Қоратоғ, Сангардак, Ҳўжаипок дарёларидир.

Тўполондарё Ҳисор тоғидаги Ҳазрати Султон (4643 м) чўққиси яқинидан Қорасув номи билан бошланиб, сўнгра Тамшуш номини олади ва Гова ирмоғини қўшиб олгач Тўполондарё деб аталади. Сўнгра унга Шатрут ва Дашибод ирмоқлари қўшилади. Тўполондарёнинг узунлиги 112 км, ҳавzasининг майдони 2200 км^2 . Дарё қор-муз сувидан түйиниб, ўртача йиллик сув сарфи секундига $51,9 \text{ м}^3$. Үшани 60,8% март-июнда, 28,6 июль-сентябрда, 10,6% октябрь-февралда оқади.

Қоратоғдарё — Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағридан бошланиб, узунлиги 95 км, ҳавzasининг майдони 682 км^2 . Дарё қор ва музларнинг эришидан түйиниб, йиллик ўртача сув сарфи секундига $56,5 \text{ м}^3$. Үшани 56,5% март-июнда, 32,2% июль-сентябрда, 11,3% ни октябрь-февралда ўтказади. Дарёнинг асосий ирмоқлари Шеркент ва Оқжарсой ҳисобланади.

Сангардак Ҳисор тоғидан Тегиқонор номи билан бошланиб, Қизилсой ирмогини қўшиб олгач Қизилсув, сўнгра Сангардак номини олади. Дарёнинг узунлиги 114 км, ҳавzasининг майдони 948 км^2 бўлиб, қор ва ёмғир сувларидан түйинади, ўртача йиллик сув сарфи секундига $17,1 \text{ м}^3$. Үшани 68,0% март-июнда, 19,2%

июль-сентябрда, 12,8% октябрь-февралда оқиб үтади. Асосий ўнг ирмоқлари — Қизилсой, Шурчисой, Молянғұр; чап ирмоқлари—Хондиза, Нилю.

Хұжабұзборак тоғидан бошланиб, узунлиги 97 км, ҳавзасининг майдони 765 км². Ўртача йиллик сув сарфи секундига 8,17 м³. Ұшаны 79,4% март-июнда оқизади. Асосий ирмоқлари Шотут ва Чүлдара.

Шеробод (186 км) Амударёның ўнг ирмоғи бұлиб, Бойсун тизмасининг шимоли-ғарбидаги Белаута тоғидан бошланади. Дарәга ўнг томондан Қизилсой, Үриклисой, Сариқия, Шұроб, Сайроб, Лайлайхонсой, Майдон, чапдан эса Құқамир, Чақмоқ, Жугун, Шаршар каби ирмоқлар құшилади. Дарёның үртача йиллик сув сарфи секундига 7,53 м³, суви баҳорда ва ёзинг бошларида күпаяди. Йиллик сув сарфининг 62% и шу даврга тұғри келади. Бу дарёлар тоғларда чуқур, тор водийлардан остана ҳам шаршаралар ҳосил қилиб оқади. Текисликка чиққандан кейин эса секинлашиб, суғорышга сарфланади.

Ҳисор-Зарафшон округининг ғарбидаги Қақылкалон ва Қоратепа тоғларининг шимолий ёнбағридан 70 га яқын сойлар бошланади. Бу сойларда сув баҳорда қорларнинг эриши ва ёмғир қувларидан тошиб, ёзда улар қуриб қолади. Бундай сойларнинг энг муҳимлари Бургутсой, Омонқұтонсой, Оқаклисой, Сазағонсой, Оқсой ва бошқалардир. Сой сувлари баҳорда күпайиб, үртача йиллик оқимига нисбатан 10—20 марта күп сув ұтказади. Омонқұтон сойининг йиллик оқими секундига 0,63 м³ бұлған ҳолда, баҳорда тошиб, секундига 10,0 м³ сув ұтказади. Келажакда ұша сел сувларини түсіб қолиши ва ундан қишлоқ ұжалигига фойдаланиш мақсадида сой водийларida бир неча кичик сув омборлари ёки ҳовузлар қуриш зарур. Натижада сой сув ресурсларидан унумли фойдаланишга әришилади.

Ҳисор-Зарафшон округида бир неча кичик күллар мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари Шеробод дарә ҳавзасидаги Конбешбулоқ күли (майдони 0,24 км², сув ҳажми 4,84 млн. м³, узунлиги 0,690 км, үртача кенглиги 0,350 км, үртача чуқурлиги 20,4 м) ва Күхитанг тоғидаги Каттақұл (майдони 0,14 км², сув ҳажми 1,69 млн. м³, узунлиги 0,480 км, үртача кенглиги 0,310 км, үртача чуқурлиги 12,0 м) дір.

Ҳисор-Зарафшон округининг тупроқлари турли-тумандир. Ҳатто бир хил баландлықдаги тоғларда шимолий ёнбағир билан жанубий ёнбағир тупроқлари бир-биридан фарқ қиласы. Қоғаштың күпроқ еритадиган жанубий ёнбағирда нураш жараёни кучли бұлиб, тошлок вә шағаллар күп.

Тоғларнинг 800 м гача бұлған ва лөсс ҳамда лөссли құмлоқ жинслардан тузилған қисмларыда оддий ёки типик бұз тупроқлар таркалған.

Бұздойик-құнғирбош жамоаси ривожланған районларда эса (800—1500 м) түқ бұз тупроқ күп учрайди. Түқ бұз тупроқ чириндига бир оз бой (4%). Округнинг баъзи бир жойларыда (Фузордарёның юқори оқимидаги Бобосурхон, Қорасирт тоғларыда)

буғдойиқ, ҳар хил үтлар ва буталар үсади, улар тагида жигар ранг тупроқ учрайди. Хонтахта, Әшакмайдон ва Бешнов тоғларининг ғарбий ёнбағирларида эса тұқ бұз тупроқ тарқалган. Жигар ранг тупроқда чиринчи 3—4,5% бұлса, тұқ бұз тупроқда 4—7% га етади.

1500—2500 м баландликларда тоғ-үрмөн минтақаси бошланиб, заранг, ёнғоқ, арча, бодом, қатранғи; буталардан писта, дұлана, итбурун, чия үсади. Бу ерларда тоғ-үрмөн жигар ранг ва тоғ жигар ранг құнғир тупроқлар мавжуд. Бу тупроқлар лёссли, тошлоқли жинслар устида вужудга келган. Зарап, олча, ёнғоқ, дұлана каби үсимликлар тагидаги тоғ-үрмөн жигар ранг тупроғыда чиринди 3—6% га етади. Лекин арчазорлар (Қоратепа, Ҳазрати Султон тоғларида) тагида эса жигар ранг құнғир тупроқлар таркиб топған, таркибіда 14% чиринди сақлады.

Ҳисор-Зарафшон округида 2500—3000 (3500) м баландликларда субальп минтақаси ҳукмронлик қиласи ва мушукқүйрүк, құнғирбош, оқсұхта, ксерофитлардан эса тиканли каврак, бетага, чой-ұт үсади.

Ниҳоят, округнинг 3000 (3500) м дан баланд қисміда альп минтақаси бўлиб, асосан тұқ құнғир ва құнғир тоғ-ұтлоқ, торфли тоғ-ұтлоқ ва ұтлоқ тупроқлар тарқалган. Асосий үсимликлари оқ момик, тұнғизсирт, сувранг, чой-ұт, тошлоқ ерларда чалов, бетага, қизилтикан ва астрагалдир.

Округнинг энг баланд жойлари тошлоқ, доимий қор ва музликлардан иборат бўлган ерларидан нивал минтақа жойлашган.

Округнинг ҳайвонот дунёси турли-тумандир. Округнинг үрмөн ва буталари орасида чүчқа, үрмөн каламуши, үрмөн соняси (олмахонга ұшаш ҳайвон) учраса, альп минтақасида қизил думли суғур, қизил пишчуха, кул ранг сассиққұзан, Тибет бургуги, кантар, тош сувсари яшайды. Шунингдек, катта күршапалак, жанубий күршапалак, сувсар, силовсин, сичқонлар, жайра, ёввойи әчкilar учрайди.

Округда Ҳисор ва Китоб қўриқхоналари мавжуд. Ҳисор қўриқхонасида баланд тоғ ландшафти ва у ердаги үсимликлар (арча, зира, наъматак, итбурун, зирк) ҳамда ҳайвонлар (айик, қор қоплони, силовсин, тоғ такаси) ҳимоя қилинади.

Китоб палеонтологик-стратиграфик қўриқхонасида геологик давларда вужудга келиб, очилиб қолган тоғ жинслари муҳофаза қилинади. Округда табиий ресурслар хилма-хилдир. Бу ерда газ (Одамтош), мармар (Омонқұтөн), вольфрам, марганец, симоб (Қоратепада), олтин, қалай (Зирабулоқ-Зиёвуддин), қурилиш материаллари борлиги аниқланған. Шунингдек, шифобахш иссиқ булоқлар, соғ иқлими, хушманзарали оромгоҳ ерлар, арчазорлар, мевали ва доривор үсимликлар кўп.

Ҳисор-Зарафшон округи үз навбатида Зарафшон ва Ҳисор табиий-географик районга бўлинади.

I. Зарафшон табиий-географик райони үз ичига округнинг шимоли-ғарбий қисміда жойлашган Зарафшон тизмасининг ғарбий давоми ҳисобланған Чақаликалон, Қоратепа, Зирабулоқ ва Зиё-

вуддин тоғларини олади. Район шимолда Урта Зарапшон, ғарбда Қуий Зарапшон, жанубда Қашқадарё округлари билан, жануби-шарқда Ҳисор табиий-географик райони билан, шарқда эса Тожикистон билан чегараланды.

Район рельефи жиҳатидан паст ва ўртача баландликка эга бўлган тоғларни ҳамда улар орасидаги ботиқларни олиб, энг баланд Қақаликалон тоғининг Зебон чўққиси 2336 м. етади.

Район иқлимий хусусиятлари жиҳатидан унча совуқ бўлмайдиган қиши (январнинг ўртача ҳарорати — $1-2^{\circ}$ атрофида), унча иссиқ бўлмаган ёз (июннинг ўртача ҳарорати $25-28^{\circ}$ атрофида) билан тавсифланиб, ўйллик ёғин миқдори ортиб, 400 мм. дан 880 мм. га етади.

Район паст ва ўртача баландликдаги тоғларни ўз ичига олганлиги туфайли типик, тўқ ҳамда жигарранг тупроқлар тарқалиб, ўрмонлар унинг фақат шарқий қисмидагина учраб, асосий қисмини чўл ва адирга хос бўлган ўсимликлар қоплаб олган.

Районда қуийдаги ландшафтлар мавжуд.

1. Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғларининг шимолий ёнбағирларини ўз ичига олувчи қорабош, қўнғирбош ўсуви, типик (асосий) бўз тупроқли паст тоғлар ландшафти.

2. Қоратепа ва Ҷақилкалон тоғларининг шимолий ёнбағирларини ўз ичига олувчи қўнғирбош ва қорабош ҳамда буталар (бодамча) ўсуви типик ва тўқ бўз тупроқли ўртача баландликдаги тоғлар ландшафти.

3. Қоратепа ва Ҷақилкалон тоғларининг энг баланд қисмларини эгаллаган арчалар ўсуви ва жигарранг тупроқли парчаланган тоғлар ландшафти.

4. Ҷақилкалон тоғининг оҳактошлари тарқалган жигарранг тупроқли ҳар-хил ўтлар ўсуви карст жараёни мавжуд бўлган платолар ландшафти. Бунга Қирқтоғ платоси киради.

5. Қўнғирбош ва қорабош ўсуви, типик ва тўқ бўз тупроқ тарқалган ўр-қирли лёссимон текислик ландшафти. Бу ландшафт Жом ботиғини, Қоратепа тоғининг жануби-ғарбий ёнбағирларини, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг жанубий ёнбағирларини ўз ичига олади.

6. Ҷақилкалон ва Қоратепа тоғларининг жанубий ёнбағирларини ўз ичига олувчи эфемероидли буғдойиқ ва қисман арчалар ўсуви, тўқ бўз тупроқли парчаланган тоғлар ландшафти.

II. Ҳисор табиий-географик райони ўз ичига Ҳисор тизмаси ва унинг жануби-ғарбга қараб йўналган тармоқлари — Шертоғ, Сумсар, Осмонтараш, Бешнов, Эшонмайдон, Хонтахта, Майдонон, Ҷақчар, Бойсун, Сурхонтоғ, Мачитли, Кўҳитанг тоғларини ва Клифф-Шеробод марзасини олади.

Район шимолда Тожикистон билан, шимоли-ғарбда Зарапшон райони билан, шарқда Сурхондарё округи билан, ғарбда Қарши райони билан, жанубда эса Туркманистон билан чегараланды.

Районнинг ер усти тузилиши бир хил эмас. Унинг ҳудудида Ўзбекистоннинг энг баланд Ҳисор (Ҳазрати Султон — чўққиси

4643 м.) тизмаси ва унинг тармоқлари ҳамда улар орасида Қашқадарё ирмоқларининг тор ва чуқур водийлари жойлашган.

Район иқлимий хусусиятлари жиҳатидан Зарафшон районидан кам фарқ қилиб, қиши Ҳисор тоғидан истисно илиқроқ (январнинг ўртacha ҳарорати $0,5-1,5^{\circ}$ атрофида), ёзи эса иссиқ ($28-29^{\circ}$ атрофида) ва нам (йиллик ёғин миқдори тоғларнинг жануби-гарбий ёнбағирларида 500—1000 мм, аксинча, шарқий ёнбағирларида камроқ).

Районда асосан жигарранг, қўнғир-тоғ-ўрмон ва тоғ-ўтлоқ тупроқлар тарқалиб, баланд бўйли бошоқли ўтлар, арча, бодом, писта каби дарахтлар ўсади.

Район қуйидаги табиий-географик ландшафтларга бўлиниади.

1. Районнинг гарбий қисмida жойлашган қўнғирбош ва қора бош ўсуви типик бўз тупроқли адирлар ландшафти.

2. Клиф-Шеробод ва Шеробод-Сариқамиш марзаларини ўз ичи га оловчи ўта нураган, қорабош ва қўнғирбош ўсуви, скелетли бўз тупроқ тарқалган паст тоғлар ландшафти.

3. Тоғларнинг 1200—1500 м. баландликларини ўз ичи оловчи буғдойиқ ўсуви, тўқ бўз тупроқли, анча парчаланган паст тоғлар ландшафти.

4. Тоғларнинг 1400—1500 м.дан 2000—2500 метр баланд қисмларида жойлашган, арчазорлардан иборат жигарранг ва тоғ ўрмон-қўнғир тупроқли парчаланган тоғлар ландшафти.

5. Тоғларнинг энг баланд (2400—2500 м.дан юқори қисми) қисмida жойлашган субальп ва альп ўтлоқлари мавжуд бўлган оч-қўнғир ва тоғ-ўтлоқ тупроқлар тарқалган баланд тоғли ландшафт. Бу ландшафт ҳудуднинг энг баланд қисмida қоялар, қормузликлар билан қопланган гляциал-нивал ландшафтлар ҳам учрайди.

6. Ўзлаштирилган жойлардаги маданий ландшафт.

Савол ва топшириклар 1. Округ географик урни жиҳатидан Фарбий Тяньшань округидан қандай фарқ қиласи? 2. Округдаги тоғлар қайси тектоник босқичда бурмаланган ва қайси ётқизиқлар кенг тарқалган? 3. Узбекистон атласидаги рельеф харитасидан ва ушбу қулланмадаги округнинг орографик харитасидан фойдаланиб, ёзувсиз харитангизга асосий тоғ тизмаларини, тоғларни, чўққиларни, баландликларни, марзаларни, дарё водийларини, дарё ва кулларни тушириб, билиб олинг. 4. Нима сабабдан округ ҳудудида карстлар, горлар мавжуд ва улар қайси тоғлarda жойлашган? 5. Округ иқлимининг ўзига хос томонлари нималардан иборат ва нима учун округнинг жанубий қисми (Сурхон-Шеробод водийси томон) шимолий қисмiga нисбатан қиши илиқ ва совуқсиз давр узун? 6. Ёзувсиз харитангизга ҳарорат ва ёғинларнинг ҳудудий тақсимланишини тушириб, нима учун тоғларнинг жануби-гарбий ёнбағрига нам кўп тушиб сабабини тушунтириб беринг. 7. Округда қандай баландлик миңтақаланиш борлигини билиб олиб, ҳар бир миңтақага хос булган тупроқ-ўсимлик турлари рўйхатини тузиб чиқинг. 8. Округда қандай қўриқхоналар мавжуд ва улар нима мақсад учун барпо этилган? 9. Нима учун округ Зарафшон ва Ҳисор табиий-географик районига ажратилди?

БОБОТОФ ОКРУГИ

Боботофни ғарбдан Сурхондарё, шимолдан Ҳисор, шарқдан Кофирниҳон, жанубдан эса Амударё водийлари ўраб туради. Биз округнинг шарқий чегарасини шартли равишда Ўзбекистоннинг Тожикистон билан бўлган давлат чегараси орқали ўтказамиш. Боботоф округида бўр ва палеоген, неоген давр ётқизиқлари ривожланган бўлиб, улар альп тектоникаси таъсирида кутарилиб қолган.

Боботоф республикамизнинг тоғли округлари ичидаги ўзининг геологик тузилиши ва ривожланиш тарихи жиҳатидан энг ёш ўлка ҳисобланади, бу ердаги кекса тоғ жинслари бўр даврига хос бўлиб, тоғнинг энг баланд қисмлари ва замини қизил гил, қизил қумтош, қизил мергель, конгломерат ҳамда оҳактошлардан иборатdir. Тоғларнинг қуий қисмларида эса палеоген ва неоген давр оҳактошлари, мергеллари, қизил қумлари ва конгломератлари учрайди. Округнинг тоғ этакларида, дарё водийларида ва ботиқларда антропоген даврнинг аллювиал-пролювиал ётқизиқлари, лёссли қумлоқ, шағал ва бошқа ётқизиқлари кўп учрайди.

Боботоф округи рельефига кўра ҳам Ҳисор-Зарафшон округидан фарқ қиласи; бу ерда қояли, қиррали баланд чўққилар учрамайди. Тоғлар паст бўлиб, емирилган ва бир неча массивларга бўлинниб кетган. Булар ичидаги энг муҳими Боботоғdir.

Боботоф Ҳисор тоғидан Ҳисор водийси орқали ажралган бўлиб, жанубда то $37^{\circ} 30'$ шимолий кенглиkkача тахминан 100 км чўзилган. Тоғнинг жанубий қисми Тусунтоғ, Туртоғ сўнгра Какитоғ деб аталиб то Амударё водийсигача чўзилиб тушади. Лекин округ ҳудудига Боботоғнинг фақат ўзи киради, унинг жанубий қисми Тожикистонга қарайди.

Округ ҳудудида Боботоғнинг ўртача баландлиги 1200—1500 м. Энг баланд қисми эса 38° шимолий кенглиkkдаги Заркоса чўққисидир (2290 м). Боботоф бу чўққидан шимолга ва жанубга пасая боради, 1900—1800 м га тушиб қолади. Тоғ асимметрик тузилган, шарқий ёнбағри тик бўлиб, Кофирниҳон водийсига бирданга пасайиб тушади. Аксинча, ғарбий ёнбағри кенг ва узун бўлиб, Сурхондарё округига томон аста-секин пасайиб боради.

Округ кучли денудация жараёнига дучор бўлган, уни дарёлар, сойлар жуда ўйиб юборган. Бунинг устига карст жараёни тоғ рельефини анча муракаблаштирган.

Боботоғнинг гипсли жинслар тарқалган ва оҳак ётқизиқларидан ташкил топган шарқий ёнбағрида карст жараёни ғарбий ёнбағрига нисбатан кенг тарқалган. Аксинча, лёсс ва лёссимон жинслардан иборат бўлган ғарбий ёнбағрида эса суффозион рельеф шакллари мавжуд.

Боботоф ўзининг геоморфологик тузилиши жиҳатидан анча парчаланган постовли ҳудуд ҳисобланса-да, лекин унинг уқ қисми вақти сувлар иши натижасида вужудга келган чуқур каньонсиз мон водийлар орқали бир неча қисмларга бўлиб юборилган. Буни устига Боботоғнинг шимолий қисмини баланд жойларига ёғиннинг

нисбатан күпроқ тушиши туфайли вужудга келган сувлар ҳар ҳил ётқизиқлар ва тупроқларни ювиб она жинсларни очилиб қолишига сабабчи бўлган.

Боботогнинг ғарбий ёнбағри ва тоғ олди текисликлари рельефи жихатидан сув ва шамол эрозияси туфайли анча парчаланган ўр — қирлардан иборат. Бундай рельеф шакллари айниқса лёсс ва лессимон жинслардан ташкил топган Жончекка ва Пайзов қишлоқлари орасидаги тоғнинг ғарбий ёнбағирларида кенг тарқалган. Агар бу ҳудудларда содир бўлаётган эрозияни олди олинмаса у ҳолда бэдлендга айланиб қолиши ҳам мумкин.

Боботогнинг жанубий давоми ҳисобланган Дўсмон тоғ ва Оқтоғ (яйловлардан нотуғри фойдаланиш, ўсимликларга нисбатан нотуғри муносабатда бўлиш, ерларни илғор агротехника қоидаларига риоя қилмай ҳайдаш, йўл ва бошқа қурилишлар туфайли) эрозияяга, айниқса шамол эрозиясига дучор бўлган. Бинобарин, бу тоғлар паст бўлсада ер усти емирилган, ўйилган ҳамда жарлар вужудга келган бўлиб рельефи нисбатан мураккаб.

Боботогнинг шимолий қисмини шарқий ёнбағри билан Кофирниҳон дарёси орасида аллювиаль пролювиаль текисликлар жойлашиб, күпроқ гипсли жинслардан ташкил топган. Шу сабабли текислик карстсуффозион жараёнга дучор бўлиб унда ҳар ҳил шаклдаги упқонлар, ўралар, жарлар тез-тез учраб туради.

Округ тоғли ўлка бўлишига қарамай, қиши илиқ, ёзи эса жуда иссиқ бўлади. Бунинг асосий сабаби ўлканинг жанубий кенгликларда жойлашганлиги ва шимолдан, шарқдан катта-катта тоғлар билан ўралганлигидир. Шу сабабли округда йилнинг ҳамма ойларининг ўртача ҳарорати 0°C дан юқори бўлади. Фақат Заркоса чўққиси атрофида январь-февраль ойларининг ўртача ҳарорати 0°C дан паст. Округнинг қуий қисмida январининг ўртача ҳарорати $+2^{\circ}$, $+1^{\circ}\text{C}$ бўлса, баланд қисмларида $+1^{\circ}$, -1°C га яқин бўлади. Лекин энг паст ҳарорат баъзан -25°C га тушади. Ёз ойлари эса жуда иссиқ ва қуруқ, июлнинг ўртача ҳарорати 20° — 28°C бўлади.

Вегетация давридаги ҳароратнинг ўйиндиси Л. Н. Бабушкин маълумотига кўра округнинг 500 м. гача бўлган баландликларида 5200° ни ташкил этса, 650 м. баландликларда 4700 — 5000° , 900 м. баландликда 4000 — 4700° , 1100 м. баландликларда эса 4200 — 4400° га тушиб қолади. Ҳарорати $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган давр тоғнинг қуий қисмida 235 — 240 кун атрофида бўлса 1200 м. дан баландликлarda 220 кунга тушиб қолади.

Ёғин округда ҳудуд ва йил фасллари бўйлаб нотекис тақсимланган. Округнинг унча баланд бўлмаган жанубий қисмida ёғин кам — 250 — 300 мм, баланд ерларида 500 мм га етади. Ёз жуда қурғокчил келади. Округда доимий оқар дарёлар йўқ. Асосий сойлари Файзова, Хўжагулсум, Арғамчи ҳисобланаб, баҳорги намгарчилик вақтида сувлар кўпайиб, ёзда камайиб ёки бутунлай қуриб қолади.

Округнинг лёссли жинслардан иборат бўлган (600 м баландликкача) паст ерларида оч бўз тупроқлар кўп, лёсс қавати юви-

либ кетган ҳудудларда эса тошлоқ, шағалли бұз тупроқ учрайди.

Боботоғнинг 600—900 м баландлықдаги құмлоқ жинсли ерларидә оддий бұз тупроқ тарқалған. 900 (1000 м) дан юқорида эса тошлоқ ерлар күп булиб, ксерофит буталар күп үсады. Улар тағида карбонатлы жигар ранг тупроқ тарқалған.

Округ үсимликлари таркибида күп йиллик ксерофит ва бутасимонларнинг күп булиши билан фарқ қиласы. Бу ерда күп йиллик үсимликлардан қизилқулоқ, оққуврақ, мингбаш, жавдар күп учрайди. Округнинг юқори қисмидаги тошлоқ ва палеоген ва неоген даврнинг гилли жинслари ҳукмронлик қилған ерларидә пистазорлар, тиканли буталардан итбурун күплаб учрайди, улар орасыда бетатали чүллар ҳам мавжуд. Округнинг юқори қисмларида яна арча, заранг ва писта, бодом ҳам үсады.

Округда сариқ юрмонқозық, сұфур, ёввойи чүчқа, Бухоро бугуси, ўқилон, агама калтакесаги, күзойнакли илон, каклик, калхат ва бошқа ҳайвонлар яшайды.

Боботоғ бошқа округлардан бодом ва пистазорларнинг күплиги билан ажралиб туради. Боботоғ пистаси жуда ҳам сифатли булиб, таркибида ёғ моддаси күпdir. Шу сабабли ҳозир Боботоғ округи писта ва бодом меваси етиштиришда олдинги ўринда туради.

Боботоғ округи кичик ҳудудни ўз ичига олғанлиғи туфайли уни районларга ажратмай үнда мавжуд бұлған қуйидаги ландшафттарни бердік;

1. Асосан шувоқ үсувчи типик бұз тупроқли тоғ олди аллювиаль-пролювиал текисликлар ландшафти.

2. Боботоғнинг қуий қисмидаги қорабош, құнғирбош ва шувоқ үсувчи, түқ бұз тупроқ тарқалған лёссли паст тоғлар ландшафти.

3. Боботоғнинг баланд қисмларида жойлашған пистазорлар мавжуд бұлған түқ бұз ва жигар ранг тупроқли, тоғлар ландшафти.

4. Үзлаштирилған жойлардаги маданий ландшафт.

Савол ва топшириқлар 1. Округ географик ўрникни ва геологик тузилишини Ҳисор-Зарафшон округига ўхшаш томонлары ва тафовутлари нималардан иборат? 2. Боботоғ округи рельефининг үзінгі хос хүсусиятлары нималардан иборат? 3. Округ ҳудудида қишлоқ илиқ, ёз иссиқ, ёғын миқдори кам, сабабини тушунтириб беринг. 4. Нима учун округда доимий дарә вә сойлар ійік? 5. Округ қандай табиий бойлигі билан жумхуриятимизда машхур?

ИЛО ВАЛАР

1- жадвал

Қүёш нур сочиб туралған давр, соат ҳисобида

Манзиллар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йиллiği
	114	125	170	235	316	361	395	372	305	236	156	104	2889
Тошкент	96	130	143	200	286	312	347	344	302	221	115	103	2599
Фарғона	105	132	162	217	309	363	392	370	306	233	167	121	2877
Самарқанд	127	136	139	191	263	322	344	325	283	216	138	119	2603
Китоб	144	149	186	244	326	362	390	358	312	264	183	141	3059
Термиз	95	133	180	235	328	373	347	374	316	234	173	114	2952
Чимбой	94	125	171	237	314	362	384	360	302	244	163	94	2850

Ўзбекистон ҳудудида ҳароратнинг тақсимланиши

Манзиллар номи	Денгиз сатидан баландлиги, м	Уртача ойлик ва йиллик ҳарорат, градус									
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Чиноз	278	-3,1	0,0	7,4	14,6	20,3	25,0	26,5	24,6	18,5	
Гулистан	276	-2,3	1,0	8,1	15,3	21,3	25,9	27,2	24,9	19,0	
Янгийўл	338	-2,6	0,2	7,4	14,4	20,6	25,4	27,4	25,2	19,2	
Ховос	356	-0,8	1,8	8,6	16,0	22,2	27,6	29,9	28,2	22,3	
Запорожская	301	-1,4	1,2	8,3	15,4	21,0	25,8	27,7	26,1	20,4	
Бўзсув (Тошкент)	473	-1,1	1,4	7,8	14,7	20,2	24,9	26,7	24,8	19,2	
Далварзин	290	-2,4	1,4	8,7	15,6	21,6	26,5	27,8	25,6	19,8	
Оққовоқ	556	-0,9	1,6	7,4	14,3	19,8	24,9	27,1	25,6	20,1	
Облиқ	847	-2,0	0,4	6,6	13,2	18,5	23,8	26,4	24,5	19,4	
Чорвоқ	892	-2,1	0,2	5,2	12,2	17,2	22,6	24,5	23,5	18,6	
Киров	404	-2,4	0,4	8,0	16,2	21,9	26,2	28,0	26,3	20,2	
Кўйкон	405	-2,2	1,0	8,4	16,2	21,4	25,4	26,8	25,1	19,6	
Ултарма	476	-2,3	0,0	7,8	15,8	21,1	25,3	27,2	25,3	19,4	
Фарғона	578	-2,7	0,2	7,5	15,2	20,4	24,5	26,4	24,8	19,0	
Кува	469										
Асака	542										
Андижон	496	-3,5	0,3	8,1	15,8	21,2	25,4	26,7	24,9	20,1	
Толлиқ-											
Яққатут	514	-3,7	-0,4	8,0	15,6	21,3	25,5	27,4	25,7	19,8	
Косонсой	890	-1,1	-0,7	6,8	14,0	18,5	23,0	25,8	25,2	20,7	
Наманган	449	-2,3	0,2	9,0	16,4	20,7	25,0	26,3	25,1	20,2	
Пахталикул	605	-3,2	0,3	7,9	15,6	20,8	25,8	27,5	25,9	20,1	
Қизилровот	481	-3,6	-0,5	7,6	15,0	20,8	25,6	27,4	25,4	19,8	
Нурота	501	-1,0	1,5	7,2	14,2	20,3	25,4	27,8	25,8	19,8	
Наримонов	611	-1,2	1,3	7,1	14,1	19,9	24,4	27,0	25,2	20,2	
Фаллаорол	736	-1,8	0,6	6,3	13,2	18,9	24,4	27,2	25,4	20,0	
Богарная (Милютинск)	580	-4,0	-0,4	5,6	12,7	18,4	23,9	26,5	24,4	17,8	
Жиззах	392	-1,1	1,7	8,0	15,0	20,9	26,2	28,5	26,8	21,0	
Сангзар	1307	-3,3	-1,4	4,1	10,4	15,1	19,7	23,0	21,9	17,0	
Зарбдор	398	-2,2	1,4	7,7	14,8	20,8	26,4	29,0	27,2	21,5	
Каттакўргон	485	-1,9	1,8	7,2	13,9	20,0	24,9	27,2	25,1	19,1	
Қоракўл	196	-0,4	2,9	8,9	16,2	22,8	27,0	29,1	26,8	21,4	
Шофириқон	240	-1,5	2,1	8,1	15,4	22,1	26,9	29,1	27,1	21,0	
Коғон	222	-0,6	3,0	8,8	16,2	23,2	27,6	29,6	27,6	22,0	
Навоий	347	-0,4	3,2	8,2	15,0	21,7	25,8	28,3	25,9	20,1	
Томди	220	-4,1	0,2	6,6	14,4	22,1	27,2	30,0	27,6	21,0	
Қарши	378	-0,2	3,8	9,4	15,7	22,0	26,6	28,8	26,6	20,4	
Ғузор	524	1,9	5,1	10,2	16,0	22,3	27,1	29,4	28,3	22,8	
Бойсун	1243	0,8	2,6	7,9	13,7	19,6	25,2	27,8	26,9	21,7	
Самарқанд	695	-0,2	2,5	7,9	14,4	19,9	24,0	25,9	24,2	19,3	
Ургут	995	-0,5	1,6	6,8	12,3	17,5	21,9	24,4	23,0	16,0	
Деҳқонобод	874	0,6	3,6	8,7	14,3	20,8	26,1	28,4	27,3	21,3	
Қитоб	658	0,8	3,6	9,0	15,0	20,6	25,1	28,0	26,7	20,6	
Шеробод	444	3,6	0,3	11,0	18,1	24,5	29,4	32,1	30,2	24,6	

2- жадвал

					Энг юкори харо- рат, градус	Энг паст харо- рат, градус	Баҳорда жыргы сөвүк тушици- нинг йў- тана муддати	Кузда бирин- чи совук тушици- нинг ўр- тача муддати	Совук бўлмайди- ган давр, кун	Кузда бирин- чи со- вук ту- шицидан олдинги фойдалари харорат- лар йигидиси, градус
12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	
11,9	5,0	-0,3	12,5	42	-33	2 IV	18 X	198	2176	
12,6	5,8	1,0	13,3	44	-34	28 III	20 X	205	2364	
12,2	5,6	0,6	13,0	43	-32	31 III	28 X	203	2321	
14,2	7,7	2,5	15,0	47	-28	21 III	7 IX	230	3768	
13,4	6,8	1,8	13,9	42	-30	25 III	28 X	216	2445	
12,6	6,6	1,8	13,3	42	-29	25 III	28 X	216	2330	
12,8	6,3	1,8	13,8	44	-35	24 III	23 X	212	2437	
13,6	7,5	2,2	13,6	41	-30	26 III	29 X	216	2313	
12,4	6,0	1,4	12,6	42	-32	31 III	29 X	211	2079	
12,1	6,0	1,0	11,6	40,0	-29				1804	
12,6	5,5	0,9	13,6	44	-24	29 III	21 X	205	2500	
12,2	5,7	1,0	13,4	42	-23	25 III	21 X	209	2364	
12,0	5,3	1,1	13,2	42	-24	30 III	20 X	203	2336	
11,8	5,4	0,6	12,8	42	-27	25 III	25 X	213	2223	
				42	-30	1 IV	17 X	198	2248	
				42	-30	26 III	22 X	209	2224	
12,7	5,6	0,2	13,1	40	-26	26 III	30 X	217	2359	
12,4	5,2	0,8	13,1	42	-29	1 IV	15 X	196	2180	
12,2	6,8	0,5	12,7	40	-26	29 III	4 XI	219	2163	
13,2	6,4	0,2	13,4	42	-26	20 III	5 XI	229	2386	
12,8	6,2	0,3	13,3	41	-27	24 III	30 X	219	2416	
12,9	5,7	0,2	13,0	42	-31	31 III	21 X	203	2379	
12,4	6,3	1,5	13,4	43	-29	1 IV	21 X	202	2310	
13,1	7,0	2,5	13,4	45	-28	3 IV	17 X	190	2252	
12,9	6,0	1,4	12,9	42	-30	1 IV	29 X	209	2206	
10,4	4,0	-0,3	11,6	45	-35	11 IV	30 IX	171	2008	
13,8	7,0	2,0	14,2	46	-32	22 III	27 X	218	2525	
10,2	4,8	0,0	10,1	39	-30	15 IV	17 X	184	1484	
13,9	6,3	1,4	14,0	46	-30	29 III	30 X	214	2577	
11,9	5,9	1,4	13,0	44	-35	10 IV	25 X	177	2159	
13,7	7,2	1,6	14,8	45	-27	25 III	22 X	213	2668	
13,1	6,3	0,7	14,2	45	-29	31 III	5 X	204	2640	
14,2	7,4	1,8	15,1	45	-25	24 III	25 X	214	—	
13,0	7,1	2,3	14,2	44	-24	26 III	25 X	212	2449	
12,5	4,7	-1,1	13,4	44	-31	4 IV	27 X	205	2610	
13,6	7,5	3,2	14,8	47	-27	25 III	21 X	209	2564	
16,3	9,6	4,7	16,1	46	-23	16 III	14 XI	242	2864	
15,3	9,0	3,9	14,5	40	-23	22 III	15 XI	237	2458	
13,1	7,2	3,0	13,4	34	-26	26 III	28 X	215	2332	
11,8	6,7	3,0	12,2	40	-25	2 IV	24 X	205	1820	
14,5	8,1	3,8	14,8	43	-29	25 III	28 III	216	2535	
14,1	8,6	4,4	14,7	43	-26	24 III	30 X	219	2453	
17,6	11,7	6,8	18,0	48	-20	2 III	24 XI	266	3559	

2- жадвалниг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Термиз	302	2,8	5,7	11,5	18,5	24,5	29,3	31,4	29,6	23,3
Қумқұрғон	438	1,3	5,0	10,5	16,7	22,9	26,8	29,0	27,3	21,4
Денов	523	2,8	4,7	10,1	16,1	21,3	25,8	28,4	26,4	21,1
Хива	97	4,5	-1,5	5,6	14,5	21,0	25,3	27,4	24,9	18,8
Урганч	151	-5,1	-2,2	5,0	13,8	21,0	25,3	27,3	25,1	18,8
Қунғирот	63	-7,1	-4,9	5	11,5	19,0	23,0	25,8	23,9	17,6
Нукус	76	-6,9	-4,0	4,1	13,1	20,5	25,0	27,1	24,7	18,3
Чимбай	66	-7,6	-5,0	2,8	11,9	19,4	23,7	26,0	23,9	17,7
Тұртқұл	109	-4,9	-1,7	5,6	14,3	21,7	26,2	28,2	25,9	19,6
Чурук	124	-11,1	-8,9	0,0	9,6	18,1	23,7	27,3	24,9	17,3

2-ЖАДВАЛНИГ ДАВОМИ

12	13	14	15	16	17	18	19	20	21
16,9	10,1	4,8	17,4	48	-21	12 III	2 XI	234	3227
15,4	9,8	5,2	15,9	46	-25	17 III	30 X	226	2742
14,9	10,1	-5,5	15,6	46	-23	15 III	29 X	227	2675
11,1	4,0	-1,5	12,1	44	-31	30 III	25 X	208	2260
10,8	3,4	-2,0	11,8	43	-32	31 III	22 X	201	2215
9,5	2,4	-3,1	10,0	41	-29	7 III	20 X	195	1902
10,4	2,1	-3,0	11,0	44	-32	4 IV	18 X	196	2147
9,6	2,0	-3,8	10,0	42	-31	6 IV	17 X	193	1958
11,5	3,8	-1,8	12,4	44	-32	29 III	25 X	209	2385
7,3	5,5	-4,8	8,6	44	-37	14 V	5 X	153	1896

Ўзбекистон дарёлари ҳақида умумий маълумот

Дарёлар ва сув ўлчамич жойи	Ҳавзасининг майдони, км ²	Узунлиги, км.	Уртача кўп йиллик сув сарфи, м ³ /сек	Дарёлар	Ҳавзасининг майдони, минг км ²	Узунлиги, км	Уртача кўп йиллик сув сарфи, м ³ /сек
Амударё (Карки)	199,4	1437	1990	Фовасой (Фоба)	0,69	92	8,29
Сирдарё (Қўкбулоқ)	150,1	2137	732	Қосонсой	1,4	154	8,50
Норин (Учқўргон)	58,4	534	429	Пошшаота	0,39	122	6,13
Қорадарё (Қампирровот)	24,1	177	270	Зомин (Қўриқ қишлоқ)	0,7	58	2,0
Чирчиқ (Хўжакент)	119,4	174	221	Сангзор (Баҳмал)	3,22	198	2,72
Зарабшон (Дупули)	123	781	132	Чадаксой	0,56	76	1,78
Сурхондарё (Аррапоя)	8,23	196	86,6	Чортоксој	0,71	67	11,6
Чотқол	6,87	223	124	Үгом	0,87	68	6,8
Писком	2,84	73	80,4	Оқтепасой (Оқтепа)	0,72	77	1,2
Оҳангарон (Турк)	4,01	236	23,5	Поччаота	0,4	130	6,13
Тўполондарё (Зарҷон)	2,20	112	52,7	Сангардак (Кенгузор)	0,93	106	14,7
Қоратоғдарё (Қоратоғ)	0,68	95	22,8	Тусунсой (Хожа-кент)	1,1	76	2,0
Шерободдарё (Шеробод)	2,96	171	7,49	Хўжайкон	0,76	91	3,79
Қашқадарё (Варғанзи)	8,78	310	5,14				
Ғузордарё (Ертепа)	3,4	86	5,93				
Соҳ (Сариканда)	2,47	94	41,8				
Исфара (Тошқўргон)	1,58	130	15,8				
Оқбўра (Папан)	2,53	148	19,7				
Исфайрамсой (Учқарган)	2,28	107	22,9				
Шоҳимардон (Повулғон)	1,48	77	9,72				

5- жадвал

Узбекистон ҳудудидаги энг муҳим каналлар (Ирригация Узбекистана
ва бошқа манбалар асосида туизилган)

Каналлар номи	Фойдала-нишига топширилган йили	Қайси дарёдан сув олишлиги	Узунлиги, км	Сув сарфи, м ³ /сек
1. Моргуненков номли	1930	Чирчиқ	45	26
2. Хандам	1973	Чирчиқ-Чоп-қирғон Қора-сув	65	30
3. Тошкент	1941	Чирчиқ	54	87
4. Даъварзин	1930	Сирдарә	46,6	78
5. Киров номли (собиқ)	1900	Сирдарә	120	230
6. Жанубий Мирзачул	1960	Сирдарә	127	300
7. Охунбобоев номли	1940	Сирдарә	50	50
8. Жанубий Фарғона	1940	Қорадарә	162	63
9. У. Юсупов номли Катта Фарғона	1940	Норин-Қора-дарә	270	240
10. Шимолий Фарғона	1940	Норин	162	103
11. Савай	1930	Қорадарә	53	22
12. Катта Андижон	1969	Норин	109	200
13. Катта Наманган	1970	Норин	135,3	—
14. Дарғом	1931	Зарафшон	92	120
15. Нарпай	1934	Зарафшон	105	60
16. Ўнг қирғоқ Зарафшон	1938	Зарафшон	72	107
17. Чап қирғоқ Зарафшон	1938	Зарафшон	—	120
18. Миёнкал — Хатирчи	1964	Зарафшон	97	60
19. Эски Анҳор	1955	Зарафшон	300	60
20. Дарғом	1931	Зарафшон	110	10
21. Аму-Бухоро магистрал канали	1965	Амударә	197	290
22. Аму-Қоракўл	1963	Амударә	52	42
23. Аму-Қарши магистрал канали	—	Амударә	200	200
24. Аму-Занг канали	1972	Амударә	56	200
25. Қиличбай	1935	Амударә	58	81
26. Тошсока	1940	Амударә	34	205
27. Қизкетган	1935	Амударә	25	214
28. Пахта Арна	1931	Амударә	38	65
29. Ленин номли (собиқ)	1940	Амударә	108	120
30. Шеробод машина канали	1971	Амударә	27	110
31. Ҳазарбог	1929	Тўполанг	49	48
32. Қумқурғон	1932	Сурхондарә	76	27
33. Занг	1966	Сурхондарә	90	85
34. Конимех	—	Зарафшон	28	16
35. Вобкент	—	Зарафшон	35	70
36. Шоҳруд	—	Зарафшон	36	123

Ўзбекистон сув омборларининг морфологик тавсифи

Сув омборлар	Қайси дарёда қурилган	Қурилган йили	Тўла сув сигими, млн. м ³	Фойдаланувчи сифими, млн. м ³	Майдони, кв. км	Узунлиги, км	Энг кенглиги, км	Энг чуқур жойи, м.	Фойдаланиш мақсади
Чорвоқ	Чирчиқ	1970	2000,0	1596,0	40,0	22,0	10,0	148,0	Ирригация, энергия
Жанубий Сурхон Каттақўрғон	Сурхондарё Зарафшон	1962 1941	800,0 840,0	710,0 817,8	65,0 83,6	20,0 15,0	5,0 10,0	27,0 28,0	Ирригация Ирригация
Чимкўргон	Кашқадарё	1963	449,0	410,0	44,4	15,7	5,5	30,0	Ирригация
Кўйимозор	Зарафшон	1957	313,5	254,5	16,9	5,25	5,0	34,0	Ирригация
Пашкамар	Ғузордарё	1967	28,0	279,8	12,4	4,3	3,9	65,0	Ирригация
Оҳангарон	Оҳангарон	1974	255,0	242,0	6,3	3,74	3,0	90,0	Саноат, ирригация
Туябўғиз	Оҳангарон	1960	210,0	188,2	20,0	8,0	2,2	34,0	Ирригация
Учқизил	Сурхондарё	1957	165,0	80,0	10,0	5,5	3,5	40,0	Ирригация
Жиззах	Сангзор	1965	90,0	88,4	11,0	3,3	5,12	22,4	Ирригация
Андижон	Қорадарё	—	1730	1600,0	55,2	—	—	—	Ирригация
Толимаржон	Аму-Қарши магистрал канали	—	1033	874	—	—	—	—	Ирригация
Туямуйин	Амударё	—	7800	8600	—	—	—	—	Ирригация
Каркидон	Исфайрамсой	1963	218,4	211,5	9,5	—	—	23	Ирригация
Чордара	Сирдарё	—	—	5700	900	—	—	22	Ирригация
Қайроққум	Сирдарё	—	—	4200	510	55	—	23	Ирригация

7- жадвал

Ер ости сувларининг гидрогеологик районлар бўйича миқдори

№	Гидрогеологик районлар	Динамик миқдори, (запаси) м ³ /сек	Ишлатилиш миқдори, м ³ /сек
1.	Фарғона	294,0	289,0
2.	Тошкентолди	157,0	128,2
3.	Мирзачул	65,7	31,7
4.	Нурота-Туркистон	12,4	7,1
5.	Зарафшон	93,1	81,8
6.	Қашқадарё	22,4	9,8
7.	Сурхондарё	61,4	33,9
8.	Бухоро-Тўрткўл	153,8	149,2
9.	Марказий Қизилқум	11,0	8,9
10.	Шарқий, Шимоли-Шарқий Қизилқум	4,0	4,0
11.	Оролбўйи	43,6	43,6
12.	Амударёнинг чап қирғоқ дельтаси	118,5	118,5
13.	Устюрт	1,2	1,2
	Узбекистон бўйича ҳаммаси	1038,1	906,9

8- жадвал

Узбекистон тупроқлари (Иrrигация Узбекистана,
том 1, Тошкент, 1975)

Тупроқ турлари	Майдони	
	минг.га	% ҳисобида
Баланд төр оч қўнғир тусли	540	1,19
Уртача баландликдаги жигар ранг ва қўнғир тусли	1662	3,68
Тўқ тусли бўз тупроқ	1055	2,33
Тилик бўз тупроқ	3051	6,77
Оч тусли бўз тупроқ	2592	5,74
Утлоқ-бўз ва бўз-утлоқ	781	1,72
Утлоқ (бўз тупроқли минтақа)	670	1,47
Ботқоқ-утлоқ (бўз тупроқли минтақа)	78	0,17
Сур-қўнғир	11408	25,30
Чўл-қумли	1372	3,04
Тақир тупроқ ва тақирлар	1784	3,96
Утлоқ-тақир ва тақир-утлоқ	465	1,02
Утлоқ (чўл зонаси)	1796	3,97
Ботқоқ-утлоқ (чўл зонаси)	58	0,15
Шўрхоклар	1272	2,81
Қумликлар	12413	27,54
Бошқа ерлар (сув ҳавзаси, төр, қоя ва бошк.)	4118	9,12
Ҳаммаси	45115	100

Узбекистонда муҳофаза остига олинган ва келажакда олиниши зарур бўлган ҳудудлар

Кўриқхона, миллий бор, буюртма ва парваришхоналар номи	Географик ўрни	Ташкил этилган йили	Майдони, гектар ҳисобида	Муҳофаза қилинадиган объектлар
1	2	3	4	5
1. Кўриқхоналар				
Чотқол төғ-ўрмон қўриқхонаси	Тошкент вилоятидаги Чотқол тизмасида	1947	35000	Тоғ ландшафти ва у ердаги ўсимликлар (арча, ёнғоқ, хандон писта, қайнин, жирганоқ) ҳамда ҳайвонлар (тоғ такаси, оқ тирноқли айқ, тұнғиз, тулки, Мензбир сүгүри, қор қоплони) муҳофаза қилинади.
Зомин төғ-ўрмон қўриқхонаси	Жizzах вилоятига қарашли Туркестон тизмасининг Гуралаш довони атрофидаги	1926	10500	Тоғ ландшафти ва у ердаги арчазорлар ҳамда тоғ эчкиси, тоғ қўйи, оқ тирноқли айқ, Сибирий тасаси каби ҳайвонлар муҳофаза қилинади.
Нурота тоғ ёнғоқзор-мева қўриқхонаси	Жizzах вилоятига қарашли Нурота тизмасида жойлашган	1975	22500	Тоғ ландшафти ва у ердаги ўсимликлар (ёнғоқзорлар, олма, олича, тут) ҳамда ҳайвонлар (Сибирий қўйи — муфлон, тұнғиз, тулки, жайра, каклик, бургут) муҳофаза қилинади.
Хисор (собиқ Мироқи ва Қизилсу) тоғ арча қўриқхонаси	Қашқадарё вилоятига қарашли Хисор тизмасининг ғарбий ёнбағрида жойлашган	(1975, 1976) 1985	76800	Баланд тоғ ландшафти ва арча, зирк, наъматак, итбурун, айқ, қор қоплони, силовсин, тоғ тасаси, тұнғиз, жайра, қизил суғур муҳофаза қилинади.
Зарафшон қўриқхонаси	Самарқанд вилоятига қарашли Зарафшон дарёсининг қайирларида жойлашган	1975	2500	Тўқай ландшафти ва у ердаги ўсимликлар (жийда, турандыр, жирганоқ, маймунжон) ва ҳайвонлар (Зарафшон тустувуғи, тулки, шоқул, қуён) муҳофаза қилинади.
Қизилкум қўриқхонаси	Бухоро вилоятига қарашли Амударёнинг ўнг соҳилида	1971	3500	Тўқай ва чўл ландшафти унданаги ўсимлик ва ҳайвонлар (Бухоро буғуси — хонгул, тұнғиз, қирғовул) муҳофаза қилинади.
Бодайтўқай қўриқхонаси	Қорақалпостонга қарашли Қўйи Амударёнинг ўнг соҳилида	1971	6500	Амударё қайирларида туқай ландшафти ва у ердаги ҳайвонлар (Хива қирғовули, тұнғиз, бұрсық, қуён, олачишпор, қизилиштон, Бухоро буғуси) муҳофаза қилинади.

1	2	3	4	5
Сурхондарё	Сурхондарё вилоятига қарашли Пайғамбаророл қўриқхонаси билан Кўхитанг буюртмаси ҳудудида жойлашган	1960	3043	Туқай ландшафти ва у ердаги яшовчи хонгул, тўғиз, тўқай мушуги; X-XI асрда оид архитектура ёдгорликлари. Собиқ Кўхитанг буюртмаси қисмida эса тоғ ландшафти ва у ердаги марҳар, Бухоро тоғ қўйи, бургут ҳамда Зароудкамар археологик ёдгорлиги ҳимоя қилинади.
Варданза	Бухоро вилоятининг Шоғрикон урмон хўжалиги худудида	1955	324	Қўмли чўл ландшафти ва у ердаги ўсимлик-ҳайвонлар ҳамда тарихий ёдгорлик — Варданза шаҳар харобалари муҳофаза қилинади.
Китоб давлат геологик қўриқхонаси	Қашқадарё вилоятида, Ҳисор тоғ тизими ning гарбий қисмida	1979	5600	Юра даврига хос бўлган жинсларнинг табиий ҳолда очилиб қолган жойларни сақлаш.

2. Ҳалқ (миллий) боғлари

Жиззах ҳалқ (миллий) боғи	Жиззах вилояти, Зомин тумани ҳудудида	1977	31503	Рекреация ҳудуди.
Чотқол — Уғом ҳалқ боғи	Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган	1992		Тоғолди ва тоғ табиий комплексларини сақлаш ва рекреация ҳудуди.

3. Буюртмалар

Арнасой	Жиззах вилоятида	1977	63000	Арнасой фаунасини бойитиб бориш.
Бухоро-Тўдакўл Оқбулоқ	Бухоро вилоятида Тошкент вилоятида	1960 1973	30000 12500	Тўдакўл флора ва фаунасини бойитиб бориш. Чотқол қўриқхонасининг муҳофаза минтақаси.
Денгизкўл	Бухоро вилоятида	1973	18620	Сув ва ботқоқча мослашган қушларни сақлаш.
Хоразм	Хоразм вилоятида	1974	11000	Кўчиб юрувчи қушлар ва бошқа ҳайвонларни сақлаш.
Абдусамат	Фарғона вилоятида	1967	2500	Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган кичик ороллардаги ҳайвонларни сақлаш ва бойитиб бориш.
Нукумтюбек	Қорақалпогистон жумҳуриятида	1971	2900	Кувонишдарё ариги бўйидаги флора ва фаунани сақлаш.
Амударё дельтаси	Қорақалпогистон жумҳуриятида	1974	36000	Амударё дельтасидаги фаунани сақлаш.

1	2	3	4	5
4. Парваришхоналар				
Бухоро жай- рони	Бухоро ви- лоятининг Коровулбо- зор хўжали- гида	1976	5145	Жайронни кўпайтириш.
Сирдарё қир- ғовули	Сирдарё ви- лояти ҳуду- дида	1983	260	Қирғовулни кўпайтиради.
5. Келажакда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар				
Устюрг қум- чинк қўриқхо- наси	Қорақалпо- ғистон жум- хуриятида	—	—	Орол денгизининг гарбий қис- мидаги Устюргтинг чинклар комплексини сақлаб, муҳофаза остига олиш.
Боботор қўриқ- хонаси	Сурхондарё вилоятида	—	—	Тоғолди, тоғ ландшафтини ва у ердаги пистазорларни сақ- лаш ва муҳофазага олиш. Марказий Фар- ғона қўриқхо- наси
Марказий Фар- ғона қўриқхо- наси	Фарғона ва Наманган вилоятла- рида	—	—	Марказий Фарғона қумли чўл- ларини сақлаб қолиб, муҳофаза қилиш.
Марказий Қи- зилқум қўриқ- хонаси	Қизилқум марказида	—	—	Қизилқумнинг марказий қис- мидаги қум экосистемасини сақлаб, муҳофаза остига олиш.
Қирқтоғ қў- риқхонаси	Самарқанд ва Қашқадарё вилояятларида	—	—	Қирқтоғдаги карст жараён- ларни ва горларни сақлаб муҳофаза қилиш.
Нурота кориз- лари	Навоий ви- лоятида	—	—	Кориз қолдиқларини сақлаб қолиш мақсадида уларни та- биат ёдгорлиги сифатида ас- рапш.
Сангижумон табиат ёдгор- лиги	Навоий ви- лояти Нур- ота туманида	—	—	Оқтоғнинг жанубий ён бағри- да жойлашган шамол таъси- рида тебраниб турувчи баҳай- бат харсанг тошни ўз ҳолича сақлаш.
Қирқиз та- биат ёдгорли- ги	Жиззах ви- лоятида	—	—	Молгузор тизмаси Гуролаш сойнинг юқори қисмидаги Қи- зилтүри тогида жойлашган табиат яратган ҳар хил шакл- лар, жумладан «Қирқиз» қалъасини табиий ҳолича сақ- лаш.
Пулиҳокин та- биат ёдгорли- ги	Сурхондарё вилояти	—	—	Хисор тизмасининг Кетмон- чопти тогининг жануби ёнбағ- ридаги (Бойсун атрофида) табиат яратган нодир геомор- фологик обида хисобланган, эни 3,5 метр, узунлиги 7 м. келадиган Пулиҳокин кўпри- гини табиий ҳолича сақлаш.

ДАВОМИ

1	2	3	4	5
Чорчинор	Самарқанд вилояти	—	—	Ургут яқинидаги 1000 ёшдан катта чинорлар ва у ердаги булоқларни табиий ҳолича сақлаш.
Баликкўл	Наманган вилоятида	—	—	Қуллар тизими ва ундаги ба-лиқлар, атрофидаги табиий манзарани сақлаш.
Чинор	Тошкент ви-лояти Бўс-тонлиқ ту-мани	—	—	Хужакент қишлоғидаги чинор, булоқлар, шаршаралар ва улар атрофидаги манзарани табиий ҳолича сақлаш.
Султон Вайс	Қорақалпо-ғистон жум-хуриятида	—	—	Қембрий ва токембрий топ жинслар очилмаларини табиий ҳолича сақлаш.
Сайраб	Сурхондарё вилоятида	—	—	Сайраб қишлоғидаги кекса чинор ва у ердаги булоқларни муҳофаза остига олиш.
Обираҳмат ғо-ри	Писком топ тизмасининг жанубий қисмida			Карст ғори ва уннинг ичидағи палеолит даври археологик ёдгорликларини муҳофаза остига олиш.
«Ўзбекгидро-геология» ғори	Угом топ тизмасининг жануби-ғарбий қисми-да			Уч қаватли карст ғори, уннинг ичидағи ер ости дарё ва кўлларини муҳофаза қилиш.
Омонқўтон ғори	Зарафшон тоғ тизма-сида (Ча-қилкалон тизмаси).			Карст ғори, уннинг ичидағи ер ости дарё-куллари, ғор ётқи-зиқларини сақлаш.
Ғунтак ғори	Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғ тизма-ларida			Куп қаватли карст ғори ва уннинг ичидағи сталактит, ста-лакмит ва устунларни сақлаш.
Темурланг ғори	Зарафшон тизма тоғ-ларida			Карст ғори, уннинг ичидағи ер ости дарё ва кўлларини табиий ҳолича сақлаш.
Хужаипок ғори	Ҳисор тиз-маларida			Карст ғори ва ундан чиқаётган олтингурутли булоқ ва уннинг атрофидаги табиий ландшафтларни сақлаш.
Арашан булоғи	Оҳангарон платосида			Иссик булоқ ва уннинг атро-фидаги манзараларни табиий ҳолича сақлаш.

ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

- Агроклиматический справочник по Узбекской ССР. Вып. I. Л., 1957.
- Балашов Е. Н., Житомирская О. М., Семенова О. А. Климатическое описание республик Средней Азии. Гидрометеоиздат. Л., 1960.
- Баратов П. Урта Осиё дарёлари ва уларнинг хўжалик аҳамияти. Тошкент. «Фан», 1967.
- Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент. «Ўқитувчи», 1991.
- Баратов П., Югай Р. Л. ва бош. Табиатни муҳофаза қилиш ва узгартиш. Тошкент. «Ўқитувчи», 1980.
- Баратов П. Урта Осиё чулларининг эртанги куни. Тошкент. «Фан», 1980.
- Бельская Е. М. Животные Узбекистана. Учпедгиз, УзССР, Т., 1951.
- Бедер Б. А. Артезианские воды Юго-Западного Узбекистана. Т., 1961.
- Богданов О. П. Животные Узбекистана. Ташкент, 1961.
- Гвоздецкий Н. А. Природные районирование Средней Азии. Физико-географическое районирование СССР. Изд-во МГУ, 1960.
- Гранитов И. И., Бельская Е. М. Узбекистон усмиллакари. Т., 1961.
- Зоҳидов Т. З., Мекленбурцов Р. Н., Богданов О. П. Природа и животный мир Средней Азии. Т., 1971.
- Использование минерально-сырьевых ресурсов. Изд-во «Узбекистан», Т., 1977.
- Қашқадарьинская область, Труды САГУ. Том I. Т., 1959.
- Кенесарин Н. А. ва Султонхўжаев А. Н. Ер ости сувлари ва улардан халқ хўжалигига фойдаланиш. Т., 1962.
- Коровин Е. П., Розанов А. Н. Почвы и растительность Средней Азии как естественно-производительные силы. Труды САГУ, серия XII-а. География. вып. 17, 1938.
- Коровин Е. Н. Естественно-историческое районирование Средней Азии с точки зрения геоботаники. Научная сессия УзССР. 1947.
- Коровин Е. П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. Т., 1961.
- Корженевский Н. Л. Природа Средней Азии. Т., 1960.
- Мавлонов Ф. О., Кенесарин Н. А. Ер ости хазинаси. Т., 1960.
- Пославская О. Ю. Геоморфологическое районирование Южного Узбекистана. Изд-во САГУ, География, 1948.
- Скворцов Ю. А. Элементы новейших тектонических движений Узбекистана. Изд-во САГУ, выпуск 12а, геолог.-географич. науки, кн. I. Т., 1960.
- Средняя Азия. Изд-во «Наука», М., 1968.
- Суслов С. А. Физическая география СССР. (Азиатская часть). М., 1947, 1954.
- Сурхандарьинская область. Изд-во ТашГУ. 1961.
- Труды ТашГУ. Материалы совещания по вопросам физико-географического районирования Средней Азии и Казахстана. Т., 1961.
- Флоринский В. Е. Узбекистон илонлари. Т., 1958.
- Четыркин В. М. Средняя Азия. Т., 1960.
- Шульц В. Л. Гидрография Средней Азии. Т., 1968.
- Шульц В. Л., Машрапов Р. Урта Осиё гидрографияси. «Ўқитувчи», Т., 1969.
- Қориев М. В. Урта Осиё табий географияси. Т., 1968.
- Бабаев А. Г., Фрейкин З. Г. Пустыни СССР вчера, сегодня, завтра. М., 1977.
- Заповедные территории Узбекистана. Тошкент, 1980.

- Раҳимбеков Р. У., Донцова З. Н. Урта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. Тошкент. «Ўқитувчи», 1982.
- Раҳимбеков Р. У. Среднеазиатская эколого-географическая школа. Тошкент. «Фан», 1986.
- Гулямов П. Н. География ва табиатдан фойдаланиш. Тошкент. «Ўқитувчи», 1985.
- Акрамов З., Рафиқов А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. Тошкент, 1990.
- Орол мадад сурайди. Тошкент, 1987.
- Опустывание в Узбекистане и борьба с ним. Ташкент, 1988.
- Попов В. И., Петров Н. П. ва бошқ. Узбекистоннинг минерал-хом ашё ресурслари ва уларни ўзлаштириш проблемалари. Тошкент. «Фан», 1975.
- Тетюхин Г. Ф., Маматкулов М. М., Батунская. Некоторые аспекты рационального использования и охраны неживой природы Узбекистана. Тошкент. «Фан», 1987.
- Узбекская ССР. Главная редакция УСЭ. Т., 1981.
- Атлас Узбекской ССР. Часть первая. М. Тошкент, 1982.
- Красная книга Узбекской ССР. Том I, 1983, Том II, 1984.
- Кориев М. В. ва бошқ. Узбекистон ССР табиий географияси. Тошкент. «Ўқитувчи», 1981.
- Алибеков Л. А., Нишанов С. А. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш. Тошкент. «Ўқитувчи», 1982.
- Узбекистоннинг табиий атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ва табиат манбалидан самараали фойдаланишининг 2005 йилгача бўлган даврга дастури (лойиҳа). «Ҳаёт ва иқтисод» журнали. 1991 йил, 2-сони.
- Бабушкин Л. Н., Қоғай Н. А. Физико-географическое районирование Узбекской ССР. Научные труды ТашГУ. Вып. 231, Тошкент, 1964.
- Рафиқов А. А. Природные условия осушающегося южного побережья Аральского моря. «Фан», Ташкент, 1982.
- Рафиқов А. А. Оценка природно-мелиоративных условий земель Южного Приаралья. «Фан», Ташкент, 1984.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Биринчи бўлим. Узбекистоннинг умумий табиий-географик тавсифи	
Географик ўрни, чегаралари, майдони ва умумий тавсифи	5
Табиати ва табиий бойликларини географик ўрганиш тарихи	7
Геологик тузилиши	18
Тўртламчи давргача бўлган геологик тарихга қисқа тавсиф	19
Тўртламчи давр геологик тарихи	21
Зилзилалар	31
Фойдалали қазилмалар	36
Ўзбекистоннинг рельефи	42
Иқлими ва иқлим ресурслари	53
Ички сувлари	72
Дарёлар	74
Дарёларнинг хўжалик аҳамиятини ва сувини тоза сақлаш	88
Қўллари ва сув омборлари	90
Ўзбекистон ер ости сувлари	96
Тупроқлари	99
Ўсимликлари	111
Ўсимлик ресурслари ва уларни муҳофаза қилиш	116
Ҳайвонот дунёси	122
Ўзбекистон табиий бойликларини муҳофаза қилиш	135
Ўзбекистон ландшафтлари ва табиий ёдгорликларини муҳофаза қилиш. Кўриқхоналар	145
Иккинчи бўлим. Узбекистоннинг табиий-географик районлаштирилиши	147
Табиий-географик районлаштиришнинг баъзи бир назарий ва услубий масалалари	147
Ўзбекистоннинг текислик провинцияси Ўстюрт округи	150
Кўйи Амударё округи	157
Кизилкум округи	163
Кўйи Зарабфон округи	170
Ўзбекистоннинг тоголди ва тоб провинцияси	181
Тошкент-Мирзачул округи	181
Фарғона округи	188
Үрта Зарабфон округи	196
Қашқадарё округи	204
Сурхондарё округи	209
Ғарбий Тяншань округи	215
Туркистон-Нурота округи	226
Ҳисор-Зарабфон округи	233
Боботоғ округи	244
Иловалар	247
Фойдаланилган адабиётлар:	262